ТОҲИР МАЛИК

ШАЙТАНАТНИНГ ЖИН КЎЧАЛАРИ

ҚИССАЛАР

Тошкент
«Янги аср авлоди»
2015

УЎК: 821.512.133-3 – Ўзбек адабиёти
КБК: 84(5Ўзб)7
~~Т 21~~ – N122

Малик Тоҳир. Шайтанатнинг жин кўчалари (қиссалар). – Т.: «Янги аср авлоди», 2015 . – 544 б.

ISBN 978-9943-27-456-3

Азиз фарзандларимизга «Қозонга яқин юрсанг – қораси юқади, ёмонга яқин юрсанг – ёмонлиги юқади», деб тарбия бериб, уларнинг ёмонлар таъсирига тушиб қолишидан асраймиз. Аммо, афсуски, «Асраган кўзга чўп тушади», деганларидек, айрим оилаларнинг суюкли фарзандлари тўғри йўлдан чекиниб, жиноят оламининг аянчли кўчасига кириб қолади. Биз «қора қозон»га ўхшатаётган жиноят олами ёшлар кўзига жилваланиб кўринади. Ташна одамни саҳро сароби ўзига тортгандек тортаверади.

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Тоҳир Малик жиноят оламини «Шайтанат» – шайтонлар етовидаги олам деб атаган. Сиз, азизлар бу асарни ўқигандирсиз. Ёзувчи бу мавзуни давом эттириб, «Шайтанат»нинг турфа олами» рукнида яна бир неча асарлар ёзди. Шулардан иккитаси жамланиб, унга изоҳ сифатида сўз боши ёзилиб, фарзандларни тўғри тарбия этишда, ўша «қора қозон»дан эҳтиёт қилишда ёрдами тегармикан, деган хайрли ниятда бу китобга тартиб берилди.

УЎК: 821.512.133-3
КБК: 84(5Ўзб)7

ISBN 978-9943-27-456-3
© Тоҳир Малик, «Шайтанатнинг жин кўчалари». «Янги аср авлоди», 2015 йил.

2016/9 | Alisher Navoiy nomidagi O'zbekiston MK
A 562

Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм.

«Албатта, Аллоҳ одамларга ҳеч зулм қилмас, лекин одамлар ўзларига зулм қилурлар» (Юнус сурасидан).

«Зулм қилганлар азобни кўрган вақтларида, улардан у енгиллатилмас ва уларга муҳлат ҳам берилмас» (Наҳл сурасидан).

«Эй Одам фарзанди, билгинки, Мендан бошқа ёрдамчиси йўқ бечораҳол одамга зулм қилганларга нисбатан газабим қаттиқ... Ёмонлик ва ёвузликлардан ўзингни узоқ тут. Зеро, ёмонлик дўзахнинг калитидир. Бу калит ўз эгасини албатта дўзахга бошлаб боради... Эшитгин, кимики бир мискинга жабр қилса, мен уни Қиёматда чумоли сифатида хору зор қилиб тургизаман.

Эй Одам фарзандлари! Мен зулмни ўзимга ҳаром қилдим, бас, бир-бирингизга зулм қилманглар!» («Ҳадиси Қудсий»дан).

ШАЙТАНАТНИНГ ЖИН КЎЧАЛАРИ

Шайтонлар бошқарувчи олам

2012 йилнинг ёз чилласи табиатининг инжиқликлари, ҳаттоки фожиалари – қайдадир ўрмон ёнғинларининг бўйсунмаслиги, қайдадир тўфон қудратининг машъум асоратлари, қайсидир вулқоннинг уйғонганлиги, Қуёшдаги кучли портлашларнинг заминга таъсири... кундалик гап-сўзларда иккинчи ўринга ўтди. Салом-аликдан кейин бошланадиган мавзу Лондондан олинаётган хабарларга

тааллуқли бўлиб қолди. Фақат спортчилар эмас, миллиардлаб мухлислар олимпия ўйинларини тўрт йил кутишди. Спортчилар, устозлар бу мусобақаларга тўрт йил давомида тинимсиз тайёргарлик кўрганлари сир эмас. Шунингдек, Англия бу ўйинларни ўтқазиш ҳуқуқини қўлга киритганидан бери миллиардлаб маблағ сарфлаб, тайёрлангани ҳам барчага маълум. Санъат аҳлидан тортиб тижорат аҳлигача бу кунларга олдиндан тайёрланишганини биламиз. Лекин яна бир оламнинг вакиллари бу кунларни орзиқиб кутдилар, астойдил тайёргарлик кўрдилар ва... «майдонга тушиб» ўз ҳунарларини кўрсатдилар. Буларни «чақирилмаган меҳмонлар» десак ҳам бўлади. Спортчиларни, санъаткорларни кўрганда мухлислар олқишлашади. Чақирилмаган меҳмонларни эса ҳеч ким кўрмайди, фақат... қолдирган нохуш изларига гувоҳ бўлишади-ю, лаънатлашади. Булар кимлар? Ҳа, тўғри топдингиз, булар – ўғрилар. Улар ҳам худди спортчилар каби дунёнинг турли мамлакатларидан келишган. Келишдан аввал нозик бармоқларини қайта-қайта машқ қилдириб, чўнтак ёки ҳамён кесиш бўйича маҳоратларини оширишган.

Лондон олимпиадасига ўғрилар оқимининг оқиб келиши янгилик эмас. Қаерда шу каби маросимлар ўтказилса, қаерда одамлар кўп тўпланса, ўша ерда албатта ўғрининг ўрни бўлади. Шундай жойларда полиция хизмати кучайтирилади, аммо кейинги йилларда уларнинг диққат-эътибори асосан террористларнинг пайини қирқишга қаратилган. Бундан ўғрилар олами усталик билан фойдаланади. Ҳатто Ҳаж маросимига ҳам ўғрилар устларига эҳром ташлаб, мўмин-мусулмон қиёфасида кириб келадилар. Ҳатто Каъбада ҳам жиноят қилишдан ўзларини тўхтата олмайдилар. Маккаи мукаррама кўчаларида қўллари кесилган ўғриларнинг тиланчилик қилиб ўтиришлари ҳам турли мамлакатлардан келган ўғриларга сабоқ бўла олмайди. Ҳатто Каъба атрофидаги жинояти учун, қўл кесилишидан ташқари яна ўлимга ҳукм бўлишлари ҳам уларни қўрқита олмайди.

Жиноят оламини «Шайтанат» яъни, «шайтонлар олами», янада аниқлаштирсак, «шайтонлар бошқарувчи олам», деб таърифлаймиз. «Қозонга яқин юрсанг, қораси юқади», деган мақол бор. Жиноят оламини ана шу қораси юқувчи қозонга ҳам ўхшатишимиз мумкин-у, лекин гап шундаки, жиноят қорасини юқтирувчи бу қозон, бу шайтонлар олами кўзга кўринмайди, шуниси чатоқ. Кўзга кўринмас, аммо одамларга азоб берувчи бу олам қачон пайдо бўлган, бу оламнинг тоғлари борми, даштлари борми?

Биринчи жиноят – қотиллик Одам Атонинг ўғиллари Қобил томонидан амалга оширилган. Укаси Ҳобил уйланиши керак бўлган синглисини талашиб ўлдиргани ривоятлар орқали бизга етиб келган. Демак, одамзоднинг маълум бир қисми Қобилдан тарқалган. Эҳтимол, бугунги жиноятчиларнинг шажараси ўша Қобилга бориб тақалар? Бу шунчаки гумон, ҳақиқатни эса Аллоҳ билади.

Нима бўлганда ҳам, биз яшаётган чиройли олам билан ёнма-ён кўринмас шайтанат олами ҳам бор. Неча минг йиллардан бери у соя каби эргашиб юради: чопса чопилмайди, кўмса кўмилмайди. Барча замонларда, давлатларда жиноятчиликка қарши тўхтовсиз кураш олиб борилган. Айрим ҳукмдорларнинг тадбирлари бу борада яхши самара ҳам берган. Масалан, Соҳибқирони акбар, ҳазрати Амир Темур замонларида ўғрию қароқчиларнинг пайи қирқилгани маълум. Дейдиларки, бир болакайнинг бошига тилла танга тўла саватни қўйиб, йўлга чиқарилса, бу бола мамлакатни айланиб чиққунича йигит ёшига етади, аммо саватдаги битта танга ҳам камаймайди. Қайсидир шаҳарда ўғрилик қилинса-ю, жиноятчи топиб жазоланмаса, ўша шаҳар беги жазоланган ва дейилганки, «жиноятчига шериксан, шерик бўлмаганингда у бемалол жиноят қилмас эди ва қочиб қутулмас эди». Ҳозир Россия ёки дунёнинг бошқа мамлакатларидаги жиноятчиларнинг давлат идоралари амалдорлари ёки полиция зобитлари билан ҳамкорлиги ҳақидаги хабарларни эшитганимда Амир Темурнинг ўша тадбирларини эслайман.

Даврлар ўзгарди, кучли давлатлар емирилди, ўрнига бошқалари қад ростлади. Одамларнинг тирикчилиги, дунёқараши ўзгарди. Дунё катта-кичик урушлар туфайли қонга ботди. Урушлар ҳозир ҳам давом этяпти, ҳозир ҳам инсон қони дарё бўлиб оқяпти. Бу урушлар тарих китобларида ўз баёнини топган, топяпти.

Жиноят оламида ҳам ўзгаришлар бўлди. Бу оламда ҳам катта-кичик урушлар бўлди, ҳозир ҳам давом этяпти, ҳозир ҳам инсон қони тўкиляпти. Лекин бу фожиалар тарих китобларида эмас, полиция идораларининг дафтарларида зикр этиляпти. Иккинчи жаҳон урушида Совет иттифоқида қанча, Олмонияда неча миллион одам ўлдирилгани айтилади. Лекин ҳудди шу даврда, шу давлатлар ҳудудида жиноятчилар томонидан қанча одам ўлим топгани ҳақида маълумот йўқ.

Йигирманчи асрга «Атом асри», «Космос асри» каби сифатлар бериларди. Тўғри, фан-техника ривожи кучли бўлди. Айни дамда шайтанат олами тинч тургани йўқ. Фан-техника тараққиётидан у ҳам баҳраманд бўлди. Айниқса, ҳарбий аслаҳалар ва шунга ўхшаш бошқа таъминотларда у пешқадамдир. Бирон бир янгилик яратилса-ю, жамият уни қабул қилишга иккиланиб турса, жиноят олами дангал ҳаракат қилди. Масалан, бугун қурилишларимизда иш бераётган газпайванд (автоген) Англияда кашф қилинган. Кашфиётчининг чизмаларини олимлар «бўлмаган гап!» деб рад этишган. Бундан хабар топган ўғрилар олим ҳузурига келиб, «шу асбобингиз пўлат сандиқни теша оладими?» деб сўрашган. Кашфиётчи олим «ҳа», дегач, унга пул беришган. Чизмалар асбобга айланган ва ўғрилар қўлига ўтган ўша биринчи автоген Лондондаги катта банкнинг пўлат сандиғини кесиб бериб «синов»дан ўтган. Ғалати манзара: олимлар рад этишган, ўғрилар эса амалда синаб беришган!

Даврлар ўзгариши билан жиноят оламининг услублари ўзгара борди. Якка-ёлғизликдан уюшишга ўтилди. Илгари бирон-бир амалдорга пора бериб ишини битирган

ўғри энди бундай майдалашмайди, энди у «ёлғиз бўри» эмас. Энди у уюшган тўда, демак, у маълум қудратга эга. Энди у бир идора ходимини ўзи томон оғдиришга ҳаракат қилмайди, энди у губернаторни, мэрни ёки ундан каттасини ишга қўйиш ёки олиб ташлаш қудратига эга бўлиб қолди. Аввалги ўғри дўконни ёки банкни уриш учун том тешса ёки лаҳм кавлаган бўлса, энди тўппонча яланғочлаб, тўғри бостириб киради, қаршилик билдирганни шартта отиб ташлайди. Ўн доллар олиш учун ўн одамни ўлдиришдан ҳам тоймайди.

Шайтанат олами аҳолиси сон жиҳатдан қай даражага етди, камайдими ё кўпайдими, буни ҳеч ким айтиб бера олмайди, лекин сифат жиҳатдан даражаси ошгани сезилиб туради.

Бугунги кунда шайтанат оламида «киллер» – ёлланма қотил «касби» пайдо бўлди. Дунёнинг ҳали у шаҳри, ҳали бу шаҳрини «ҳирсий маньяклар», канибаллар – қиз-жувонларни зўрлаб, ўлдириб, гўштини еювчи ваҳшийлар титроққа соляпти (бу хусусда сал кейинроқ яна алоҳида сўз юритамиз). Ёш болаларни, қизчаларни зўрловчи «педофил»лар ҳатто черков ходимлари орасида пайдо бўляпти. Булар камлик қилиб, «одам савдоси» деган гаплар чиқди. Қотилларнинг ваҳшийлиги эса ақл бовар қилмас даражага етди. Ўтган йили Норвегияда содир бўлган фожиани эслайлик. Дам олаётган ёшларни аёвсиз ўлдирган кимсани «одам» дейиш мумкинми? Бундай фожиалар оқими сира тўхтамаяпти. Лондон олимпиадасида америкалик спортчилар олтин медалларни қўлга киритиб, ҳаммани қойил қилаётган дамларда Колорадодаги қотил кинотеатрга кириб ўнлаб томошабинларни ўлдирди, яралади, бошқаси сикҳлар ибодатхонасига кириб художўйларни ўққа тутди. Ўқувчиларнинг устозлари ёки тенгдошларини отиб ташлаётгани одатий ҳолга айланиб қолди, десак ҳам бўлади. Бундай жиноятларнинг келиб чиқиш сабабларини ҳали ҳеч ким ўрганиб, айтиб беролгани йўқ. Тахминлар бор холос. Сабаб аниқланмас экан, бундай жиноятларнинг олдини олиб бўлмайди.

Ҳар бир одам жамиятни жиноятчиларсиз равнақ топишини истайди. Ҳеч кимнинг боласи жиноятчи бўлиб туғилмайди. Ҳеч қайси ота-она фарзанди туғилганда «ўғлим (ёки қизим) ўғри бўлсин, гиёҳванд бўлсин», деб орзу қилмайди. Лекин афсуски, маълум ёшга етганда айримлар жиноят кўчасига бурилиб, шайтанат оламига кириб кетганларини ўзлари ҳам билмай қоладилар. Дунёдаги тараққий топган мамлакатларда туғилиш камайган, аҳоли ўсиш суръати пасайган. Лекин жиноят оламида бу тушкунлик йўқ. Нега?

1982-83 йилларда тоғам, машҳур ёзувчи Мирзакалон Исмоилий қайсар ўсмирнинг оқибатда жиноятчига айланиб қолиши мумкинлиги ҳақида асар ёзмоқчи эканликларини айтдилар. У дамларда тоғамнинг сиҳатлари яхши эмасди. Шунга қарамасдан ёшларга бир ибратли гап айтгилари бор эди. Ички ишлар вазирлигидагилар билан маслаҳатлашиб, ёзувчини ўсмир жиноятчилар сақланадиган «ахлоқ тузатиш меҳнат колонияси» деб аталмиш қамоқхонага юбордик. Тоғам кун бўйи ўша ердаги болалар билан танишиб қайтдилар. Мен тоғамни кутиб олиб: «Болаларни кўрдингизми?» дейишим билан кўзларида ёш кўринди. Йиғидан ўзларини тутолмай: «Ўша болалар қамоқда ўтирадиган болаларми? Ўқийдиган, ўйнаб куладиган вақтларида-я!?» – дедилар. Тўрт йил урушда ваҳшийлигу даҳшатларни кўриб йиғламаган, туҳмат билан қамалиб ётганида ҳам кўзларида ёш кўрсатмаган бу одам ўсмир жиноятчиларни кўрганларида чидай олмадилар. Оғир хасталикларига қарамасдан «Ўзингдан кўр» деб номланган ахлоқий қисса ёздилар. Бу ёзувчининг сўнгги асари – васияти бўлиб қолди.

Ўша саволни ҳар бир одам, миллати, яшаётган мамлакатидан қатъи назар, тез-тез такрорлаши керак: нима учун болалар жиноят оламига кириб қоладилар? Адашибми? Нима учун катталар улар адашгунларича қараб турадилар? Бу муаммо бир мамлакатнинг муаммоси эмас, дунё муаммоси. Жиноятчиликни бир мамлакат ҳудудида янчиб, адо қилиб бўлмайди. Тўғри, маълум бир мамла-

кат, маълум вақт мобайнида бу борада маълум ютуққа эришиши мумкин. Таъбир жоиз бўлса, юқумли касалликни бир мамлакат енгиши мумкин, лекин қўллаган чора-тадбири сал сусайса, қўшни мамлакатлардаги хасталик яна ёпирилиб кираверади. Шайтанат оламининг юқумли микробларини тўхтатишга «Интерпол» аталмиш ташкилотнинг кучи етмайди.

Ҳамонки жиноятчиларнинг оламини «шайтанат олами» деган эканмиз, бу оламнинг ўз тоғлари-ю, саҳролари мавжудлигидан ташқари ўз шаҳарлари ҳам бор. Шаҳарда эса жин кўчалар ҳам бўлади. Тоғлар ва катта майдонлар билан ҳам вақти келганда танишармиз. Ҳозирча бу оламнинг жин кўчаларига назар ташласак, деган ниятда сиз, азизларни суҳбатимиздан баҳраманд бўлишга чорладик.

«Қонундаги ўғрилар» кимлар?

Биз жиноятчи деб биладиган оламнинг ўзига яраша одатлари, анъаналари мавжуд. Ўзига яраша мартабаю «унвонлари» ҳам бор. Ўзига яраша улуғларию хиёнаткорларидан ҳам ҳоли эмас. Ўғрилар жиноят оламининг энг юқори табақаларидан ҳисобланади ва уларни русларда «Цветная масть» деб аташ расм бўлган (ўзбекчасига «Тож гули» десак ҳам бўлади). Маълумки, ҳар бир мамлакатни давлат бошлиғи бошқаради. Давлатнинг асосий ва қўшимча қонунларига риоя этмоқлик барчанинг бурчи саналади. Жиноят оламидаги бу юқори мартабани эса ўғрилар эгаллашган. Мана шу олий табақа бутун жиноят оламини бошқаради. Тиззаларидаги икки юлдуз татуировкаси «Давлат олдида тиз чўкмайман», деган аҳдни англатади. Ҳа, улар жамият риоя қилувчи қонунларни тан олишмайди. Уларнинг олами ҳам, қонуни ҳам бошқа.

Жиноят оламида «Қонундаги ўғри» («Вор в законе») деган тушунча ҳам бор. Тўғрироғи, бу оддий тушунча эмас, балки юқори мартаба, унвон ҳисобланади. «Қонундаги ўғри» номини олиш учун, бу мартабага етиш учун

кўп синовлардан ўтиш керак. У шунчаки оддий ўғри эмас, «рецидивист», яъни бир неча марта қамоқда ўтирган бўлиши, мартабали ўғриларнинг эътиборини қозонган бўлиши шарт. Ҳам ёзма, ҳам оғзаки тавсияномалар берилгач, ўғрилар тўплантисида юқори мартабали тўдага қабул қилинади. Тавсиянома берган қонундаги ўғрининг масъулияти ғоят юқори ҳисобланади. Тож кийдирилган ёш ўғри бирон хато қилса, тавсия берувчига ҳам лаънат ёғилади. Тўпланти тавсияномаларни шунчаки тасдиқлаб қўя қолмайди, балки сафга қўшилаётган ўғри ҳаётининг икир-чикирларигача ўрганиб чиқади. Шунинг учун ҳам тож кийдирилган ўғрилар бу олам учун ғоят садоқатли бўладилар. Ўғрилар иши жон фидо қилишга ҳамиша тайёр турадилар. Мартабали ўғрилар сафига қабул қилиш билан бирга унинг сафидан чиқариш жараёни ҳам мавжуд. Кимки бу оламга нисбатан хиёнат қилса ёки бошқа гуноҳга йўл қўйса, бошидаги тождан мосуво қилинади. Бош тождан мосуво бўлгач, жони омон қоларканми?

Хатога йўл қўйган ўғри, ёши ва мартабасидан қатъи назар жазоланади. Жазо гуноҳга қараб белгиланади: энг кичик гуноҳ, айтайлик, ҳақорат учун кўпчилик ҳузурида тарсаки туширилади. Жазонинг иккинчи турида мартабаси пасайтирилади. Энг кўп тарқалган ва энг оғир жазо – ўлим. Тўпланти жазони ижро этиш тарзи ва усулини белгилаб беради. Ҳукм муҳокама этилмайди, қайта кўрилмайди, жазога лойиқ ўғрининг аввалги хизматлари ва ҳурмати ҳам эътиборга олинмайди. Айбланувчи қочгудай ёки беркингудай бўлса, то тутиб ўлдирилмагунча тўда тинчимайди. Жазони ижро этиш кўпинча кўпчилик иштирокида бўлади. Шундай маросимлардан бири Москва атофидаги Малахов ўрмонида юз бергани маълум. Айбланувчининг гуноҳи аниқ. Йўқ, у ўғрилар ақидасига хиёнат қилмаган, шеригини сотмаган. «Оқсоч» (Седой) лақабли ўғри очкўзлик қилиб, киссавурликдан тушган пулнинг бир қисмини ўмариб қолган. Бу ўзиникини ўғирлашга киради ва олий жазо билан жазоланади. Оқсочни

ўрмонга маишат учун таклиф этиб олиб борадилар. Бу ерда уни кутиб турган ўттиздан зиёд мартабали ўғрилар гапни чўзмай, айбини бўйнига қўядилар. Оқсоч тиз чўкиб, «сўйманг, мартабамни туширинг, ялангоёқлар (босяк) орасида юрсам ҳам майли», деб ялиниб-ёлворади. Бу оламда ялиниш паст кетиш ҳисобланади, пасткашга эса ҳеч қачон шафқат қилинмайди. Тўдада ёши каттароқ ҳисобланган Ваня тоға лақабли ўғри ўлим талвасасида турган Оқсочга раҳм келгандай унга сигарет тутади. У эса ароқ сўрайди. «Ма, тўйгунингча ичиб ол», деб сийлайдилар. Маҳкум бир шишани бўшатса ҳам, мастлик нишонаси сезилмайди. Ваня тоға жазо турини ўзгартиришни, сўйиш ўрнига отишни таклиф қилади. Таклиф тасдиқлангач, Оқсочнинг қўлига тўппонча тутқизишади. Тўппончада биттагина ўқ бор. Унга мардларча ўлиш имконини шу тарзда берадилар...

Ёшларни баланд мартабалилар сафига қўшиш озодликдаги тўплантида тантанали равишда ўтказилади. Бўлажак тождор: «Мен ҳалол ўғлон сифатда ўғриларнинг шарафли йўлини танладим, тўплантига йиғилган мўътабар ўғрилар ҳузурида онт ичаманки, ўғрилар оиласига муносиб бўламан, ментларнинг ҳеч бир айёрлигига алданиб қолмайман», деган маънода қасамёд қилади. Ёшларни қабул қилиш қамоқхона шароитида ҳам амалга оширилган. Масалан, бир қамоқхонада ўнта қонундаги ўғри ўтирган бўлса, тавсиялар асосида сиртқи тўпланти ташкил этилган. Муҳокама мактуб (улар тилида «ксива») орқали амалга оширилган. Дастлаб мактубда тавсия этилаётган «гўдак» (малютка)нинг фазилатлари баён этилади: бу гўдак ёш бўлишига қарамай, етарли фазилатларга эга ва ўғрилар олами учун етарли хизмат қилган. Чунончи унинг ҳаётдаги интилиши ва одоби ўғриларга хос; ҳамиша интизомни бузади; кучайтирилган тартибдаги баракдан ташқарига чиқмайди; ўғриларнинг топширифига биноан бир неча ой мобайнида қамоқхонада маҳбуслардан пул йиғиш билан шуғулланди. «Ёш бўлса ҳам ақли бизларга мос. Шундай боланинг сафимизга кириб

келишидан қувонамиз», деб якунланган тавсияномага бошқа камерадагилар «Биз унга ишонамиз, уни Худо ҳамиша қўллайди», «Унинг қалби тоза бўлса, бизнинг бахтимиз», деб қувватлашади.

Олий ўқув юртига кирмоқ учун синовларда баъзан пул иш беради. Билимсиз бола ҳам айрим ҳолларда пулнинг кучи билан ўқишга кириб қолиши мумкин. Аммо «Қонундаги ўғри»ликка кириш имтиҳонида ҳеч қандай пул, таниш-билиш ўз сўзини утказа олмайди. Ҳар ҳолда кейинги ўн-ўн беш йилга қадар шундай бўлган. Уларнинг қонунига биноан, қамоқхонага тушмаган ўғрига юқори мартабалар берилмаган, «тож» кийдирилмаган. Бу оламда «Ўғри қамоқхонада ўтириши керак!» деган дабдабали шиор мавжуд. Айрим ўғрилар бу шиорга кўра, қамоққа тушгач, чиқишга шошилишмайди, балки чўзишга ҳаракат қилишади. Улар ўзлари ўтирган «зона»ни бошқаришдан ташқари ёш ўғриларни тарбиялаш билан ҳам шуғулланишади. «Ўғри қамоқхонада ўтириши керак!» деган шиорнинг «арзирли иш учун ўтириши шарт» деган иловаси ҳам бор. Ношудлиги учун ёки хоинлиги учун қамоққа тушиб қолиш уларга шараф келтирмайди. Ўғирлик чоғида қотиллик қилишдан ҳам эҳтиёт бўладилар ва бу жиноятни «шилта иш» (мокруха) деб атайдилар. Фақат ўз жонларини сақлаш учунгина қўлга қурол олишлари мумкин. Бу қонунларга ҳам кейинги йилларда ёшлар аҳамиятсиз қарайдиган бўлганлар. Ўғриларнинг умум хазинасига (обшак) кўпроқ пул ўтказган ўғрига ҳам тож кийдирадиган бўлиб қолишган. Бундайларга катталар «лаврушник» деб лақаб бериб, сафларига қабул қилишдан бош тортдилар. «Апельсин» лақаби билан танилган ўғри тождорлар сафига шундай кириб келган. Ўғриларнинг катта авлоди буларни тан олмайди ва бир-икки суҳбатдаёқ фош этади. Қамоқхона кўрмаган ўғри дарров тилидан тутилади. Чунки қамоқхонанинг ўзига яраша «тил бойлиги» бор ва ўғрилар асосан шу тилда сўзлашадилар. Айрим ибораларни фақат уларнинг ўзларигина тушунадилар. Масалан, бирон маҳкумга нисбатан «трамвайга

қўйилсин», деган амр бўлса, номусга тегиш айби билан қамалгани учун бу ерда ўзига яраша жазо олади. «Раскладушка» ҳақида гап кетса, билмаганлар йиғма каравотни тушунадилар, ўғрилар эса бузуқ хотин ҳақида гапираётган бўлади.

«Қонундаги ўғри» атамасини «қонуний ўғри» деган маънода тушуниш керакмас. Айрим биродарларимиз бу мавзуда ёзганларида «Вор в законе»ни «Тоза ўғри» деб ҳам таржима қилибдилар. Бу унчалик тўғри эмас. «Қонундаги ўғри» — ўғрилар оламининг қонун-қоидаларини ҳеч бир оғишмай амалга оширадиган, ўғрилик одатларига содиқ, ўғри дўстларига ҳеч қачон хиёнат қилмайдиган, бутун ҳаётини шу оламга бағишлаган одамдир. «Қонундаги ўғри» деган тушунча қачон пайдо бўлгани ҳақида аниқ бир маълумот йўқ. Ҳар ҳолда ўтган асрнинг иккинчи чорагига келиб, фуқаролар уруши алангаси босила бошлангач, ўғрилар ҳаётида ҳам маълум ўзгаришлар содир бўлган. Улар «сиёсатга ҳам, давлат ишларига ҳам аралашмаслик керак, ўғри фақат ўғирлик билан шуғуллансин» деган тўхтамга келиб, бу борадаги ўз қонунларини ишлаб чиқишгач, «қонундаги ўғри» деган юқори мартаба шаклланган, деган тахминлар бор. Яна бир тахминга кўра, бу номни уларга НКВД ходимлари 20-30 йилларда беришган. У вақтда бу ибора «ашаддий ўғри», «ашаддий жиноятчи» деган маъноларда қўлланилган. Ўғрилар эса ўзларининг юқори табақаларини «Ҳалоли» (честняга) деб аташган. Яъни энг яхши ўғри — ҳалол ўғри. Биз учун бу кулгили туюлади. Чунки ўғрилик, талончилик жиноят ҳисобланса, шайтон йўлидаги ҳаром ишлардан бўлса-ю, яна унга «ҳалоли» деб сифат берилса. Ҳа, ажабланарли ери ҳам шунда. Жамият уларни жиноятчи деб ҳисоблайди, улардан нафратланади ва уларни жазолайди. Улар эса ўзларини жамият устидан ҳукмронмиз, деб ҳис этадилар. Улар жамиятдаги ҳеч қандай қонун-қоидаларни тан олмасдан яшайдилар. Уйланмайдилар, уларга «оила» деган муқаддас тушунча бегона (тўғри, кейинги йилларда ўғрилар оламининг ёш

аҳолиси бу қонунга бўйсунмай қўйган, кўпларининг оиласи бор, шу сабабли ёшлар ва кексалар орасида жиддий келишмовчиликлар, ҳатто зиддиятлар келиб чиқади). Кўп ўғриларнинг баданига татуировка қилиб, «Унутмасман сени, онажон!» (Не забуду мать родную) деб ёздириб оладилар. Бу аҳдда туққан онаси эмас, балки она ўрнига она ҳисобланувчи ўғрилар оиласи назарда тутилган. Ўғри давлат ишида ишламайди. Сиёсатга аралашмайди, ҳатто газета ўқиши мумкин эмас. Бунинг ўрнига қимор ўйнашни билиши шарт. У «ўғрилар ғояси»га ҳар қандай ҳолатда содиқ қолади. Қийноқлар туфайли ёки афюн кайфи таъсирида ёки бошқа сабаб билан, ҳатто эси оғиб қолиши туфайли сотқинлик қилган бўлса-да, айби кечирилмайди. Ўғрилар оиласининг ҳар бир аъзоси орасидаги муносабат ака-укадан ҳам афзал билиниб, бир-бировини уриш у ёқда турсин, ҳақорат қилмоғи ҳам ман этилган. Ўғри фарзанд тарбияламайди, балки ёшлар орасидан ўзига мосини танлаб, тарбиялайди.

Иккинчи жаҳон урушидан кейин жиноят оламининг табақаланиши тезлашди. Аввало, жарима батальонларида (штрафбат) жанг қилиб тирик қайтган жиноятчи-жангчилар ҳукуматдан қурол олдилар. Ўғриларнинг ҳукумат билан муроса қилиши жиноят оламининг қонунига мутлақ зид бўлгани сабабли уларга «қанжиқ» деган «мартаба» берилди. (Уруш арафасида ёки уруш даврида қўлга тушиб қамалган ўғриларга «тирик қолишни истасанг, жангга бор», деб таклиф қилишган. Уларнинг айримлари бунга кўнганлар. «Штрафбат»да, яъни жанг майдонининг энг олдинги сафида тирик қолиш амри маҳол бўлсада, уларнинг айримлари қамоқ азобларидан кўра ҳаётмамот жангини афзал кўрганлар. Кўпчилиги қирилиб кетган, айримлари асирга тушган, оз қисмигина тирик қолган).

Уруш пайтида ғарбий Европага кетиб қолган айрим жиноятчилар урушдан кейин тижорат билан шуғуллана бошлашган. Ўғрилар қоидасига кўра, бу ҳам мумкин бўлмагани сабабли уларни «польшалик ўғрилар» деб атай

бошлашди. Мана шулар ва шуларга ўхшаб ўғри номусини қадрлай олмаганларга «эшилувчи ўғрилар» деган ном берилди. Эллигинчи йилларнинг атрофида шу каби гуруҳлар орасида ўзаро «уруш»лар бўлиб турди. Бу урушлар аёвсиз эди. Кўпнинг ёстиғини қуритди. Оқибатда жиноят олами фуқаролари орасидаги «қонундаги ўғри»ларнинг сони кескин камайиб, фақат 3-4 фоизнигина ташкил этди. Кейинчалик бу рақам аста-секин ошиб борди. Шу билан бирга, ўғрилар олиб бораётган ишларида ҳам сифат ўзгаришлари юз берди. Ҳуқуқ идоралари уларни қўлга олиш бўйича услубларини мураккаблаштирганлари сайин «тож гули» ҳисобланмиш олий табақа ҳам улардан қутулиб қолиш услубларини шу қадар такомиллаштириб бораверди.

70-80 йилларда компартиянинг калтабинлиги туфайли жиноят кодексларидан «бандитизм», «шайка», «уюшган жиноятчилик» каби тушунчалар чиқариб ташланди. Собиқ иттифоқ даврида гўё бундай хавфли жиноятчилар йўқдай кўрсатилмоқчи бўлинди. Компартиянинг бундай нодон сиёсатидан жиноят олами унумли фойдаланди ва ривожланди. Оқибатда аввал 300 ўғри расмий равишда «қонундаги ўғри» тожини кийган бўлса, кейинчалик уларнинг сони 1500 дан ошди. Бу усталик жиҳатидан малакалари ошган, ўғрилик номуси қоидаларига риоя қила оладиган ёшлар сафи кенгайди, демакдир. «Ўғрилик» деганда биз уйга бостириб кирадиган, йўлда тунаган ёки чўнтак кесган одамларни тушунамиз. Тўғри, бу ҳам ўғирлик, аммо бу олам йўлидаги биринчи босқичлардан ҳисобланади. Буларни уларнинг ўзлари «Дайди» (бродяга), «Ялангоёқ» (босяки), «Чўнтаккесар (киссавур)» (ширмач), ёшроқларини эса, «Қўнғизча» (жучок, қизларни жучка — «лайча ит») деб атайдилар.

Ўғрилар дуч келган жойга шўнғиб кетавермайдилар. Уларнинг ўзларига яраша ҳунарлари бор. Бу оламда киссавурлик алоҳида маҳорат талаб қилгани учун улар уй ўғрилари ёки идора ўғриларига қараганда юқорироқ мартабага эгалар. Ўз ўрнида киссавурлар яна табақаларга

бўлинадилар. Уларнинг айримлари бозорларга мосланган бўладилар ва улар «бозорчилар» (рыночники) деб аталадилар, ҳунарларини метрода кўрсатувчи тоифани «юмронқозиқ» (кроты), темир йўлдагиларни «майдончилар» (майданщики), шаҳар транспортида кун кўрувчиларни «пойгачилар» ёки «маршрутчилар» (гонщики, маршрутники), дўконлар ва томоша жойларида маҳоратларини намоён қилувчилар «дўкондорлар» ёки «театрчилар» («магазинные», «театральные»), кўча-кўйда ов қилувчилар «йўлчилар» (уличные) деб аталадилар. Вақти-вақти билан улар «иш жойлари»ни ўзгартириб туришлари ҳам мумкин. Лекин кўплари ўз услубларига содиқ қолишни афзал биладилар. Киссавурлик четдан қараганда бир хил кўринса-да, ўғрилар олами бу соҳада турли услубларда иш юритади.

Ўткир тиғ ёрдамида кийим, портфель ёки сумка кесишга уста киссавурлар «бадхатлар» (писаки) деб, қўлини кийим ёки қандайдир буюм орқасига беркитиб ўғирловчилар «ниқобчилар» (ширмачи), чўнтакдаги ёки халтадаги пулни махсус ясалган қармоқ билан олувчилар «балиқ овловчилар» (рыбаки), яхшилаб яширилган пулни пинцет (тиббий қисқич) ёрдамида усталик билан олувчилар «хирурглар», одамлар тўпланган жойларда ҳеч бир ёрдамчи ашёсиз иш кўрадиганлар «чимчилоғич» (щипачи), кескин ҳаракатлар ёки туртиб-суртиш жараёнида иш битирувчилар «титратгичлар» (трясуны), аёллар сумкасини ўмарувчилар «сумкачилар», хўжалик халтасидаги пулни ўғирловчилар энг паст табақа ҳисобланади ва «тўнка» (дубило) лақаби билан аталади.

Киссавур асосий ишни ўзи бажарса-да, атрофида ҳамиша ёрдамчилари бўлади. У ҳамённи кесиб, пулни олади-ю, ёнида сергак турган ёрдамчисига узатади. Ёрдамчи кўп ҳолда оёқ-қўли чаққон ўсмирлардан иборат бўлади. Ўғридан пулни олган ёрдамчи олдиндан белгиланган йўналиш бўйича қочади. Агар уни кимдир қувласа, пастқам жойдаги пистирмага дуч келади. Ўғрини ушламоқчи бўлган одам икки-уч бақувват йигитнинг тепкисини еб,

баъзан чалажон бўлиб ётиб қолаверади. Ўғирлик шу тарзда аниқ режа билан амалга оширилгани учун ҳам, ҳуқуқ идоралари уларни қўлга ололмай, баъзан иложсиз қоладилар.

Уйларга турли усулларда кириб ўғирлик қилувчилар ўғрилар оламида кенг тарқалган. Ўғирликларнинг тахминан 40 фоизи шу тоифа зиммасида. Қўлга тушувчилар ҳам кўпроқ шу тоифадан. Киссавурларга нисбатан уй ўғрилари ўн баравар кўп қамалади. Эҳтиёткор, маҳоратли уй ўғрилари ойида камида бир-икки марта овга чиқадилар. Лекин бир-икки йил давомида 150 марта ўғирлик қилганлар ҳам топилади. Уларнинг баъзилари эшикларни ясама калитлар билан очса, баъзилари турли идора ходимлари ниқобида кириб оладилар, баъзилари эшикни бузиб кирадилар ёки деразадан тушадилар. Ҳозир дуч келган уйни «уриш» камайган, аксинча, яхши ўрганилган ёки шу хонадонни яхши билган кишининг аниқ маълумотига асосланган ҳолда иш кўриш йўлга қўйилган.

Булардан ташқари дўкон, банк ва бошқа муассаса ўғрилари ҳам борки, ҳар бирлари ўғрилар оиласида ўз маҳоратларига кўра мавқени эгаллаганлар. Уларнинг услублари бир хил бўлмаганидай даромадлари ҳам турлича. Киссавур ойида камида 500 доллар ўмара олса, уй ўғрисининг топгани минг доллар ва ундан юқори бўлиши мумкин.

Жиноят олами бизнинг ҳалол оламдан фарқли ўлароқ, миллат ва динга аҳамият бермайди. Бугунга келиб собиқ иттифоқ ҳудудидаги «қонундаги ўғри»ларнинг 33 фоизини руслар, 32 фоизини грузинлар, 8 фоизини арманлар, 5 фоизини озарбайжонлар, қолган 22 фоизини эса курдлар, абхазлар, қозоқлар, украинлар ва бошқа миллат вакиллари ташкил этиши аниқланган. Бир неча йил аввал Москва ва Москва атрофидаги грузин жиноий гуруҳларига қарши жиддий кураш олиб борилди. Отари Квантришвили каби жиноят оламининг зўрлари маҳв этилди. Шунинг натижасида грузинларнинг жиноят оламидаги мавқеи бир оз пасайган бўлиши мумкин.

2016/9
A 562
Alisher Navoiy nomidagi O'zbekiston MK

Жиноятчиларнинг ўзлари белгилаб қўйган бу юқори мартабаларига келишлари хилма-хил бўлади. Айримлари бу йўлга болаликлариданоқ кирадилар. Баъзилари эса йигит ёшларида шайтоний ҳирсларга берилиб, шу «ажалидан аввалроқ ўлиш» йўлини маъқул кўрадилар. Масалан, ўғрилар оламини «гуллатган» Бондар биринчи велосипедини саккиз ёшда ўғирлаган. Ўн ёшида бегона уйга ўғирликка тушган. Ўн ёшли бола шунчаки қизиқиш орқали кирмаган у уйга, балки ишнинг мураккаблигини ҳис қилгани учун синфдошларини ҳам жалб қилган. Ўн ёшли ўғри қўлга тушган. Бу ёшда қамаш мумкин эмас, ўзига хос чора бор. Лекин бу чоралар, ҳатто қамоқ ҳам ижобий таъсир бермайди. Буни ўша Бондар тақдирида кўриш мумкин. Махсус мактабда бўлса ҳам, доимий назоратда бўлса ҳам жиноят йўлидан қайтмади. Ўн саккиз ёшга етганда қамалди. Лекин бундайлар учун қамоқхона жазо маскани эмас, балки «маҳоратни ошириш мактаби» ҳисобланади. Бўлажак «тождор»лар жиноят олами сирларини тенгдошлари ўқийдиган одатий мактабларда ўрганмайдилар. Уларнинг мактаби айнан шу – қамоқхона. «Лагерь», «колония» ёки «зона» аталмиш бу қамоқхоналарнинг икки хил кўриниши мавжуд: биринчиси – давлат қонунлари асосида иш юритилувчи жой, иккинчиси кўзга кўринмас, аммо бошқариб бўлмайдиган ҳаёт. Бу ҳаётнинг ўз талаблари, ўз қувончлари ва ташвишлари, ўз орзулари ва қўрқувлари, ўз мартабалари ва хорликлари бор. Янги асрда ном чиқарганлардан бири – Равшан Ленкаранский лақабли ўғрибошининг отаси милиция ходими бўлган, ўз хизмат бурчини бажариш пайтида ўлдирилган. Равшан Жониев ўн етти ёшида маҳкама хонасига тўппончада кириб, қора курсида ўтирган айбланувчини – отасининг қотилини отиб ташлайди. Кавказликлар одати бўйича бу қасос олқишланади. Лекин Равшан қамоқда бутунлай бошқа йўлга кириб кетади. Озодликка чиққач, 2006 йилга келиб, Москвадаги Озарбайжон жиноий тўдасига бош бўлади.

«Қонундаги ўғри»лар одатда узоқ яшамайдилар. Илмий тадқиқотлар шуни кўрсатадики, уларнинг ўртача

умри кўпи билан 50-55 ёшдан ошмайди. Айримлари кам ҳоллардагина 60 ёки ундан сал зиёдроқ умр кўрадилар. 65 ёшдан ошганлари бармоқ билан санарли. 70 дан ошганлари иккитагина эди. Шулардан бири саратовлик «Мордак» лақабли одам ўзининг 75 йиллик таваллуд тўйини ҳайратомуз тантана билан ўтказган эди. Бундай тўйга энг машҳур одамлар ёки давлат раҳбарлари ҳам ҳавас қилсалар арзийди. Узоқ умр кўрганларнинг иккинчиси «Кад» лақабли «қонундаги ўғри» 80 йиллигини АҚШда тантана қилган эди.

Бу табақа жиноятчилар орасида ҳатто 18-20 ёшлилари ҳам учрайди. Уларнинг кўплари йигит ёшларидаёқ ўлим топадилар. Кавказликлар дунёда энг узоқ умр кўришлари билан шуҳрат топганлар. Лекин уларнинг жиноят оламидаги вакилларига бу шуҳрат насиб этмаган. Мана, бир неча мисоллар: «Худо» лақабли Гасоян 1953 йилда Тбилисида туғилган, 1997 йилда ўлдирилган. «Скот Тблисский» лақабли Паато Гудушуари 1962 йилда Грузияда туғилиб, 1994 йилда ўлдирилган. «Гедемос» лақабли Реваз Гамцемлидзе 1957 йилда Тбилисида туғилиб, 1994 йилда ўлдирилган. «Валтер» лақабли Валерьяр Джанашия 1957 йилда Абхазияда туғилиб, 1997 йилда ўлдирилган. 1940 йилда Грузияда туғилган «Шакро» лақабли Шакро Какачия нисбатан узоқроқ яшаган. У 1996 йилда Берлин яқинида ўлдирилган. Маълумотларга қараганда, «қонундаги ўғри»ларнинг 80 фоизини 30-35 ёшдаги жиноятчилар ташкил этар экан. Бу рақам бугунги кунга келиб жиноят оламининг тобора яшариб бораётганига бир мисолдир.

Ўғрилар оламининг ёшариб бориши иш услубларининг ўзгаришига, ҳатто, юқорида айтганимиздек, қонунларга муносабатда ҳам кўриняпти. 1991 йилдан кейинги ўғрилар олами аввалгиларига ўхшамай қолган. Жамият ўзгариши билан жиноят олами ҳам янги ҳаётга юз тутди. Таъбир жоиз бўлса, «янги демократия» янги «жиноят олами» билан бир пайтда туғилди. Лекин «янги демократия» қоғозда қолиб кетаверди. Янги жиноят олами эса

қаддини дадил тутиб олди. Ҳуқуқ идораларининг тилида «уюшган жиноятчилик» деган ибора пайдо бўлди. Энди улар шунчаки «қонундаги ўғри» эмаслар, дунё тилида айтилса, «мафиозия»га айландилар. Энди ўғрилар оламининг «авторитети» шерикларига бош бўлиб бойларнинг уйларига бостириб кирмайди. Йўл, пайт пойлаб жонини хатарга қўймайди. «Тадбиркорлик, тижорат ишлари билан, наркобизнес билан шуғулланиш мумкин эмас», деган қонунларга амал қилиш мажбуриятларини ҳам унутганлар.

1987 йилда кооперативларга кенг йўл очилиши оқибатида бойлар кўпайди. Бу ҳолат ўғрилар олами тирикчилик қиладиган йўлни ҳам кенг очиб берди. Жиноятнинг «рэкет» деган тури авж олди. У пайтларда собиқ иттифоқда «мафия» деган тушунча йўқ эди. Уларнинг қилмиши «талончилик», «босқинчилик» деб аталарди. Рэкет тўдалари шаҳарни, айниқса, бозорларни, дўконларни ўзаро бўлиб олган эдилар. Дўкондор ёки ресторан эгаси уларга кундалик ёки ҳафталик даромадидан мунтазам равишда ҳақ тўлаб турарди. Жиноятчилар аввалгиларга ўхшаб қийналишмасди (аввалгиларнинг услублари ҳақида кейинроқ баён қиламиз). Рэкет тўдасининг ўзига хос таъсир услублари шаклланган эди. Шулардан бири – дўкондорни бўйсундириш учун сўкиб, урмасди, балки пештахта устига қони қотиб қолган бармоқни ташлаб, ёнига озода токқайчини қўярди... Рэкетчилар орасидаги маданийроқлари бойларни «менинг коммерсантим», деб аташса, бошқалари «бу менинг сигирим, мен соғиб оламан», деб керилишарди. Уларнинг айримлари олган пуллари ҳисобига бойларни ҳимоя қилишарди ва улар «том» (крыша) деб аталардилар. Улар ўз «сигирлари»ни бошқа рэкетчилардан асрардилар. Агар бир тўда иккинчи тўда ҳудудига киргудай бўлса, ўзаро нифоқ, ҳатто уруш келиб чиқарди. Шундай урушлардан бири компьютер савдоси билан шуғулланган тижоратчиларни талашиш орқасида бошланган эди. Тадбиркорлик билан шуғулланган зиёлилар Россияга компьютер олиб келиб сотиш

оқибатида уч ой ичида юз миллион доллар фойда олганлар. Бундан хабар топган рэкетчилар улардан олти миллион доллар беришни талаб қилганлар. «Бу менинг сигирим», деган тўдага қарши бошқаси «йўқ, меники», деб ўзаро уруш бошлаганлар.

Тўқсонинчи йилларнинг бошларида республикамизда ҳам рэкетчилар пайдо бўла бошлаган эди. Бир куни бозорда гўшт олаётсам, сотувчилар безовталаниб қолишди. Ҳар бири пул санаб, бозор оралаётган икки йигитга бера бошлашди. Мен ажабланиб «паттачими?» десам, таниш қассоб афсус билан бош чайқаб, «йўқ» деди. «Милициями?» десам, яна бош чайқаб, «рэкетчи, ҳар куни шу пайтда худди инкассаторга ўхшаб келади. Ҳар биримизнинг бўйнимизга солиқ илган, бермасак, эртага бизни бу ерда кўрмайсиз», деди. «Жойни олиб қўядими?» деб сўрадим. «Жойни олса майли-ю, жонни ҳам олади бу энағар», деб «гапимни эшитиб қолмадимикан?» деган хавотир билан атрофга аланглаб қўйди. Кейинроқ бир дўконга кирганимда елкадор, бақувват уч йигит кириб, сотувчидан ҳолаҳвол сўради. Ишлар тинч-осойишда эканини билишгач, омад тилаб чиқиб кетишди. «Булар ким эди?» деган саволимга таниш дўкондор «Булар бизнинг «танк»ларимиз. Шулар бор, тинч савдо қиламиз, биров бизга дағдаға қилолмайди. Ҳафтада бир марта хизмат ҳақини тўлаб турамиз», деб жавоб берди. Россия томонларда «том» аталувчи рэкетчиларни бизда «танк» дейишларини ўшанда билган эдим.

Европа томонларда тўдалар орасида қирғин авжига чиққан йилларда бизда ҳам бу каби жиноят дарахти мева бера бошлаган эди. Тошкент ҳалқа йўлига яқин жойда икки тўда иштирокидаги отишма жамиятни ларзага солди. Муҳтарам президентимиз бу фожиага алоҳида эътибор қаратиб, ҳуқуқ идораларига қатъий топшириқлар берди. Ана шундан кейин юртимизда уюшган жиноятчиликка қарши жиддий кураш бошланди ва у ўзининг ижобий самараларини берди. Ўша йиллари одамлар шом қоронғисидан кейин кўчага чиқишга қўрқиб қолган эди-

лар. Ҳатто боғлар, ором майдонлари бўшаб қоларди. Автомобиль ўғриларининг йўлини тўсадиган куч йўқдек эди. Одамлар машиналари ичида ухлардилар. Ҳатто машинага қўшиб эгасини ҳам ўғирлаш ҳоллари юз берган. Жиноятчиларнинг бу қадар қўрқмасликларининг сабаби – жиноятга бериладиган жазо ғоят юмшоқ эди. Машина ўғриси қўлга тушса, қамоқнинг бу эшигидан кириб, наригисидан чиқиб кетаверарди. Бу масалада ҳам президентимизнинг қатъийлиги яхши натижа берди. Машина ўғриларининг катталари қўлга олинди. Бу жиноят учун кўп йиллик қамоқ жазоси жорий қилинди. Ўзбекистонда жиноятчиликка қарши олиб борилган кураш ва унинг натижаси ўша йиллардаёқ кўпнинг назарига тушди. Бу соҳадаги ютуқларни Россиянинг ўша пайтдаги президенти ҳам тан олиб гапирган эди.

Тан олмасдан ўзга чораси йўқ эди. Чунки ўша йиллари Россия жиноят оламининг даҳшатли тўрларига тобора ўралиб борар эди. Советлар замонининг охирги йилларида расмий рўйхатда турувчи қонундаги ўғрилар сони 600 ни ташкил этган бўлса, иттифоқ таназзулга юз тутгач, Россиядаги тождор ўғрилар сони мингдан ошиб кетди. Йигирма биринчи асрнинг дастлабки ўн йиллиги охирида бу ўғриларнинг фақат олтмиштаси қамоққа олинган эди. Бу мартабаси баланд ўғриларнинг беш фоизини ташкил этади.

Илгариги замонларда мартабали ўғрилар бир масалани ҳал қилиш учун вайрона уйларнинг ертўласидами ё қаровсиз ертўлалардами яширин равишда тўпланишар эди. Янги замон уларга кулиб боқиб энди тўплантиларини («сходка») махфий эмас, шоҳона кемаларда ёки денгиз бўйидаги ресторанларда кимнингдир туғилган куни ниқобида ўтказадилар. Бундан хабар топган полиция ёпирилиб келади, ҳаммаларини гўё қўлга олади, полиция маҳкамасига олиб боради, ҳужжатларини текширади ва... қўйиб юборади. Чунки уларни қамоққа олиш учун полицияда ҳеч қандай ашёвий далил йўқ. «Сен қонундаги ўғримисан?» деган саволга ўғри «Ҳа», деб жавоб бериш-

га мажбур. Бу мартабасидан бўйин товламайди. Полициянинг саволига «ҳа, мен қонундаги ўғриман», деса-да, бу иқрор қамаш учун асос бўла олмайди. Чунки ҳеч ким улар устидан шикоят қилмаган, улар ҳеч кимни ўз қўллари билан ўлдирмаганлар. Кўпчилиги Россияда яшаса-да, бошқа мамлакат фуқароси саналади. Горбачев давридаги эркинликлардан бошқа соҳа вакиллари каби ўғрилар ҳам усталик билан фойдаланган эдилар. Яҳудий аёлга уйланиб, Исроилга кетиб, ўша мамлакатнинг фуқаролигини олган ўғри учун дунё эшиклари ланг очилган эди.

Россияда ўғриларни қамоққа олиш муаммоси бор. Грузия президенти Саакашвили эса, бу борада қатъий чорани тадбиқ қилди. Қонундаги ўғриларгина эмас, уларга алоқадор шахслар ҳам қамоққа олинди. Ҳозир тождорлик мартабасига етган 45 ўғри қамоққа олинган. Бундан қўрққан кўп жиноятчилар бошқа республикалардан паноҳ топганлар. 2005 йил қонундаги ўғриларнинг йигирматаси Испанияда қамоққа олинди. Улар Испания қамоқхонасида бўлсалар-да, Россиядаги шогирдлари орқали жиноий ишларини давом эттиравердилар. «Ёш Шакро» лақабли жиноятчи ҳам Испаниянинг жаннатдай кўринган боғларидан ором топмоқ истаганида, қамоққа тушди. Бунга қадар у Грузия маҳкамаси томонидан ўн саккиз йиллик қамоқ жазосига ҳукм қилинган эди.

Бизда жиноятчиликка қарши кураш доимий равишда олиб борилди. Собиқ иттифоқнинг бошқа республикаларида эса бунинг акси бўлди. Оқибатда жиноят оламі ўз қудратини оширса оширдики, камайтирмади. «Ўғрилар қонуни»да «Унутманг, инсон тақдирини ҳал қилиш ҳуқуқи ўғридан бошқа ҳеч кимга берилмаган», деган банд бор. Одамзод устидан ана шундай ҳукмронликка даъво қилувчи бу тўда янги замонда янгича яшаётгани, айрим қонунларига бўйсунмаётганлари билан жиноятга доир ақидаларидан воз кечмаганлар. Таъбир жоиз бўлса, уст-бош – либос ўзгарган, аммо вужуд, ваҳший қалб ўзгармай турибди. Бундан ўзгача бўлиши мумкин ҳам эмас.

2004 йилнинг кеч кузида Россия ахборот воситалари жиноят оламида «Япончик» лақаби билан машҳур Вячеслав Иванковнинг АҚШ полицияси Россия ихтиёрига берганлиги ҳақидаги хабарни тарқатдилар. Россия телевидениеси қўллари кишанланган қонундаги ўғрининг Москвага олиб келинишини худди оламшумул воқеа содир бўлаётгандай қайта-қайта кўрсатди. Йўлдаги одамларни, ҳатто мухбирларни тепиб, тупуриб, сўкиб, телекамераларини синдириб ўтаётган бу одамнинг кимлигини ҳамма ҳам билавермаса керак. Эҳтимол, баъзилар «Япончик» деган лақабни эшитгандир-у, бу одамнинг асли кимлигини билмас. Гарчи Япончик қўлида кишан билан қайтган бўлса-да, уни шарафлаганлар ҳам кўп эди.

Орадан беш йил ўтиб, 2009 йилнинг 28 июль куни соат 18.00 да Москванинг Хорошевск кўчасидаги «Тайский слон» (Тай фили) ресторанидан чиқаётганида мерган томонидан узилган ўқ қорнига қадалди. Бир йилдан кейин, 16 сентябрь куни уй эшиги остонасини ҳатлаётган «Дед Ҳасан» лақабли қонундаги ўғри Аслан Усоян жонига қасд қилинди. Мерган унинг қорнига икки ўқ қададди. Мерганнинг иш услуби бир хил эди. Мерган уларнинг бошини ёки юрагини мўлжалга олмай, қорнига отгани бежиз эмас. Жиноят оламида бу ҳол азобланиб-азобланиб ўлишга ҳукм қилинганликни билдиради. Автоматдан ўқ узилиши эса, маҳкумнинг ҳурматга лойиқ зот бўлганини эътироф этиш ҳисобланади. Яъни, бундан чиқадиган маъно: «бу одам гарчи муҳтарам бўлса-да, осон ўлим топмаслиги керак, у азобли ўлимга лойиқ». Чиндан ҳам шундай бўлди. Япончик икки ойдан зиёд ўлим билан олиша-олиша жон берди. Тасодифни қарангки, у устози Монгол жон берган касалхонада омонатини топширди.

Жиноят оламининг устунларидан ҳисобланган бу икки одамга ўқ узган мерган ҳанузгача топилгани йўқ. Япончик АҚШдан қайтганда Дед Ҳасан уни хурсандчилик билан кутиб олган эди. Чунки у грузин тождорлари ва ёшлар билан чиқишмай қолган эди. Япончик билан яқинлашуви унинг мартабасини юқори қилиши мумкин эди.

Лекин Япончик ўлдирилгач, унинг шериклари ва шогирдлари қотилликда айнан Дед Ҳасаннинг қўли бор, деган гумонга бордилар. Дед Ҳасанга қилинган суиқасд айнан шу гумон натижаси дегувчилар ҳалигача шубҳаларини исбот қилиб бера олганларича йўқ.

Монголнинг шогирдлари

Йигирманчи асрнинг охирги чорагида собиқ иттифоқ ҳудудидаги жиноят оламида бир неча қонундаги ўғрилар бағоят зўр обрў-эътиборга эга эдилар. Уларнинг номлари баъзан матбуот саҳифаларида ҳам кўриниб қоларди. Шулардан бири Вячеслав Слива бўлса, иккинчиси «Япончик» лақаби билан машҳур бўлган Вячеслав Иванков эди (ажабки, ўтган асрнинг бошларида ҳам «Япончик» лақабли ўғри Одесса томонларда давр сурган. Ҳатто большевикларга хизмат ҳам қилган. Лекин айнан шу большевикларнинг фитнаси туфайли ўлдириб юборилган. Йигирманчи асрнинг охири ва йигирма биринчи асрнинг бошларида яшаган Япончикнинг ҳаёти ҳам, аламли ўлими ҳам ўзгача). Слива билан Япончикни мустаҳкам дўстлик занжири бир-бирига боғлаб турарди. Иккови ўғрилик фаолиятини «Монгол» лақабли машҳур ўғрибоши гуруҳида биргаликда бошлаганлар. Ўтган асрнинг охирроғида Канада полицияси Сливани ҳибсга олиб, Россия ихтиёрига берган эди. У пайтда Япончик АҚШ турмасида эди. Орадан йиллар ўтиб, юқорида айтганимиздай, у ҳам дўсти каби ватанига қайтди.

Уларнинг устози Монгол – Геннадий Карков олтмиш йил умр кўриб, Москвада жон берган эди. У шунчаки «авторитет» — оддий «қонундаги ўғри» эмас, балки бу жиноят оламининг тутинган, насроний таъбир билан айтсак, «чўқинтирган отаси» эди. У жиноят оламига оддий ўғри сифатида кириб келган эди. Калуга вилоятининг Боровск шаҳридаги қурилишда ишлаётган кезлари умум мулкини сотиб, маишат қилиш мумкин, деган қарорга келиб, бу қарори эвазига қамоқ жазоси билан «мукофотланган» эди. Қамоқдан чиққач, 1969 йилдан эътиборан

Москвада қўним топди. 1972 йилда жиноят устида қўлга олиниб, катта шов-шувлар билан яна 15 йилга қамалди. Ўша йиллари бу энг узоқ қамоқ муддати ҳисобланарди. Ана шу жиноят содир этилганида Слива ҳам устози билан бирга қамалди. «Япончик» исми жиноят иши дафтарининг бир неча саҳифаларида қайд этилса ҳам, у сувдан қуруқ чиқди. Уни қамашга негадир асос топилмади. Слива ва Монгол қамоқдалигида Япончик ўз тўдасини ташкил этди. Монгол қамоқдан қариган, кучдан қолган ҳолда чиққани сабабли катта ишларга раҳбарлик қила олмади. Унинг ишини Япончик давом эттирди. Слива унга шерик бўлиб қўшилди. МУР (Москва жиноятга оид қидирув бўлими) бу тўдани то 1981 йилгача маҳв эта олмади. Ўша йили тўда аъзолари турли муддатга қамалдилар. Ўн тўрт йилга қамалган Япончик — Иванков 1992 йили муддатидан аввал озод этилди. Совет қонуни бўйича босқинчилик билан қамалганларга бундай имтиёз берилмас эди. Лекин ўша алғов-далғовли йилларда эътиборли одамлар ўртага тушгани маълум. Машҳур кўз шифокори Фёдоров, қўшиқчи Кобзонларнинг номлари бу борада тарихга кирган. Яна бир тахминга кўра, Москва ва пойтахт атрофидаги жиноий гуруҳларни бартараф этишга ожизлик қилган милиция Япончикни озодликка чиқариб, тўдасини тиклаб, унинг хизматидан фойдаланмоқчи бўлган. Лекин Япончик Россияда қолишни истамади, 1992 йилнинг март ойида машҳур кинорежиссёр ва актёр Ролан Биковнинг ижодий гуруҳига қўшилиб, АҚШга кетди.

Ундан сал илгари Москвадаги «Фидан» ресторанида икки турк фуқароси отиб ўлдирилади, яна бири эса яраланади. Слива билан Япончик қотилликда айбланиб қамоққа олинади. Аввалига қотилларни кўрганлигини айтган гардеробчи, кейин гапидан тонган. Оқибатда етарли далил бўлмагани учун жиноий иш ёпилган. Орадан етти йил ўтиб, Япончик АҚШ қамоқхонасида ўтирганида бу воқеа Россия милициясининг ёдига тушиб, Россия жиноят кодексининг 105-моддасига биноан Иванков қотилликда сиртдан айбланиб, жиноий иш қайта очилган.

АҚШда бахтини топмоқчи бўлган Япончик дастлаб муддаосига етгандай эди. У Броклен шаҳрида қўним топиб, кечалари «Парадейс» ресторанида маишатларини давом эттирган. Лекин у ресторанга фақат маишат учун келмасди. Шу ердан туриб Россиядаги «бизнес» ниқобига ўралган жиноий ишларини бошқарарди. Бошига бирон ташвиш тушган россиялик бой ёки ўғри уни шу ерда топиб, арзи ҳол қиларди. Уни ўғрилар оламининг энг ҳалол ва энг адолатли тождори ҳисоблаганлари учун ҳам унга мурожаат қилишарди. Россиядаги бирон бир масала бўйича Броклендаги ресторанда айтилган гап – гап! Ўзгача ҳукм бўлиши мумкин эмасди.

АҚШдаги қамоқхонада эканида Россия телемухбири Япончик билан суҳбатлашган. У ўша суҳбатда дедики: «Мен ҳеч қачон ҳеч кимдан қўрқмаганман. Мен ҳамиша тўғри яшаганман. Дунёда битта одам йўқки, одамларнинг кўзларига дадил тик қарай олса?! Мен ҳамиша тик қарайман!»

Иттифоқ қулагандан кейин товламачилар учун ҳам чиройли шароитлар юзага келди. Турли банкларнинг эгалари одамларни лақиллатиб, миллионлаб пулларни ўғирлаб қочишди. Шулардан бири «Чара банк» эди. Банкка оз пул қўйиб кўп фойда олишни «Пирамида» дейдилар. Шу усулга одамларни ишонтирган «Чара банк» раҳбарлари Волошин ва Волков уч ярим миллион доллар билан АҚШга қочиб келиб, сиёсий бошпана сўрашган. Муддаога етиш йўлини осонлаштириш учун Япончик билан учрашишган. Япончикнинг адвокати ва дўстининг айтишича, у товламачиларни инсофга чақирган, гўё «Россияда қолганлар қашшоқ, сенлар бойсанлар, йўқотганларингни тезда тиклаб оласанлар», деб даъват қилган. АҚШ федерал қидирув бюроси эса бошқа далилларга эга эди. Япончик билан товламачилар учрашган қаҳвахона бу идора ходимлари билан тўлган, адвокатнинг таъбири билан айтганда, яширин микрофонлар столлардаги ликопчалардан ҳам кўп эди. Шундай экан, уларнинг нима ҳақда гапирганлари сир эмасди. Ана шу

далилларга кўра, Япончик қамоққа олинди ва ўн йил ўтирди. 2004 йили ёзида озод қилингач, Россиянинг талабига кўра, жўнатилди. Япончикнинг атрофдагиларни менсимасдан гердайиб келиши бежиз эмасди. Қамалмаслигини биларди. Чунки, биринчидан, асосий гувоҳ – яраланган турк маҳкамага келмаслиги аниқ эди. Иккинчидан, бу жиноий ишнинг муддати тугаб қолаёзган эди. Шундай ҳам бўлди. 2005 йил 18 июлда ёши етмишга яқинлашган тождор ўғри озод этилди.

...Ҳа, вақт кутилмаган натижани кўрсатди. Москва суди 2005 йилнинг июль ойида Япончикни мутлақо айбсиз деб топди ва маҳкама залидан озод қилди. Россия прокуратураси «Иванков икки одамнинг қотили» деган ҳужжатлар, далиллар билан АҚШ ҳуқуқ идораларини ишонтира олган эди. Москвадаги район судини ишонтира олмади. Бу ўринда ким янглишди? Америкаликларми, Россия прокуратурасими ё маҳкамами? Маълум бўлишича, маҳкамадаги ўн маслаҳатчининг еттитаси илгари қамалганлардан экан. Эҳтимол, Иванковнинг ўша қотилликка чиндан ҳам алоқаси йўқдир? Чунки гувоҳлардан бири «қотил малла одам эди», деган экан, Япончик эса малла эмас. Россия прокуратураси шу далилга илгари эътибор бермаганмикан? Эҳтимол, Япончикни қотилликда айблаш уни Америка турмасидан озод қилиб, Ватанига қайтариш учун бир баҳона бўлгандир? Россия турмасидан бир пайтлар «руҳий касал» деб чиқарилган Япончик ўн икки йил мобайнида Америкада балки «шифоланиб» қайтгандир? Саволлар кўп. Жавоби эса бизга маълум эмас. Эҳтимол, бу жавоб бир неча кишидан бошқа ҳамма учун сир бўлиб қолаверар. Эҳтимол, умри якун топган Япончик бу сирни ўзи билан гўрига олиб кетгандир? У ҳамиша яхши яшашни истаган ва бунга эришган йиллари ҳам кўп эди. У Америкада ором топмоқчи эди. Аммо зулмнинг ҳеч қачон жазосиз қолмаслиги хусусидаги ҳақиқат унинг тақдири мисолида яна намоён бўлди. Инсонлар тақдирини ҳал этишга фақат менгина тўла ҳуқуққа эгаман, дегувчи зулмкорнинг умри қандай якунига етгани маълум бўлди. У

Америкада эканида телемухбирга тик қараб, «Мен ўз ҳаётим билан фахрланаман. Мен ҳеч қачон ўзгалар қаршисида титрамаганман, ҳамиша тўғри юрганман», деган эди. Телемухбирга шундай дейиш мумкин, кимдир бу гапларга қойил ҳам қолар. Лекин Қиёматдаги ҳисоб пайтида шу дадиллик ва ишонч билан гапира олармикан? Унинг бу гапларига биров қойил қолармикан? Бу дунёда бировдан қўрқмабди, титрамабди. Дўзах остонасидан ҳатлаётганида ҳам титрамасмикин? Буни Худо билади. Бандининг билгани: милтиқ тепкисини босаётганда мерганнинг қўли титрамаган, зулм билан ўтган умрга нуқта қўйиш учун шунинг ўзи кифоя қилди.

Япончикнинг аянчли тақдирини баён қилишда бир оз шошилганга ўхшаймиз, келинг, бир оз ортга қайтайлик:

Япончик АҚШга кетганда Слива Москвада қолган эди. Шу йил куз фаслида МУР унинг изига тушиб, «Солнечний» деб номланган меҳмонхонада бир неча «қонундаги ўғри»лар билан биргаликда қамоққа олди. Сливанинг чўнтагидан афъюн чиққани учун уни узоқ муддатли қамоқ жазоси кутарди. Аммо унинг шериклари (ҳатто «СССР халқ артисти» мартабасидаги машҳур бир қўшиқчи) Япончикни қандай қутқарган бўлсалар, уни ҳам қутқариб қолиш чораларини кўришди. Оқибат у Канадага йўл олди. Канада полицияси Россияникидан фаросатлироқ эканми, унинг жиноий ўтмишини аниқлаб, яна изига қайтарди.

Жиноят оламининг тождорларидан ҳисобланмиш Япончик 1940 йилнинг 2 январида Москвада туғилган. Унинг лақаби ҳақида икки хил гумон бор: баъзилар «унинг юз кўриниши шарқона бўлгани учун «Япончик» лақабини олган», дейишса, баъзилар «Иванков «джиу-джитсу» деб номланган япон курашининг устаси эди, лақаб шундан келиб чиққан», дейишади.

Энди Япончикнинг қилиқлари билан ҳам бир оз танишсак:

...Юк машинаси. Москва атрофидаги ўйдим-чуқур нобоп йўллардан юриб боради. Билмаган одам «Ҳайдов-

чи ГАИга рўпара келишни истамаяпти, шу боис ёмон йўлни танлаган», дейиши мумкин. Ҳайдовчининг ГАИдан қўрқишига асос бор: гап унинг ширакайфлигида ёки машинанинг ўғирланганида эмас. Гап — юкда! Юк — қўпол тахталардан ишланган тобут. Аммо унинг ичида мурда эмас, калтакланган тирик жон бор. Ҳеч бир кутилмаган дамда, ҳеч бир кутилмаган ерда милиционер пайдо бўлиб, таёқчасини кўтарди.

– Ҳужжатларингизни беринг, – деди лейтенант қатъий тарзда.

– Ҳужжатларимиз жойида, – деди ҳайдовчи, – мана, йўл қоғози. Мана бу ўлим ҳақидаги далолатнома. Номаълум одамнинг мурдасини ўликхонадан олиб, кўмгани олиб кетяпмиз.

– Шунақами? Номаълум одамнинг мурдасини ҳозир кўрамиз-да, – лейтенант шундай деб чаққонлик билан юкхонага чиқди.

Жабрдийда тобут тахталари орасидаги тирқишдан милиционерни аниқ кўриб турарди. У бир бақириб берса етарли эди, милиционер уни қутқариб оларди. Бироқ калтаклар зарбиданми ё қўрқувданми у, ҳатто овоз ҳам чиқара олмади.

– Қани, тобутни оч, – деб буюрди милиционер.

– Мурдани безовта қилиш яхши эмас. Кўмишга тайёрлаб, қопқоғи михлаб ташланган.

– Михланган бўлса ҳам оч!

Ҳайдовчи каловланиб турганида милиционернинг ўзи тобут ёнида ётган болтани олиб, қопқоғини очишга уннай кетди. Шу он тўппончадан ўқ узилиб, милиционер тобут ёнига йиқилди.

– «Мент»ни отдингми? Эсинг жойидами? Ишни шилталаштирибсан-ку?! – деб бақирди ҳайдовчининг пастда қолган шериги.

– Бошқа илож йўқ эди, кўриб турибсан-ку, тобутни очса иш расво бўларди.

Ҳайдовчининг шериги чаққонлик билан юкхонага чиқди.

– «Мент» ўлибди. Энди буни ҳам тинчитиш керак. Дарё томон ҳайда. Иккаласини битта тобутга тиқиб сувга ташлаймиз. Ичига беш-олтита тош ташлаб қўйсак чўкиши осон бўлади. Буларни қиёматгача ҳам биров топа олмайди.

Бу гап тобут ичида қалтираб ётган жабрдийдага таъсир қилиб, унга тил-забон битди:

– Дарёга ташламанг, илтимос, айтганларингизнинг ҳаммасини бераман, – деб чийиллади у.

– Гапинг чинми? Агар лақиллатсанг, баттар бўласан!

Шу пўписадан кейин тобут қопқоғи очилди. Титраб ётган семиз бир киши инқиллаганича қаддини ростладида, уларнинг қўлига калит тутди.

– Бу калит махфий пўлат сандиқники, – у шундай деб хазинаси қаерга яширилганини айтди.

– Ҳа, лаққа гўшт! Ақлинг энди кирдими? Шуни аввалроқ айтсанг ўлармидинг!

Ҳозиргина ўқ еб, тобут ёнида «ўлиб ётган» милиционер шундай деб ўрнидан турди. Антиквар (эски ноёб моллар) дўконининг мудири Волдемар Миркин «ўлдирилган» милиционер Иванков эканини билиб, ҳайратдан эси оғиб қолаёзди. Бу воқеа содир бўлганида Иванков «Япончик» ёки «Ассирийский зять» (Оссурия куёви) лақаблари билан ҳали машҳур бўлмаса-да, бу олам иззат мартабасига чиқа олган ўғрилардан эди.

– Бу лаққа гўштни ким тинтиган эди? – деди милиционернинг «қотили» Монгол шогирдларига қаҳр билан тикилиб.

– Мен, – деди ҳайдовчи.

– Калитни нега тополмадинг? Ё найранг қилдингми?

– Найранг қилсам, умрим қамоқда чирисин. Роса титпитини чиқардим, калит йўқ эди.

Машина орқага қайтди. Улар «лаққа гўшт» деб аталаётган Миркинни олиб Болотников кўчасидаги махфий хоналарига йўл олишди. Япончик эса «Балда», «Сиска», «Зяма» лақабли шериклари билан бирга Миркиннинг уйини тинчитиш учун жўнашди. Миркиннинг ту-

рар-жойини «уй» десак, бир оз қадри тушар, шу боис «шоҳона сарой» деб аталгани маъқул. Миркин уларни ишонтирганидай, сарой кимсасиз эди. Япончик шериклари билан қўлга илинарли нарсаларни олиб кетаман, деб турганида ошхона томонда кимдир «Қоровул! Ўғри босди!» деб қичқирди. Бу қичқириқ тўртала ўғрини тошдек қотирди-қўйди. Биринчи бўлиб, Япончик ўзига келди-да, ошхонага аста мўралади. Қичқирган одам эмас, Миркиннинг тўтиқуши экан. Бечора Миркин бойликни йиғишга йиғиб, қачондир ўғриларга ем бўлишини билибми, тўтиқушга «Қоровул! Ўғри босди!» деб қичқиришни ўргатган экан.

– Эркакман, деб юрибсанларми? — деди Япончик маҳмадана қушнинг бошини узиб чиққач, улардан кулиб.

Сарой гадонинг уйидай бўлмаса-да, ҳар ҳолда анча ҳувиллаб қолди. Лекин Монгол учун бу камлик қилди. Миркинга қармоқ ташлаганда у бундан бир неча баробар кўпроқ бойликни қўлга киритишни мўлжал қилиб эди. Япончик қимматбаҳо буюмлар орасидаги Миркиннинг паспорти ва ҳарбий билетини «Омонат кассада пули бордир», деган ниятда олволган эди, зийрак ақли адаштирмабди. Улар қайтган маҳалда Вольдемар Исаакович қўланса ҳидга тўла хонада, эски диванда Худога нолалар қилиб ётарди. Албатта, у қўлдан кетган бойлигига ачинарди. Бироқ бу зиндондан омон-эсон чиқиш у учун ҳамма нарсадан қимматлироқ эди. Ҳар ҳолда бу ердан чиққач, қўлдан кетган бойликлар ўрнини тез орада тўлдиришга унинг ишончи бор эди.

Эшик очилиб, қаҳрланган Монгол билан Япончик кўринди.

– Сен сасиган лаққа гўшт, мени алдамоқчи бўлдингми? Калитни беришга бериб, сандиққа пул ташлаб қўйишни унутдингми! – Монгол шундай деб уни тепди.

– Нега унутарканман, пул кўп эди-ку! – деди жон ҳолатда Миркин.

– Сен учун кўпдир. Мен учун эса кам. Ҳаётингни асраб қолишга етмайди. Энди тобутга чинакамига тушасан!

Япончик «Сен кимни лақиллатяпсан, ўзинг!» деб уни муштлай кетди.

– Сен қуруқ ҳаводан ҳам пул ясашга устасан, буни биз билмаймизми? – деди Монгол. – Ким билан боғлансанг боғлан, агар яна йигирма минг топмасанг, ўласан!

Муштлар зарбидан эсини йўқотаёзган Миркин Харковда яшайдиган сингилисига телефонда қўнғироқ қилди:

– Равзи, меҳрибоним, бу мен – Волдемарман. Бошимга кўп оғир кулфатлар ёғилди. Пулдан ёрдам бермасанг бўлмайди. Мен бир йигитни юбораман. Паспортим билан тилхат ҳам бериб юбораман. Йигирма минг тайёрлаб қўй, жоним.

(Ҳозирги пулга ўрганганларга йигирма минг арзимас маблағ бўлиб туюлиши мумкин. У пайтда бу пулга иккита «Волга» – ГАЗ-24 автомобили сотиб олиш мумкин эди.)

У пайтларда ўғрибошилар ишнинг тепасида ўзлари турардилар. Четдан туриб бошқармасдилар. Шу боис Монгол пулни олгани Украинага ўзи борди. Волдемарнинг синглиси хасислик ва маккорликда акасидан ҳам ўтар экан. Йигирма минг рублга ёзилган тилхатни олиб, Монголнинг қўлига ўн етти минг берди-да: «Топган-тутганим шу, бошқа йўқ», – деб туриб олди. Монгол унинг тилла билагузугини тортиб олгач, тилла зиракларини ўзи ечиб бериб, ҳисобни тўғри қилди.

Ҳар иш бошида ўзи туриши Монголнинг бошини еди. Уни талончилик устида қўлга олишди. 15 йил қамоқ жазоси ўғрилар учун унчалик даҳшатли эмас. Чунки авфи умумий (амнистия), яхши хулқи учун муддатдан олдин бўшатиш деган гаплар уларнинг жонига оро киради. Монголнинг яқин шогирдларидан бири Косой лақабли ўғри 40 ёшга тўлганида қилган жиноятлари учун судларнинг ҳукмларини ҳисоблаб кўрса, умумий ҳисобда қамоқда етмиш йил ўтириши керак эди. Хуллас, устози қамалиб, ўзи жазодан қутулиб қолгач, Япончик ўз тўдасини ташкил этганида устозидан фарқли ўлароқ икки нарсага катта аҳамият берди: тўдага кўп одам жалб қилмади. Монголнинг тўдасида ўттиздан зиёд одам тўпланган бўлса,

Япончик ўн киши билан кифояланди. У сон билан эмас, сифат билан иш юритишни маъқул кўрди. Кўп ишларини милиция офицерининг кийими ва сохта ҳужжатлари ёрдамида бажарди. Иккинчидан, ҳар бир ишнинг тепасида ўзи турмай четдан бошқаргани учун қўлга тушиши осон бўлмади. Бу одатини тарк қилган онда эса чув тушди.

Бир куни Москва милициясига Михаил Глиоза деган одам мурожаат қилиб, таъмагирлардан ҳимоя этишларини сўради. Қаҳвахона маъмури бўлмиш бу одам МУР ходими кўрсатган суратлар орасида Япончикни таниб, шу одамнинг «ўртоғимдан икки минг рубль қарз экансан, уч кун ичида тўламасанг отиб ташлайман», деб пўписа қилганини айтди. Пўписа қуруқ бўлмай, гаров сифатида машинасини олиб қўйганини ҳам билдирди. Милиция учун бу хабар айни муддао эди. Лекин Глиоза икки соатдан сўнг Япончик билан учрашувга чиқиши керак эди. Шубҳасиз, МУР ходимларининг тайёргарлик кўришлари учун фурсат қолмаганди. Япончик учрашувга Глиозадан тортиб олган машинасида келди. Ўзига ишонгани сабабли ёнида гўзал хонимдан бошқа шериклари йўқ эди. Япончикнинг зийрак нигоҳи тузоқ қўйилганини дарров пайқади. Ўраб олмоқчи бўлган милиция ходимларига қарата ўқ узиб, қочишга шайланди. Милиция ходимлари отган ўқдан машинанинг тўртала ғилдираги тешилгач, машинани ташлаб қочишга улгурди. Машинани титиб кўришганда тўппонча топилмади. Битта пичоқни топиш ва эсхонаси чиқиб кетган хонимчани ушлашдан бошқа иложлари бўлмаса-да, унга талончилик ва милиция ходимининг ҳаётига қасд қилиш айбини қўйишди. Бу айб билан суд ўлим жазосига ҳам ҳукм қилиши мумкин эди. Тергов ишлари бошлаб юборилганида Калина (лақаби «Кали») Никифорова милицияга ариза билан мурожаат қилиб, Глиозанинг чиндан ҳам икки минг рубль қарздор эканини тасдиқлади. Кали «қонундаги ўғри»лар билан мустаҳкам алоқада юрувчи товламачилардан бири эди. Ўзи валюта билан шуғулланарди, ўғирланган антиквар

моллар билан савдо қиларди. Унинг Ғарбий Берлинда антиквар дўкони бор эди, Москвада эса пивохонада тирикчилигини ўтказарди. Унинг ёлғиз ўғли ҳам «қонундаги ўғри» тожини кийганлардан эди. Айримлар уни Япончикнинг ўғли деб ҳам юришарди. Бу исбот қилинмаган гап бўлса-да, лекин жиноят олами Япончикнинг бу болага эҳтиром билан муомала қилишини назардан қочирмаган эди. Аммо кейинчалик Япончик «Калина» лақабини олган Виктор Никифоровга тутинган, чўқинтирган ота бўлди. Аммо тутинган ўғил узоқ яшамади, отиб ўлдирилди. Кали пинҳона валюта бозорининг маликаси, афъюнфурушларнинг яқин ҳамкори сифатида юриб, бу оламнинг сирларидан вақти-вақти билан милицияни огоҳ қилиб турарди. Шу йўл билан йўлидаги нобоп рақобатчилар супуриб ташланарди.

Ҳатто энг ашаддий ўғрилар ҳам унинг маккорлигига тан берар эдилар ва унга қарши бирор ҳаракатдан ўзларини тиярдилар. Кали ҳуқуқий масалаларини ҳам яхшигина еча олиш қобилиятига эга эди. У Глиоза ишига оддий гувоҳ сифатида қўшилмади. Унинг асосий вазифаси — ҳуқуқ идораси билан жиноят оламини боғлаб турувчи алоқачилик эди. У бу вазифасини аъло даражада уддалади. Натижада Япончикка қўйилаётган айблар аста-секин юмшай бошлади. Аввалги талончилик жиноятн оддий таъмагирлик билан алмаштирилди. Милицияга қуролли қаршилик кўрсатиш, деган айблов ҳам йўқолиб, совуқ қурол, яъни пичоқ сақлаш айблови қад ростлади. Уни ўша йиллари Москвада машҳур бўлган адвокат Генрих Падва ҳимоя қилди. Терговчининг хизматлари бекор кетмади. Жиноят олами томонидан тўртта «Волга»га етадиган маблағ билан «мукофотланди». Иш бу даражага келгунича Япончик яшириниб юрди. Кейин уни сабзавот дўконида хотиржам харид қилаётган дамда қўлга олишди. Олажак жазосини арзимаслигини билгани учун ҳам қаршилик кўрсатишга ҳатто уринмади. У қамоққа олингач, руҳий хасталиги «маълум» бўлиб қолди. Аниқланишича, у тергов жараёнларида ғоят асабийлашиб бу хас-

таликка чалинибди. Хуллас, у ана шу касаллиги туфайли жазодан озод қилинди. Бунда фақат пул эмас, Япончикнинг руҳий хасталар клиникаси бош врачининг ўринбосари бўлиб ишлайдиган ўйнаши ҳам керакли улушини қўша олди. Шундай қилиб, икки марта судланган, аммо бирон марта жазо муддатини тўла ўтамаган Япончик озодликка чиқди. Энди у ғоят эркин юрарди. Унга қарши чиқмоқчи бўлганлар эса изсиз йўқолаверарди. Одамлар орасида, Иванков душманларини тириклигича ерга кўмиб ташлайди ёки ваннадаги кислотада куйдириб юборади, деган ваҳимали гаплар юради. Энг ажабланарлиси шундаки, Москвадаги айрим газеталарда Иванковни ёқловчи мақолалар ҳам пайдо бўлди. Уни «Автомобилдан сақланинг» фильмидаги Деточкинга ҳам қиёслашди. Бундан руҳланган Япончик «Бу шаҳарда МУР эмас, мен хўжайинман!» дейишгача борди. У Россияда эндигина оёққа тураётган рэкетни юқори поғоналарга олиб чиқди.

«Қора кардинал»

Москва шаҳридаги Ваганков мозорига кирган киши ака-ука Амиран ва Отари Квантришвилиларнинг қабрлари ёнидан эътиборсиз ўтиб кетолмайди. Қимматбаҳо тошдан тикланган икки қабртош ўртасига икки қанотли фариштанинг ҳайкали ишланган. Гўё бу фаришта уларни қиёмат азобларидан асраётган каби турибди. Бу манзарани кўрган одам биринчи галда ҳайкалтарошнинг санъатига таҳсин ўқийди. Кейин «фаришта паноҳидаги бу бечоралар кимлар экан?» деб ўйлаши табиий. Бу ака-укаларнинг қилмишидан бехабар киши уларни ёвузлар томонидан ўлдирилган беозор фаришталардан деб билиб, ҳақларига дуо ҳам қилиши мумкин. Тўғри, улар ёвузлар томонидан ўлдирилганлар. Амиран 1993 йил охирида 49 ёшида, Отари эса орадан ярим йил ўтиб, 46 ёшида ўлим топди. Ҳазрати Бобур Мирзонинг «ҳар кимки жафо қилса, жафо топғусидур» деган ҳикматлари бу ака-ука қисматида ҳам ўз исботини топди. Гап шундаки, улар фаришталдай беозор эмасдилар ва ўлимларини ўзлари каби ёвуз-

лар қўлидан топдилар. Бундан ўзгача бўлиши мумкин ҳам эмасди.

Жиноятчилар оламига энди шунчаки адашганлар тўдаси сифатида қараш керак эмас. Жиноят оламига жамият ичидаги кичик жамият деб қараш тўғрироқ бўлар. Чунки уларнинг ёзилмаган бўлса-да ўз қонунлари бор. Бу қонуннинг сўзсиз бажарилишини назорат қилувчилари мавжуд. Агар қонунга итоат этилмаса бетўхтов жазога тортувчилари ҳам бор. Шу билан бирга иш юритиш услублари, ўз жамиятчаларини бошқариш йўриқларига ҳам эгалар. Жиноятчиларнинг ўз жамиятчалари ўзлари учун гўё бир мамлакат кабидир. Унга биров дахл қила олмайди. Ким бу «мамлакат» ҳудудига ўзбошимчалик билан қадам қўйса, ўлим топиши шубҳасиздир. Шу билан бирга, ҳамиша ўлим жари ёқасида турганини бу жамият етакчисининг ўзи ҳам, тобелари ҳам билишади. Шу боис, етакчи тўсатдан ўлим топган пайтда унинг ишини давом эттирувчини топиш муаммо бўлмайди. Гўёки қадим подшоҳлар каби «тахт вориси» шай туради. Агар шундай бўлмаса, бу «мамлакат», яъни жиноий тўданинг ўзи ҳам ўлим жари ёқасига келиб қолади. Тўдада етакчилик вазифасини талашиш бошланса, у икки найза орасида қолади. Биринчи найза ўзлари каби жиноий тўдаларники, иккинчиси эса ҳуқуқ идораларники. «Отнинг ўлими — итнинг байрами» деганларидек, агар бир тўда бутунлай маҳв этилса, бошқалар ўз «мамлакатлари чегарасини» кенгайтириб олишлари мумкин. Соддароқ тилда айтсак, илгари маълум тўдага «чўтал» тўлаб турганлар, улар йўқ қилингач, энди янги хўжайинларига тўлай бошлайдилар.

Япончик фаолиятига бағишланган аввалги баёнимизда унинг устози Геннадий Карков — «Монгол»ни ҳам тилга олиб ўтган эдик. Ўтган асрнинг олтмишинчи йилларида давлатманд одамларни доимий қўрқувда ушлаб турган Монголнинг тўдаси етакчисиз қолмади. Унинг ишини саксонинчи йилларда Япончик ғоят усталик билан давом эттирди. Ундан кейин «квант» – Отари Квантришвили бу тўдани янги чўққиларга олиб чиқди. Ҳа,

шундай: улар ҳамиша чўққи сари интилиб яшайдилар. Аммо чўққи ортида жарлик бўлиши мумкинлигини фаҳм этмайдилар.

«Квант» лақабини Отари қамоқхонада олган эди. Москва шаҳар суди уни қиз боланинг номусига тегишда айблаб, 1966 йилнинг 19 декабрида 9 йилга озодликдан маҳрум қилиш ҳақида ҳукм чиқарган эди. Лекин у қамоқда кўп ўтирмади. Ҳамхонасининг қулоғини тишлаб олиши баҳона бўлиб, тиббий кўрикдан ўтказилди ва руҳий бемор сифатида қамоқдан озод қилинди. Квантнинг жазодан осонгина қутулиши кўпчилик учун ҳанузгача муаммо бўлиб келяпти. Чунки бундай жиноятн учун қамоққа тушганлар кейинчалик беайб саналиб, суд ҳукми билан озод этилсалар ҳам, қамоққа тушган кунларидаёқ жиноят оламининг вакиллари томонидан зўрланардилар, яъни ўзига хос тарзда жазоланар эдилар. Квант бундай шармандаликдан ҳам қутулиб қолди. Бу ўринда тахминлардан бири ҳақиқатга яқин: унинг ҳар икки жазодан қутулишида Япончикнинг хизмати бор. Тиббий кўрик масаласида унинг шу соҳада ишлайдиган маъшуқаси ёрдам берган бўлса, қамоқдаги жиноят оламининг вакилларига Монгол орқали таъсир этилган.

Квантнинг устозлари «қонундаги ўғри»лардан эди. Аммо унинг ўзи бу мартабага эриша олмади. Баъзилар «буни ўзи хоҳламаган эди», дейишади. Лекин ўзи хоҳлаган тақдирда ҳам ўғрилар оламининг қонунига кўра, номусга тегишда айбланганларга баланд мартабалар раво кўрилмайди.

Квантни кейинчалик «Қора кардинал» деб улуғлай бошладилар. «Кардинал» – католик динида Рим папасидан кейин турувчи мартабаси улуғлиги жиҳатидан иккинчи шахс ҳисобланади. Эҳтимол, унга бу янги ном берилишида Япончикдан кейинги иккинчи шахс бўлгани назарда тутилгандир. Қора кардинал устозларидан ҳар томонлама фарқ қиларди. Унга «қонундаги ўғри» тожининг кийдирилиши ҳам унчалик мантиққа тўғри келмасди. Чунки Монгол ҳам, Япончик ҳам ўзларининг жиноят

оламининг улуғларидан эканликларини яширмасди ва бундан фахрланишарди. Қора кардинал эса аксинча, ўзини жиноятчи сифатида эмас, балки олижаноб ҳотамтой кўринишида кўрсатарди. У собиқ иттифоқ даврида ҳам, кейин ҳам Россия телевидениеси орқали тез-тез чиқиб турарди. Атрофида Россиянинг машҳур артистлари, зиёлилари бўларди. Россия милициясининг катта амалдорлари билан улфатчилик қиларди. Унинг халқаро миқёсдаги спорт устаси бўлгани, — «Динамо» спорт клубида тренерлик қилгани бу дўстлик заминини ташкил қиларди. Маълумингиз бўлсинким, «Динамо» спорт клуби собиқ СССР Ички ишлар вазирлиги ихтиёрида бўлган. Бу клуб номидан мусобақаларда иштирок этувчилар эса милиция ходимлари саналганлар ва уларнинг машҳурларига юқори офицерлик унвонлари ҳам берилган. Шулардан бири «Динамо» футбол жамоасининг дарвозабони Лев Яшин эди. У 50-60 йилларнинг жаҳон миқёсидаги энг довруқли спортчиси эди. Саксонинчи йилларда хасталиги туфайли оёғи кесилиб, анча азобланганди. Қора кардинал айнан шу спортчининг номидан фойдаланиб, хайрия жамиятини очади ва спортдан кетганларга ҳомийлик қила бошлайди. Албатта, бу олижаноблик жамоатчиликнинг, айниқса мухбирларнинг диққат-эътиборидан четда турмаган. Унинг номини шуҳрат шоҳсупасига олиб чиққан. Лекин бу «олижаноблик» нималар эвазига бўлаётгани билан ҳеч кимнинг иши йўқ эди. Қизиққанларга эса Қора кардинал «Биз илтимос қиламиз, улар берадилар», деб жавобни калта қиларди. Ўша йиллари турли фирма ва кооперативлар очиб бойий бошлаганларнинг маблағ берганлари аниқ, аммо улардан қандай «илтимос қилингани» ноаниқ эди.

Монгол билан Япончик бирон бойнинг изига тушса, қийнаб бўлса ҳам шўрини қуритишарди. Бу иш устида ўзлари туришарди. Шунинг учун уларни қўлга олиш, жазолаш унча муаммо бўлмаган. Қора кардинал эса бундай қилмасди. Ўзи ҳамиша четда турарди, унинг «илтимосини» етказадиган бошқа одамлар эди. Россия мили-

цияси ўзига яқин бўлган бу одамнинг жиноятларини биларди, аммо жиноят устида ушлаш, айбини исбот қилиб беришдан ожиз эди. У гўё қўлда ушлаб туриш мумкин бўлмаган балиққа ўхшарди. Милицияни қийнаган яна бир муаммо унинг жабрини тортган, яъни «илтимосини бажарган»лар ўзларини жабрланган ҳисобламасдилар, даъво ёки шикоят ҳам қилмасдилар. Агар бирорталари тилидан шикоятга мойил гап чиқса, кўп ўтмай даъволаридан тона бошлардилар.

Қора кардиналнинг атрофида жипслашган собиқ спортчилар 80 йилларнинг ўрталарида кучга кирдилар. Дзюдо бўйича бир неча марта Европа чемпиони бўлган Александр Изотов спортдан кетиб, жиноят оламига кириб келгач, «Буқа» (Бык) лақабини олди. Бокс бўйича спорт усталигига номзод Иван Ўғли «Циган» лақаби билан Москва атрофида энг кучли ҳисобланган Люберци бригадасини ташкил қилди. Бауман, Домодедово, Орехово ҳудудидаги тўдаларни ҳам шунга ўхшаш собиқ спортчилар ташкил этдилар. Буларнинг барчаси Қора кардиналга тобе эди.

Бу гуруҳлар аввалига ўша даврга хос «валюта операциялари» билан шуғулланардилар. Ўша йиллари йирик шаҳарларда «Березка» номи билан махсус дўконлар очилган эди. Бу дўконларда фақат чет эл моллари фақат «Внешпосилторг» деб аталмиш ташкилотнинг махсус чекларига бериларди. У дамларда чет элнинг яхши моллари эга бўлиш ўзига хос мартаба ҳисобланарди.

Жиноятчи тўдаларнинг вакиллари шундай дўкон атрофида ўралашиб юришиб, чеки бор одамни пайқашса уни илинтиришга ҳаракат қилганлар. Масалан, бирови келиб хотинига қимматбаҳо кийим олмоқчи экани, аммо чеки етмаётганидан нолиб, бундай чекни бозор нархидан баландроққа сотиб олишга ҳам рози эканини билдиради. Чекини сотиб катта фойда олишга иштиёқманд лақма қармоққа илинганини ўзи ҳам сезмай қолади. Баъзан бундай чекни сотиб олишда чиройли томоша ҳам кўрсатишади. Яъни, чек савдоси бўлаётганида милиция ходими

пайдо бўлади. Ҳар икки томонни ҳибсга олади. Баённома ёзади, чекни мусодара қилади ва чек эгасини эртага фалон соатда фалон милиция идорасига келишини тайинлаб, қўйиб юборади. Лақма одам айтилган соатда айтилган жойга бориб фалончи милиционерни сўрайди ва... бу ерда бундай одам ишламаслигини эшитади. «Нега ишламайди?» деган саволи навбатчи офицернинг сўкиши билан тақдирлангач, икки бармоғини бурнига тиқиб изига қайтаверади.

Бу товламачиларни собиқ спортчилар ҳар қандай ҳужумдан асрардилар ва бунинг эвазига талаб этилган «чўтал»ни олиб турардилар. Совет милицияси бу ишлардан бехабар қолаверарди, деб ўйлаш ноўрин. 1985-1987 йил оралиғида Москва шаҳрининг ўзида бундай товламачилардан 130 киши қўлга олиниб, жазога тортилган эди. Лекин булар «майда балиқчалар» эди, катта балиқни ушлайдиган «тўр» ҳали йўқ эди.

Қора кардинал ҳаммомдан чиқаётганда отиб ўлдирилган. У ҳаммомда чўмилиб, покланиб чиқаётган экан, деб ўйлаш ноўрин. Тўғри, жиноят олами ҳаммомни яхши кўрган. Москванинг Красная пресня деб номланмиш ҳудудида машҳур рус ҳаммомлари жойлашган. Бу ерга келишдан мақсад фақат ювиниш эмас, балки катта-катта ишлар шу ерда кўрилган, кимнингдир яшаш ёки яшамаслиги масаласи ҳам шу ерда ечилган. Бу «машаққатли» юмушлардан кейин эса «дам олинган». «Дам олиш» — ўсмир ёшидаги нозанинлар иштирокидаги маишат билан якунини топган. Ҳаммомни Қора кардиналнинг ўзига хос «қабулхонаси» деб аташ ҳам мумкин. Бу «қабулхона»да собиқ иттифоқнинг катта-кичик амалдорлари ҳам баъзан-баъзан кўриниб туришган. Бошқача айтганда, айрим зарур ҳужжатларга шу ҳаммомда имзо чекишган ва шунга яраша мукофотларини олганлар. Тўғри, унинг «Интурист» меҳмонхонасида идораси бўлган, лекин айрим ҳужжатларга у ерда имзо чекишга мансабдорлар чўчишган. Балки улар ҳаммомда гуноҳ ишга қўл уриб, кейин шу ернинг ўзидаёқ покланиб чиқиб кетишни хаёл

қилгандирлар. Уларнинг назарларида сув ҳар қандай гуноҳни ювса керак-да. Афсуски, ундай эмас. Қора кардиналнинг ўлимидан кейин ҳам бундай ҳаммомлар бўшаб қолмаган. Бундан бир неча йил аввал Россия Бош прокуророни шундай ҳаммомлардан бирида маишат қилаётганида суратларга олиб, шарманда қилишган ва у истеъфога чиқишга мажбур бўлган эди.

Ҳаммомга донғи кетган қиморбозлар ҳам йиғилиб туришган. Чунки Қора кардиналнинг акаси Амираннинг асосий юмуши қиморбозлик бўлган. Унинг яна яширин юмушлари ҳам бор эди. Айримлар унинг милиция билан ҳамкорлиги бўлган, уларни керакли маълумотлар билан таъминлаб турган, дейишади. Лекин бу гумонни тасдиқловчи ҳужжат ҳозирча йўқ. Эҳтимол, милиция тарихи билан шуғулланувчи бирон тарихчи олим шундай бир ҳужжатга дуч келиб, ошкор қилар. Лекин ўша пайтда Амираннинг иккинчи яширин юмушини кўпчилик билган ва ундан қўрқиб турган. Гап шундаки, катта пул ютган одамни у укасига ёки укасининг югурдакларига маълум қилиб қўйган. Катта пул ютиб ўзини бахтиёр санаган қиморбоз кўп ўтмай хонавайрон қилинган.

Хуллас, бу ҳаммомда жуда катта миқдордаги пул тикиб ўйналган, баъзан тикилган пул ярим миллион рубл-дан ҳам ошиб кетган. Бу ҳозирги ҳисобда ярим миллион доллардан зиёдроқни ташкил этади. Ғолибга яна қўшимча мукофот — нозанин қиз қип-яланғоч тарзда ҳадя этилган. Хуллас, покланиш учун ихтиро этилган ҳаммом ўз вазифасини ўзгартириб, бузуқлик масканига айланган эди.

1984 йилда шу ҳаммомда Игор Бродский бор-йўғини ютқазди ва бунинг устига 400 минг рубль қарз бўлиб қолди. Фан номзоди, университет доцентининг ўша дамдаги ойлик маоши 350 рублни ташкил этишини эсласак, бу қарзнинг нечоғлик катта эканини тасаввур қила оламиз. Игорь Бродский чакана одамлардан эмасди, ўзига яраша тўдаси, жиноят оламида эътибори бор эди. Лекин ака-укаларга тенг кела олмаслигини биларди. Икки йил олдин Амиранга 50 минг рубль ютқазиб қўйиб, бир

амаллаб узилганди. Эндиги қарз!.. Бу оламда бир томон ён босса, келишмайдиган иш йўқ. Бродский бу қарзни бир-икки қалтис ишдаги иштироки орқали узадиган бўлди.

Ўша йили ёзда Бродский Москвада анча эътиборли саналган «Прага» ресторанида синглисининг туғилган кунини нишонлаётган эди. Маишат авжига чиққанида унга икки бақувват эркак ва бир аёл яқинлашди. Эркакларнинг бири оғир зазнли машҳур боксчи Олег Коротаев, иккинчиси махсус қисмнинг собиқ офицери, каратэ усулларини мукаммал билувчи Владимир Попов эди. Бродский уларни танирди ва нима учун келишганларини тахмин қиларди. Шундай бўлса ҳам, айрим кинофильмларда кўрсатилгандек қочиб кетишга ёки бирор найранг ишлатишга уринмади. Аксинча, дастурхонга лутфан таклиф этди. Бродский Коротаев билан ҳаммомда учрашганди. Попов билан учрашуви эса ўзгачароқ бўлганди. Бир йил аввал «Салтиковка» ресторани ҳожатхонасида нотаниш йигитлар унинг нақ бўғзига тўппонча тираб, 30 минг рубль талаб қилишди. Ана ўшанда Попов уни қутқариб қолган эди. Энди эса ака-укаларнинг элчиси сифатида келиб турибди. Бу элчи шунчаки гап етказувчи эмас, балки буюрилган вазифага Бродскийнинг ё розилигини, ё жонини олиб кетиши шарт. Бродский буйруқни ҳеч бир мулоҳазасиз қабул этди. Чунки бу вазифа унинг учун янги эмас, демак, мураккаб ҳам эмасди. Сартарош соч-соқол олишни одатий иш деб билгани каби Бродский ҳам биров тўплаган бойликни шилиб олишни шундай юмуш деб биларди.

Бир ҳафтадан сўнг кичик тўдага бош бўлиб Латвияга қараб йўл олди. 16 июлга ўтар кечаси Самович деган кишининг уйига бостириб киришди. «Менда ҳеч қандай бойлик йўқ» деб туриб олган уй соҳиби ва унинг куёви обдан дўппосланди, бу ҳам иш бермагач, ақлий жараённи фалаж қилиб қўювчи дори билан эмланди. Оқибат 114 минг рубль нақд пул ва бир талай олтинни ўлжа олиб изларига қайтишди.

Ярим йилдан кейин милиция бу тўданинг изига тушди. Жиноий ишга доир ҳужжатларнинг у ер-бу ерида «Амиран», «Отари» деган исмлар учрарди. Ҳа, айнан учрарди, иш бундан у ёғига ўтмади. Ака-укага қарши чора кўришга сабаб бўлгувчи бирон жўяли айб топилмади. Лекин ўша пайтдаги милиция чекинишни истамади. Уларга қарши далилларни излашни тўхтатмади. Отари буни яхши биларди ва у ҳам ўз навбатида ўзини оқлаш чораларини излаб топарди. Унинг атрофидаги ;авра ажабтовур эди: уни ўраб турган «дўстлар ҳалқаси»да қонундаги ўғрилар ҳам, КГБ (давлат хавфсизлиги қўмитаси) ва милиция ходимлари ҳам, машҳур артистлар ҳам бор эди. Хуллас, ҳужум қай томондан бўлса, бу зарбанинг ўша томоннинг ўз вакиллари қайтариб туришлари мумкин эди. Шу ўринда киши ақлини лол қолдирадиган ғалати ҳолат ҳам ҳукмрон эди. МУР (Москва жиноятга доир қидирув бўлими) Қора кардинални фош этиш учун тинимсиз равишда далил-ҳужжатлар тўпларди, гумондаги бу шахс эса милиция байрамларида сўзга чиқиб, фаол милиция ходимларини турли мукофотлар билан тақдирларди. МУРнинг таъқибидан мутлақо чўчимаслигини у ошкор равишда билдирарди. Ҳатто телевидениедаги бир чиқишида «Рушайло бола-чақаси борлигини унутмасин», деб очиқ пўписа ҳам қилди. (Владимир Рушайло ўша пайтда МУРда хизмат қиларди, кейинчалик у Россия Ички ишлар вазири, сўнг эса Хавфсизлик кенгаши котиби мартабаларида хизмат қилди.) Унинг пўписалари бекорга эмасди. МУР тўплаган маълумотларни вазирлик сўраб олди ва бу иш билан ўзлари шуғулланишларини билдирдилар. Вазирликдан эса КГБ сўраб олди ва мақолда айтилгандек иш юз берди: «ёпиғлиқ қозон ёпиғлиғича» қолди.

Агар ўшанда МУР муддаосига етиб, уни ҳибсга олганда ҳам Россия жамоатчилиги оёққа турган, милицияни туҳматда айблаган бўларди. Чунки Отари атрофида шундай муҳит ярата олган эди. Жамоатчилик учун у Қора кардинал эмас, балки меҳрибон ва олижаноб, Совет

спорти шуҳратини оламга ёйган буюк инсон эди. Ҳар ҳолда дафн маросими буюк инсонлар мартабасида бўлди.

1992 йилда Совинцентр (ташки алоқалар маркази)да «Рэд стар» деган ташкилот «Йил чиройи» деб номланмиш гўзаллар кўригини ўтказди. Низомга кўра, кўрик ғолибаси 30 минг доллар мукофот билан тақдирланиши лозим эди. Россиянинг юзлаб шаҳарларидан нозик ва гўзал қизлар худди шамчироққа интилган нодон парвоналар каби пойтахтга интилдилар. Уларнинг фақат биттаси шод, қолганлари мотам йиғисида турганларида ҳакамлар ҳайъати орасидаги «олижаноб инсон» Отари Квантришвили ўрнидан турди ва навбатдаги олижаноблигини намойиш этди: у гўзаллик маликалари орасидаги яна олти қизга махсус соврин беражагини маълум қилди. Соврин ҳаммани лол қолдирди. Бу олти гўзалга Испаниянинг Барселона шаҳрида бўлиб ўтадиган жаҳон олимпиадасига йўлланма берилди. Россия матбуоти бу ҳотамтойликни ҳам юқори баҳолади. Аммо ҳеч ким олимпиададан кейин бу қизларнинг аҳволи билан қизиқмади. Қизларнинг Испанияга боришлари билан меҳмонхоналарга қамалганлари ва мусобақалар тамом бўлгунига қадар Қора кардинал ҳомийлик қилаётган спортчиларга фоҳиша сифатида хизмат кўрсатганлари, уйларига ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан мажруҳ ҳолда қайтганликлари эса омма учун сир бўлиб қолаверди.

Шу тарзда Қора кардинал ҳамиша пинҳона иш юритган устозларидан ўзиб кетди. Бизда «ошинг ҳалол бўлса, кўчада ич», деган мақол бор. Жамоатчилик назарида Қора кардиналнинг «оши ҳалол» эди ва у ҳеч нарсадан тап тортмай ўша ошини ошкора ичиб роҳатланарди. Демоқчимизки, Отари Квантришвили яширин жиноят оламини ошкора йўналишга олиб чиқди. Унинг режасича, ана шу ошкоралик унинг барча жиноятларини қалқон сифатида тўсиб турарди. У бир нарсада адашмади — ҳуқуқ идоралари ва жамоатчилик учун унинг қалқони ишончли тўсиқ эди. Аммо бошқа томондан бериладиган зарба учун бу қалқон бўкиб ётган қоғозчалик аҳамиятсиз эди. Қора кар-

динал ўзи яратган қалқонга маҳлиё бўлиб яшаётганда кутилмаган томондан берилган зарба ўз ишини қилди. 1994 йилнинг 5 апрель куни унинг вужудига қадалган тўрт ўқ ўз ишини қилди. У ўз устози Япончикдан аввал ўлим топди. Япончик бу шум хабарни АҚШда эканида эшитди.

Қора кардинал ўлдирилди. Лекин унинг ўлими ҳақидаги турли тахминлардан биронтаси ҳали ўз исботини топгани йўқ. Акаси Амиран отиб ўлдирилгач, у нима учундир ўч олишни ўйламади. Бу ҳол кўпчиликни ҳайрон қолдирди. Отарининг ўлимида баъзилар чеченлар тўдасидан гумон қилдилар. Айримлар эса Кавказ ва славян жиноий тўдаларининг ўзаро олишуви деб баҳоладилар. Бу иккала гумонда ҳам етарли асос йўқ эди. Қора кардинал, айниқса, славян тўдалари билан яхши алоқада бўлган. Айримларини милиция ҳужумидан асраб ҳам келган. Апрель ойининг бошларида Грузия Ички ишлар вазири Москвага келиб, россиялик ҳамкасби билан учрашган эди. Баъзилар айнан шу учрашувда икки вазир Россиядаги грузин жиноий тўдаларини йўқотиш масаласини кўриб чиққанлар, деб тахмин қилишади. Россия ҳудудидаги грузин жиноий тўдаларининг Грузиядаги ички аҳволга таъсирлари кучли эди. Эҳтимол, Грузия ҳукумати бу таъсирнинг илдизини қирқиш чораларини кўрган бўлиши ҳам мумкин. Чунки ярим ой ичида Москва атрофида ва Грузиянинг ўзида ўндан ортиқ эътиборли жиноий гуруҳларнинг етакчилари ўлдирилдилар. Бу қотилликларнинг биронтаси ҳам ҳозирга қадар очилмади. Шу ўринда ғалати мантиқсизлик бордек кўринади. Дейлик, Отари Квантришвилини ёки машҳур ўғрибоши Автандил Чиквадзени (лақаби Квежо) милиция қамоққа олишга кўп уринди. Улар ўлдирилганидан кейин эса қотилларни излай бошлади. Аслида бир жиноятчи иккинчи жиноятчини ўлдирди. Яъни, бир жиноятчи бошқа бир жиноятчини ўлдириб, жамиятни бир ёмон одамдан тозалаб берди. Унга раҳмат айтиш керакми ё уни қидириб топиб, жиноятчи сифатида жазолаш шартми?

Нима бўлганда ҳам Қора кардинални ўз ишига пухта қотил ўлдирган эди. Ўқ отилган жойдан қуролнинг топилиши бунга далил. Фақат профессионал киллер (ёлланма қотил)гина ўз ишини бажариб бўлгач қуролни ташлаб кетади. Аммо ўқ узилган ердан уч ўқ гильзаси топилган. Ҳолбуки, Қора кардинал тўртинчи ўқдан сўнг ўлган. Учта ўқ кўкрак ва бўйнига теккан, тўртинчиси эса бошга. Демак, тўртинчи ўқни бошқа қотил бошқа ердан туриб узган.

Орадан йиллар ўтар, вақти келиб бу қотилликларнинг илдизи очилар. Лекин унга қадар айрим хулосаларга ўрин бериш ҳам мумкин. Дастлабки хулоса: Россияда кейинги 10 – 15 йил ичида жиноятчилик кескин даражада ошиб кетди. Жиноят турлари ҳам кўпайди ҳам ваҳшийлашди. Баъзилар бунга собиқ иттифоқнинг барбод бўлиши ва Россиядаги бебошликлар сабаб деб исботлашга уринадилар. Бу сабабни бутунлай инкор этиш ноўрин. Лекин кейинги йилларда авжига чиққан жиноий тўдалар ишни қачон бошлаган эдилар? Уларнинг юзага келиши, шаклланиши Совет даврида юз бермадими? Демак, Совет даврининг ич-ичидан емирила бошлаши жиноят оламига куч ва қувват берди. Жиноят оламининг тобелари барча тенгдошлари каби пионер ва комсомолнинг тарбиясини олган эдилар. Яъни «Коммунизм қурувчисининг ахлоқ кодекси» асосида вояга етган эдилар. Нима бўлди, коммунизм қурувчисининг ахлоқи деган тушунча шу қадар пуч бўлиб чиқдими?

Бу энди тарих. Тарих эса одамларни ҳамиша ҳушёрликка чақиради.

Ваганков қабристонидаги фаришта ҳайкали вақти келиб ёмғир-қорлар таъсирида емирилади. Лекин бу икки қабрда ётган ака-укаларнинг ваҳшийликлари қайд этилган ҳужжатлар йўқолмайди. Қоғоз-ҳужжатлар йўқолиши мумкин, лекин банданинг яхши-ёмон ишларини ёзиб борувчи фариштанинг ёзувлари ўчмайди. Вақти келиб, бу ёзувлар кўтарилганда, бу дунёдаги ишлардан ҳисоб берилганида қабр тепасига тиклаб қўйилган тош фаришта ёрдам бера олмайди.

«Ўлим учбурчаги»

Ўтган аср ўзининг қирғинлари билан аввалги замонлардан ўтиб тушди. Жаҳон урушлари ва бошқа катта-кичик муҳорибалар миллионлаб одамларнинг ёстиғини қуритди. Минг йиллар давомида инсониятга номаълум бўлган бедаво хасталиклар юз очиб, ундан-да кўп одамлар жонини олди. Шунинг баробарида кутилмаган табиий офатлар ҳам беадад кулфатлар келтирди. Зилзила, тошқинлар сабабини олимлар тушунтириб бера олишади. Аммо инсон онгини ожиз қолдираётган табиий мўъжизалар ҳам борки, шулардан бирини «Бермуд учбурчаги» деб атайдилар. Атлантика уммонидаги Бермуд оролларига яқин маълум бир жойдан учиб ўтмоқчи бўлган самолёт, сузиб ўтмоқчи бўлган баҳайбат кемаларнинг изсиз йўқолиши неча ўн йиллардан бери инсониятни ҳам даҳшатга соляпти, ҳам таажжуб тўрига ўраб турибди. Кема ва самолётларнинг йўқолган нуқталари харитада чизиб белгиланганда учбурчак ҳосил бўлган. Бу учбурчакнинг ташқарисида ҳеч қандай ҳалокат юз бермайди. Ҳалокатларнинг сабабини аниқлаш учун турли-туман илмий тахминлар билдириляпти. Буни коинотдаги ўзгаришлар билан ёки шу жойга хос магнит тўлқинлари билан ҳам изоҳлашмоқчи бўлишади. Лекин шу пайтгача ҳеч бир тахмин ўз исботини топмади. Бирдан бир чора – шу учбурчак ҳудудини четлаб ўтиш.

Қаттол Бермуд учбурчагининг хатари дунёга маълум. Яна шундай қотил учбурчак мавжудки, уни кўпчилик билмайди, унинг номи ҳам йўқ. Биз ўзимизча уни «Ўлим учбурчаги» деб атадик.

Ўтган асрнинг қирғинлари турли давраларда тез-тез тилга олинади. Лекин жиноят оламининг қирғинлари улар олдида арзимас гапдай туюлади. Афсуски, жиноятчилар қўлларидан ўлим топаётганлар сони дунё бўйича ҳисобкитоб қилинмайди. Аниқ ҳисоби бўлганда эди, жиноятчилар томонидан ўлим топаётганлар сони урушларда

ҳалок бўлганлардан кам эмаслиги билинарди. Аниғи шуки, қотиллик дунё миқёсида йилдан-йилга кўпайиб боряпти. Қотиллик турлари ҳам ошиб боряпти. Илгари асосан уриб ёки пичоқлаб, заҳарлаб ёки бўғиб ўлдирилган бўлса, энди ўлик ҳолида ҳам таҳқирланяпти. Хуллас, қотиллар тобора ваҳшийлашиб боряптилар. Одамлар тинчини ҳимоя қилиши зарур бўлган идоралар кўп ҳолларда ожиз қоляптилар. Жиноят олами улардан кўп соҳаларда олдинда боряптилар. Бу фикр фақат бир ёки икки мамлакатга хос эмас. Биз дунёдаги жиноятга доир ҳолатни кузатиб шу тўхтамга келдик.

Назаримда дунё мамлакатларга эмас, балки икки оламга бўлинган: биринчиси тўғри йўлдаги одамлар, иккинчиси шайтон йўлидаги жиноятчилар. Бу соҳада дунёни динларга ҳам бўлиш мумкин эмас. Чунки жиноят оламининг дини – миллати йўқ. Уларнинг ваҳшийликларига сифат беришда қайси мамлакат вакили эканини суриштириб ўтиришнинг ҳожати йўқ. Чунки бугун у ёки бу ваҳшийлик маълум бир мамлакатда ҳам айнан шундай, балки ундан ваҳшийроқ тарзда юз бериши мумкин. Тиббиётга хос касалликлар бир қитъада тарқалса, тез кунларда бошқа қитъаларда ҳам одамлар ҳаётига хавф сола бошлайди. ОИТС хасталигининг тарқалиш тезлигини эсласак, фикримиз исботини топади. Тиббиёт ходимлари буни яхши билишади. Шу боис Таиланддами ёки Англиядами бирон юқумли касаллик ҳақида маълум қилинса, барча ерларда эҳтиёт чоралари кўрила бошланади. Биз жиноятни ҳам худди шундай хавфли юқумли касаллик сифатида қабул қилишимиз керак. Японияда содир бўлган бир жиноят эртага бошқа мамлакатда такрорланаётгани сир эмас-ку? Била туриб нима учун чора кўрмаймиз?

Европа неча ўн йиллардан бери кичик болаларни зўрлаш ва ўлдириш (педофилия) жиноятидан азият чекади. Бунга қарши кураш олиб боради. Яқиндагина Францияда 66 педофил устидан суд жараёни бошланди. Одам қиёфасидаги бу малъунларнинг ваҳшийлигини сўз билан

таърифлаш қийин. Уларни ҳайвон дейиш ҳам мумкинмас. Чунки ҳайвонлар ҳам ўзларининг болаларига нисбатан бундай ваҳшийлик қилишмайди. «Болаларни таҳқирлаш» деганда сиз неча ёшдаги болаларни кўз олдингизга келтирасиз? 13-14 ёшми? Ҳа, шу атрофида. Франциядаги ваҳшийлар таҳқирлаган болаларнинг энг каттаси 12 ёшда бўлган. Энг кичиги... айтсак, балки ишонмассиз. Аммо ишонинг, бу уйдирма эмас, ҳақиқат – энг кичиги ОЛТИ ОЙЛИК чақалоқ бўлган! Яна даҳшати шундаки, айримлари ўз фарзандларини таҳқирлаганлар. Айримлари икки қути сигарет эвазига болаларини педофил қўлига топширганлар. Бунга нима дейсиз? Франциядаги суд жараёни бошланган дамда Испанияда бундан баттарроқ жиноят фош этилди. Мамлакатлараро қанот ёйган педофиллик фош этилди. Ҳозир унинг аниқ натижалари айтилмаяпти. Аммо ўзига хос халқаро жиноий гуруҳдаги юзлаб ваҳшийларнинг қора курсига ўтиришлари кутиляпти. Яқиндагина Францияда қўлга олиниб жазога тортилган бельгиялик педофилни жаҳон аҳли лаънатлаган эди. Куни кеча унинг хотини яна бир жиноятини бўйнига олиб, тавқи лаънат остида қолди: маълум бўлишича, у ёш болаларни алдаб, эрига рўпара қилар экан! бу ваҳшийликни тасаввурга сиғдириш қийин. Ахир аёл зоти эрининг бегона жувонга қарашидан ҳам рашк қилади. Ёмон йўлга кирганини билса, қайтаришга уринади. Бу эса... Алҳазар! Алҳазар!

Буларни нима учун ёзяпмиз? 2004 йилда Тошкентда ҳам шундай жиноят содир бўлиши жамоатчиликни сергаклантирди. Икки қизчанинг ўлдирилиши, биттасининг эса тасодифан омон қолиши биз учун фавқулодда ҳодиса бўлиб туюлди. Ана шундан кейин болаларни эҳтиётлаш чоралари кўрилди. Ҳолбуки бундай чораларни ота-оналарнинг ўзлари аввалроқ кўришлари керак эди. Афсус шундаки, ҳуқуқ идораларининг тавсиялари билан болаларни эҳтиёт қилиш чоралари кўрилса, айрим нодон ота-оналар норози бўлиб юришибди. Бошланғич синфларда ўқийдиган фарзандларини мактабга олиб бориб-

олиб келиш улар учун ғоят қийин вазифа бўлиб туюлибди. Бизда ҳам ёппасига шундай жиноятлар бошланади, деган фикрдан узоқмиз. Аллоҳ сақласин! Ваҳимага берилмаган маъқул. Бундай пайтда ваҳима бизга яхши ҳамроҳ бўлолмайди. Бизга ваҳима эмас, сергаклик зарур. Аллоҳ бандаларини ўзи паноҳида асрайди. Бироқ, бунинг учун бандада ҳам ҳаракат бўлиши керак. Демоқчимизки, жиноят оламига қарши ҳуқуққа доир идоралар ёлғиз кураша олмайдилар. Кураш олиб борган тақдирларида ҳам ғалабага эриша олмайдилар. Бунинг учун халқ билан ҳамжиҳат бўлишлари зарур. Қайсики жамиятда одамлар жиноят оламига бефарқ қарасалар, бу жамиятнинг келажаги аянчли бўлади. Барча билмоғи лозимки, жиноятчини ушлаш ва жазолаш муҳим эмас, балки жиноятнинг олдини олиш зарурроқ ва муҳимроқ.

Айтайлик, 30-40 йил муқаддам жиноят оламига қарши кураш бугунгидай мушкул бўлмаган. Чунки жиноят турлари бугунгидай кўп эмасди. Аввал ўғрилар қўлида қурол билан банкка ҳужум қилган бўлсалар, энди компьютерда ўтириб миллионларни ўмаришади. Ўғриликнинг бу турига «хакер» деб ном беришган. Агар илгари қотиллик бирон жанжалнинг оқибати бўлса, энди қотилларни ёллаш мумкин. Ёлланма қотилларни «киллер» деб аташади. Яна одамхўрлар – ганнибал, товламачию, таъмагирлар тури кўпайгандан-кўпайди. Дастлабки савол: жиноят олами нима сабабдан эркин равишда гуллаб-яшнаяпти? Иккинчи савол: нима учун жиноятчилар тобора ваҳшийлашяпти? Бу саволларга кўпчилик жавоб излаяпти. Аниғи шуки, полиция ёки милиция бу саволларга жавоб бера олмайди. Чунки уларнинг таҳлилга фурсатлари йўқ. Биринчи жиноятчини ушламай туриб, иккинчисининг изига тушишга мажбур. Ҳа, бу саволга илм аҳли жавоб бериши шарт. Аммо жавоб излаётганлар асосан ҳуқуқ илмининг вакиллари. Бу сафда баъзан руҳшунос (психолог) олимларнинг вакилларини учратамиз. Психиатрларни эса деярли учратмаймиз. Уларнинг вазифаси жиноятчида руҳий хасталик борми ё йўқми, шуни аниқлашдан иборат. Жино-

ятчи руҳий хаста бўлса уни маълум муддат махсус шифохонада даволашга уринишади. Эҳтимол, бу соҳада илмий ишлар олиб борилаётгандир, жиноятларга алоқадор бўлгани сабабли бу илм сир сақланаётгандир. Буниси бизга қоронғи. Бу борада бизни ана шу «махфийлик» деган нишон ажаблантиради. Ҳатто ҳуқуқ илмига доир айрим мавзулар ҳам махфий сақланади. Ҳолбуки, жиноятга доир хулосалар билан халқ бохабар бўлса, ҳуқуқ идоралари билан ҳамжиҳатлик яқинроқ бўларди. Масалан, қайси вилоятда жиноятнинг қандай тури кўпроқ учрайди? Буни яширишнинг нима ҳожати бор? Эҳтимол, жиноятнинг шу тури айни шу вилоятда бекорга авж олмаётгандир? Эҳтимол, атроф-муҳитга доир қандайдир таъсирлар мавжуддир?

Фикримизнинг исботи учун Россиянинг Ростов-Дон вилоятидаги воқеаларни таҳлил қилиб кўрамиз. Ўтган асрда Дон казакларининг довруғи баланд бўлган. Подшонинг жазо отрядлари ҳам аксар шу казаклардан ташкил топган эди. Казаклар ўзларининг жасурлиги, айни пайтда аёвсизлиги билан бошқалардан ажралиб туришган. Иван Грозний даврида татар хонларига, хусусан, Кучумхонга ҳужум қилган Ермак ҳам шу атрофнинг фарзандларидан бўлган. Йигирманчи асрда бу вилоят яна тез-тез тилга олинадиган бўлиб қолди. Айни шу ерларда асрнинг энг мудҳиш жиноятлари содир бўлди, десак, адашмаймиз.

Ўтган асрнинг сўнгги чорагида жиноятчиликка доир адабиётларда ёки матбуотда «маньяк» (жиноятни кетма-кет содир қилгани учун «бардавом маньяк» ҳам дейишади), «каннибал» (одамхўр) деган сўзлар кўп учрайдиган бўлиб қолди. Собиқ иттифоқ жамияти бундай жиноят турлари мавжудлигини яширишга ҳаракат қиларди. «Касални яширсанг, иситмаси ошкор қилади», деганларидек, хасталик ошкор бўлган вақтда кўп нарса қўлдан бой берилган эди.

Маньяк – бирон нарсага, айтайлик, қотилликка ружу қўйган руҳий хасталик ҳисобланади. Маньяк одам ўлди-

ришдан лаззатланади. Бу жиноят турида яна «садист» («садизм» сўзи XVIII асрда яшаган француз адиби маркиз де Сад номидан олинган) дегани ҳам бор. Садистлар одамга тан азоблари ва жароҳатлари етказишдан роҳатланишади. Улар учун шунчаки ўлдириш муҳим эмас. Улар ўлжаларининг ит азобида қийналишларини кўришлари шарт. «Каннибал» эса ўлжанинг ўлими билан кифояланмайди. У мурдани таҳқирлашда давом этади. Бу қотилларнинг ўлжалари ёш жувонлар ёки болалар ҳисобланишади.

Бу жиноят оламининг энг машҳур вакили Андрей Чикатило эди. Бу ваҳшийни қўлга олиш осон бўлмаган. Биринчи қотиллигидан то **эллик иккинчи** қотиллигига қадар орадан 12 йил вақт ўтди. Собиқ иттифоқ милицияси ва прокуратураси уни ўн икки йил бадалида тута олмади. Бир неча қотиллик бошқа одамларнинг зиммасига туҳмат билан юклатилиб, беайблар жазоланди. Ҳатто қурбон бўлган аёлларнинг эрлари ҳам қотилликда айбланиб, жазоланишди. А.Чикатило 1990 йилда ҳибсга олиниб, ўлим жазосига ҳукм қилинди. Ҳукм 1994 йилда ижро этилди. Кўзлари катта-катта, киртайган, жуссаси озғиндан келган бу одамнинг бунчалар ваҳшийлиги ҳеч бир кишининг тасаввурига сиғмайди. Маньяк маҳв этилди, дейилганда айнан ўша жойларда, айнан ўша услубда янги-янги қотилликлар содир бўла бошлади. Шулардан бири – одамхўр Владимир Муханкиннинг мухбир билан суҳбатини эшитган эдим. Айтишича, у А.Чикатилони ўзининг кумири деб биларкан (кумир – бутларга сиғинмоқ демакдир. Бу ўринда жиноятчини ўзининг худоси деб сиғиниш назарда тутилади). Кишининг худоси одамхўр ваҳший бўлса, ундан нималарни кутиш мумкин? В.Муханкин барча ишларида А.Чикатилонинг услубларидан фойдаланган ва унга тақлид қилган. Ҳатто А.Чикатилонинг дарё бўйидаги чайласини қидириб топиб, ўша ерда яшаган. «Шогирд устозидан ўтибди», деганларидек, у тезкорликда ҳаммани ҳайратда қолдирди. Агар устози 12 йилда 52 одамни (ўрта-

ча ҳар икки-уч ойда бир қотиллик) ўлдирган бўлса, у икки ойда саккиз аёлни ўлдирган. Ҳолбуки, қотилликдаги тезкорлиги учун Чикатило «Экспресс Чикатило» (бетўхтов Чикатило) деган лақаб олган эди. Муханкин, агар устозига ўхшаб 12 йил қўлга тушмай юрса, Худо билади, ярим мингга яқин одамни ўлдириши мумкин эди. У шунчалар хотиржамлик билан одам ўлдирардики, бу ҳам бошқалар учун ҳайратланарли ҳол ҳисобланади. Масалан, сўнгги ўлжасини ўлдиргач.. чарчагани учун ётиб, ухлаб қолади. Тасаввур қилинг: ўлдирилган аёлнинг ёнида хотиржам ухлаб ётиш одам боласига хосмикан? Ваҳший ҳайвон қорнини тўйдириш учун ўлжасини ўлдиради. Ваҳший одам-чи?..

Африкада қадимдан одамхўр қабилалар бўлган. Шу қабилалардан бирининг вакили ўтган асрнинг охирроғида (қадим замонларда эмас!) ҳокимиятни қўлга олгач, мухолифларни бирин-кетин ўлдириб ея бошлабди. Унинг энг «ақлли» иши – мухолифларнинг гўштини болаларига едирмас экан. Бунинг сабаби: унинг ақидасига кўра, болалари бу гўштдан есалар, душманларининг ёмон иллатлари фарзандларига ўтиб қолиши мумкин экан. Буни жаҳолат дейишимиз мумкин. Чикатило ва Муханкиннинчи?

Бардавом маньяклик шу билан кифояланса кошки эди. Худди шу атрофда кейинги ўн йил ичида 37 маньяк аниқланди, уларнинг қўлидан юзлаб одамлар ўлим топди. Бу нима, тасодифми? Ёки касалликми?

Мазкур жиноят иши билан шуғулланганлар ғалати ҳолатларга эътиборни қаратдилар: қотиллик содир бўлган жойлар харитада белгиланганда учбурчак ҳосил бўлди. Яъни, Ростов-Дон, Таганрог, Шахти шаҳарлари шу учбурчакнинг учта бурчагига жойлашди. Барча ваҳшийликлар айнан шу учбурчак оралиғида юз берган. Бошқа жойларга ўтмаган. Бу нима? Бу ҳам тасодифми?

Энг эътиборли томони, ваҳшийлар танлаган ўз услубларидан сира чекинмаганлар. Масалан, бир маньяк фақат қора колготка кийган жувонлар пайида бўлган. Бош-

қаси ўлжаларини фақат лифтда зўрлаб, сўнг ўлдирган. Айримлари ўлжаларини асосан баҳорда ёки кузда ўлдиришган. Бошқа бирлари чақмоқ ва момақалдироқ таъсирида овга чиққанлар. Уларнинг бу қилиқлари милиция ходимларига қўл келган. Муханкин эса ўлжасини фақат ҳаво булут тошган, майдалаб ёмғир ёғаётган дамларда пойлаган. Прокуратура терговчиси айнан шу ҳолатга эътиборини қаратиб, қотилни ушлаш режасини шу асосда тузган. Бу нима? Бу ҳам тасодифми?

Айрим ваҳшийлар нима учун қотиллик қилишганини ўзлари ҳам билишмайди. «Билмадим, мени қандайдир куч шунга мажбур қилди», дейишади. Айримлари эса сабабини айтишади. Муханкин онасининг фоҳиша бўлганини, уйга эркакларни бошлаб келганида кўчага ҳайдаб чиқарилганини яширмай айтди. Аёлларга бўлган нафрат унда ўша пайтларда уйғонган. Улғайгач, онасининг бузуқлиги учун бошқа бегуноҳлардан ўч ола бошлаган. Қотилларнинг баъзилари ваҳшийликларини эслаганларида изтиробга тушадилар, кўзларига ёш оладилар. Муханкин эса қотилликларини табиий ҳолат деб қабул қилади. У, ҳатто ёзган шеърларини ҳам ўқиб берди. Айрим сатрларини эслаб қолиб, ўзбекчага таржима қилган эдим, мана у:

Умр ўтаётир аста ва секин,
Мен шоир эмасман, даъвоим ҳам йўқ,
Оддий бир маҳбусман, лақабим – Ленин.

Ҳа, у 22 апрелда туғилгани учун ўзига «Ленин» деган лақаб қўйган эди.

Чикатило отиб ўлдирилган эди. Муханкин ва у каби бошқа ваҳшийлар умрларининг охиригача қамоқда ўтирадилар. Ўлимни кутиб яшайдилар. Ўлим улар учун энг яхши нажот бўлади. Яқинда Россия қамоқхоналаридаги бир неча ваҳший қотиллар билан суҳбат қилинди. Улар дастлаб ўлимга ҳукм қилинганлар, сўнг ўлим жазоси тўхтатилгач, умрбод қамоқ жазоси белгиланган. Лекин

турли сабаблар билан (масалан, қамоқдаги яхши хулқи учун) бу жазо 15 йил қамоқ жазосига алмаштирилган. Ўша ўн беш йил ортда қолиб, улардан бири озодликка чиқиши керак. Мухбир билан суҳбатда у ҳеч тап тортмай: «Озодликка чиққач, барибир яна одам ўлдираверамман, чунки бу менга ёқади», дейди. Ана энди савол туғилади: қамоқ одамни қайта тарбия қила оладими? Қамоқдаги ҳамма одам ҳам ўз қилмишининг ёмонлигини англаб етавермайди. Кўпчилиги аламзадалик билан яшайди ва озодликка ҳам аламзадалик билан чиқади. Бунинг натижаси эса маълум. Яна бир маньякдан «Озодликка чиқиб, ҳаётни янгидан бошлайсанми?» деб сўралганида у: «Билмайман, мен кўп ҳолларда ўзимни бошқара олмайман, мени қандайдир куч одам ўлдиришга ундайвераді. Мен бу ҳақда кўп ариза ёздим, даволашларини сўрадим. Аммо мени айёрлик қиляпти, деб ўйлашди», деди. Ҳа, кўпинча шундай бўлади. Жиноятчилар орасида енгилроқ жазо олишни ёки умуман жазодан қутулиб кетишни истаб айёрлик қилувчилар, яъни ўзларини жинниликка солувчилар учраб туради. (Машҳур ўғрибоши Япончик ҳақидаги баёнимизда бу ҳақда ёзган эдик.) Шу боис ҳам психиатр врачлар баъзан зийракликни ҳаддан ошириб юборадилар. Бу ўринда эҳтимол врачлар янглишмагандирлар. Эшитсангиз, қотилнинг гаплари бинойи. Алжиш ёки талмовсираш йўқ. Врачлар руҳий хасталикни аниқлашда асосан барча учун бир хил услубни қўллайдилар. Масалан, кишининг ақлий даражасини аниқлашдаги энг оддий усуллардан бири – саволжавоб ҳисобланади. «Эшак билан эчкининг нима фарқи бор?», «Фил каттами ёки тошбақами?» каби саволларга биз тилга олган маньяк тўғри жавоб бергани аниқ. Чунки унда ақлдан озиш белгилари йўқ. У ҳар доим эмас, балки маълум бир вақтда ўзи ҳам англай олмаётган ёвуз бир кучга қаршилик қила олмайди. Бу куч унга қай пайтларда хуруж қилади? Буни ўзи ҳам билмайди, врачлар эса уни пойлайди деб ўйлайсизми? Демак, у ҳадемай озодликка чиқади. Яъни, қамоқдан озодликка чиқади, аммо номаълум ёвуз куч тобелигидан озод бўла олмайди.

Бизда халқ орасида кетма-кет одам ўлдирган қотилни «қонсираб қолибди» дейишади, ёки «жин чалибди», деб ҳам қўйишади. Ўша қотилни жиноят кўчасидан қайтариш учун «қон ичиб туриш керак», деб тавсия ҳам қилишади. Бунга қадим замонлардаги жаллодлар ҳаётини мисолга келтиришади. Ёки айрим жойларни «жин теккан», «қарғиш теккан», деб эълон қилишиб, у ерларга қадам босмай қўйишади, айниқса, болалар ва ёшларни ўша ерларга боришдан қайтариб туришади. Хаёли чалғиган одамларни эса «ажина чалган» деб азайимхонларга ўқитишади. Қадимда бундай жойлардан безиб, одамлар қишлоқлари ёки шаҳарларини ташлаб, бошқа ерларга кўчиб кетишган. Булардан ташқари «ёмонлик истаб илму амал қилиш» деган гаплар борки, буни европаликлар «чёрная магия» деб аташади. Бу асосан бир инсон иштирокида бошқа бир инсон руҳиятига таъсир этишдир. Аввалги ҳолатларда эса табиатнинг биз билмаган сирлари киши руҳиятига таъсир этади. Баъзан кучли қўрқув ёки таъсирланиш оқибатида одам эсини йўқотиб қўйиши, талвасага ёки васвасага тушиб қолиши мумкин. Врачлар бундай ҳолатларда даволашга уриниб кўришади. Айнан шундай ёки бундан-да кучлироқ қўрқув беморни асл ҳолига қайтариши мумкин, деган тахминлар ҳам бор. Лекин табиатнинг киши руҳига таъсир этувчи бошқа таъсирлари сирлигича турибди. Ростов-Дондаги «ўлим учбурчаги»ни шунга мисол қилишимиз мумкин. Бу жойга тааллуқли бир неча илмий тахминлар бор: биринчиси – бу жойларда қирғинлар кўп бўлган ва бу шаҳар ва қишлоқлар асосан, эски қабристонлар устига қурилган. Бу қабристонлар ўзидан қандайдир тўлқинлар ажратади ва бу тўлқинлар маълум вақтда маълум одамлар руҳияти билан кесишади. Шундай дамда ўша одам васвасага тушади. Ўзини бошқара олмай қолади. Эски қабристонларнинг таъсири, турли фалокатлар келтиришига мисолни биз томонлардан ҳам келтириш мумкин. Маълумки, Тошкентнинг бир неча еридаги автомобиль йўллари советлар замонида қабристонлар устидан қурилган. Айнан шу жойларда ҳозир-

гача автомашина ҳалокатлари тез-тез бўлиб туради. Қадим донишмандлар отлиқ одам қабристон ёнидан ўтаётганида отдан тушиб, пиёда ўтишини тавсия қилганлар. Бу фақат қабристон аҳлига нисбатан ҳурмат юзасидан бўлмаса керак. Отнинг ниманингдир таъсирида бехос ҳуркиб кетиши, чавандозни йиқитиб юбориши ҳам назарда тутилгандир. Шунга кўра, ҳозир ҳам автомашина ҳайдовчиларига қабристон устидан ёки ёнидан ўтган йўлларда уловни секинроқ ҳайдаш, куй ёки ашулани ўчириб ўтиш тавсия этилади. Бу ирим ёки бидъат эмас, балки биз тушунмайдиган сирли ҳолатлар эҳтиётини қилишдир. Ундан ташқари қадимда қабристонлар шаҳар ташқарисида бўлган. Эндиликда, шаҳарларнинг кенгайиши натижасида деярли барча қабристонлар ичкарида қолиб кетди.

Саксонинчи йилларда америкаликлар ишлаган бир фантастик фильмни Москвада ёзувчи биродарлар ҳамроҳлигида кўрган эдим. Унда ҳикоя қилинишича, қорли тоғ ёнбағрида даҳшатли воқеалар юз бера бошлайди. Бир ёзувчи бундай ваҳималарга, иримларга ишонмаслигини айтиб, оиласи билан шу меҳмонхонага келади. То баҳорга қадар қоровуллик қилиш вазифасини зиммасига олиб, янги асарини ёза бошлайди. Орадан бир неча кун ўтгач, уни ғалати шарпалар таъқиб этади. Кейин аллақандай куч уни хотини ва боласини ўлдиришга ундай бошлайди. Сўнгроқ маълум бўлишича, бир неча аср аввал худди шу ерда ҳиндулар қирилган ва бу меҳмонхона айнан уларнинг қабристони тепасига қурилган экан. Мен фильмни кўриб бўлгач, бизларнинг қабристонларга муносабатимизни айтганимда москвалик ёзувчилар қизиқиб қолишди. Хулоса шуки, «ўлим учбурчаги»нинг айрим одамлар руҳиятига таъсири айнан қабристонлар туфайли бўлиши мумкин. Афсуски, психиатрлар буни аниқлай олишмайди ва ваҳшийлик сари ундаётган куч олдида ожиз қолган қотиллар оддий жиноятчилар каби жазога тортиладилар. Агар шу тахмин рост бўлса, бу одамларни ваҳший жиноятчи сифатида лаънатлашимиз инсофдан эмасдир.

Иккинчи сабаб деб олимлар шу учбурчак остидаги ер қобиқларининг ёрилишини кўрсатишади. Ер қатламлари остида турли ёриқлар борлиги аниқ ва бу ҳолатнинг ер юзасига таъсири, хусусан, магнит майдонларига таъсири ҳам қисман ўрганилган. Яна бир тахмин: бу учбурчак остида ер ости кўлининг мавжудлиги. Бунинг ҳам ер сиртига албатта таъсири бўлади. Бундай ер ости кўллари ёки қобиқларининг ёрилиши бошқа жойларда ҳам учрайдики, жиноятга доир ҳодисаларни ўрганишда эътибордан четда қолмагани дуруст. Яна бир тахмин коинотдан келувчи нурларнинг таъсири билан ер ости ҳодисаларининг кесишуви натижасида киши руҳига таъсир этиш. Бошқа олимлар гуруҳи бу атрофда кўмир конлари кўплиги, шахталардан ва чиқитлардан ажралаётган зарарли газларнинг киши руҳига таъсири деб ҳисоблашади. Тахминлар кўп, аммо илмий ҳақиқат ҳалигача йўқ. Эҳтимол бу ҳақиқатни очиш учун илмнинг махсус тармоғи вужудга келиши зарурдир?

Энди яна бир савол туғилиши мумкин: нима учун бу жойларда минглаб одамлар яшайди-ку, аммо фақат айрим одамларгина таъсирланишади? Жавоб шуки, аввало табиат ҳодисалари ҳаммага бир хил таъсир этавермайди. Масалан, «магнит бўрони» деган ҳолатни эшитгансиз. Бундай бўрон куни айрим одамларнинг касалликлари хуружга киради. Айримлар эса ҳеч нарсани сезмайди. Ҳавога булут чиққанда баъзиларнинг оёғи ёки бели зирқираб оғрий бошлайди, баъзиларнинг юрак ўйноғи бошланади. Бировларнинг руҳи баҳор ёки кузда енгил тортади, бошқаларники эса аксинча. Бировлар бошқа шаҳарга борса «ҳаво алмаштиргани ёқади» деб роҳатланади, бошқа бировлар эса руҳан эзилиб, қийналиб кетади. Руҳий таъсир ҳам шунга ўхшаса керак. Эҳтимол, киши руҳиятининг кучли эмаслиги, ожизлиги ҳам аҳамиятлидир? Чунки гипноз ҳаммага ҳам бирдай таъсир этмайдику?

Ростов-Дон атрофидаги жиноятлар ва бу жиноятларнинг вужудга келишига сабаб бўлгувчи табиий омиллар

ҳақидаги тахминларни ўрганаётган мухбир йигит ҳам талвасага туша бошлаган. Уни ҳам аллақандай куч ёвузликларга зўрлай бошлаган. Аммо бошқаларга бу ҳолатни баён этишга куч топа олган, маслаҳат сўраган. Табиийки, маслаҳатлар кўп эди, бироқ энг тўғри маслаҳат – бу вилоят ҳудудини тарк этиш, бошқа ерга кўчиб кетиш бўлган. Мухбирни фақат шу чора сақлаб қолиши мумкин эди.

Яна бир сабабни халқ таъбири билан айтганда «киши вужудига иблиснинг жойлашиб олиши»да деб изоҳлаш мумкин. Иблис (баъзилар уни мавҳум равишда «ёвуз куч» ҳам дейишади) киши танасига жойлашиб олиб унга ҳукмронлик қила бошлайди. Бу одам жисмонан ўлим топгач, бу танадан чиқиб бошқасига киради, деган тахминлар ҳам бор. Шунга кўра, айримлар А.Чикатилони ўлдирмаслик керак эди, деб ҳисоблашади. Уларнинг фикрича, Чикатило ўлдирилгандан кейин ўша ёвуз куч Муханкин вужудига эга чиққан. Чикатилонинг ўлими ёвуз кучларни банди қилиб турган занжирни узиб юборган. Гарчи бу тахминнинг илмий асоси бўлмаса-да, ваҳшийлик руҳиятини илмий асосда ўрганиш учун уни ўлдирмай турилгани дуруст эди.

Бу ўринда яна бир илмий масалани зикр қилиб ўтиш фойдали:

1993 йилнинг августида Ой тўлган кунлари Германияда одам ўлдириш, ақлдан озиш ва ўзини-ўзи ўлдириш ҳодисалари ортгани кузатилган. Тадқиқотлар натижасига кўра, тўлин Ой фақат Европа ўлкаларида эмас, Ер юзининг ҳамма жойларида инсонларнинг руҳий ҳолатига таъсир кўрсатар экан. Кейинги пайтда олимлар Ой тўлган пайтда айрим инсонларда кучли, баъзиларда ожизроқ руҳий ўзгаришлар содир бўлишини таъкидламоқдалар. Француз олими Рене Клауде Гуиллот ойнинг бу кунларида ақлдан озишнинг ортишини қайд этган ва шу кунларда содир этилган жиноятларни текшириб чиқиб, мавзу билан алоқадор «Тўлин Ой телбаликлари» деган китоб ҳам ёзган. Китобда шундай таъкидни ўқиймиз: «Фа-

қатгина Францияда эмас, Америкадаги полиция қайдларида ҳам тўлин Ой кечалари жиноятлар сони ортганини кўриш мумкин».

Бундан ташқари, ҳиндистонлик икки олим тажрибасида 1980-1984 йиллари тўлин Ой чиққанда жиноятлар сони кескин ошгани аниқланди. Бу икки олимнинг тадқиқотлари нуфузли «Британия тиббий журнали»да эълон қилинган.

Тадқиқотчи профессор С.Р.Тхакурнинг фикрича, жиноятларнинг ортишига инсон вужудидаги баъзи тўлқинлар сабаб бўлар экан. Тўлишган чоғида Ойнинг тортиш кучида ўзгариш бўлиб, инсон вужудидаги сув миқдори баъзан 60 фоизга ошади. Бу туфайли вужудда пайдо бўладиган жисмий ва руҳий ўзгаришлар инсонда кимгадир зулм қилиш майлини орттиради. Тадқиқотчилар беш йил мобайнида уч полиция маҳкамасида тўпланган маълумотларни компьютерга юклаб, натижаларни тўлин Ой вақтлари билан солиштиргач, ана шундай хулосага келдилар.

Тўлин Ой борасидаги тадқиқотлар «Айёми байз» (оқ тунлар) деб таъбир этилган ва қамарий ойнинг ўн уч, ўн тўрт, ўн бешинчи кунларида тутилиши суннат ҳисобланган рўзани хотирага келтиради. Бир неча ривоятларда зикр этилган шарафли ҳадисга кўра, Пайғамбаримиз алайҳиссалом Ой тўлишган бу уч кунда рўза тутишга умматларини даъват этганлар ва марҳамат қилиб деганларким: «Сабр ойи (яъни Рамазон ойи)нинг рўзаси ва ҳар ойда уч кун рўза тутиш кўкракнинг ваҳарини кетказади». («Ваҳар» сўзи араб тилида «кек», «ғазаб», «адоват», «васваса»,»асабийлашмоқ» каби маъноларни англатади). Яна бир ҳадиси шарифда Пайғамбаримиз алайҳиссалом марҳамат қиладиларким: «Ҳар ой уч кун рўза тутиш қалбнинг маҳалласини кетказади». Саҳобалар сўрадиларким: «Ё Расулуллоҳ, қалбнинг маҳалласи надир?» Жавоб бердиларким: «Шайтоннинг ёмонлиги».

Пайғамбаримиз алайҳиссаломнинг тўлин Ой кунлари рўза тутишни тавсия этишлари ислом динининг қиёмат-

га қадар давом этадиган мўъжизаларидан биридир. Тўлин Ойнинг инсон вужудига ўтказадиган зарарли таъсирини Аллоҳнинг марҳамати ила Пайғамбаримиз алайҳиссалом билганлар. Орадан ўн тўрт аср ўтиб ўзга дин олимлари бу ҳақиқатни илмий асосда исботлаб беряптилар. Демоқчимизки, исломнинг бу борадаги тавсиялари жаҳон бўйлаб амалга оширилса, жиноятлар сони камаяр, валлоҳи аълам! Кўкрагида ой давомида зулмга даъват қилувчи руҳий куч тўпланган банда рўза тутиши билан бу кучни бартараф эта олса не ажаб? Бу ҳолат кунлар давомида баданнинг қайси бир нуқтасида тўпланган йирингнинг яна ёрилиб чиқиб кетгач, жисмни азобдан қутқаришига ўхшаган жараённи эслатади.

Жиноятлар турининг кўпайишига табиий жараёнларнинг таъсири ҳозирча илмий жиҳатдан ўрганиляпти. Лекин яна бир таъсир кучи борки, бу кучни инкор этиб бўлмайди. Мен ваҳшат акс этган фильмлар ва оммавий матбуот воситаларини назарда тутяпман. Киши руҳиятига салбий таъсир этувчи фильмлар ҳақида кўпчилик кўпдан бери бонг уради, булар орасида камина ҳам бор. Аммо афсуски, бу огоҳлантирувчи сўзларга эътибор йўқ. Ярамас фильмларни кўравериб, оқибатда жиноят кўчасига кириб кетганлар ҳақида мисоллар етарли. Бу жиноятчиларни милиция қўлга олади, прокуратура жазо талаб қилади, суд ҳукм ўқийди. Бу – уларнинг вазифаси. Аммо уларнинг ҳеч бири эсли-ҳушли бир ёш йигитнинг қотилга айланиб қолиш сабаби билан қизиқмайди. У ёки бу фильм ёшлар тарбиясини бузяпти, унинг намойишини тақиқлаш керак, деб талаб қилмайди. Бир мисол: бобо неварасининг номақбул ишига танбеҳ бериб «агар гапга кирмасанг, қулоғингдан чўзаман», деса, уч ёшли набира «Қулоғимдан чўзсангиз, мен қорнингизга пичоқ тиқаман», дейди. Бундан бобо ажабланиб: «Вой, бетамиз, бу гапни қаердан ўргандинг?» деса, набира: «кеча кинода Александро шунақа қилди-ку?» – деб жавоб беради. Бобо ва набиранинг бу суҳбати уйдирма эмас, ўзим гувоҳ бўлганим учун юрагим ачишган ҳолда баён этяпман.

Оммавий ахборот воситаларини айблашимдан эҳтимол ажаблангандирсиз. Гап шундаки, кейинги пайтда криминал, яъни жиноятга оид хабарлар биринчи ўринга чиқиб қоляпти. Интернетда, Россия газета-журналлари ва телевидениесида жиноят тафсилотлари аниқ-равшан бериляпти. Айрим хабарларни бизнинг матбуот ҳам беряпти. Масалан, яқинда Японияда бир ўқувчи ўқитувчиларини сўйиб ташлабди. Хўш, бу хабарнинг биз учун нимс. фойдаси бор? АҚШдаги мактабларда тез-тез шунга ўхшаш воқеалар содир бўлиб тураркан. Шуларни биз эълон қилишимиз шартми? Мактабдан безиб юрган, кўнглида жиноятга мойиллик бўлган ўсмирга бу туртки бўлмайдими? Агар шу воқеа таҳлил қилинса, унинг ёмон экани тушунтирилса ёки сабаблари ўрганилса, шундай жиноятнинг олдини олиш чоралари ҳақида сўз юритилса бошқа гап. Шунчаки икки-уч оғиз сўз билан маълум қилиб қўйишдан сақланишни тавсия этган бўлардим.

Тарихдан маълумки, бирон бир мамлакат бошқа мамлакатга уруш ҳолатида бўлади. Узоқ муддат урушга тайёргарлик кўради. Сўнг қилич яланғочлайди. Дунёдаги барча мамлакатлар ичида ҳам шундай ҳолат мавжуд. Уруш ҳолати бошқа мамлакатга эмас, балки ўз ҳудудидаги жиноят оламига нисбатан бўлгани учун бир дақиқа ҳам сусаймаслиги керак. Сусайдими, жиноят олами қақшатқич зарба беришга шай туради. Уруш чоғи ҳамма фарзандларини душман ўқидан ҳимоя қилади. Жиноят олами билан олиб борилаётган кўзга кўринмас урушда бу эҳтиёт чораси ғоят муҳим. Чунки жангдаги душман ўқидан яраланган боланинг ҳаётини сақлаб қолиш мумкин, аммо жиноят олами томонидан узиладиган ўқ заҳарли бўлади ва ёш умрни барбод этади. Шундан эҳтиёт бўлмоқ шарт. Мазкур баённи қоғозга тушириб, сиз, азизлар эътиборига ҳавола этишимиздан мақсад – жиноят олами билан олиб борилаётган урушдан сизларни яна бир бор огоҳ этиш ва бу жангда четда туришнинг жамият учун зарарли эканини эслатишдан иборатдир.

Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм

«...Ана ўшалар ҳидоятга залолатни сотиб олгандирлар. Ва тижоратлари фойда келтирмади ҳамда ҳидоят топганлардан бўлмадилар. Улар мисоли бир ўт (машъала) ёқувчига ўхшайдилар. Олов энди атрофини ёритганида Аллоҳ ёругликни кетказиб, уларни ҳеч нарсани кўрмайдиган ҳолда зулматларда қолдиради. Улар кар, соқов ва кўрдирлар. Бас, улар ҳидоятга қайтмаслар...»

(Бақара сураси, 16-18-оятлар)

МУРДАЛАР ГАПИРМАЙДИЛАР

Қисса

...Нафснинг келажаги – зулмдир, зулмнинг келажаги эса – хорликдир. Биз ана шу оддий ҳақиқатни баён қилмоқчимиз. Бадан поклиги баданга, руҳ поклиги руҳга ҳаёт бағишлар...

МУАЛЛИФДАН

Бутун оламлар Парвардигори Аллоҳга беҳад ҳамд бўлсин ва пайғамбарларнинг охиргиси — саййидимиз Муҳаммад алайҳиссаломга саловот ва саломлар бўлсин.

Албатта, ҳамд Аллоҳга хосдир. Биз унга ҳамд айтамиз, Ундан ёрдам сўраймиз. Ва Аллоҳдан нафсимизнинг ёмонликларидан паноҳ беришини сўраб илтижо қилурмиз. Кимни Аллоҳ ҳидоят қилса, уни адаштирувчи йўқ. Кимни Аллоҳ адаштирса, уни ҳидоят қилгувчи йўқдур.

Энг улуғ сўзлару энг билимли суҳбатлар ҳам шубҳасиз, Тангри таолога шукримизни керагича ифода эта олмайди.

Яратган Роббимизга шукрлар бўлсинким, сиз — азиз нафис адабиёт муҳиблари билан яна диллашиш насиб этяпти. Бу сафар ҳам адашган бандалар ҳаётидан аянчли лавҳани баён этишни ният қилдим. Чунки бу синовли дунёда адашган бандалар кўп. Улуғ ва қудратли Роббимиз марҳамат қилиб дерки: «Одамларга аёллардан, болалардан, тўп-тўп тилло ва кумушдан, гўзал отлардан, чорвадан, экин-тикиндан иборат шаҳватларнинг муҳаббати зийнатланди. Улар дунё ҳаётининг матоҳидир. Аллоҳнинг ҳузурида эса ҳуснли қайтар жой бор». (Оли Имрон сураси, 14-оят).

Тафсирчи уламоларнинг фикрича, «Шаҳват» сўзи урфда жинсга оид маънода ишлатилса-да, аслида ўзаги «иштаҳа» сўзидан олинган бўлиб, кўнгил тусаши, хоҳлашини билдирар экан. Шунга кўра, ояти каримада инсоннинг аёлларга, фарзандларга, бойликка **иштаҳаси** мавжудлиги, яъни шу нарсаларга муҳаббати чиройли тарзда **зийнатлангани** таъкид этилмоқда. «Демак, бу муҳаббат инсоннинг асл табиатида бор экан. Бундай ҳолатнинг бўлиши табиий бир ҳол экан. Модомики, ушбу рағбатлар инсон табиатида бор экан, Аллоҳнинг ўзи инсонни шундай яратган экан, бу нарсалар инсон ҳаётини муҳофаза қилишда, унинг гўзал ва завқли кечишида хизмат қилмоғи лозим. Шунинг учун Ислом дини мазкур нарсалар-

ни ҳаром қилган эмас, балки **мубоҳ** қилган. Бу нарсаларни маън қилишни эмас, **тартибга солишни** йўлга қўйган. Ислом кишиларни тарбия қилиб, **шаҳват дарёсида ҳалок бўлмасликка** чақиради. Инсон мазкур шаҳватларнинг қули бўлиб қолмаслиги керак. Балки **уларнинг хожаси** бўлиб, ўз тасарруфига олиши даркор» («Тафсири ҳилол»-дан). Ояти карима «Аллоҳнинг ҳузурида эса ҳуснли қайтар жой бор», деб якунланади. Бу жой — жаннати наимдир!

Мозийда ўтган валилардан бири «Дунё — ўткинчи меҳмонхонадир. Дунёдаги энг улуғ бойлик — **дунёга берилмасликдир.** Дунёни афзал билган киши зиллатга, хорликка ҳукм этилиб, ҳалок бўлур», деган экан. Яна ровийлар дерларки: дунё ясатилган келинчакка ўхшайдир. Кўзлар унга термилган, қалблар унга муштоқ, нафслар эса унга ошиқдур. У маккор эса, барча ошиқларни шафқатсиз ҳолда бирма-бир ҳалок қиладир. Ҳаётдаги тириклар ўлганлардан, кейингилар олдингилардан **ибрат олмаслар**...

Ҳисоб-китоб қилинмасдан бурун **нафсини тийган** киши **ютади.** Нафси билан ғафлатда қолган эса, зарарга учрайди.

Ғафлатда қолиб надомат чекканлар қанча?

Қабристон бизга сукунат олами бўлиб кўринади. Аслида оҳу фарёдлар ўлкасидир! Биз бу фарёдларни эшитмаймиз, билмаймиз. Шу боис биз маййитларнинг кечмишидан ибрат олмаймиз. Агар тинглай олганимизда эди...

«Мурдалар гапирмайдилар», деймиз. Бизга шундай туюлар? Балки улар гапирарлар, биз эшитмасмиз? Эшитсакми эди...

МУҚАДДИМА

Нафисани қарғадилар:

— Ўйнаши билан ётган экан, шарманда!

...шарманда... шарманда...

— Сўйиб ўлдирибди. Худонинг ўзи жазолабди!

...ўзи жазолабди... жазолабди...

Нафисага ачиндилар:

— Тирноққа зор ўтди, бечора...

...бечора... бечора...

Санжарни лаънатладилар:

— Суюқоёққа илакишиб юрган экан, йигит ўлгур!

...йигит ўлгур... йигит ўлгур...

— Тўрт боласи кўзига кўринмабди-да, ҳаромхўрга!

...ҳаромхўрга... ҳаромхўрга...

Санжарга ачиндилар:

— Қўй оғзидан чўп олмаган бола эди, бечора!

...бечора... бечора...

— Ўзи покиза эди, шайтон йўлдан урган!

...покиза эди... шайтон йўлдан урмаган... урмаган...

Икки мурда ўликхонада текширувчиларнинг ўткир тиғини кутиб ётибди. Ҳадемай ўткир тиғ уларнинг қорни, кўкраги, бошини ёради. Ўлик ҳужайраларда яширинган ҳақиқатни ўқимоқчи бўлгандай титкилашади. Сўнг, ёрилган ерларини тикиб, ўликларни эгаларига берадилар.

Нима учун ўлим топганларидан бехабар қолган икки одам эса, Қиёматни кутиб ётмоғи учун қоронғу лаҳадга қўйилади.

Сўнг пичир-пичирлар:

«Хотинларга аралашадиган одати йўқ эди-ку?..»

«Ғаркўз эди бу жувон...»

«Ким ўлдирган экан?»

«Эри аввал ҳам бир-икки ушлаб, кечирган экан. Лаллайган бир эркак-да! Бу сафар чидолмабди, бояқиш...»

«Икковини сўйиб яхши қилибди...»

Биринчи баён: яшаш ҳуқуқи

АРРАЛАНГАН ДАРАХТ

Ўзини осмон тирговичи, деб фараз қилувчи кеккайган дарахт жазосини арра берди: у ўзидан олдинги оғочлар қисматига етди — жон томири узилиб, ерга узала тушди.

Турсунали бу манзарани дастлаб кўрганида ўзининг кечмишини шу дарахт қисматига ўхшатган эди. Унинг қадди ҳам шу оғоч каби адл эди. У макон топган дарахтзор, назарида дахлсиз эди. Бу дарахтзорда истаганича қуёшдан нур эмиши, ҳузурланиб чайқалиши мумкин эди. Томирлари тобора кучлироқ қудрат касб этиб борарди. Аммо кутилмаганда унинг дарахтзорига болта оралади: бир чеккадан чопа бошлади. Навбат ўзига етганида унутилаётган ривоятни эслади. Эмишки, бир ўрмонда болта пайдо бўлиб, дарахтларга қирғин келтирибди. Оғочлар унга қарши чора тополмай, қари Эмандан маслаҳат сўрашибди. «Болта деганларинг нима ўзи? У нимадан ишланган?» деб сўрабди Эман. «Болта — темирдан ясалган бир матоҳдир», деб жавоб берибдилар. «Ўзи-ку, темир экан, дастаси-чи? Дастаси ҳам темирданми?» деб сўрабди Эман. «Йўқ,— дебдилар, — дастаси — оғочдан, ўзимиздан». «Дастаси ўзимиздан бўлса, унга чора йўқ», деган экан Эман.

Турсунали макон топган «дарахтзорда» «болта» пайдо бўлиши билан унга даста бўлишга ошиқувчилар кўпайди. Оқибатда Турсуналининг илдизлари чопилди-ю, совхоз директорлигидан райком саркотиблигига ўтаман, деб ният қилиб турган одам эгнига маҳкумларнинг пахталик калта чопонини кийиб, узоқ совуқ ўлкадаги дарахт кесувчилар сафида ўзини кўрди. Уйқусиз кечаларда бу балога мубтало бўлиш сабабларини кўп ўйлади. Тузини еб тузлиғига тупурганларни лаънатлади. Дўст либосидаги илонлар бошини бирма-бир янчишни дилига тугди.

Худонинг қарғиши теккан бу жойларга келгунича бўлган ўтмиш кунларини эсласа, кўз олдини зулумот пардаси қоплайверади. Бу зулумотни гоҳи-гоҳида фақатгина бир нур ёритарди. Бу нур Нафисанинг чеҳрасидан тараларди. Шундай пайтда Нафисанинг димоғидан таралган илиқ нафас унга тириклик шуурини берарди. Азобли кечаларда ҳам фарзандларининг онаси, ҳалол жуфтига нисбатан шу Нафисани кўпроқ ўйларди, уни қўмсарди. Бунга баъзан ўзи ҳам ажабланарди. «Нима бу? Шунчалик қаттиқ севармидим?» деб ўйларди. Турсунали шаҳвоний ҳирс билан севги фарқини ажрата олувчи ақлга эга эмасди. Буни синамоқ учун Нафисага нисбатан ёшроқ, гўзалроқ, ишвалари ширинроқ қиз рўпара қилинса, бас. У «севги» деб ўйлаб юрган туйғу ўларди-қоларди. Ҳозирча, Нафисанинг биринчи тунда шивирлаб айтган «Мунчалар яхши экансиз», деган гапи қулоғи остида турибди. Ўзга илиқ нафас билан айтилиши мумкин бўлган шундай сўз ўтмиш тотли кечалар юзига қора парда тортмоғи тайин. «Аҳмоқ бўлиб шу жувонга илакишиб юрган эканман. Дунёнинг лаззати бу ёқда экан-ку?» демоғи ҳам аниқ эди...

Аммо ҳозир, у буларни ўйламайди, орзу қилмайди. Унинг дарди ҳам, нияти ҳам бир — тезроқ бу ўлаксазордан қутулиш! Қачон, қандай қутулади, — бандасига қоронғи. Юртида унинг учун куйиб-еладиган, пул сарф қилиб озодликка чиқариш учун ташвиш чекадиган одами йўқ. Демак, яна ўн тўрт йил маҳбуслик либосида юрмоғи ростга ўхшаб турибди.

Турсунали ана шу оғир дард тоғини елкасига ортган ҳолда ўринга чўзилади, саҳар чоғи шу юк билан қаддини ростлайди. Баъзи эркаклар йиғлайдилар. Баъзилари дардларини айтиб, ҳасрат қиладилар. Турсунали дардини кимга айтсин, кимга йиғласин, кимга ҳасрат дастурхонини очсин?!

Бир йигит келиб эди. Истарали бу йигитнинг покиза одам эканини юзидан ёғилиб турган нур ошкор этиб ту-

рарди. Турсунали «Бу йигитни менга Яратганнинг ўзи етказди», деб қувонган эди. Бугун бу қувонч ҳам балчиққа қоришадиганга ўхшаб турибди. Турсунали шу хавотирда дарё томонга қараб-қараб қўяди. Йигитни соҳилдаги қўлбола чайла томонга бошлаб кетганлар. Бу ерга келган кунининг ё учинчи, ё тўртинчи куни Турсунали ҳам шу чайладаги суҳбатга чорланган эди. Ўшанда қўлига болта олиб, арралаб йиқитилган дарахт шохларини энди бутай бошлаган эди. Пачоқбурун бир маҳкум яқинлашиб, ҳе йўқ, бе йўқ:

— Эй, чучмек, юр бу ёққа! — деб буюрди.

Турсунали у дамда осиёликларнинг «чучмек» деб аталишини билмас эди. Шу сабабли мурожаат кимга қаратилганини англамай:

— Менга айтяпсизми? — деб сўради.

Пачоқбурун ҳеч бир такаллуфсиз Турсунали томон чирт этиб тупурди-да, лабини кафти билан артди:

— Сенга айтяпман! — деб тўнғиллади.

Чакалак орасидаги ёлғизоёқ йўлдан бораётганида Турсуналининг юрагига ваҳм оралади. У «зона» деб аталмиш қамоқ лагерларидаги одам ўлдиришлар ҳақида эшитган эди. Бу Пачоқбуруннинг сўхтаси бунчалар совуқ бўлмаса! Онасидан туғилибоқ одамхўрликни касб қилиб олганини башарасининг ўзиёқ айтиб турибди. Ана шу башара Турсуналини қўрқувга солди. Агар ҳозир унга «бу одам қотил эмас, қулфбузарларнинг устаси», деб ҳақ гап айтилса ҳам ишонмаган бўларди.

«Ўлдиргани олиб кетяптими?» деб ўйлади Турсунали. Сўнг «Нимага ўлдиради? Эндигина келган бўлсам?..» деб ўзига ўзи тасалли берди. Қамалганидан бери мутелик жандасини эгнига илиб, соқчи «юр» деб буюрганда юриб, «ўтир!» деса ўтириб, «қўлингни орқага қил», деса қўлни орқага боғлаб туришга кўникиб қолган Турсунали бу сафар ҳам ювош қўй каби «қассоб» — Пачоқбуруннинг етовида юриб борарди. Турсуналидан қўй ҳам тузук. Қўй қассобни кўрганида маъраб қўяди. Турсунали эса ақалли бир оғиз гап айтишга ожиз.

Чакалакзордан ўтиб, дарё соҳилига чиқишди. Шохшаббалардан ясалган қўлбола чайлага яқинлашганда Пачоқбурун орқасига ўгирилиб:

— Шу ерда тўхта! — деб буюрди.

«Ювош соқов қўй» амрга итоат этди.

Ҳали қуёш кўтарилиб, борлиқни илита олмаган бўлсада, чайла хожаларидан икки киши ярим яланғоч ҳолда ўтириб тамадди қилишарди. Пачоқбурун уларга яқин бориб, буйруқ адо этилганини маълум қилгач, хожалардан бири Турсунали томон қараб қўйди-ю индамай лунжидаги таомни чайнайверди. Пачоқбурун у ерда, Турсунали эса йигирма қадам берида хода ютгандай тик туриб, уларнинг таомдан бўшашларини кутдилар. Ниҳоят, қорин тўйиб, нафс ором олгач, яқинлашмоққа ижозат бўлди.

Турсунали улардан бирини таниди: у ички қўшинлар майори кийимида юрадиган, ошхонадаги тартибни кузатувчи одам эди. Резина таёғини кўз-кўз қилиб, ўйнатиб юрувчи бу майор тартиб бузувчининг гарданига аямай уриб қоларди. Қўли қичиб турган бўлса-ю, тартиб бузилмаса, шўрвасини хўриллатиб ичаётган одамнинг ҳам гарданига тушириб қолишдан тоймасди. Майор ошхонада кимнинг ёнига яқинлашса, ўша одам иложи бўлса, овқатни чайнамаёқ ютишга ҳаракат қиларди. Чайналмаган овқатни ошқозон ҳазм қилиб юборар, аммо гарданнинг резина таёқ зарбини ҳазм қилиши қийинроқ эди.

Турсунали яқинлашгач, майор ўрнидан туриб, икки қадам наридаги кўкатлар устига ташланган кийимлар ёнидан таёғини олиб, чап кафтига уриб қўйди-да, унинг орқасига ўтди.

«Уради шекилли?» деб ўйлади Турсунали. Орқадан зарб кутгани учун у беихтиёр букчайди. Ўтирган одам унинг бу ҳолатини кўриб кулди-да:

— Қўрқма, урмайди, — деб овутди.

Бу одамнинг кулиши ўзига ярашарди. Тимқора кўзлари пачоқбурунники ёки орқада турган малла майорники каби

ёвузлик билан боқмасди. Қалдирғоч мўйлаби ҳам ўзига ярашган эди. Шу сабабли Турсунали уни маҳкум эмас, шу ернинг катталаридан деб ўйлади.

— Мен — Тенгизман, ўтир, бугун сен менга қўноқсан.

Бу исмни эшитиб, Турсунали ажабланди. Чунки у келган куниёқ ётоқдаги қўшинисидан «Бу ернинг асл хўжайини полковник эмас, ашаддий ўғрибоши Тенгиз бўлади», деган гапни эшитганди. «Тенгиз» деганлари умри қамоқда ўтган, пачоқбурун каби хунукбашара кекса одам деб ўйлаган эди. Ўзидан ёшроқ бир йигитнинг «Мен — Тенгизман», дейиши шу сабабли ҳам уни ажаблантирди.

— Гапимни эшитдингми? Кел, ўтир.

Турсунали итоат билан, худди қайнонасиникига биринчи марта келган уятчан куёв каби ўтирди. «Ол, е», деган таклифни ўринлатиб бажаролмади. Бир-икки тишлам нон еб, майдаланган гўштга қўл узатмади. Егиси келиб турган бўлса ҳам, кўнгли тортмади. Қамалгунига қадар овқатларнинг сарасини еб ўрганган одам дастурхон устидагиларни сарқит деб билиб, ирганди. Меҳмонга кечикиброқ борса, дарҳол дастурхон янгиланарди... Энди ўша кунларнинг садағаси кетса арзийди...

Ҳар бир ҳаракатини диққат билан кузатиб ўтирган Тенгиз нафсни енгишга нима сабаб бўлаётганини сезди:

— Ҳазар қиляпсанми? Нега емаяпсан?

— Ҳазар қилаётганим йўқ. Қорним тўқ.

— Ҳозирча янгисан. Яна уч-тўрт ой ўтсин, биров чайнаб ташлаган чандирни ҳам кўзингга суртиб ейдиган бўлиб қоласан. Сен менга қўноқсан. Ол, е! Мени ранжитма!

Аввалги таклиф энди буйруққа айлангач, Турсунали беихтиёр гўштга қўл узатди. Бу буйруқдан сўнг «қорни тўқ одам» дастурхонни ямлаб ютаёзди. У овқатланиб бўлгач, Тенгиз дастурхоннинг бир учини қайириб ёпдида, пачоқбурунга қаради. Буйруққа маҳтал турган мулозим бу қарашнинг маъносини уқиб, дастурхонни йиғиб олди-ю, нари кетди. Тенгиз майорга ҳам бир қараш

қилган эди, у кийимларини қўлтиқлаб, чайла ортига ўтди.

— Тўхтаев, гап бундай, — деди Тенгиз ҳоли қолишгач.

«Менинг фамилиямни қаердан била қолди?» — деб ажабланди Турсунали. Сўнг «қамоқ лагери бошлиғидан устунроқ мавқедаги одамга шуни билиш қийин эканми?» деб қўйди.

— Сен албатта туҳмат билан қамалган бўлишинг керак, а?

Қора булут чоки сўкилиб, бирдан қуёш чарақлагандай бўлди: Тенгиз Турсуналининг кўнглидаги гапни топиб айтган эди.

— Ҳа, туҳмат билан қамашди, — деди Турсунали ютиниб.

— Бу ердагиларнинг ҳаммаси ўзини пассажир* деб ҳисоблайди. Сени бу ерга туҳмат бошлаб келмаган. Хасислик қилгансан. Пупкарларни вақтида мойлаш керак эди.

— Кимни?

— Милисани! Нима, бунақа сўзларга тушунмайсанми?

— Уларни... роса мойлаганман. Бекорга еб кетишди.

— Етарли мойламагансан. Молнинг чанқоғини томизғичдаги томчи сувлар билан қондириб бўладими?

— Бизнинг иш Масковнинг қўлида эди. Уларни чалаклаб ҳам суғориб бўлмас экан.

— Бўлмайдиган иш йўқ бу дунёда, Тўхтаев! Нима учун Москва сенларга ёпишди, биласанми?

— Йўқ, билмайман.

— Отам раҳматли айтиб берардилар. Уруш маҳалида иккита ўзбекка битта милтиқ беришаркан. «Биттанг ўлсанг, иккинчинг олиб отаверасан», дейишаркан. Оталаринг шунга ҳам кўнаверишган. Сенлар ҳам оталарингга

---

* Тасодифан қамалган одам

ўхшаган лақмасанлар. Аҳил эмассанлар. Бир-бирларингни сотишни яхши кўрасанлар. Козёл* ҳам кўпроқ сенлардан чиқади. Сенга ўхшаган совхоз директори бошқа ерда йўқми? Муттаҳам, порахўр ҳамма ерда тўлиб ётибди. Бунақалар Арманистонда йўқми? Бе, сенлардан кўра кўпроқ у ерда. Лекин Гобелян у ёққа бормайди. Ўзиникига тегмайди. Сенларнинг ярмингни қириб ташласа ҳам ғинг демайсан-да. Қани, Горбач арманиларга тегиб кўрсин-чи! Москвангнинг оёғини осмондан қилиб юборишади. Сенлар эса... — Тенгиз ҳафсаласи пир бўлиб қўл силтади. — Сенлар мишиқларингни оқизиб, «туҳматдан қамалдим», деб йиғлаб юраверасанлар. Энди гап шу, билмасанг билиб ол: мен — ўғриман! Очиқда юрганингда мендақалардан нафратланардинг, а?

— Йўқ... нега?

— Талмовсирама. Биз — ўғрилар, сенларнинг назарларингда энг пасткаш одамлармиз. Аслида эса, сенлар пасткашсанлар. Биз ўғримиз, бу билан фахрланамиз. Билиб қўй: энг ҳалол одамлар бизлармиз. Шунинг учун ҳам одамлар тақдирини ҳал қилиш ҳуқуқига фақатгина бизлар эгамиз. «Честняга» деган сўзни эшитганмисан? Ана ўшалар бизлармиз. Бизда ҳалолликдан бир энлик ҳам нари-бери чекинилмайди. Дўстга хиёнат йўқ. Ким бунга журъат этса — боши кетади. Сенларда ҳалоллик борми? Садоқат борми? Йўқ! Ҳеч нарса йўқ! Олдингда икки йўл бор: агар тирик қолсанг, ўн тўрт йилдан кейин уйингга борасан. Умринг қисқа бўлса, шу ерда ўлиб кетасан. Билиб қўй, бу ерларда илонлар кўп. Бир чақишда ўлдиради. Агар хизматимизни бекаму кўст қилсанг, сени илонлардан ўзимиз қўриқлаймиз.

---

*Козёл – қамоқхона маъмуриятига фаол ёрдамчи, маҳкумлар назарида эса сотқин.

Э с л а т м а: қамоқхонадагилар, хусусан, ўғрилар тилига хос айрим ибораларни таржима қилмай, аслича ёзишни маъқул кўрдик — муаллиф.

— Нима хизмат буюрсангиз... тайёрман!

— Нима бало, пионермисан, доим тайёрман, дейсан? Сен ўйлаб, шошилмай жавоб бер.

— Шошилсам-шошилмасам, менга суянадиган бир тоғ керак-ку?

— Тоғ, дедингми? Яхши айтдинг. Сен суянадиган тоғ бор. Аммо... — Тенгиз жилмайди. Бу жилмайиш аввалгидай беғубор эмас, балки айёрлик ели бор эди унда. — Аммо, суяниш учун тоғ ҳақини тўлашинг керак. Очиқликда ҳар ой маош олардингми? Ҳа, олардинг. Худди шунга ўхшаб, суянадиган тоғ ҳақини ҳар ойда тўлаб турасан. Сен бугун хотининггами ё ўйнашинггами бир хат ёзасан. Ҳар ойда пул юбориб туради.

— Пул? Қанчадан?

— Буни хат олиб борган одам айтади.

— Пулни бу ёққа юборадими?

— Бу сенинг ишинг эмас. Пулни бизга тегишли одам бориб олади. Агар шартимизни бажармасанг, аввалига трамвайга қўямиз. Кейин беспредельщик*нинг эрмагига топширамиз.

Эрталабки меҳмондорчилик ана шундай «шартномани имзолаш» билан якунланди. Шарт бажарилмаган тақдирда Турсунали ўзини қандай жазо кутишини кеч ётар маҳалида билди. Ётоқ қўшнисидан «трамвайга қўйиш» нима эканини сўраб, «сени ҳаммомга олиб кириб, йигирма-ўттизтаси галма-гал «гаплашиб» чиқса — трамвай бўлади», деган жавобни олганида бадани музлаб кетди.

Ҳозир, Нуриддин кетган чайла томонга қараб турган чоқда ҳам шу тадбир эсига тушиб, Турсунали бир сесканди.

Кеча зонага олиб келинган йигит Турсуналига хуш ёқиб, «менинг халоскорим шу», деб ўйлаган эди. Ёши

---

* Беспредельщик – садизмни хуш кўрувчи, ҳатто «қонундаги ўғрилар»нинг ҳам одатларини тан олмайдиган ваҳшийсифат одам.

йигирма бешни қоралаган бу йигит ўзини Нуриддин деб таништирди. Беш йил муқаддам қамоққа солинган Нуриддин учун бу ер учинчи лагер эди. Бу ерга келгунига қадар аввал Украина, сўнг Туркманистон қумликларида пишган бу йигит яна ўн йил умрини шундай сарсонликда ўтказмоққа маҳкум эди.

Нуриддиннинг дарҳол Тенгиз суҳбатига чорланиши қамоқхона олами қонунларидан узоқ бўлган Турсунали учун тушунарсиз эди.

Тенгиз Нуриддинни дастурхонга таклиф этмади — тоғликлар одатига содиқ қолмай, меҳмонни иззат қилмади. Бир неча дақиқа тик турган ҳолда гаплашишгач, чайладан бақувват йигит чиқди-ю, олишув бошланиб кетди. Тепадан кузатиб турган Турсунали йигитга ачинди. Болтани кўтариб югургиси, уни ҳимоя қилгиси келди. Аммо бу хоҳиш чақмоқ умри каби қисқа эди. Хоҳиш чақмоғи сўниб, жони кўзига кўрингач, ўзини тийди.

— Ҳай Чучмек! Сен учун мен ишлайманми?

Бу овоз Турсуналини ҳушига келтирди. Чайла томонга бошқа қарамай, дарахт шохларини бутай кетди.

Пастда нима воқеа юз берганини ўнг қоши ёрилган, чап билаги тилинган, бадани мушт ва тепки зарбларидан мўматалоқ бўлган Нуриддин ётар маҳалида айтиб берди.

«ИМОМ ҲАМЗАТ»

Бундай суҳбатга чорланиш Нуриддин учун янгилик эмасди.

Чакалакзордан ўтиб, соҳилга яқинлашганида чайладан Тенгиз чиқди. Пачоқбурунннинг амри билан Нуриддин берироқда тўхтади. Тенгиз унинг рўпарасида туриб олиб, бошдан-оёқ тикилди. Сўнг у томон уч-тўрт қадам қўйди.

— Сенга «эш-шак» деб лақаб қўйишибди. Нима учун айнан «эш-шак»?

Нуриддин Тенгиз тикилганида кўзларини олиб қочмади. «Сендан қўрқадиган одам эмасман», дегандай тик боққанича тураверди.

— Гапимга жавоб бер: нима учун сени «эш-шак» дейишди?

— Ўзларига ўхшатишмоқчи бўлишгандир.

— Шунақами? — Тенгиз истеҳзоли жилмайди. — Сен қайсар эмишсанми?

— Беҳайб Парвардигор.

— Шунақами? — Тенгиз унга янада яқинлашди. — Шеригингни нима учун отиб ташлаган эдинг?

— Аблаҳлиги учун.

— Кофирлиги учун эмасми?

— Кофирнинг ҳам инсофлиси, виждонлиси бор. Кофирнинг ҳам ўзига яраша эътиқоди бўлади. У кофир эмас, аблаҳ эди.

— Бубликни танийсан, а?

Танимай-чи?! Нуриддин Туркманистондаги лагерга келганидан то кетгунича у билан ит-мушук бўлиб яшади. Бошдаги соч етмагандай, қошларигача қириб юрувчи бу одамни ҳамма «Бублик» дер, кўпчилик ундан ҳайиқиб юрарди. Нуриддин эса, унга «маймун» деб лақаб бериб, бўйсунишни истамаган эди.

— Бубликни танийсан, — деди Тенгиз ундан жавоб кутмай. — Бублик сендан хафа. Хизматидан бўйин товлабсан. Нега хизматини қилмадинг?

— Мен унинг қули эмасман.

— Қизиқ... қизиқ... сен янглишма, эш... бола, кимдир кимгадир қул бўлиши керак. Бу дунё ўзи шунақа. Сенинг қулликдан ўзга чоранг йўқ. Ё қул бўлиб яшайсан, ёки ўласан!

— Одамнинг қуллиги тўғри. Лекин сиз ҳам янглишманг. Одам фақат Яратгангагина қулдир. Банда бандага қул бўлмайди. Айниқса, мусулмон кофирга қул бўлмайди.

— Мен Тенгизман! Менинг хизматимни қиласанми?

— Йўқ.

— Ўйлаб жавоб бер.

— Бубликка нима жавоб қилсам, сизга ҳам жавобим шу.

— Мендан қўрқмайсанми?

— Нега қўрқишим керак? — Нуриддин унга тик қараганича жилмайди. — Сиз мени урарсиз, нари борса ўлдирарсиз. Одамлар ўлимдан қўрқадилар. Уларнинг нодонлиги ҳам шунда. Қўрқса-қўрқмаса барибир ўлади-ку? Мен ўлимдан қўрқмайман. Демак, сиздан ҳам қўрқмайман. Мен фақат Аллоҳдан қўрқаман.

— Дурустсан, бола! Аммо ўлимнинг ҳар хили бўлади. Ёшликда ўлиб кетавериш алам қилади. Мен, масалан, ҳозир ўлишни истамайман. Ҳали кўп яшашим керак. Кўп одамлар билан ҳисоб-китобим бор.

— Бу сиз билан менинг истагимга қараб бўладиган иш эмас. Бу ёғи тақдир ёзуғимизга боғлиқ. Лекин Худо сизга узоқ умр бериши мумкин.

— Нега? — Тенгиз Нуриддиннинг гапидан чиндан ҳам ажабланди.

— Аллоҳнинг ваъдаси бор: баъзи одамлар янада кўпроқ гуноҳ қилиб олишлари учун уларнинг умрларини узоқ қилар экан.

Бу гап Тенгизга ёқмади:

— Ўчир овозингни! — деб жеркиб берди.

— Бу менинг гапларим эмас...

— Ўчир, деяпман! Менга қара, қайсарлигинг учун сенга «эш-шак» деб лақаб беришган. Хўш, эш-шаклигингча қоласанми ё биз айтган йўлга юрасанми?

— Сиз айтган йўлга юрмайман, овора бўлманг.

— Унда ўласан.

— Буни Худо билади.

— Яхши, мардлигинг ҳам бор экан. Майли, сени итдай хорлатиб ўлдирмайман, эркакдай ўлишинг учун имконият яратиб бераман. Менинг одамим билан якка-ма-якка олишасан. Танла: мушт биланми ё тиғ биланми?

— Танлаш ҳуқуқини сизларга бердим. Одамингизнинг чоғи нимага келса, шундай олишсин.

— Катта кетма, бола! Демак, бундай: аввал мушт билан, кейин тиғ билан!

Рақибини пичоқ билан нобуд қилгудай бўлса, бошига балолар орттириши мумкинлигини билган Нуриддин тиғни рад этди:

— Иккала имкониятни одамингизга бердим. Мен муштимга ишонаман.

— Катта кетяпсан, бола! Билиб қўй: бу олишувда фақат битта одам тирик қолади.

Тенгиз шундай деб уч қадам чекинди-да:

— Бифштекс! — деб чақирди.

Мушаклари ўйнаб турган баланд бўйли йигит ҳаяллламади. Ҳар қандай рақибини қиймалаб ташлашга қодир бўлгани учун «Бифштекс» лақабини олган бу йигит Тенгизнинг биргина имосидан мақсадини англаб, жангга ҳозирланди. Тенгиз ҳали жанг майдонини бўшатмай туриб, кескин тарзда бир айланди-да, рақибининг жағини мўлжаллаб тепмоқчи бўлди. Нуриддин гарчи бу қадар тез ҳамлани кутмаган бўлса-да, жангга шай эди. Шу боис жағини тепки зарбига рўпара қилиб қўймади. Кескин энгашиб, шу аснода муштини ишга солишга улгурди. Бифштекс кучли зарбага мўлжаллаб ҳаволатилган оёғини идора қилишга улгурмай нозик еридан мушт еб, букчайиб қолди. Нафаси қайтиб, инграб юборди. Нуриддин унинг ўзига келиб олишини кутиб, чекинди.

— Пайти келганда уриб қол! — деди Тенгиз.

— Мен номард эмасман, — деди Нуриддин рақибидан кўз узмай.

— Унда ўзингдан кўр. У сенга меҳрибонлик қилиб ўтирмайди.

— Меҳрибонлигига зор эмасман.

— Ростдан ҳам эш-шак экансан! — Тенгиз шундай деб сигарет тутатди. Сўнг ўзини ҳануз ўнглай олмаётган мулозимининг кетига тепди. — Бир муштлик ҳолинг бор-

ми, бундан кўра ўлганинг яхшимасми? Бўлдими, кетаверсинми?

— Йў-ўқ! Бу ердан битта одам кетади. Мен ҳозир уни қиймалаб ташлайман. — Бифштекс шундай деб чўнтагидан буклама пичоқ чиқариб, тугмачасини босди; дудама тиғ офтобда ялтиллаб кетди.

Нуриддин учун бу биринчи олишув эмасди. Шу сабабли довдираб қолмади. Енгил ҳаракат қилганича Бифштексни чалғитиб, бирин-сирин зарбалар бера бошлади. Фақат бир марта тиғ унинг чап билагини тилиб ўтди. Тилинган ердан сизиб чиққан қонни кўриб, Бифштекс мамнун жилмайди. Буни жон олғувчи асосий зарбанинг дебочаси деб ўйлади. Ҳа, чиндан ҳам бу асосий зарбаларнинг бошланмаси эди. Аммо зарбаларни у эмас, Нуриддин берди. Кетма-кет тепки зарбалари унинг ҳаётмамотини ҳал қилди: аввал жағи синиб, ияги узилиб, учиб кетай деди. Кейинги тепки бўғзини пачоқлади. Нафаси бўғилди. Кўзига қон тўлган Нуриддин унинг бу ҳолини кўрмади. Чаққон сакради-да, иккала оёғи билан унинг кўкрагини мўлжаллаб тепди. Тепиш асносида ўзи ҳам чалқанча йиқилиб, бир неча нафас ҳушини йўқотди. Ҳушига келгач, тепасида пичоқ санчишга тайёр турган Бифштекс пайдо бўлишини кутди. Сакраб турмоқчи эди, бадани ўзига бўйсунмади. Яна икки-уч нафас беҳол ётиб, сўнг қаддини аста кўтарди. Тўрт-беш қадам нарида узала тушган Бифштексни, тиз чўкканича унинг билагини ушлаб кўраётган Пачоқбурунни, унинг тепасида сигарет тутатиб турган Тенгизни кўриб, олишув якунланганини фаҳмлади.

— Ўлибдими? — деди Тенгиз, сигарет қолдиғини нари улоқтириб. — Ўлибдими?! Нега бақага ўхшаб анграясан?

Пачоқбурун тасдиқ ишорасини қилиб ўрнидан турди. Тенгиз орқасига ўгирилиб, Нуриддин томон юрди.

— Кўрдингми? Ўлибди. Энг яхши одамимни ўлдирдинг. Хўш, энди нима қиламиз? Қолган ўн йилингни йигирма бешга айлантирамизми? Ё менга қўшиласанми?

Нуриддин ўрнидан туриб, лабидаги қонни артди.

— Сизга қўшилсам, уришиб ўтирмас эдим.

— Сен олифтагарчилик қилма, барибир синасан.

— Синишдан олдин ўзимни ўлдираман.

Тенгиз бир сўкинди-да, ўгирилиб, пачоқбурунга боқирди:

— Нимага лаллаясан?! Кўтар, дарёга ташла. Кум*га бориб, Бифштекс қочди, деб айт. Кейин лепила*ни бошлаб кел.

Қамоқ лагерининг табиби келиб, ярани боғлаб муолажа қилиб кетгач, Тенгиз Нуриддинни чайлага бошлади. Эски газеталардан иборат «дастурхон» усти бетартиб эди. Пачоқбурун кириб, чала ейилган нон-гўштларни йиғиштириб чиқиб кетгач, Тенгиз алюмин кружкага тўлатиб ароқ қуйди-да, меҳмонга узатди. Нуриддин уни олиш учун қўл ҳам узатмади.

— Ҳа, — деди Тенгиз, қошларини чимириб. — Ҳазар қиляпсанми?

— Ичмайман, — деди Нуриддин. Сўнг таранг вазиятни юмшатиш мақсадида қўшиб қўйди: — Шу пайтгача ичмаганман.

— Намоз ўқийсанми?

— Йўқ.

— Унда менга ўхшаган чала мусулмон экансан. Ичмайдиган одамларни ҳурмат қиламан. Ичишни анави тўнғизларга чиқарган. Бу нима, биласанми?

— Ароқни айтяпсизми?

— Ҳа, сен билан мен буни ароқ деймиз. Аслида бу бизнинг миллатимизни қириб ташловчи атом бомба. Бу энағарлар бизларни қандай қуритишни билишган. Сен билан биз бунинг фаҳмига бормай ичаверамиз, ичаверамиз. Ичиб олиб болаларни туғдираверамиз. Бориб-бориб миллат қирилиб кетганини билмай қоламиз. Сенлар

---

* Лагерь бошлиғи.

* Доктор.

кўпсанлар, унча билинмас балки. Аммо биз каммиз. Ҳадемай қирилиб битамиз.

— Сиз... грузинмисиз?

— Йўқ... — Тенгиз мийиғида кулди: — Мен — аварман! — Тенгиз бу гапни ифтихор билан айтди. — Авар деган халқ бор бу дунёда, эшитганмисан?

Нуриддин эшитмаган эди. Бир оз хижолат бўлгани ҳолда бу ҳақиқатни тан олди.

— Сен мени гуржига ўхшатма. Улар Қофқазни сотишган. Менинг боболарим эса қофқазимизни бу кофир тўнғизлардан ҳимоя қилган. Имом Ҳамзат, имом Шомил, Ҳожимуродларни эшитганмисан? Ҳа, эшитмагансан.

— Мен... ўқимаганман. Саккизинчини битириб, далага чиқиб кетганман. Кейин ҳарбийга чақиришиб, Афғонга ташлашди. Кейин бу ерлар... қўлимга битта китоб олиб ўқимаганман сира.

— Унда сени «эш-шак» деганлари тўғри экан. Қайсарлигинг учун эмас, ўқимаганинг сабабли эш-шаксан. Ўқимаган одамнинг эш-шакдан нима фарқи бор? Сен менинг тарихимни билмайсан. Ўзингникини биласанми? Сенинг ҳамзатларинг, шомилларинг борми? Билмайсан! Эш-шак ҳам ўзининг ота-боболарини билмайди. Гапларимга ҳайрон бўляпсанми? «Ўғридан ҳам шунақа гаплар чиқадими?» деяпсанми? Мен ўғри бўлиб туғилмаган эдим. Ота-бобом ҳам ўғри эмасди. Мен ўзимникиларнинг ушоғига ҳам хиёнат қилмаганман. Мен еримга ўғри бўлиб босиб кирганларнинг мол-жонига қирон келтираман. Мен ўғри эмас, қасоскор, хунхўрман! Аммо ўғри деган унвонни олганман. Мен учун қасоснинг ўзгача йўли йўқ. Биласанми, мен салкам олий маълумотли файласуфман. Ҳа... мени тўртинчи курсдалигимда ҳайдашган. Ленинградда ўқирдим. Бир профессор бор эди, — Тенгиз шундай деб истеҳзоли жилмайди. — Николай Александрович Цагоев деган. Қизиқ, а? Исми ўрисча, насаби тоғликларники. Кейин билсам, асли Назир Алиевич Цагоев экан. Тилимни тиёлмай ўшанга бир куни айтдим: «Муҳтарам профессор, майли, ўзингизнинг исмингизни ўрисча қилиб-

сиз, отангизнинг шундай чиройли исмини нега ўзгартирасиз? Сизда тоғликлар номусидан заррача борми?» дедим. У энағар мени комсомол мажлисига қўйди. Менинг қайсарлигим тутиб, мажлисда аварча гапирдим. Ўша профессорнинг ўзи таржима қилиб турди. Ўрис деганларнинг жазавалари тутганини кўрсанг эди. Қўлларидан келгани — мени комсомолларидан ҳайдашди. Шартта туриб: «Мен аварман! Аварлигимча ўламан! Тупурдим сенларга!» дедим. Шу баҳона бўлиб ўқишдан ҳайдашди. Кейин мен бу «ўқишга» кирдим. Биринчи қилган ишим — Цагоевнинг уйини босдим. Авар князлари ҳам унчалик бой бўлишмагандир. Тоғлик йигитларни ўқишга киритиб қўяман, деб тоза шилар эди у энағар. Уйини шилиб, қолган-қутганини ёқиб юбордим. Ўн йил бадалида икки марта қўлга тушиб, пишдим. Ўн биринчи йили «қонундаги ўғри» мартабасини бериб, менга тож кийдиришди. Энди билдингми, кимлигимни? Бу тўнғизлар мени қул қилиш учун еримга бостириб киришган эди. Энди уларнинг ўзлари менинг қулим. Бифштексни ўлдирганинг учун заррача афсусланмадим. Бу энағарлар қанча кўп ўлса, шунча яхши. Сен эса... яшашинг керак! Мен сенга «Ҳамзат» деб ном бераман. Шомил билан Ҳожимурод ҳам бизнинг қаҳрамонларимиз. Лекин мен уларни унча яхши кўрмайман. Улар охири синишган. Ўрисга таслим бўлишган. Ҳамзат эса, синиш у ёқда турсин, ҳатто салгина эгилмади. Жойнамознинг устида боши узилди. Сенда ҳам шунга яқин фазилат кўрдим. Шунинг учун сенга меҳрим тушди. Шунинг учун бу гапларни сенга айтяпман. Аммо сен бола, қайсарлигингни арзон баҳога сотар экансан. Сен майдачуйда гаплардан устун тур. Сен миллат учун собит бўлишни ўрган. Шунга ақлинг етадими? Йўқ, етмайди... Афсус, афсус, етмайди. Мен ўзбеклар орасида сенга ўхшаган мардини кам кўрганман. Сенларнинг синишларинг осон. Сен бу ерлардан синмайдиган одам бўлиб чиқ. Кўзларингни очиб, одам бўлиб чиқ! Ҳамзат, бир куни келиб гапларимни эслайсан. Ана шунда бу ўғри унчалик аҳмоқ эмас экан, деб тан оласан.

Ҳаёт-мамот олишуви Нуриддин, эндиликда Ҳамзат учун кутилмаган ҳодиса эди. Қаҳрли ўғрининг бу гаплари эса, мутлақ кутилмаган ҳол бўлди. Бу гапларнинг мағзини чақишга ҳаракат қилди. Кейинги учрашувларда яна шу ҳақда гап очилармикин, деб кутди. Бироқ, Тенгиз қаҳрли ўғрибоши либосини ечиб, очилиб гаплашмади. Фақат анча кейин, нохуш воқеалар сўнггида ажралар маҳалларида «Сен менинг ҳимоямдасан. Мен ўлсам, одамларим ҳимоя қиладилар. Сен ўша кунги гапларимни унутмасанг бўлди: асло сина кўрма!» деб таъкидлади.

«МУРИК»

Қамоқ оламининг икки тартиб-интизоми бор. Биринчисига ҳуқуқ идоралари тартиб берганлар. Буниси қоғозга тушган, муҳрланган. Унга кўп ҳолда амал қилинмайди. Иккинчиси қоғозга ёзилмаган, муҳрланмаган. Аммо унга бехато тарзда бўйсунилади. Қонундаги ўғрилар томонидан жорий этилган тартиб-қоидаларнинг бузилиши улуғ бир фожиа саналиб, бузғунчи кечирилмайди.

Қамоқхоналар, лагерлар гарчи симтўсиқлар билан ўралиб, қуролли соқчилар билан қўриқланса-да, ўғрилар турли ўлкаларга сочиб юборилган бўлса-да, уларни бирбирларига боғлаб турувчи ботиний робита ғоят мустаҳкам эди. Белоруссиядаги лагерда бўлаётган гапларни Москвадаги генераллардан аввал Воркутадаги маҳкумлар эшитишарди. «Лагер телетайпи» деб номланувчи хабар хизмати бехато ишларди. Генераллар ботиний занжир мавжудлигини, унинг ҳар бир ҳалқасини билишсада, ўзларини билмаганга олишарди. Ҳалқаларни узиб ташлаш қўлларидан келса-да, ботина олишмас эди. Зеро, таъбир жоиз бўлса, ўзлари ҳам шу занжирнинг бир ҳалқаси эдилар.

Тартиб этилган қоидаларга кўра, «лагер телетайпи» Мурикнинг бу томонларга келишини ўн беш кун аввал маълум қилган эди.

Дарахт кесиладиган жой ўзгариб, дарё соҳилидаги чайла ҳам кўчирилган эди. Қуёш ёз фаслига хиёнат қилиб, кузнинг заҳарли нафаси ҳукмини ўтказа бошлагани учун чайлага жойлашган «политбюро»нинг «штаб-квартира»си баракка кўчирилган эди. Бу ерларнинг бетайин ҳавоси ўзини намойиш этган — эзиб ёққан ёмғирдан сўнг оз фурсат юз очувчи офтоб баданга ҳарорат беришга улгура олмас ҳам эди. Маҳкумларни қийратиб ташлаган чивинлар келгуси ёзда учрашиш умидида иссиқ уяларига кириб кетганлар. Чивинлар азобидан қутулган маҳкумлар учун шу шилта аёзли мавсум аълороқ туюлар эди.

Эгнига пахтали калта тўн, бошига телпакни қийшайтириб кийиб олган Тенгиз нам тортган хашак устида узала тушиб ётганича пинакка кетган эди. Пачоқбурун кириб, унинг оромини бузди.

— Нима дейсан?— Тенгиз эснаб, қаддини кўтарди.

— Находкадан ксива бор.

— Ўқи, кимдан экан?

— Гарбуздан.

— Гарбуз? — Тенгиз «ким экан у?» деб ўйлади. Ҳар қанча тиришса ҳам Гарбузнинг ким эканини эслай олмади. Унинг хотираси яхши эди. Бир кўрган одамини, бир марта эшитган исмни ўн йилдан кейин ҳам қийналмай эсларди. Ленинградда ўқиб юрган кезлари у бошқа талабалар каби дафтар тутмас, муаллимларнинг маърузаларини ёзмас ҳам эди, эшитганларини хотирасида сақлаб қоларди. «Менинг дарсимни менсимайсан», деб даъво қилган муаллимга Лениннинг «Фалсафа дафтари»дан бир неча саҳифани ёддан айтиб бергач, дўстлари уни «тирик компьютер» деб атай бошлаган эдилар. Ана шундай мукаммал хотира эгаси Гарбузни эслай олмади. Пачоқбурун хатни ўқий бошлагач, масала ойдинлашди. Пачоқбуруннинг фақат бурни эмас, билими ҳам пачоққина эди. Бешинчи синфда икки йил сабот билан ўқигач, олтинчи синфга бормай қўя қолганди. Рус алифбосидаги ўттиз уч ҳарфнинг тенг ярмидан кўпроғини, яъни нақ ўн етти

ҳарфни эркин ўқий олиш мартабасига етган бу «дониш»-нинг ўзига ўхшаш бир ўғри қўли билан ёзилган мактубини ҳижжалаб ўқишини тасаввур қилинг-у, Тенгизнинг чидамига қойил қолаверинг. Аммо Тенгиз ҳам темирдан эмас. Уч-тўрт жумла ўқилгунча чидади, сўнг хатни Пачоқбуруннинг қўлидан юлқиб олди. Катак дафтар саҳифасининг бир бурчи йиртилиб, пачоқбуруннинг бармоқлари орасида қолди. Хатга кўз югуртирган Тенгизнинг юраги баттар сиқилди. Бу одам қўли билан ёзилган хатми ёки сиёҳга ботириб қоғоз устига қўйиб юборилган ўрмон чумолисининг изларими, буни эксперт аниқлаб бермаса, оддий одамнинг фарқлаши қийин эди. Тенгиз унда-бунда ҳарфни эслатувчи белгиларни қўшиб, бир амаллаб ўқий бошлади:

«Ўғрилар омон бўлсин!

Салом, Тенгиз, салом қоиндошим! Сенга етиб маълум бўлсинким, бу мен — Олег «Гарбуз»ман. Сенга ва Иркутск централидаги барча ўғриларга, «политбюро» аъзоларига, сизларнинг елкадошларингизга биродарлик саломларим бўлсин! Қимматбаҳо саломатликлар қалай? Худо барчаларингизга узоқ йиллар омонлик берсин.

Қоиндошлар, жондош ўғрилар, бизнинг Находкада мендан ташқари Валдемар «Олов», Борис «Шимол» ҳам бор. Биз уч ўғримиз, аммо ҳалигача бирон тамиз тож кийиш бахтига муяссар бўлмаганмиз. Малявамнинг дастлабки сатрларидаёқ ўз муроду мақсадимни баён қила қолай: мен сиз меҳрибон ўғриларнинг биринг изга ука, биринг изга дўст, улугларга эса ўгил ёки жиян бўлиб, мўътабар ўғрилар оиласининг тенг аъзоси сифатида қаторларингизга кирмоқликни орзу қиляпман. Мен бундан буёнги ҳаётимни ўғрилик меҳробига атадим. Бундан буён сиз меҳрибон зотлар билан елкама-елка туриб, барча дарду аламларни бирга тотмоққа, тенг баҳам кўрмоққа қарор қилдим.

Қадрдоним Тенгиз! Мен қамоқда ҳали кўп ўтираман. Ўғриларнинг муқаддас оиласига аъзо бўлсам, «қонундаги ўғри» тожига лозим кўрилсам, балки қолган умримни

ҳам қамоқда ўтказарман. Бу масалада сизлар нима ирода қилсангиз, шу бўлади. Мен озодликда юрганимда сизлар ҳақингизда кўп эшитганман. Сизлар томонга интилганман. Бироқ, сизлар билан юзма-юз учрашиш бахти менга насиб этмади. Хатимни ўқиб бўлгач, барча камчилигу гуноҳларимни ёзиб юборарсизлар. Сизларнинг кўрсатмаларингизга амал қилиб, бундан кейинги ҳаётим масалаларини ўгрилар қоидасига хилоф қилмаган ҳолда ечиб борайман. Мен қандай оғир кунларда сизларни безовта қилаётганимни билиб турибман. Илтимосим қабул қилинган тақдирда рўпарамда қандай машаққатлар турганини ҳам ҳис этяпман. Бу сатрларни ёзиш ҳам менга осон бўлмади. Бу хат ўзимнинг ҳаётим хусусидаги бир ҳукмдир. Сўнгги нафасимга қадар ўгриларнинг улуғ оиласига содиқ қул бўлиб хизмат қиламан. Агар у дунёда ҳам ўгрилик ҳаётини давом эттириш лозим бўлса, у дунёда ҳам фақат ўгрилар оиласига қулман.

Азиз ва қондош ўгрилар! Энди ўзим ҳақимдаги маълумотни ёзай: мен тулаликман. Биринчи марта 1978 йил 2 март куни машина ўгирлаш пайтида қўлга тушиб, олти йилга қамалдим. Бир йилдан сўнг ўсмирлар қамоқ лагеридан катталарникига ўтдим. Икки йил Ярославлда ўтирдим. Сўнг «этап» билан Львовга юборилдим. Зеквагонда Серёжа «Оққуш» билан танишдим. У менга кўп нарсаларни ўргатди. Львовда эканимда ўгрилар тўплантиси бўлди. Саксон тўртинчи йилда озодликка чиқдим. Ўн беш кундан сўнг 212-модданинг учинчи банди билан яна беш йил беришди. Ҳали Туладаги қамоқда эканимда ўгриларнинг тўплантиси бўлди. Витя «Калина», Султон Чечен билан шунда танишдим. (Султонни Худо раҳмат қилсин, ётган ери момиқ бўлсин!) Султон мени лагердаги тартибга бошлиқ қилиб кетди. Кўп ўтмай промзона коменданти ўлдирилиб, ҳамма ёқ агдар-тўнтар бўлди. Комендант зонада қанжиқ-мусорларнинг тўплантисини ўтказмоқчи эди. Менинг бўйнимга ҳеч нима ила олишмади. Аммо Тверга боргач, яна бир ярим йилни бўйнимга илишди. Бу ерда бошқа ўгрилар

бўлмагани сабабли сизларнинг биродарингиз Остап «Жанжал» бу ердаги тартиб-интизомни бошқаришни менга топширди. Бу ишонч мен учун катта бахт эди!

Учинчи марта банкка ҳужум қилганимда қўлга тушиб, мана шу ерда ўтирибман.

Илтимосимга жавобни сабрсизлик билан кутаман.

Сиз — энг меҳрибон, энг ҳалол ўғриларга мустаҳкам соғлиқ ва озодлик тилайман.

Сиз улуг зотларни гойибона бир-бир багрига босувчи тулалик Олег «Гарбуз». 26.08.1988. Находка.»

Тенгиз хатни ўқиб бўлгунича кўзлари тиниб, гарданида оғриқ пайдо бўлди. Аввал мижжаларини енгил уқалаб, сўнг гарданини силади. «Битхат бўлса ҳам гапларни топиб ёзаркан. Агар ўзининг калласидан чиқариб ёзган бўлса, аҳмоққа ўхшамайди, — деб ўйлади Тенгиз. — Лекин... Нима учун шу пайтгача у ҳақда эшитмаган эканман?» Тенгиз шу хаёл билан Пачоқбурунга қаради. У буйруққа маҳтал ҳолда сомелик ила турарди.

— «Политбюро»ни тўпла.

Эътиборли ўғриларни ярим соат ичида тўплаб келиш учун Пачоқбурунга шу қисқа буйруқнинг ўзи кифоя қилди.

«Политбюро» деганлари тождор ўғрилардан иборат кенгаш эди. Гарчи Тенгизнинг обрўйи қамоқ лагери бошлиғидан ҳам баландроқ бўлса-да, айрим масалаларда бу кенгаш ҳукмига хилоф иш кўришга ҳуқуқи йўқ эди.

Бифштекс ўлдирилганидан бери «политбюро» йиғилмаган эди. Ҳа, ўшанда Тенгиз бир адашди. У аслида Нуриддиннинг адабини бериб қўймоқчи эди, сўнг ўзи томон оғдирмоқчи эди. Ҳирсдай Бифштекснинг бир тепки билан ўлиб қолиши хаёлига ҳам келмаган эди.

Лагерда Бифштекснинг «қочгани» ҳақида хабар тарқалиши билан Тенгизни Валера «Қўтос» деб лақаб олган «политбюро оқсоқоли» чақиртирди. Қўтос қолган умрини қамоқ лагерига бағишлаган ўғрилардан эди. У озодликка чиқишни истамасди. Қамоқ муддати ниҳоясига етай

деганда бир қилиқ чиқарарди-ю, ўзининг таъбири билан айтилганда, «курорт мавсуми чўзиларди». Унинг асосий вазифаси — келажакда улуғ ўғри бўлиб етишиши мумкин бўлган йигитларни аниқлаб, тарбиялаш эди. Шу жиҳатдан қаралганда Нуриддиннинг тарбияси билан аввал «Қўтос» шуғулланиши лозим эди.

Қўтоснинг йўқлови Тенгиз учун кутилмаган бўлмади. Бугунми-эртами барибир рўпара бўлишини билиб, жавобларни тайёрлаб қўйган эди. Аммо Қўтоснинг белгиланган баракда якка ўзи эмас, «политбюро» аъзолари билан биргаликда кутиб олгани Тенгиз учун кутилмаган ҳол бўлди. Хаёлига «нима бу, тўнтаришми?» деган фикр чақмоқдай урилди-ю, ўша заҳоти сўнди. Чунки Тенгиз шундай бўлган тақдирда ҳам оғир аҳволда қолмаслигини биларди. Бунга ўхшаш исёнларнинг ҳисоб-китобини қилиб қўйгани учун хотиржамлигини йўқотмади.

Қофқазлик тождор ўғрилар билан ҳазиллашиб бўлмаслигини билган «политбюро» аъзоларида Тенгизга қарши бир иш юритиш фикри йўқ эди. Улар фақат Бифштекс тақдирини ойдинлаштириб олмоқчи эдилар.

Тенгиз остона ҳатлаши билан Қўтос ўрнидан турдида, унга пешвоз чиқди.

— Княз, сен хафа бўлма, фавқулодда ҳол бизни тўпланишга мажбур этди, — деди у, Тенгизга қўл узатиб.

Қофқазлик тождор ўғрилар ўзларининг келиб чиқишларини машҳур князларга боғлаганликлари учун асосий лақаблари қолиб, ҳурмат юзасидан уларга «княз» деб мурожаат қилиш ўғрилар оламида одат тусига кирган эди. Бу одат барча «княз»лар қаторида Тенгизга ҳам ёқар эди. Шажараси, яъни етти пушти олиймақом хонадонга йўламаса ҳам у ўзини чинакам княз ҳис қиларди. Қўтоснинг «княз» деб мурожаат қилиши эса вазиятнинг айтарли кескин эмаслигига далолат эди.

Тенгиз йиғилганлар билан бирма-бир кўришгач, тўрга ўтди. Қўтос унинг ёнига ўтирди. Тенгиз сигарет тутатгач, Қўтосга юзланди:

— Нима бўлди?

— Бизни Бифштекс қизиқтиряпти. У ҳамиша сенинг ёнингда бўларди?

— Ҳа, бўларди, — деди Тенгиз хотиржам равишда. Сўнг худди оддий бир хабарни эслагандай қўшиб қўйди: — Ўлмасидан илгари...

— Ўлдими? — Қўтос ажабланиб, тўпланганларга қараб олди. Улар ҳам ҳайратларини яширмай Тенгизга тикилишди. Лагер ҳаётида бировни ўлдириш ёки итдай ўлиб кетиш айтарли ажабланарли ҳол эмас. Тождор ўғриларни ҳайратга солган нарса — яқин одамларининг ўлими тафсилотидан вақтида хабар топмаганларида эди. Агар шерикларига бу оламга бегона кимса қасд қилган бўлса, кечиктирмай жазолашлари шарт. Тенгиз уларнинг бу фикрини ҳам уқса-да, жавобга шошилмади. Сигаретни яна икки-уч чуқур-чуқур тортиб, нафсини ором топтиргандан кейингина жавоб берди:

— Ҳа, ўлди. Бир мишиқини эплай олмади. Адабини бериб қўй, девдим, бир тепкини кўтара олмай ўлди. Бола бало экан.

— Ким? Сен уни ўлдирдингми? — Бу сафар Қўтоснинг овозида таҳдид сезилди.

— Айб у болада эмас.

— Кимлигини айт бизга?

— Билишга қизиқаётган бўлсаларинг айтаман: «Эш-шак», Бубликка эгилмаган бола.

— Уни менга қўйиб беришинг керак эди?

— Бўлар иш бўлди энди. Мен синаб кўрдим — мард бола экан. Яхшилаб тарбия қилсанг зўр ўғри чиқади ундан. Аммо у энди у «эш-шак» эмас, номи «Ҳамзат» бўлади.

— Нега?

— Мен шуни хоҳладим.

— Княз, сен ҳаддингдан ошма! — Украина томонларда «Кошак» номи билан машҳур бўлган ўғри Тенгизнинг сўзини даҳаллик билан узди: — Сен мусулмонингни ҳимоя қилиб, зўр йигитни ўлдиртириб юбординг!

Тенгиз сигаретини тутатиб, унга тутун орасидан кўзини сал қисиброқ қаради:

— Кошак, билмасанг билиб қўй: менинг диним ҳам, миллатим ҳам — ўғри! Қўтос, сен бунга тушунтириб қўй. — Тенгиз шундай деб ўрнидан турди. Остонага етганида тўхтаб, орқасига ўгирилди. — Кошак, билиб қўй, бу оламда ўғри деган биттагина миллат бор. Бу миллат олдида бошқалари сариқ чақа. Агар шунга ақлинг етмаса, сен ўғри эмассан, мужиксан! — Тенгиз эшикни бир тепиб очдида, ташқарига чиқди. Уч-тўрт қадам юриб, тўхтади. Унинг фикрича, ҳозир ортидан Қўтос чиқиб келиши лозим эди — янглишмади.

— Княз, сен хафа бўлма. Кошакка етадиган аҳмоқ бу дунёда кам топилади. Аҳмоқона гапларни кўп гапиради-ю, аммо юраги тоза бола. Кўнглида кири йўқ. Сенинг нима учун аччиқланганингни тушунмай ўтирибди, у аҳмоқ! Тушунганидан сўнг ўзи келиб сендан кечирим сўрайди.

— Хафа эмасман,— Тенгиз шундай деб жилмайди,— оиламизга бир-иккита шунақа довдир ҳам керак. Бўлмаса, яшашнинг қизиғи қолмайди.

— Тўғри айтасан. Унга шу ерларда чидаш мумкин. Озодликда бунга шерик бўлганнинг шўри қурийди.

Қўтос тўғри айтган эди — Кошак икки кундан сўнг Тенгиздан узр сўради. Ўзининг ҳам дунёда ягона ўғри миллатидан эканини баён қилди.

Ана ўша воқеадан бери «политбюро» энди расмий кенгашга чорланган эди. Олег «Гарбуз»нинг илтимосномасини ўқишдан аввалроқ Тенгиз, «политбюро»ни чақиришни режа қилиб қўйганди. Кеча оқшомда қўлига етиб келган бир хабар уни «политбюро» билан маслаҳатлашишга ундаган эди.

«Политбюро» тўплангач, Тенгиз ўтирган ерида уларга бир-бир қараб чиқди.

— Князларим, — гарчи қофқазликлардан бошқалар бу номга даъво қилмасалар-да, Тенгиз уларга бўлган ҳурматининг баланд эканини билдириб қўйиш учун гапини шундай бошлади, — князларим, бугун биз икки муҳим масалада ягона қарорга келишимиз керак.

Тенгиз биринчи масала деб Олег «Гарбуз» илтимосини баён қилди. У гапини тугатмаёқ Кошак эътироз билдирди:

— Онаси ўн марта қайта туғса ҳам ундан ўғри чиқмайди, — деди у столга кафти билан уриб-уриб қўйиб. — Козёл у! Бошқа гап йўқ! Тулада нима учун сувдан қуруқ чиққан? Козёл эди! Промзона коменданти бизнинг одам эди. Ҳеч қанақанги қанжиқ-мусорларга алоқаси йўқ эди.

— Аниқ биласанми? — деб сўради Қўтос.

— Ўшанда мен Курскда эдим. Аниқ биламан.

— Мен «Гарбуз» деганини энди эшитяпман. Козёл бўлса нима учун шу пайтгача жазосиз юрибди?

— Тутқич бермаётгандир-да. Агар унга тож кийдирсак, ҳаммамиз расво бўламиз.

— Агар козёл бўлса... агар айёр бўлса... — Тенгиз ўйланиб қолди. — Бошқа лагерларга ҳам шунақа хат ёзгандир? Тезда аниқлаш керак. Қўтос, ўзинг шуғуллан бу иш билан. Агар шундай қилган бўлса, бошига тож ўрнига сиртмоқ илиш керак. Илганда ҳам пинҳона эмас, шовшув билан осиб ўлдириш керак. Бошқа козёллар ўзларини нима кутаётганини билиб қўйишсин. Биринчи масала — тамом! Энди иккинчиси — биз томонларга «Мурик» келаётган эмиш, — Тенгиз шундай деб ўтирганларга савол назари билан боқди.

— Мурик? Ким у? — деб сўради Қўтос.

— Билмайсизларми? — Тенгиз истеҳзоли жилмайиб, ён чўнтагидан бир варақ қоғоз олди.— «Чўмич»— Слава Галиулин. «МУР»га хизмат қила бошлагани учун лақабини ўзгартириб, «Мурик» деб қўйишибди. Ма, ўқи, — у шундай деб, хатни Қўтосга узатди.

Қўтос мактубга кўз югуртириб, бош чайқади-да, сўнг овоз чиқариб ўқий бошлади:

— «Иркутск централидаги ҳалол биродарларимизга саломлар бўлсин. Салом йўлловчилар — Псков лагеридаги ўғрилар — сизларга омонлик тилайдилар. Қадрдон ўғрилар, бу шошилинч хатимиз билан сизларни огоҳ эта-

миз: биз билан «Чўмич» — Галиулин бирга бўлди. Билиб қўйингларки, у бизнинг пок ва муқаддас номимиз — ўгри номи билан яшириниб юрган бир қанжиқдир. Ҳа, билиб қўйинг, у ЎҒРИ эмас, у қанжиқдир! Ўгри номига иснод келтиргани учун уни фақат қанжиқ ёки АБЛАҲ деб аташ мумкин. Ўзини ҳурмат қилувчи ҳар бир ўгри, ҳар бир маҳкум у билан шу номига яраша муомалада бўлиши керак. Шу билан бирга барча қанжиқликлари учун жазосини олиши шарт! Яна билиб қўйингларки, Москвада ўгрилар тўплантиси бўлиб ўтди ва Чўмичга нисбатан қарор қабул қилинди. Қарорга биноан, у ҚАНЖИҚ деб эълон қилинди. Москва пупкарларига хизмат қилгани учун унга «МУРИК» деб ном берилди. Уни қабул қилганларингда шу қарор ёддан кўтарилмасин.

Псковда биз олти ўгримиз: Като, Куёв, Йўлбарс, Сибир, Авлиё ва Олов барчаларингизга озодлик тилаб қоладилар».

Қўтос ўқишни якунламай, Кошак стол устига мушт уриб, тўнғиллади:

— Чўмич келиши билан менга берасанлар. У билан озгина ҳисоб-китобим бор.

Бу гапни эшитиб, Тенгиз унга тикилиб қолди. Сўнг кенгаш аъзоларига савол назари билан бир-бир қаради:

— Хўш, Мурикни Кошакка берамизми? — Тенгиз шу саволни ўртага ташлаб, сукут қилди. Ўтирганлардан садо чиқмагач, давом қилди: — Биз ўғриларнинг бир аҳмоқлигимиз бор. Фақат ўзимизнинг ҳисоб-китобимиз билан қизиқамиз. Ўғриларнинг муқаддас олами билан эса, ишимиз йўқ. Оиламиз қанжиқлар билан тўлиб кетяптими, ириб кетяптими, сасиб кетяптими — ишимиз йўқ. Хўш, Кошак, Мурик сеники. Нима қиласан, ўлдирасанми?

— Қийнаб ўлдираман.

— Ана шу-да! Нима учун қанжиқлик қилган, нима учун қамалиб бу ёқларга юборилди? Билиш керакми? Гап шу: Мурик келаверсин. Юраверсин. Биз эса, гўё ҳеч нима билмаймиз. Биладиганимизни билиб олайлик, ана

ундан кейин у Кошакники. Истаса ҳомича есин, истаса пишириб есин. Бошқа гап йўқ. Таклифларинг бўлса айтларинг.

— Таклиф бор, — деди Кошак тиржайиб. У мажлис қароридан мамнун эди, шу боис бир ҳазил қилгиси келди. Сўзлашга ижозат берилгач, ўрнидан туриб, ёқасини тузатган бўлди: — Ўртоқ коммунистлар, мажлисимиз номидан КПСС бош котиби Горбачга табрик телеграммаси юборсак.

Бу ҳазил тўмтоқ болта билан ўтин ёришни эслатсада, ўтирганлар Кошакка қараб жилмайиб қўйишди. Тенгиз ҳам кулимсираб, унинг бу ҳазилига якун ясади:

— Яхши таклиф. Телеграмма ёз-да, юмалоқ муҳр ўрнига нозик ерингни боса қол.

«Политбюро» мажлиси шу тарзда кулгу билан якунланди. Орадан тўрт кун ўтиб, Мурик ташриф буюрди. Унга қадар «лагер телетайпи» орқали Тенгиз муҳим маълумотлар олди.

ХИЁНАТ

Матлуба эридан хат олиб келган йигитга бошдан-оёқ разм солди. Аввалига «қамоқда бирга ўтирганмикан?» деб ўйлади. Аммо хушрўй йигитнинг жилмайиб қарашида, ранги-рўйида қамоқнинг совуқ нафасидан асорат йўқ эди. Йигит «ичкарига кириング», деган таклифдан сўнг таранг қилмай, жувонга эргашди. Турсунали қамалишидан илгари, амал отини суриб жавлон ураётган маҳалларда бу уйни кўрган одам орадан бир йил ўтиб-ўтмай яна остона ҳатлаб ичкари қадам қўйгудай бўлса, «ёпирай, кеча ўғри уриб шип-шийдам қилган, шекилли», деб ёқа ушлаши тайин эди. Кўзни қамаштирувчи гиламлар, қандиллару жавонлар энди йўқ. Матлуба эри қамоққа олиниб, мол-мулки хатга тушгунига қадар яширишга улгурганини яширди. Қолгани эса, мусодара қилинди. Уй хўжалик ихтиёрида бўлгани, Матлубанинг ўзи шу хўжаликда ишлаётгани учун тортиб олинмади. Янги директор инсоф қилиб, уларга «уйни бўшат», деб тиқилинч қилмай, янгисига жойлаша қолди.

Матлуба дардини кимга айтишни билмай, тўрт девор орасида тўрт боласи билан кун кечириб юрган эди. Давлат бойликни тортиб олгани билан Худо болаларнинг ризқини қиймас экан. Гиламсиз, биллур қандилсиз уйда ҳам яшаш мумкин экан. Дунёда тирик бева фақат у эмас экан. Тирик етимлар ҳам кўп экан. Эри қамалган хотиннинг жони чиқиб кета қолмас экан. Отаси қамалган болалар тақдирга тан бериб яшайверар экан, улғаяверар экан...

Қамоқ — жиноятчи учун жазо. Бу дунёда жиноятга дахли йўқ одамлар учун ҳам жазо бор экан. Балки ҳаром луқмага шерик бўлгани учун бундай жазо жоиздир? Матлуба буни билмайди. Бу ҳақда ўйлаб ҳам кўрмаган. Бунга кейинроқ ақли етади. Ҳозир билгани — қўлидаги хатда ёзилган гаплар... Яъни ҳар ойда «солиқ» тўлаб туриш.

Матлуба хатни тўрт марта ўқиб чиқса ҳам тушунмади. Йигитга савол назари билан тикилиб қолди.

— Чексам майлими? — деб сўради йигит хотиржам равишда. У жувоннинг ҳайрат исканжасида эканини билиб турса-да, парво қилмади. Уй бекаси бош ирғаб «чекаверинг» дегач, лабига сигарет қистирди. Аммо ўт олдирмай туриб сўради: — Тинчликми? Нима деб ёзибдилар?

— Нима деб ёзилганни... билмайсизми?

— Мен бировнинг хатини ўқимайман, — йигит шундай деб сигаретини тутатди.

— Хатни ўз қўллари билан ёзиб сизга бердиларми?

— Йўқ. Менга биродарларим келтиришди. Мен эрингизни танимайман. Менинг вазифам — холис хизмат.

— Солиқни... сизга тўлайманми?

— Ҳа, солиқними? — Йигит жилмайди. — Ҳозирча менга. Мен келолмасам бошқа одамни юборишади.

— Юборишади? Ким юборади?

— Буни билишингиз шарт эмас.

— Мен... тушунолмаяпман...

— Тушунолмаяпман? Майли, яхши хотинга ўхшайсиз, сизга тушунтириб бера қолай: сизга эр керакми? Ҳа, албатта керак. Сизга эр керак бўлмаса ҳам болала-

рингизга ота керак. Демак, у қамоқдан соғ-саломат қайтиши шарт. Қамоқда эса, опагинам, кўп одамлар бекордан бекорга ўлиб кетади. Бировлар битта кичкинагина тошга қоқилиб ҳам ўлиб кетар экан. Бахтсиз ҳодисалар кўп-да. Қамоқдаги биродарларимиз эрингизни ҳимоя қилишади. Унинг битта туки ҳам бекорга тўкилмайди. Сиз «солиқ» деяпсиз-у, аслида ундай эмас. Бу хизмат ҳақи. Ҳукумат қоровулларга ҳам маош тўлайди-ку, тўғрими? Ана, сиз ҳам шунақа тўлайсиз-да.

— Қанчадан тўлайман?

Йигит дарров жавоб бермади. Тутатиб бўлгач, кулдон ўрнига қўйилган ликопчага сигарет қолдиғини босиб эздида, тўланажак хизмат ҳақи миқдорини айтди. Буни эшитиб, Матлуба бир сесканди. «Хато эшитмадимми?» деб, сўради:

— Бир йилгами?

— Эрингизнинг жонини ҳурмат қилмас экансиз, опагинам. Ҳар ойда тўлайсиз. Балки уч ойлигини, балки ярим йиллигини қўшиб олдиндан тўларсиз. Олдиндан тўласангиз, бир оз камайтирамиз, буни ўзаро келишиб оламиз.

— Менда бунча пул йўқ... Топганим болаларим...

— Опагинам, сиз топган пулингизни болаларингизга ишлатаверинг. Сиз бизга эрингиздан қолганидан чўтал бериб турсангиз етади.

— Эримдан... ҳеч нарса қолмаган... Бори шу — кўриб турганингиз. Давлат ҳаммасини тортиб олди.

— Давлатга туҳмат қилманг. Бизнинг давлат, опагинам, одил давлат! Билмасангиз билиб олинг. Ҳеч қачон ҳаммасини тортиб олмайди. У-буни яшириб олишга имкон беради. Тўртта болангиз бор, а?

— Ҳа... — Матлубанинг кўнглига ёмон фикр келиб, қўрқиб кетди: — Нимага сўраяпсиз?

— Шунчаки қизиқдим. Улар ҳам оталари қайтгунича соғ-саломат юришлари шарт. Ота қамоқдан қайтса-ю...

— Болаларимга тегманг! — Матлуба беихтиёр шундай деб бақириб юборди. Муштлари ўз-ўзидан тугилди.

— Опагинам, ўзингизни босинг. Бизлар одамхўр эмасмиз. Биз сиз берган хизмат ҳақи эвазига ўзингизни ҳам, болаларингизни ҳам ҳимоя қиламиз. Пул кетса кетсин, жон кетмасин. Менинг яна ярим соат вақтим бор. Биринчи хизмат ҳақини бугун олиб кетишим керак.

— Ҳозир йўқ менда бунақа пул.

— Сиздан ҳозироқ талаб қилаётганим йўқ. Ярим соат вақтим бор, деяпман-ку? Бўла қолинг, қимирланг.

Бу гапдан кейин ҳам Матлуба бир неча дақиқа ҳаракатсиз турди. Йигит эса, бошқа гапга ҳожат йўқ, дегандай индамасдан ўтираверди. Матлуба «Ярим соат вақти бўлса кўчага чиқиб, машинасида ўтира қолмайдими?» деган фикрда унга қараб-қараб қўйди.

У «уйда пулим йўқ» деб ёлғон сўзлаган эди. Аслида эса, «бирор кунимга асқотар» деган умидда яшириб қўйгани бор эди. Аммо бу йигит шундай ялпайиб ўтираверса, у қандай қилиб олади? Ундан ташқари бу йигитнинг айтганлари шунчаки пўписами ё жиддийми — ҳали тўла фарқига боролгани йўқ. Дастлаб бу йигит кўзига хушрўй кўриниб эди. Эндиги ўтириши эса... «Ҳе, гўлаймай ўл!» деб ичида қарғади.

— Ярим соат... Бировдан сўраб топгунимча... Бир-икки кундан кейин келсангиз... топиб қўярдим.

— Келиб-кетиш осон эканми? Мен аммангизнинг қишлоғидан келганим йўқ. Хўп, майли, бир-икки кундан кейин мен келмайман. Ўзингиз борасиз.

— Ўзим бораман? Қаёққа?

— Баҳонада адангизни кўриб келарсиз?

— Адамни... биласизми?

Йигит истеҳзо билан кулди.

— Лақма хотин экансиз. Уйингизни тўғри топиб келган одам адангизнинг икки йилдан бери шол бўлиб ётганини билмайдими? Хуллас, икки кундан кейин адангизникида кўришамиз. Исмим Хурсанали, сиз ишлаётган совхознинг ҳисобчисиман. Тушундингизми, адангизга шундай деб таништирасиз. Бизнинг сиз билан бўладиган ҳисоб-китобимизни биров билмаса фақат ўзингизга фой-

да. Милисадан умид қилманг. Милиса сизга эмас, бизга хизмат қилади. Биз сизга ўхшаганлардан хизмат ҳақи тўплаб, ҳатто ўша Масковдаги генералларгача боқамиз. Шуни унутмасангиз бўлгани. Сиз билан биз энди бегона эмасмиз. Ҳа, айтмоқчи, бизда «бир-икки кун сабр қилинг», деган гап бўлмайди. Бир сафар майли, кечираман. Бундан кейин ҳар бир кун учун юз-юздан қўшилади. Ақл билан иш юритсангиз ҳамёнингиз зарар кўрмайди. Эрингиз унда тинч, сиз бунда бола-чақаларингиз билан тинчсиз. Худо бераман, деса шу-да!

Йигит ўрнидан туриб, эшик сари юрди. Остонага етгач, орқасига ўгирилди:

— Меҳмондўст эмас экансиз. Майли, хафа бўлмайман. Ош-чойга қарздорсиз, унутманг, — ўзини Хурсанали деб атаган йигит бир жилмайиб қўйгач, ташқарига чиқди.

Матлуба унга хайр ҳам демади, кузатиш учун остона ҳам ҳатламади.

Йигитнинг худди бало чақинидай келиб-кетиши унинг ҳушини олди. «Турсунали акамдан хат олиб келдим», деб жилмайганида истаралигина бўлиб кўринган эди. «Ош-чойга қарздорсиз», деб чиқаётганида кўзига исқирт бир суллоҳ бўлиб кўринди. «Ким ўзи бу? — деб ўйлади Матлуба. — Ўғри десам, ўғрига ўхшамайди. Башараси бип-бинойи. Балки чўнтаккесардир ё каллакесармикин? Унақага ҳам ўхшамайди. Ё адаси мени синаб кўрмоқчи бўлиб бирор танишини ишга солдимикан? Э, йўқ. Шунақасига синайдими? Синагиси келса, «менга вафо қиладими-йўқми?» деб синар. Ўзига ўхшаган биронта шилқимни юборар. Менга илмоқ ташлатиб кўрар... Э йўқ... Қоранг ўчгур Нафисаси билан шармандаси чиққанидан кейин мендан вафо талаб қилиб гўрга борсинми?..»

Нафисанинг номи эсига тушиб, баттар тутоқиб кетди. Стол устида турган пиёлани олиб деворга қарата отди. Пиёла деворга тегиб ҳам, тахта устига тушиб ҳам синмади.

— Ҳу кўзларинг гўрда чирисин!

Бу қарғишни овоз чиқариб айтди. Назарида Нафиса ишвали кўзларини сузиб қараб тургандай бўлди. Бир қарғиш билан юрагидаги дард кўтарилмай, иккинчисини айтди:

— Афт-башаранг гўрда илон-чаёнларга ем бўлмаса, рози эмасман!

О, аёл қалби! Дунёда мавжуд барча фожиалар сел бўлиб ёпирилса чидар-у, аммо эрининг хиёнатига сира-сира чидай олмас! Айниқса, бу хиёнат ўз уйида, ўз тўшагида содир этилса, юракда ёна бошлаган оловни ҳеч нима ўчира олмас.

Эрининг хиёнаткор бузуқ экани Матлубага кўпдан маълум эди. Ҳали бу «қоранг ўчгур Нафиса» пайдо бўлмаёқ, эрининг суюқоёқлигидан, бир унга, бир бунга шўнғиб юришидан гумон қиларди. Гумони исбот топганида жанжал кўтараман, деди-ю, эплай олмади. «Чидасанг шу, — деди эри. — Мен сенга ялиниб уйланмаганман, ўзинг хуштор бўлиб теккансан. Мен битта хотинга қаноат қиладиган эркаклардан эмасман. Кўнглинг совуган бўлса, ана, орани очиқ қилгину, отангникига жўнайвер. Райкомга дод-вой деб борасанми, ундан наригами, менга барибир. Мендан олса амалини олади. Сен эса, эрдан айриласан. Иккита бола билан сени биров оларми-кан? Менга тегишда отангнинг розилигини олмагансан. Кетсанг, отангникига ҳам сиғмайсан. Ундан кўра нафасингни чиқармай яшайвер... Сен хотинимсан. Улар бир ўйнаш. Сен билан улар орасида катта фарқ бор. Шуни тушунсанг бўлди».

Эри ҳақ гапни айтган эди.

Матлубанинг Турсуналига ошиқ бўлгани рост. Хатлар ёзгани, шеърлар тўқигани ҳам рост. Келишган, чиройли йигитни ундан бошқалар ҳам яхши кўришар эди. Йигит чиройли бўлса, устига-устак амалдор отаси чўнтагидаги пулни аритмай турса, хушторлар саноғига етиш мушкул. Аммо Матлубанинг юрагидаги олов ҳамманикидан кучлироқ эди. Кейин-кейин Матлуба ўша дамларни эслаганидан «юрагим ёнмай, чирибгина кетса бўлмасмиди, уни

яхши кўрмай ўлиб қўя қолсам минг марта яхши эди-я!» дейдиган бўлди.

Тақдир қалами ёзуғини ёзиб бўлганидан кейин бундай надоматлардан не фойда? Ўша кезлари Одам Ато билан Момо Ҳаввонинг нима сабабдан жаннатдан ҳайдалганларини билсами эди, эс-ҳушини сал йиғиштириб олармиди...

Олдингилари, эри айтганидай, нафс балосини қондирувчи вақтинчалик ўйнашлар экан. Эри уларга қаттиқ боғланмаган эди. «Ғаркўзинг гўрда чиригур Нафиса» ёмон чиқди. Эрини ўзига тамомила қарам қилиб олди. Эри аввалари ўйнашга боргани билан уни унутмасди, кўнглини овлаб турарди. Эрининг хиёнаткорлиги ошкор бўлганидан кейин ҳам Матлуба яна икки фарзанд кўрди. Аммо «жувонмарг бўлгур Нафиса»га илакишгач, эр экани тамоман эсидан чиқди. Матлубанинг ўриндаги ноз-карашмаларига ҳам эътибор бермай қўйди. Бир куни «ёшингга қараб қилиқ қил», деб ўрнидан туриб кетгач, Матлуба тирик бева бўлиб қолганини англади.

«Ёшингга қараб қилиқ қил...»

Ўшанда Матлуба ҳали ўттиз учга кирмаган эди... Ҳозир қирқнинг остонасида. Ўшандан бери эр нималигини унутаёзган.

Дарди зўр... Аммо дардкаши йўқ... Дарди ичида.

Фақат бир марта «портлади». Портламаса бўлмас эди...

Шаҳарга бориши лозим эди. Бироқ оёғи тортмай кўнгли хижил бўлиб район марказиданоқ изига қайтди. Қарасаки, куппа-кундузи эри «қон қусгур Нафиса» билан бир аҳволда... болалар мактабдан келиб қолади, деб хавотир ҳам олишмабди...

Матлуба ҳали-ҳали тушунмайди: совхознинг номи «меҳмонхона», аслида эса фоҳишахона вазифасини бажарувчи жойи бор. Эри нима номаъқул нарса еса, ўша ерда ерди. Уйга олиб келгани нимаси у ювиқсизни?! Эри жанжаллашиб ўтирмади. Нафисани юлдиришга ҳам қўймади. «Унингни ўчир», деди-ю ўйнашини олиб чиқиб кетди.

Матлуба эса... ўйлай-ўйлай, ахийри улар ётган ўринтўшакни ҳовли ўртасига уйиб, ёқди. Бу билан ҳам ҳовури босилмагач, каравотни ҳам ёқди.

Болалар қўрқувда жовдирашади.

Қўшнилар ҳайрон...

Фақат Турсунали ҳайрон бўлмади. Эртасига югурдаклари юк машинасида яп-янги каравот ташлаб кетишди.

Ҳаромдан қайтмайдиган ана шу эр қамалиб, пешанаси деворга теккач, кўзи очилганмикан? Оиладан кўра ўйнашнинг карашмасини афзал билган эр «хотиним менга вафо қиляптими?» деб ўйлаяптимикан? Шундай деб ўйлашга ҳаққи борми?

Вафо қилмайдиган хотин эрининг қамалиб кетишини кутиб ўтирар эканми? Эрининг бузуқлик дарёсига шўнғиганини билгани ҳамон бу дарёга ўзини отмасмиди?

Хатида «вафодорим» дебди...

Вафодорим?

Матлубанинг хаёлига бир фикр урилиб, чангалида ғижимланиб турган қоғозни шошиб текислади:

«Ҳа, «вафодорим» дебди. Қизиқ, исмимни ёзмабди. Менга ҳеч бундай демаган. Яхши кунларда ҳам демаган. Анави ер юткурни айтган бўлиши мумкин. Тўхта, тўхта... Балки бу хат ўшанга ёзилгандир. У ҳароми эса, менга жўнатган бўлса-чи? Бояги турқи совуқ унинг хушторидир балки?..»

Шунга ўхшаш фикрлар қуйилиб келавериб, Матлубанинг боши оғриқдан зириллай бошлади. Сўнг шу оғриқ баҳона бўлиб, ҳўнграб йиғлаб юборди. У эрини ҳибсга олишганда ҳам, маҳкама ҳукми ўқилганда ҳам йиғламаган эди. Тўғри, юраги ёмон увишиб эди. Аммо дўст-душман унинг кўзларида нам кўрмаган эди. Биров «душманлар олдида паст кетмади, йиғламагани яхши бўлди», деса, бошқалар «бунча без экан бу хотин? Ҳеч бўлмаса кипригини тупук билан ҳўлласа-чи, энди эрини яна кўрадими йўқми?» дейишган эди.

Юраги фарёд чекмаса, кўзларига ёш келмаса, нима қилсин? Йиғининг фурсати шу кунга белгиланган экан,

астойдил йиғлаш учун эрнинг қамалиши баҳона бўлолмас экан, хотин киши ўзининг хорланганини ҳис қилса, бас экан. Айни дамда Матлуба хорланиш куйининг авж пардага кўтарилганини фаҳмлади. Дақиқалар ўтгани сайин «бу мактуб кўзгинанг тешилгур Нафисага йўлланган-у, у жувонмарг макр ишлатиб, хушторини бу ёққа жўнатган», деган фикрига астойдил ишона бошлади. Бу фикр тез орада мутлақ ҳокимлик шоҳсупасини эгаллаб, қолган барча хаёлларни қува кетди.

Ягона фикрга маҳкум бўлгач, бу зуғумдан қутулиш, қутулишгина эмас, қарши ҳужумга ўтиб, ғанимини яксон қилиш чораларини излай бошлади. Донишманд аҳлининг «жоҳилга ҳилм ила муносабатда бўл», деган насиҳатларига эркаклар амал қиларлар-у, бироқ ўч олиш қасдида ёнаётган аёл икки дунёда қулоқ солмас. Бу соҳада аёлларнинг ягона шиори — «макрга макр қиличи билан ҳамла қилмоқ керак!»

Алам ўтида ёнаётган Матлуба макр бобида кундошидан орқада эканини тан олди. Бировнинг эрини ўзига ром қилган маккорага пул ундириб олиш қийин иш эканми? Матлуба «уйинг куйгур Нафиса» ишлатган ёки режа қилаётган ҳийлалар ҳақида ўйлай бошлади.

Қамоқда эрининг Тенгиз исмли ўғрибошига йўлиққанини у бечора қайдан билсин? Яхшики, у кундошининг кўз очиб кўрганини соғиниб Сибирга отланаётганини, эрини лақиллатиб кетиш учун баҳона ахтараётганини билмайди. Билсами, ҳозирги аҳволини туташ десак, гуриллаб ёна бошлашнинг қандай бўлишини тасаввур қилаверинг. Яхшики, Тангри бандаларини кўп нарсалардан бехабар қилиб яратган. Акси бўлгандамиди эди, дунё хотинларнинг ғалвасидан бўшамай қолармиди, валлоҳи аълам!

Матлуба оғриқ зўриданми ё қоронғу халтакўчада милт этган нур тополмай гангиб эзилганиданми, бошини чангаллаб ўтирди. Мактабдан қайтган катта қизи бу аҳволдаги онасини чўчитиб юбормаслик учун паст овозда салом берди. Онаси алик олмагач, елкасидан қучоқлади.

Матлуба уни қучиб, энди унсиз фарёд чекди. Эрининг хурмача қилиқларидан безган дамларида баъзан «бу дунёда яшаб нима қилдим?» деган хаёлга ҳам борарди. Ана шу бадбинлик кўчасида ивирсиб қолганида Худонинг ўзи ёмон йўлдан қайтарарди — кўзига болалари кўринарди. Уч йил муқаддам ўнгида қилолмаган иши тушида содир бўлди — ўзини ёқди! Ана шунда бўзлаётган болаларини кўриб, ўзи ҳам бақириб юборди. Бор овози билан бақиргани учун ўзининг овозидан қўрқиб уйғониб кетди. Ўшанда тўнғич қизи ҳам уйғониб, онасини қучоқлаб олган эди. Бу дунёда уни ушлаб турган занжир шу фарзандлари. Шу топгача оталик меҳрини бермаган «зорманда эр» касрига энди булар ҳам азоб чекишлари керакми?

Қизини қучоқлаб ўтирган Матлуба шуни ўйлаб, юраги эзилиб «бундан кўра отиб ташлашганлари минг марта яхши эди», деб ўйлади. Қизи эса, онаси маъюсланиб қолганида «адамларни ўйлаб сиқиляптилар» деб ўйлаб, хафалик сабабини сира сўрамасди. Ўн олтига етиб қолган қизи Матлубанинг бахтига ғоят ақлли эди. У ҳатто кўчада отаси ҳақида миш-мишларни эшитганида ҳам дардини ичига ютарди-ю, онасига билдирмасди. Кўрпа-тўшаклар нима сабабдан ёқилганига фаҳми етгани учун ҳам бу хонадонда яшаш онаси учун ғоят азобли эканини биларди. Билгани учун ҳам онасига суянчиқ бўлишга интиларди. Лекин онасига қандай суянчиқ бўла олишига болаларча ақли етмасди. Ҳозир ҳам онасини қучган ҳолда нимадир деб уни юпатгиси келди. Аммо ўша «нимадир»ни тополмасди, айтолмасди.

Қизининг шу тарзда қучоқлаши ҳам Матлуба учун зўр далда эди. У чуқур нафас олиб, хўрсиниқни нари ҳайдади. Қизининг пешанасидан ўпди-да:

— Насиба, жон қизим, Зилолани боғчадан вақтлироқ олиб кела қол. Майдонга қараб ўт: Шоҳруҳ тўп тепгани чиқиб кетувди. Ҳамма ёғини расво қилмасин, Фаррух қани, нима учун биргалашиб келмадиларинг?— деди.

— Фаррух ўртоғидан китоб олиши керак экан, ҳозир келади.

Насиба шундай деб онаси буюрган вазифани бажариш учун чиқди. Қизи чиқиши билан Матлуба аввалги ҳолатига қайтди. Орадан беш-олти дақиқа ўтмай, ўғли эшикдан аста мўралади. Китоб-дафтарини қўйиб, кўчани мўлжаллаганида Матлуба уни чақириб, «Вали акангни чақириб кел», деб буюрди.

Валижон — беш уй нарида турувчи йигит. Билганлар уни «Турсуналининг мулозими», дейди, билмаганлар эса «директорнинг шопури» дейишади. Ким нима деса десин, аммо Валижон хожасига бағоят содиқ эди. Турсуналига қўшиб уч кун қамаб қўйишганда ҳам хожасининг сирларини очмади. Суддан кейин эса хотини билан биргаликда чиқиб, Матлуба янгасига далда берган, «нима хизмат бўлса, тортинмай айтаверинг. Акам қайтгунларича сизга укаман», деган эди.

Матлубанинг унга буюрадиган хизмати йўқ эди. Шу боис кўчада рўпара келганида саломлашарди-ю, ортиқча гап айтмас эди. Шу сабабли янгасининг йўқлови Валижонни шошириб қўйди. Томорқадаги ишини йиғиштириб, қўл-бетини чала-ярим ювгач, хожасининг уйига шошилди. Ичкари кириб ҳол-аҳвол сўрашга улгурмай, янгасидан кутилмаган саволни эшитиб довдираб қолди.

— Аканг бойликларини қаерга яширган?

Бундай саволни терговчи қайта-қайта сўраган, ҳар сафар «билмайман» деган жавобни эшитавергач, ахийри тутақиб, уни роса дўппослаган эди. Энди эса, янгаси худди ўша терговчига ўхшаб сўраяпти. Ёлғон пўписа қиляптимикин деса, оҳанги анча жиддий.

— Сиз билмасангиз... мен билмайман, опа.

— Сен гўрни ҳам биласан, айт.

— Ахир опа, мен оддий бир шопур бўлсам...

— Сен шопур эмас, қўшмачисан! Акангга қўшиб сени ҳам қўшмазор қилиш керак эди.

— Унақа деманг, опа, болаларим бор.

— Сенда бор бола, бошқаларда йўқми? Ма, ўқи! Аммо бировга ғинг дея кўрма.

Матлуба шундай деб хатни узатди. Валижон ўқиб чиққач, «мен нима қилай?!» деган савол назари билан қаради.

— Мен ҳар ойда бунча пулни қаердан оламан? Сен қўшмачи ҳамма балони биласан. Аканг топганининг юздан бирини уйга олиб келарди. Қолгани қаерда? Ё топасан, ё болаларингни гаровга қўйдираман. Қамоқдан битта каллакесар келган. Унга сени рўпара қиламану ҳолингни кўриб турарераман.

— Худо хайрингизни берсин, яхон опа! Ундай қилманг, опажон! Менда нима гуноҳ? Тўғри, маишатларини билардим. Аммо пулга кўзим тушмаган сира. Алдаётган бўлсам — Худо урсин! — Валижон шундай деб йиғламсирай бошлади.

— Пиқиллама, эркак ҳам йиғлайдими? Менга анави бузуқнинг қаердалигини айт ҳозир.

— Қайси... бузуқ?

— Ўзингни гўлликка солма! Жувонмарг Нафисани айтяпман!

— У шаҳарда яшайди-да.

— Шаҳардалигини биламан. Қайси кўчада, қайси уйда? Тирик бўлса уйини айт, ўлган бўлса гўрини айт.

— Кўчасининг номини билмайман, опа. Метронинг охирига етгандан кейин озгина юрилса меҳмонхона келади. Кейин ўнгга. Тўрт қаватли иморат.

— Мени бошлаб борасан ўша ишратхонага.

— Хўп, опажон, эртага, ишдан сўраб келаман.

— Ҳозир жўнаймиз.

— Ие, ахир...

— Сенга «ҳозир жўнаймиз», дедим. Бор, ярим соатда тайёр бўлиб чиқ.

Валижонни чақиртиришидан асл мақсади ҳам шу эди. «Акангнинг бойлиги қаерда?» деб сўроққа тутиши йигитни эгиб олиш учунгина эди. Шундай қилмаса, у ё Нафисанинг турар жойини яширарди, ё олиб бориб кўрсатишни пайсалга соларди. Ёки «акасининг севимли ёш хотинини» огоҳлантириб қўйиши ҳам мумкин эди. Шу-

ларни назарда тутиб, Матлуба у билан ўзига хос бўлмаган дағал оҳангда гаплашди. Янгасидан бундай муомалани кутмаган Валижон чиндан ҳам қўрқди. Айниқса, «болаларингни гаровга қўйдираман», деган гапига ишониб, эси тескари бўлиб кетай деди. Йиғиси ҳам ёлғон эмас, рост эди. Бир томонда қама-қама авжига чиққан, яна бир томонда машина ўғирлаш тиш ковагини ковлашдай осон бўлиб қолган, одамлар эса, тўппа-тўсатдан йўқолаётган замонда оддий пўписа ҳам ҳақиқат кўринишини олади. У хожасининг баъзи сирларини билади. Бироқ пул борйўқлиги, яширилган-яширилмаганидан бехабар эди. Билганида ҳозирги пўписадан сўнг шарт айтворарди. Тўғри, у калтафаҳм эмас, хожасининг айрим ҳаракатларидан бир нарсани сезгандай бўларди. Айниқса, қама-қамалар довули бошланган, бироқ уларнинг вилоятларига етмай турибоқ, хожаси ғимирлаб қолган эди. Уч-тўрт марта заргарлик дўконларига кириб чиққанида «ўйнашларга совға-салом оляптилар, акагинам», деб ўйлаган эди. Идорада ўтирган «акагинаси»нинг қўлларига кишан солиб олиб чиқишгандан сўнг совға-салом олинмагани, қоғоз пуллар тиллага айлантирилганини англаб етди.

КУНДОШЛАР

Дунё ҳам ажойиботларга бой. «Яхши бузоқ икки онани эмади», деганларидек, айрим мамлакатларнинг бир эмас, иккита раҳбари бўлади. Бирини «қонуний президент», дейдилар. Ҳалолми, ғирром йўл биланми — ҳар ҳолда сайланади. Бу раҳбарни ёқтирмаганлар ўзларини «мухолифот», деб эълон қиладилару биронта хориж юртга бориб, ўзларига ёққан одамни «муваққат тахтга» ўтқазадилар. Бу энди «норасмий президент» бўлади. Бу ҳолат кичикроқ доирага келтирилса, яъни оила деб аталмиш ўзига хос «мамлакат»га қиёсланса, кундошларни эслатади. Шунга кўра, Матлуба «қонуний президент» дейилса, Нафисани «норасмий бошлиқ» деб аташ мумкин бўлар? Баъзан холис бир куч уларни муросага келтиришга ури-

нади. Ўртада тахт масаласи турганда уларнинг муросага келмоқлари ит ила мушукнинг иттифоқини эслатади, холос.

Матлуба билан Нафиса орасида тахт муаммоси йўқ. Бироқ, орада тахтдан ҳам муҳимроқ масала, талашса арзигулик нарса бор. Одамга нисбатан «нарса» сўзини ишлатиш ноўрин, лекин икки аёл — бири «қонуний», иккинчиси «норасмий» хотин бир эркакни худди «нарса» каби талашадилар. Агар холис бир куч — жаллод ўртага чиқиб, «унга ҳам бўлмасин, сенга ҳам бўлмасин, калласини узиб ташлай қолай», деса, иккала хотиннинг бу таклифга кўниши аниқ. Эр ўлса-ўлиб кетаверсин, бирови эгалик қилиб олмаса, бас. Эр бировнинг тўшагидан кўра лаҳадда ётса минг карра аъло! «Майли, шу эрим кундошимга бўла қолсин», дейдиган хотин топилгудек бўлса, дунёдаги қаҳрамон аёллардан бири бўлади. Шоирлар унга бағишлаб қасидалар ёзадилар. Бунақа хотин шоир зотига ҳам ёқади-да...

Матлуба «холис куч» — Валижон ҳамроҳлигида кундоши билан иттифоқ тузиш учун эмас, юзма-юз «жанг»га кириш учун борар эди. Вилоят марказига етганларида бошкентга борувчи сўнгги автобус ҳам жўнаб кетган экан. Ортга қайтишни маъқул кўрмай, чиқим сал кўпроқ бўлса ҳам, йўловчи машинага ўтирдилар. Йўл-йўлакай чурқ этмасдан кетдилар. Иккови ҳам гаплашадиган аҳволда эмас эди. Матлубанинг хаёли бўлажак «олишув» режалари билан банд эди. Валижон эса кутилмаган бу офатдан қутулиш чораларини изларди.

Нафисанинг уйига етиб боришганда шаҳар қоронғулик чодирида ором олишга ҳозир эди. Тўрт қаватли бино яқинида тўхтаган Валижон:

— Ухлаб қолишмаганмикин? — деб Матлубага юзланди.

— Ухласа ухлар, ўлиб қолишмагандир? — деди Матлуба зарда билан.

Валижон «гапим ёқмади шекилли», деб ўйлади. Аслида эса, Матлуба бўлажак учрашувни ўйлаб, асабийла-

шиб турган эди. Валижон бу саволи билан қизиб, чўққа айланган темир устига сув сачратгандек бўлди.

Эшикни Нафисанинг эри Самандар очди. Матлубани кўриб, аввалига ажабланди. Бир неча сониялик тараддуддан сўнг эса, орзиқиб кутган меҳмонига етишган бахтиёр мезбон қиёфасига кириб, жилмайди.

— О, Матлубахоним! Саломлар, саломларим бўлсин! Қаранг, ниятнинг холислигини, бугун ўйлаб турувдим. Аслида бизлар одам эмас, бемеҳр динозаврлармиз. Сизни би-ир йўқлаб қўйишга арзимадик. Лекин сиз ҳамиша биз билан биргасиз.

Матлуба қошу-киприкларигача малла бўлган Самандарнинг гапларига эътибор бермай, белига боғлаб олган гулдор пешбандга ажабланиб қараб олди. Самандар бу қарашнинг маъносини англаб, хижолатлик билан изоҳ берди:

— Ошхонада... озгина хизмат бор экан.

— Хотинингиз... йўқми уйда? — деди Матлуба, ичкарига ўғринча назар ташлаб.

— Бор. Уйда... Ие, нега остонада турибсизлар? Қани, Матлубахоним, ичкарига марҳамат, — Самандар шундай дегач, орқасига чекиниб, йўл бўшатди-да, бошини буриб, хотинини чақирди:

— Нафис, жоним, бу ёққа қаранг. Азиз меҳмонлар келишди.

Матлуба даҳлизга ўтиб, пойафзалини ечишга шошилмади. Довдираган Валижон эса, киришни ҳам, орқасига қайтиб кетишни ҳам билмай остона ортида тураверди. У вазифасини адо этиб бўлган эди. Аммо «болаларини гаровга қўйишга» қодир бу хотиндан ижозатсиз кета олмасди.

Эрининг ҳаяжонли овозини эшитган Нафиса ҳаялламади. Ичкари хонага олиб кирувчи эшикни очди-ю, даҳлизда турган кундошини кўриб тошдек қотди. Улар уйдаги ўша шармандали тўқнашувдан сўнг юзма-юз учрашишмаган эди. Нафиса ўйнаши қамалганидан сўнг кундоши билан бу ҳолда, ўз уйида учрашиши мумкинлиги-

ни ўйлаб ҳам кўрмаган эди. «Нимага келди экан, бу хотин», деган саволга жавоб излаб, остонада шумшайиб турган Валижонга қараб олди. Валижон бу қарашнинг маъносини уқиб «Худо урсин, билмайман», дегандай елка қисди.

Матлуба уларнинг бу ишораларини сезиб, кундошидан кўз узмаган ҳолда:

— Вали, сен кетавер, — деди.

Бу ижозат Валижоннинг юзига урилган тарсакидай бўлди. Оҳ, шу пайтда хожасининг қадри ўтди-я! Хожаси бунақа пайтда ҳотамтой бўлиб, ичкарига олиб кирарди, қорнини тўйғизарди-да, «фалон пайтгача бўшсан», дерди. Ана шунда Валижон ҳам айшини суриб оларди. Хўжайиннинг ўйнашидай бўлмаса-да, унинг ҳам ўзига ярашуқли эркалагувчилари бор эди... Э, у доруломон замонлар беқарор шамолдайин ўтди-ю кетди. Энди хўжайин қамоқда, у эса, остонада эгасиз қолган итдай шумшайиб турибди.

«Кетавер», дейди. «Бу бегона шаҳарда қоронғуда қайга ҳам боради», деймайди» – Валижон шу аламли фикр билан бурилганда «норасмий янгаси» жонига аро кирди:

— Валижон ака, киринг, овқат тайёр-а...

— Вали, боравер, болаларинг кутиб қолди.

Аввалгиси таклиф эди, буниси эса буйруқ. Буйруқдан эса қўрққулик. Валижон турган ерида «норасмий янгаси»га енгил таъзим қилди-да, орқасига ўгирилди.

— Валижон ака, киринг...

Кириш у ёқда турсин, энди тўхтаса, орқасига ўгирилса, балога қолиши тайин, шу сабабли таклифни эшитмагандай зинапоя томон шошилди.

Самандар буларнинг кундош эканини билса-да, дардини ичига ютиб, ўзини гўё ҳеч нимадан хабари йўқ одамдай кўрсатишга интиларди. Ошнасининг марҳамат қилиб, ўз ўйнашига уйлантириб қўйганини тўйдан кейин фаҳмлаган, ўшанда Нафисани ташлаб кетай ҳам деган, аммо «Энди менга ким ҳам тегарди», деб тақдирга тан берган

эди. Айниқса, бу уйнинг инъом этилиши унинг кўп муаммоларини ҳал этган эди. У илмий сафарларда кўп бўларди. Баъзан икки-уч ҳафталаб қолиб кетарди. Уйда йўқлигида ошнасининг серқатнов бўлишини сезиб бир қайнарди-ю, сўнг совурди.

Ҳозир Матлубанинг ташрифи замирида нохушлик ётганини сезди. Кундошларнинг бир-бирларига тикилиб қолишганини вулқон арафасидаги сукунат деб билиб, портлаш юз бермасидан ўзини четга олишни маъқул кўрди. Қайси эркак икки хотиннинг (айниқса кундошларнинг) орасига тушиб, барака топибди-ки, Самандар топсин? Бир куни юраги сиқилиб кетган Нафиса «Сиз илмдан бошқа нарсани ҳам биласизми?» деб зорланганида Самандар «Мен ҳаётни ҳам биламан», деб жавоб қайтарган эди. Мана, айни дамда ўзи билган ҳаёт қоидасига амал қилиб, сузишмоққа шайланаётган икки кундошдан нари бўлишни истади:

— Ҳа, Нафис, сиз меҳмонга қаранг, мен ишларимни тугата қолай, — деб ошхонага кирди.

Шу онда Нафисанинг ортида отаси кўринди. Мана шуниси Матлуба учун кутилмаган, айни чоғда нохуш ҳол бўлди. Асли исми Тошболта бўлган бу одам совхоз директорига ошпазлик қилгани учун кўпчилик уни «Ошболта» дер эди. Матлуба эса «фоҳишахона ити» деб ундан нафратланарди. Айниқса, бу беномус отанинг қизи номусини ҳам хожасига инъом этганини билгач, Матлуба у билан саломлашмай ҳам қўйган эди.

— Ҳа, ким келибди? — деди Тошболта менсимаган бир оҳанг билан. Сўнг эса пичинг қилди: — Ие, азиз меҳмонми? Ҳа, келинг, келин пошша?

Унинг «ҳа, келинг...» дегани замирида «Нега келдинг, кет!» деган маънони уқиб, Матлуба ичида «Турқинг қурсин сенинг!» деб қарғади.

— Ҳа, гапир, иш-пиш билан келдингми ё эрингни қидириб келдингми? Эринг йўқ бу ерда. У ҳов... Сибирда айшини суриб юргандир.

— Дада! — Нафиса шундай деб отасига ўгирилди.

— Нима «дада!» — деб ўшқирди Тошболта. — Нима бор унга бу уйда? Гаплашиб ўзингни пастга урма. Уйга ҳам қўйма. Бу уй эридан қолган матоҳ эмас.

Матлуба бу уй остонасини босиб ўтиши билан «ҳужум»-га ташланишни режа қилиб, айтадиган гапларини йўл-йўлакай пишитиб олган эди. Матлубанинг хом хаёли бўйи-ча эшикни «итдан тарқаган Нафиса» очарди-ю уни кўриб қўрқиб кетарди, орқасига тисарилиб, титрай бошларди... Ана шунда Матлуба ҳужумга ўтарди. Юлмас эди-ю, аммо ундан баттар қиларди...

Ўйлаганлари амалга ошмади. Устига-устак «фоҳиша-хона ити» вовуллаб турибди.

— Эримнинг... — Матлуба «эримнинг» деган сўзга урғу бермоқчи эди, аммо овози титраб чиқиб сўзини ямлаб юборди. Овози титрагани учун ўзидан ўзи нафратланди. «Бу махлуқлар олдида паст кетишим мутлақо мумкин-мас», деб ўзига далда берди. Бир неча нафас сукут қилиб, сўнг гапини қайтадан бошлади: — Эримнинг Сибирда эканликларини яхши биламан. Лекин бу ерга итларини боғлаб кетганларини билмапман.

— Нима дединг, вой энағар!

— Дада! — Нафиса отасининг кўкрагидан енгил итар-ди, — Дада, ичкари киринг, аралашманг.

— Сен!.. — Тошболта унга ҳам икки оғиз «ширин» гапларидан айтмоқчи эди, қизининг кўзларига кўзи ту-шиб, шаштидан қайтди.

— Бу сафар сиз «хўп» денг...

— Яхши, аммо, гапни калта қил. Сен унинг эрини билмайсан, танимайсан... Ҳеч қанақа қоғозига қўл қўйма, — шундай деб изига қайтгач, Нафиса эшикни ёпди.

Матлуба ўша шармандали кунда, ғазаб оловида ёна-ётган дамда унга тузукроқ қарамаган ҳам эди. Ҳозир ўғринча эмас, дабдурустдан тикилиб қаради. Хушбичим, хушрўй эканини тан олгиси келмади. «Эрим бекорга ила-кишмаган экан, менга «ёшингга ярашадиган қилиқ қил», деб бежиз айтмаган экан. Бу ишва қилиб турганда мен ёқармидим», деган фикрни хаёлидан қувди.

Нафиса «майли, тўйганича қараб олсин», деб индамади. Охири сабри чидамади:

— Келинг, опа…

— Опа? — Матлуба заҳарли илжайди. — Мен қачондан бери сенга опа бўлиб қолдим? Мен сендақа сингилни биласанми, нима қиламан?

Нафиса қайдан билсин буни. Тўғриси айтилса, Матлубанинг ўзи ҳам билмайди. Ҳозир Нафиса «хўш, нима қилардингиз?» деб сўраса довдираши тайин эди.

— Синглингиз эмасман. Ёшингизни ҳурмат қилиб айтувдим. Бошқа демайман. Менга бир нима демоқчимисиз?

— «Бир нима демоқчимисиз?..» — Матлуба кундошига ўтли нигоҳини қададди. — Сен менга қайси хушторингни юбординг?

— Нима деяпсиз? — Нафиса ажабланиб, кафтини юзига босди.

— Эримни канадек сўрганларинг етмагандай, энди менга ёпишмоқчимисанлар?

— Тушунмаяпман, нимага унақа деяпсиз?

— Сен ўзингни меровликка солма. Билиб қўй, ўша хушторингни ҳам, ўзингни ҳам ўлдиртириб юбораман!

Бу гапдан кейин ошхона эшиги қия очилиб, Самандарнинг боши кўринди:

— Қизлар, нима гап, тинчликми?

— Эшикни ёпинг! — деди Нафиса зарда билан. Амри шу заҳоти бажарилгач, Матлубага қаради. Энди унинг кўзларида ҳам ғазаб учқунлари кўринди. — Қўлингиздан келса ўлдиринг, лекин менга туҳмат қилманг.

— Туҳматми? Мана бу ҳам туҳматми? — Матлуба шундай деб сумкачасидан хатни чиқариб узатди. Нафиса хатни ўқиётганида ундан кўзини узмади.

— Бу… Турсунали акамнинг хатлари-ку? — деди Нафиса ажабланиб. — Сизга ким берди?

— Хушторинг.

— Туҳмат қилманг, дедим сизга! Худо урсин, бу хатни энди кўриб турибман.

Матлуба «рост айтяптими ё тоняптими?» деган фикрда унга тикилиб қолди. Мўлжалидаги «ҳужум» кучи заиф бўлди. Натижаси эса, ундан-да заиф бўладиганга ўхшаб турибди.

Нафиса ўйлаб бир тўхтамга келиши учун кундошига шароит яратиб берди. Ичкаридан эса Тошболта ёлғон йўтали билан қизини шоширди. «Дадам ҳам баъзида ошириб юборадилар-да», деб ғижинди Нафиса, Матлуба ҳам йўталнинг маъносини тушунди. «Ҳе, ўпкагинангга қурт тушсин, илойим шу йўтал олиб кетсин-а...» деб қарғади.

— Агар ишонмасангиз, — деди Нафиса кундошига тик қараб, — турмага бориб келамиз. Ўзларидан сўраймиз.

— Нима? — Матлуба бунақанги таклифни сира кутмаган эди.

— Сибирга бирга бориб келамиз! — Нафиса шундай деб таклифига аниқлик киритгач, ошхона эшигини очди. — Самандар ака, Иркутскка иккита билет олиб келасиз.

— Ҳозирми? — деди Самандар ажабланиб.

— Эртага... эрталаб. Бориш-келишга оласиз. У ёқда сарсон бўлиб юрмайлик.

— Тўхта, — деди Матлуба. — Сенга «Сибирга бораман» дедимми? Менга қара, сен эримнинг Иркутскда эканини қаердан биласан? — Матлуба саволни Нафисага бериб, «кўриб қўй, хотинингни» дегандай Самандарга қаради.

Нафисани бу савол довдиратмади:

— Одамлардан эшитдим, — деди хотиржам равишда.

— Одамлар қаердан эшитишибди? Радиодан айтибдими? Ё газетда чиқибдими?

— Энди майдалашмай қўяқолинг. Аввал манавини ҳал этайлик, — Нафиса шундай деб хатни эрига узатди. — Ўқинг, ўртоғингиздан.

Самандар хатни ўқиб, бошини қашиди. Малла киприклари пирпиради.

— Матлубахоним... Мен билмадим-у, аммо Нафисдан бекор гумонсираяпсиз. Хоҳласангиз Турсуналининг ол-

дига ўзим бориб келаман. Агар янглишмасам, бу хатни ўз хоҳиши билан ёзмаган. Аниқлаш керак. Турмаларда ҳар хил воқеалар бўлиб туради.

— Аниқладингиз нимаю, аниқламадингиз нима?

— Қанчадан тўлаш керак экан?

Матлуба айтди.

— Ҳар ойдами? — деди Самандар ажабланиб. — Бу бутун бир капитал-ку? Биласизми, Матлубахоним, бундай қиламиз: биринчи взносни биз берамиз.

— Йўқ!

— Рад этишга шошилманг. Ахир Турсунали менга бегона эмас. Биз ака-укадаймиз, ахир.

«Ака-укадаймисан, ё кундошмисан?» деб ўйлади Матлуба. Бу ерда ортиқ тўхтагиси келмади. Буларга учрашгани учун ўзидан ўзи нафратланди. Худди тиланиб келгандай ҳис қилиб, ўзини ўзи юлиб ташлашни истади. Шарт бурилиб, эшик тутқичига қўл юборганида Самандар уни елкасидан ушлаб тўхтатди.

— Бундай қилишга ҳаққингиз йўқ. Менда пул бор. Бу йил барибир курортга бормаймиз. Ишдан менга ижозат йўқ. Ундан ташқари биз пулдан сира қийналмаймиз. Дўстим учун мен ҳам нимадир қилишим керак.

— Сиз дўстингиз учун жуда кўп иш қилиб қўйгансиз, хайр, — деди Матлуба эшикни очиб. Сўнг остона ҳатлаб, орқасига ўгирилди: — Билиб қўйинг: мен тиланчи эмасман. Эримни ҳам, номусимни ҳам ўзим ҳимоя қила оламан.

Матлуба шундай деб эшикни ёпди-да, тез-тез юриб зинапоядан туша бошлади. Самандар ҳам, Нафиса ҳам унинг ортидан юрмадилар. Самандар «Эрини ҳимоя қилиши тушунарли, аммо номусни нима учун аралаштиради?» деган хаёл билан хотинига қаради. Номус масаласи бекорга эсланмаганини тушунган Нафиса эридан кўзини олиб қочиб, «йўтали босилиб қолган» отаси ҳузурига юрди.

ЎЛИМНИНГ БАҲОСИ

Матлуба зинапоялардан тушиб, ташқарига чиққунича худди нажасхонадан ўтаётгандек нафаси қайтди. То сўнгги зинапояни босгунича ҳар ташлаган қадамида ўзини лаънатлади. Дастлабки сонияларда бу ерга келиб хато қилганини англаб, пушаймон эди. Унинг ўзига бўлган нафрати бу пушаймондан туғилмади. Кўнгилга таскин бера олгувчи «олишув» бўлмагани, улардан баланд келиш у ёқда турсин, ҳатто теппа-тенг гаплашишга журъати етмагани, энг муҳими — бу хонадондан бесамар кетаётгани унинг ғазабини қўзғатган эди. Баъзан одам аччиқланса, ғазаб тошларини бировга отиб хуморидан чиқади. Ҳозирги ҳолатда эса Матлуба ғазаб тошларини фақат ўзигагина ота оларди.

Алҳол, Матлубани дардга солган яна бир сабаб бор: Матлуба кундошининг яйраб-яшаётганини англаб, аввал ичи куйди, сўнг рашк қилди. Йўқ, эрига нисбатан эмас, ўша қошу киприкларигача малла Самандарга рашк қилди. Эри дўстини «зўр олим, фақат Масков билан гаплашади», — деган эди. Ана шундай зўр одамни бир бузуқнинг қулига айланишига Матлуба тоқат қила олмади. «Бу итдан тарқаган ғаркўзга эр ҳайф. Нима қилиб бўлса ҳам ажратиб юбораман. Юрсин менга ўхшаб бева бўлиб...» Матлуба хаёлидан ярқ этиб ўтган бу фикрни чуқурлаштирмади. Ҳатто қандай қилиб ажратиб юборишини ўйламади ҳам. Буни кейинроқ мулоҳаза қилади. «Самандарга бориб ҳаммасини айтаман. Қиз олмаганини билиб қўйсин...» деб қарор қилади-ю, аммо аҳдини амалга оширишни галга солаверади. Бу галга солиши ҳам бесабаб эмас. Аввалига ажратиб юборишни ўйлаган бўлса, кейинчалик «Жувонмарг Нафиса бу дунёда яшамаслиги керак», деган фикрга кўпроқ ёпишиб олади.

Бу ўй-қарорлар кейинроқ туғилади. Ҳозир эса...

Матлуба беш-ўн қадам юргач, болалар ўйнайдиган майдонча қаршисида тўхтади. «Тепадан кузатишаётгандир», деган фикрда ўгирилиб, уларнинг деразаларига

қаради. Ўнлаб деразалардан қайси бири уларники эканини аниқ билмасди. Унинг мўлжалидаги биронта дераза ортида ҳам шарпа сезилмади.

«Эр жонивор идиш-товоқ юваётгандир. Анави бузуқ эса, отасига ҳисоб бераётгандир. Ҳамма гапларни эшитиб турди у ит! Яна йўталади-я! Ҳе, ўпкаларинг ириб кетсин сенинг!»

Матлуба ноаниқ деразага шу қарғиш тошини отгач, сал ҳовури босилгандай бўлди.

Нимқоронғи муюлишда тўхтаб турган одамнинг ўзи томон юра бошлаганини кўриб, чўчиди. Юрагига қўрқув оралаб, тисланган маҳалида таниш овозни эшитди:

— Опа, бу менман.

— Вали? Нима қилиб турувдинг?

— Кечқурун ёлғиз юрманг, дедим. Ҳар ҳолда бу ерда ётиб қолмасангиз керак, деб ўйладим.

Матлубага Валижоннинг бу иши маъқул бўлди. Аммо сир бой бермаслик учун:

— Мени бўри ермиди? — деб тўнғиллаб қўйди.

Катта кўчага чиқишганда Валижон:

— Опа, мен бир мошин тўхтатайин. Адангизникига борасизми? — деб сўради.

— Йўқ, — деди Матлуба, — укамникига бораман. Сен ҳам юра қол, жойи бемалол.

— Раҳмат, опа, менинг борадиган ерим бор.

Матлуба «борадиган ери бўлмагани учун мени пойлаб тургандир», деб ўйлаган эди. Валижоннинг бу гапидан сўнг ўша фикри учун ўзи уялди.

— Юравер, сени танишади, — деди мулойимлик билан.

— Йўқ, опа, баҳонаи сабаб билан қариндошларни кўриб кетайин. Яна қачон тушаман бу шаҳарга...

Валижон Матлубани машинада кузатгач, ўзи темир йўл бекатига кетди. У Матлубага ёлғон сўзлади: шаҳарда унинг қариндошлари йўқ эди. Хожасининг даврида орттирган ўйнашлариникига боришнинг маъноси йўқ. У хотинлар «Валижон акагинам қачон бағримга келаркан-

лар?» деб кўз тикиб ўтирмайди. Аллақачон бошқа хушторлар топиб, маишатларини давом эттираётганлари аниқ.

Валижон ёмон бир ўйинга беихтиёр аралашиб қолаётганидан кўнгли хижил бўлиб, турли ўйлар чангалида тонг оттирди. Яхши кунлари тугаб, ташвишли даври яқинлашганидан дарак берувчи бу шаҳардан тезроқ қочгиси келди. Тонгда биринчи автобусга ўтириб уйига жўнади. Ҳалқа йўлдан узилгач, худди ташвишлари ортда қолгандай сал енгил тортди.

Матлуба эса, машинадан тушгач, укаси яшайдиган ҳовли дарвозасига яқинлашди-ю, аммо қўнғироқ тугмасини босишга шошилмади. Ҳозир у ҳеч ким билан кўришишни, гаплашишни истамаётган эди. Тўғри, укаси уни кўриб, «нега бемаҳалда келдинг?» демайди. Билъакс, қувонади. Ораларидаги фарқ бир ёш бўлгани сабабли улар Фотима-Ҳусан каби яқин, айтиш мумкинки, маълум маънода ҳатто сирдош ҳам эдилар. Ёшдаги фарқ оз бўлгани сабабли укаси уни «опа» ҳам демасди, сизламасди ҳам. Матлуба эрга текканидан сўнг «опа» деб сизлай бошлади. Бу Матлубага ҳам эриш туюлди. Укаси билан узоқлашиб кетгандай бўлди. Укасига ҳам шундай туюлиб, яна эски одатига қайтди.

Эрга текканидан сўнг ота-она ҳузурига келиб-кетиш унинг учун ўлим чиғириғидан ўтиш каби азоб эди. Отаси Матлубани эътиборли бир одамнинг ўғлига беришни мўлжал қилиб қўйган экан. Мўлжалнинг ўзигина бўлса кошки эди. Дўсти вакиллигида гўзал, оқила қизи борлигини маълум қилибди. У одам эса, қадрдонларидан бирида ўғлига мос қиз борлигидан «хабар топиб», совчи ҳам юборган эди. Бало булути ёпирилиб, бало ёмғирлари ана ўшандан сўнг ёға бошлади. Отасига қўшилиб онаси аввал ялинди, сўнг пўписа қилди. Пўписа қилишда акаси ҳаммадан ошиб тушди, гапира туриб, бир-икки марта дўппослашдан ҳам қайтмади. Онаси сўнгги чора — кўз ёшларини ишга солганида Матлуба чидай олмади. Онасига қўшилиб йиғлаб туриб, бир йигитни «жуда яхши кўришини» айтди. «Бўлмаган гап, — деди онаси, — яхши

кўрганингни эрга текканингдан кейин унутиб юборасан». «Унутолмайман, ойижон», деди йиғидан тўхтамай Матлуба. «Агар ўша яхши кўрганингга тегаман, десанг менинг ўлигимни ҳатлаб ўтиб чиқасан бу уйдан», деди онаси қатъий тарзда. «Ойижон, сизнинг бир томчи кўз ёшингиз учун ундан кечсам кечворар эдим, лекин... тўйнинг эртасига куёв томон мени изимга қайтариб юборса... иснодга чидай олмайсизлар...» Онаси беихтиёр «нега?» деб сўради-ю, нима воқеа содир бўлганини англаб, лабини тишлади, юзини юлди.

Матлуба тўғри айтганди — иснодга чидай олишмас эди. Бўлиб ўтган шармандали воқеадан хабар топишгач, дардларини ичларига ютмоқдан ўзга чора бўлмади. Агар бу уятдан одамлар хабар топишсами?! Худо кўрсатмасин!

Матлуба хоҳлагани — Турсуналига тегди. Унга дабдабали тўй насиб этмади. У аламли, азобли ҳаётни ўзига раво кўрди. Отаси эса, «озиқ-овқат савдоси бошқарма»сига раҳбарлик қилиш ниятига етолмади. Сир уч кишининг орасида қолди. Матлубанинг акаси, укаси унинг Турсуналига тегишини ўжарлигидан, деб баҳоладилар. Отаси Матлубани расман оқ қилмаган бўлса-да, гаплашмай қўйди. Саломларига ҳам алик олмади. Фақат дардга чалиниб, тилсиз, ҳаракатсиз қолганидан кейин қизига қараб бир нималар демоқчи бўлиб ғўдранарди, кўзлари ёшланарди.

Отасини иснод эмас, пул ғами йиқитди. Улардан икки уй нарида қиморбоз қўшнилари бўларди. Бир куни чиқиб «Қиморни ташламоқчиман. Аммо бу шаҳарда яшаб туриб ташлай олмайман. Самарқанддан жой топдим. Ота юртимга жўнайман, жой бегона бўлмасин. Сиз бизга кўп яхшилик қилгансиз. Уйимни сотиб олинг, сизга арзонроқ қилиб бераман», дебди. Отаси ҳам қизиқ, уйга муҳтожлиги йўқ эди. Катта ўғли ўзи билан қолиб, кичиги жой қилиб чиқиб кетган эди. Лекин нафс қурғур «арзонроқ олу у ер бу ерини тузатиб, икки баравар ортиққа пулла», деб қутқу қилаверганми, ҳар ҳолда маҳалладан уч-тўрт

одам чақирилди, савдо пишди. Пул тўланди. Қўшни икки ойдан сўнг кўчишга ижозат сўради. Орадан икки ой эмас, ярим йил ўтса ҳам у жойидан жилмади. Саккиз ойдан сўнг кўчиши лозимлиги эслатилганда у «нега кўчаман?» деб «ажабланди». Уйни сотганини айтишганда эса, «Қачон сотибман? Шундай уйни нимага сотаман?» деб яна «ажабланди». Гувоҳлар чақирилди. Бири «эслай олмади», бошқаси «бунақа гап бўлмагани»ни айтди. Гувоҳлар чиқиб кетишгач, отаси йиқилди, тилсиз, ҳаракатсиз бўлиб қолди. Орадан уч ой ўтар-ўтмас, онаси уйқусидан уйғонмади. Мўъмина аёл эди, омонатини ҳам осонгина топширди.

Оналар ҳеч маҳал фарзандларидан норози бўлиб кетмайдилар. Шундай бўлса ҳам Матлуба «онамдан розилик ололмадим», деб армонда қолди.

Онаси ўтганидан бери ота уйига боргиси келмайди. Акаси билан янгасини кўришга тобу тоқати йўқ. Акасини ўша урганлари учун сира-сира кечиролмайди. Ҳатто онасини беҳурмат қилганида ҳам хотинини чертмайдиган инсоннинг синглисини дўппослаши чиндан ҳам кечириш мумкин бўлган ҳол эмасди.

Жанозадан кейин қайси бир куни укаси ёлғон йиғисини авжга чиқараётган янгасига қараб туриб, «онам бояқиш ўлдилару бу дунёдаги дўзах азобидан қутулдилар», деган эди. Ёмон келиндан Яратганнинг ўзи асрамаса қийин экан. Қайин сингиллар турмушга чиқиб кетишар, қайин инилар кўчиб кетишар, ота билан она эса, бу дунё азобига дош бериб, яшашдан ўзга чоралари йўқ. Уларни бу азобдан фақат ўлимгина қутқаради.

Матлуба шаҳарга тушганида «отамникига борайми ё укамникигами?» деб иккиланиб ўтирмас эди. Тўғри, отасини бориб кўрарди, аммо у ерда узоқ ўтирмас эди. Янгасининг «қиз деган отага қараб ўтириши керак», деган фасод гапларига жавоб бермай изига қайтарди. Эрининг иши судда кўрилаётганда болаларини олиб укасиникига кўчиб келди, дейилса ҳам бўлади.

Матлуба укасининг дарвозаси қаршисида туриб, юраги увишиб кетди. Бир қарасанг атрофингда меҳрибон

одамлар кўп. Улар сенга яхшилик қилгиси келади-ю, аммо нима учундир қилмайди. Дардингга малҳам қўйгиси келади-ю, аммо нимагадир қўймайди. Сенга қўшилиб йиғлагиси келади-ю, аммо нимагадир йиғламайди. Бошинг узра бахт қуёши чарақлаб қолса, унинг нуридан сен билан бирга баҳра олишга шошилишади. Бу бахт қуёши юзини абри бало қоплагудай бўлса, пана-панага қочадилар. Ўша панада туриб, сенга бўлган садоқатларини изҳор этадилар. Матлуба эри қамалгунича буни билмас эди. Бало булути ҳамма ёқни зулматга ўрагани билан ҳаётни яхши-ёмонга ажратиб, одамнинг ғафлат уйқусидаги кўзини очар экан.

Шаҳарда қариндошлари кўп, танишлари ундан-да кўп. Аммо уларга бахти кулган Матлуба керак. Бир олам дард исканжасидаги бахти қаро Матлубани улар бошларига урадиларми? Уларни ҳам айблаш қийин, чунки дард масаласида уларнинг бошқалардан кам ери йўқ. Матлуба қайси бирлариникига ҳасратдош излаб борсин? Укаси... меҳрибон, аммо Матлуба айрим масалаларда унга ёрила олмайди.

Тўғри, шаҳарда биттаси бор... Лекин у ҳам ҳасратдош эмас. Аммо агар гапи рост бўлса, Матлуба учун жонини беришга тайёр одам. Дорулфунунга қабул имтиҳонлари пайтида ишқи тушиб, то Матлуба эрга теккунича тинч қўймади. Исми Рамзиддин бўлган бу йигитни ошиқлиги сабабли ҳамкурслар Ромео деб кулишарди. Бу исм унинг ўзига ҳам ёқиб, Матлубани бир-икки «Жульетта» деганида эшитадиган «ширин» гапларини эшитиб олган эди. Бу Ромео тушмагур мулоҳаза, одоб, муомала кўчаларидан ўтмаган соддагина йигит эди. Матлубага бўлган муҳаббатини ҳеч кимдан яширмас, муҳаббат яширин туйғулар меваси эканига фаҳми етмас эди. Май байрамида намойишга кетишаётганда, Қизил майдонга етмай, анча вақт тўхтаб қолишди. Шунда бу Ромео тушмагур дабдурустдан «шу йил имтиҳонлардан сўнг уйингга совчи юбораман, йўқ десанг уволимга қоласан», деди. Матлубанинг қитмирлиги тутиб, «чиндан яхши кўрасизми?» деб кул-

ди. Унга дугонаси қўшилиб «яхши кўрсангиз ҳозир ҳамманинг олдида исбот қилинг», деди. «Қандай исбот қилишим керак?» деди Ромео ажабланиб. «Матлубанинг қаршисида ҳозироқ тиз чўкинг!» деди дугонаси шаддодлик билан. «Тиз чўкайми?» деб сўради Ромео Матлубадан «йўқ» деган жавобни кутиб. «Нега Матлубадан сўрайсиз. Яхши кўрсангиз тиз чўкинг дарров! Америкаликлар шундай қилишаркан. Замонавий йигитлар Америкага эргашишлари керак», деди дугонаси бўш келмай. Ромео яна Матлубага қаради. Нажот бўлмагач, чўнтагидан танга пулларини олиб қизнинг оёқлари остига сочди-да, уларни териб олиш баҳонасида тиз чўкди. Унинг бу топқирлигидан қойил қолган қизлар кўчани бошларига кўтариб, шарақлаб кулиб юборишди. «Матлу, шундан бошқага тегсанг хор бўласан», деб ҳазиллашишди. Ўшанда фаришталар «омин» деган эканми, бошқага тегдию хор бўлди...

Ўша кезлари эса, Матлубанинг кўз олдидан Турсунали кетмас эди. Бошқа барча йигитлар унинг учун арзимас бир одамчалар эди.

Ромео билан турли тасодиф туфайли кейин ҳам учрашдилар. Ҳар гал учрашишганда у уйланмаганини, Матлубанинг эрдан чиқишини кутаётганини айтарди. «Совуқ нафас қилма, нега эрдан чиқарканман?» дерди Матлуба. «Сен у билан бахтли бўлолмайсан. Ё ажралишасан, ё сиқилиб ўлиб кетасан. Бошқа йўл йўқ сенга. Менинг ҳам битта йўлим бор — сени кутаман. Қариганингда бўлса ҳам сенга уйланаман. Уйланмагунимча ўлмайман», дерди у.

Турсунали қамалгач, яна учрашишди. Бу сафарги учрашув тасодифий бўлмади. Ромеонинг ўзи қишлоққа қидириб борди. Яна ўша гапни айтди. «Уни ўн беш йил кутмоқчимисан? Кутма», деди. «Аҳмоқ экансан,— деди Матлуба. — Бошқа келма, мен эрсираб қолмаганман». «Бошқа келмайман, ўзинг борасан», деди у ишонч билан. Сўнг ён дафтарчасининг бир варағига турар жойини ёзиб берди. Матлуба бу қоғозни ғижимлади-ю, аммо ташлаб юборолмади.

Ҳозир укасининг дарвозаси қаршисида шуни эслаб, бир энтикди. Бу ёмон хаёл домига тушмаслик учун қўнғироқ тугмасини босди. Эри қамалганидан бери дам ярим тунда, дам эрта саҳарда келиб юргани учун эшикни очган келини бу ташрифдан ажабланмади. «Келинг, опа», деб сўрашди.

— Сарвар уйдами? — деди Матлуба, остона ҳатлаб ичкари киргач.

— Уйдалар, футбол кўряптилар. Одатларини биласиз-ку, футбол деса ўзларини томдан ташлайдилар.

Сарвар чиқиб, опаси билан саломлашди-да, «чой-пой ичиб тур, ҳозир тамом бўлади», деб яна кириб кетмоқчи эди, хотини тўхтатди:

— Одамни иснодларга ўлдириб юборасиз-а, футбол ўлгурингизни бир марта кўрмасангиз нима қилибди?

Бу гапларни эшитиб, Сарвар қошларини чимирди:

— Яна бир марта «футбол ўлгур» десанг, жийдахалтангни қўлтиқлагину онангникига жўнаб қол.

— Ахир опам...

— Опам бўлса, ўзимнинг минг йиллик опам. Менсиз ярим соат чидаб ўтиришга қурби етади. Сен каллангни ишлат: бунақа ўйин тўрт йилда бир марта бўлади. Тўрт йил кутаман мен бунақа ўйинни.

— Менинг келин деган номим бор. Ҳар қанақасига ким ёмон — келин ёмон.

Матлуба эр-хотиннинг «олишуви»ни эшитиб, маъюс жилмайди.

— Сарвар, бор, киравер, футболингдан қолма.

Шу пайт ичкаридаги телевизордан мухлисларнинг ҳайқириғи эшитилди. Нимадир демоқчи бўлган Сарварнинг гапи оғзида қолиб, сапчиганича ичкари кирди.

— Назмихон, қўйинг, одатини биласиз-ку. Ўзининг тўйида футболдан кечмаган одам шу пайтда кечадими?

— Ҳе қурибгина кетсин, шу футболлари, — Назми шундай деб қайин эгачисини меҳмонхонага бошлади.

Бу хонадондаги эр-хотин ечиши мушкул бўлаётган асосий муаммо футбол масаласи эди. Сарвар бу ўйин-

нинг ашаддий мухлиси бўлса, Назми ашаддий душмани эди. «Футбол — санъат! Сочи узун, ақли калта одам бу ўйиннинг гаштини билмайди». «Футбол — йигирма иккита аҳмоқнинг битта тўп кетидан Али аканинг итидай ҳаллослаб югуриши». Эр-хотиннинг бу борадаги «фалсафаси» шундан иборат. Ўн йилнинг нари-берисида давом этаётган «илмий» баҳсда ҳали томонларнинг келишувидан дарак йўқ. Ҳозирги бу бир «чўқишиб» олиш ҳам Матлуба учун янгилик эмас. Ҳар сафар «қозилик» қилишга тўғри келса, келинга тўйларини эслатади. Бу эслатув Назмига ёқади. Аслида Назми бу воқеани сира унутмайди. Чунки бу унутадиган воқеа эмас. Бирон ҳажвчининг қулоғига чалинса ёзиб юбориши турган гап. Тасаввур қилинг: никоҳ базми авжида. Табрикларнинг бири-иккинчисига уланади. Ширакайф меҳмонлар келиннинг ярим соатдан бери ёлғиз ўтирганини сезишмайди. Аммо бунақа ҳолат аёлларнинг назаридан қочмайди. Табиийки, энг аввало келин пошша безовталанадилар. «Ҳозир келаман», деган куёв тўра қаёққа ғойиб бўлишлари мумкин? Янгаси биқинига аста туртиб, «Қани куёв?» деб сўрайди. Назми қаердан билсин?

Хотинларнинг шивир-шивири тавонхонагача етиб боради. «Опоқи, қудалар хавотирланишяпти, ўғлингиз бир соатдан бери йўқ эмишлар». «Ярим соат» тавонхонага «бир соат» бўлиб етиб борди. Бу гап хотинлар тили воситасида кўчага чиққудай бўлса, «икки соат»га етиши тайин. Ўғлининг қаердалигини она билмай, ким билсин? Тўғри, бу гапни эшитиб, аввалига юраги «шув» этиб кетди. Ҳар ҳолда дўстдан душман кўп. Онанинг зийрак фаҳми бу хавотирни дарров қувди. «Вой, шўргинам, бугун футболи бориди-я! Тўйни эртага кўчиринг, деганида қудалар кўнишмовди». Хуллас, Сарвар яна ўн беш дақиқадан сўнг «топилди». Ўша куни у умрида ягона зўр «жасорат» кўрсатди: футбол ўйинининг фақат иккинчи бўлимини кўрди. Биринчи бўлимини эса «умрида бир марта бўладиган тантана» — тўй учун қурбон қилди. Табиийки, Назми бундан ўша пайтда бехабар эди.

Куёв тўра хушнуд ҳолда жойларини эгаллаганларида келин пошша аразлагандай бир чимирилиб қўйдилар-у, тергамадилар, турмушнинг дастлабки дақиқаларидаёқ тергашни ўзларига эп кўрмадилар. Бу ҳам ўзига хос бир жасорат бўлдики, зикр этилмоғи албатта, ўринлидир. Ўйин кўнгилдагидай тугагани учун куёв тўранинг кайфиятлари яхши эди. Бармоқларининг учи билан келин пошшанинг юмшоқ жойларини ўтринча силаб, қулоқларига шивирладилар:

— Сизга битта шеър айтиб, берайми?

Келин пошша ажабланиб, «шеър ёзгани кетган эдингизми?» деган савол назари билан қараб қўйдилару бош ирғаб, шеърни ўқимоққа ижозат бердилар.

Куёв тўра яна қулоққа шивирладилар:

— Экин экадиғон еринг бўламан, бугундан бошлаб эринг бўламан.

Келин пошша «пиқ» этиб кулиб қўйдилар. Бу кулги куёв тўранинг гуноҳлари кечирилганига бир ишорат эди. Қадаҳ кўтариб табрик сўзи айтаётган меҳмон гўё куёв тўранинг ҳозиргинада шеър айтганларини сезгандай «мушоира»ни давом эттирди:

«Сарварбек! — деб хитоб қилди у. — Тўй тўйлашиб келдик элингизга, Худо қувват берсин белингизга!» Тўйхонани қийқириқ босиб, хотинларнинг фаразларга бой «шивир-шивири»га якун ясалди. Мана шу қисқа вақт давомида Сарвар хотинлар тили билан ясалган миш-миш «учар гилами»да «яхши кўрган қизи билан учрашиб қайтишга» улгурди.

Назми ҳар сафар шу воқеани эслаганида бир энтикиб қўяди. Ҳозирги энтикиш эрига бўлган аразни нари сурди. Қайин эгачисига меҳрибонлик кўрсатиб, Матлубанинг қаршилигига қарамай, дастурхон тузади. Чой дамлаб келгач, қўни-қўшнилар, қавму қариндошлар ҳаётидан қисқа-қисқа ахборот берди. Матлуба келинининг бу одатини ҳам яхши кўради, ҳам ранжийди. Яхши кўрганининг боиси — Назми билан беш дақиқа бирга бўлса бас, барча янгиликлардан хабардор бўлади. Ранжиганининг боиси —

унинг ташрифи ҳақидаги маълумот ҳам эртасигаёқ «хотинлар телеграфи» орқали тарқайди. Турсунали қамалганидан бери бу «телеграф» тўла қувват билан ишлайди. Матлуба баъзан «гап шу ерда қолсин», деб келинига қаттиқ тайинлайди. Келиннинг «оғзи маҳкам», Матлуба кетгунига қадар бу гап остона ҳатламайди. Матлуба тушган автобус шаҳарни тарк этмай, сир сақланмоғи лозим бўлган янгилик озгина қўшилган, безалган ҳолда «хотинлар телеграфи»га уланади.

Назми маҳалла янгилигини тугатиб, қариндошларга ўтганида Матлуба унинг гапини бўлди:

— Вазирликка ҳисобот олиб тушган эдим. Қоғоз ўлгур бирам кўп. Битта-битта текшириб олгунича кеч бўлиб кетди.

Матлуба бу гапни «хотинлар телеграфи» учун атай айтди. «Ҳисобот оладиган қўнғиз мўйлов опамга бир-икки илмоқ ташлаш учун атай кечгача олиб ўтирибди», деган қўшимчадан, шубҳасиз, Матлуба бехабар қолади.

Футбол тугаб, Сарвар чиқиб келди.

— Вой опа, қаранг, бир қаранг, — деди Назми, — шохлари чиқибди!

— Боя нима дединг? — деди Сарвар унинг пичингини тушунмагандай, — «Одамни исподларга қолдирасиз» дедингми? Мен футболни кўрмай шу гапингни ўйлаб ўтирдим.

— Гапимга нима бўпти?

— Қизиқ-да. Одам исподга қолса, сенга нима?

— Вой, савил, опа, укангизнинг гапларини эшитяпсизми? Мен одам эмас эмишман...

— Мен унақа демадим, — Сарвар шундай деб чой хўплади, — чойни янгила, совибди.

Назми опа-укага бир-бир қараб чимирилди-да, жаҳл билан ўрнидан туриб, ташқарига чиқди.

— Баъзан жуда ошириб юборасан-да. Чой иссиқ эдику? — деди Матлуба укасига норози қиёфада боқиб.

— Шунақа демасам, вайсаб ўтираверади. Ҳа, нима бўлди, тинчликми?

— Вазирликка ҳисобот олиб тушувдим...

— Бўладиган гапни гапирсанг-чи.

Матлуба укасидан сир сақламас эди. Аммо бўлиб ўтган гапларни ҳозир айтгиси келмади. Эрининг ўйнаши олдида, ўзи «шалтоқ, исқирт», деб ҳисоблаган бир аёл қаршисида паст кетгани, аниқроқ айтилса, мағлуб бўлганини тан олгиси келмади. Шу сабабли «бўладиган гапинг нимаси», деб укасидан нигоҳини олиб қочди. Зийрак Сарварга шунинг ўзи кифоя қилди.

— Бўлди, тўк дардингни, яна ёрилиб кетмагин, — деди у опасига тикилиб.

Матлуба бу қарашга бардош бера олмади. Бир соат аввалги воқеа, мағлубиятдан тошган дарду алам дарёси кўзларидан ёш бўлиб қуйила бошлади.

— Ёриласан, дедим-ку! Айт, нима бўлди?

Матлуба рўмолчаси билан бурнини чимдиб қўйиб, «ҳеч нарса» деди-да, сумкачасидан эрининг хатини олиб, узатди.

Сарвар хатни ўқиб, бир оз ўйланди. Сўнг «хато ўқимадимми» дегандай сатрларга яна кўз югуртирди.

— Ҳа... тушибдилар, акагинам... — деди ўзига ўзи гапиргандай.

— Нимага тушади?

— Ўғриларнинг қўлига тушибди эринг.

— Қанақа ўғрилар? — Матлуба бу янгиликдан ажабланиб, йиғини ҳам унутди.

— Қанақа бўларди, оддий совет ўғрилари, — деб пичинг қилди Сарвар. Сўнг жиддийлашди: — Уларга солиқ тўланмаса эрсиз қоласан.

— Сен буни қаердан биласан?

— Биламан-да.

— Йўқ, айт, қаердан биласан?

— Мен билан бирга ўқиган Ҳабиб эсингдами? «Золотой» дердик. Ўнинчида ўқиётганида қамалиб кетувди. Эсингда йўқми? Хўп, унда эсинг Турсунали аканг билан банд эди. Хуллас, шу бола икки марта ўтириб чиққан. Салкам «вор в законе».

— Бу нима дегани?

— Ўғриларнинг зўри, дегани. Ўша гапириб беради менга бунақа гапларни.

— Учрашиб турасанми? Ўғри билан-а?

— Ўғри бўлса, кўчада ўғри. Уйда менинг ошнам.

— Бу хатни унга кўрсатайлик.

— Фойдаси йўқ.

— Нега?

— Таниш-билишлик, илтимос деган нарса бизларда бўлади. Ўғриларда бунақаси йўқ. Эрингни шунга ҳукм қилишибдими — тамом. Давлатнинг хазинасига ўхшаб, уларнинг ҳам хазинаси бўлади. Томиб турмаса, қурийди бу хазина. Улар эса хазиналарининг қуришига сира йўл қўйишмайди.

— Хазинасига ўт кетсин!

— Қарғама. Уларнинг иши тўғри. Улар дуч келган одамни туширишмайди. Поччагинамга ўхшаган ғирромларни ўмаришади. Ўзинг ўйлаб кўр, ишчидан ё деҳқондан нимани ўмаришади?

— Поччангдан ҳеч нима қолмади. У уйга ташимас эди.

— Бу билан уларнинг ишлари йўқ.

— Мен қаёқдан топаман шунча пулни?! — Матлубанинг титроқ овози бир неча парда кўтарилди. Ошхонада ивирсиб юрган, қўли ишда, қулоғи эса меҳмонхонада бўлган Назми ҳам бу овозни эшитди.

— Эр керак бўлса, топасан, — деди Сарвар хотиржам тарзда.

— Бермасам ўлдиришадими?

— Билмайман. Агар шунақа шарт қўйилган бўлса — ўлдиришади.

— Болаларимга-чи? Тегишмайдими?

— Билмайман... Агар болаларни гаровга қўйган бўлса...

— Нега гаровга қўяркан? Болаларда нима ҳаққи бор унинг?! Вой Худойим, қаёқданам шу ҳайвонга тегдим!

— Бўлди, ғингшима. Энди ҳайит ўтган, хинани хоҳлаган жойингга қўясан.

«Хотинлар телеграфи» учун қизиқ маълумот бера олувчи гапга шошган Назми кириб келиб, икковлари ҳам жим қолишди.

— Болаларнинг ўқишига қаттиқ турганинг яхши,— деди Сарвар гапни буриб. Матлуба аввалига укасининг муддаосини тушунмай ажабланди. Сўнг келинига бир қараб олиб:

— Ҳозир ўйинқароқ пайти. Отаси бўлганида ҳайиқиб турармиди... — деб қўйди.

— Онаси, эрталаб вақтли кетаман. Кийимларимга дазмол уриб қўй, — деди Сарвар, хотини узатган чойни олиб.

Назми «кийимларингиз тап-тайёр» дейишга оғиз жуфтлади-ю, ўзининг бу суҳбатга ортиқчалигини англаб, ўрнидан тура қолди.

— Менам вақтли кетаман, — деди Матлуба, — Эртага келаман. Пул оладиган йигит адамларникини тайин қилган.

— Мен ҳам адамларникида бўламан. Ўша йигитни бир кўриб қўяй.

— Кўрмаганинг яхшимикан. «Биров билмасин» деган.

— Айтаверади. Бу биров билмайдиган иш эканми? Сен кўп сиқилаверма. Ёлғиз бўлганингда бошқа гап эди. Аҳмоқ бўлса ҳам, ҳайвон бўлса ҳам ўша пешанангга битган эринг. Ўн беш йил берган бўлса, ўн беш йил ўтирмайди. Ўн беш йилгача ё подшо ўлади, ё эшак.

Сарвар шундай деб ўрнидан турди.

— Ростдан ҳам вақтли кетишим керак. Сен ҳам даминги ол.

Матлуба бу хонадонга ҳар келганида келини ҳурмат юзасидан меҳмонхонада ётмоқчи бўлади. Ҳар сафар ҳам Матлуба уни ётоқхонасига чиқариб юборади. Одат бу гал ҳам канда бўлмади. Меҳмонхонада ёлғиз қолгач, Матлуба ўринга ёнбошлади. Бир неча нафасдан сўнг юраги безовталаниб, қаддини кўтарди. Хаёллари чўл шамолидай бевош бўлиб кетди. Турсунали акасини илк бор кўрган кунини ҳам эслади. Эслай туриб, ўша кунни лаънатлади.

Асалдай тотли туюлган дамлар заҳарга тўла турмушнинг алдамчи дебочаси эканини кеч англади. Юмуқ кўзлар очилган дамда заҳарга тўла ҳаёт қўйнига кириб бўлган, энди ортга йўл йўқ эди. Ҳозир ҳам турмушнинг заҳарли ниши юрагига санчилиб, безовта қила бошлади. Юраги қаттиқроқ санчганда беихтиёр «ойижон!» деб юборди.

Она — фарзандига ёпирилажак дарду аламлар сели йўлидагі бир тўғондир. Она Аллоҳ ҳузурига қайтгач, бу тўғон ўз-ўзидан емирилади. Матлуба буни ҳам кеч англади. Фақат Матлуба эмас, кўпгина фарзандлар шундайдирлар. Охир-оқибат «Вой, онажоним!» дейдилар, нолаю фарёд денгизига ғарқ бўладилар. Сўнг эса, тўғон бўлишни Онанинг руҳидан умид қиладилар. Жоҳил бандалар... офатлардан Онанинг руҳи эмас, Яратганнинг ўзигина сақлашига ақллари етмайди... Яна Худо билади, оналарнинг руҳига бирон-бир қудрат касб этилса, борини ҳаётда қолган фарзандлари ҳимоясига бахш этарми эдилар... Бу шунчаки ожиз бир фараз. Аслида эса, оналарнинг руҳлари фарзандлар дуосига муҳтождирлар...

Матлуба ўрнидан туриб дераза олдига келди. Уйда димиқиб кетгандай бўлиб, ҳовлига чиқди-да, тахта сўрига ўтириб, тирсаги билан панжарага суянди.

«Ойижон, «бахтли бўл», деб дуо қилардингиз. Дуоларингиз нима учун қабул бўлмади? Ўзим айбдорманми? Энди нима бўлади? Дунёдан бахт нима эканини билмай ўтаманми? Менинг бўларим бўлди. Болаларим бахтли бўлишсин, дуо қилинг, ойижон. Ойижон, дуо қилинг, менга кўп умр керак эмас. Зилолани куёвга узатганимдан сўнг бир йилгина яшасам етади. Зилоланинг боласини кўрсам, бешик қилсам бўлди, кейин ёнингизга чақиринг. Куёвингиз бугун-эрта қамоқдан чиқиб келса ҳам, мен болаларимни унга ишониб ташлаб кета олмайман. У чиқиб келгани билан барибир яна ўша шилтаси билан топишади...»

Шу фикр хаёлига келиши билан ўша «қон қусгур Нафиса» кўз олдида гавдаландию баданига титроқ югурди.

Бошқа нарсаларни ўйлашга ҳаракат қилса ҳам ўша «кафансиз кўмилгур Нафиса» қаршисида тиржайиб тураверди. Шунда бир неча соат илгари хаёлини ёритиб ўтган фикр яна қайталади: «Бу балогинага йўлиққур ўлмас экан, мен тинчимни топа олмайман. У ўлмаса — менга ҳаёт йўқ...» Бу фикр қатъийлаша бошлаганда айвонда шарпа сезилди.

— Нима қилиб ўтирибсан?

Матлуба укасининг овозини эшитиб, ўгирилди.

— Уйқунг келмаяптими? Негадир мен ҳам ухлай олмаяпман. Кўзларимни юмсам, адам чақираётганга ўхшайдилар, – деди Сарвар.

— Соғингандирлар. Қачон бориб кўрувдинг?

— Тўрт кун бўлдимикан?

— Йўлинг-ку, кунда бир кўриб ўтсанг бўлмайдими?

— Бўлади-ку, Офатни кунда бир кўриш менга ҳам оғир-да. Киришимдан сасишни бошлайди, ярим соатга зўрға чидайман. Шуни қўйдириб, акамга бошқа хотин олиб беришимиз керак.

— Қўйсанг-чи.

— Сен нимага ухламаяпсан? Сиқилма, дедим-ку.

— Анави ўгри ўртоғингни қачон кўрасан?

— Хоҳласам ҳозир, хоҳласам эртага. Нима эди?

— Сўраб кўргин. Битта одам ўлдириш қанча турар-кин?

— Нима? — Сарвар ҳайратланиб, опасининг кўзига қарамоқчи бўлди. Ўн кунлик ой ёруғида кўзлардаги маънони уқиб бўлмади. — Нима дединг? Кимни ўлдиртирмоқчисан? Пул сўраб келган боланими? Каллангдан чиқариб ташла бу хаёлни! У ўлса, бошқаси келади.

— Уни эмас... биттаси бор.. сўраб бера қолгин.

— Нарх бир хил бўлмайди. Одамига қараб сўрашади. Лекин Ҳабиб бунақа ишга бормайди. У ўгри, киллер эмас.

— Киллеринг нима?

— Пулга одам ўлдириб берадиганларни «киллер» дейишади.

— Энг арзони қанча, билиб бер.

— Сен... эсингни йиғ. Агар киллер қўлга тушса, буюртмачи ҳам кетади. Ақлингни йиғу бунақа ишлардан нари юр. Агар яхшилаб қарғасанг, ўладиган одам шу қарғишинг билан ҳам жўнаворади. Бўлди, кириб ёт. Аҳмоқ бўлиб қолибсан.

Сарвар кейинги гапни зарда билан айтиб, опасини тирсагидан ушлаб уйга бошлади.

Матлуба ётгани билан ухлай олмади. Тонгга яқин кўзи илинган экан, дарвоза қўнғироғи кетма-кет жиринглаб уйғотиб юборди. Сарвар майкачан ҳолда шошилиб ҳовлига чиқди. Дарвозани очишга улгурмай, кўча томондан жиянининг овози эшитилди.

— Амаки, тез борар экансиз, адам айтдилар. Мен телеграфга бориб, аммамга телефон қиламан.

— Амманг шу ерда, — деди Сарвар дарвоза эшигини очиб. Тўн кийиб, қийиқ боғлаб олган жиянини кўрдию отасидан айрилганини англади.

Укасига эргашиб чиққан Матлуба остона ҳатлай туриб, «адамми?» деди-ю, жавоб кутмай йиғлаб юборди.

— Кечқурун чақиришлари бекорга эмас экан, ғафлатда қолибман-ку, — Сарвар ич-ичидан келган бир ўкириқ билан бошига муштлаб ингранди.

Опа-ука ота уйига келганларида акалари кўчага қўйилган стуллардан бирида ёлғиз ўзи шумшайиб ўтирган эди. Матлуба акасини бу аҳволда кўриб, янада хўрлиги кучайдию «Вой отам»лаб айтиб йиғлашни бошлади.

Марҳум уй ўртасига солинган янги кўрпа-тўшакда ётарди. Жағи танғиб боғланган бўлса-да, оғзи хиёл очиқ эди. Кўзлари ҳам буткул юмулмаганди. Худди беркинмачоқ ўйнаётган боланинг кўзларидай ярим очиқ эди. Гўё у жон бермагану, ҳазиллашиб ўзини ўлгандай қилиб ётиб олган эди. Ярим очиқ лаблари ҳозир бир жилмайиб сўнг гапира бошлайдигандай эди.

— Ада! Адажон!!

Табиийки, жавоб бўлмади. Лаблар жилмаймади. Сўзлар айтилмади. Гўё мурда гапириб юбормасин, деган эҳтиётни қилиб жаг танғиб боғлангандай...

Матлуба кириб келган янгасини қучоқлаб олиб йиғлади. Билмаган одам қучоқлашиб бўзлаётган бу аёлларни бир-бирига меҳрибон опа-сингил деб ўйлаши ҳам мумкин эди. Улар бир-бирини тингламаган ҳолда айтиб йиғлашарди: «Меҳрибоним отам...» Ярим очиқ кўзлар эса, гўё уларни кузатарди, лаблар эса, гўё пичирлар эди: «айтаётганларинг ростми? Чин дилдан ачиняпсанларми?..»

Афсус шуки, мурдалар гапирмайдилар. Уларга бир неча дақиқалик сўзлаш имкони берилсами эди... Бу оламда нималар юз бермас эди-я... Яна ким билади, балки бировлар бу имкониятдан фойдаланиб калимаи тавҳидни тўхтатмай айтарлар, бировлар «Шунча йил талашиб-тортишиб эришганимиз оқибат шу бўлди, кўриб қўйинг, ибрат олинг», дерлар, бировлар эса, «Фалончи мендан беш сўм қарз олиб эди, ғафлатда қолманглар, бориб олинглар», деб огоҳлантирар?

Кимдир Яратганнинг ҳузурига бораётганига шукр қилиб кўз юмар, кимдир лаҳадда ёлғиз ётишини ўйлаб қўрқув билан жон берар, кимдир тўплаган бойлиги қолиб кетаётганидан ачиниб ўлар...

Бу дунёни қандай тарк этишидан қатъи назар, барчаларига аза очилади. Бу дунёда бир-бирлари билан тенглик қилмаган одамлар лаҳаддаги гувалага бош қўйишлари ҳамоноқ тенглашадилар. Аммо бу тенглик ҳам узоққа бормас. Савол-жавобдан сўнг, амалга қараб ажралиш юз берар — биров то Қиёмат кунига қадар қабр азобига гирифтор бўлар, биров эса бу азоблардан озод этилар. Қиёматда эса, узил-кесил ажралиш юз берар...

Лаблари ҳам, кўзлари ҳам ярим очиқ марҳум эришажак ажр не бўлар, ёлғиз Тангри билади. Матлуба эса, астойдил айтиб йиғлайди: «Жойингиз жаннатдан бўлсин, адажон!..»

Марҳум дафн этиб келингач, йиғини уйғотаётган эҳтиросларҳам сўнди. Ташқарида одатдаги «Бандалик экан» — «Оллоҳнинг иродаси» — «Сабр берсин», деган таъзия билдиришлар, ичкарида эса бирдан бошланиб, бирдан сўнувчи йиғи товушлари эшитилиб турди. Матлубанинг

янгаси кўнгил айнитар гапларини ана шундан кейин бошлади.

Одатда қизлар ота уйида қирқ кунгача ўтиришарди. Матлубанинг қирқ дақиқа ўтиришга ҳам тоқати қолмади. «Таъзияга келувчи хотинларнинг кети узилмаса-ю, янгамнинг вайсаши учун фурсат бўлмаса», деб орзу қилди.

Эртасига янгасининг навбатдаги дийдиёси бошланганда Сарвар ичкарига мўралаб, Матлубани имлаб чақирди.

— Хурсанали деган йигит сўраяпти. Совхозингдан келибди.

— Бу ўша, — деди Матлуба. — Энди нима қиламиз? Шундай кунда ҳам келиб, без бўлиб турибдими?

— Нима қилардинг, тўлайсан. Буларда тўй-аза деган гап йўқ.— Сарвар шундай деб чўнтагидан қоғозга ўралган пул олиб, опасига узатди.— Ма, олиб чиқиб бер.

— Пулми? Тайёрлаб қўювдингми?

— Золотойга айтувдим. Ёрдам бера олмаслигидан афсусланиб, бу йилги солиқни кўтарадиган бўлди.

— Ўзи бериб қўя қолмайдими?

— Бунақа ҳотамтойлигини билиб қолишса, уни ҳам тинч қўйишмайди. Лекин одамлари билан гаплашибди. Болаларингга тегишмайди. Хотиржам бўл. Сени ҳам ҳимоя қилишади.

Сарвар кейинги гапларни опасини дардини енгиллатиш учун ўзидан қўшди.

Матлуба пулни олиб, кўча эшик томон юрди. Йигит уни кўриб, ўзини четга олди. Биринчи солиқ тўлаш маросими гап-сўзсиз бўлди. Матлуба пулни узатди, йигит олиб чўнтагига солдию «хайр, раҳмат» дегандай тиржайиб қўйгач, бурилиб жўнади.

Матлуба изига қайтаётганида акаси «ҳа, тинчликми?» деб сўради.

— Тинчлик, — деди Матлуба, — совхознинг кассири. Қоғозлари менда эди.

Акаси хавотирланиб эмас, шунчаки сўраган эди, бу жавоб билан қониқди.

ДАРБАДАР

Биринчи қор ёмғирга аралашиб ёққани учун тез эриб кетди. Қор баҳонаси билан ёпирилиб келган совуқ тунда кучга кириб, фаолиятини ер сатҳини музлатишдан бошлади. Бунақа совуқни энди кўраётган Турсунали дийдираб, «шу совуқларда музлаб, ўлиб кетсам керак», деб хўрлиги келди. Бир қўлида чўкич, иккинчисида белкурак ушлаб, саф билан йўлга ҳозир бўлиб турганида рўпарасида Тенгиз пайдо бўлди.

— Ҳа, земляк, ишлар қалай? Мунча шумшаясан? Нима, совқотдингми? Агар шуни совуқ десанг, бир-икки ҳафтадан сўнг онангни кўрар экансан-да. Ҳа, хотинингга хат ёзиб, раҳмат деб қўй. Ақлли экан. Буйруғингни бажарибди.

Тенгиз шундай деди-ю, бурилиб нари кетди. Турсунали «мени бу азоблардан қутқаринг», деб илтимос қилмоқчи эди, улгурмади, гапи оғзида қолди. Сафга қарата «юрилсин!» деган буйруқ берилди.

Уч кундан бери улар дарахт кесишмайди. Кесилган ёғочлар йиғилиб қолганмиш. Ўн чақиримча пиёда юриб, сўнг ўрмон ичида ҳандақ қазишади. Бу овлоқда ҳандақнинг нима кераги борлигини ҳеч ким билмайди. Аслида бу ҳандақларнинг бировга зарурати йўқ. Дарахт кесиш вақтинча тўхтатилгани сабабли маҳкумлар бекор ётишмасин, деган мақсадда ҳандақ қаздиришади. Бир гуруҳ келиб қазийди. Эртасига иккинчиси келиб кўмади.

Аввалги кун Нуриддин ҳам Турсунали билан бирга эди. Кеча уни Тенгиз ёнига чақириб олибди. Нуриддинсиз унинг бўлари бўлди. Белгиланган вазифасини бажара олмай калтак ҳам еди. Кечқурун Нуриддинга арзи ҳол қилиб «Тенгизга айт, менга енгилроқ иш олиб бersин», деган эди. Бугун Тенгиз яқинлашаётганини кўриб, бир ичи ёришди-ю, кейин яна зулмат қўйнида қолди.

Нуриддин унинг илтимосини Тенгизга айтган эди.

— Ҳамзат, — деди Тенгиз унга жавобан, — сен ҳеч қачон одамларга, айниқса, бунақаларга ачинма. Бу одам

ким бўлган, биласан-а? Совхоз директори! Бу ерда сен билан менга ялиниб юрибди. Амал отида керилиб, давр сураётган дамларида бизни одам ўрнида кўрармиди? Бу хунаса бошқаларни эшшакдай ишлатиб, ўзи маишатини суриб юрган. Ана энди меҳнат нима, азоб нима билиб қўйсин.

— У чидолмайди, ўлиб қолади, — деди Нуриддин.

— Қўявер, ўлса ҳам меҳнат билан ўлсин. Сен дарахт кесиш бошлангунига қадар менинг ёнимда юра турасан. Аммо бир нарсани унутма: мен билан бўлганингда кўзинг кўр, қулоғинг кар бўлади. Кўрганингни кўрдим демайсан, эшитганингни эшитдим демайсан.

Нуриддин бу буйруққа итоат этди. Бу итоати билан ўғрилар оламига дастлабки қадам қўйганини ўзи ҳам сезмай қолди. Шу пайтгача ўғрилар сиртмоғига бўйин бермай келаётган эди. Тенгиз кўзга кўринмас сиртмоғини усталик билан ташлади. Ўша куни «политбюро» тўпланди. Ҳал қилинадиган аниқ масала йўқ эди. Шу боис «чефир» чой ичиб, қарта ўйнаб гаплашиб ўтиришди. Қўтос ҳам, Кошак ҳам, бошқалар ҳам хизматдаги Нуриддинга қараб-қараб қўйишарди. Кошак нечта уйни босганию қанча одамни асфаласофилинга жўнатганини айтаётганида Тенгиз унинг гапини бўлди:

— Кошак, биз бу гапларни биламиз. Агар Ҳамзатни қойил қолдирмоқчи бўлсанг, янглишасан. Ҳамзат Афғонда ўлдирган одамларни сен саноғига ета олмайсан.

Кошак «шунақами?» дегандай Нуриддинга зимдан қараб қўйди. Тенгиз айтмаса ҳам Нуриддиннинг кимлиги, очиқликда нима қилгани бу ердагиларнинг ҳаммасига аён эди. Бу чойхўрлик, бу хизмат бўлажак ўғри билан «яқинроқ танишиш» мақсадида уюштирилганди.

«Политбюро» аъзоларига Нуриддин маъқул келди. Унга қарши эътироз билдирилмади. Тарқалиш пайтида Кошак:

— Унинг тарбиясини Қўтосга бер, — деб талаб қилди.

— Ҳозир эмас, — деди Тенгиз, — Бу бола эгар урилмаган асов от. Ҳуркиб кетади. Уни ўзим эгарлаб, жилов-

лаб бераман. Ана ундан кейин Қўтоснинг қўлига тутқизаман.

Нуриддин Бифштексни ўлдиргач, қамоқ лагерида ўзига нисбатан муносабат ўзгарганини сезди. «Политбюро» мажлисидан сўнг эса, лагер бошлиқлари ҳам унга юмшоқроқ муомала қила бошладилар. Ана шунда Нуриддин «буларга боғланиб тўғри қилдимми?» деб ўйланди. Булардан узоқлашишнинг турли йўлларини излади. У фаҳми етган, билган барча йўлларнинг боши берк эди. «Фақат ўлимгина булардан қутқариши мумкин», деган тўхтамга келди.

Гарчи қамоқ лагерида эркинроқ юришга шароит яратилган бўлса-да, у руҳини қафасдан бўшата олмас эди. У Бифштексдан зўрроқлари билан ҳам олишмоғи мумкин, аммо ўзини ўзи енга олмас эди. «Исмингиз нима, отахон?» деб сўраганида кулимсираб туриб «Дарбадар» деган ўша қарияни қутқариб юборолмагани учун ўзини ўзи то ўлгунича лаънатласа керак.

* * *

Тайёргарлик машқлари даврида аскарлар орасида «Афғонга ташлашар экан», деган миш-миш юрарди. Бировлар қўрқиб, нажот истаб уйларига хатлар ёзсалар, бошқалар «байналминал бурч»ни бажариш, қаҳрамонлик кўрсатиш илинжида жанггоҳга ошиқарди. Баъзи йигитлар эса, «Афғондан қайтганлар институтларга имтиҳонсиз қабул қилинар экан», деб умид қилишарди. Институтларга кириш учун Афғондан тирик ҳолда қайтиш лозимлигини эса ўйлашмас эди. Ҳар куни ўнлаб қора темир тобутлар селининг оқиб келаётганини улар билмасдилар.

Нуриддин эса, «Нима бўлса, пешанамдан кўрдим», деб ўзини тақдир ёзуғи ихтиёрига берган эди. У жанггоҳда етти ухлаб тушида кўрмаган фожиаларга дуч келди. Дастлаб «бу ваҳшийликларни кўравериб жинни бўлиб қолсам керак», деб ўйлади. Йўқ, ақлдан озмади, аксинча, дийдаси қотиб борди. У афғонларнинг нима учун урушаётганини тушунмас эди. Унинг учун бир нарса аниқ —

қаршисидаги душман! Сен отмасанг, у сени ўлдиради. Чунки у учун сен душмансан! Бу дунёда яшаб қолмоқ учун ҳам қаршингдагини ўлдиришинг шарт. «Байналминал бурч», «Афғонистон озодлиги», деган тушунчалар мингинчи даражадаги масала эди. Ажал ўқлари ёғилиб, фақат ўз жони кўзга кўриниб турган онда фақат ақлдан озган одамгина бундай бурч ҳақида ўйлаши мумкин. «Қаршимдаги душман эмас, мусулмон биродарларим. Ўз уйини, молу жонини ҳимоя қилган одам нима учун душман бўлар экан?» деган тушунча ҳам Нуриддинга ёт эди. Қадимда Хуросон деб аталмиш бу юртни боболар бир томондан инглиз, шимолдан эса ўрус ҳамласидан ҳимоя қилиб жон берганларини ҳам билмас эди. Ўрусга қарши жиҳодда жон берганларнинг авлодлари энди ўрусга шерик бўлиб жон олса... Боболар ўрусга Хуросонни бермаган эдилар. Ўрус Термиз билан Кўшкдан нари ўта олмаганди. Нуриддин буларни ҳам билмас эди. Билганда-чи? Билганда нима қила олар эди? «Боболарим юртига қараб ўқ отмайман» деса, «Майли, ука, сиз уйингизга қайта қолинг, бу ёғини ўзимиз эплаштирамиз», дейишармиди? Бе, инсоф қилишса «хизматдан бўйин товлаш» деб қамашарди. Раҳм қилишмаса, шартта отиб ташлашарди — вассалом!

Нуриддин ўзини Дарбадар, деб атаган қария билан учрашгунича ақлсиз гўдак каби эди. Дарбадар отилганидан бери орадан тўрт йилдан ошиқроқ вақт ўтди. Қарияни отиш учун беш киши чиқишди. «Отилсин!» деб буйруқ берилди. У ҳам беихтиёр тепкини босди. Мўлжалга олмади. Балки ўқи хато кетгандир, қарияга тегмагандир?

Ўқ отилмай туриб қария унга қараб жилмайиб қўйди. Нега жилмайди экан? «Мен Ватаннинг бир бўлагиман, сен Ватанга қараб ўқ узмайсан, а?» демоқчи бўлдими? Ё «Ана, айтмовмидим, қул бўлганинг учун ҳам буларга қўшилиб чиқдинг», демоқчимиди? Нуриддин бу жилмайишнинг маъносини уқишга кўп ҳаракат қилди. Бироқ, тайин бир хулосага кела олмади. Бадани ўқлардан илма-

тешик бўлган Дарбадар кўкрагини чангаллаб, яна Нуриддинга тикилди. Бу сафар жилмаймади. Йўқ, йўқ, кўзлари бир нуқтада қотди: ўткир нигоҳига савол аломати муҳрланди. Нуриддин бу қарашнинг маъносини ҳам уқмади.

Ўша фожиадан кейинги тунлар Нуриддин учун беҳаловат, азобли тунларга айланди. Дарбадар ўша савол аломати муҳрланган нигоҳи билан ҳар тун уни таъқиб этадиган бўлди.

Асирлар сақланадиган ҳибсхонада Дарбадардан бўлак ҳеч ким йўқ эди. Нуриддин ҳибсхонани қўриқлаш учун навбатни қабул қилганида бундан кейинги ҳаёти алғовдалғов бўлиб кетишини ўйламаган ҳам эди. Аввалига «гапириш мумкин эмас», деб огоҳлантирди. Дарбадар «Сен гапирма, эшит», деб сўзлайверди. Худди тарих ўқитувчиси дарс ўтаётгандек эди. «Ўша суҳбатдан сўнг йигитнинг онги ўзгарди, ватанпарварга айланди», десак лофга ўрин берган бўламиз.

Ватанни бир мартагина бўлса ҳам кўришга зор кўзлар жон таслим қилинганидан сўнг ҳам юмилмаган эди. Ана шу кўзлар тунлари Нуриддинни уйғотарди...

«Қўлингни узат, бўтам, қўрқма, кафтингни бир ҳидлай, ундан Ватан ҳиди келса ажаб эмас. Имконим бўлса эди, сени бир қучар эдим. Ахир сен Ватанимнинг бир заррасисан. Мен ҳам бир бўлагиман. Тақдир ўйинини қарагин-а — Ватан иккига айрилмиш — бири қафасда, бири эса қулликда».

«Мен қул эмасман».

«Қулсан, бўтам, қулсан. Кўзлари юмуқ қулсан. Ақли муҳрланган қулсан. Кўзларинг очиқ бўлса эди, озодлик сари юрган бўлар эдинг. Ақлинг қулфлари бузилса эди, кишанларни уриб синдирар эдинг».

«Кишан? Йўқ, бизда кишан...

«О, кўнгил, сен бунчалар нега

Кишанлар билан дўстлашдинг

На фарёдинг на додинг бор...» Бўтам, сен бу сатрларни билармисан? Чўлпонни эшитганинг борми?»

«Чўлпон? Ким у?»

«О, миллат, бахти қаро миллат! Сени зулматдан ёруғликка олиб чиқувчи авлод шуларми эди?»

«Гапларингизни тушунмаяпман?»

«Ватан надир? Миллат надир? Эрк надир? Англармисан ўзинг? *«Кулган бошқалардир, йиглаган менман... Ҳайвон қаторида саналган менман...»* О, миллат ҳолинг на бўлар энди?»

«Ота, бирон ерингиз оғримаяптими? Касал эмасмисиз?»

«Мен соғман, бўтам, миллатим хастадир. Мен бугунми, эртами ўлимимни топарман. Оқибат бу ёруғ дунёга сиғмай қоларман. Ватан соғинчи билан тепаётган юрагимга биттагина ўқ кифоя. Ватанни бир мартагина кўрмоқ умидимни ўзим билан тупроққа олиб кетурман».

«Ватан, Ватан, дейсиз? Ватанда турибсиз-ку?»

«Бир жиҳатдан гапинг тўғри, бўтам. Бу Хуросон — боболаримиз Ватани. Бизнингда Ватандир бу. Аммо менинг киндик қоним тўкилган Ватан — Андижондир».

«Ие, мен ҳам ўша ерликман».

«Қора қошларингга қараб кўнглим сезиб эди. Сен киришинг билан Ватан иси димоғимга уфурди. Шу боис сўзлайвердим».

«Исмингиз нима, отахон?»

«Исмим — Дарбадар».

«Ие, шунақа исм ҳам бўладими?»

«Тўғри, бунақа исм йўқ. Лекин шунақа одамлар бор. Мингтепа деган жойни биласанми? Жаннатмакон отамнинг киндик қонлари ўша қишлоққа томган. Отам бир ёшга тўлмай туриб бобомнинг юрак қони шу қишлоқда оққан. Ўруслар Мингтепа ариқларида инсон қонларини оқизиб, сўнг атроф қишлоқдагиларни адирга ҳайдаганларини наҳот эшитмаган бўлсанг? Ўзбекларни дарбадар қилиб, уларнинг ўрнига ўрусларни кўчириб олиб келиб «марҳамат, яшанглар!» деганларини ҳам эшитмаганмисан? Ахир ўша фожиадан «Марҳамат» деган ном хотира бўлиб қолган-ку? Ё Раб, бу не кўргулик? Дукчи эшонни биларсан балки?»

«Мактабда ўқиганмиз. Одамларни алдаб бойиган киши экан».

«Астағфируллоҳ! Эшон ҳазратларининг ниятлари кўкрак сути каби покиза эди. Ватанни озод этмоқни ният қилиб эдилар. Жаннатмакон бобом ҳазрат эшоннинг муридлари бўлган эканлар. Уларнинг исёнини эшитганмисан?»

«Ўқиганмиз. Уч-тўрт соатда бостирилган экан».

«Нима учун шу қадар тез бостирилган? Ўйлаб кўрганмисан?»

«Биз ўқитувчи ўтган дарсга ишонамиз. Ўйламаймиз».

«Ё миллат, ҳолингга вой! Сен бир ўйла, бўтам, Эшон ҳазратни фитна, иғво тузоғига туширганлар. Ўруслар эшон ҳазратдан қўрққанлар. Ҳазратнинг атрофига одамлар тобора кўп тўпланаверганлар. Яна бир йил қўйиб берилса, Эшон ҳазрат ғоят катта кучга эга бўлур эдилар. Агар жиҳод бир йил кейин бошланганида бу юртларда ўруснинг уруғи қурур эди. Билиб қўй: миллатни хор қилган ўруслар эмас, ўзимиздан чиққан хоинлар, иғвогарлар. Ҳазратимни ҳам шулар бадном қилдилар. Буларсиз ўрус ҳеч нимага эриша олмас эди. Иғвогарлар турк султонидан деб ёлғон мактуб тўқидилар. Ҳазрат эшон бунга иноний бемаврид жиҳодга қўзғалдилар. Ўзинг ўйла-чи, қурол-яроғсиз ҳам жиҳодга чиқадими киши? Бобомнинг йўлларини отам давом эттирдилар. Мадаминбекка қўшилиб икки йил жанг қилдилар. Бунда ҳам ўрусларга иғво иш берди. Амирал-муслиминнинг муборак бошларини ўз биродарлари узишди... Шундан сўнг юртдан қувилдик. Қашқарда макон топдик. Ўруснинг болшевиги Қашқарга етиб келди. Биз эса, бу ерларга паноҳ излаб келдик. Энди ўрус бу ерларда уруш қўзғади. Кўпчилигимиз тинчлик истагида Туркияга ёхуд Саудийга жўнашди. Мен қолдим. Жиҳод истаб қолдим. Ўрусдан қачонгача қочамиз? Ё ҳаёт, ё мамот! Сени дуо қиламан бўтам, юртга омон-эсон қайтиб бор. Қайтиб боргину жаҳолатда юмуқ бўлмиш кўзларингни оч! Дўстларингни ҳам уйғот! Ватанда беватан яшама. Ватан боғини қуритма. Инсон ўз қони ила

суғориб бўлса-да, Ватан деб аталмиш муаззам боғнинг қуримоғига йўл қўймаслиги лозим, унутма! Миллат хаста, ўғлонлар эса табибдурлар!»

Шу сўзларни айта туриб худди нафаси сиқилгандай чуқур тин олган эди. Сўнг овозини пастлатгани ҳолда Абдулла Авлонийдан бир байт ўқиб эди:

«Маризинг бир тарафдин, бир тарафдин хорсан — миллат,

Бадандан доимо қон олдурар беморсан — миллат...»

Болаликда шеър ёдлашга уқуви дуруст бўлган Нуриддин бир эшитишдаёқ бу байтни эслаб қолган, сўнг мағзини чақмоқ учун тез-тез такрорлашни одат қилган эди.

Дарбадарнинг тунлари уйғотиб беҳаловат қилғувчи, савол аломати муҳрланган кўзлари билан шуларни гаплашади. Ҳибсхонадаги қисқа суҳбат такрорланаверади.

Дарбадар дуо қилди. Лекин юртга қайтиш бахти Нуриддинга насиб этмади. Бир қишлоққа ҳужум қилишганида чидай олмади. Хонадондаги ҳимоясиз аёллар, болаларни отаётган шеригининг бошига қўндоқ билан урди. Сўнг автоматнинг барча ўқларини унинг кўксига бўшатди.

Дарбадарнинг умиди жасади билан биргаликда кўмилди — жаҳолат, ғафлат уйқусидан уйғониш, қуллик тамғасидан қутулиши зарур бўлган йигит Сибириянинг овлоқ ерларида одам суратидаги махлуқларга чой дамлаб, хизмат қилиб юрибди. Ўша тун уйғониб, Дарбадарнинг кўзларига рўпара бўлганида шуларни айтди:

«Сиз ғафлатдан уйғон, дедингиз. Қандай уйғонишни эса айтмадингиз».

«Худо сенга ақл, зеҳн берган. Ўйла, йўлни топ».

«Мен бунақа жойларда нима қилай энди?»

«Сен бу жойларда озодликнинг қадрига етасан».

«Мен булар билан бирга бўлишни истамайман».

«Буларнинг миллати йўқ. Сен миллатсиз одамлар билан бирга бўлиб, миллатни қадрлашни ўрганасан...»

Нуриддин одати бўйича Дарбадарнинг кўзларига қараб кўп саволлар берди. Лекин жавоб ололмади. Чунки у Дарбадарнинг кўзи билан эмас, балки ўзи билан ўзи гаплашарди. Унинг онги эса кўп саволларга жавоб топмоққа ожиз эди.

«АЗИЗ МЕҲМОН»

Дарахт кесишга ижозат берилиб, кераксиз зовур қазиш барҳам топди. Ер юзаси қалин қор билан қопланган кезларда кутилган «азиз меҳмон» — ўғрилар оламида «Мурик» деган янги лақаб олган Слава Галиулин пайдо бўлди. Тенгиз қиш кунлари ҳам баракда биқиб ётмай, ташқарида ёқилган гулхан яқинида ўтиришни хушлар эди. Айниқса, қор бўралаб ёғаётган дамда узоқ ўтирарди. Булутларни ёриб чиққан чўққилари осмон билан ўпишган тоғ бағридаги овули ёдига тушиб, юраги эзиларди.

...Елкаларига бўркларини ташлаб олган овул оқсоқоллари гулхан атрофида суҳбат қуришарди. Эргашиб чиққан набираларни боболари бўркка ўраб олишарди. Булар орасида Тенгиз ҳам бўларди. Улар худди халтадан бошларини чиқариб жавдираётган кенгуру болаларига ўхшаб кетишарди. Боболари уларни совуқдан асрамоқчи бўлишарди. Аммо болачалар «кенгуру халтасида» узоқ ўтира олишмасди. Типирчилайвериб, боболарининг жонларига тегаверишгач, «озодлик»ка чиқишарди. Қорда югуриб-югуриб, думалаб-думалаб ўйнашарди...

Қани ўша озод онлар... Қани ўша меҳрли боболар... Қани уларнинг ёмон шамоллардан асрагувчи бўрклари... Қани она овул...

Ана шу ҳислар билан ўтирганида кимдир гулханга яқинлаша бошлади. Озод осмонлардан яйраб-ўйноқлашиб тушиб, то баҳорнинг иссиқ нафасига қадар ястаниб ётмоқни ният қилган қор оғир қадам юкига дош беролмай зорланиб ғижирлади. Тенгиз «ким экан бу?» деб ўгирилмади. У «азиз меҳмон»нинг шу кезлари келишини кутаётган эди, зийрак зеҳни бу сафар ҳам панд бермади.

«Азиз меҳмон» икки қадам нарида тўхтаб овоз берди:

— Салом, Княз!

Тенгиз саломга дарров алик олмади. Қўлидаги косов билан гулхандаги ўтинларни титиб қўйгач, орқасига ўгирилди-да:

— Ҳа, Чўмич, келдингми, ўтир, — деди.

Тенгизнинг ўрнидан турмагани, кўришмагани, атрофида хира пашша каби ҳар он ғинғиллаб ғашига тегувчи одамни кўргандай энсасининг қотиши сабабсиз эмас эди. «Мурик»нинг хоинлиги хусусидаги маълумот, гарчи текшириб, аниқланмаган бўлса-да, унга илтифот кўргазмоққа мутлақо йўл бермасди. Тенгиз ҳеч нарса билмагандай уни илиқ қаршилаши, гапни айлантириши мумкин эди. Лекин буни истамади. Чунки у айёрликка нисбатан тоғликларга хос мағрурликни афзал биларди.

Мурик Тенгизнинг совуқ муомаласидан ажабланмади. Аввало «княз» мартабасидаги бу йигитнинг довруғини эшитгани билан ўзини энди кўриши. Гарчи «қонундаги ўғри» деган мақомга Тенгиздан аввалроқ етишган бўлсада, бу оламда етарли даражада ном чиқара олмаган эди. Шундай экан, довруқли ўғрининг бу қадар беписандлиги, табиий бир ҳол бўлмоғи аниқ. Бироқ Мурик бу илтифотсизлик боисини яхши англади. Қамоқ лагерларида махсус топшириқ билан юргани ўғрилар оламига маълумлигини, ўзига «Мурик» деган лақаб тақалганини у билар эди. Бу ишга розилик берганидаёқ оқибатни — ўғрилар оламида лаънатга учрамоғи аниқлигини ҳисобга олган эди. Аммо тарозининг бошқа палласидаги ўлжа қаршисида бу лаънат арзирли гап эмасди. Таъбир жоиз бўлса, «қимор»га жуда катта бойлик тикилган эди. Мурик нафс олдида ожиз қолди — ўзини тўхтата олмай «ё ўламан, ё бойиб кетаман», деб таваккал қилди. «Илоҳий туйғулар руҳга ҳаёт берур, ҳайвоний орзулар ҳайвоний ҳисларга қувват берур», деганларидек, яхшилик кўчасидан юрмаган бу одамнинг ўзгача қарорга келмоғи мумкин ҳам эмасди.

Мурик Тенгизнинг елкасига кафтини қўйиб, гўё саломлашган бўлди-да, қаршисига ўтиб, ғўлача устига ўтирди.

Тенгиз қўлидаги косов билан гулханни яна титиб қўйди. Тақдирга тан берганича оҳиста ёниб адо бўлаётган ўтинлар бу титкилашга дош беролмай фарёд чеккандай ҳисобсиз учқунлар сачратдилар: гўё ўлаётган ўтинларнинг безовта руҳлари осмонга сапчигандай бўлди. Бу ҳол узоқ давом этмай, аланга яна ўтинларни ямлаб ютаверди. Унинг мағрур тиллари учқунларни қувалаб юқорига интилди. Аммо ўчган учқунларнинг изларини тополмай тўлғанди.

Бир оламнинг икки фуқароси орасида гулхан ана шундай ҳунар кўрсатмоқда эди. Тенгиз кутилган меҳмонга қаттиқ тикилди. Мурик эса бу нигоҳни сезмагандай хотиржам ўтирди. Тенгиз ундан кўзларини узмаган ҳолда умрини яшаб бўлган ўтин чўғлари остидан картошкани косовда тортиб олди-да, Мурик томон сурди. Биттасини ўзи томон тортди. Чўғда пишиб етилган картошкалар пўстлари арчилиб, еб адо қилингунча гап-сўз бўлмади. Ташқаридан кузатган киши буларнинг бирдан-бир мақсади гулханда исиниб, картошка ейишдан иборат деб ўйлаши мумкин эди.

— Чўмич, — деди ниҳоят Тенгиз, — сен катта ишлар қилиб юрган одам эдинг. Уйни уришга уриб, роялда ўйнаганингга ҳайронман*.

— Атай қилдим бу ишни, — деди Мурик хотиржам тарзда. — Олдинроқ зўр бир ишни дўндириб қўйган эдим. «Иш» босди-босди бўлгунича озгина саёҳат қилиб кела қолай, дедим. Бир хунаса билмай туриб гап тарқатиб юборибди. Княз, сен ақлли одамсан, ҳар қанақа гапларга ишонаверма. Мен номига иснод келтирадиган қанжиқлардан эмасман.

— Сен иснодга қолиб бўлгансан, Чўмич.

— Бир хунасанинг сассиқ иғвоси билан иснодга қолаверамаанми?

---

* Аслида: «Сыграть на рояле» – яъни, «жиноят содир этилган жойда бармоқ изларини қолдирмоқ» маъносида.

— Хунасанинг иғвоси... дегин. Яхши. Унда Гобелян билан нима учун учрашдинг? Сенинг ишинг район прокуроридан нарига ўтмайдиган эди. СССР прокуратурасида нима қилиб юрибсан?

Мурик бу саволдан гангимади. Бироқ, жавоб қайтаришга ҳам шошилмади. Бошини эгиб, совуқда эти жунжиккандай бўлиб, кафтларини гулханга тутди.

— Айтсам, ишонмайсан, — деди у шу ҳолатда. — Бир шилта ишга аралаштирмоқчи бўлишди.

— Қанақа шилта иш экан?

— Икки йил олдин бир «товуққа» бориб юрардим. Ўшани ўлдириб кетишибди.

— Қанақасига қутулдинг?

— Алиби! Ўша куни мен Чоржўйда эдим. Қариндошларникига тўйга борувдим. Нафсим бузуқлик қилиб кўп еворибман. Ичбуруқ бўлиб тўрт кун касалхонада ётдим.

— Гобелян ишондими шу баҳонанга?

— Нега ишонмасин?

— Ё Гобелян аҳмоқ, ё сен... ёки... мен.

— Нега... ахир...

— Мурикжан... — Тенгиз бу сўзни армани лаҳжасида, эркалаш оҳангида айтди, — Мурикжан... Сен айтган шилта иш билан МУР шуғулланяпти. Гобеляннинг иши бошқа. Ўзбекистоннинг тит-питини чиқариб юрган одам бир шилта ишни деб бир шилта ўғри билан коняк ичарканми?

— Коняк ичганим йўқ.

— Сен қулоққа лағмон осма, Мурик. Сенинг тақдиринг ҳал этилган. Гобеляннинг хонасидан чиқишинг-да ўзингга ўзинг ҳукм ўқигансан. Агар юрагингда бир томчигина ҳалол ўғрининг қонидан қолган бўлса ҳам, ҳукмни ўзинг ижро этишинг керак. Ўзингни ўлдирсанг, яхши ном билан кетасан. Биз ўлдирсак, «қанжиқ» деган ном кафанинг бўлади. Бошқа йўлинг йўқ, Мурикжан.

— Княз, иккита йўл бор жойда учинчиси ҳам топилади. Менга имкон бер.

— Гобелян нима деди сенга?

— Бу гап иккимизнинг орамизда қолиши керак, княз. Бу жуда нозик масала.

— Сен менга шарт қўйма. Гап шу ерда қоладими ё телетайпга қўяманми, ўзим ҳал қиламан.

— Яхши, княз. Мен сенинг ақлингга ишонаман. Гобелян аввалига мени ўша шилта иш билан қўрқитмоқчи бўлди, ишон. Кейин бир таклиф айтди. «Яқинда катта «ов» бўлади. Атрофингга ишончли ўғриларни тўпла. Агар шартимизга кўнишса, ҳам озод бўлишади, ҳам бойиб кетишади. Вазифа қойилмақом қилиб бажарилса, то ўлгунларича уларга тегмаймиз», деди.

— Қанақа вазифа? Қанақа «ов»?

— Унисини аниқ айтмади. Гапининг мазмунига қараганда «Ов» Ўрта Осиёда бўлиши керак. Вазифамиз — ғалва чиқариб бериш бўлади. Қолганини ўзлари эплашади.

— Яхши вазифа олибсан... Демак, сен ўғриларни эмас, қанжиқларни тўплашинг керак экан. Сен мени қанжиқ деб юрармидинг?

— Княз, ундай дема. Сен мен ҳурмат қилувчи энг буюк ўғрилардан бирисан. Улар бизга яхши иш таклиф қилишди. Эвазига умрбод эркинлик...

— Ҳукуматнинг ҳар қандай ишига ёрдам бериш қанжиқлик эканини унутибсан, Мурик!

— Бу алоҳида бир имконият, княз. Ўғрилар оламига катта фойда келтиради.

— Фақат иснод келтиради.

— Яхши, княз. Мен бу таклифни фақат сенга айтдим. Агар сен буни қанжиқлик деб ҳисобласанг, майли, мен ҳам бу ишга қўл урмайман. Икки йилни эплаштириб, тинчгина юраверaман.

— Шундай қил: тинч юравер, — Тенгиз бу гапни айтиб заҳарли илжайди.

Мурик суҳбат якунига етганини англаб, ўрнидан туриб нари кетгач, Тенгиз у ўтирган томонга қараб тупурди. Унинг тупуги гулханнинг оловли бағрини ёриб ўтолмади — манзилга етолмади.

Гулхандан узоқлашаётган Мурик «Князни ишонтирдим», деб енгил тортиб янглишган эди. Тенгиз у ўйлаган даражада бефаҳм эмасди. Гобеляннинг асл мақсади унга ҳозирча аниқ бўлмаса-да, Мурикка «катта ов»ни ваъда қилганига ишонмади. Ишонмаслигига бир қанча сабаблар мавжуд эди. Агар чиндан ҳам «катта ов» бўлса, буни аллақандай «Чўмич»га қўйиб бермайди. Бу ёқда Арутюнан, Нерсесян, яна аллақанча наҳанг балиқлар турганида бу итбалиққа бало борми? Гобелян ўзининг «ян»ларини ишга солмадими, демак, «ов» катта эмас. Ёмон ном чиқаришга арзимайди. Бу бирламчи сабаб. Иккиламчиси — прокуратура жанжал чиқариш билан шуғулланмайди. Тенгиз Мурик билдирган ишдан иқирт бир сиёсат ҳиди анқиётганини сезди. Демак, Мурик Гобеляндан ташқарида яна бир киши билан учрашган. «Аммо ким билан, қаерда? Агар уч ҳарфлиларга аралашган бўлса, иш жиддий, — деб ўйлади Тенгиз. — «Ов» балки уларнинг режасидир? Унда Гобелян нима деган бу қанжиққа?» Муаммо ботқоғига ботаётган Тенгиз косовни жаҳл билан бирикки гулхан бағрига санчди. Ўтинларни оҳистагина ямлаб ютаётган гулхан алангаси норизо ҳолда бир тўлғонди-ю, яна юмушини давом эттираверди.

Меҳмон узоқлашгач, баракнинг дарчасидан хожасини кузатиб ўтирган Пачоқбурун ўрнидан турди-да, елкасига пахталигини илиб, ташқарига чиқди. Гулхан томон борсамми, ё йўқми, деган ўйда бир неча нафас турди-да, сўнг «бирон амри бордир», деган ўйда хожаси томон юрди.

Тенгиз рўпарасидаги ғўлачага ўтирган Пачоқбурунга бир қараб олди-ю, индамади. Гапириш ўрнига амрни ижро этмоқни афзал билувчи Пачоқбурун бекорга қараб ўтирмаганини билдириб қўйиш учун сўз айтди:

— Жмура, — деди у сўнг овозини баландлатиб қайтарди: — жмура! — сўзига хожаси томондан эътибор бўлмагач, қўшимча қилди: — елканларини поралаб ташлаш керак.*

---

* Бесоқолбозлик назарда тутиляпти.

Тенгиз унинг бу ҳукмини эшитиб, унга ўқрайиб қаради.

— Ўрани ёп! — Тенгиз шундай деб чирт этиб тупурди-да, «Биковатий»* деб минғирлаб қўйди. Тенгиз бу «ун-вонни» тез-тез ишлатарди. Овоз чиқариб айтган маҳаллари ҳам кўп бўларди. Бу қамоқ лагерига келиб, «тахт»-га ўтирган онида Пачоқбурунни «хос навкарлик»ка тавсия этаётган Қўтос «ўзи биковатий бўлгани билан ишимизга садоқати зўр», деб таърифлаган эди. Тенгиз таърифнинг иккинчи қисмини қўйиб, биринчи бўлагига эътиборини қаратган эди. Баъзан шундай тўнкага рўпара бўлгани учун тақдиридан нолиб қоларди. Аммо тур деса туриб, ўлдир, деса ўлдириб келувчи одамнинг онг даражаси бундан ортиқ бўлмаслигини билгани учун ҳам чидар эди.

Пачоқбуруннинг ҳозир рўпарага келиб ўтириши ёқмади, ғашига тегди.

— Сен жучоклар*га тайинла, бундан узоқроқ юришсин. Аммо ҳар бир қадамини кузатишсин. Айтиб қўй, ким бунга яқинлашса, трамвайга қўйилади.

— Хўп, — деди Пачоқбурун мутелик билан.

— Гапимни эшитдингми?! — деди Тенгиз зардали оҳангда.

— Эшитдим. Ҳаммасига айтаман.

— Эшитган бўлсанг, тухум босиб ўтирмай, тур ўрнингдан!

Пачоқбурун келиб ўтиргани хожасига ёқмаганини англаб, ўрнидан турди-да, барак томон юрди. Остона ҳатлай деганда орқадан овоз келди:

— Менга Ҳамзатни топиб кел!

Амрга итоат этмоққа одатланган Пачоқбурун остона ҳатламай, елкасидаги пахталигини кийди-да, дарахт кесаётганлар томон юрди. Дарахт арралаётган Нуриддинга яқинлашиб, одатига хилоф қилмаган тарзда «Бу ёққа

---

*«Биковатий» – «ақлсиз, тўнка» дегани.

* Ёш ўғрилар

юр», деб тўнғиллади-ю, изига қайтди. У амрга сўзсиз итоат этилмоғига ишонгани учун ҳам «келяптимикин?» деган хаёлда орқасига қараб ҳам қўймади. Пачоқбурун-нинг ким эканини яхши билган назоратчи аррани қўйиб, унга эргашган Нуриддиндан «қаёққа кетяпсан?» деб сўрамади ҳам.

Нуриддин гулханга яқинлашиб, салом берди. Тенгиз саломга алик олгач, рўпарадаги ғўлача томон имлаб «ўтир», деди. Нуриддин ўтиргач, косовнинг учи билан чўғни титиб, орасидаги картошкани у томон сурди. Биттасини ўзи олиб, совутиш учун у кафтидан бу кафтига отиб ўйнади.

— Мусулмонларнинг афзал томони нимада, биласанми? — деб сўради у картошка пўстлоғини арчаётиб.

Нуриддин «билмайман, ўзингиз айта қолинг», деган-дай унга қараб, елка қисиб қўйди.

— Афзаллиги шундаки, мусулмон ҳамиша бошқаларга яхшилик тилайди. Мана, сен менга соғлик тилаб яқин-лашдинг. Мен эсам сенга сиҳатлик билан бирга Аллоҳ-нинг раҳматини сўрадим. «Бу ўғри бунақа гапларни қаер-дан билади?» деб ҳайрон бўляпсанми? Мен бобомдан эшитганман бу гапларни. Менинг фожиам нимада, била-санми? Чин мусулмон бўла олмаганимда. Бобомнинг чи-зиғидан чиқмаганимда бу ерда картошка еб ўтирмас эдим.

— Энди афсусланяпсизми?

— Афсусланишимдан фойда йўқ. Бу ҳам дунёнинг бир синови-да. Ўлмасам яна Худони таниш йўлига ўтар-ман. Лекин... унда кеч бўлиб қолиши мумкин. Фиръавнни эшитганмисан?

Нуриддин «йўқ» деб бош чайқади.

— Ҳа, эшитмагансан. Қадимда Миср подшоси бўлган. Ўзини Худо деб билган экан. Ўша аҳмоқ Мусо пайғам-барни қувиб бораётганида сувга чўккан экан. Ўлаётиб «Бўлди, Худони танидим», деганида Худо ҳам «Энди кеч!» деган экан. Бу жуда кучли фалсафа, Ҳамзат! Ҳаётда кечикмаслик муҳим, жуда муҳим!

— Кечикмаслик учун ҳозирдан бошласангиз-чи?

— Ҳозирдан? — Тенгиз унга қараб жилмайди: — Ҳозир йўл йўқ... Ҳамзат, бир янги одам келди. Сен у билан гаплашибсан. Кимлигини биласанми?

— Йўқ, ўзи келиб гап бошлади.

— Нима дейди?

— «Бизлар мусулмон фарзандларимиз, бир-биримизни қўллаб-қувватлайлик», деди.

— Ўша «тўққиз қайтган» энди мусулмон бўлиб қолибдими? Билиб қўй: у бир маараз! Ундан нарироқ юр. Аммо ҳаракатини кўздан қочирма.

— Ким ўзи у?

— Вақти келса билиб оласан. — Тенгиз шундай деб ўрнидан турди-да, барак томон юрди. Нуриддин эса изига қайтди.

ОСМОН УЗОҚ

Бу одамнинг гаплари Турсуналига мойдек ёқди.

«Мен қамалавериб пишиб кетганман. Сенда мусулманин, менда мусулманин. Бир-биримизни суяб юрмасак, бу ҳаромилар бизни ебда юборишади. Земляк, яхши одамлигингни қора кўзларинг айтиб турибди. Унча-мунча одамга сўзимни ўтказа оламан, қамоқларнинг тупроғини бекорга яламаганман. Сен менга суянавер...» Бунақа ёқимли гапларни ўзига яқин олиб юрган Нуриддиндан ҳам эшитмаган эди. «Кўзлари совуқ бўлса ҳам Худо кўнглига яхшилик солибди. Худо менинг раҳмимни еганга ўхшайди», деб ўйлади у. Қамоқхоналар тупроғини ялайвериб тўйиб кетган бу «меҳрибон»нинг кўнгли нима учун ийиб кетганини у яна уч-тўрт кундан кейин билади. Ҳозир эса... Худога шукр қилади. «Худо тавбамни қабул этди», деб кўнгли таскин топади. У қўлларига кишан солинганидан бошлаб Худони тилдан қўймайди. Дам тавба, дам муножот қилади. «Гуноҳим бўлса кечир», дейди. Ҳа, айнан шу сўзлар учади тилидан. «Ё яратган Эгам, мен гуноҳкор бандангман, билиб-билмай қилган гуноҳларимни кечир», демайди. «Гуноҳим бўлса кечир», дейди. Ҳаром-

хариш юриб, еб-ичганларини гуноҳ эмас, одатий яшаш тарзи деб билади. Зино қилаётган пайтда Худони эсламаган эди. Қўлларига кишан тушиши билан ёдга олди. «Шайтон васвасаларидан қутқар» деб сўрамаган эди, «қамоқдан қутқариб ол» деб нолалар қилди. Бировларнинг ҳаққини еганида бу дунёнинг ҳисоб-китобли эканини унутган эди, қамоқ зиндонида хотирлади. «Нафс балоларидан қутқар», деб сўрамаган эди, «зиндон азобларидан қутқар», деб фарёдлар қилди. Емоқнинг қусмоғи борлигини билмагандай юрди, тепки зарбидан қайт қилганида бу ҳақиқатни англагандай бўлди. «Нафсимни ўлдир», деб сўрамаган эди, «ўзимни ўлдирма», деб таваллолар қилди.

Банданинг ҳоли шу: гўё у ёки бу ишнинг гуноҳ эканини билмагандай юраверади. Боши деворга урилиб, зарба туфайли кўзларидан учқунлар сачраганида Тангрини эслайди. Сўнг «гуноҳларим бўлса кечир», дейди. Шундай дегани ҳам катта гап. Баъзан «Э Худойим, қайси гуноҳларим учун мени бунчалик қийнайсан?» деб зорланиб ҳам қўяди. «Ҳаромдан сақлансам эдим, нафсимни тия олсам эдим, бунчалар хорликка йўлиқмас эдим», деб ўзини айбламайди. Билъакс, «Фалончи мендан кўпроқ еган эди, бегона тўшакларни мендан кўра кўпроқ гуллатган эди. У ялло қилиб юрибди, мен эсам бунда хорман», деб Худони адолатсизликда айблаб ҳам қўяди. Ҳар бир одам ўз амалининг асири эканига эса фаҳми етмайди.

Дунё бамисли бирданига кўкариб тезда қуриган далага ўхшашини, эҳтиётсизлик қилинса бу манзара кишини алдаб қўяжагини, алдангач эса, бир куни ҳаёти сарғайиб сўла бошлагач, маъюс ва ғамгин бўлажагини англамайди. Дунёни фоҳишанинг қучоғидай тотли деб ўйлайди. Дунёнинг ботқоқ юзасини қоплаган ўтлоққа ўхшашини, ўйламай ташланган ҳар бир қадам ботқоққа ботиражаги мумкинлигини фаҳм этмайди.

Турсунали шундай бандалардан бири. У марҳамат сўраб Худога кўп ёлворади. Аммо иймон калимаси билан

юмшамаган тилдан учган бу ёлборишлар қабул бўлармикан, валлоҳи аълам?! Инсонларни саломатга, саодатга эриштирувчи ягона нарса иймондир. Бани Одам ҳар қандай ёмонликни фақат иймон билангина енгажагини ва ҳар бир зафарга фақат иймон билан эришажагини англаб етмоқ шу қадар мушкулми? Дунё тўплашга етган ақл бу ҳақиқатни тушунишга келганда қосирлик қиларми? Ёки буни фаҳм эта олмасликка қалбларнинг муҳрлангани сабабми экан?

Турсунали бир муттаҳамнинг алдов сўзларига маҳлиё бўлиб «Худо менга марҳамат қилди», деб ўтирибди. Нодон банда билмайдики, бу одамнинг рўпара бўлгани — гуноҳларига яраша ваъда қилинган ажрларнинг давомидир. «Гуноҳим нима эди?» деб янада баттар йиғлатадиган дақиқаларнинг дебочасидир.

Тангрининг марҳаматига эришмоқ осон эди. Нафсни тиймоққа куч топса, сабр эта олса, кунни шукр билан ўтказса бас эди. Бу унга оғир туюлиб, янада машаққатлироқ, азоб оролига етакловчи йўлни танлади. Ҳамонки шу орол насиб этган экан, ўзи пиширган ошни ичмоқдан ўзга чораси йўқдир!

Турсунали Мурикнинг ширин сўзларига маст бўлиб ўтирганида пастдаги каравотда ётувчи «қўшни»си бехосдан «Аблаҳ, мараз!» деб қичқириб юборди. Сўнг қўлидаги мактубни пора-пора қилиб йиртди. Кейин эса дуч келган нарсани тортқилаб, ирғитаверди. Бунга ҳам қаноат қилмай каравотни маҳкам чангаллаганича силкита бошлади. Атрофдагилар «ҳай-ҳай»лаб ушлаб қолишмаганида Турсуналининг тепадан ерга қулаши аниқ эди.

Чорасиз одам жойига ўтириб йиғлай бошлади. Дунёдаги энг аянчли нарса балки эркакнинг йиғлашидир. Қамоқ лагерларида эса тез-тез учраб тургани учунми аянчли туюлмайди. Кундузлари буталар панасида, тунлари эса ёстиққа ҳасратларини тўккан тарзда йиғлаш одатий ҳол. Лекин бу чорасиз одам каби ҳўнграб, елкалари силкиниш даражаси йиғламоқ камёб ҳодиса. Шу сабабли ҳам «Нима бўлди, нега додлаяпсан?» деб сўра-

гувчилар топилди. Чорасиз одам аввалига қўл силтаб қўйиб жавоб бермади. Дам ўтмай кўз ёши дарёси қуриб, ҳасрат денгизи эса тоша бошлагач, дардини айтди:

— Хотиним мендан ажрашибди. Аблаҳ, ифлос! Ахир мен уни севардим. Мен уни деб ўтирибман бу ерда. Одамни мен босмаганман. Рулда унинг падарлаънати укаси эди. Машинамни яширинча олиб чиққан экан, ҳайвон! Хотиним «ёлғиз укамни қутқариб қолинг», деб ялинса, мен лақма бўйнимга олиб ўтирибман.

— Укаси ёлғизмиди?

Чорасиз одамнинг талвасасини энсаси қотган тарзда кузатаётган Қўтос шундай деб унга яқинлашди.

— Ҳа, биттагина укаси бор эди.

— Эри-чи? Эри нечта эди?

— Тушунмадим, ўртоқ, бу нима деганингиз?

— Укаси битта, аммо эри битта эмас экан, демоқчиман.

— Ундай деманг, биз бир-биримизни севар эдик.

— Бурнингни арт! Ҳе, мишиқи! — Қўтос шундай деб ҳеч бир кутилмаганда тарсаки тортиб юборди. Зарбнинг зўридан чорасиз одам ёнбошлаб қолди. Тарсакидан қаноатланмаган Қўтос унга қараб тупурди.

— Сен ҳам эркакман, деб юрибсанми? Бир-бирини севар эмиш! Билиб қўй, «севгилим!» деб қучоқлаганида хаёлида сен эмас, кетворган ўйнаши туради. Ҳезалак! Хотинларни сенга ўхшаган ҳезалаклар бузади. Эплаш қўлларингдан келмаса нима қиласанлар уйланиб?! Шу ҳолларингга яна кўнгилларинг бегоналарни ҳам тусайди. Сен ҳам борармидинг бегонага? — Юзини силаб ўтирган чорасиз одам индамади. — Борардинг. Бегона билан ўпишаётганингда хотинчанг ҳам бегона билан айшини сурарди. Сенларнинг ҳаётинг мана шунақа ахлат. Хотининг сени қўйган бўлса нима бўпти? Бу ерда ўлиб кетмасанг, чиқиб, бошқасини топасан. Юзта эр кўриб тўймаган шилта бир ишваси билан кўзингга қиздек кўринадию, тамом, унга уйланасан. Бир-бирларингни севиб юраверасанлар. — Қўтос шундай деб чорасиз одамнинг

оёғига тепди-да, сўкинганича нари кетди. Солиқни вақтида тўламаган маҳбуснинг масаласини ҳал қилишга кирган Қўтос ишни пишитиб, чиқиб кетгунича биров лом-мим демади.

Бу ердаги бемаъниликларга, бекордан бекорга сўкишлару уришларга кўникиб қолган Турсунали чорасиз одамнинг калтаклангани боисини тушунмади. Ҳар қандай шароитда ҳам ўзини четга олиш тинч ҳаётини таъминлаяжагини англаб етган Турсунали яна жойига чиқиб ёнбошлади. Чорасиз одам эса йиғламасираб, ўзича бир нималар деб ўтираверди. Унга дардкаш топилмади. Олам-олам дардни елкаларида ортмоқлаб юрган одамларга бегона дарднинг ҳожати бор эканми? Шулар каби Турсунали ҳам ўз дардининг асири эди. Ҳозирги воқеа сабаб бўлиб, кўз олдига хотини келди. Шу пайтга қадар «хотиним мен билан ажралиши мумкин», деган фикр хаёлига келмаган эди. Одатда эр хотинни қўйгувчи эди. Хотин «жавобимни беринг», деб сўрагувчи, эр жаноблари эса ҳушларига келса талоқ хатини бергувчи эдилар. Ажиб замоннинг ажиб қонунларини қарангки, энди хотин эрни қўядиган бўлибди. Яна «қамоқдаги эримни қўйдим», деса қонун ҳам «хўп» деяверар экан. Турсунали шунисига беш кетмади. Ҳозир кафтларини болиш қилиб шифтга тикилиб ётар экан, «Битта аҳмоқнинг гапига кириб Матлуба ҳам ажралишса-я?!» деган фикр хаёлига урилиб даҳшатдан сапчиб кетаёзди. Даврини суриб юрган кезларида хотини «жавобимни беринг» деб қолса, кўп ҳам таранг қилмаган бўларди. Матлуба баъзан нолиб қолса «Чидасанг шу, чидамасанг тўрт томонинг Тошкент» деб ажралишга шама қиларди. Ҳозир эса «ажраш» деган сўз уни даҳшатга солди. «Йўқ, ажрашадиган бўлса ўйнаш билан тутганида ташлаб кетарди. У мени яхши кўради», деб ўзига ўзи тасалли берди. «Яхши кўрарди...» — «Биз бир-биримизни севардик...» — «Билиб қўй, «севгилим!» деб қучоқлаганингда хаёлида сен эмас, кетворган ўйнаши тураді!...» — «Бегона билан ўпишаётганингда хотинчанг ҳам бегона билан айшини суради...»

Бу гапларни эслаб Турсуналининг юраги увишди. Шу пайтга қадар хотини бегона эркак билан дон олишмоғи мумкинлигини ўйлаб ҳам кўрмаган эди. «У ҳам тирик жон, унда ҳам нафс бор. Шайтон уни ҳам васвасага солади», деган фикрдан узоқ эди. «Ўйнаш билан нафсни қондириш эркакка ярашади. Хотин ўз эрига садоқатли бўлмоғи шарт!» — Турсуналининг бу соҳадаги фалсафаси шундан иборат. У ўзининг бузуқлигини хиёнат деб ҳисобламаган, агар биров унга «бу қилиғинг оила деб аталмиш оппоқ, покиза дастурхон устида балчиққа ботган оёқлар билан юришдир», деса заҳарли жилмайиб «Бу йигит учун айб эмас, йигит кишига қирқта хотин оз», деб қўйган бўларди. Агар ўша одам «Бир жувонга қирқ эркак оз», десами, «Жинни экансан!» деб сўкиб бериши аниқ эди.

«Бегона билан ўйнашаётганингда хотинчанг ҳам...»

«Йўқ, — деди Турсунали ўзига ўзи, — Матлуба бунақа ҳаромдан ҳазар қилади...»

«Ҳаромми бу иш? Сен ўзинг нима учун ҳазар қилмадинг?»

Кимдир шундай деб қулоғи остида пичирлагандай бўлди.

Ғойибдан берилган бу саволга жавоб қайтара олмади. Чунки ҳаромдан нима учун ҳазар қилмаганини ўзи ҳам билмас эди. Шаҳарга тушган кезлари маишат қилган дамларида кўз сузиб турувчи офатижонлар устидан пул сочган онларида буларнинг фоҳиша эканини, кечагина ёки бир соатгина муқаддам бошқа бир эркак кўнглини овлаганини, эртага ёки бир неча соатдан сўнг бу аҳвол такрорланаяжагини, унга «жонгинам» деб чўччаяётган лаблар ўнлаб ёки юзлаб эркакка ишва қилгани ва қилажагини ўйламас эди. Нафсни қондиришдан ўзга нарсани билмасди. То захмга чалингунига қадар пала-партиш юрди. Сўнг танлайдиган бўлди. Танлагани қурсин! Пул эвазига ўзини сотувчи аёлнинг яхши-ёмони, тозасию ифлоси бўларканми?! Оқ ит билан қора итнинг фарқи бўлмаганидек, буларда фарқ йўқлиги, барчаси «фоҳи-

ша», «бузуқ», «шилта»... каби «унвон»лар билан хорланишини унинг оқсоқ фаҳми идрок қила олмас эди.

Иштони йўқнинг ҳадиги чўпдан, деганларидек, ўзи ботқоққа ботгани ҳолда, покиза одамнинг этаги лой эмасмикан, деб гумонсираши қизиқ. «Йўқ, бегонага яқинлашмоққа ҳаққи йўқ!» деб ҳукм чиқармоғи унданда қизиқ. Уйидаги покиза тўшакка ўйнашини бошлашдан ҳазар қилмаган одам «ҳаромдан ҳазар қилиш» хусусида ўйлагани янада қизиқроқ.

Хотинининг кўрпа-тўшакларни куйдириб ташлаганини билиб, «бунақа аҳмоқ хотин дунёда ягона бўлса керак», деб ўйлаган эди. Ҳозир ўша воқеани эслаб, юраги эзилди. «Бу маллавойнинг хотини бошқа. Матлуба ҳаромдан ҳазар қилади», деган фикри қатъийлашди. Соғинган қалбига бир илиқлик югургилади. Аммо... бу қалбнинг тўри Нафисага бўшатиб берилган эди. Манфий ва мусбат булут парчалари яқинлашганида яшин чақнагани мисол юраги бир санчди. Ҳаромга ўрганган кўнгил покиза ҳисларга ўрин бермоқни ихтиёр қилмади. Нафс тарозисининг Нафиса турган палласи босиб кетаверди.

Қўтоснинг ҳозирги гапига қадар хотинини гумон қилмаган, бировдан қизғанмаган эди. Бироқ... Нафисани қизғанарди. Уни дўстига «ошириб» юборганидан кейин, ҳатто ошнасидан ҳам қизғанадиган бўлди. Самандар оғушида ишва қилаётган Нафиса кўз олдига келса баданига муз югурарди.

Райком тахтини эгаллаш учун йўл очилганида «ўйнаш ҳақидаги маълумот тўғаноқ бўлиши мумкин», деган огоҳлантиришдан сўнг Нафисани дўстига «узатган» эди. «Гилам сотсанг қўшнингга сот, бир чеккасида ўзинг ўтирасан», деганлари шу-да! Хотиндан куйган Самандар хотинидан ажрашиб дўстига арзи ҳол қилганида Турсунали қулай фурсат келганини фаҳмлаб, кайфи ошиб чулдираб қолган ошнасига Нафисани рўпара қилди. Нафиса йиғлади, таранг қилди, сўнг тайинли бир эрга, яна тўғри Москва билан гаплашадиган олим эрга эга бўлишини англагач, кўнди. Самандар эрталаб бир қизнинг «қизлик но-

мусига» тегиб қўйганини билиб, қўрқиб кетди. Қўрқитишмаса ҳам бу гўзал жувонга уйланишга жон-жон деб кўнаверарди. Хуллас, «гилам қўшнига сотилди», «бир чеккасида роҳат ила ўтирмоқ» эса давом этди. Бироқ, «гилам эгаси нима учун гиламда ўтиради?» деган ҳасад қалбини ёндираверди. Аслида «гиламни» сотмаса ҳам бўларкан. Райкомга олиб боради, деб фараз қилинган йўл алдамчи экан, чиройли жилва қилаётган бу йўл бирдан қоронғулашди-ю, тахтга эмас, зиндонга рўпара қилди...

Битта қозонда икки қўчқорнинг калласи қайнамайди, деганлари балки муболағадир. Қозон катта бўлса ўнта калла ҳам қайнар. Аммо битта юрак икки аёлга бир хилда меҳр-муҳаббат бера олмаслиги аниқ. У қалбини хотини Матлубага тўлиқ бўшатиб беришни истаса ҳам, ҳаромлик булоғидан сув ичишга кўниккан нафс талвасага тушиб, Нафисани унутишга йўл қўймайди. «Матлубадан нима кўрдинг? Тўғри, аввалига тотли эди, кейин чайнаб ташланган туршакнинг ўзи бўлди-қолди. Эгов эмасмиди у? Ҳар куни умрни эговламас эдими? — дер эди нафс балоси. — Нафиса-чи? Бу дунёнинг лаззатини ким берди? Нафиса! Нафиса бор жойда жаннатни орзу қилишнинг ўзи кулгили эмасми? Мингта Матлубани тўпласанг биттагина Нафисанинг тўшакдаги тўлғонишига етмайди...» Шундан сўнг кўзларини юмиб, ўзини Нафисанинг қучоғида кўрарди. Ҳаммасини унутарди: аҳли аёли, фарзандларини ҳам, Худонинг балоларига учраганини ҳам, бундаги азобларни ҳам...

Шундай бўлиб келган эди. Ҳозир, хотинидан тириклайин ажралиб пиқиллаб ўтирган нотавоннинг аламли ноласи уни сергак торттирди.

«Бу азоблардан қутулиб боргач, сени кутиб оладиган ким? Матлуба! Болаларинг!.. Сен улардан бошқа яна кимга кераксан? Ҳеч кимга! Қариганингда шулар асқотади. Сенга бир бурда нонни шу фарзандлар беради. Ўлганингда шулар олиб бориб кўмади. Сендан бошқа эр бўлганида сабр-тоқати учун Матлубага ҳайкал қўярди...» Нафс пинакка кетган пайтларда ожиз виждоннинг пичирлаб айт-

ган бу сўзларни энди сал қувватга киргандек бўлди. Аммо фалакнинг гардиши бир айланиб, «Мулла Турсунали, биз хато қилибмиз. Сиз айбсиз экансиз, озодсиз», дейилсами, қанот чиқариб уйга учарди. Учардию... икки-уч ҳафтада яна нафс қурғур Нафисаси сари етаклаб борармиди...

«Эй Одам фарзанди! Мен Аллоҳдурман. Бандаларни ўз қудратим билан яратдим, бас, кимларгадир яхшиликни ирода қилиб яхши хулқни бериб қўяман. Кимларгадир ёмонлик бўлишни ирода қилсам, унга ёмон хулқни бераман»* дейилуви бесабаб эмас. Аммо Одам боласига туғилганидаёқ ёмон хулқ берилмас, валлоҳи аълам. Бу ҳол шайтонга майлини берганларгагина насиб этгувчи. Дерларким, агар Одам боласи учун иш улуғ мартаба, иш ҳақи эса арзимас даражада бўлса, унинг олий жаноби меҳнатдир, аниқроқ баён этилса бу меҳнатни яратгувчиси Тангридир. Агарчи У учун иш иккинчи ёки қуйироқ даражада, иш ҳақи эса муҳимроқ ёки олийроқ мартабада экан, демак, У иш ҳақининг қулидир. Иш ҳақининг хожаси эса шайтон экан, шайтонларнинг ҳам энг тубани экан. Ёшлик чоқларидаёқ ана шу энг тубан шайтонга муҳаббат қўйган Турсуналига яна қандайин хулқ насиб этмоғи мумкин эди? Зулмнинг ҳар туридан тотиб кўраётган бандага бу ҳақиқатни англамоғи учун яна қанча муҳлат керак, яна қанча синовлар даркор?

«Хотиним менга вафо қиларми ёки йўқми?» деган хавотир билан уйқуга кетган Турсуналини яна бир зулм ўз қучоғига олмоққа ҳозирланар эди.

«Сен-да мусулманин, мен-да мусулманин...» деган гаплари билан Турсуналининг меҳрини қозонган «меҳрибон» тушлик чоғида унга яқинлашди. Кулимсираб келаётган Мурикни Турсунали ўрнидан туриб қарши олди. Замоннинг ҳукмини қарангки, илгарилари фақатгина ўзидан устунлар билангина ўрнидан туриб саломлашадиган,

---

*«Ҳадиси Қудсий»дан.

юқори лавозимдагилар телефон қилишадиган бўлишса, овозларини эшитибоқ ўрнидан тура қуллуқ қилганича гаплашадиган одам энди бир тубан ўғридан эҳтиромини дариғ тутмаса...

Турсуналини елкасидан қучган Мурик «Земляк, аҳволлар ничук? Орқамдан юр, муҳим гап бор», деб пичирлаб, атрофга аланглаб олгач, бутазор томон бошлади. Турсунали ҳам беихтиёр равишда аланглаб қўйиб, унга эргашди. Қор босган бутазорда юриш оғир эди. Шундай бўлса ҳам Турсунали таканинг изидан борувчи нодон қўй сингари эргашаверди. «Гапингни шу ерда айтавер», демади. «Тенгиз эплай олмаётган ишни балки шу қойиллатар, мени ошхонага жойлаб қўяр», деган умидли ўй бўйнига сиртмоқ бўлиб тушган, сиртмоқ учини эса Мурикнинг қўлига тутган эди.

Мурик кутилмаганда тўхтаб, орқасига ўгирилди.

— Қалай, земляк, қизишиб олдингми? — деди у тиржайиб.

— Ҳа... энди... — деди Турсунали нима дейишни билмай.

— Сен золотой одамга ўхшайсан, земляк, сени бир яхши кўриб қолдим. — Мурик шундай деб отини эркалаган чавандоз каби Турсуналининг юзига енгил шапатилади.

Бу қилиқ Турсуналига эриш туюлиб тисарилди.

— Земляк, сен золотой одам экансан, — деб такрорлади Мурик унга қаттиқ тикилиб. — Сенинг ёрдаминг керак. Агар ёрдам қилмасанг бир одам хор бўлиб ўлиб кетиши мумкин.

— Мен... кимга.. қандай ёрдам қилишим мумкин?— деб ажабланди Турсунали.

— Арзимас ёрдам... тўртта ёки бештагина сўз айтсанг кифоя.

— Қанақа сўз?

— Қандай сўз дейсанми? — Мурик шундай деб унинг юзига яна енгил шапати урди. Бу сафар Турсунали орқасига тисарилишга улгурмади. Шапатилаган панжа уни

кекирдагидан олди. — Земляк, менинг бир ошнамга пул керак. Бўлмаса ўлади.

— Менда пул йўқ, — деди Турсунали унинг қўлига ёпишиб. Шу онда Мурик тиззаси билан унинг нозик ерига тепиб, букчайтириб қўйди. Сўнг ихранаётган ўлжасининг ўзига келишини кутиб, сигарет тутатди. — Земляк, бу ерда пулинг йўқлигини биламан. Аммо уйингда анча пулинг қолган. Беркитган ерингни шу пайтгача ўзингдан бошқа ҳеч ким билмас эди. Энди бу сирга иккаламиз эгалик қиламиз. Мен ўғил болача иш тутаман: ҳаммасини олмайман, ярмиси ўзингга қолади. Ўзингни қийнамай қаерга яширганингни айт. Ҳозир билмасдан тиззам тегиб кетди. Билиб тепсам, ёмонроқ бўлади. Қани, айта қол.

— Нимани?

Бу савол Мурикка ёқмай, бир сўкинди-да яна кекирдакдан олди. Тизза зарбидан ҳали ўзига келолмаётган Турсунали хириллади, ранги оқара бошлади. Мурик унинг аҳволини сезиб, кекирдагини қўйиб юборди-да, юзини силади:

— Сен золотой одамсан, земляк. Билиб қўй, шу пайтгача ҳеч ким менинг бир гапимни икки қилмаган. Мен сенинг изингдан шу ергача келдим. Аҳмоқ бўлиб қайтиб кетмайман. Сен эса... ё пулларингни қайга беркитганингни айтасан ёки баҳоргача шу ерда ётасан. Омадли одам бўлсанг, баҳорда суякларингни йиғиштириб олиб кўмишар. Худонинг қарғишига учраган бўлсанг сен хунасага шу ҳам насиб этмайди. Қани, ечин.

— Нега?

— Негалигини кейин биласан.

Турсунали яланғоч ҳолда музлаб ўлишни тасаввур қилиб, даҳшатдан титраб кетди.

— Айтаман, — деди у жон талвасасидаги одамнинг овози билан.

— Золотой одамсан демадимми?! Сени ўлдириш ҳайф. Қани, айт.

— Қишлоқда...

— Фақат «молхона тагига кўмилган», дема. У ер кавлаб ташланган.

Бу гапни эшитиб Турсунали ҳайратдан қотиб қолди. «Қаёқдан билади?» деб ўйлади. Қўлига кишан урилган дастлабки кунларда, дастлабки сўроқларда шундай деб алдаган, сўнг бунинг эвазига роса тепки еган эди. Ўлим хавотирида турган Турсунали ҳозир шуни эслади. Аммо «бу ўшаларнинг шеригими?» деган гумонга бормади. Молхонани айтишга оғиз жуфтлаган Турсунали учун бу огоҳлантириш дуруст бўлди.

— Ҳожатхонада ҳам дема, у ерни титадиган аҳмоқ йўқ. Бўл, айт. Билиб қўй: алдасанг, ит кўрмаган азобларда ўласан. Бу — бир. Уруғинг билан қурийсан, бу — икки. Тушундингми? Болаларинг ҳам ўзингга ўхшаб ўлади. Ўзинг биттагина бола бўлган экансан. Сендан ўша биттаси ҳам қолмайди.

Ўлим талвасаси, айни чоғда нажот умидидаги Турсуналининг кўз олдига Тенгиз келди. «Нима қилиб бўлса ҳам ўшанга етиб олсам бўлди», деган хаёлда яна бир марта алдашга қарор қилди. Бу ҳолда ҳам нафс ғолиб чиқди. Ўзининг жони эмас, ҳатто болаларининг жони эмас, беркитилган бойлигини сақлаб қолиш илинжи устун келди.

— Ҳозир айтаман, — деди Турсунали унга нажот назари билан боқиб.

— Айтасан, айтмай қаёққа ҳам борардинг. Сен билан биз мусулманинмиз, земляк. Бир-биримизни суяб-қўлламасак, хор бўлиб ўлиб кетамиз. Бойлик йўқ бўлиб кетадиган нарса. Сен бу ерлардан чиқиб боргунингча беркитган пулларинг чириб адо бўлади. Эрта-индин Горбач пулни алмаштирса, бундан баттар бўлади. Сен золотой экансан, земляк. Тўғри йўлни танладинг: пулинг ҳам чиримайди, ўзинг ҳам бу ерларда чириб қолиб кетмайсан. Уйингга соппа-соғ кириб борасан. Пул дегани нима, биласанми? — Мурик шундай деб Турсуналининг билагидан ушлади-да, кафтига сигарет кулини қоқди. Сўнг пуфлаб, бу кулни тўзитди. — Тушундингми, земляк?

Энди ўзингга келиб олгандирсан, а? Бўла қол, таранг қилмай, айт.

«Бунинг орқасидан эргашиб келганимни Тенгизнинг одамлари кўрмадимикин? Ёрдамга келиб қолишмасмикан?» деган илинждаги Турсуналининг атрофга жавдирашини кўрган Мурик заҳарли тарзда тиржайди. У мамнун эди. Мурик турли жойларда, турли ҳолатларда, турли бойлардан пул ундирган, лекин бунақанги вазият, бунақанги одамга биринчи дуч келиши эди. Шу пайтгача ҳеч ким биргина тепки зарбидан бундай ҳиқиллаб қолмаган эди. Киевга «гастрол»га борганида Абрамович деган зиқнани тўрт кечаю тўрт кундуз темир қувурга кишанлаб, оч қолдириб, тепкилаганда ҳам айтмаган, тўрт кеча-кундуз нажот кутиб яшаган. Бешинчи куни ўлиб кетишига кўзи етгач, айтган эди. Бу одамга эса биргина тепки кифоя қилди. «Булардан қайси бири ақллироқ? — деб ўйлади Мурик, сўнг ўз қаричи билан ҳукм қилди: — Шуниси ақлли. Қийналиб жон бергандан кўра, бойликни осонгина бериб қўя қолгани дуруст...»

Мурик «Пул қўлнинг кири, пул чирийди, пулни Горбач алмаштиради...» деб ўлжасининг кўнглига ғашлик солгандай эди. Агар беркитилган бойлик қоғоз пулдан иборат бўлганида Турсунали бу қадар талвасага тушмасми эди. «Ўғилболача иш қиламан, ярмини оламан», дейди. Тиллаю жавоҳир, дуру гавҳарни кўрганда ким ярмига қаноат қилар экан? Турсуналини айблаш балки ноўриндир: бойликни пешана тери билан топмаган бўлса-да, тиллаю жавоҳирнинг жилоси юрак томирларига кўз илғамас нурлар билан уланган эди.

— Энди ҳаддингдан ошма, — деди Мурик унга тарсаки тушириб. — Золотой одам яхши гапнинг чегарасини билиши керак.

— Ертўлада... тўсинларнинг белига қўйилган еттита устун бор. Ўртадаги устуннинг тагида... — Турсунали шундай деб ютиниб қўйди-да, қассоб қаршисидаги қўзичоқ ҳолатида Мурикка мўлтиллаб қаради. «Қассоб» эса «ҳозир сўяйинми ёки яна пича семиришини кутайинми?» деган

каби унга тикилди. Сўнг бир қарорга келиб, чўнтагидан буклама пичоқ чиқарди-да, тугмасини босди. «Айтдиму қутулдим, жоним фойдага қолди», деб кўнглига хотиржамлик оралаётган Турсунали пичоқни кўриб, қўрқиб кетди.

— Ечин, — деб буюрди Мурик, совуқ оҳангда.

— Айтдим-ку! — деди Турсунали жон ҳолатда.

— Шу гапингга ишонадиган аҳмоққа ўхшайманми мен?

— Рост айтдим, гапим рост, ахир!— Турсунали йиғламсиради. — Нега ишонмайсиз? Устуннинг тагида чуқурча бор. Чуқурчада икки қават ёғоч қопқоқ бор.

— Сен тирик одамнинг терисини қандай шилишганини кўрганмисан? — Турсунали бу саволга жавобан жавдираганича бош чайқади. — Кўрмагансан, — деди Мурик пичоқни букиб, чўнтагига солгач. — Агар алдасанг — кўрасан. Уч-тўрт кун ичида кўрасан. Терингни шилиб, би-ир роҳатланаман. Унгача бировга чурқ этмайсан. Оғиз очишинг билан курагингнинг тагида шу пичоқни кўрасан. Бўлди энди, бор.

Турсунали қутулгани ростлигига бир ишониб, бир ишонмай изига қайта бошлади. Уч-тўрт қадам босгач, орқадан Мурикнинг овози келди:

— Земляк, иштонинг ҳўл бўлганга ўхшайди, алмаштириб ол, яна шамоллаб қолмагин. Сен менга тириклайин кераксан, — у шундай деб ҳиринглаб кулди. Турсунали орқасига қарамади.

У Мурикни алдамаган эди. Чиндан ҳам ертўладаги устун остида сандиқча бор эди. Аммо бу сандиқча бўш эди. Аниқроқ айтилса, бу сандиқча бир неча ҳафтагина асқотди — бойликларни бағрида яширди. Лекин Турсуналининг кўнгли тўлмай, тўплаганларини бошқа жойга кўчирди. Ҳозир ертўлани айтишга айтди-ю, «бунинг одамлари уйга борар, сандиқчани топиб очар, сўнг алданганларини билиб, хотинимни сиқувга олишар, болаларимни қийнашар», деб ўйламади. Унинг учун ҳозир энг муҳими — ўз жонини қутқариш эди. Нияти амалга ошиб, Худога шукр қилган тарзда жойига қайтди. Маҳкумлар овқат-

ланиб бўлишиб, ишга тарқалишаётган эди. Турсунали жавдираган нигоҳи билан Нуриддинни қидирди. Тушликдан аввал уни Пачоқбурун чақириб кетган эди, ҳали ҳам қайтмабди.

Турсуналининг қўллари ишда, кўзлари эса Нуриддиннинг йўлида бўлди. Мурик икки марта унга яқинлашиб «Ҳорма, земляк, чарчамаяпсанми?» деб кетди. Нуриддин иш охирлай деганида пайдо бўлди. Баракка қайтар маҳалларида Турсунали унинг енгидан аста тортиб, паст овозда:

— Тенгизни тез кўришим керак, — деди.

— Олиб борайми? — деди Нуриддин.

— Йўқ, бехит жойда кўришим керак. Анов янги келган одам ишкал чиқаряпти.

Нуриддин «янги» деганингиз ким?» деб сўрамади, чунки у гап ким ҳақида бораётганини дарров англаб етди. Нуриддин «қандай ишкал чиқаряпти?» деб ҳам сўрамади, чунки Тенгиз огоҳлантиргандаёқ шу одамнинг бир балони бошлашини фаҳмлаган эди. Лекин айнан Турсунали атрофида ўралашаётгани унга янгилик бўлса-да, ортиқча саволга ҳожат сезмади. Кечки овқат пайтида Тенгиз кўринмади. Шу сабабли Қўтоснинг ёнидан ўтаётиб «Князга зарур гапим бор», деб қўйди. Қўтос унга қарамаган ҳолда «тушундим» дегандай бош ирғади. Ўша кеч «политбюро»нинг йиғини белгиланган эди. Шу боис Тенгиз Нуриддинни йўқлатмади. Пачоқбурун уни эртасига, нонуштадан сўнг чақирди.

Қор бўралаб ёғаётганига қарамай Тенгиз одатини канда қилмаган — гулхан яқинидаги ўрнини эгаллаган эди. Бошига, елкаларига қўнган қорга қараганда у жойида кўпдан бери ўтирар эди.

Тенгиз Нуриддиннинг саломига алик олиб, унга қўл узатди. «Кел, Ҳамзат, ўтир», деб рўпарасидаги тўнкани кўрсатди.

— Нима бўлди?

—Янги одам Турсунали акага илакишиб қолибди. Бир ишкал чиқармоқчига ўхшаётганмиш.

— Ҳа... илинибди-да.. — Тенгиз шундай деб жилмайди. — Узумни йиғиштирадиган пайт келибди... Шу қорда ҳам узум йиғиштириладими, деб ҳайрон бўляпсанми? Бизда ҳикмат бор: бир ўргимчак қарасаки, узумзорда капалаклар кўп эмиш. Дарров тўрини тўқиб, овга киришибди. Узум пишган пайт экан. Боғбон узум узишни бошлабди-ю, ўргимчакни тўрларига қўшиб пачоқлаб ташлабди. Ўргимчакда нафс бор эди-ю, ақл йўқ эди, тадбир йўқ эди. Чўмичвоїї ўша ўргимчакка ўхшаган аҳмоқ. Турсунали аканг эса капалакка ўхшаган аҳмоқ.

— Чўмичвой?.. — Нуриддин кулимсиради. — Лақаби қизиқ экан. Ким ўзи у?

— Ким бўларди, бизга ўхшаган бир қул-да... Гапим ёқмади, а? Хўп, сенга ўхшамаган, менга, ҳамтовоқларимга ўхшаган бир қул. Сен эса озод одамсан. Пичинг қилаётганим йўқ. Чиндан ҳам ҳурсан. Шунинг учун сени яхши кўраман, сенга ҳавасим келади. Сен Эпиктет деган одамни эшитганмисан? Уни кўпчилик билмайди. Дунёда шунақа файласуф ўтган. Ленинградда ўқиб юрганимда унинг китоби қўлимга тушиб, эсимни тескари қилиб юборган эди. Битта фикрини айтиб берайми? — Тенгиз шундай деб иягини силади — гўё калаванинг учини топиб олмоқчидай ўйланди-да, синиқ овозда давом қилди: — «Дерларки, Инсон учун энг улуғ дунёвий неъмат — унинг озод ва ҳурлигидир. Агар озодлик неъмат экан, озод инсоннинг бахтсиз бўлмоғи мумкин эмасдир. Агар сен бахтсиз инсонга дуч келсанг, қайғу-ҳасратда ёнаётганига гувоҳ бўлсанг билки, у ОЗОД ЭМАСдир. У шубҳасиз, ким ёки нима томонидан эзилгандир. Агар озодлик неъмат экан, озод инсон аблаҳ бўла олмайди. Агар сен бир одамнинг бошқалар олдида паст кетаётганини, лаганбардорлик қилаётганини кўрсанг билки, у озод эмасдир. У бир қулдир. У бўйнини қуллик сиртмоғига тутиб, бунинг эвазига бир товоқ овқат ёки бирон мансаб, ёки шунга ўхшаш бирон нима ундирмоқ истайди. Ким озроқ манфаатга эришибди, демак, озроқ хушомад қилибди. Зўрроқ хушомад билан эса каттароқ бойликка эришади. Озод одам ҳеч

бир тўсиқсиз эгалик қилиш мумкин бўлган нарсага эгадир. Ҳеч бир тўсиқсиз нимага эгалик қилиши мумкин? Фақат ЎЗ-ЎЗИГА! Агар сен одамнинг ўз-ўзига эгалик қилмай бошқаларга ҳам ҳукм ўтказмоққа жазм этганини кўрсанг билки, у озод эмасдир. У бошқаларга ҳокимлик қилишни истадими, демак, у ўз истаги, нафси қулидир...»

Тенгиз шундай деб бошини эгди. Қўлидаги косов билан гулханни титди. Олов бағридан алам билан отилиб чиққан ҳисобсиз учқунларни қор зарралари ютди. Тенгиз ҳозир бир неча дақиқага ўғрилик ботқоғини руҳан тарк этиб, талабалик дунёсига, файласуф бўлиб етишмоқ орзусидаги йигитнинг покиза оламига қайтган эди. Нуриддин уни бу ҳолатда аввал кўрмагани сабабли ажабланганича ўтираверди. Унга бирон сўз айтиш ёки айтмаслигини ҳам билмади.

— Бу оддий гапларга ўхшайди, — деди Тенгиз бошини кўтариб. — Лекин уни тушуниш осон эмас. Амал қилиш эса, мушкул... жуда ҳам мушкул. Биз... ўғрилар, ўзимизни озод инсонлар деб ҳисоблаймиз. Бу нисбий тушунча. Аслида эса Эпиктет ҳақ — биз қуллармиз!.. Ана энди ўйлаб кўр: бу дунёда озод инсон кўпми ёки қулми? Мен Чўмични аҳмоқ ўргимчакка ўхшатдим. Аслида биз ҳам ўша аҳмоқ ўргимчакларнинг биримиз. Фақат қайси боғбон қандай янчиб ўлдиришини билмаймиз. Бизнинг қисматимиз шу — бошқача бўлиши мумкин эмас... Шунақа гаплар ҳам бор бу дунёда, ошнам. Акангга айтиб қўй, талвасага тушмасин. Чўмични тинчита оладиган ақлимиз бордир.

Нуриддин суҳбат якунланганини англаб, ўрнидан турди. Ярим соатдан сўнг Пачоқбурун Турсуналини бошлаб келди. У келгунига қадар Тенгиз ўрнидан туриб, эгнига қўнган қорни қоқиб, гулхан яқинида у ёқдан-бу ёққа юрди. Унга Мурикнинг мақсади оз бўлса-да аён эди. Собиқ совхоз директоридан нимани исташ мумкин? Пул. Балки Гобелян унга шу ишни топширгандир? «Уч ҳарф»дан олган вазифаси-чи? «Бу қанжиқ ҳамма ёқни чигаллаштириб ташлади-ку?» деб ғижинди Тенгиз. Калаванинг

учини топа олмай юраги сиқилаётганда Турсунали яқинлашиб, салом берди.

— Нима гапинг бор? — деди Тенгиз саломга алик олмай.

Бундай қўрсликларга кўникиб қолган Турсунали жойида қотиб, атрофига қўрқув аралаш бир аланглаб олди.

— У мени ўлдирмоқчи бўлди, — деди мискинлик билан.

— Нега ўлдирмади?

«Нима учун ўлдирмоқчи эди», деган саволни кутган Турсунали жавобга тараддудланди.

— У «бойликни қаерга яширдинг?» деб зуғум қилди.

— Хўш, айтдингми?

— У ёқда бойлик қолмаган ўзи...

— Сени Гобелян сўроқ қилганми?

— Ҳа.

— Бойлигинг қаердалигини унга айтганмисан?

— Бўлса айтаман-да.

— Қанжиқ сени нега ўлдирмади?

— Унга айтдим.

— Демак, бор экан-да? — Тенгиз шундай деб унга ғазабли нигоҳини қадади.

— Ўзи йўқ, бўлса сизга айтмасмидим. Унга айтган еримда сариқ чақа ҳам қолмаган. Мени қутқариш учун хотиним ҳаммасини совуриб, адо қилган.

— Бойлигинг қолмаган бўлса, нега қақшаяпсан? Нимадан қўрқяпсан?

— У мени ўлдирмоқчи.

— Ўлдирса савобга қолади.

— Нега, ахир?.. — нажот умиди билан келган Турсунали совуқ тарзда айтилган бу гапни эшитиб бир сесканди. «Шартга биноан сиз мени ҳимоя қилишингиз керакку!» демоқчи бўлди-ю, даъво қилишга тили бормади — қўрқди. «Нега, ахир...»дан нарига ўта олмади. Даъвосини айтолмаган бўлса ҳам, Тенгиз унинг мақсадини англади.

— Сени унинг чангалидан қутқаришим керакми? Калланг жойидами?! У сен билан учрашиш учун атай бўйнини

сиртмоққа тутиб берган. Бекордан бекорга қамаладиган боламас у. Бир нарсанинг исини сезмаса изингдан тушмас эди. Шу бугундан бошлаб шартни бекор қиламан. Тўлайдиган солиғинг ҳам ўзингга сийлов. Эрта-индин уйингга одам бориб, айтган ерингни титади. Ҳеч нарса тополмаса хотин, бола-чақангни ўлдиради. Кейин ўзинг бу ерда ит азобида ўласан. Шунақа бўлгани дуруст. Сен аҳмоқни ҳимоя қилганим учун мен ўғрилар орасида иснодга қоламан. Йўқол, кўзимга кўринма.

— Нега ишонмайсиз? — Турсунали шундай деб йиғлаб юборди.

Тенгиз «ўл бу кунингдан!» дегандай афтини буриштирди-да, бурилиб нари кетди. Тўрт-беш қадам юриб, гулхан яқинидаги тўнкага ўтирди.

Турсунали нима қиларини билмай гангиган ҳолда туриб қолди. Ёрдамга ишонган эди, нажотни Яратгандан эмас, шу йигитдан кутган эди. Ҳозир ҳам умидининг сўнгги ипларини шу одамга боғлади. Агар ҳозир бир мўъжиза юз бериб, Тангри-таоло айтсаки, «Эй Одам боласи, мен бутун оламларнинг яратувчисиман, сен ҳам бандасан, у ҳам бандамдир. Нажотни кимдан кутасан?» Нодонлик, жаҳолат чодирига тамоман буркалиб олган, кўз нурларини, ақл-фаросатини шайтон алайҳилаъна ихтиёрига буткул топширган бу банда ҳеч иккиланмай иккинчи бандани кўрсатар эди. (Астағфируллоҳ!)

У аста юриб, ҳўнграб йиғлаган ҳолида Тенгизга яқин келди-да, ёнида тиз чўкди. Шу ёшга кириб бирон марта бўлсин Яратганига сажда қилмаган банда хорлик либосига ўралиб, иккинчи бир банда ёнида тиз чўкди. Тенгиз тўғри айтган эди: эркакнинг бу қадар хорланишидан кўра ўлиб кетавергани минг карра афзалроқ.

— Мени қутқаринг. Ўлгунингизча қулингиз бўлайин.

Тенгиз салгина бурилди-ю, унинг ёнағига мушт туширди. Марҳамат кутиб тиз чўккан Турсунали бу зарбдан чалқанчасига йиқилди.

— Мишиғингни арт, ҳе хунаса! — Тенгиз шундай деб кафтига қор олиб ишқади. — Қул бўлармиш... Сендақа

эркакни моягидан осиб қўйиш керак. Эркакман, деб юриб-санми ҳали... — Тенгиз хумордан чиққунича сўкиб, унга қараб тупурди. — Оилангнинг эҳтиётини қиламан. Улар емаган сомсаларига пул тўлаб юришмасин. Сен билан ишим йўқ. Йўқол!

«Ҳамманг бир гўрсанлар! Ҳамманг аблаҳсанлар! Ҳаммангни қириб ташлаш керак! Уруғларингни ўйнатиб ташлаш керак!» — Турсуналининг хаёлини шундай ҳайқириқ тўзитди, аммо бўғзи ғу нидони тилга кўчишига йўл бермади. Тенгизнинг салгина ён босгани унга далда бўлиб, ўрнидан турди. Раҳмат айтиб, изига қайта бошлади. Ўн қадамча босиб тўхтади-да, нажот кўзлари билан орқасига ўгирилиб, Тенгизга қаради. «Кел, бўпти, ўзингни ҳам ҳимоя қиламан», деган гапни кутди.

Иш жойига қайтиб, қўлига болта олди. Амал курсисини эгаллаб, райком тахтига йўл кўрсатган ақли энди жонини сақлаб қолиш йўлини аниқлашга ожизлик қилаётган эди. Юзлаб одамларнинг нонини яримта қила олган тадбирлари бу ерда ўлимтик аҳволга тушди. Ақл ҳам, тадбир ҳам унга хиёнат қилди. Ақл, тадбир деганлари шайтон измида бўлгач, ўзгача оқибат кутиш мумкинми?

Беихтиёр равишда дарахт шохларига болта урар экан, қутулиш чораларини излайди. Аммо сонсиз капалак сингари тўзиган фикрлари ўзига бўйсунмайди. Шайтоннинг бурчи уни жар ёқасига етаклаб келмоқ эди — вазифасини адо қилди. Қадамини бир қаричгина нари ташласа кифоя. Шу пайтгача шайтоннинг меҳри булоғидан сув ичиб, қувват олган ақли уни асраб қола олармикан?

Бу ақл унга ягона нажот йўлини кўрсата бошлади.

Нажот — ЎЛИМ! Қандай гўзал манзил! Бу азоблар, бу хорликлар биратўла барҳам топгуси. Биргина ҳаракат кифоя, бир неча нафас кифоя. Яна икки-уч кунми, иккиуч ҳафтами азобланиб яшамоқдан кўра, ҳозироқ ўлим топгани яхши эмасми!

О, ғофил банда! У дунёда бу ердагидан юз, балки минг чандон ортиқроқ азоб ҳозирлаб қўйилганини фаҳм этсами, ўлимга бу қадар интилмасми эди...

Ҳозир эса... сўнгги нажот йўли унга афзал кўринаверди. Энди фаҳми етганича ўлимнинг тез ва осон турини излай бошлади. Нима қилсин: шу қўлидаги болта билан пешанасига қарсиллатиб бир урсинми? Миясининг қатиғини ўйнатиб юборсинми? Шу фикрда болтанинг тиғига қаради. Беихтиёр равишда тиғ устига бармоғини қўйди. Тиғ назарида ўтмас бўлиб туюлди: болта уриш фикридан қайтди. Ўзини осиш, томирини кесиш... барчаси оғир туюлди. Шу аснода пешинга қадар ғимирлаб юрди. «Бу кўргуликлардан кўра ўлганим минг марта яхши», деган тўхтамга келди-ю, аммо ўзини ўлдирмоққа куч топа олмади.

Пешиндан кейин эса... Пачоқбурун пайдо бўлиб, уни овлоққа бошлади. Турсунали қор юзасидаги бир томонга қараб кетган изларни кўриб, кўпчилик ўтганини фаҳмлади. Бироқ «кўпчилик тақдиримни қандай ҳал этар экан?» деган жумбоққа жавоб топа олмади. Бутазор оралаб анча ичкарилашгач, сайҳонликка чиқишди. Турсунали бу ернинг қатл майдончаси эканини кейинроқ билди.

Устидаги пахталиги ечиб ташланган Мурик кўйлакчан ҳолда майдонча ўртасида турарди. Икки оёғининг тўпиғидан боғланган арқон учларини икки йигит маҳкам тутганича таранг тортган эди. Мурикнинг орқа томонидан Кошак, рўпарасидан Тенгиз, сал наридан эса Қўтос жой олган эди. Учовлари майдончада пайдо бўлган Турсуналига олдинма кейин қараб қўйишди.

— Сен ўзингни бургут деб ўйловмидинг? — деди Тенгиз Мурикка юзланиб. — Ана, чангал солмоқчи бўлган ўлжанг келди. Мурикжан, сени ким ўғрилар оиласига тавсия этган, ким қабул қилган, билмайман-у, аммо униси ҳам, буниси ҳам ўзингдан баттар аҳмоқ эканига юз фоиз ишонаман. Ўғри деган сал ақллироқ бўлиши керак. Бу ерларнинг хўжайинлари бизлар эканимизни яхши билардинг, а? Билиб туриб бизнинг ерларда ов қилмоқчи бўлдингми? «Булар бир лақма, оғзига пашша қўндириб ётишади», деб ўйладингми? Умуман фикрингда жон бор.

Мен лақма бўлсам керак. Кошак, сен-чи? Сен ҳам лақмамисан?

Кошак хохоллар тушуниши мумкин бўлган тарзда бир сўкинди-да, Мурикнинг гарданига мушт туширди. Оёқлари боғланган Мурик учун ана шу зарбанинг ўзи кифоя қилди — юзтубан йиқилиб бир неча дақиқа ҳаракатсиз ётди.

— Сузишни билмасанг нима қилардинг ўрдак овлаб. Қани, тур, туққан хотиндек ялпайиб ётма.

Мурикнинг бу ётиши айёрлик чегарасидан нарида эди. Бундан олдинги муштларнинг зарбалари қўшиб ҳисобланса, унинг аҳволига ачиниш ҳам мумкин. Не афсуски, мазкур олам онгидан одам жонига ачиниш, аяш каби тушунчалар ўчириб ташланган. Алҳол, Мурикнинг ҳолига ачинмоқ ҳам ноўриндир. Чунки «қайтар дунё» деганларку!

Мурик қорга юзини босиб, пича ором олди. Тенгизнинг гаплари қулоғига киргунига қадар давом этган бир неча лаҳза танга озгина роҳат берса-да, руҳи азобдан чирқирайверди. У Гогикнинг таклифига учган онларини эслаб, уни ҳам, ўзини ҳам лаънатлади. Гобелян нима учун Гогикни бу ишга жўнатмаганини Кошакнинг биринчи муштидан кейиноқ тушуниб етди. Ҳаммасини ўйлаган эди, режа қилган эди. Ўғрилар нафратига учраши аниқлигини ҳам билган эди. Фақатгина жазонинг бу қадар тез келиши ва оғир бўлишини ҳисобга олмаган эди.

Яна пича ором олиш мақсадида ўрнидан қимирламагач, товонидан тепки еди. Шундан сўнггина қаддини кўтара бошлади.

— Валерий Иванович, сен бургутнинг ўрдак овлаганини эшитганмисан?— деди Тенгиз Қўтосга қараб.— Эшит, бу қизиқ ҳангома. Бир нодон бургут... Қара-я, бургутларнинг ҳам нодони бўлар экан, ўша нодон бургут ўрдак овламоқчи бўлибди. Энди ўрдакка чанг соламан, деса ўрдак шартта сувга шўнғиб кетармиш. Шунда бургут астойдил қасд қилиб ўрдак томон ўқдек учибди.

Ўрдак бу сафар ҳам сувга шўнғиган экан, «энди қутулиб бўпсан!» деб у ҳам шўнғибди. Ўрдак эса сув юзасига чиқиб, қанотларини ёйибди-ю, учиб кетибди. Бургут эса сувга бўкиб ўлибди. Қалай, Валерий Иванович?

— Нима демоқчисан? Шу итпашшани бургутга ўхшатяпсанми? — деди Қўтос энсаси қотиб.

— Йў-ўқ, Валерий Иванович, келиб-келиб шуни бургутга ўхшатаманми? Бу жонивор ўз номи билан Мурик! Сен эса буни итпашшага ўхшатяпсан. Итпашшаларни ранжитма. Валерий Иванович, ҳар ҳолда улар орасида қанжиқлари йўқдир.

Мурик қаддини ростлагач, Тенгиз бармоқлари учи билан унинг иягини ушлади-да, бошини Турсунали томон бурди:

— Хўш, бу лақмада нима ишинг бор эди?

— Ёлғиз ўзингга айтаман, — деди Мурик.

— Хилватда ачомлашиб турадиганларга ўхшаб гапингни қулоғимга айтасанми? Кошакка ишонмайсанми? Ё Валерий Ивановичдан ҳадиксираяпсанми? Уларни қанжиқ деб ўйлаяпсанми?

Бу гаплардан сўнг Кошак яна мушт ҳозирлаган эди, Тенгиз бир имо билан уни тўхтатди.

— Ноз-ишваларингни ҳали трамвайга қўйганимизда қиларсан, — деб давом этди Тенгиз, — қани, айт!

— Булар бой бўлишади, — деди Мурик, — озгинасини баҳам кўрсин, девдим, ҳаммасини олмайман, дедим.

— Қаерга беркитган экан?

— Молхонада...

Мурик шундай дейиши билан Тенгиз унинг қорнига муштлади. Сўнг йиқилиб тушмасин, деб сочларини чангаллаб, бошини кўтарди.

— Бунчалар аҳмоқ бўлмасанг, сен хунаса! Бу лақма сенга айтганини бизга айтмайдими?

— Гапимни охиригача эшитмадинг, Княз! — деди Мурик иҳраниб. — «Молхонага яширганман» демагин, дедим унга. Кейин... айтди... Ертўлада экан...

— Гобелян билан қанақасига келишгансан?

— Учдан бирига. Бири Гогикка, бири унга. Бу ишга мени Гогик тортди. Қанжиқ дейиладиган бўлса, ўша ғирт қанжиқ. Мени эмас, уни ўлдириш керак.

— Сени ким ўлдирмоқчи бўляпти, Мурикжан?.. Гогикнинг эса ўз ҳисоб-китоби бор. Сен унинг тақдири учун қайғурмай қўявер. Сен бизга иккинчи топшириғингни айт.

— Аввалги куни ўзингга айтганман. Менинг билганим шу.

— Улар нима учун сени танлашди?

— Билмайман. Менинг билганим: яна уч-тўртта одамга буюрилган. Ҳар хил лагерларда одам танлаяпти. Уларнинг кимлигини билмайман. Княз, қўрқитяпти, деб ўйлама. Аммо менга бир нарса бўлса, улар сени тинч қўйишмайди.

Тенгиз тисланиб, Турсуналини чақирди-да:

— Сени урдими? — деб сўради.

Турсунали Мурикка хавотир билан қараб секингина «Ҳа», деб қўйди.

— Қандай урган бўлса, сен ҳам шундай ур. Ҳаққинг қолмасин. Борадиган ерига қарзсиз борсин. Қани, лалайма, ур!

Турсунали бу гап чинми ё ҳазилми эканини билмай, гангиб қолди.

— Ҳой, ит! Сенга айтяпти, ур! — деб буюрди Кошак.

Турсунали шунда ҳам журъат этмагач, Тенгиз сўкиниб, болдирига тепиб қолди. Турсунали бу зарбдан бир мункиб тушди-ю, ўзини тезда ўнглаб олди. Сўнг буйруқни бажармаса ўзига ёмон бўлишини англаб Мурикнинг юзига тескари шапалоқ туширди.

— Мурикжан сен шундай урганмидинг? — деди Тенгиз. — Анча ишдан чиқиб қолибсан-да. Ҳезалакчасига урадиган ўғри ўғрими, а Кошак? — Саволга жавобан Кошак заҳарли тиржайди. Тенгиз эса Турсуналига қаради: — Шу битта шапалоққа ичинг ўтиб кетдими? Кошак, бўш вақт топиб сен бунга уруш қанақа бўлишини ўргатиб қўйишинг керак экан.

Кошакнинг бўш вақти ҳозирга тўғри келиб, буйруқ ижросини ҳаяллатмади. Тиржайган ҳолда Турсуналига яқинлашди. Ўнг қўли билан юзини силаб турди-да, чап қўли билан бехосдан қорнига муштлади. Турсунали букчайишга улгурмай, мушт еб уч қадам нарига учиб тушди. Тенгиз тепишга чоғланиб бораётган Кошакнинг йўлини тўсди:

— Биринчи дарсга шу ҳам етади. Энди Мурикнинг пичоғини олиб бер. Чўмич, сен ўғрилар оламига заррача фойда келтирмагансан. Шундай бўлса ҳам ҳақиқий ўғри сифатида ўлишингга имкон берамиз.

— Княз, ундай қилма, ўзингга ёмон бўлади! — деб хитоб қилди Мурик жон аччиғида.

Тенгиз унга ўқдек нигоҳини қадаб жим қолди. Мурик айтмаса ҳам ўзига қийин бўлишини яхши билади. Мурикни ёллаб, вазифа юклаганлар унинг ўлимига ачинганлари учун эмас, балки топширириқ чала бажарилгани учун ҳам ғазаб отига минадилар. Илоннинг думи босиб олинса чақади, дейдилар. Аммо илон баъзан чақолмаслиги ҳам мумкин экан. Лекин Мурикни ёллаганлар чақмасдан қўйишмайди. Кечаги «политбюро» йиғинида кутилажак бу ҳолат ҳам назардан четда қолмаган эди. «Шундай қилиш керакки, илон кимни чақишни аниқ билмай чалғисин», деган тўхтамга келган «политбюро» чалғитиш йўлини излаб топишни Тенгизга юклаган эди.

Кеча Мурик Турсуналини овлоққа бошлаганидаёқ Тенгизга хабар етган эди. Тенгиз биринчи «суҳбат» «дўстона» бўлишини билгани учун уларнинг изидан одам жўнатмади. У учун энг муҳими — Мурикнинг Турсуналига қопқон қўйиши. Нуриддин Тенгизни йўқлаганида «политбюро» айнан Мурикнинг тақдирини ҳал қилаётган эди.

Тенгиз аввалига ўлимнинг яхши усулини топгандай эди. Мурикка «ҳеч кимдан гумон қилманглар, жонимдан тўйиб ўзимни осяпман», қабилида хат ёздириб олмоқчи эди. Ҳозир бошқа дурустроқ усул хаёлига келиб, дастлабки фикридан қайтди.

— Мурикжан, ақлли бола пичоғини ўзи олади. Сен ақллисан, а? Кошак, тўхта, унга тегма. Сен ҳам пичоғингни ол.

— Шу итпашша билан олишаманми? — деди Кошак норози оҳангда.

— Мен сенга пичоғингни ол, дедим. Олишасан, демадим, — Тенгиз Кошак узатган дудамани олиб, чўнтагидан рўмолча чиқарди-да, яхшилаб артди. Кейин чўк тушиб ўтирган Турсуналини чақирди: — Ҳой, лақма, бу ёққа кел. Тирик қолишни истасанг, ўзингни ҳимоя қил. Ма, ушла!

Турсунали пичоқ эмас, заҳарга тўла, чақишга шайланиб турган чаён узатилаётгандай сесканиб кетди. Бош чайқаб, ярим қадам тисланди.

— Мен умримда... одам ўлдирмаганман, — деди ғудраниб.

— Сенга одам ўлдир, демадим. Ўзингни ҳимоя қилгин, деяпман. Ё ўласан, ё ўлдирасан, бошқа чоранг йўқ.

Кошак орқасига ўтиб, юмшоқ ерига бир тепгач, Турсунали беихтиёр равишда пичоққа қўл узатди.

— Ҳа, ўғил бола, шунақа бўлсин. Мурикжан, ана, ҳаётинг ўз қўлингда.

— Княз, айт, оёқларимни ечишсин.

— Э, йўқ, сен профессионалсан, Мурик, бу эса бир лақма. Эркак бўлиб бугун қўлига пичоқ оляпти. Бизни қизиқ томошадан маҳрум қилма, Мурикжан, — Тенгиз шундай деб бир арқоннинг учини ўзи қўлга олди. — Қани, Чўмич, бургутмисан ё итпашшамисан, бошла!

Мурик Тенгизга қараб олди-да, сўнг гангиб турган Турсунали томон қадам ташлади. Аввалига арқонни бўш қўйиб бердилар. Мурик уч қадам юргач, кутилмаганда сапчиб, Турсуналига ташланди. Яхшики у мўлжални сал ноаниқ олди — ўлжасига озгина етмади. Аммо пичоқнинг учи Турсуналининг иягини тилишга улгурди.

— Ҳой, ит! Нимага қараб турибсан, ур! — деб бақирди Кошак Турсуналини туртиб.

Ўлжасига етолмай юзтубан йиғилган Мурик Турсунали томондан ҳамла кутиб, тезгина ўрнидан турди. Турсунали эса пичоқ уриш ўрнига тисарилмоқчи бўлди. Аммо орқасида турган Кошак унга йўл бермади.

Шу пайтгача томошабин каби четда турган Қўтос Турсуналига яқинлашди:

— Ўлгинг келмаётган бўлса ташлан. Бу ерда икковингдан биринг ўлишинг шарт. Қўрқма. Одам ўлдириш сен ўйлагандай оғир иш эмас. Даҳшат ҳам эмас. Сен энг яхши кўрган одамингни кўз олдингга келтир, сен ўша яхши кўрганинг учун яшашинг керак.

Энг яхши кўрган одами... Ким бўлиши мумкин? Хотинимми? Болаларимми, ё... Нафисасимми?.. Ҳозир уларни ўйлайдиган аҳволда эмас эди у. Ҳозир ўз жонини сақлаб қолишнигина ўйларди. Бу бежиз эмас, чунки энг яхши кўрган одами — ЎЗИ эди.

Мурик эса Тенгизнинг гапига иконий, жонини сақлаб қолиш учун астойдил ҳамла қилар эди. Оёғи боғланмаган бўлганида дастлабки дақиқадаёқ Турсунали нақ энасини кўриши аниқ эди.

Гангиб, довдираши чекингани билан қўрқув ҳали Турсуналини тарк этмаган эди. Бир неча соатдан бери ўзини ўлдириш фикрида юрган одам энди ўлимдан қўрқаётган эди. У қоронғу лаҳаддаги гувалага бош қўйиб ётишдан (ажаб! Бу ерда ўлса лаҳад ҳам, гувала ҳам насиб этмайди унга), сўнг бўлажак ҳисоб-китобдан, кейин эса нақд қилиб қўйилган қабр азобларидан, сўнг Қиёмат кунидаги аянчли тақдиридан эмас, бу алдамчи дунё ҳаётини ташлаб кетишдангина қўрқарди.

Мурик навбатдаги ҳамласида йиқила туриб Турсуналининг пахталигини тилиб юборишга улгурди. Шундан сўнг Тенгиз арқонини ташлаб, Турсуналига яқинлашди.

— Ўлгинг келмаяптими? — деди паст овоз билан. — Яшашни хоҳлайсанми? Тўғри қиласан. Кел, савдони пишириб қўя қолайлик: тарозининг бир палласига жонинг, иккинчисида яшириб келган бойлигинг турибди. Қайси бирини танлайсан? Фақат бойлигим йўқ, деб минғирла-

ма. Бу эски ашуланг жонимга тегди. Мен балки аҳмоқдурман. Аммо Гобелян аҳмоқ эмас. Бир нарсанинг исини олмаса, шунчалик овора бўлмайди. Мен сени қийнагим келмаяпти. Агар хоҳласанг оёғингдан осиб қўйишим мумкин. Мурикжан эса товонингдан бўғзинггача тилиб бир роҳатланади. Агар хоҳласа терингни шилиб, туз сепиб қўйиши ҳам мумкин.

Бу гап Мурикнинг кечаги пўписасини эслатиб, ростдан ҳам териси шилиниб туз сепилгандай бадани қақшаб кетди.

— Хўш, қайси бири маъқул сенга? Бойликни сен меҳнат қилиб топмагансан. Сенга барибир буюрмайди. Ҳатто бизга ҳам буюрмаслиги мумкин. Бойлик ўзи шунақа бўлади. Бировга вафо қилмайди. Бойлик нима, биласанми? Нозанинга айланган бир аждаҳо. Қип-яланғоч нозанин кўринишида қўйнингга киради. Вужудинг роҳатланади. Кейин эса аслига — аждаҳо ҳолига кириб ўт пуркайди, ҳамма ёғингни куйдиради. Сен, аҳмоқ эса яширганингни ҳали ҳам нозанин деб ўйлаяпсан. Сенда калла йўқ, у аллақачон аждаҳога айланиб бўлган. Бу ердан тирик қайтганингда ҳам сени нозанин қучоғига олмайди. Аждаҳо барибир куйдириб ўлдиради. Мен сен аҳмоқни аждаҳодан қутқармоқчиман. Қани, айт!

Турсунали ўғридан бунақа маънили гап кутмагани учун ажабланди. Тенгиз эса унинг пичоқ ушлаган қўлини маҳкам чангаллаб, тиғни биқинига тиради. «Бир силтаса, тамом, — деб ўйлади Турсунали. — Жон ҳам кетади, мол ҳам бировларга қолади. Гапи тўғри бу ўғрининг. Ҳид олишгандан кейин топмасдан қўйишмайди. Буниси бўлмаса бошқаси изимдан искаб юраверади. Падарига лаънат! Отлар топиб, эшаклар ейдиган замон экан. Ўша бойликни тўплайман, деб бошим балоларга қолди. Энди ҳам тинчитишмаса айтай, балодан қутула қолай... Сўзида турмаса-чи? Эртага шартни бузаман, деб турса-чи? Нима бўлса ҳам пешанамдан кўрдим. Айтаман...»

Шу қарорга келиб, айтди. Тенгиз диққат билан эшитди. «Алдамаяпсанми, алдасанг — ўласан!» деб пўписа

қилмади. Кошакка қараб бир им қоқди-да, четга чиқди. Мақсадни англаган Кошак жун қўлқопни кийди-да, тиз чўкиб ўтирган Мурикдан пичоқни тортиб олиб, Турсунали томон юрди. Турсунали нима гап бўлаётганини фаҳмлашга улгурмади. Кошак тиржайганича унга яқинлашди-да, чаққон тарзда энгашиб, болдирига пичоқ урди. Турсунали «оҳ! деганича қўлидаги пичоқни ташлаб юбориб, болдирини чангаллади.

— Дод дема, тўйгача тузалиб кетади, — деди Қўтос унга қараб кулиб.

Кошак эса Турсунали ташлаган пичоқни ўнг қўлига олди-да, бу манзарадан ажабланиб ўтирган Мурикка яқинлашиб оёқларини керганича тиржайиб турди. Сўнг чап қўлидаги тугмали пичоқни унга узатди. Мурик пичоғини қўлига олиб ўрнидан тураман, деганида Кошак унинг бўғзини тилиб юборди. Фаввора бўлиб отилган қон қор юзини бирпасда қизилга бўяди. Кошак эса, Тенгизга қараб тиржайиб қўйгач, Мурикнинг бўғзини кесган пичоқни Турсуналининг ёнига ташлади.

Йигитлар Мурикнинг оёғидаги арқонни ечиб олишгач, барчалари бир зумда ғойиб бўлишди. Турсунали бу ерда қолиши хавфли эканини англаб, судралганича изига қайта бошлади. Лекин кўп юролмади. Югуриб келаётган соқчилар қўлига тушди.

Иккинчи баён: фаржом

ДУНЁ МАНЗИЛИНИНГ ОХИРИ

Нафисани қарғадилар:

— Ўйнаши билан ётган экан, шарманда! Ўлдирган одам савобга қолибди...

Санжарни лаънатладилар:

— Суюқоёққа илакишиб юрган экан, йигит ўлгур. Тўрт боласи кўзига кўринмабди-да...

Бу гапларга, хулосаларга ҳали фурсат бор.

Ҳозир эса... милиция телефони жиринглайди. Навбатчи лейтенант қулоғига тутади. Сўнг хирилдоқ овозли одам «Алло, қизимни ўлдириб кетишибди», дейди-ю, ҳўнграб йиғлайди. Ўзини йиғидан тўхтатолмаган тарзда манзилни аранг маълум қилади.

Жиноятга оид қидирув бўлимининг инспектори капитан Омонулло Йигиталиев тиш оғриғидан эзилиб ўтирганида унга икки одамнинг ўлдирилгани ҳақидаги хабарни етказдилар. «Дўхтирга кириб келаверсам бўларкан», деб ўйлади у маълумотларни ёзиб олгач. Омонуллонинг айрим ҳаракатларига қараб ҳайрон қолиш мумкин. Қуролли жиноятчига юзма-юз бўлишдан, отиб ташлар ёки пичоқ урар, деган хавотирдан йироқ бу одам эм игнасидан қўрқарди. Тиш табиби-ку унинг кўзига Азроил каби кўринар, назарида у тишни эмас, жонни суғуриб оладигандай бўларди. Икки кундан бери жағ тиши зирқирайди. Икки кундан бери мўъжиза кутади: оғриқ ўз-ўзидан тўхтар, деб умид қилади. Бу тун оғриқ забтига олганда «тонг отиши билан бориб шартта суғуртириб ташлайман», деб қасд қилди. Тонг отди. Аҳдига вафо қилиб тиш табибига борди. Аммо унинг шижоати, дадиллиги табиб хонасининг остонасига қадар етди. «Бирпас нафасимни ростлай», деб ўзини ўзи алдаб, оромкурсига ўтирди. У каби «ботир»лар ҳали табибга етиб келмаган, қабулхонада унинг ўзи тиззаси қалтираган ҳолда ўтирарди. Табиб қия очиқ эшикдан қараб-қараб қўйиб, охири остонага келди-да, «менга кирмоқчимисиз?» деб сўради. Омонул-

ло беихтиёр равишда бош чайқаб, «йўқ» деди. Сўнг ажабланган табибга қараб «ўртоғимни кутяпман», деб изоҳ берди. Назарида табибни кўриши билан тиш оғриғи тўхтагандай бўлди. Табиб жойига қайтиши билан у ўрнидан турди. Худди табиб яна қайтиб, «қани бу ёққа юр-чи», деб зўрлайдигандай тез-тез юриб ташқарига йўл олди. Ишхонасига етиб келиши билан оғриқ яна ўз зулмини ўтказа бошлади. Ана шу пайтда телефон жиринглаб, уни қотиллик содир бўлган манзилга даъват қилди.

Омонулло прокуратура вакили билан уй йўлагида учрашди. Дум-думалоқ кўзлари кибр билан боқувчи, сочлари силлиқ таралган, сарғиш қалдирғоч мўйлови ўзига ярашмаган бу йигитни шаҳар прокуратурасида дастлаб кўрганида «иш билан келган ашулачи бўлса керак», деб ўйлаган эди. Иккинчи марта кўрганида ким экан, деб суриштириб, кимнинг ўғли эканини билгач, «ишқилиб шунга рўпара бўлмай», деб ният қилган эди. Ўшанда фаришталар тескари дуо қилишганми, мана, бугун унга рўпара бўлиб турибди. Омонулло ўзидан анча ёш бўлган бу йигитдан салом кутиб янглишди. Унга яқинлашиб, ўзини танитди.

— Мен шаҳар прокуратурасиданман. Мэлс Абдуллаевич Хўжаев, — деди йигит қўл узатиб.

— Танийман сизни, — деди Омонулло илтифотсиз оҳангда.

— Ишни менинг назоратимда юритасиз, — деди Мэлс унга буйруқ оҳангида.

Агар тиши зирқираб турмаганида энсаси қотганини яширмай, одатига хилоф қилмаган тарзда «қулингиз бўлайин», деган мазмунда пичинг тоши отиши тайин эди. Ҳозир бу олифтага шу пичингни ҳам раво кўрмай қошини чимириб қўя қолди.

Зинадан кўтарилишган сайин димоқларига ёмон ҳид урилиб, кўнгилларини беҳузур қила бошлади. Омонуллога бундай ҳид таниш. Сасиб ётган мурдаларни биринчи кўриши эмас. Мэлс Хўжаевнинг эса кўнгли беҳузур бўлиб чўнтагидан рўмолча чиқариб бурнини беркитди.

«Бунақа ишга энди рўпара бўлишидир, — деб ўйлади Омонулло. — Лекин бу олифталигига қараганда юзинчи марта рўпара бўлса ҳам бурнини жийираверади. Бунақа йигитларга дўконда қизларнинг сийнабандини сотиб ўтириш ярашади».

Омонулло ўз ақли, билими билан ўқиб, ишда ҳам ўз фаросати, тажрибасига суяниб юргани учун «фалончининг ўғлиман ёки жияниман», деб тирговичлар ёрдамида ўқиган, суянчиқлар кўмагида ишлаб, «нодир мутахассис» сифатида амал поғоналарига кўтариладиган нусхаларни ёқтирмас эди. Мэлс Хўжаевни шу тоифадан деб билиб, ҳали унинг ақлу фаросатидан хабар топмаёқ, энсаси қотди. Беписанд тарзда «ишни менинг назоратимда юритасиз», дейиши фаросат даражасини ўлчаш учун кифоя қилди. Ирий бошлаган мурдалар ётган хонага кираётиб Омонулло «Эй Худо, шу думбулбойваччага рўпара қилгунча қолган ўттизта тишимни ҳам оғрита қолсанг минг марта яхши эди», деб қўйди.

Эркакнинг мурдаси ҳаммом эшиги остонасида, аёлники эса ошхонада ётарди. Мэлс Хўжаев эркакнинг мурдаси устидан ҳатлаб ошхонага ўтди-да, суратга олаётган кишига қараб:

— Мурдаларни жойидан жилдирмадингизми? — деб сўради.

Бу саволдан ажабланган суратчи елка қисиб қўйиб, Омонуллога қаради. Унинг ажабланган бежиз эмас: шу соҳада қирқ йилдан бери ишлаётган бўлса, ҳали бирон марта мурдани ётган жойидан жилдирмаган, бошқалардан бу каби танбеҳнамо саволни эшитмаган ҳам эди. Омонулло «хўп деяверасиз-да, энди» дегандай кўз қисиб қўйди.

— Ҳар бир буюмдаги бармоқ изларини олинглар. Қўшниларни сўроқ қилинг. Синчиклаб ишланглар. Мен ўзимда бўламан, кириб ўтарсиз.

Мэлс Хўжаев шундай деб кўрсатмалар бергач, тез-тез юриб чиқди. Турли жиноий ишлар бўйича Омонулло билан бирга иш юритадиган тезкор гуруҳ аъзолари унинг

бу қилиғидан норозиликларини яширмай, бир-бирларига савол назари билан қараб қўйдилар. Омонулло «эътибор берманглар», дегандай қўл силтаб, аёл мурдаси устига чойшаб ёпаётган тиббий экспертга юзланиб сўради:

— Ўлдирилганига уч кун бўлгандир?

— Ҳа, икки-уч кун орасида. Иккови ҳам бир хилда пичоқланибди.

— Бир хилда?

— Ҳа, аниқроқ хулосани ёриб кўрганимиздан сўнг айтаман. Ҳозир олиб кетаверайликми?

Омонуллонинг рухсати билан мурдалар чойшабга ўралиб олиб чиқиб кетилди. Шундан сўнг Омонулло «туман милициясиданман», деб ўзини таништирган йигитдан «ким хабар қилибди, билдингизми?» деб сўради.

— Марҳуманинг отаси. Ичкари уйда ўтирибди. Алам-дан куйиб кетяпти.

— Боласи бўлгандан кейин куяди-да. «Отамлатсанг отамлатгин, бўтамлатмагин», — Омонулло шундай деб беихтиёр жағини ушлади.

— Нима дедингиз, тушунмадим? — деди йигит.

— Шунақа мақол бор, — деди Омонулло оғриқдан афтини буриштириб.

— Тишингиз оғрияптими? Бугун ўзи ғалати кун бўлди. Менинг бошим оғрияпти.

— Тишим оғриганда олдириб ташловдим, — деди Омонулло, йигитнинг изидан катта хонага кириб.

Дераза токчасига тирсагини тираганича бошини чангаллаб ўтирган Тошболта Омонуллонинг овозини эшитиб, орқасига қаради.

— Бандалик экан, отахон, Худо сизга сабр берсин,— деди Омонулло у билан кўриша туриб.

Тошболта яқин одамидан ҳамдардлик сўзларини эшитгандай аввал лаблари титради, сўнг ҳўнграб юборди. Омонулло уни елкасидан қучиб, «бардам бўлинг», деб қўйди.

Тошболта овунгунига қадар хонага назар ташлади: телевизор устидаги сурат унинг диққатини тортди. Гўзал жувон ёнидаги малла одамдан нари қочмоқни ихтиёр этиб,

ўнг томонига сурилмоқчига ўхшаб ўтирибди. Кўзларига бахтиёрлик эмас, лоқайдлик муҳрланган. Малла одам эса гўзал жувонга яқинлашиш истагида бошини у томон сал эгиб олган. «Булар ким бўлди? — деб ўйлади Омонулло. — Ўлдирилган жувонми? Ёнидагиси-чи? Ўлган эркак малла эмасди, ёшроқ ҳам эди...»

— Қизингизми бу? — деб сўради Омонулло, Тошболта йиғидан тўхтагач.

— Ҳа, — деди Тошболта хўрсиниб.

— Ёнидаги-чи?

— У... куёв, эри...

— Эри? Қайси? — Омонулло шундай дейишга деб, ножўя савол берганини дарров фаҳмлади. Яхшики Тошболта гарангсиб турган эди. Йўқса, бу саволни эшитиб «нима демоқчисан? Қизимнинг ўнта эри борми?!» деб бобиллаб бериши тайин эди. Омонулло чалғимаслик учун гапни маромига тўғрилади:

— Демак, бу киши куёвингиз. Ўлдирилган-чи? У ким?

— Танимайман у буқачани! — деди Тошболта зарда билан.

«Буқача? Нега унақа деяпти? Қизининг ўйнашими у? Балки бу одам фақат қизининг ўлимидангина эмас, номус азобидан ҳам эзилаётгандир? Бечора...»

Шу фикрда Тошболтага астойдил ачинди. Ўлим — ҳақ. Ризқ қирқилган экан, илож йўқ. Ота бир кунми, бир йилми куяр, оқибат дард совиб, тақдирига тан берар. Ўз умри шомининг ҳам яқинлашиб қолганини фаҳм этиб, фарзанди билан у дунёда кўришмоқ орзусида яшар. Лекин «ўйнаши билан бирга ўлдирилибди», деган иснод ўти совумас, то жони чиққунига қадар юрак-бағрини куйдириб хароб қилар.

Шундай фикрдаги Омонуллонинг унга раҳми келарди.

О, ғофил банда! Ўз қизига ўлим эшикларини очиб берган зот айнан ана шу одам эканини билсами эди, унга ачинмас, билъакс, нафрат ўқларининг барини унга сочган бўларди.

Дунёдаги одам зотининг қаричи бир-бирига мос келмайди. Бармоқ изларининг ҳам ўхшаши йўқ. Шу каби бахт ҳақидаги тушунчалар ҳам бир-бирига ўхшамайди. Агар бахт ўлчовли нарса бўлса эди, уни ҳар ким ўз қаричи билан ўлчайди, демоқ мумкин эди. Агар бахт кўзга кўрингувчи нарса бўлса эди, уни ҳар ким ўз кўзи билан кўради, десак янглишмас эдик. Айрим одамлар рангни фарқлай олмаганлари каби бахт билан бахтсизликнинг чегарасини билмаїдилар. Машойихлар «Сенга асал бўлиб туюлган асли заҳардир, заҳар бўлиб туюлгани эса асалдир», деб бежиз огоҳ этмаганлар.

Бани Одам фақатгина бахт ёки бахтсизлик нима эканини фарқлай олмаса, унчалик ажабланмаса ҳам бўлар, «фаросатсиз, адашган банда», деб қўйилар. Аммо олтмиш йилга яқин умр кўргани ҳолда нима учун одам бўлиб туғилганини, нима учун яшаётганини, калтакесакдан ёки суваракдан нимаси билан фарқланишини фаҳм этмаса, қандай хулоса қилмоқ мумкин? Балки бундай кимсалар ёруғ жаҳонда оздир? Оз бўлса-да, шуларнинг бири — ҳозиргина ҳўнграб йиғлаб, бўзлаётган ота — Тошболтадир. Балки олам аро ягонадир. Агар шундай бўлса, ўша биттагинаси ҳам шунинг ўзидир.

Омонулло унинг ичини қандайдир дард, қандайдир пушаймон кемираётгандир, деб хаёл қилди. Кишида дард, пушаймон бўлмоғи учун ҳам иймон лозимлигини эса фаҳм этмади.

Илоҳи бандаман, бечорадурман,
Ҳавойи нафс ила оворадурман.
Эрурман барча нуқсонимга иқрор,
*Мусулмон ўғли қилмас ишларим бор...**

Бундай демоқлик учун, бу иқрор ва тавба учун Одам боласига нечоғлик иймон зарур?

---

* Ҳазрат Суфий Оллоҳёрдан.

Омонулло буни билмайди. Аниқроқ айтилса, бундай тушунчадан у ҳам йироқ.

Тошболтадаги иймон даражасини аниқлашга банда ожиз. Бу балки қабрга кирганда, балки Қиёматда аниқ бўлар, валлоҳи аълам...

Айни чоғда у куйиб йиғлади. Шу оқибатга олиб келувчи муқаррар бўлган йўлни ўзи танлаганини эса ўйламасди. «Ҳозир дард ичида шундайдир» дерсиз? Балки... Аммо ҳақиқат шуки, дард совуганидан сўнг ҳам ўйламайди буни. «Қизимга ўзим ўлим ҳукмини ёзганман», демайди.

Турсуналининг ош-овқатини пишириб юрса ҳам кам бўлмас эди. Қўшмачилик қилишига бало бормиди? Ўз қизининг номусини нафси учун қурбон қилувчи оталарни нима учун ер ютмайди экан? Бундайларни ер бағрига олмоқдан ҳазар қилар, оқибатда бундайлардан ҳатто дўзах олови ҳам нафратланар...

Тошболта хожасининг нафси бузуқлигидан фойдаланиб, уни қизининг номуси эвазига жиловлаб олишни хаёл қилган эди. Бунга эришгандай бўлди ҳам. «Бир исқиртга хотин бўлиб кўйлак-иштонларини ювиб юргандан кўра, директорнинг ўйнаши бўлиб, зебу-зарга бурканиб ялло қилиб яшаган афзал» — Тошболтанинг ҳаётдаги фалсафаси шу бўлди. Ажабки, бу «фалсафа» қизига ҳам маъқул келди. Турсуналининг хумор қарашларига маст бўлган қиз отаси кўрсатган йўлга осонгина кирди.

Жилва билан чорлаган бу йўлнинг охирида юрагига пичоқ санчилажагини, қаровсиз ирий бошлаган мурдасини чойшабга ўраб олиб чиқиб кетажакларини ўшанда ўйлаб кўрибдими?

Энди дийдиёдан не фойда? Ҳукм ижро бўлди — қилмишга яраша ажр берилди.

Омонуллога бу хонадон аҳлининг ҳаёти қоронғу. Хонадаги ҳориж жиҳозларининг кўркамлигига қараб туриб «ёмон яшашмас экан», деган дастлабки хулосага келди, холос.

Мурдаларга кўзи тушганида «эр-хотин экан-да», деб ўйлаган эди. Дарвоқе, унга хабар бериб, бу ерга йўлла-

ганларида «эркак-хотин ўлдирилган», дейишган, Омонулло эса буни «эр-хотин» деб тушунган эди. Бу одам эса «буқача» деб турибди. «Демак, ўйнашми? Унда қотил ким? Эрими?.. Хотинини биров билан айш қилиб ётганини кўриб... Балки мана шу отанинг ўзидир? Қизининг қилиғидан исподга қолиб... Улар ўйнашганми?.. Иккови ҳам кийимда... Ҳатто аёл уй кийимида эмас... Балки энди бошлашмоқчи бўлишганда...»

Омонулло ўнг томондаги эшик балки ётоқхонадир, деган фикрда ўша томон юрди. Унинг мақсадини англаган Тошболта «Бу ер менинг хонам», деб изоҳ берди. Бу изоҳнинг замирида «бу хонага кирмаганингиз маъқул» деган мақсад ҳам мавжуд эди. Омонулло бу мақсадни фаҳмлаган бўлса ҳам, эътиборсиз тарзда эшикни очиб, ичкарига бир қадам қўйди: дераза ёнида жавон. Гулдор гилам хонани энлаб турибди. Ўртада учта катта жомадон, иккита бўғча...

— Булар сизникими? — деб сўради Омонулло остонага яқинлашган Тошболтага ўгирилиб.

— Ҳа... бугун йўлдан келдим.

— Йўлдан? — Омонулло ажабланди.— Қайси йўлдан?

— Ошна-оғайнилар билан қўшилиб, Иркутскка борувдим.

— Ўйнаганими?

Омонулло бу ёшдаги одамларнинг Сибир томонларга ўйнагани бормаслигини билса ҳам атай шу саволни берди. Лекин ўзи кутган «Ҳа», деган жавобни олмади. Тошболта жомадонларга хавотир кўзи билан боқди-да:

— Озгина памилдори олиб бордик. Томорқадан...— деди.

— Томорқадан? Томорқа... шу уйдами?

— Бу уйда томорқа нима қилади? Мен бу ерда муқим турмайман. Асли чўлда яшайман. Бу буюмлар меники эмас. Шерикларимники. Ичида нималар борлигини ҳам билмайман.

— Шерикларингиз ким эди?

Тошболтанинг ростдан ҳам шериклари бор эди, уларни номма-ном айтди. Омонулло ён дафтар чиқариб ёзиб

олди. Ёза туриб «ишига пишиқ бу одам. Қизи ўлиб ётган бўлса ҳам, жомадонларини олиб кириб жойлашга ўзида куч топибди. Қойилман... Балки бошқа нарсаларни ҳам жойлаб ташлагандир?..» — деб ўйлади.

— Шерикларингиз уйгача бирга киришдими?

— Йўқ, улар шаҳар айлангани кетишувди.

— Демак, бирор соатлардан кейин келиб қолишадими?

— Ким билади? Балки келишмас, қишлоққа жўнаворишар.

— Буюмлари-чи?

— Буюмлари турса тураверади, сасиб кетармиди?

— Поездда келдингларми ёки самолётдами?

— Самолётда бош айланади, ҳам қиммат. Бизларга поезд дуруст.

— Билетни ташлаб юбормагандирсиз?

—Биз қишлоқи одам, билет-милетни билмаймиз. Параводник билан келишиб келаверганмиз. Кетишда ҳам шунақа бўлган.

— Праводникнинг отини биласизми? Нечанчи вагон?

— Нима, мендан гумон қиляпсизми? Ўз қизимни-я?!

— Кимдан гумон қилишимни ўзимга қўйиб беринг. Эшикни биринчи бўлиб сиз очиб киргансиз, хабарни ҳам сиз бергансиз. Менинг одатим шунақа, ишни шу биринчидан бошлайман. Қайси вагонда келгансиз?

— Еттинчи.

— Куёвингиз қаерда?

— Куёвим... ишда бўлса керак?

— Ишда? Булар ўлдирилганига уч кун бўлган. Куёвингиз уч кундан бери ишдами? Касби нима куёвингизнинг?

— Куёвим олим. Ёз пайтлари бир кун уйда бўлса, ўн кун тоғда юради.

— Геологми?

— Унисини билмадим. Лекигин тўғри Масковнинг ўзи билан гаплашадиган бола. Тагида вертолёти бор.

— Фарзандлари... йўқми?

— Йўқ…

— Турмуш қуришганига қанча бўлди?

— Икки-уч йил бўлди… Қизим унинг иккинчи хотини. Аввалгисидан ажралиб, анча вақт хотинсиз юрган экан.

Омонулло катта хонага, ундан даҳлизга қайтди. Ошхонага қаради. Ҳамма ёқ сариштa. Яқин орада биров бунда чой ҳам ичмаган. Омонулло чап томондаги эшикни очди. Ётоқхона ҳам сариштa. Ўрин усти ҳатто ғижимланмаган. Омонулло ошхонадаги экспертни ёнига чақирди:

— Ўрин устини, пиёлаларни текшириш эсдан чиқмасин. Эшик қулфини ҳам кўриш керак. Бегона калит тушган-тушмаганини менга аниқлаб берасиз.

Эксперт «хўп» деб изига қайтгач, Омонулло яна Тошболтага юзланди:

— Уйга кириб ҳеч нарсага тегмадингизми?

— Нимага тегаман? Ўзим бу аҳволда… — деди Тошболта йиғламсираб. — Ука, шу ёшга кириб бир рўшнолик кўрмаган одамман. Менинг бошимга тушганлар итнинг бошига тушмасин. Шу ёшга етганимда менга илманг бу қотилликни.

Омонулло бу гапдан аччиқланди.

— Ким сизга иляпти?— деди овозини баландлатиб.

— Ҳозир-ку илмассиз… кейин жиноятчини тополмасангиз, мен сиз учун таппа-тайёр гўштман. Биламан, ҳали менинг ҳаётимни ҳам кавлаштирасиз. Қамалиб чиққанимни билганингиздан кейин осонгина менга илиб қўя қолсиз. Худодан қўрқинг, ука, бундай қилманг.

«Нима қилай: сўкиб берайми ё тушунтирайми?» деб ўйлади Омонулло. Кейин сўкиш ҳам, тушунтириш ҳам фойдасиз, деган тўхтамга келиб, худди ҳеч қандай туҳматни эшитмагандай сўроқни келган жойидан бир маромда давом эттирди:

— Уйга кирганингизда ёзиғлиқ дастурхонни кўргандирсиз. Ёки пиёлалар ювуқсиз бўлгандир. Шуларни йиғиштирмадингизми?

— Ҳеч нарсага тегмадим, фақат тилпон қилдим, — деди Тошболта зардали овозда.

— Лейтенант! — Омонулло шундай деб даҳлизда турган йигитни чақирди. Йигит чақириққа маҳтал тургандай, шу заҳотиёқ остонада пайдо бўлди: — Мурдаларнинг шахси аниқландими?

— Биттаси аниқ: Нафиса Болтаева. 1959 йилда туғилган. «Умид» кооперативида ҳисобчи бўлиб ишлайди. Йигитнинг чўнтагидан фақат шу гувоҳнома чиқди, бирга ишлашар экан.

Лейтенант шундай деб кўк муқовали гувоҳномани узатди. Омонулло гувоҳномадаги суратда боқиб турган чеҳрага қараб «кўркам йигит экан, ўйнаш бўлишга арзийди», деб қўйди. Сўнг ёзувларни овоз чиқариб ўқиди: — «Фаолияти чекланган «Умид» кооперативи. Санжар Иброҳимов, Бош директор ўринбосари...» Танирмидингиз бу одамни?

— Йўқ,— деб жавоб қилди Тошболта тўнглик билан.

— Лейтенант, кооперативга бориб хабар қилинг. Марҳумларнинг шахсини аниқлаб, натижасини оқшомда менга етказасиз.

Лейтенант итоат билан чиққач, Омонулло Тошболтадан куёви ишлайдиган жойнинг телефонини сўради. Тошболта аввалига елка қисди, сўнг қизил муқовали дафтарни варақлаб «О» ҳарфли саҳифани очди-да, юқорига катта-катта қилиб ёзилган рақамларга бармоғини бигиз қилиб кўрсатди:

— Шу бўлиши керак. Лекин ўзи тилпонда ўтирмайди, чақириб беришади. Қизим шунақа дегандай бўлувди.

Омонулло чўнтагидан олган рўмолчаси билан гўшакни ушлаб кўтарди-да, дафтарчадаги рақамни терди. Дам ўтмай «Эшитаман, гапиринг», деган аёл овози келди.

— Менга Самандар Очилов керак, — деди Омонулло.

— Ким сўраяпти, нима ишингиз бор?

«Олим одам ишлайдиган жойда ҳам шунақа қўпол гаплашишадими?»

Шундай деб ўйлаган Омонулло саволга кескинроқ жавоб қилди:

— Мен милицияданман. Нима ишим борлигини ўзига айтаман.

— Очилов сафарда.

— Қаерда, қачон кетган?

Аёл дарров жавоб қайтармади. Омонуллонинг назарида у ким биландир гаплашиб олгандай бўлди.

— Илтимос, ўзингизни танитсангиз, — деди аёл бир дақиқалик сукутдан сўнг.

Омонулло кимлигини айтгач, яна бир неча нафас жимлик ҳукм сурди. Сўнг гўшакдан эркак овози эшитилди:

— Ўртоқ капитан, зарур гапингиз бўлса, келиб гаплашинг. Телефонда айтиб бўлмайдиган маълумотлар ҳам бўлади, ўзингиз биласиз.

Эркак шундай деб манзилни қисқа тарзда тушунтиргач, хайр-маъзурни насия қилиб алоқани узди.

Омонулло уларнинг гап оҳангидан «тўғри Масков билан гаплашадиган бола»нинг иши «давлат сири» мажмуасига алоқадор эканини фаҳмлади. «Тагида вертолёти» бор одамни топиб гаплашиш осон бўлмаслигини ҳам англади.

— Қизингизнинг турмуши яхшимиди? Эридан ҳеч нолимасмиди? — деб сўради Омонулло гўшакни жойига қўйгач.

— Нимага нолийди? Уйи бор, усти бут, қорни тўқ...

— Фарзанд-чи?

—Фарзандми?.. Куёвнинг ишларига ҳалақит берар экан. Бу ишлари ҳам тўғри: итваччаларни кўпайтиришнинг нима кераги бор?

Омонулло бу гапни эшитгач, этлари жимирлашиб кетди. «Бу асли одамми ё молми? — деб ўйлади унга тикилиб қараб. — Мол ҳам насл қолдиришга ўзида табиий эҳтиёж сезади. Ўзига набира бўлиши мумкин гўдакни «итвачча» дейиши... Ё «шу куёвдан туғилган бола «итвачча» бўлади», демоқчими? Куёвни ёқтирмайдими?»

— Қизингиз ёш, чиройли экан, — деди Омонулло ундан кўз узмаган ҳолда. — Куёвингиз рашк қилмасмиди?

— Билмадим... Қизим сиз ўйлагандек чакки юрмаган.

— Мен ўйлаган? — Омонуллонинг тиши зирқираб, жағини ушлади. — Мен ҳали бунақа ўйга келмадим.

— Саволларингиз ғалати-ку? Суриштиришингиз ҳам... Қизимнинг чиройли бўлгани билан нима ишингиз бор?

— Билиб қўйинг, — деди Омонулло унга қўлини бигиз қилиб, — қизингизга алоқадор гап — каттами, майдами фарқи йўқ — ишимиз бўлади. Сизнинг ишингиз эса, менинг саволларимга тўғри жавоб қайтариш, менга танбеҳ бериш эмас. Тушундингизми? Аввал қамалган бўлсангиз, бунақа гапларни яхши билишингиз керак. Ана энди айтинг: куёвингиз билан қизингиз қаерда, қай тарзда танишишган?

— Билмайман. Қизимни қаердадир кўриб ёқтириб қолган экан. Совчи қўйди. Ўртада нозик одам турган эди, хўп, дедик.

— Совчи ким эди?

— Совчими?... У ҳозир йўқ.

— Ўлганми?

— Нега ўларкан? Қамоқда у. Совхозимизнинг директори эди, туҳмат билан кетди.

Омонулло Турсуналининг исми-насабини ёзиб олиш чоғида кўз қири билан Тошболтага қараб унда енгил саросима сезди. «Ҳар ҳолда буларнинг никоҳида бир сир бор, — деб ўйлади у. — Ёш, гўзал қизнинг бунақа тавияга иккинчи хотин бўлиб тегиши қизиқ...»

Омонулло Турсуналини суриштира бошлаганида Тошболтанинг овозида ҳадик сезилди, бармоқлари эса енгил титради. «Ҳали бу «бечора ота» билан кўп отамлашамиз, бугунга шу ҳам етар», деган фикрда дафтарчасини ёпиб чўнтагига солди-да, «Энди бардам бўлаверасиз, Худо сизга сабр берсин», деб яна бир марта таъзия билдирди. Сўнг доктилоскопист*нинг ишини бирпас кузатган бўлиб, ташқарига чиқди. Зина панжарасига суяниб пичирлашиб турган уч аёл билан қайтадан саломлашди.

---

*Бармоқ изларини аниқловчи мутахассис.

Омонулло «хотинлар бор жойда бизга ҳам, судга ҳам ҳожат йўқ», деб ҳазиллашарди. Бу ҳазил бежиз эмас. Жиноят юз берган ерда ким биринчи пайдо бўлади? Милициями ёки хотинларми? Милиция жиноятчини ҳафталаб ёки ойлаб қидириб топади. Суд ишни ҳафталаб ўрганади. Хотинлар эса бу юмушларни бир неча дақиқада, нари борса, бир соатда оғизлари билан боплаб бажариб қўйишади. Ҳамиша қош-қовоққа қараб яшовчи маъсума аёл ҳам бунақа пайтда «сиз аралашманг!» деб эрини уйига киритиб юборади. Ўзи эса норасмий «суд ҳайъати аъзоси» сифатида фаолиятини бошлайди. Бу сафар ҳам ёзилмаган қоида амал қилган, гувоҳ сифатида фақат хотинлар тўпланишган эди.

Омонулло остонада пайдо бўлиши билан кўриниши Кинг Конгнинг узоқ қариндошларини эслатувчи хотин овозини сал баландлатиб, «Отиш керак, — деди. Сўнг қандай отиш лозимлигини ҳам аниқлаб берди: — Стадионга юз минг одамни тўплаб, пешанасидан отиш керак. Телевизорга ҳам олиб кўрсатиш керак».

Омонулло суҳбатни ана шу оғзи ботир хотин билан бошлади:

— Қайси хонадонда яшайсиз, опа? — деб сўради у чўнтагидан дафтарча чиқариб.

— Менинг уйим бу ерда эмас, магазиннинг тепасидаги дўмда тураман, — деди аёл.

— Ўлганларни танирмидингиз?

— Йўғ-а, мен нонга чиқувдим. Хотинлар гапираётган экан, келавердим-да.

— Ўлдирган одамни кўрдингизми?

— Вой, нега мен кўрар эканман?

— Кимни пешанасидан отмоқчисиз?

— Ўша ўлдирган одамни-да.

— Ким у?

— Билмайман.

— Нон олдингизми?

— Нон? Нимагайди?

— Эрингиз нонсиз оч ўтирибди. Борақолинг.

— Вой, савил, мени тергайдиган ҳам, оч ўтирадиган ҳам эрим йўқ, Худога шукр. Ҳайдамасангиз ҳам кетаман. Сассиғини ҳидлаб туришга кўзим учаётгани йўқ! — Шундай деб минғирлаганича зинадан пастга туша бошлади.

— Биз билганларимизни ёрдамчингизга айтдик, — деди аёллардан бири.

— Биз гувоҳ эканмиз, исмларимизни ҳам ёзиб олдилар, — деди иккинчиси.

— Нималарни биласиз? Нималарни айтдингиз?

Уларнинг билганлари: Нафиса қўни-қўшниларга унча аралашмайдиган «ёввойироқми» ёки «кибрлими» аёл. Ишга бориш-келишида йўлакда ёки кўчада кўришса кўришарди, бўлмаса йўқ. Бозор-ўчар қилганини, қўллари толиб сабзи-пиёз кўтариб келганини ёки дўкондан нон олганини биров кўрмаган. Эр-хотиннинг уришганлари у ёқда турсин, гап талашишганини ҳам эшитишмаган. Фақат икки ойми, уч ойми аввал битта хотин келиб жанжал қилгандай бўлибди. Мана шу сўнгги хабарда, Омонуллонинг назарида, жон бордай сезилди.

— Қанақа хотин эди? — деб аниқламоқчи бўлди.

— Биз тенги, ўрта ёш,— деди Омонуллога яқин турган аёл. Сўнг «чиройликкина» деб алоҳида изоҳ берди.

— Кимлигини билмайсизми?

— Йў-ўқ, танимаймиз у хотинни. Ўша куни мен қизимни кузатгани чиқувдим. Шу ерда рўпара бўлиб қолдим. Ёнида бир эркак ҳам бор эди. Эркагини сал танидим. Олдинги эри билан келиб турарди.

Кейинги гап Омонулло учун кутилмаган бўлди:

— Олдинги эри? — деб ҳар икки аёлга бир-бир қараб олди. — Самандар Очилов иккинчи эрими?

— Олдингисини эримас, девдингиз? — деди гапга қўшилмай турган аёл.

— Бир пас жим туринг, энди, — деб жеркиди Омонулло билан гаплашаётгани. — Ўлган одамлар ҳақида ёмон сўз айтилса гуноҳ бўларкан. Эрими ё бошқасими, кимлигини укамнинг ўзлари ажратиб оладилар. Бу уйни олиш-

ганига анча бўлган. Аввал муқим яшашмас эди. Биринчи эри билан келиб-кетиб юришарди. Бир марта сув тошириб юбориб, пастдагиларнинг расвосини чиқаришган. Биринчи эри мард экан, чиройли қилиб тузатиб берди.

— Биринчи эрининг отини билмайсизми?

— Ким сўрабди, дейсиз. Иккинчиси билан муқим яшаётгани учун сал-пал таниймиз. Лекин бу иккинчи эрининг ҳам йўқ бўлиб кетадиган одати бор.

— Жанжал қилган хотинни кундоши девдингиз, а? — деб гапга қўшилди нарироқда турган аёл.

— Унақа демаганман.

— Вой, девдингиз-ку...

— Демадим, ўхшатувдим. Нафисанинг анави бақироқ отаси гапириб қолди-да, «Бу ерда эринг йўқ, эринг Сибирда», деди. Қизимни кузатиб келаётсам, яна шу хотинга рўпара бўлдим. «Мен тиланчи эмасман!» деб эшикни қарсиллатиб ёпди. Юрагим чиқиб кетай деди.

— Шериги-чи? — деб сўради Омонулло.

— Қайси шериги? Ҳа, анави эркакми? Уни кўчада кўрдим. У уйга кирмаган шекилли.

— Кейинги бир ҳафтами, ўн кундами нотаниш одамлар келиб-кетишмадими?

— Буни биз билмаймиз, оповси. Бизнинг гап пойлайдиган одатимиз ҳам, вақтимиз ҳам йўқ. Бу дўмга, рўпарадаги дўмга ким келиб-кетаётганини билса, Абдуқаюм билади.

— Ким у?

— Тепадаги қаватда битта бола бор. Белидан пасти ишламайди. Уззу-кун аравачасида ўтириб олиб, кўчага қарагани қараган. Бир хил пайтда суратга ҳам олади.

— Самандар Очиловни охирги марта қачон кўрдингиз? Ўн кун бўлдими ё йигирма кунми?

— Вой, нега ўн кун бўларкан? Уч кун ёки... икки кун бўлди. Йўлакдан чиқаверишда рўпара келиб қолдим. Салом берсам, алик олмади. Мен ранжимадим. Шунақа телба-тескари одати бор одам-да у. Бир хил пайтда ўзи салом беради, бир хил пайтда хўмрайиб ўтиб кетади.

— Ўша куни Нафисаними ё ўлдирилган йигитними кўрмадингизми?

— Йў-ўқ кўрмадим...

Нарида турган аёлнинг ерга қараганини сезган Омонулло ундан алоҳида сўради:

— Сиз ҳам кўрмадингизми?

Аёл унга қарамаган ҳолда паст овозда «йўқ», деб қўйди. Ундаги ўзгариш Омонуллонинг диққатидан четда қолмади. «Вақти келганда ойдинлаштираман», деган мақсадда сир бой бермади.

Унинг сезгиси алдамаган эди: аёл уч кун олдин Нафисани бу йигит билан кўрган, «жувон ўлгур эри йўғида ўйнашини бошлаб келди», деб сирдош қўшнисига айтганди. Ҳамма гапни айтавериб, кейин балоларга қолмаслик учун иккови ҳам жим қолишни маъқул кўришди.

— Ўлдирган одамни топсангиз отиладими? — деб сўради Омонуллонинг саволларига жавоб бераётган гапдон аёл.

— Сиз отилсин, десангиз, отилади, – деди Омонулло пичинг билан.

— Вой, менга нима, баттар бўлмайдими! Энди кетаверайликми?

— Яна озгина туринг, илтимос. Экспертларнинг иши чиқиб қолиши мумкин.

Омонулло шундай деб аёллар айтган бола билан учрашиш ниятида юқорига кўтарилди. Эшик қўнғироғи тугмасини босишга улгурмай ичкаридан:

— Кираверинг, эшик очиқ, — деган ингичка, аммо жарангли овоз эшитилди.

Омонулло бу таклифга биноан эшикни очиб, остона ҳатлаши билан ўша овоз «пойабзални ечиш лозимлигини» эслатди. Бир неча нафаслик сукутдан сўнг эса, «Энди тўғридаги хонага кираверинг», деб таклиф этди.

Тўғридаги хона эшиги ланг очиқ эди. Омонулло остона ҳатлай туриб беихтиёр ўнг томонга қаради: энли дераза ёнидаги кичкина каравотда боши катта одамларники каби, бўйнидан бошлаб то оёғининг бармоқларига-

ча тўрт яшар гўдакни эслатувчи, бола деса боламас, йигит деса йигит дейиш мушкул бўлган, қўлларию елкалари чандиб боғланган бир одам ёстиғига суяниб, чордона қуриб ўтирарди. У салом бергач, кўз ишораси билан стулни кўрсатиб «Марҳамат, ўтиринг», деб илтифот қилди. Сўнг:

— Абдуқаюм Маҳкам, — деб ўзини танитди. — Узр, сиз билан қўл бериб кўришолмадим. Фалокатни қаранг, суякларим сал эзилибди. Чиқиб келаётганингизни оёқ товушларидан билдим. Худо менга гавда бермагани билан қулоқ берган. — У шундай деб кулди. Унинг кулгиси беғубор, кўз боқишларида эса масъудлик бор эди. Қорачадан келган бу йигитчанинг юзларида Омонуллони ажаблантирган бир нур зоҳир эди. «Ажаблантирган» дейилишининг боиси — бу нур «иймон нури» дейиларки, бу марҳаматга, бу ажрга қандай амаллар эвазига етишмоқ мумкинлигини Омонулло ҳали билмас эди. Шу боис ҳам «бунақа аҳволдаги одам ҳам бахтиёр бўлуви мумкинми?» деган фикр хаёлини бир ёритиб ўтди.

— Ўтган куни фотоаппаратни созлайман, деб йиқилиб тушдим. Фалокатни қаранг-а!

Омонулло дераза токчасидаги телеобъективли фотоаппаратга назар ташлаб қўйди. Буни сезган Абдуқаюм:

— Бу менинг овунчоғим, — деб изоҳ берди. Сўнг меҳмондан нигоҳини узмаган тарзда, — келишингизни биларди м, — деди.

— Қизиқ... қандай била қолдингиз? Фолбинлик ҳам қўлдан келадими?

— Йў-ўқ, — Абдуқаюм яна кулди. — Бунақа гуноҳ ишлардан Худо асрасин. Диққат қилинг-а, атрофимизда содир бўлаётган ёки энди бўлувчи ҳар бир воқеа бир-бири билан мантиқан боғланган. Биз фақат бунга эътиборсиз юрамиз. Мантиқан боғланувчи воқеани биз кўпинча тасодиф деб биламиз. Сизнинг бу уйга киришингиз тасодифми ёки мантиқан боғланган воқеалар занжирининг бир ҳалқасими? Ёки: сиз текшираётган қотиллик тасодифми ёки бир умрнинг мантиқий якуними? Сиз билан

мен учун бу фожиа кутилмаган туюлади. Аслида-чи? Аллоҳ ҳамма нарсани мантиқ иплари билан боғлаб ташлаган.

Омонулло бу гапларни эшитиб лол қолди. «Гавданинг ўрнига қулоқ берган, дейди. Қулоқ эмас, ақл берган экан-ку», деб ўйлаб, унинг гапларини жимгина тинглайверди. Абдуқаюм эса жиддийлашиб бораётганини англаб, ширин жилмайди:

— Мана, қаранг, ажал тиғи икки кишини ўт ўргандай олди-кетди. Касаллик билан жон беришса бировнинг, айниқса, сизнинг ишингиз бўлмас эди. Улар ўлдирилибди. Аслида уларнинг ризқи тугаган. Аллоҳ уларнинг жонини алоҳида, алоҳида, бирон хасталик билан олинишини ихтиёр этиши мумкин эди. Йўқ, Яратганнинг хоҳиши айнан шу бўлди. Балки улар шунга яраша гуноҳ қилгандирлар. Балки Роббимиз уларнинг бу ҳолатини бошқаларга ўрнак қилиб кўрсатмоқчи бўлгандир. Буни билмаймиз. Билганимиз — зулм содир бўлди. Зулм бўлгач, милиция келади. Милиция келгач, албатта, қўшнилар билан гаплашади. Қўшнилар ким? Албатта, ҳамма нарсадан хабардор бўлишни истайдиган менинг меҳрибон опоқиларим. Улар эса, билган-билмаганларни қалаштириб айтиб ташлашгач, охирида менинг исмимни тилга олишади. «Билса шу бола билади», дейишади. Опоқиларим тушмагурлар мени кўчани кузатишдан бошқа ташвиши йўқ, деб ўйлашади. Бозор-позорга тушиб чиқишгандан сўнг «Бизникига ҳеч ким келмадими?» деб сўрайдиган одатлари бор. Милицияга ҳам менга ўхшаган одам керак. Тўғрими? Ана энди сиз «уч кун олдин бегона одам кўринмадими?» деб сўрайсиз.

Омонулло «Ҳозирги ёшлар урди-сурди киноларни кўравериб, китобларни ўқийвериб, ҳаммалари изқувар бўлиб кетишган», деб ўйлаб, жилмайиб қўйди.

— Ҳа, сўрамайсизми? — деди Абдуқаюм унинг жим турганидан ажабланиб.

— Сўрамасам-чи? — деди Омонулло кулимсираган ҳолда.

— Унда мантиқ занжири узилади: сўрамасангиз бу уйга кирмас эдингиз. Сиз менинг қошу кўзимни кўргани кирмагансиз, тўғрими?

— Тўғри. Лекин мен сиздан бошқа нарсани сўрайман: уч кун олдин пастдан шовқин эшитилмадими?

— Қанақа шовқин?

— Масалан, эркак-аёлнинг жанжалими...

— Йўқ.

— Аввалроқ-чи?

— Аввал?.. Йўқ. Қотиллик эр-хотиннинг жанжали оқибати десангиз янглишасиз. У ер сокин хонадон эди.

— Лекин бегона одамлар келиб туришган экан?

— Сизникига келишмайдими? Мантиқнинг илдизи қаерда? Гап бегоналарнинг келишида эмас, қандай мақсадда келишида!

— Айтайлик... мақсад фаҳш бўлсин.

— Фаҳш? Ошириб юбордингиз. Нафиса опа фоҳиша бўлганида опоқилар адабини бериб қўйишарди.

— Лекин улар гапларида шунга шама қилишди.

— Биринчи эри бор, дейишгандир ёки ўйнаши дейишгандир? Биламан бу гапларни. Ўша одамни танийман. Лекин у анчадан бери кўринмай қолди. Уч кун олдин келган йигит ўйнаш бўлмаса керак.

— Демак, уларни кўргансиз? Бу одамни танирмидингиз?

Бу саволни эшитиб Абдуқаюмнинг чеҳраси ёришди:

— Барибир сўрайсиз, дедим-а! — Шундай деб кулди. Сўнг жиддийлашиб бош чайқади: — Йўқ, уни танимадим.

— Унда нимага асосланиб ўйнаш эмас, деяпсиз?

— Юришлари хотиржам эди. Ҳеч қаёққа алангламай тўғри юриб келишди. Ўйнаш бўлса, «биров кузатмаяптими, танишларим кўриб қолмасин ишқилиб», деб хавотирланади. У ёқ-бу ёққа қарайверади. Ҳеч бўлмаса, йўлакка киришдан олдин орқасига ўгирилади. Ё бўлмаса, аёл кириб кетади, сал ўтмай ўйнаш киради.

— Сиз бу гапларни қаердан биласиз? Худди бутун умр ўйнашларни кузатиб юрган изқуварга ўхшаб гапиряпсиз?

— Буларни билиш учун унчалик кўп ақл зарур эмас.

— Бошқачароқ ҳолат ҳам бўлиши мумкинми?

— Албатта-да! Сиз билан биз бегона кўзларни чалғитишнинг мингта усулини санаб ўтирганимизда қайси бир уйда ўйнашлар бизнинг хаёлимизга ҳам келмаган минг биринчи усулда ишларини бошлаётгандирлар.

— Ҳа, фикрингиз мантиқан тўғри. У ҳолда, аёл эри йўқ пайтда бегона эркак билан нима мақсадда келиши мумкин?

— Бунисини билмадим. Бу фақат ўзларига маълум эди. Афсус шуки, ўликлар гапиришмайди.

— Ҳа... айниқса, биз учун афсус айнан шунда, — деб Абдуқаюмнинг фикрини тасдиқлади. Омонулло. — Улар ўзлари билан жуда кўп сирларини олиб кетадилар.

— «Қабр — дунё манзилининг охири. Охират эса манзилнинг бошидир. Модомики, барчамиз қабрга кирар эканмиз, қандай қилиб кайфу сафога берилиб, роҳат-фароғатда юрибмиз?»

Омонулло «Бунчалар ақлли экан, бу йигитча», деб ўйлади. Абдуқаюм унинг фикрини ўқигандай кулимсиради:

— Ака, бу менинг гапларим эмас. Бир валиуллоҳ айтиб ўтган эканлар. Шошилмаётган бўлсангиз, яна бир фикримни айтаман. Фақат бекорчи гап деб ўйламанг. Шу ишингизга алоқадор бўлгани учун айтмоқчиман. Демак, гап бундай: дунё нимадир? Дунё — ўткинчи бир меҳмонхонадир. Дунёдаги энг улуғ бойлик нимадир? Дунёга берилмасликдир. Дунё бойлигини афзал билган киши зиллатга, хорликка, мол-дунё тўплаган киши эса қашшоқликка гирифтор бўлади. Дунё нимага ўхшайди? Дунё — ясатилган келинчакка ўхшайди. Кўзлар унга термилган, қалблар эса муштоқдир. Ясатилмиш келинчакка кимлар ошиқ? Шубҳасиз, НАФС ошиқдир. Бу келинчак ошиқларнинг барчасини ҳалок этади. Ҳаётдаги тириклар ўлик-

лардан, кейингилари олдингиларидан ибрат олмаяптилар. Уч хусусни унутмаслик керак: дунёнинг ўткинчи эканини, неъматларнинг ҳам ўткинчи эканини, муқаррар ўлимнинг ҳақ эканини.

Абдуқаюм «бу гаплар таъсир қилдими, мақбул бўлдими?» деган савол назари билан Омонуллога тикилиб қаради. Унинг гапларига мос равишда назари ҳам ўткир эди. Омонулло унга тик қарай олмади.

— Яхши гапларни айтган экан.

— Лекин... — Абдуқаюм кулимсиради. — Ҳозир бу гапларни эшитишга фурсатингиз йўқ. Кўнглимни оғритмаслик учун индамай тинглаяпсиз. Балки менга раҳмингиз келаётгандир? Сиздан илтимос, раҳмингиз келмасин. Мен ўзимнинг шу тақдиримдан ҳам розиман. Ҳар ҳолда кўряпман, эшитяпман, гаплашяпман. Ахир кўрмайдиган, эшитмайдиган, тили айланмайдиганлар ҳам кўп-ку, тўғрими? Тан оламан, бир оз эзмароқман. Лекин лақма эмасман. Сўранг, сўрайверинг.

— Ўша куними, олдинми ё кейинми Самандар Очилов келмадими?

— Келдилар. Ўша куннинг ўзида бир кўриндилар. Новвотранг «Волга»да келдилар. Шошиб тушиб, шошилиб йўлакка кирдилар. Машинада битта ҳарбий одам ҳам бор эди. Погони кўк, полковник. Улар ҳам шошиб туришган экан.

— Буни қаердан билдингиз?

— Ҳайдовчи уч марта сигнал берди. Учинчисида полковник эшикни очиб пастга тушди.

— Очилов тахминан қанча вақт қолиб кетди?

— Тахминан ярим соатча.

— Болтаева билан Иброҳимов бу пайтда уйда бўлганлар, шундайми?

— Шундайга ўхшаб қолди.

— Очилов шошиб кирган экан, қайтишда-чи? Қанақа аҳволда қайтди, кийим-бошларида ўзгариш бормиди?

— Кийимларида ўзгариш сезмадим. Лекин секин-секин юриб чиқдилар. Қўлларида дипломат бор эди. Пол-

ковник бир нима девди, унга жавоб қайтармасдан индамай машинага ўтирдилар. Машина юришидан олдин деразаларига бир қараб олдилар. Лекин сиз бундан дарров бир хулоса чиқарманг.

Абдуқаюмнинг кейинги гапи Омонуллога малол келди.

«Қимматли маслаҳатингиз учун раҳмат, ука», деб пичинг қилмоқчи эди, тиши зирқираб, гапиртирмай қўйди. Меҳмоннинг афти буришганини кўрган Абдуқаюм чегарадан чиққанини фаҳмлаб, узр сўради:

— Гапларимдан хафа бўлманг, ака, мантиқан олиб қаралса, «эр қотил» деган хулоса келиб чиқади. Лекин бунақа олим одамларда рашк кучли бўлмайди. Улар одам ўлдира олишмайди. Нари борса бир шапалоқ уриб, тўнни елкага ташлаб чиқиб кетишади.

Абдуқаюмнинг гапларида жон бўлса ҳам, Омонуллога малол келди. Бир йигитчанинг ёши улуғ одам каби фикр юритиши, унга ақл ўргатиши ғашини келтирди. Абдуқаюмнинг туғилиб, тилга кирганидан бери ўз тенгдошлари билан ўйнаб-кулолмай, ётган ерида фақат катталар билан суҳбатлашиши оқибатида шундай сергап, шундай маслаҳатгўй бўлиб қолганининг фаҳмига етмади. Бу хонадонга кириб Абдуқаюм билан суҳбатлашган ҳар бир одам истаса-истамаса унинг кўнглига қарашга мажбур бўлар эди. Омонулло гарчи ғаши келган бўлса-да, бу ёзилмаган қоидага беихтиёр бўйсунди. Ўзини кулимсирашга мажбур этиб:

— Сиздан хафа бўлган — ўғри, — деб ҳазил қилди. Сўнг жағини ушлаб, изоҳ берди: — Тишим оғрияпти.

— Тишингиз оғриса дўхтирга борманг. Мен сизга даволашнинг осонгина йўлини ўргатаман. Тиш нимага оғрийди? Совуқ теккани учун. Совуқни қандай ҳайдайсиз? Битта пиёлани олиб, ичига ёғ сурасиз-да сўнг қиздирасиз...

Ҳозиргина йигитчанинг ўта доно эканлигидан ғашлана бошлаган одам энди бу гапларни жон қулоғи билан эшитди. Маслаҳат сўнггига етгунига қадар нима мақсад-

да бу ерга кирганини унутди. Йигитчанинг маслаҳати бу сафар мойдеккина ёқди. Афсуски, ҳозирги ташвиш билан яқин соатларда уйига боролмайди. Кечаси ҳам бориш насиб этадими ё йўқми — Худо билади. Ишдан ҳоли бўлганида ҳозироқ бориб шу йигитча айтгандай пиёлани қиздириб, чап қулоғини қўйиб ётармиди, оғриқ қайтиб кўзлари мошдек очилармиди...

Омонулло маслаҳатлар учун раҳмат айтиб, ўрнидан турди.

— Телефонингизни айтинг, қўлим тузалса қўнғироқ қиламан. Балки янги гаплар эсимга тушиб қолар?

Омонулло ён дафтарчага телефон рақамларини ёзаётганида Абдуқаюм яна донолигини бошлади:

— Америкада шунақа жиноят юз берса «қотилни топган одамга ёки хабар берган одамга шунча минг доллар мукофот» деб телевизорларида эълон қилинади. Шунинг учун уларда жиноятчи тез топилади.

«Худди Америкада яшайдиган одамдай гапиради-я!» деб ўйлади Омонулло. Абдуқаюм эса давом этди:

— Сизлар эса ҳаммасини теп-текинга бажармоқчи бўласизлар. Шунинг учун одамлар сизлардан қочади. Иш ёлғиз ўзларингизга қолиб кетади. Бунақа ишда сизга нисбатан гувоҳларга қийин. Гувоҳ жонини гаровга қўйиб айтади айтадиган гапларини. Ё нотўғрими?

— Тўғри, — деди Омонулло дафтарчасидан саҳифани йиртиб олиб унга узатар экан. — Мана шу ишни юмалоқ-ёстиқ қилайлик, кейин иккаламиз Америка полициясига бориб ишлаймиз. Топганимиз — ўртада, келишдикми?

Бу гапни эшитиб Абдуқаюм кулиб юборди. Унинг кулгиси ёш боланинг кулгисидай жарангдор ва самимий эди.

Омонулло бу хонадондан дастлабки гумонига қувват олган ҳолда чиқди. Қотил қизнинг отаси бўлиши ҳам мумкин, деган яна бир гумони олинажак маълумотлардан сўнг ҳақиқатга яқинлашгандай бўлади. Бугун эса қора рўйхатга биринчи бўлиб Нафисанинг эри Самандар Очилов ёзилди.

Одатда бирон аёл қоқилиб тушиб жон берса ҳам «эри уриб ўлдиргандир» деб гумон қилинади. Шундай экан, Самандарнинг гумон ўқига нишон бўлмоғи табиий ҳол. Агар тиббий эксперт қотиллик икки ёки тўрт эмас, айнан уч кун олдин юз берган деб тасдиқласа, унда Самандарнинг бошига бало тошлари ёғилиши тайин.

ҚОНЛИ ГИРДОБ

Абдуқаюм янглишмади: Самандар ўша куни уйига келганди. Аслида унинг уйга келиш нияти йўқ эди. Режаси бўйича, Нафиса таътилга чиқмоғи, у эса вертолётни шаҳарга жўнатмоғи лозим эди. Одам етиб келиши мушкул бўлган, аммо табиатнинг мавжуд гўзалликларини ўзида мужассам этган бу дарада Нафиса узоғи билан бир ҳафта чидаб яшай оларди. Чўлда ўсган бу жувонни гўзал манзаралар ҳам, тонгда булбулларнинг сайраши ҳам, покиза булоқ сувлари ҳам мафтун қила олмасди. Бир неча олиму хизматкорлардан иборат бу «шаҳарча»га дастлаб келганидаёқ «зиндоннинг ўзи-ку, бу ер» деб баҳо берган, уч кунга аранг чидаган эди. Самандарнинг биринчи хотини ҳам тоққа тоқат қила олмасди. У чодир атрофида ўрмалаб юрган илонни кўрганидаёқ чинқириб оламни бузган, шу-шу бу ёққа қадам босмай қўйган эди. Самандар Нафисада ҳам биринчи хотинининг қилиқларидан бор эканлигини сезиб ғашланди-ю, кейин ўз ишлари билан андармон бўлиб, эътибор бермай қўйди.

Турсунали қамалгач, Нафиса бир неча ҳафта гарангсиб юрди. Ҳатто эрига қарамай ҳам қўйди. Самандар «жуда яхши кўрар экан-да», деб ўйлади-ю, аммо хаёлига келган гапларни тилига чиқармади. Аксар одамлар тиш фақат овқат чайнаш учун мавжуддир, деб ҳисоблайдилар. Самандарнинг тишлари эса, иккинчи вазифани — тилга қўриқчилик юмушини ҳам бажаради. Унинг тили бекордан бекорга тиш ҳатламайди. Самандарнинг феъли яхши билган киши «бу малла одамни ташқари-

га сочилмай, ичига ютилган дардлари сарғайтириб юборган», деган хулосага келуви тайин эди.

Самандар индамай қўя қолгани билан қайнотаси жим турмади: қизи Нафисани обдан сиқувга олди. Отасининг гаплари таъсир қилдими ёки соғинч дарди қариб, кучдан қолдими, ҳар ҳолда Нафисанинг эрига бўлган муносабати яхши томонга ўзгарди. Икковлари чинакам эр-хотин мартабасига етишгандай эдилар. Самандар учун кутилмаганда Нафиса бу ерга келиш ихтиёрини билдириб, соғинганини маълум қилди.

Эрталаб нонуштада Самандар вертолёт учувчисига «тайёрлан, шаҳарга тушиб, янгангни олиб келасан», деб тайинлади. Вертолёт учишга улгурмай унинг ўзини марказ чақиртирди. Буйруқ қисқа, айни чоғда тушунарсиз эди: «Сўнгги маълумотлар масаласида тезда Москвага етиб келинг».

Вертолёт ҳарбий аэродромдаги ўз майдончасига қўнгач, новвотранг «Волга» ёнида турган полковник уни қаршилаб, ўзини таништирди-да, «Сизни кузатиб бориш менга топширилган», деб вазифасини баён қилди. Сўнг марказни нима қизиқтираётганини айтди.

— Мен уйга кириб чиқишим керак, баъзи ҳисоб-китобларим уйда, — деди Самандар.

Полковник аввалига норози бўлди. Самандар бу қоғозларсиз Москвага бориш фойдасиз эканини айтгач, ноилож кўнди.

Самандар уйга кирди-ю, нима учун келганини унутди.

Абдуқаюм янглишмаган эди:

ярим соатча қолиб кетди...

Тўғри, бунинг орасида ташқарига бир чиқди. Ўша онда қўшни аёлга йўлиқди. Зинадан пастга тушаётиб, нима учун келганини эслади-да, изига қайтди. Унинг бу ҳаракатини кузатган қўшни аёл «жинни-пинни бўлиб қолганми ё мастми?» деб ўйлади. Зийрак нигоҳи «бу телбанинг» панжалари қон эканини ҳам илғади. «Бир бало бўлди» деди-ю, ўзини тезда ичкарига олди.

Самандар уйига қайтиб, гарангсиган бир аҳволда хонасига кирди-да, пўлат жавондан керакли қоғозларини олди. Қўлидаги қон юқини ювиб ташлаш хаёлига ҳам келмади. Фақат машинага ўтирганида полковник «қўлингизга нима қилди?» деб сўрагач, панжаларига қараб ажабланди. Беихтиёр равишда «шиша тилиб кетди», деди. Яхшики полковник «қанақа шиша? Қандай тарзда?» деб эзмаланмади. Бунинг ўрнига ҳайдовчидан «аптечканг борми?» деб сўради. Рад жавобини олгач, чўнтагидан рўмолча чиқариб, Самандарга узатди-да, «Боғлаб олинг, самолётда аптечка бўлиши керак», деди.

Самандар рўмолчани қон теккан панжалари устига ташлаб, ҳолсизланаётганини ҳис қилди. Кўнгли айниди. Ўриндиққа суяниб, кўзларини юмди. Кўз олдини қоплаган қора парда бирдан қизил ранг олди. Самандар гўё қон гирдобида қолгандай бўлди. Бу қон гирдоби орасидан беҳисоб қонли панжалар кўтарилиб уни бўға бошлади. Нафаси қайтиб, бақириб юборай деди. Шошилиб кўзларини очди.

Ҳарбий самолётга чиққунларича кўнгли беҳузур бўлиб анча тоқатсизланди. Самолёт ўрнидан қўзғалмай туриб полковник энсиз дока, дори кўтариб келиб, «ярангизни боғлаб қўяй», деди. Гаранг бўлиб ўтирган Самандар «қанақа яра?» деб юборишига сал қолди. Яхшики, қўлини «шиша тилиб юборгани» эсига тушди. «Ўзим ювиб, боғлайман», деб дока, дорини олиб ҳожатхонага ўтди, қўлини ювди. Самолёт чайқала бошлагач, ўзини тута олмай қайт қилди. Сўнг юзларини ювиб, кўзгуга қаради. Кўзгуда унинг акси эмас, Нафисанинг «гуноҳим нима?» деб бақрайган кўзларини кўриб, қўрқиб кетди. Беихтиёр орқасига тисарилди. Кўзгудаги бақрайган нигоҳ йўқолиб, ўзининг акси кўринди. Малла ранги оқариб, ўлик тусини олгандай туюлди ўзига. Юзларига аста шапатилади. Сўнг панжасини дока билан бетартиб равишда боғлаб жойига қайтди. Полковник унинг боғланган қўлига ажабланиб қаради-ю, «адашдим шекилли», деб ўйлаб индамади. Йўқ, пол-

ковник янглишмаганди: Самандар уйидан чиқиб келганда унинг ўнг панжаси қон эди. Ҳозир эса чап қўлини боғлаб олганди.

Самандар полковник гапга тутмасин, деган мақсадда ўзини иш билан банд қилиб кўрсатиш учун қоғозларни варақлади. Бир оз вақт ўтгач, «иш билан банд» эканини ҳам унутиб, кўзлари бир нуқтада қотди. Аскар йигит яқинлашиб, қаҳва узатганини ҳам сезмади. Полковник унинг билагига қўлини асталик билан қўйиб:

— Ўртоқ бош конструктор, — деди.

Самандар енгил сесканиб, унга қаради.

— Қаҳва ичинг, енгил тортасиз, — деди полковник кулимсираб.

«Енгил тортасиз» — деб ажабланди Самандар. — Бир нимани сездими бу одам? Ўзимни тутиб олишим керак. Уйда ҳеч нима бўлгани йўқ, ҳеч нима... Бу туш эди, ваҳимали туш...»

Қаҳва ҳўплаётиб шу тарзда ўзини ўзи овутиб, «туш кўраётгани»га ишонтирмоқчи бўлди.

— Қондан қўрқар экансиз, — деди полковник кулимсираб.

— Йўғ-э, — деди Самандар айби ошкор бўлган боладай.

— Ҳа, рангингиз айтиб турибди. Сиз хижолат бўлманг, айрим одамлар шунақа бўлишади. Қонга кўзи тушиши билан ҳушидан кетиб қоладиганлар ҳам бор. Кўнглингиз айниганини машинадаёқ сезган эдим. Тағин ҳам чидадингиз.

Самандар бу лутфни қабул қилгандай ўзини зўрлаб кулимсиради.

— Бир оз дам олинг, ўтиб кетади, — деди полковник, меҳрибонлик билан.

«Ўтиб кетади? Қани эди ўтиб кетса!.. Ўтиб кетадиган манзара эмас бу...» деб ўйлади Самандар. Полковникнинг таклифи унга маъқул келди: бекорчи суҳбатдан қочишнинг яхши йўли — дам олиш. У қаҳвани ичиб бўлгач, суянчиқни туширди-да, ётиб, кўзларини юмди.

Самандар шу бўйи то самолёт Москва яқинидаги ҳарбий аэродромга қўнгунига қадар қаддини кўтармади. Полковник таомга таклиф қилганида кўзларини ярим очиб, «йўқ» ишорасини қилиб, бош чайқаб қўя қолди.

Кўзларини юмиб ётгани билан ухламади. Аслида бу ҳолда ётиш ҳам унинг учун азоб эди. Бироқ, полковник билан суҳбатлашгандан кўра шу алфозда азоб чекиш маъқулроқ туюлди.

У икки тўлқин исканжасида эди. Бири — қон тусида, уйидаги даҳшат манзараси, иккинчиси — бир неча соатдан сўнг бўлажак суҳбатлар. Самандар биринчи тўлқинни енгишга, Нафисанинг бақрайган кўзларини ҳайдашга, гирдобдан кўтарилаётган қонли панжаларни нари суришга интилди. Бир неча муддат бунга эришгандай ҳам бўлди. Бироқ, нари кетган манзаралар яна шиддат билан ўз ўрнига қайтаверди.

Самандар турли ташвишлар наҳрида беармон сузган, аммо бу каби кучли тўлқинларга банди бўлмаган эди. Яратганига банда бўла олмаганларнинг ажри балки шудир — ташвишу аламларга банди бўлишдир...

У кейинги маълумотларга катталарнинг ишонишлари қийин, балки сиёсий тус ҳам берилар, деган тахминни дилига тугиб юрган эди. Унинг кашфиётига асосланган қурилмалар дунёдаги ядро полигонларининг ҳар биридаги энг кучсиз синовни ҳам аниқлаб, билиб бериши мумкин эди. Аммо ўн икки кун аввал кутилмаган ҳолат юз берди: қурилма заминнинг кучсиз тебранганини хабар қилди. Заминнинг тебраниши янгилик эмас, аммо тебраниш маркази сира кутилмаган ерда эди. Улардаги харита бўйича бу жойда ядро полигони йўқ эди. Самандар ҳисоб-китобларни қайта-қайта текширди, солиштирди. Рақамлар барибир ўжарлик билан айнан ўша жойни кўрсатиб тураверди.

Самандар маълумотларни бир кун кечикиб юборди.

Марказ танбеҳ берар, деб ўйлаётган эди. Шошқич чақирилуви у учун кутилмаган бўлди. Айниқса, уйдаги воқеа...

Самолёт ерга қўниб, белгиланган майдончада тўхтагач, Самандар қаддини кўтарди. У гўё Самолёт учмади, балки танклар занжири остида эзғиланди. Самолёт уни уйидаги воқеадан узиб олиб, неча минг чақирим нарига олиб келгани билан хаёлига боғланган ташвиш ипларини уза олмаган эди.

Самолёт зинапоясидан сал нарида уларни икки қора «Волга» кутиб турарди. Полковник ҳамкасби билан саломлашиб «вазифа адо этилгани»ни маълум қилгач, Самандар машинага ўтирди. «Вазифасини бажарган» полковникка «алоҳида буйруқ бўлгунича кутинглар», — дейилгач, машиналар ўрнидан қўзғалди.

Самандар Москва кўчаларини яхши биларди. Шу боис Мудофаа вазирлиги жойлашган кўчага бурилишмаганидан ажабланди-да:

— Қаерга кетяпмиз? — деб сўради. Уни полковникдан «қабул қилиб олган» одам бамайлихотирлик билан:

— Кремлга, — деди.

— Кимнинг олдига? — деб сўради Самандар.

— Сизни ўртоқ Байгильдин кутяпти.

— Базаров-чи?

— Виктор Базарович ҳам ўша ерда.

Базаров деганлари вазирлик ҳузуридаги Марказ бошлиғи эди. Одатда Самандар асосан шу одамга йўлиқарди. Байгильдиннинг ҳузурига камдан кам ҳоллардагина боришарди. Самандар бу сафар тўғри ўша ерга борилаётганидан масаланинг жиддий эканини англади. Бир жиҳатдан Байгильдинга рўпара бўлиши яхши. Фаросатли одам. Базаровга ўхшаб ҳуда-беҳуда сўкиниб бақиравермайди. Ҳар ҳолда унда ҳарбийликка нисбатан олимлиги устун туради.

Кремлда тўғри Байгильдинга рўпара бўлмади. Барибир аввал Базаровга йўлиқди:

— Сен нима қилиб қўйдинг, биласанми? — деди у совуққина саломлашиб.

— Нима қилибман? — деди Самандар ҳам совуқроқ оҳангда.

— Бутун разведка оёққа турган. Агар маълумотинг исботланмаса, биласанми нима бўлади?

— Биламан. Ишларимнинг оёғи осмондан бўлади.

— Фақат ишларинг эмас, ўзинг ҳам. Фақат ўзинг эмас, мен ҳам...

— Шунақа хатар бор экан, маълумотни буларга кўрсатманг эди.

—Сен шунақа вақиллайверасан. Рост бўлса-чи? Унда яна бир бало! «Қаёққа қараяпсанлар?!» деб учириб юборишади. Нима бўлса бўлди — таваккал! Юр.

Байгильдин у қадар ваҳима қилмади. Маълумотнома, ҳисоб-китоблар хулосаси билан танишган бўлса-да, Самандарнинг тушунтиришларини диққат билан тинглади.

— Илмий экспертиза хулосаларингизнинг тўғри эканини тасдиқлади. Лекин ҳозирча узил-кесил тўхтамга кела олмаймиз. Ҳозир орбитал станциядагиларга ҳам топшириқ берилган. Самандар Очилович, сиз уч-тўрт кун Москвада дам олинг. Сиз билан Василий Игнатьевич ҳам кўришмоқчилар. Қурилмаларингизни Ҳиндиқушга ҳам ўрнатсак-чи? Нима дейсиз?

— Афғонистонгами?

— Ҳа.

— Шартми? Ҳозирги жойи ҳам етарли. Қурилма сезгирлигини яна ҳам ошириш мумкин.

— Қандай қилиб?

Самандар уйдан олиб чиққан қоғозлар тахламини унга узатди.

— Ҳаммаси ҳисоб-китоб қилинган. Ҳиндиқушда янгисини қургандан кўра, сезгирлик оширилса, юз баравар арзон тушса керак.

— Сен буларни менга айтмовдинг? — деди Базаров норози оҳангда.

— Тўппа-тўғри бу ерга бошлаб келишларини билмабман. Аслида сизга кўрсатаман, деб ўйловдим. Сиз барибир ўртоқ Байгильдинга берардингиз.

— Бу ҳисобингиз ҳам тўғри, — деди Байгильдин жилмайиб. Сўнг қоғоз юзидаги қизил доғга кўзи тушиб, Са-

мандарнинг боғлоғлиқ қўлига қаради: — Қўлга нима қилди?

— Ҳа, шунчаки... шиша тилиб кетди, — деди Самандар ўзини хотиржам тутишга интилиб.

Байгильдин уларни узоқ ушлаб ўтирмади. Самандарни шаҳар четидаги хос меҳмонхонага кузатиб қўйишди. Хонага кириб, биринчи кўргани — Ҳиндиқуш харитаси бўлди. «Мақсадлари жиддийга ўхшайди, — деб ўйлади. — Агар Афғонистонга ҳам ўрнатилса, янги ўта сезгир қурилмага ҳожат қолмайди. Йўлни тўсишади». Шу фикр хаёлига келиб, баттар бўғилди. Совуткични очди: бахтига ароқ бор экан. Катта қадаҳга қуйиб, саҳрода йўл юриб чанқаган одам каби ютоқиб ичди. Биттага қаноат қилмасдан иккинчисини ҳам тўлдириб ичгач, дастурхон устидаги олмалардан бирини олиб, карсиллатиб тишлади. Назарида ароқнинг қуввати ожиздай туюлиб яна икки марта ичди-да, шиша белига ёпиштирилган ёрлиққа қаради. Ароқнинг қирқ даража эканини ўқиб, ажабланганича бош чайқади.

Эшик тақиллаб, аскар йигит кўринди-да, «Емакхонага чиқасизми ё овқатни шу ерга олиб келайми?» деб сўради. Самандар оч бўлса-да, овқат егиси йўқ эди. Аввалига «керакмас», деб рад этди. Сўнг йигитни чақириб, «шу ерга олиб кел», деб буюрди.

Ароқ таъсир қилиб, бадани қизиди. Боши айланди. Боғланган панжасига қараб ғижинди-да, докани ечиб ташлади. Ўзича бир нималар деб ғўдраниб, ҳаммомга кирди. Ювиниб чиққанида хонани овқатнинг ёқимли иси тутган эди. Шишани бўшатгунича тўрт-беш чўқим овқат ея олди, холос. Томоғидан бошқа ҳеч нарса ўтмади. Яна бир шиша пиво ичгач, тўшакка ҳам етиб бора олмай, гилам устига чўзилди.

...Нафиса кўзларини ярим юмганича тўшакда айшини сурарди. Самандарнинг кириб келганига на у, на-да хуштори эътибор берди. Самандар «Ҳайвон! Бузуқ!» деб бақирмоқчи бўлди, аммо овози чиқмади. Сўнг... ошхонадан болта олиб чиқиб, уларни чопаверди, чопаверди. Сўнг...

даҳшатга тушди. Болта уларни қийма-қийма қилиб ташлаган бўлса-да, танада бир томчи ҳам қон кўринмади. Сўнг... қиймаланган тана бус-бутун ҳолга келиб, қадлари кўтарилди. «Эй нодон!» деб унга қараб кулдилар, кулавердилар. Сўнг... Самандар уларга пичоқ билан ташланди. Улар қочдилар, қочавердилар. Самандар ғазабга келиб, пичоқни отди. Пичоқ кинодаги мерган қўлидан отилгандай тўғри бориб Нафисанинг чап кўкрагига санчилди. Нафиса йиқилди. Ўлди. Чинакамига ўлди! Ана, кўкрагидан қон сизиб чиқяпти. Қон... иссиқ, қон. Кўзлари эса бақрайиб қолди: «Гуноҳим нима эди?» деб сўраётганга ўхшади. Самандар қўрқиб кетди: «Нафис, сени ўлдирмоқчи эмасдим. Турсунали билан биргалигингни билганимда ҳам кечирган эдим. Бу сафар ҳам кечирардим. Ўлма, Нафис...» Шундай деб турганида хуштор келиб бошига тўқмоқ билан урди, ураверди. Тўқмоқ ҳар урилганида жаранглаб, акс-садо таратди, таратаверди... Нафаси эса бўғилди, бўғилаверди...

То уйқудан уйғонгунига қадар шу туш асоратида азоб чекди. Қўрқувдан уйғондими ё эшикнинг тақиллаганидан уйғондими — фарқлай олмади. Ҳар ҳолда эшикнинг тақиллаши бошига урилган тўқмоқ жарангига монанд эди. Бошига урилган тўқмоқ тушида кечган бўлса-да, гардани лўқиллаб оғрирди.

Аввалига қимирлаш у ёқдан турсин, «Ҳа, ким?!» дейишга ҳам мажоли етмади. Аниқроғи қаерда, нима учун ётганини идрок қилолмади. Бир оз гарангсиб ётгач, нонуштадан кейин бўлиб ўтган воқеаларни хира тарзда бўлса-да, эслади. Шундан сўнг кўзларини аранг очди. Эшик яна тақиллагач, «ҳозир!» деб овоз берди-да, инқиллаб ўрнидан турди. Уй худди осма кўприкдай у ёнбу ён тебрангандай бўлиб, чайқалди. Гандираклаб бориб эшикни очди.

Енгсиз ич кўйлакда турган гавдали одам уни кўриб жилмайди:

— Хайрият! Бу кимсасиз оролда биттагина инсофли тирик одам бор экан! — деди у. — Ҳамма хоналарни

бирма-бир тақиллатиб чиқдим. Тирик одам йўқми, билмайман. Бўлса ҳам очишмайди. Қўрқишадими, билмайман. Мен ёлғизликни ёмон кўраман. Ичгим келяпти, қўшни, нима мен алкашманмики ҳадеб ёлғиз ичаверсам. Кўнглим ширин суҳбатни истаяпти. Сиз менга шерик бўла олмайсизми? — У шундай деб қўлидаги ароқни юқори кўтарди.

Боши айланиб, оғзи қуриб, кўнгли беҳузур бўлаётган Самандарга бу таклиф маъқул келди. Гарчи у чақирилмаган меҳмонга зид ўлароқ ёлғизликни ёқтирса ҳам, ҳозир улфат билан ичгиси келди.

— Киринг, — деди у тисарилиб.

Меҳмон остона ҳатлаб қўл узатди-да, ўзини танитди:

— Медведев Сергей Лаврентьевич.

Самандар «Марҳамат қилинг», деб жой кўрсатди. Медведевнинг шими ёнидаги қизил ҳошияни кўриб «генераллардан экан-да», деб қўйди. Медведев эса ёзув столи устидаги Ҳиндиқуш харитасига кўзи тушиб «ўзимиздан экан», деб ўйлади.

— Исмингиз нима, қўшни? — деди Медведев икки қадаҳга ароқ қуйиб.

Киев университетида, сўнг Москвадаги аспирантурада ўқиб юрганида Самандарни ҳамма «Саша» деб чақирарди. Шуни эслаб у:

— Саша деяверинг, — деб қўйди.

— Сашоқ, саломатлик учун! Мен сендан хурсандман. Бу ердаги ягона тирик одам сен экансан... — Медведев шундай деб тик турган ҳолида қадаҳни бир кўтаришдаёқ бўшатди.

Самандар қадаҳни лабига яқинлаштирганида ароқнинг ҳиди димоғига урилиб, сесканди. Кўнгли баттар айниди. Меҳмон қараб тургани учун хижолат чекди. Кейин чуқур нафас олди-да, бир зарб билан ичиб юбора қолди. Дам ўтмай ўзини енгил ҳис эта бошлади. Учинчи қадаҳдан кейин эса пича ўзига келди. Бу ерга киришдан аввал ҳам бўкиб ичган меҳмоннинг «гап халтаси тешилиб», тинмай гапираверди.

— Сашок, мен ҳарбий одамман. Менинг касбим жанг қилиш. Қоғоз титиб идорада ўтирадиганларга тоқат қила олмайман. Россияни ким хароб қилди, биласанми? Ана ўша бурнига кўзойнак қўндириб, қоғоз титиб ўтирадиганлар. Биз эса буюк Россия шуҳратига шуҳрат қўшамиз. Бу — бизнинг бурчимиз.

Медведев яна қадаҳларни тўлдирди:

— Буюк Россиямиз учун, унинг шуҳрати учун! — У шундай деб хитоб қилгач, қадаҳни одати бўйича бир кўтаришда бўшатиб, кафтига «куф» деб қўйди.

Самандар энди ичишга қийналмади. Оғриқлар уни тарк этган, аммо қулоғи шанғиллаб, меҳмоннинг гапларини дуруст идрок қила олмаётган эди. Медведев эса «сукут ризолик аломати» саналгандай «гапларим Сашокка маъқул келяпти», деган фикрда жўшиб сўзлайверди.

— Бу ғаламислар Россиянинг Ўрта Шарқдаги сиёсатини ўзгартиришмоқчи. Очиғини айтайми? Михаил Меченнийнинг ишлари менга ёқмаяпти.

Самандар Михаил Меченнийнинг ким эканини дарров англамади. Кейинроқ гап Горбачев ҳақида бораётганини фаҳмлаб, нимани тасдиқ этаётганини ўзи ҳам тушунмай, бош ирғаб қўйди.

— У бизнинг Германияни икки қўллаб топширди. Германия учун руслар қанча қон тўкишган, биласанми? Энди эса Афғонистонни бермоқчи! Горчаков жаноблари 1877 йилда нима қилган биласанми? Билмайсан! Гранвиллни биласанми? У ўша пайтда Англия ташқи ишлар вазири эди. Горчаков у билан сулҳ тузди. Ҳозирги Афғонистоннинг шимолий чегарасини ўша аҳмоқ белгилаган. Нега аҳмоқ, деяпсанми? Шунинг учунки, яна бир зарб берилса, Афғонистон тўлалигича бизники эди. Ҳеч бўлмаса ярми бизники бўларди. Бугун бекорга қон тўкиб юрмасдик. Энди Михаил Меченний нима қилмоқчи? Биласанми? Билмайман, дема, биласан. Бу ерда бекорга ўтирганинг йўқдир. Мени ҳам шунинг учун чақиртиришибди. Булар Афғонистонни топширишмоқчи! Қўшинни қайтаришмоқчи! Бунга чидаш мумкинми?! Йўқ! Сен чидасанг

чидайвер, аммо мен чидай олмайман! Ахир у ерлар рус қони эвазига олинди. Халқи тамоман қириб ташланса ҳам, Афғонистонни қўлдан бермаслик керак. Афғонистон — Покистон калити, Ҳиндистон калити, Ҳинд океани йўли! Ҳиндиқуш-чи? Бундай стратегик қулай жой яна қаерда бор? Энди сен айт: қайси аҳмоқ калитни ўз ихтиёри билан беради?

У яна бир оз асабийлашган ҳолда ароқ қуйди:

— Россия шуҳратининг сўнишига сира йўл қўймаймиз!

Самандарнинг кўзларига қадаҳ аввал иккита, сўнг учта бўлиб кўринди, кейин чирпирак бўлиб айлана бошлади. Россиянинг шуҳрати учун ичишга қурби етмай, ёнига шилқ этиб йиқилди.

— О, Сашок, ичишни эплай олмас экансан-ку!

Медведев шундай деб уни икки қўлтиғидан олди-да, судраб бориб каравотига ётқизди.

— Бўпти, Сашок, омон бўл! Бир оз кўнглим ёзилди. Аммо сен менинг гапларимни унут!

Шундай деб яримдан озайган шишани кўтариб, бир оз гандираклаган ҳолда хонадан чиқди. Дам ўтмай қўшни хона эшиги тақиллай бошлади. У энди эрталабгача бирга ичиши мумкин бўлган «тирик одам» изларди.

Ҳамма ёқни булғаб ташлаган Самандарни эса эрталаб ҳарбийлар шифохонасига олиб кетишди.

АРМОН

Тиш оғриғининг давоси омбур, деганларидек, Омонулло ўзидаги қўрқувни енгишга куч топиб, тиш табибига кирди-ю, бир неча дақиқада кўзлари мошдек очилди, қоронғу дунёси ёришди. Аввалги куни эътибор бермаган нарсалар энди муҳим бўлиб кўринаверди.

Ўша куни Абдуқаюмнинг уйидан чиққач, доктилоскопчи уни ичкари хонага чақирди-да, пўлат сандиқдаги қонли доғни кўрсатди:

— Эшик тутқичларида ҳам айни шу из.

Омонулло пўлат сандиқни синчиклаб кўздан кечирди: очишга уринилмаган. Балки ўз калити билан очиб-ёпилгандир? «Ким очиб ёпган? Очиловми? Пулларини олиб қочганми?» Омонуллонинг хаёлига келган биринчи фикр шу бўлди. Самандардан бармоқ изларини олиб, қонли излар билан солиштириб кўрилмагунича аниқ бир қарорга кела олмас эди. Шу сабабли унинг қаердалигини аниқлаш мақсадида ишхонасига йўл олди.

Телефондаги савол-жавобдан сўнг унинг келишини кутишаётган экан. Ташқаридан қараганда кўримсизгина бўлган уч қаватли уй темир панжара билан ўралган эди. Омонулло дарвоза ёнидаги қоровулхонадан нарига ўта олмади. Қоровулхона одатдагидан кўра кенгроқ, учдан икки қисми бел баробар тахта тўсиқ билан ажратилган эди. Одамлар ўтиши учун мўлжалланган йўлак ўртасига худди метродаги каби очилиб-ёпиладиган тўсиқ қўйилган эди. Худди шу жойда тўхтаган Омонуллонинг гувоҳномасини кўришди. Аввалига тўсиқ ёнида турган йигит ҳарфма-ҳарф ўқиётгандай тикилди. Сўнг бир суратга, бир Омонуллога тикилди-да, гувоҳномани хона тўрида ўтирган ўрта ёш, тепакал кишига олиб бориб берди. Тепакал кўзойнагини тақди, бу ҳам камлик қилиб, тортмасидан тошойна чиқариб гувоҳномани синчиклаб текширди. Кейин ўнг томондаги компьютер тугмаларини босиб, беш-олти дақиқа давомида нигоҳини экрандан олмай ўтирди. Экранда жавоб ёзувлар пайдо бўлганидан кейингина буйруқ оҳангида «ўтинг» деб қўйди.

Омонулло аввал ҳовлига, кейин уч қаватли бинога ўтсам керак, деган фикрда «қаёққа борамиз?» деб сўради. Йигит унга жавобан жилмайиб қўйди-да, тўсиқни очиб, «Бу ёққа», деб тепакал томонга ишора қилди. Омонулло ичкарига ўтиб, тепакалнинг рўпарасидаги стулга ўтирди.

— Очиловда нима ишингиз бор? — деб сўради тепакал унга қаттиқ тикилиб.

— Ундан сўраб-билиб оладиган гапларим бор.

— Қанақа гап?

— Сиз билишингиз шартми?

— Шарт.

— Айтайлик, бир жиноятга оид гаплар бўлиши мумкин.

— Қанақа жиноят?

— Буни ҳам билишингиз шартми?

— Очиловга тегишли бўлса — шарт.

— Унинг хотини ўлдирилган.

— Қачон?

— Тахминан уч кун аввал.

— Очилов бир ойдан бери сафарда.

— Қаерда?

— Керакли жойда.

— Уни кўришим шарт.

— Келганида кўраверасиз.

— Қачон келади?

— Керак бўлганида келади.

— Аниқроғини ҳеч ким билмайдими?

— Очилов билан ишингиз бўлмасин. Жиноят юз бердими, жиноятчини топинг. Сизга маслаҳатим: бу томонларга бошқа келмаганингиз маъқул.

— Хотинининг ўлганини хабар қилиш керакдир? Мурдани кўмиш керакдир? — деди Омонулло бир оз аччиқланиб.

— Хотинининг ҳеч кими йўқ эканми? — деб сўради тепакал пинагини бузмай.

— Отаси бор.

— Хотиржам бўлинг, отаси кўмаверади. Эри кўмиши шарт эмас.

Тепакал «гап тамом, сизга рухсат», дегандай гувоҳномани узатди. Омонулло бу ердагиларнинг оддий қоровул эмасликларини тушуниб етган бўлса-да, тепакалнинг подполковник унвонида эканидан бехабар эди. Шунга қарамай, унинг қўрслигига қўрслик билан жавоб бермади. Ўрнидан туриб хайрлашмоқчи бўлганида тепакал ўтирган еридан қўзғолмаган ҳолда қўл узатди:

— Шаштингизга қараганда Очиловга бошқа кўз билан қарамоқчига ўхшайсиз, — деди у. — Сизга маслаҳатим: Очиловни тинч қўйинг. Унга тишингиз ўтмайди.

— Қонун олдида ҳамма тенг, — деди Омонулло бу сафар қатъийроқ оҳангда.

— Сиз ўқиган китобда шунақа ёзилганми? Ҳаётда эса, азизим, бутунлай бошқа. Шуни ҳали ҳам тушуниб етмадингизми?

..Тиш оғриғидан қутулиб, фикри тиниқлашгач, ўша учрашувни, ўша тепакалнинг кейинги гапларини эслаб ўйга толди: «Нима демоқчи? Қотил Очилов бўлган тақдирда ҳам қўлингдан ҳеч нима келмайди», демоқчими? Шунчалар зирҳи қалинми бу идоранинг? Хўп кунларга қолдим-да! Жиноят илдизини топиб, «бандитизм» десам, «Бунақа гап йўқ, партия съездида СССРда бандитизмга барҳам берилган» дейилган», деб гаранг қилишади. Мана, жиноятчини ушладим, десам, «тўхта, қамамай тур, коммунист экан, аввал партиядан ўчириб олишсин», дейди. Бошқасини «депутат экан», дейди. Энди бунисига нима дейишаркан?..»

Яхши ҳамки Абдуқаюм новвотранг «Волга»нинг рақамларини эслаб қолган экан. Ҳарбий прокуратура орқали машина ҳайдовчиси ҳам, полковник ҳам топилиб, сўралгач, Омонуллодаги гумон ҳақиқат сари янада яқинлашди. Айниқса, Очиловнинг ўнг қўлини «шиша кесиб кетгани», самолётда эса чап қўлини боғлаб олгани унинг аҳволини аён этгандай эди. Унинг назарида Очиловни ҳибсга олиш учун шу далилнинг ўзиёқ кифоя эди. Айни дамда уни бошқа нарсалар ўйлантирарди. Санжар Иброҳимовнинг қисмати оиласига маълум этилгач, улар учун гўё қиёмат бошлангандай бўлди. Яқинлари «жасадни беринглар», деб ўликхонани қамал қилиб олиш даражасига етдилар. Нафисанинг мурдаси эса яна икки кун ўликхонада қолиб кетибди.

Кооператив бошлиғи Омонулло юборган вакилга «Иккови ҳам суюқоёқ эди, энди ҳайдамоқчийдим» дебди. Сан-

жар Иброҳимовнинг укаси эса, Омонулло билан суҳбатда «Бизнинг уруғда ҳаромга юрадиган одам йўқ. Акам ҳаромдан ҳазар қилар эдилар», деб гапни калта қилди. Иброҳимовнинг хотини эса ўтинч билан «адасидан бундай гумон қилманг», деб кўз ёши тўкди. Уларнинг бу зорли гаплари марҳум хотирасини ҳимоя қилиш учунгина айтилмаётганини Омонулло сезди. Бу гапларга ишонди. Аммо «Эри сафарда бўлган чиройли ёш жувон билан унинг уйига нима учун келди?» деган саволга жавоб топа олмагани учун, марҳумнинг руҳи чирқираса ҳам, шу гумондан узоқлашмасликка мажбур эди. Эркакнинг ҳаромдан ҳазар қилиб юриши аъло ҳол, бироқ... ўртада шайтони лаъин ҳам бор-да...

Марҳумлар хизмат қилган кооперативнинг бошлиғи ғоятда тез гапирганидан ўзининг ҳам нафаси қайтиб кетувчи, чақчайган кўзларидан маккорлик нури сачраб турувчи одам экан. Омонулло «Одамнинг тили алдагани билан кўз қараши алдай олмайди, мен ҳар қандай одамнинг кўзига бир қарашдаёқ кимлигини айтиб бера оламан», деб мақтанишни яхши кўрарди. Қайнатма шўрванинг кўпиги бўлгани каби, бу мақтанишнинг чегарадан чиққан ери ҳам бор эди. Аммо Омонулло юздан етмиш ҳолда адашмас эди, дейилса ҳақиқатдан четга чиқилмас. Ўша юздан етмиш ҳолатнинг бири кооператив бошлиғини кўрганида амал қилди. Шу боис ҳам «Сиз марҳумларни яхши билармидингиз?» — деб сўрамай, гапни айлантирди.

— Кооперативда ишлар қалай, гуллаб-яшнаяптими? — деб сўраб, бошлиққа тикилди.

— Ҳа, энди, қимирлаб турибмиз. Ҳукуматга раҳмат, ҳамма шароитлар бор.

— Гапингиз тўғри. Шароит зўр. Хоҳлаган қинғирликларга шарт-шароит михдай яратилган, буни биз биламиз, — Омонулло «биз» деган сўзни алоҳида урғу билан талаффуз этди. Бу алоҳида оҳанг бошлиқнинг миясига тўқмоқдек урилиб, бир сесканди. Лекин ўзини гўлликка солиб, хи-хилаб кулди:

— Ие, ҳали шунақалар ҳам борми? Қинғирликдан Худо асрасин. Ҳукумат шунча шароит яратиб берганига шукр қилиб тўғри ишлаганга нима етсин!

— Гапларингиз зўр... аммо сизда ҳам озгина бор экан, деб эшитдик.

Бошлиқ «бунинг гапи чинми?» — деган фикрда киприкларини пирпиратиб, Омонуллога бир зум тикилди. Сўнг яна қувлик кўчасига ўтиб, жилмайди. Жилмайганда лабларининг сал титраганини Омонуллонинг зийрак нигоҳи илғади.

— Ҳазилингиз бор бўлсин. Биз «Худо ҳалолидан берсин», деб юрган бандамиз, акахон.

— Шунақами? Иброҳимов билан Болтаева бу қинғирликларни очамиз, деб юришган экан-ку?

Омонуллонинг бу тагдор гапи соясида «Улар сирни очмоқчи бўлганлари учун ўлдирилганлар», деган маъно бор эди. Ана шу маъно ўқ каби миясига санчилиб, бутун танасини зирқиратган ҳолда товонидан тешиб чиққандай бўлди. Энди юзидаги қувлик жилмайиши ҳам йўқолди. Бир оз ўйланди-да:

— Ким шундай деган бўлса, ўлган одамнинг гўштини ебди, — деди.

— Ўлган одамнинг гўшти? Гапингизга тушунмадим? — деди Омонулло ажабланиб.

— Ғийбат билан туҳмат — ўлган одам гўштини ейиш билан баробар экан.

— Шундайми? Унда сиз нима учун бу гўштни едингиз?

— Мен-а? Астағфируллоҳ! Нега бундай деяпсиз?

— «Булар суюқоёқ эди, ҳайдаб юбормоқчийдим» деган ким, сиз эмасми?

— Мен шундай дебманми?

— Хотирангиз яхши эмасми? Сиз чет элнинг киноларини кўрмаганмисиз? — Омонулло саволни беришга берди-ю, жавоб кутмади: — Тугмачага жойлаштирилган магнитофонлари бор... Бизда шунақаси йўқ деб ўйлайсизми?

— Деган бўлсам дегандирман. Ачомлашиб ётишганда ўлдириб кетганидан кейин яна нима дейишим мумкин?

— Ким сизга «ачомлашиб ётишган» деди?

— Ҳамманинг оғзида шу гап. Ўзим кўрмадим. Эшитганимни айтяпман.

— Сиз шу одамларнинг раҳбари эдингиз. Нега аниғини сўраб-суриштирмадингиз?

— Менга бунинг нима қизиғи бор?

— Сиз уларнинг суюқоёқ эканликларини исботлай оласизми?

— Ўртоқ терговчи, мен сизнинг бундай саволларингизга жавоб бермайман. Мени гўл деб ўйламанг. Мен ҳам юрфакни битирганман. Унча-бунча нарсага ақлим етади.

— Шундайми? — Омонулло киноя аралаш жилмайди. — Унда ўртоқ ҳамкасб, сиз баъзи дарсларга кирмай қочиб юрган экансиз. Сиз кирмаган дарсларнинг бирида «терговчи ишга алоқадор ҳар қандай саволни сўрашга ҳақли», — деб таълим берилган.

— Ҳозирги саволингиз ишга алоқадорми?

— Бўлмасам-чи? Мен уларнинг муносабатларини билишим керакми? Уйга нима учун боришган? Балки кооперативдаги қинғир ишларни ёзиш учун боришгандир? Жаҳлингиз чиқмасин, бу шунчаки гумон, холос. Биз сиз билан яна учрашамиз. Истасангиз, адвокат ёлланг. Адвокат иштирокида гаплашинг, бу сизнинг ҳуқуқингиз.

Омонулло шундай деб изига қайтди. Аслида «Кооперативдаги қинғир ишларни фош қилмоқчи бўлишганда ўлдирилган», деган гумони заиф эди. Лекин кооператив бошлиғининг саросимаси бу заиф гумонга қувват бериб қўйди. Ён дафтарчасидаги «қотил ким?» саволи остига ёзилган «Эри», «Отаси» деган жавоб ёнига «Бошлиғи?» ёзуви ҳам пайдо бўлди. Айниқса, эртаси куни бошлиқ номидан адвокатнинг келиши уни ажаблантирди. «Олий маълумотли юрист»дан бунақанги ҳаракатни кутмаган эди. «Бир балоси бор. Бўлмаса ҳе йўқ, бе йўқ ҳимоячи ёллайдими?» деб ўйлаб, «Бошлиқ?» деган ёзув тагига икки марта чизиб қўйди-да, Бошқарма бошлиғига учраб, коо-

перативнинг молиявий аҳволи зудлик билан текширилуви лозимлиги ҳақидаги фикрини баён этди. Фикр маъқуллангач, эртасигаёқ кооператив муҳрланиб, текширув ишлари бошланди.

Қотилликка оид текширув қамрови кенгайгани сайин Омонулло саволлар, жумбоқлар гирдобига банди бўлиб бораверди. Гирдобдан чиқа олиш ёки тамоман муваффақиятсизлик баҳрига ғарқ бўлиши ўзининг фаросатига боғлиқ эканини у яхши фаҳмларди. Бу каби гирдоб унинг учун янгилик эмас. Ҳар бир жиноятга доир ишнинг ўзига яраша ўрамаси мавжуд. Шунинг баробарида чўкишдан асраб қолувчи ҳимоя чамбараги топилмаса ҳам ушлаб олишга ярайдиган дарахт илдизими ё хасми, албатта бўлади. Энг муҳими уларни вақтида кўра билиш, маҳкам ушлаб олишда. Чўкаётган одам хасга тирмашганидек, у ҳам бирон бир далилга маҳкам ёпишади. Ҳозирги гирдобда у хас эмас, ҳимоя чамбарагини топгандай эди. Назарида уйдаги қонли излар айнан шу чамбаракнинг ўзи эди. Қолган далиллар сув ўрами каби уни ўзига тортар, аммо у халоскорликни айнан ўша қонли изларда деб ўзини ишонтирмоқчи бўларди.

Омонулло бошлиғига кооперативда текширув ўтказиш ҳақидаги фикрини баён қилиб, унинг ризолигини олгач, енгил тортди. У бошлиқ ҳузурига киришда «Сиз жиноятчини топиш билан шуғулланинг, кооперативнинг молиявий иши сизга алоқадор эмас», деб қолармикин», деган ҳадикда эди. Яхшики, жиноятнинг бир учи шу ишга бориб тақалиши мумкинлигини бошлиқ ҳам тушунди. Омонулло шундан хурсанд эди. Барча соҳалардаги каби уларнинг ишида ҳам баъзан бошлиқларга гап тушунтириш қийин бўлади. Айнан бир хилда фикрлайдиган, иш юритадиган бошлиқ билан ходимни топиш қийин эмас. Ўз фикри, ўз услуби бўлмаган одамларгина бошлиқ билан бир хилда иш юритадилар. Ақлли бошлиқлар бундай ходимлардан эҳтиёт бўладилар. Бундайларни ўзларига яқинлаштирмайдилар. Айниқса, жиноятга дахлдор ишларда бошлиқ чизган чизиқдан чиқмай юриш яхши на-

тижага олиб келмаслиги мумкин. Бошлиқ қанчалар тажрибали, билимли бўлмасин, ҳар ҳолда у идора одамига айланади. Ҳар бир жиноят эса алоҳида олам. Бу оламнинг ўзига яраша, бошқаларга ўхшамайдиган паст-баландликлари бўлади. Идорадаги одам буларни ўтган тажрибаларига суянган ҳолда пайқаши қийин. Бошлиқ шуни тушунса — ходимнинг омади юришгани. Омонуллога бу сафар шундай омад кулиб боққани учун кайфияти кўтарилди. Уйига эртароқ қайтиб ҳордиқ чиқаргиси, фикрларини тиниқлаштириб олгиси келди.

Тўққиз қаватли уйнинг йўлагига киргач, таъби тирриқ бўлди: лифт ишламаётган экан. Еттинчи қаватга пиёда босиб кўтарилиш малол келди. Ҳаллослаб чиқиб борганига яраша уни бир меҳрибон кутаётган бўлса экан, дастурхон тузаса экан, эркалаб, меҳрибонликлар қилса экан...

Хотини Фотимани Ҳиндистонга кузатганидан бери уйи ҳувиллаб, кирган одамни ютаман, дейди. Саккиз йил муқаддам Фотиманинг бармоғига никоҳ узугини тақканида, сўнг суйиб бўса олганида хотинининг нозли илтимосларига, ўжарликларига қул бўлиб қолишини ўйламаган эди. Баъзан Фотиманинг бирон илтимосига «хўп» деб қўйиб кейин ўзи афсусланиб юрар эди. «Шу хотиннинг нимасини яхша кўраман? Нимасига ишқибоз бўлиб олганман? Бир оғиз сўзимга илҳақ бўлиб юрганлар кўп эди-ку? Бўлди! Энди биронта илтимосини бажармайман!» деб онт ичарди. Аммо бу қасам қўрғони Фотиманинг биргина ширин жилмайишидаёқ вайрон бўлиб кетарди. Фотима узун қора сочлари билан боғлаб олганмиди, ё ҳамиша кулиб турувчи шаҳло кўзлари билан ром этганмиди, ё қалдирғоч қаноти каби қоши, қайрилма киприклари билан қалбини ўзига бўйсундирганмиди — Омонулло билмайди. Билгани — Фотимани жондан ортиқ севади. Фотима эса... Омонуллони севадими ё ўзининг илмий ишинимми? Мана шу жумбоқ баъзан юзага қалқиб чиқиб қоларди. Ўшанда Омонулло «Мен сизга кимман? Бир қулман. Сизга энг муҳими — илмий иш! Номзод бўлиб олай, де-

дингиз — бўлдингиз. Энди доктор бўлмоқчисиз — бўласиз. Кейин профессор бўлгингиз келади, кейин академик бўларсиз. Омонқул эса мишиқи боладай атрофингизда гирдикапалак бўлиб, хизматингизни қилиб юраверади», деб аразлайди. Шунда Фотима ёнар эди. Лов этиб эмас, атрофига учқунлар сачратиб, «яқинлашсанг — ютаман!» деб эмас, майингина, роҳатижон бўлиб ёнарди. Ўзининг энг ишончли қуроли — ширин жилмайишни ишга соларди, юзидаги кулгичи эрининг араз ўтларини сўндира қоларди. «Ўттиз ёшимгача чидайсиз, деб шарт қўйганмидим, сиз ўшанда кўнганмидингиз? Ҳозир тўқсон фоиз сизникиман, ўн фоизнигина илмий ишимга берганман. Ёқлаб олай, юз фоиз сизники бўламан. Бошқа унвонларнинг орқасидан югурсам бетимга тупуринг. Мен учун энг муҳими — илм. Одамларга нимадир бериш. Агар ақлим билан илмим етарли бўлса, сиз айтган мартабаларнинг ўзи келади. Нима, академикнинг эри бўлсангиз ёмонми? Академик кирингизни ювса, академик икки букилиб чой узатса... ёмонми?» Шу гаплардан кейин Омонулло араз нарвонидан пастроққа тушарди: «Ҳа... энди сиз ҳам хоним, генералнинг хотини бўлсангиз ярашармиди... Генерал бозорингизни қилиб берса, генерал гиламларингизнинг чангини қоқиб берса, генерал «буюрсинлар хоним!», деб қўл қовуштириб турса...»

Уларнинг биров учун аччиқ, бировга нордон туюлган, ўзлари учун эса ёқимли, ширин бўлган турмушлари шу зайлда давом этарди.

Ҳинд олимлари Бобур салтанатига оид докторлик ишни Ҳиндистонда давом эттиришни таклиф қилишгач, Омонуллонинг юраги бир увишди. Ярим йил ёлғиз яшаш ҳазилакам гапми?! Фотима «Бормасам бўлмайди!» деб икки оёқни бир этикка тиқиб, жанжал қилмади. Одатига хилоф равишда «Сиз нима десангиз шу — астойдил рози бўлсангиз, бораман, кўнглингизга хиралик аралашса — қоламан», деб қўйди. Омонулло нима дерди: «Қирқига чидаган қирқ бирига ҳам чидайман», дейди-да! Бунинг устига Фотима Омонулло учун кутилмаганда тантанали

ваъда берди: докторлик диссертациясини ёқлагач, то илмий иш Москвадан тасдиқ этилиб, диплом қўлга теккунича Ҳасан-Ҳусан туғиб берадиган бўлди. Бу гапни худди «Дўконга чиқаману икки қути гугурт ё туз олиб келаман», деган тарзда айтди. Омонулло эса ишонди. Уйи ҳасан-ҳусанлар билан тўлиб кетгандай кўнгли ёришди. Тўғри, «Ҳасан-Ҳусан эмас, балки Фотима-Зуҳра бўлар», деб ҳам ўйлади. Лекин унинг учун бу муҳим эмас, муҳими — хотини туғишга рози! Рози бўлганида ҳам белгиланган муддатдан икки йил аввалроқ туғиб бермоқчи. Матбуотчиларнинг тили билан айтганда «планни муддатидан аввал бажармоқчи!» Бу катта ютуқ!

Шу пайтгача ўттиз ёшдан кейин, деб белгилаган муддатини астойдил ҳимоя қиларди. Буни фақат ўзининг илмий ишлари билан изоҳламай, тиббий жиҳатдан «илмий исбот» ҳам топган эди. Нима эмиш, ўттиз ёшдан кейин туғса, болалари зеҳнли, ақлли, ҳам жисмонан бақувват бўлармиш. Бу даъвони эшитиб, Омонулло кулган эди. «Нимага куласиз?» — деган эди Фотима. «Менинг бир танишим бор, — деб жавоб қайтарган эди Омонулло, — у туғилганида отаси йигирма бир ёшда, онаси ўн тўққизда бўлган экан. Мен ўша танишимни кўп кузатганман: зеҳни паст аҳмоққа ўхшамайди. Ҳар ҳолда у салкам фан доктори-я! Жисмоний жиҳатдан ҳам унчалик нозик эмас...» Фотима ўзи ҳақида айтилган бу гапга жавоб беролмай, «бу алоҳида масала», деб қўйган эди.

Ҳиндистонга кетишдан ўн кун аввал Омонулло уйга ярим кечада қайтди. Тунда қайтадими ё саҳардами — Фотиманинг ухламай кутишини яхши билади. Фотима бошқа хотинларга ўхшаб хавотир олмайди, десак ноинсофлик бўлар. Ҳақиқатга кўчсак, ўлчами йўқ, сиғими мавҳум бу хавотир деганлари ўлчанса, Фотиманики ҳамманикидан кўпроқ чиқар. Фақат у бошқалар каби «Эрим қачон келаркан?» (ёки «Эрим ким билан айшини суриб юрганийкин?») деб жағини дераза токчасига тираб, кўчага тикилиб ўтирмайди. Омонулло қай пайтда келса ҳам, уни ёзув столига мук тушганча ўқиб-ёзиб ўтирганини кўради.

Бу сафар ҳам шундай бўлди.

Фотима бу сафар ҳам одатини канда қилмади — «Қаёқларда юрибсиз?» демади. Ўрнидан туриб салом бергач, ошхона томон юрмоқчи бўлганида эри тўхтатиб, «Қорним тўқ», деди.

— Ҳм, ўғриларингиз тўйдириб юборишдими? — деди Фотима ўзига ярашиқли киноя билан.

Бошқа хотинлар «ўйнашларингиз», жуда маданий тарзда айтса «хушторларингиз гўйдириб юборишдими?» дейишаркан. Фотима эса ҳамиша «ўғриларингиз» дейди, бу сўзни айнан айтади, унинг панасига «ўйнаш», деган маънони яширмайди.

— Қамашдан олдин зиёфатини ейиш керак-да, — деди Омонулло хотинига жавобан, сўнг стол устидаги китобга кўз ташлади. — Нима ўқияпсан? Яна «Бобурнома»ми? Юзинчи мартами?

— Минг марта ўқишим керак. Ҳар ўқиганимда биттадан маъно топсам мингта маъно топган бўламан.

— Жонингга тегмайдими?

— Ўғриларингиз сизнинг жонингизда тегишмайдими?

— Оҳ-оҳ... уларсиз яшай олмайман, — деб кулди Омонулло.

— Мен ҳам бу китобсиз яшай олмайман.

— Менсиз-чи?

— Гапни бурманг. Сиз кўчада ҳуштак чалиб юрадиган оддий милиса эмассиз. Олий маълумотли зиёли одамсиз.

— Бунинг устига бўлажак академикнинг эриман.

— Ҳа, шунақа десак ҳам бўлади, ўртоқ бўлажак генерал. Лекин сиз гапни бурмай туринг. Сиз менга айтинг. Бобурни билмаган, тушунмаган одамни зиёли дейиш мумкинми? Қани, мана бу ерга ўтиринг-чи!

Омонулло кулимсираган ҳолда итоат этди.

— Кулманг, деяпман.

— Хоним, тарих дарси учун туннинг қолган ярми етарли бўлармикин? Балки бошқа тунга қолдирармиз?

— Йўқ, ҳозир айтмасам, ёрилиб кетаман. Эшитинг: — Фотима шундай деб китобнинг керакли варағини очиб,

ўқий бошлади: — ...Муҳаммад Ҳумоюн... олти ойгача анда эди: зоҳиран ани ер ва суйи хуш ёқмади. Иситма тутар экандур, бора-бора узоққа тортар» Тушундингизми? — Фотима китобдан бош кўтариб, эрига гапира кетди: — Бобурнинг ўғли хаста экан. Уни аввал Деҳлига кейин кемага ўтқазиб Аграга олиб келишни буюряпти. Ҳумоюн мирзога табиблар чора топиб беришолмагач, Мир Абулқосим деган киши дейдики, — Фотима энди ёддан айта бошлади: — «Ушмундоқ дардларга даво будурким, яхши нимарсалардан тасаддуқ қилмоқ керак. Тоинки Тенгритаоло сиҳат бергай. Менинг кўнглумга келдиким, Муҳаммад Ҳумоюннинг мендин ўзга яхшироқ нимарсаси йўқ. Мен ўзум тасаддуқ бўлайин, Худой қабул қилсун. Хожа Халифа, ўзга муқарраблардин арзга тегурдиларким, Муҳаммад Ҳумоюн сиҳат топар, сиз бу сўзи нечун тилингизга келтурасиз? Ғараз будирким, дунё молидин яхшисини тасаддуқ қилмоқ керак. Бас, ўша олмоским, Иброҳимни урушида тушуб эрди...» бу ерда дунёга машҳур Кўҳи нур олмоси назарда тутилаётган бўлса керак. Тушуняпсизми? Улар «ўзингизни эмас, шу қимматбаҳо буюмни садақа қилсангиз ҳам етар», дейишибди. Бобур нима дебди: «Тилга келдиким, дунё моли анинг эвазига нечук бўлгай, мен анинг фидоси қилурменким, ҳол анга мушкул бўлубдур. Ва андин ўтубтурким, мен анинг бетоқатлигини тоқат келтурғаймен. Ўшал ҳолатга кириб, уч қатла бошидин ўргулуб, дедимким, мен кўтардим ҳар не дардинг бор. Ўшал замон мен оғир бўлдум, ул енгил бўлди. Ул сиҳат бўлуб қўпти. Мен нохуш бўлуб йиқилдим...» Хўш, бунга нима дейсиз? Қайси подшо ўғлига жонини садақа қилган? Ҳусайн Бойқароми? Икковини солиштиринг: бири набирасини ўлдиртирди, бири жонини ўғлига ҳадя қилди.

— Мен ҳам гапирсам майлими? — деди Омонулло худди ўқувчи бола каби қўл кўтариб. Фотима сал чегарадан чиққанини фаҳмлади-ю, аммо сир бой бергиси келмай, бир оз жилмайган ҳолда амр этди:

— Гапиринг, ўртоқ капитан, сўз сизга!

— Биринчидан, бу сатрларни менга аввал ҳам ўқиб берган эдингиз, хоним. Иккинчи гапим шуки, аввал айтмовдим, энди айтаман: агар менинг ўғлим бўлганида уч марта эмас, уч минг марта атрофини айланардим. Битта эмас, уч мингта жоним бўлса, ҳаммасини садақа қилиб юборардим.

Фотима ярим тундаги суҳбатнинг бу тарзда нозик торларни чертиб юборишини сира кутмаган эди. Шу сабабли таслим бўлишдан ўзга чораси қолмади. Китобни ёпди. Киприклари нигоҳини тўсди. Синиқ овозда:

— Овқат емайсизми? — деб қайта сўради. Сўнг эрига илтижо билан боқди: — Яна озгина сабр қилинг...

Омонулло ҳозир уй йўлагида туриб шуни эслади. Ҳовлида ўйнаб юрган болаларга қараб ҳаваси келди. «Уйланган йилим туғиб берганида ҳозир етти ёшга тўларди. Қўлидан етаклаб юрардим. Мактабига олиб бориб, олиб келардим. Ўзи Ҳиндистонида юрса юраверарди...»

АЖР

«Қизимни урган қўлларинг акашак бўлсин! Сен менинг қизимни урдинг — сени Худо урсин! Менинг қўлларим сенинг ёқангда! Қиёматгача қарғайман сени!»

Қайнонасининг фарёд билан айтган бу сўзлари хотирасига михланиб қолган.

Ўшанда суд ҳукмини кутиб ўтирган эди. Қайнонаси айюҳаннос солиб кирди. Қарғади. Қарғаб-қарғаб хуморидан чиқмади. Дод солиб йиғлайверди. «Суд ишига халақит беряпти», деб уни қарийб судраб олиб чиқишди. Унинг фарёди ташқарида ҳам тинмади.

У аввалига қайнонасининг қарғишларига тушунмади. Хотинининг ўлганини кейинроқ билди. Билди-ю, қўрқиб кетди. «Агар бу ўлимни ҳам елкамга юклашса, раҳм қилишса ўн беш йил беришади, бўлмаса отишлари тайин», деб ўйлаб юраги орқасига тортди. «Тракторни маст ҳолда ҳайдагани, «Жигули»га урилгани, ҳайдовчининг жароҳат олгани...» қамалиши учун кифоя қилди. Қўлига

кишан уриб, суд хонасидан олиб кетишди. Ўша онларни кейинчалик эсласа, «бахтимдан ўргилай», деб қўядиган бўлди. Хотини ўша куни эмас, икки-уч кун аввалроқ ўлганида отувдан қутулиб қололмаслиги тайин эди.

Судга нима, «урганингда жигари ёрилиб кетган», деб қотиллик жандасини бўйнига илади. Қайнонасиникига бориб жанжал қилгани, хотинини қувиб юриб урганини билишгач, «қасддан ўлдирган», деб ҳукм чиқариб юборавершади.

Қасддан... Хотинини ўлдириш хаёлига келганмиди ўша дамда? Қайнонасиникига нима учун борган, хотинини нима учун урган — ўзи ҳам билмайди. Эсида қолгани: шийпонда меҳмон кутадиган бўлишди. Раиснинг муовини келиб, унга «Тракторингни тутатма. Бугун нозик меҳмон келадиғон, би-ир пазандалигингни кўрсат», деб кетди. Раиснинг меҳмон кутадиган боғи, ўзининг ошпази бўлса ҳам меҳмоннинг бу ерда кутилиши улар учун тушунарсиз ҳол эди. Унинг пазандалигига кўпчилик қойил қоларди. Ўзи ҳам қозон атрофида яйраб кетарди.

Хуллас, меҳмон келди. Овқат ейишининг тайини йўқ, озғингина одам экан. Жуссаси нозикмиди ёки амали нозикмиди, билишолмади. Билишга қизиқишмади ҳам. Меҳмон кетгач, зиёфатни ўзлари давом эттиришди. Бир томондан куннинг иссиғи, яна бир томондан ҳалқумларини қиздириб ўтган шайтон суви таъсир қилиб, шомга қолмай юмалаб қолишди.

У шом салқинида бир оз ўзига келиб, кўзини очди. Шишаларда, пиёлаларда қолган-қутганини тўплаб, нафсини ором олдиртиргач, бир амаллаб тракторига чиқиб олди. Уйга боргани эсида. Онаси нимадир деди. Нима деганини кейин ҳеч эслай олмади. Сўнг қайнонасиникига борди... Қайтишда бир машина рўпарасидан чиқди. Кейин билса, унинг ўзи трактори билан машина рўпарасидан чиққан экан.

«Шунга ёш умрини жувонмарг қилиб қамаш шартмиди?..»

Унинг хулосаси шу эди.

Кўп нарсалар эсидан чиқиб кетди. Лекин қайнонасининг фарёдини унута олмади. Қамоқда юрганида ҳам, кейин ҳам вақти-вақти билан қулоғи остида жаранглайверди. Ҳар жаранглаганда бир чўчиб тушади. «...Сени Худо урсин!..» Ибодатсиз бўлса ҳам қўрқарди бу қарғишдан. «Худо қанақасига урар экан?» — деб кўп ўйларди.

Тошболта Худонинг қанақасига уришини мана энди билгандай бўлди.

Бу ожиз банда, бу нодон банда, бу шайтон измидаги банда фоний дунёдаги ҳар бир ҳаракати, ҳар бир айтган гапи учун ажр мавжуд эканини, ҳатто қизининг ўлими ҳам ўзига яраша мукофот эканини англаб етмаган эди.

У «норасмий куёви», бир вақтлардаги ўзининг таъбири билан айтганда «валинеъмати» бўлмиш Турсуналининг қўлига кишан урилганида кўп ҳам қайғурмади. Топар-тутари яхши, обрў-эътибори ҳам баланд чин куёвга ёлчиганидан сўнг Турсунали кўзига шумшук бўлиб кўринаётган эди. Шилқимлиги бир кунмас бир кун қизининг оиласини бузиши мумкинлигини ўйлай бошлаган, аввалги фикрларидан қайтган, бой амалдорга ўйнаш бўлишнинг қисқа умрли бахт эканига тушуниб қолган эди. «Эрта-индин урилиб кетиш эҳтимолидаги амалдорга ўйнаш бўлишдан, тагида вертолёти бор олимга хотин бўлиш минг карра афзал», деган тўхтамга келганида унинг мушкулотини Худонинг ўзи енгиллатиб берди — ўйнашни йўлдан олиб ташлади. Унга қадар «норасмий куёви»нинг марҳамати билан Сибирия шаҳарларига мева-чева олиб бориб сотишни касб қилаётган эди. Бу иш билан шу пайтгача шуғулланиб келган одамлари Турсуналининг назарида ғирромлик йўлига ўтишган, унча-бунча пулни ўмариб қоладиган бўлишган эди. Гулдай қизининг номусини ҳадя этишдан қайтмаган Тошболтанинг садоқатига ишониб, Магаданга олиб бориладиган бир вагон помидорни унга топширди. Тошболта пулга қўшиб, бу ерларда топилиши қийин бўлган тилла-жавҳар буюмларни олиб келиб бергач, мўлжални бехато олганидан ўзича қувон-

ди. «Мен буни бир лақма ошпаз деб юрсам, балонинг ўқи экан-ку!» деб ишонч дарвозаларини кенгроқ очди.

Тошболтага айнан шу — ишонч дарвозасидан ўтиб, ичкарироқ кириб, яхшироқ ўрнашиб олиш керак эди. Аслида у юлдузни бенарвон урадиган тоифадан эмасди. Турсунали гумон қилганидек, озгина лақмалиги ҳам бор эди. Аммо каттароқ даромаднинг ҳиди димоққа урилса, ҳийла бош кўтариб, лақмаликни қувар экан. Вагон Магаданга етиб боргунича шерикларининг суҳбатларига зеҳн солиб, пулни пулга уриштириб тилла «ясаш»ни ўрганди. Магадандаги мижозлар эса «директорга яқин одам»ни ўзларига оғдириб олиш учун бу касбнинг сир-синоатларини ўргатдилар. Пулнинг бир қисмига жавҳар кўзли тилла узук олиб бориш ҳам ана ўшаларнинг маслаҳати билан бўлган эди. Биринчи сафардаёқ киши билмас тарзда пулдан ўмариб қолди. Турсунали унинг «садоқати»-дан, «виждонан ишлаши»дан мамнун бўлган ҳолда фойдадан тузукроқ улуш ажратди. Чўнтак пулга тўлгач, юриш-туриш ҳам бўлакча бўлди. «Кўрмаганнинг кўргани қурсин», деганлари шу-да!

Турсунали қамалди-ю, «норасмий қайнота» икки жумбоқ қафасида қолди. Биринчи жумбоқ — тилла безакларга оид эди. У Сибирия томонлардан ҳар сафар тилла-жавҳар безак олиб келарди. Турсунали қамалиб, уйи тинтув қилинганда «бойлик чиқмаган» эмиш. «Бойлик топишни билган яширишни ҳам билгандир, аммо қаерга яширган?» Тошболтанинг тинчини олган жумбоқнинг асосийси шу эди. Қизидан бир неча марта сўради, Нафиса «билмайман», деб елка қисиб тураверди. Иккинчи жумбоқ Сибирга қатнашнинг тўхташи ёки тўхтамаслигига боғлиқ эди. Унинг бахтига янги директор бегоналардан бўлмади. Ўзининг қўлидан таом еб юрган, Турсуналининг маишатига шерик бош муҳандис йигит директорнинг курсисига ўтирди. Бир ой мобайнида боғдаги меҳмонхонага қадам босмади. Келган меҳмонларни ҳам идорадан нари кузатаверди. Янги «ҳалол» раҳбарнинг ибратли ишлари ҳақида гап-сўзлар бошлангач, устозининг

йўлига пинҳона тарзда ўта қолди. Мева-чевалар пишиши арафасида Тошболтани чақириб, Сибирия сафари ҳақида суриштириб, ишни аввалгидай давом эттириши лозимлигини айтди. Сўнг:

— Нафисахон соғ-саломатмилар? Бу томонларга бир келаман ҳам демайдилар-а? Келсалар бехабар қолмайлик, — деб қўйди.

Бу билан устозининг меросхўри сифатида ўйнашга ҳам эга чиқажагини шипшитган бўлди.

«Оббо хунаса-ей, сенинг ҳам дардинг борми?! — деб ўйлади Тошболта ғашланиб. «Э, бола, менинг қизим фоҳиша эмас, эри бор, уй-жойи бор!» — деб силтамоқчи бўлди-ю, ўзини тийди. «Гапиравераді-да, кўз тиккани билан қизим келиб тўшагига ётиб олармиди», — деб ўзини овутди.

Эл оғзида «От босган жойни той босади», деган нақл юради. Шунга кўра, Турсунали от бўлса, шогирди той мисол эди. Қўполроқ тарзда тавсиф берилса, устоз тупирган-у шогирд эса ялаб олган эди. Устози қамалганида унинг ҳам пайтавасига қурт тушди. Ҳар ҳолда устози ошни ўзи ошалагани билан унга ялатиб турарди. Янги директор Яратганга эмас, раҳбарларига шукр қилади: ошалаганларни олишди-ю, ялаганларга марҳамат дарвозаларини очишди. Улар англашмадики, ялоқхўрларнинг нафси ошалаганлардан ҳам бузуқроқ бўлади. Ошалаган қорни тўйгунича ейди. Ялоқхўр эса кўзи тўйгунича. Кўзнинг ҳеч қачон тўймаслиги эса барчага аён. Хусусан, катталарнинг хизматини қилиб юриб феъл-атворларини билиб олган Тошболтага ҳам маълум бу. Шу сабабли қизи тилга олинганда унинг кўзларини ўйиб олгиси келган бўлса-да, ўз аравасини ўзи тортиб кетишга қурби етмаслигини билгани учун ўзини тийди. «Ялоқхўр» деб янги директордан нафратлангани билан тиржайиб, унга қуллуқ қилиб туришга мажбур эди.

Янги директор ҳам Тошболтани суймас эди. «Белида белбоғи бўлса гулдай қизини хўжайинга ўйнаш қилиб қўярмиди», деб ғижиниб юрарди. Бу ғижиниш покиза-

лик аломати эмас, балки рашк оловининг меваси эди. Турсуналининг қилмиши ҳаромнинг ўзи бўлгани каби бунинг ғашлиги ҳалоллик эмас эди. Баъзан бу гўзалнинг бир кечалик оғуши учун дунёсини беришга рози бўлиб кетарди. Омадини қарангки, дунёсини бермаса ҳам жонон нақд бўлиб қолди. «Бу Ошболта деганлари ҳозирча хизматимни қилиб юраверсин. Вақти келганда бир тепсам энасиникига кириб кетади» — янги директорнинг мўлжали шу эди.

Бир-бирларини ёмон кўрганлари билан уларни нафс деб номланган кўринмас занжир маҳкам боғлаган эди. Нафснинг миқдорини ўлчайдиган тарози бўлганда ҳам қайси бириники бузуқроқ эканини аниқлаб бера олмас эди. Нафсга банди бандалар шу ҳолатларида бир-бирлари билан муроса қила оладилар. Покиза ҳаётни афзал билувчилар эса арзимаган масалалар бўйича гап талашиб, оқибатда иттифоқ қила олмайдилар ва оқибатда нафсга банди бандалар етказган зулмдан азоб чекиб нолий бошлайдилар.

Тошболта ҳам, янги директор ҳам қиморбознинг «гардкам!» дейиши каби таваккал қилган эдилар. Дастлабки иттифоқ икковлари учун ҳам манфаатли эди. Айни чоғда иккови ҳам ажралиш онларига тайёргарлик кўрардилар. Янги директор Тошболтанинг аввалги каби садоқат билан ишлашига ишонмагани сабабли унинг ўрнига «ўз одами»ни тайёрларди. Тошболта ҳам янги хўжайин эскиси каби марҳаматли бўла олмаслигини англаб, мустақил иш юритишни, ҳатто бошқа ерга кўчиб кетишни кўзларди. Шу боришида Сибирияда орттирган ошналари билан маслаҳат қилиб айрим ишларни пишитди. Янги директорга топширадиган пулдан кўпроқ уриб қолиб, ноёб моллар харид қилди. Сафардан кўнгли тўлиб, яхши ниятлар билан келиб қизи яшайдиган уй эшигини очди-ю...

Яратган тайёрлаб қўйган мукофотлардан бири — шу эди...

Кўзларига ишонмади. Худди туш кўраётгандай бўлди. Эшикни очиши билан димоғига сассиқ ҳид урилганида

«Эри билан кетган бўлса, овқат-повқати ҳидланибди», деб ўйлади.

Кейин... аввал нотаниш эркакнинг жасадини кўриб бир сесканди. Сўнг қизининг аҳволини кўриб танасидан жон чиқиб кетгандай бўлди. «Қизим! Нафис!» — деб бақирмоқчи эди, овози пичирлаб чиқди. Кўз олди қоронғилашиб, ҳамма нарса айқаш-уйқаш бўлиб кетди. Ана шу қоронғулик қаъридан қайнонасининг ҳайқириғи отилиб чиқди: «Сени Худо урсин!!».

Милицияга хабар қилгач, юкларни ичкари олиб кирди-да, жомадон устига ҳолсизланиб ўтирди. Бошини чангаллаб, тебранди. Йиғлаши керак эди — йиғлай олмади. Йиғи ҳам Аллоҳнинг неъмати экан, раҳм қилганига берар экан бу неъматни. Яратган Тошболтага бу онда йиғисиз руҳ азобини раво кўрди.

Поездда келаётганида юраги ғаш эди. Ғашликни ёйиш учун шериклари узатган ароқни қайтармай ичаверди. Икки тун кетма-кет биринчи хотинини тушида кўрди. Хотини озиб кетган, эти устихонига ёпишган ҳолда эмиш. Ҳолсиз эмиш, хаста эмиш. «Мени қарайдиганим йўқ, меҳрибоним йўқ», деб йиғлар эмиш. Кўзларидан оққан ёш муз доналарига айланиб қолармиш. Тошболта «Сени бу ердан олиб кетаман», деб опичиб олганмиш. Хотини эса йиғлаб, ялиниб «йўқ, олиб кетманг, ўзингиз келинг», дер эмиш.

Тошболта эрталаб уйғониб, бу тушидан ажабланди. У туш йўйишни билмас эди. Ҳар ҳолда бу туш яхшиликка ишора эмаслигига ақли етди. Кейинги уйқусида хотинини яна кўрди. Хотини жулдур кийимда эмиш. Кейин қайнонаси пайдо бўлди. У қарғади, қарғайверди, хотини эса кулди, кулаверди...

Жомадон устида бошини чангаллаганича тебраниб ўтирган Тошболта шуларни эслади.

Кейин... одамлар келишди.

Кейин... терговчи сўроқ қилди...

Буларнинг ҳаммаси туш каби эди. Гўё ҳозир уйғонадигандай, даҳшатли туш барҳам топадигандай эди.

Текширувчилар текширадиганларини текшириб бўлишгач (Сибириядан келтирган моллари ҳам эътибордан четда қолмади — хатга туширилди), «уйни беркитиб, муҳрлаймиз», дейишди. Қалби муҳрланган банда уйни муҳрламоқчи бўлганларга нима ҳам дея оларди? Бошини хам қилиб уйдан чиқди. Қизининг номуси сотилганда эгилиши лозим бўлган бош ажал тиғи қўзғалгач, биратўла эгилди.

Тошболта уйига анчагина мол-дунё кўтариб келишни режа қилган эди. Бу сафар адоқсиз алам-ғам дунёсини елкасига ортмоқлаб кириб келди. Эрини ғамнок аҳволда кўрган Адолат аввалига ажабланиб қараб турди. Кейин уч-тўрт қадам қўйиб пешвоз чиқди-да. «Саломайкум», деб савол муҳрланган назарини эридан узмай қараб турди. Савол сўралмаган бўлса ҳам Тошболта бу қарашда «Ҳа, нима бўлди, юкларингиз қани?» деган маънони уқиб ғижинди-да, ичида «Ҳе, саломинг бошингни есин!» — деб қўйди.

...Тошболта қамоқдан чиқиб қишлоғида узоқ яшай олмаган эди. Худди биров атайин уюштираётгандай қайнотасига, қайноғаси, қайниларига дуч келаверди. Улар, айниқса, қайнонаси, тилда гапирмасалар ҳам кўз қарашлари билан қарғардилар. Тракторчиликка бирга ўқиган ошнаси чўлдаги янги совхозда бригада бошлиғи экан, онасининг зиёратига келганда Тошболтани учратиб, ишга таклиф қилди. Тасодифни қарангки, ўша йили Адолат ҳам «қалб даъвати» ва комсомол йўлланмаси билан «чўл қувгани» келган экан. Унинг шаҳардаги қилиқларидан бехабар Тошболта жилмайиб қўйишларига хуштор бўлиб, «ўқитувчи халқи яхши бўлади», деган фикрда одам қўйди. Адолат «қамалиб чиққан тракторчига тегаманми», деб нозланиб ўтирмади. Зеро, бу ерга келишдан мақсади чўл қувиш эмас, бирон лақмани топиб эр қилиб олиш эди. Унга номи учун эр бўлса бас эди. Шунга биноан унинг мақсади шоирларнинг тили билан айтилувчи «чўлқуварлик» эмас, балки «эрқуварлик» эди. Тошболта уйлангач, «хотинимнинг исми ўзига мос экан», деб қизини олиб

келди. Дастлаб турмушидан рози эди. Адолат кўп жиҳатлари билан биринчи хотинидан аълороқ туюлди. Кейин-кейин асал ойлари тугаб, заҳар кунлари бошлангач, «Агар Адолат дегани шу бўлса, адолатига минг лаънат!» деб пешанасига шапати урди. «Қўшнинг ёмон бўлса, кўчиб қутуласан, хотининг ёмон бўлса қўйиб қутуласан», дейишади. Тошболта бу мақолни биринчи ким тўқиганини билмайди. Билганида эди, ўша айтган одам ҳаёт бўлганида эди, унга тик боқиб: «Бекор айтибсан! — дерди. — Гапимга ишонмасанг, ана, Адолат деган шайтоннинг ургочисига уйланиб кўр-чи, қўйиб қутула олармикансан!»

Ёмон хотун шаётун қамчисидур,
Қўлунг боғлагувчи арғамчисидур.
Ўшал хотунки номаҳрам назардур,
Агар у шамсу қамардур мочахардур.
Агар чандики бузрукзодадур ул,
*Яқин бил, тўрт оёқлик модадир ул...**

Айни чилла пайтида бригадаларига бир мухбир келиб, қамиш чайлада ошхўрлик қилиб, «юзта-юзта отиб» ўтиришганда ёмон хотиндан гап чиқди-ю, меҳмон шу сатрларни ўқиб берди. Айрим сўзларига яхши тушунмаса ҳам шеър Тошболтага маъқул келиб, уч марта қайта ўқиттирди. Мухбир йигит «хотин ойдек бўлса ҳам, қуёшдек бўлса ҳам, агар у ёмон бўлса урғочи эшшакнинг ўзидур», деб изоҳ бергач, тўлқинланиб, кўзлари ёшланиб «акам бўласиз!» деб чўлпиллатиб ўпиб кетди. Сўнг сатрларни бир парча қоғозга ёздириб ҳам олди. Кайфи тарқагач, шеърни ҳам, сатрлар ёзилган қоғозни ҳам унутди. Кўйлаги ювиладиган бўлганда Адолатнинг қўлига тушиб, у лабини бурди. Шеърни ўша мухбир ёзган деб ўйлаб, эрига дашном берди-да: «Ўшанингиз бекорларнинг бештасини айтибди, шайтон урғочи бўлмайди, эркак бўлади,

---

*Сўфий Оллоҳёрдан.

шеър ҳам «ёмон хотун эмас, ёмон эркак дейилган», деб донолик қилди. Унинг ишонч билан айтган гапларини тинглаган киши «шайтонни шу туққанга ўхшайди, шайтоннинг эркаклигини аниқ биляпти-ку» дейиши мумкин.

Эр-хотин орасида биринчи жанжал чиққанида Адолатнинг ўзи унга «Овора бўлманг, мени қўя олмайсиз. Мендан фақат ўлибгина қутуласиз», деб дангал айтган эди. Тошболта нима қилсин, тақдирга тан бериб яшайверди. Фақат ичиб олган кезлари дўстига ҳасрат қилиб «Э, ошнам, сен менинг дардимни билмайсан, пешанамнинг шўрини ўлчаш учун трактор тортадиган тарозининг ҳам кучи етмайди», деб нолирди. Адолат эса меҳрибонлик қилиб унга яна учта қиз туғиб берди. Қизлари туғилгунича бир нави эди. Ана ундан кейин Нафисанинг ҳам қора кунлари бошланди. Ўгай она қандай бўлмоғини билмоқ истаганлар Нафисадан сўрасалар эди, у айтиб берарди. Ўгай оналарнинг зулми ҳақида ҳикоялар кўп. Адолат улардан ўтса ўтардики, кам эмас эди. Нафисани Турсуналига рўпара қилиш фикри дастлаб айнан шу хотиндан чиққани инобатга олинса, макр бобида тенгсиз эканини англамоқ мумкин.

...Тошболта ўликхонага олиб кетилган қизининг мурдасини қачон олиши мумкинлигини сўрашни ҳам унутиб, қишлоғи сари йўл олганида Адолатнинг ўша фикрини эслади. Эслади-ю, бўғилди. Шунда ҳам «Аҳмоқ хотиннинг гапига кирган — мен аҳмоқ!» демади. Унинг ақлсиз ақлига бундай гапнинг келиши мумкин ҳам эмасди. Бунинг ўрнига «Нафисани директорга қўшинг-у кейин Турсуналини соғин сигирдай соғиб юраверинг», деган тилларини узиб олгиси келди. Қандай қилиб қўшишни ўргатган бу хотинни ўша пайтда ўлдирмаганига ачинди. «Ўлдирганимда мени ҳам отишарди, бу азобларга дуч бўлмас эдим...».

Тошболта қизининг шу йўл билан бахтли бўлишига ишонган эди. Дастлаб бахт қуёши чарақлаган ҳам эди. Бу нурдан унинг хонадони баҳраманд эди. Уйларига гиламлар... рангли телевизорлар кирган эди. Сибирияга қат-

най бошлагач, у эртакдаги балиқчи чолга, Адолат эса кампирга айланди-қолди: тешик тоғорага қаноат қилмади, саройга ҳам... Уйлари директорникидан кам эмасди... Навбат «Жигули»га етганда...

Бахт қуёши бирдан сўнди. Бахт қуёши деб ўйлаб юрганлари алдамчи кўриниш экан. Бу қуёш деб ўйлаганлари нур эмас, қон сачратаётган экан.

Тошболтанинг назарида буларнинг барчасига Адолат айбдор эди. Уйига кела келгунича бу фикр қатъий қарор қувватини олди. Шу боис ҳам саломга алик олмай, «саломинг бошингни есин», деб қўйган эди.

Тошболта айвонга тўшалган кўрпачага омонат ўтирди. У аслида уйга кирмай қишлоқдаги ошналариникига бориб, бошига тушган кулфатдан огоҳ қилмоқчи, «қаерга кўмганимиз маъқул, шу ергами ё қишлоққами? Тоғаларига хабар берайинми ё йўқми?» деб маслаҳатлашмоқчи эди. Кейин фикрини ўзгартириб, хотинга хабар бериб қўяй, деб йўлни уйга бурганди. Кўрпачага ўтиргач, бир ҳўплам чой умидида хотинига қаради. Хотин эса унинг рўпарасига ўтириб олди. Тошболта чой сўрашни ҳам, кулфат хабарини айтишни ҳам билмай гаранг, Адолат эса эрининг аҳволига тушунмай ҳайрон эди. Хотин кишининг сабр косаси эркакникига нисбатан саёзроқ бўлади. Шу боис ҳам биринчи бўлиб Адолат тилга кирди.

— Ҳа, мунча, мен еб сиз қуруқ қолгандай тумтайяпсиз? Нима бўлди, ёрила қолинг!

Тошболта учун бу гаплар янгилик эмасди. Аввалари эшитганида «Э, ўчир!» — деб қўя қоларди. Ҳозиргиси гўё ўқ бўлди-ю, азоб исканжасидаги юрагига қадалди.

— Унингни ўчир, қанжиқ! — деб бақириб юборганини ўзи ҳам билмай қолди.

Кучли, айни дамда аламли ҳайқириқ билан отилиб чиққан бу ҳақорат Адолатнинг ҳушини олди. Унча-бунчага гап бермайдиган, бўйин эгмайдиган бу хотин чиндан ҳам «унини ўчиргани» маъқулроқ эканини англаб, чаққон ўрнидан турди-да, ошхонага қараб юрди. Бир оздан сўнг чойнак-пиёлани кўтариб келиб, эрига чой қуйиб узатди:

— Дадаси ичинг, ҳовурингиз босилади.

Илиқ лафз билан айтилган бу гап ҳам Тошболтага малол келди.

— Ҳовурим босилсинми? Ҳовурим босилишини истаб қолдингми?! Ҳе, энангди... Ҳе, сени менга рўпара қилгандди... — деб туриб туйқусдан пиёлани отди. Адолат чақ-қонлик қилиб бошини эгиб қолмаганида пиёла нақ пешанасига тегарди. Эрининг феълини яхши билган Адолат ғазаб ўтининг аланга олишига йўл қўймаслик мақсадида чақ-қон ўрнидан турди. Бундай ҳолатда кўп аёллар қочишга, беркинишга ҳаракат қилишади. Адолат эса ўзини танк остига ташлайдиган жасур аскар каби эрига яқин келиб, елкасидан қучиб олди.

— Вой, дадаси сизга нима бўлди? Сизни қайси уйинг куйгур хафа қилди? — деб овута бошлади.

Адолатнинг макри амал қилиб Тошболта пича ҳовуридан тушди. Бўғзига йиғи келиб, кўзлари пирпиради.

— Айтинг, айта қолинг, енгил тортасиз, нима бўлди?

— Нафис... Нафисни ўлдириб кетишибди... — Шундай деб йиғлаши лозим эди, аммо бўғзига қадар келган йиғи зоҳирга чиқа олмади.

— Ўлдирибди? Қайси уйинг куйгур ўлдирибди? Нима қасди бор экан?

Тошболта «билмайман», деб бош чайқади.

Адолат бир зум жим қолди. Кейин паст овозда:

— Бир кунмас бир кун шундай бўлишини билардим, — деди.

— Нимани билардинг? — деди Тошболта сергак тортиб.

— Жаҳлингиз чиқмасин-у, ғар бўл, ўғри бўл, инсоф билан бўл, дейишади.

— Нима?! — Хотинининг бу гапини эшитиб, Тошболтанинг кўзлари косасидан чиқар даражада олайди: — Нима дединг, қанжиқ?! Ҳали менинг қизим сенга ғар бўлдими?!

Тошболта шундай деб хотинини тирсаги билан туртиб юборди. Адолат кутилмаган зарбдан йиқилди. Астойдил

дўппослашга ҳезланиб ўрнидан тураётган эрининг важоҳатини кўриб, кураш қуролини ўзгартириши лозимлигини англади. Ҳарбийларда «Энг маъқул мудофаа усули — ҳужумдир», деган ҳақиқат бор. Адолат ҳарбий эмас, бу қоидани билмайди. Аммо халқда мавжуд «Қўрққан олдин мушт кўтарар», деган мақолдан хабардор бўлгани сабабли эридан аввалроқ ўрнидан туриб, унга чекчайди:

— Ҳа, ғар бўлмай гўрмиди? Ғарлигини билмасмидинг?!

Аввалги жанжалларда Адолат бақириб, сенсирай бошлаганида Тошболта «Сен ит билан тенг келаманми», — деб чекиниб қўя қоларди. Адолат бу сафар ҳам шундай бўлишига умид қилиб янглишди: бу шунчаки «эр-хотиннинг уруши — дока рўмолнинг қуриши» эмас, ўртада фожиали ўлим топган фарзанднинг руҳи бор эди. Тошболта унинг сенсирашига ҳам, бақиришига ҳам парво қилмай Адолатни уриб қолди. Адолат «Вой-дод!» деганича ҳовлига қочди. Тошболта уни қувламоқчи бўлганида оёғи зинада тойиб кетди-ю, ёнбошига гурсиллаб йиқилди. Чаккаси айвон устунига урилди.

Адолат бу ҳолатни кўриб, аввалига «Ажаб бўлсин, баттаргина бўл-а!» — деб ўйлади. Сўнг эрининг қимирламай қолганини кўриб «Вой ўлайин, вой дадаси!» — деб югурганича яқинлашди. Тошболта ҳадеганда ҳушига келавермагач, «Вой-дод, эрим ўлиб қолди! Вой-дод, шунқоримдан айрилиб қолдим!» деб фарёд кўтарди. Унинг овозини эшитган қўшнилар чиқиб, Тошболтани кўтариб айвонга ётқизишди, врач чақиришди. Врач «Шу ерда қимирламай ётсинлар, қимирлатсанглар узилишлари мумкин», деди.

— Тузалиб кетадиларми, ахир? — деб сўради Адолат.

— Умид қилаверинг.

Адолат бу жавобни эшитиб «Дўхтур бўлмай ўла-а, тузатиш қўлингдан келмаса, нимага умид қиламан»,— деб минғирлади.

Эртасига Тошболтанинг хасталигидан хабар топган ошналари келишди. Енгил хуррак отиб, ҳаракатсиз ётган дўстларига ачиниб қараб ўтиришди. «Йўлда уриниб қолгандир?» — деб хулоса чиқаришди. Шунда Адолат:

— Йўл ҳам бир гўр, қизларини ўлдириб кетишибди. Шундан куйиб кетдилар, — деди.

Ошналар бу кутилмаган фожиа хабаридан ажабланиб: «Қачон? Қаерда?» деб сўрашди. Адолат «Айтишга ҳам улгурмай шунақа бўлиб қолдилар», — деб безрайиб ўтираверди. «Дафн этишибдими?» деган савол ҳам жавобсиз қолди. Шунда улар «Дафн этадиғон бўлса, ўша ердан телпон қилиб хабар берарди, уч кун ўтирарди», деган тўхтамга келишди.

Бир оз жимликдан сўнг ошналардан бири:

— Унда бориб майитни олиб келиш керак, дафн этиш керак, — деган таклифни айтди.

Айвоннинг бир четида ўтирган Адолатга бу таклиф маъқул келмади.

— Кўмадиган эри бор-ку? — деб танбеҳ берди.

Ошналар бу хотин олдида маслаҳатлашиш ортиқчалигини билиб, ўринларидан туришди. Бу хонадондан чиқиб тўғри самовархонага бордилар-да, маслаҳатларини давом эттирдилар. Орадан бир соат ўтмай уч киши шаҳарга йўл олди. Бир киши Тошболтанинг қишлоғига, Нафисанинг тоғаларига хабар бериш учун жўнади.

Майитни олиб кетамиз, деб келган уч киши кун бўйи оворaи-сарсон бўлдилар. Маслаҳатни хом-хатала пишириб йўлга чиқаверганларидан афсусландилар. Марҳуманинг уйини билишмаса, насабини билишмаса, эрининг кимлигини билишмаса бу катта шаҳарда улар сарсон бўлмай яна ким бўлсин? Улар йўлга чиқишганда «Ўликхонага бориб, оғайнимиз Тошболта касал бўлиб қолди, қизининг жасадини беринглар», деймиз-у жасадни мошинга юклаб шомгача етиб келамиз, бомдодга чиқарамиз», деб мўлжал қилишган эди. Автобусдан тушишгач, бир таксини кира қилишиб, «Бизларни ўликхонага бошлаб боринг, ука», дейишди.

— Қайси бирига? — деди таксичи.

— Ие, ўликхона кўпми бағда? — деб ажабланишди ошналар.

— Катта касалхоналарнинг ҳар бирида бор-да, — деди таксичи.

— Унда энг каттасига бошланг, — дейишди ошналар.

Касалхонада «қачон ўлган, фамилияси нима?» деган саволга елка қисиш билан жавоб беришди. Иккинчи жойга боришганида ҳам шу саволга дуч келишиб «Эгасиз мурдалар бўлса, кўрсатинг», дейишди. Кўришди ҳам. Учинчи ерга боришганида «Қачонлигини билмаймиз-у, аммо бир-икки кун ичида ўлдириб кетишган шекилли», — дейишди. Ана шунда масала сал ойдинлашиб «Касалхоналардан ахтарманглар, ўлдирилгани аниқ бўлса, бошқа ерга боринглар», деб қаерга бориш лозимлигини тушунтиришди. У ерда ҳам «фамилияси?» деган саволни эшитиб хуноб бўлишди.

— Ҳой, ука, тушуняпсизми, жувонни ўлдириб кетишган, — дейишди.

— Акахонлар, йилда битта жувонни ўлдириб кетишган бўлса, гапларингга тушунардим. Ўнтами-ўн бештами эгасиз ўлик ётибди...

Ошналардан бири таранг қилаётган йигитнинг чўнтагига пул қистиргач, ичкари кириб Нафисани таниди.

— Шу жувон, ўраб беринг, ука, олиб кетайлик,— деди.

— Сизлар кими бўласиз, рухсат олдиларингизми? — деган саволга жавоб бўлмагач, пул ҳам ёрдам бермади. Учовлари шомга яқин изларига қайтишди. Эртасига етиб келган Нафисанинг тоғаси билан яна шаҳарга тушиб, майитни олдилар. Нафисанинг тоғаси жаноза қишлоғида бўлажагини айтгач, ноилож унга эргашдилар.

Дафн маросимида куйиб йиғлагувчи бўлмади.

Фақат ачиндилар:

«Ёш кетди, бечора...»

Отага фарзандининг қабрига бир сиқим тупроқ ташлаш насиб этмади. Худо ҳаттоки шуни ҳам кўп кўрди унга...

Омонулло бу гаплардан бехабар бўлгани учун майитнинг кечикиб олиб кетилишидан ажабланган эди. Ўликхонадагилар билан гаплашиб, дастлаб уч нотаниш одамнинг, сўнг эртасига марҳуманинг тоғаси келганини билгач, Тошболтанинг қишлоғига бориш эҳтиёжи туғилди.

Унинг назарида бу ҳолатда ҳам қандайдир сир яширин эди.

Омонуллони туман ички ишлар бўлимининг вакили Тошболта яшайдиган қишлоққа бошлади. Вакил ҳеч бир лутфсиз, манзиратсиз эшикни очиб, ҳовлига кириб борди. Омонулло эса унга эргашди. Тошболта айвонда, бир неча кун аввал қўшнилар ётқизиб қўйган жойдан жилдирилмаган эди. Беморнинг бош томонида ўтирган оқ дўппили қария Қуръондан оятлар ўқиб, вақти-вақти билан дам солиб қўярди. Кир чаяётган Адолат ҳовлига бостириб кирган нотаниш эркакларни кўриб, қўлларини пешбандига артганича ўрнидан турди-да, уларга рўбарў бўлди.

— Биз милицияданмиз, — деди вакил, сўнг эътиборсизлик билан қўшиб қўйди: — сиз ишингизни қилаверинг. Домла ўқиб бўлгунича кута турамиз.

— Ўқимай ўла қолсин, бу домла, бир фойдаси бўлса экан, — деди Адолат минғирлаб.

Бу гаплар минғирлаб айтилган бўлса-да, Омонулло эшитиб ажабланди. «Бу хотиннинг эси жойидами ўзи?» деб ўйлаб, айвонга яқинлашди. Оқ дўппили қария унга бир қараб олди-ю, ўқишини, дам солишини давом эттирди. Тошболтанинг очиқ кўзлари шифтга қадалган, фақат дам солинган пайтда беҳаловат тарзда, ниманидир излагандай аланг-жаланг бўлиб кетарди. Қария фақат ўзи эшитадиган тарзда пичирлаб дуо ўқиди-да, беморнинг елкалари, бошини уқалагач, ўрнидан турди. Омонулло билан ҳилмлик ила сўрашди. Шунда Омонулло қария юзида ажиб покизалик, ажиб нурни илғади.

Адолат айвонга яқинлашиб, шолчанинг бир четини кўтарди-да, бир сўм пул олиб «манг, ота», деб узатди.

— Ҳожати йўқ, синглим, — деди оқ дўппили қария.— Мен Аллоҳнинг розилиги учун холис хизмат қилдим. Яратгандан шифо тиланг, аммо сергак туринг. Умид — ёлғиз Аллоҳдан, — қария шундай деб бир-икки қадам босди-да, тўхтаб, орқасига қаради: — Ҳа, дарвоқе, синглим, Худо хайрингизни берсин. Зинҳор ба зинҳор «ўқимай

ўла қолсин, бу домла», деманг. Гуноҳлардан ўзингизни асранг. Ажрни бергувчи ёлғиз Аллоҳдир.

Адолат бу танбеҳдан уялиб, қизариб ўтирмади, «шуни ҳам эшитибдими-я?» деб қўя қолди. Омонулло эса «мингирлаб айтилган бу гап қандай маълум бўлди?» деб ажабланди.

Оқ дўппили қария чиқиб кетгач, Омонулло айвонга кўтарилиб бемор ёнига ўтирди-да, салом берди. Аҳволни кўриб турган бўлса-да, кўнгил учун:

— Саломатлигингиз яхшими энди? — деб сўради.

Тошболта уни кўриб, таниди, кўзлари бежо бўлди.

— Гапиролмайди, тил кетган. Оёқ-қўл ҳам кетган. Тирик ўликнинг ўзгинаси, — деди Адолат.

Бу қўполлик Омонуллога малол келди.

— Кечирасиз опа, сиз бу кишига ким бўласиз? — деди дағалроқ оҳангда.

— Хотиниман, — деди Адолат айвон четига омонат ўтириб. Кейин изоҳ берди: — Иккинчи хотиниман. Ўзингиз кимсиз?

— Мен шаҳар милициясиданман. Нафиса Болтаеванинг иши билан шуғулланяпман, — Омонулло шудай деб гувоҳномасини узатди. Адолат гувоҳномани олиб, қизиқиш билан тикилди.

— Ўзи нима бўлган? Қиз ўлгурни нимага ўлдиришибди? — деди у гувоҳномани эгасига узатар экан.

— Эрингиз айтмадиларми?

— Айтолмади. Шу зинадан йиқилди-ю, шунақа адо бўлди. Ўлиб ўлмайди, жонланиб жонланмайди. Бошимга битган бир бало бўлди. Тракторчилигида яғирларини юваверіб қўлим қаварган эди, энди исқиртларини ювиш ҳам пешанамга ёзилган экан. Пешанам шўр бўлмаса шунга тегармидим. Шу савилга тегиб мен бир рўшнолик кўрмадим. Ётишини қаранг. Бу ёқда учта қизи етилиб турибди. Ҳали биттасининг ҳам орзу-ҳавасини кўрганим йўқ. Айтинг, айтинг, ўлиб қолмасин, ўлса бутун йиққан-терганларим соврилади. Ҳали ҳам дорилари ҳамённи ўпириб кетяпти. Арзонроқ дорилар бўлса ҳам

гўрга эди. Дўхтир ўлгур нуқул қимматини танлаб ёзиб берибди.

Омонулло хотинларнинг турли тоифасини кўрган, аммо бунақасини энди учратиши эди. «Қани, гапираверсинчи», — деб бир оз қўйиб берди. Лекин узоқ тоқат қила олмади. Адолат «шу айтаётганларим буларга керакми?» — деб фикр қилмай, тилига келганини қайтармай гапираверарди. Телба деса телбага ўхшамасди, соғ деса соққа. Ғаши кела бошлаган Омонулло унинг гапини қоқ белида шарт бўлди:

— Эрингиз тракторчимидилар?

— Тракторчи бўлмай гўр бўлармиди? Бошқа ҳунари йўқ.

— Иркутскка нима учун борган эдилар? Трактор олиб келгани эмасми?

— Тракторга бало борми? Озгина мева-чева олиб кетувди.

— Тез-тез бориб турармидилар?

Адолатнинг аҳмоқ ҳам, телба ҳам эмаслиги шу саволдан кейин аниқ билинди. У милиция ходими бекорга савол бермаслигини англаб, тилини жиловлади. Бир оз ўйлаган бўлиб:

— Бу йил биринчи бориши, — деди.

— Ўтган йилларичи?

— Ўтган йили ҳам бир марта борган.

— Шериклари бормиди?

— Билмайман.

— Болтаеванинг уйида анча мол бор экан. «Шерикларимники» дедилар. Иркутскдан олинган тоза моллар экан.

Адолат эрига ғазабли нигоҳини бир қадаб олди-ю, индамади.

— Бу молларни биз эгаларига қайтаришимиз керак. Эгаси чиқмаса давлат ҳисобига ўтади.

Омонулло мўлжални ниҳоятда аниқ олган эди. Адолат молдан айрилиши мумкинлигини ҳис қилиб бир сесканди-да, Омонуллога ёмон қараш қилди:

— Давлатга ўтади? Нимага ўтаркан? Эгаларига қайтараман, дейсизми, ким экан эгаси?

— Шериклари-да. Эрингизнинг ўзлари менга шундай деганлар.

— Бекор айтибди. Ҳеч қанақа шерик-периги йўқ. Мол ҳаппи ҳалол бизники.

— Иркутскка қачон кетиб, қачон келдилар?

— Кетганига анча бўлди, бир ойдан ошди. Келиши... шу, аввалги куни. Келдию шу балога йўлиқа қолди.

— Бизга маълум бўлишича, бир ҳафта олдин келганлар?

Омонулло «отаси ўлдирган бўлиши мумкин», деган гумондан узоқлашган бўлса-да, яна бир қармоқ ташлаб кўрмоқда эди.

— Бир ҳафта олдин келган эканми? Қайси гўрларда юрган экан?

— Бу ерга келмадиларми?

— Келса бир қадам силжитмас эдим.

— Нега?

— Уй-жойга ҳам қараш керакми? Эркак ўлгур қарамаса, ким қарайди? Мен хотин бошим билан югурайми?

— Сиз «иккинчи хотиниман» дедингиз, биринчиси қаерда?

— Гўрда.

Омонулло буни тўғри маънода айтяптими ё пичинг қиляптими, фаҳмига етолмай, савол назари билан қаради.

— Ҳа, нимага қарайсиз? Гўрда дедим-ку? Ўлган-да.

— Қачон?

— Билмайман. Қамоқдан чиқиб келганидан кейин текканман мен бу ер юткурга. Аниқ билмайман-у, аммо хотинини уриб ўлдирган экан. Шунақа жиннилиги бор, менга ҳам ташланиб қоларди.

— Уриб ўлдирган? Қамалиш сабаби бошқача-ку?

— Бошқа бўлса бошқадир, мен эшитганимни айтдим.

— Болтаева бу ерга тез-тез келиб турармиди?

— Келарди, лекин тез келармиди йўқми, ҳисоблامаганман.

Омонулло портфелидан Санжар Иброҳимовнинг суратини олиб кўрсатди:

— Шу одам билан келганми ҳеч?

Адолат суратга тикилиб туриб, бош чайқади:

— Танимадим. Тўғрисини айтайми, бир-икки марта сариқ-мошак эри билан келган эди. Кейин ўзи келиб-кетиб юрувди. Ўша савил қолгур эр билан бирга юришга уялган-да. У одамни кўргандирсиз? Қандай қилиб кўнгли тортиб эр қилди, ҳайронман. Ундан кўра, эрсиз ўтгани минг марта яхши. Шунақа дейман-у, лекигин бу «шилта»ни ўша тавиядан бошқаси олмас ҳам эдида.

Адолат шу гапни айтганидан кейин Тошболта ғалати овоз чиқариб ингради. Омонулло овоз чиқиши билан унга қаради. Тошболта киприкларини пирпиратиб, илтижо билан боқарди. Сўнг кўзларида ёш пайдо бўлди. «Хотинининг гапи ёқмай бир нима демоқчи бўляпти», — деб ўйлади Омонулло. Кейин тинмай жавраётган хотиннинг гапини бўлиб, сўради:

— «Шилта» дейишга бирор асосингиз борми?

— Вой, асосми? Асос тиқилиб ётибди. Бу қиз ўлгурнинг олдинги директорга ўйнаш бўлганини етти ёшдан етмиш ёшгача — ҳамма билади. Энди янги директорнинг тўшагини обод қилятувди.

Бу гапдан кейин ҳам Тошболта ингради.

— Нимага ғингшийсиз? — деди Адолат овозини баландлатиб. — Боққа бориб келганларинг ёлғонми? Ғар бўл, ўғри бўл, инсоф билан бўл-да! Бошингда эринг бўлганидан кейин ўтирмайсанми уйингда...

Адолатнинг оғзидан чиққан кейинги гапларни Омонулло бозор йўлида «фолингдан очайинми, молингдан очайинми», деб ўтиргувчи лўли хотинлардан эшитиб, булардан бошқа тузукроқ гап чиқмаслигини билгани учун ҳам аччиқланмаган эди. Аммо эри бу аҳволда ётган аёлдан шу гапни эшитиб ғазаби қўзғади.

— Сиз бирон ерда ишлайсизми? — деб сўради даҳаллик билан.

— Ишламай нима, шунга боқиманда бўлиб ўтираманми? Мактабда ишлайман.

— Ким бўлиб, фаррошми?

— Вей, нима деяпсиз? Мен ўқитувчиман. Олий маълумотли ўқитувчиман!

— Ўқитувчи?.. Мактабнинг ҳам, болаларнинг ҳам шўри қуриган экан унда, — Омонулло шундай деб ўрнидан турди.

— Вой, вой, оғзингизга қараб гапиринг, нима деяпсиз?

— Оғзингиздан чиқаётган гапларни қаранг.

— Гапларимга нима бўпти? Вей, сен кимсан ўзинг, менга танбеҳ берадиган? Сен бориб ўзингнинг хотининга қил дағдағангни, билдингми? Сен йигирма йил шунақа тракторчи билан яша-чи, кўраман аҳволингни!

— Ҳов опа, тилингизни тийинг, бунақа дейишга ҳаққингиз йўқ, — деди шу пайтгача жим турган район вакили.

— Ўзинг тий тилингни. Қани, бир жўнаб қолларингчи, ҳув, қораларинг ўчсин-а...

Омонулло ўзини хотиннинг шаллақилигига эътибор бермагандай тутиб, кўча эшик томон юрди. Ҳовли ўртасига етганда тўхтаб, вакилга топшириқ берди:

— Лейтенант, бу опангизни туманга чақириб сўроқ қиласиз. Натижасини ёзма равишда етказасиз.

Вакил бу топшириқни пўписа учун берилганини англаб, баланд овозда:

— Хўп бўлади, ўртоқ капитан! — деб қўйди.

Бу пўписадан кейин сал попуги пасаяр деб ўйлашган эди, йўқ, акси бўлиб чиқди:

— Туманингга десанг, туманингга бораман. Керак бўлса, Масковингга бораман. Мени қўрқитмай қўя қол. Сен ўғрини қўрқит, бандитни қўрқит. Менинг нимамни сўроқ қиласан? Ўғрилик қилибманми, ғарлик қилибманми?

Омонулло бу хотинга ҳатто шайтон ҳам бас келолмаслигини англаб, қадамини тезлатган эди, кутилмаганда Адолат:

— Тўхтанг, ҳай тўхтанг, — деб қолди.

Ҳозиргина сенсираб, қарғаш даражасига етган аёлнинг сизсираши, овозининг мулойимлашуви ғалати эди. Шунинг учун ҳам вакил беихтиёр:

— Ҳа, опа, тинчликми? — деб юборди.

— Сенда гапим йўқ, сен кетавер, — деди Адолат унга, кейин Омонуллога яқинлашиб сўради: — Мен молларни олгани қачон борай?

— Қайси молларни? — деди Омонулло худди тушунмагандай.

— Вой, қайси деганингиз нимаси? Эрим олиб келган моллар-чи!

— Моллар сизга берилмайди, эгасига берилади.

— Эгасини кўриб турибсиз-ку?

— Яхшилаб қаранг, тузатинг. Тузалганларида бориб оладилар.

— Вой, савил, вой савил...

Адолат шундай деб қолаверди.

Кўчага чиқиб машинага ўтиришгач, Омонулло «уф» тортди:

— Агар шу одам ўлса, тўғри жаннатга боради. Бу одам билан савол-жавоб бўлмайди, — деди, у.

— Нега? — деб сўради вакил кулимсираб.

Омонулло бу хотиннинг шаллақилигидан безиб Фотима ўқиб берган сатрларни эслаган эди. Мирзо Бобур Ҳусайн Бойқаронинг катта хотини Бека Султонбегимни ёза туриб, «кўп кажхулқ эди», деб «яхши кишининг хонасидаги ёмон хотун шу дунёнинг ўзидаёқ унинг дўзахидир», деган мазмундаги байтни ёзган экан. Ҳозир шу байт мазмуни ёдига келиб айтворди шу гапни. Вакилнинг «нега?» деган саволига эса Бобурдан мисол келтиришни истамай, соддагина қилиб: «Бу хотин билан яшаган эркак дўзах муддатини ўтаб бўлган ҳисобланади», деб қўя қолди.

Улар бу уйдан чиқиб тўғри совхоз идорасига бордилар. Янги директор «Нафиса Болтаева нима учун келган эди?» деган саволга «Мен раҳбар бўлганимдан бери уни

кўрганим йўқ. Турсунали акамга келиб турарди», деб жавоб берди. Омонулло гапни ҳар қанча чалғитса ҳам «келмаган, кўрмаганман», деб туриб олди.

Омонулло хайрлашар маҳалида «яна келамиз, учрашамиз», деганида ҳам у «яна келсангиз ҳам гапим шу: кўрмадим», — деди.

Янги директор алдамади: Нафиса келганида у шаҳарда эди. Жувоннинг келиб-кетганини боғ қоровулидан эшитиб, «эҳ аттанг!» деб афсусланганди. Омонуллонинг саволларидан кейин «яхши ҳамки у фалокат келганида йўқ эканман», деб шукр қилди.

ЛУҚМА

(Қотилликдан аввалроқ содир бўлган воқеа)

Турсунали бойлигини қаерга яширганини аниқ айтган бўлса ҳам Тенгиз шошилмади. Қиш ўтиб баҳор келса-да, хазина ҳақида гап очмасдан юраверди. Бу орада Турсуналининг яраси тузалди. Лагер ҳузуридаги ҳибсхонада ётиб, терговчи сўроқларига жавоб берди. Турсуналининг бахтига терговчи уни урмади, қийнамади-ю, охир-оқибат «ўзини ҳимоя қилаётганида меъёрни ошириб юборгани учун» яна қўшиб беришди. Лагер ҳибсхонасидан чиққанида Тенгиз уни йўқлаб, далда берди:

— Умрим қамоқда чирир экан, деб афсусланма. Агар айтганинг рост чиқса, сени юртингдаги лагерга жўнаттираман. Муддатинг ярмидан ўтиши билан эркинликка чиқасан. Менинг гапим — гап!

Турсунали бу гапларга бир ишониб, бир ишонмай юрди. Ишонмагани — муддати яримлагунича ким бору ким йўқ. Айниқса, бу ўғрилар оламида бугун бор одамнинг эртага изсиз кетиши ҳеч гап эмас. Бу Тенгиз деганлари ҳам керилиб юргани билан зўрроғига дуч келса, инига кириб кетиши аниқ. Тенгизнинг гапига ишонганининг сабаби эса, ундан бўлак ҳеч ким далда бермади. Ваъда ёлғон бўлган тақдирда ҳам ҳар ҳолда далда эди. «Ўғрилар бир сўзли», деб эшитган. Унинг умиди шундан эди.

Баҳор ёмғири эзиб ёғаётган кунларнинг бирида Турсунали Тенгизга дуч келиб:

— Топдиларингми, алдамабманми? — деб сўради. Бу билан «Ваъдангни қачон бажарасан?» демоқчи эди. Тенгиз унинг мақсадини англаб, юзига енгил шапати уриб қўйди:

— Шошилма, ҳар ишнинг вақти-соати бор.

— Топдингларми ўзи? — деди Турсунали, Тенгизнинг жавобидан қониқмай.

— Шошилма, деяпман-ку. Чўмичга айтган жойингга боришибди. У ерда чиндан ҳам йўқ экан.

— Болаларимга тегишмабдими?

— Ҳа, ана, ақлинг жойида экан-ку! Болаларингни энди эсладингми? Чўмичга ёлғонни айтаётганингда ўйламовмидинг? Боришса, топишолмаса, болаларимни қийнашса... Хотинингни, қизларингни зўрлашлари ҳам мумкин эди, а? Сен биздан қарздорсан. Бизникилар бўлишмаганда қизларинг жувон ҳолида эрга тегарди. Номуссизлик сизларда ҳам азоб, а? Мен оилангни ҳимоя қиламан, деб ваъда берганманми, демак шундай бўлади! — Тенгиз шундай деб унинг юзига яна енгил шапати урди-да, йўлида давом этди.

Тенгизнинг «номуссизлик — сизларда азоб, а?» деб қўйиши Турсуналини ташвишга солди. «Хотинингни, қизларингни зўрлашлари мумкин эди», дегани эса баданини музлатиб юборди. Шу пайтгача «норасида қизларимни биров зўрлаши мумкин», деган гап хаёлига келмаган эди. Тенгизнинг гапидан сўнг эса, шу даҳшат содир бўлгандек, бир неча кунгача эзилиб юрди. Даврони келган пайтларда, айшини сурган кезларида «шулар ҳам бировнинг қизи-ку?» деб ўйламаган эди. Ҳатто Нафисанинг номусига эга чиққанида ҳам «бунинг тақдири нима бўлади?» деб фикр қилмаган эди. Алҳол, Тенгизнинг гапларидан кейин ҳам буларни ўйламади. У фақат ўз қизларининг тақдиридан ташвишда эди.

Тенгиз унинг юзига енгил шапати уриб, ўзини хотиржам кўрсатгани билан ташвиши ўзига етарли эди. У ким

билан ўйнашаётганини биларди. Агар бир ит қоқсуякнинг ҳидини олиб, яқинлашса-ю, бу суякни биров босиб, олса, нақ иликдан тишлаши тайин. Гобелян эса ит эмас, ҳид олгани ҳам қоқсуяк эмас. У итга ўхшаб иликдан ҳам олмайди, нақ бўғизга ёпишади. Лекин унинг навбатдаги одами қачон пайдо бўлади, қачон ва қанақасига ташланади — ана бу муаммо эди. Яна бир муаммо — бу сафар кимни юборади? Турсуналининг ёлғон маълумоти билан Мурикнинг ўлими орасида боғлиқлик борлигига уларнинг ақллари етади.

Тенгиз шу саволларга жавоб излайди. Унинг лагердаги шериклари эса бетоқат бўлишади. Турсунали бесабрлик билан сўраган куннинг эртасига «Политбюро» йиғилишида Кошак хазина нима бўлганини сўради.

— Ҳозирча хазина йўқ экан, деб тураверайлик, — деди Тенгиз.

Бу гапни эшитиб, Қўтос унга ажабланиб қаради. Кошак эса, жойида бир қимирлаб олиб:

— Ёлғон гапирма, княз, — деди. — Сен бу хабарни телетайпга қўймагансан.

— Тўғри, қўймаганман, — деди Тенгиз хотиржам.— Ақлинг бўлса, ўйлаб кўр-чи? Бу хабарни телетайпга қўйиш мумкинми? Ундан кўра Москва радиосига чиқиб жар сола қолмайсанми?

— Телетайпга қўймаган бўлсанг, ким орқали чиқардинг хабарни?

— Ҳеч ким орқали чиқармадим. Чиқармайман ҳам.

— Княз, гапни бурмай, тўғри тушунтир. Бизга ёлғон гапирма, — деди Қўтос норози оҳангда. — Биласан, менга бойликнинг кераги йўқ. Ўртага ўғрилик номуси тикилган.

— Мен номусини сотадиган одамга ўхшаяпманми?— деди Тенгиз овозини бир парда баланд кўтариб. — Кошак, сен ҳам шундай ўйдамисан?

— Сенга биров бунақа дегани йўқ. Шунақа ўйласам Мурикнинг ёнида ётган бўлардинг. Сен «хазина йўқ», деяпсан. Биз «ёлғон гапирма», деяпмиз.

— Ёлғон гапирмадим. «Хазина йўқ», ҳам демадим. «Хазина йўқ экан, деб тураверайлик», дедим. Нима, русчага тушунмай қолдиларингми? Озгина пайт пойлашимиз керак. Чўмични юборганларни аҳмоқ деб ўйламаларинг. Тузоқларини тайёрлаб туришибди улар. Кошакка ўхшаган бир аҳмоқ хабар чиқарар, яна бир аҳмоқ хазинани олгани келар, деб пойлашмайдими? Майли, улар бизни аҳмоқ деб кутишаверишсин. Кута-кута чарчашади. Шунда биз ишни бошлаймиз. Шунда ҳам лагер телетайпидан чиқармаймиз хабарни.

— Нима қилмоқчисан, айт, — деди Қўтос.

— Ҳозир бошқа одам юборишса-чи? Бу лақмани бошқа лагерга жўнатишса-чи? — деди Қўтос.

— Ҳа, шунақа бўлиши аниқ, — деди Кошак. — Вақт борида уни ҳам гум қилиш керак. Агар биров ҳиқилдоғидан олса, гуллаб қўяди.

— Ўлдиришга шошилма. Бойлик топишни билган одам сен билан менга ўхшаган юзта одамни лақиллата олмайдими? Чўмични алдади. Балки бизни ҳам алдагандир? Бойлиги бошқа ердадир? Бугун ўлдирсанг, эртага аттанг, деб юрасан.

— Княз, ҳамма гапларинг тўғри. Лекин чайнаётган луқмангни олдириб қўйма, — деди Қўтос маънодор оҳангда.

Тенгиз унга норози қиёфада бир қараб қўйди. «Политбюро» аҳли ундан узил-кесил қарор кутаётган эди. У бир оз ўйланган бўлди-да, ўрнидан туриб, аҳдини маълум қилди:

— Овқатни қандай чайнаб, қандай ютишни ўзимга қўйиб беринглар. Ҳали ҳеч бир кавказлик оғзидаги луқмасини бировга олдириб қўймаган. Дунё тургунича шундай бўлиб қолади!

«Политбюро» беркитилган бойлик ва бойлик эгасининг тақдирини ҳал қилаётганида Нуриддин билан Турсунали ўзаро муносабатларини ойдинлаштираётган эдилар. Аниқроғи, Нуриддин ойдинлаштираётган эди. Бу овлоқда бир-бирларини кўрганларида ҳали нотаниш бўлсалар

ҳам суюниб кетишган эди. Ҳар ҳолда бегоналар орасида ҳамюртларнинг бир-бирларига далда бўлиши яхши-да. Кунлар, ҳафталар ўтгани сайин феъли, табиати, дунёқараши турлича бўлган бу икки маҳкумнинг дастлабки суюнчлари сўна борди. Айниқса, Нуриддинда бу одамдан узоқлашиш истаги туғилди. Турсуналининг ҳам бу мағрур йигитга даъвоси кўпайиб бораётган бўлса-да, лозим пайтда ҳимоя қила олиши мумкинлиги сабабли ундан нари кетишни хоҳламади. У «Ўзбекнинг кичиги бўлгунича кучуги бўлгин», деган мақолни бу ерда ҳам амал қилишини истар эди. У аввалига Нуриддинни «туғишгандан аълороқ укамсан», деб иззат қилиб юрди. Кейинроқ «ака»лик мартабаси камлик қилиб, «хожалик»ни даъво қила бошлади. У ҳордиқ чиқариш пайтларида ўзининг мавқеи, шон-шуҳрати ҳақида, шу шуҳрати оқибатида кўп душман орттиргани ва туҳмат билан бу балога учрагани тўғрисида гапирарди. Шаҳарда ҳали ҳам баланд мартабали акахонлари, оғайнилари борлиги, Нуриддин озодликка чиққач қучоқ очиб кутиб олажакларини тез-тез писанда қиларди. Борабора бу гаплар Нуриддиннинг меъдасига тегди. Писанда соясида «Сен менга ҳозир сидқидилдан хизмат қилавер, озодликка чиққанингдан кейин менинг валинеъматларим сени паноҳларига олишади», деган маъно яширинганини ҳам фаҳм этди. Шу боис Турсуналининг ҳасрат дафтари очилиши билан бир нарсани баҳона қилиб, туриб кетадиган бўлди. Турсунали буни сезди-ю, «билагида куч бор-у, бошида ақли йўқ бу боланинг», деган ҳукмга келди. Дориломон кунлари бўлганда-ку, бу «бошида ақли йўқ бола»ни сариқ чақага ҳам олмас эди-я! Бу овлоқда суянадиган бошқа одами бўлмагани учун чидади. Ҳатто бир куни Нуриддин «Ака, юкни ҳадеб менга юклайверманг, аравангизни ўзингиз ҳам тортинг-да, жудайла ўлигингизни ташлаб олдингиз», деб қўрслик қилганида ҳам тишини тишига қўйди. Бунга ўхшаган «манқа йигитлар» илгари остонасида сарғайиб ўтиришарди. Бу эса...

«Политбюро» иш бошлаганида қамоқ лагерининг тобелари кечқурунги овқат билан қоринларини алдаб, ётар

жойларга тарқалаётган эдилар. «Қоринларини алдаб», дейилишининг боиси — ошхонада алюмин косаларга сузиб берилувчи суюқликнинг номигина «овқат» эди. Турсуналига ўхшаб умри маишатда ўтганларнинг ошқозонлари бундай алдовга чидай олмасдан қийналарди. Хуллас, навбатдаги алдовдан сўнг назоратчи майор дам олиш умидида чиқиб кетаётган Турсунали билан Нуриддинни тўхтатиб, «идиш-товоқ ювишга ўтларинг», деб буюрди. Агар «нима учун биз ювишимиз керак?» деб эътироз билдирилгудай бўлса, бу камлик қилиб, туни билан ишлаб чиқишлари мумкинлигини билганлари учун, «мулла минган эшак» ҳолида буюрилган ишни бажаришга киришдилар. Нуриддин учун бундай юмушнинг оғирлиги ҳам, малоллиги ҳам йўқ, у бундан баттар юмушларни бажаравериб ўрганиб кетган. Турсунали учун эса мазкур ҳолат хорликнинг бир кўриниши эди. Шу сабабли назоратчи сал нари кетиши билан дийдиёсини бошлади:

— Бу дунёда адолат деганнинг ўзи йўқ, — деди у минғирлаб. — Кун бўйи ишлаб берганим камми бунга? Шунақа пайтда Худодан ҳам хафа бўлиб кетаман. Мен халқнинг нони бутун бўлсин, деб туну кун тиним билмас эдим. Терим пайтида ҳафталаб уйга келолмас эдим...

Турсунали шу тарзда яна эски ашуласини бошлади. Нуриддин унинг гапларини эшитмаслик учун косаларни атайин бир-бирига уриштириб, шовқин чиқариб юварди. Турсунали эса бунинг фаҳмига етмай битта косани кўтариб олганича ликопча ушлаб, катта ашулани олаётган ҳофиз каби туриб, минғирлашини давом эттирди. Меъдага тегувчи бу «катта ашула» охири Нуриддиннинг сабр косасини тоширди:

— Жуда-а, эз-зиб юбордингиз-да, ака! — деди у зарда билан. — Нуқул адолат дейсиз, нуқул ҳалоллик дейсиз, бировлардан талаб қиласиз. Ўзингизда бормикин шу адолат, шу ҳалоллик?

Нуриддин шу гапи билан Турсуналининг бетига шапалоқ тортгандай бўлди.

— Вей, ука, вей, Нуриддин, сиздан эшитяпманми шу гапларни, а? Биз киммиз ахир, адолатсизлик қурбонлари эмасмизми?

— Мени ўзингизга тенглаштирманг. Сизнинг йўриғингиз бошқа. Адолат билан ҳалолликни ҳамма гапирганида ҳам сиз гапирманг.

— Вей, ука, сиз бу гапларни бир гапирдингиз, иккинчи айтманг. Мен сиз ўйлаган нопоклардан эмасман. Ҳаммани бир хил қаричда ўлчаманг. Мен ҳалол яшаб келган одамман.

Нуриддин бу гапдан илжайди. Бу илжайиш замирида заҳар борлигини пайқаган Турсунали тутақди:

— Кулманг. Мен сиздақаларнинг қанчасини... — Турсунали «ўйнатганман» демоқчи бўлди-ю, мавриди эмаслигини билиб, гап маромини бурди: — Сиздақаларнинг қанчасига ёрдам берганман, ўқитганман, ҳунар ўргатганман.

— Ака, — деди Нуриддин қўлини кир сочиққа артиб, — бу гапларни бошқага айтсангиз ҳам менга айтиб, овора бўлманг. Мен қишлоқда ўсган боламан. Сизга ўхшаган «директор бува», «раис бува»ларнинг қилиқларини жуда яхши биламан. Сиз бутун дунёни айланиб биттагина ҳалол раисми ё директорними топиб, менга рўпара қилинг, агар у чиндан ҳалол бўлса, мен калламни шарт узиб, қўлингизга тутқазайин.

«Каллангни пишириб е», деди ўзича Турсунали. Баҳс ўзининг фойдасига ҳал бўлмаслигини англаб, унга жавоб бермай, қўлидаги косани ювмоққа киришди. Шу оннинг ўзида ҳисоб-китобни рослаб олмоқ аҳдидаги Нуриддин эса, «ҳужум»ни давом эттирди:

— Ҳалоллик дейсиз. Қайси раис, қайси директор амалга бепул ўтиради? Сиз сарф-харажат қилмаганмисиз? Кейин райкомлару обкомларнинг томоғини мойлаб турмаганмисиз? Қаердан олардингиз? Ҳалол одам топа оладими шунча пулни? «Терим пайтида ҳафталаб уйга бормас эдим», дейсиз. Тўғри, бормас эдинглар. Сизларнинг штабларингиз бўларди, а? Тунлари пахта пунктларида қила-

диган ишларингни қилиб олардиларинг. Мен кетмончининг ўғлиман. Эсимни таниганимдан бери қўлимда кетмон. Лекин биримиз икки бўлмаган сира. План юз элликдан пастга тушмаган, аммо чўнтак пул кўрмаган. Сиз айтган адолат шуми? Ҳалоллик шуми? Бу ердаги ўғрилар нима учун сизга ёпишиб қолишди? Туҳматга учраган одамга улар тегишмайди. Қайтага ҳимоя қилишади. «Ҳалол»дан топганингиз кўпдирки, тинч қўйишмаяпти. Ўғрини қароқчи урса, шунақа бўлади.

— Вей бола, сен ҳаддингни бил! Ўғриларингга қўшиб инингга кирғизвормайин тағин! — Турсунали шундай деб косани отди. Нуриддин косани кафти билан бир уриб, нарига учириб юборди.

— Ана, ҳақиқат истайсиз-у, ҳақ гапга чидай олмайсиз.

—Шунақами? Мен ҳаромхўрманми? Ўғриманми? Сен ўзинг-чи? Кимлигингни билмайманми?

— Кимлигимни яширмайман, қилган ишларим учун уялмайман. Мен бир аблаҳни ўлдирдим. Бу ерда яна биттасини ўлдирдим. Улар тирилиб қайтиб рўпара бўлишса, барибир яна ўлдирардим. Бу йўлдан қайтмайман. Билиб қўйинг: мен сиз каби одамлардан нафратланаман. Сизга ўхшаганлардан бу ердаги ўғрилар минг марта яхшироқ. Улар ўғирлайдилар, талайдилар, керак бўлса ўлдирадилар. Лекин сизларга ўхшаб «Покман!» деб мияни ачитмайдилар. Ўғриликларини тан оладилар. Ўғри эканликлари билан фахрланадилар. Сиз-чи? Ҳамма ёғингиз шалтоқ бўлиб ётибди-ку, яна покликдан, адолатдан гапириб, бошни қотирасиз. Агар очиқликда дуч келиб шу афсоналарингизни айтсангиз, бетингизга тупурворардим, ака. Бу ерда ноиложликдан салом-алик қиляпман. Атрофдагилар икки ўзбек бир-бири билан чиқишмас экан, дейишларидан хижолатдаман. Бу ерда яна бир кун бирга бўламизми ё бир йилми, майли, ака-укадек юраверайлик. Фақат менинг олдимда ўзингизни пок кўрсатишга тиришиб жиғимга тегманг, ака. Мен тўғри ўсган боламан. Тилим заҳар бўлса ҳам тўғрисини айтиб қўя қоламан. Энди

косаларни мен ювай, сиз тоза сувда чая туринг. Ишламаётганингизни кўрса балога қоласиз.

Нуриддин шундай деб яна ишга киришди. Турсунали уни ғажиб ташлагиси келди-ю, ноиложликдан муштумини қаттиқ қисишдан ўзга чора топмади. Тенгизнинг гапларидан сўнг Турсунали учун қизларининг ташвиши етарли эди. Бегона бир йигитнинг тилидан ўзи ҳақидаги ҳақиқатни эшитиш оғир бўлди. Ўша тун бир чимдимгина уйқусида Нуриддин билан олишиб чиқди. Кейинги тўртбеш тун ҳам шундай кечди. Бир ҳафтадан сўнг «совуб» бу тақдирига ҳам тан берди.

ДУШМАН

Самандар ҳушига келиб, қаерда ётганини англай олмади. Уйига киргани... Нафиса... Бегона эркак... булар нима, тушми эди? Сўнг Москвага келгани, Кремлдаги суҳбат... Меҳмонхона... Кимдир келди, нимадир деди. Ким эди? Нима деди? Кейин-чи?

Хонадаги анжомларга қараб, шифохонада ётганини англади. Шифохонанинг ёқимсиз ҳиди кўнглини айнитиб, ўқчий бошлади. Ўқчуқ овозини эшитган ҳамшира шошилиб кириб, унга идиш тутди. Сўнг врач пайдо бўлди. Томирини ушлаб, мижжаларини қайириб кўргач, ҳамширага қисқа, аммо буйруқ оҳангида кўрсатмалар берди. Шундан сўнг Самандар ундан «қаердаман?» деб сўраб, ҳарбийларнинг марказий шифохонасида эканини билди. «Соппа-соғ эдим-ку, бу ерга қандай келиб қолдим?» деб ўйлаб, ажабланди. Саволига жавоб топа олмай врачдан «нега бу ердаман?» деб сўради. Врач унга қараб, бош чайқади-да: «Бекордан бекорга ўлиб кетмаслигингиз учун шу ердасиз», деди. «Ўлиб кетмаслик учун? — янада таажжубланди Самандар. — Нега ўлишим керак?» Бу саволига ўзи ҳам жавоб топа олмай яна врачдан сўради. Врач яна бош чайқади: «Баъзан шунақа бўлиб туради,— деди у. — Одам ўзи билмаган ҳолда ўлим жари ёқасига бориб қолиши мумкин. Сиз қарийб жарга қулаган эдин-

гиз. Тортиб олдик» «Тортиб олдик?.. Нега қулайман? Нега тортиб олади?..» Жавобсиз саволлар кўп эди. Бироқ врач у билан ҳамсуҳбат бўлишни истамай, ташқарига чиқди. Унинг топшириғи билан чиққан ҳамшира яна уч ҳамкасби билан қайтиб кирди-ю, Самандар учун азобли дақиқалар бошланди. «Агар жардан тортиб олиши шунақа азоб бўлса, ўлиб кетаверганим минг марта яхши эди», деб ўйлади. Унинг ичакларини юваверіб ҳолдан тойдириб юборишди. Бу жараён яна икки кун давом этиб, суроби тўғри бўлиб қолди. Учинчи куни Базаров йўқлаб келди.

— Ҳа, Горинич, аҳвол қалай? — деди у. Кейин Самандарнинг киртайган кўзларига қараб кулди: — Бўладиганинг бўлиб қолибди-ку? Эплолмасанг нима қилардинг ичиб? Келиб-келиб Медведевга ҳамшиша бўласанми? Сен «Волга» дарёсини симириб ташлаган змей Горинични эшитганмисан? Медведев ароқни худди ўша дарёдай симириб тўймайдиган Гориничлардан.

— Медведев? Ким у? — деди Самандар унинг гапларини тушунмай.

— Ҳали ким билан ичганингни билмайсанми? Генерал Медведевни эшитмаганмисан? Қизиқ, у ҳам сени эслай олмади. Лекин айтиб қўяй: агар у билан теппа-тенг ичган бўлсанг — ёмон эмассан. Сени қаҳрамонликка тавсия этиш мумкин. Яна у билан ичишсанг эҳтиётроқ бўлгин, яна қаҳрамонликни ўлганингдан сўнг олиб юрмагин. — Базаровнинг кейинги гапи пичинг аралаш ҳазил оҳангида айтилгани билан, замирида озгина пўписа ҳам мавжуд эди. — Хўп, бўлар иш бўлибди. Қалайсан энди? Туриб, юра оласанми?

— Сиз мени ўлимтик одамга чиқариб қўйдингизми? — деди Самандар норози оҳангда. — Ҳеч қаеримда оғриқ йўқ, шикоятим ҳам йўқ, нимага ётибман бу ерда ўзи?

— Ичингни тозалашибди, энди қонингни ҳам тозалашлари керак экан. Яна уч-тўрт кун ётадиганга ўхшайсан.

— Ишларимиз нима бўлди?

— Ишларимизми? — Базаров муғамбирона жилмайди. — Ҳа, дуруст, эсинг жойида экан, ишларимизни унутмабсан. Ишларимиз — беш, оғайни, бундан баттар бўлиши мумкин эмас. Сен адашмаган экансан. Ўша ерда чиндан ҳам ядро синови ўтказилган. Ҳозир ҳукуматнинг расмий баёноти тайёрланди. Бугун-эрта эълон қилиниши керак. Штатларнинг попуги сал пасаядиган бўлди. Индалмаса, даъволари осмон баравар эди. Шунақа, ошна, сен енгдинг. Байгильдин сенга алоҳида салом айтди. Мосламани кучайтириш ҳақидаги таклифинг ҳам ўтадиган ўхшаб турибди.

— Ҳиндқушга ўрнатиш-чи?

— Бу таклиф ўтмаса керак. Афғонистондан аскарлар олиб чиқиб кетилса-ю, Ҳиндиқушга ҳарбий кузатув маркази қурилса, ақлсизликнинг ўзи-ку, бу? Кремлни ишонтирдик, шекилли.

— Виктор Базарович, мен ўн-ўн беш кун Москвада қолишим мумкинми?

— Нима қилмоқчисан?

— Докторлик диссертациямга жавоб бўлмаяпти. Бир шуғулланиб кўрсаммикин, девдим. — Самандар шундай деб нигоҳини олиб қочди. Табиатан ёлғондан ҳазар қилувчи бу одам айни чоғда асл мақсадини — уйдаги фожиадан сал йироқроқда юриш истаги борлигини яширмоқчи эди.

— Бе, бошингни қотирмасанг-чи! — деди Базаров қўл силтаб, — Сенга шу диплом зарурми ҳозир. Сен юзта фан докторининг ишини бир ўзинг қилиб ўтирибсан. Шунинг ўзи етарли эмасми?

— Ҳар ҳолда...

— Ҳа, керак, диплом ҳам керак. Лекин сен шошилмай тур. Мен бу ишларнинг ҳаммасидан хабардорман. Сенинг бу ишларинг билан баъзилар қизиқиб турибди. Шунинг учун ҳам ҳимоянг масаласи ноаниқ муддатга сурилган. Шунинг учун ҳозирча уйингга қайтавер. Ҳа, айтмоқчи оила аъзоларинг тинчми?

Самандар бу саволни эшитиб енгил титради-ю, яна кўзларини олиб қочди. «Нега сўраяпти? Хабар топганми?», деб ўйлаб довдиради.

— Сен бу ерга келишингда уйингга кирмаганмидинг? — деб сўради Базаров унга синовчан тикилиб.

— Йўқ, йўқ, — деди Самандар, — тўғри келаверганман.

— Яхши. Бизга хабар беришди: хотининг касал эмиш. Болаларинг бормиди?

— Йўқ...

— Яхши...

«Яхши? Нимаси яхши? Нега суриштиряпти? Хабар беришган... Хабар беришган...»

Самандарнинг руҳида саросима бошланганини Базаров сезди. У ҳали фожиадан бехабар эди. Билгани: Самандарнинг хотини ўлдирилган. Базаров унга ачиниб, кўнглини кўтарувчи гап излади. Табиатан қўпол муомалали бўлган генералдан қалбни юмшата олувчи, таскин бера олувчи гапнинг чиқиши мушкул эди.

— Менга қара, у ерда душманларинг борлигини биласанми? — деди у худди томдан тараша тушгандай тарзда.

«Душман? Қанақа душман?» Руҳ пўртанасидаги сарсари Самандарга бу савол ғалат туюлиб, Базаровга савол назари билан қаради.

— Нима, душманларинг йўқми? — деди Базаров.

— Қанақа душман? Мен бировга ёмонлик қилмаганман?

— Душман орттириш учун бировга ёмонлик қилиш шарт эмас. Ақлли бўлсанг кифоя, дарахтнинг тагидан ўтсанг ҳам тепангдан душман ёғилади. Агар билсанг, ақл ҳам бир бало, бошқаларда кучли рашк уйғотади. Рашк эса туппа-тузук дўст одамни душманга айлантиради. Мен синаганман: сенларда шунақа касаллик кучли. Бизларда ҳам бор-у, аммо унчалик эмас. Сенлар бир одамнинг орқасидан қора чаплаб ёзишни яхши кўрасанлар.

«Бу касал миллат танламайди, ҳаммада бор», — деб ўйлади Самандар. У ҳозир бу мавзуда баҳслашишни ис-

тамас эди. Шу сабабли фикрини очиқ баён қилиб, ҳамсуҳбатига эътироз билдирмади. «Гапини калта қилиб чиқиб кета қолса эди», деб умид қилди. Базаров эса бу сукутни фикрининг тасдиғи сифатида қабул қилиб, хотиржам тарзда гапини давом эттирди:

— Биламан, сен «бошқалар ҳам худди шундай», дейишинг мумкин. Лекин янглишасан. Масалан, грузинлар, арманилар, латишлар бундай қилишмайди. Котрикадзени биласан, а? Ўзи ёмон олим эмас. Лекин, тўғрисини айтсам, иши Давлат мукофотига арзимайди. Номзоди қўйиладиган бўлганда мен шахсан қарши бўлганман. Лекин Грузия томондан шундай ҳимоя довули ёпирилди-ки, охири олди ўша мукофотни. Бултур сени Ленин мукофотига ўзимиз тавсия этдик, а? Ўзбекистондан шундай қаршилик довули ёпирилдики, охири ололмадинг. Ҳатто Василий Игнатьевич ҳам ажабланиб, ҳеч нима қилолмай қолди. Мукофотга номзодинг қўйилганини тор доирагина биларди. «Очилов — Ленин мукофотига номзод», деб матбуотда эълон қилинса, билмадим, нима бўларди? Нега шунақасанлар, а? — деди Базаров норози оҳангда бош чайқаб.

— Билмайман, — деди Самандар ғудраниб. Ҳозир уни мукофот ҳам, душманлари ҳам қизиқтирмас эди. Гапнинг бу тарзда калта қилинганини Базаров яна бошқача тушунди:

— Сен билмасанг мен биламанми? Мен тушунмайман, Очилов, битта хотинни қўйиб, иккинчисини олишнинг илмий ишга нима дахли бор? Сени «қолоқ феодал» деб ёзишди. Шахсан менга кашфиёт муҳим, илм муҳим. Кашфиётни феодал қиладими, буржуа қиладими — фарқи йўқ. Душманларинг учун эса бу муҳим, жуда муҳим. Сенларда бош конструкторнинг иккинчи хотинни олишга сира ҳаққи йўқ. Эсингдами, Шарифхўжаев деганнинг диссертацияси учун куйиб юрган эдинг. «Дўстим», деб менга таништиргандинг. Сени ҳурматингни қилиб, унга ёрдам берувдим. Эсинг-да, а?

— Эсимда.

— Хўп, билиб қўй энди: ўша «дўстинг» ҳам ёзган эди. «Бу кашфиёт фақат Очиловники эмас», деб ёзибди. Менга эмас, тўғри «ЦК»га ёзган. Нима мен аҳмоқманми ёки Байгильдин аҳмоқми? Кашфиётда илмий гуруҳнинг хизмати борлигини билмаймизми? Лекин бошсиз тана нима қила олиши мумкин? Ўша Шарифхўжаевинг бу танада ким? Бир бармоқми? Ёки бир тукми? Душманим йўқ, дейсана! Менга қара, балки Москвага бутунлай кўчиб кела қоларсан, а?

— Москвага? Нима қиламан бу ерда?

— Нима қилардинг? Ишлайсан. Шароит яратиб бераман. Очиғини айтсам, Байгильдин билан шу маслаҳатни пиширдим. Ўйлаб кўр.

— Бу ерда ақллилик балоси йўқми?

— Бор, тўғри, аммо сенлардаги даражада эмас.

— Бу ерга келсам, у ердаги илмий гуруҳ тарқатиладими?

— Шубҳасиз. Аммо яхши одамларингни олиб келишинг мумкин.

— Йўқ, у ерда ҳозир кучли илмий гуруҳ тўпланган. Битта-иккита аҳмоқни деб тарқатиб юбора олмайман.

— Аҳмоқлик қиляпсан, билиб қўй. Сен бу ерда энг кучли гуруҳни ташкил этишинг мумкин. Истаган одамингни, истаган республикадан чақиртирамиз. Москва марказидан жой берсак, ҳар қандай олим ҳам учиб келади. Йўқ, дейишга шошилма.

— Хўп, — деди Самандар суҳбатга якун ясаш учун. Базаров эса буни ризолик аломати деб тушуниб, елкасига уриб қўйди:

— Мана бу бошқа масала. Сен уйингга бориб келавер. Қолган ишларни менга қўйиб бер.

Базаров шу гапларни айтгач, хотиржам равишда ўрнидан туриб хайрлашди. У кетгач, Самандар ўзини тамоман йўқотди: хотини касал... душманлари бор... Москвага кўчиб келиш... Генералнинг гаплари чироққа урилган парвоналар каби хаёлларини тўзитиб юборди. «Нима қилардим уйга кириб, тўғри келаверсам бўлмасмиди?» деб

ўзини ўзи койиди. Уйдаги манзара кўз олдида гавдаланиб, яна ҳайкал каби қотди. Кириб келган ҳамширага ҳам руҳсиз тарзда қараб қўйди. Билак томирига санчилган игнага ҳам парво қилмади. Ўйлай-ўйлай «генерал балки тўғри айтаётгандир, Москвага кўчиб келганим маъқулдир», деган фикрда тўхталди. Бу фикр борабора қарорга айланди. «Оила, бола-чақа менга насиб этмаган экан, Худо менга фақат илм берган экан, оилам бўлмаганидан кейин шу ерда қолаверганим маъқул...» Яна икки кун шу қарор атрофида тараддудланиб, учинчи куни Базаровга телефон қилди-да, аҳдини билдирди. Бу орада муолажа якун топиб, уни ҳарбий аэродромга кузатиб қўйдилар.

Аниқ бир қарор билан қайтаётган Самандар Омонуллонинг интиқ кутаётганидан бехабар эди.

НОМУС

Омонулло шаҳарга қайтмай, автобусга ўтириб Тошболтанинг қишлоғига йўл олди. Адолатнинг «хотинини уриб ўлдирган», деган гапи унга яна бир муаммо эшигини очиб берган эди. Туман марказига, сўнг ички ишлар вакили ҳамроҳлигида қишлоққа боргунича қош қорайди. Нафисанинг фожиали ўлими ҳақидаги миш-мишлар билан яшаётган қишлоқ милиция ходимларининг суриштириб келишганидан ўша заҳотиёқ хабар топди. «Иккита милиса суриштириб келибди», деган хабар қишлоқнинг нариги бошига етгунча «икки мошин тўла милиса босибди», деган ваҳимага айланиб, Йигитали яшайдиган кўча жонланиб қолди. Ҳангоматалаблар ҳовлига киришни истадилар-у, аммо дарвоза остонасида турган йигитга йўлиқиб изларига қайтдилар. Бироқ бу хонадондан узоқлашмадилар. Уларнинг назарида ҳозир бу уйда «бир нима» содир бўлиши керак эди. Улар ана шу «бир нима»дан қуруқ қолмаслик учун ҳам шикордаги овчи мисол сергак турдилар. Бу қилиқлари учун уларни айблаш ноўриндир. Қишлоқда ҳар ойдами, ҳар йилдами бир жувон ўлди-

риб кетилса, суриштириб милиса келиб-кетиб турса, бошқа гап эди.

Одамлар «бир нима содир бўлишини» беҳуда кутдилар. Ичкарида ҳеч қанақа ғалати воқеа юз бермади. Балки Омонулло билан Йигиталининг оддий савол-жавоблари бўлиб ўтди. Омонулло гапни узоқдан бошламади. Ўзини қизиқтираётган муаммоларни еча олишга хизмат қилувчи саволдан бошлаб қўя қолди:

— Жиянингиз... Болтаева бу ерга тез-тез келиб турармиди?

— Йўқ...— деди Йигитали шоп мўйловини силаб,— онам раҳматли ҳаётликларида келиб-кетиб тургувчи эди. Кейин оёғини торта қолди. Эрга текканидан кейин ҳечам келмади. Эри қўймади шекилли-да.

— Эрини танийсизми, кўрганмисиз?

— Йўқ, кўрмаганман. Тўйидан бехабар қоғонмиз. Тошболта қишлоқдан ҳеч кимни айтмаган. Азалдан феъли чатоқроқ шу боланинг.

— Синглингизни... — Омонулло «уриб ўлдирганми?» деб сўрамоқчи бўлди-ю, тилини эҳтиёт қилиб бошқача тарзда сўради:—... бирон касал бўлганмиди?

— Синглим касалмасиди. Шу Тошболта хунаса бир куни денг, келиб урибди-да. Мен йўғаканман. Бор бўғанимда ўзининг жағини эзибла қўярдим-а. Бу хунаса ичишни эвлолмасиди. Ичдими, тамом, ишкалнинг уясини кавларди-да. Қаттиқ урганидан синглим бечоранинг ичаги узилиб кетибди. Дўхтир шунақа деган.

— Қамалишининг сабаби бошқа-ку?

— Ҳа-да, биз даъво қилмадик-да. Ўшанда бир нима деб қўйсак, умри қамоқда чирирди. Шу Нафисани дебла уни аядик. Аслида Тошболта ўшанда туҳмат билан кетди, Худонинг ургани шу, шунинг ўзи етарли, дедик. Аямасдан оттирворсак бўларкан. Йўқ бўлиб кетовурса Нафисанинг бошига бу балолар ҳам ёғилмасиди.

— Нега?

— Нега бўларди? Ўзим тарбия қилардим. Шу қишлоқлик қулинг ўргулсин йигитга эрга берардим. Шаҳар-

га юбормасидим. Э, энди гапирганнинг фойдаси йўқ, — Йигитали шундай деб қўл силтади.

— Тошболта акани туҳмат билан кетган дедингизми?

— Ҳа-да, у трахторини тўғри йўлдан ҳайдаб борган. «Жигули»даги хунасанинг ўзи келиб унга урилган. У ҳам маст бўғон-да. Омма-лекигин унинг пули бор эди. Ишни тескари қиб юборди, қизталоқ. Буни кўрган гувоҳлар бор эди-ку, омма-лекигин бир нима дейишга қўрқишди. Менга айтишди. Мен нима, прокурормидимки, бир нима қила олсам. Пешанасида қамалиш бор экан, кетворди. Янаям осон қутулди. Омма-лекигин орада қизига жавр бўлди. Синглим ҳам кетди, жияним ҳам кетди, ҳеч ким қолмади... — Йигитали шундай деб уф тортди-да, кафтига бир чимдим нос тўкиб, сўнг тилининг тагига ташлаб, бош чайқаб қўйди.

— Жиянингизнинг... душманлари бормиди?

— Ия, гапингиз қизиқ, хотин кишида ҳам душман бўлами?

— Бўлмайди, деб ўйлайсизми?

— Бўлар-ку, омма-лекигин ўлдириб кетадаган душмани бўлмас-ов.

— Унда ким ўлдириши мумкин?

— Шунисини билмайман, ука, — Йигитали ғўдираниб носни тупурди-да, мўйловини силаб қўйди. — Мен бундақа гапларни биладаган прокурор эмасман. Менинг билганим — куни битган экан, шунақа ўлим топибди. Ҳаммамиз бирин-сирин ўлиб кетоврамиз, дунё эса орқамизда қоловради.

— Жиянингиз аввалги совхоз директори билан яқин бўлган экан, шуни сиз билармидингиз?

— Ким айтди? Тошболтаникига борувдингизми? Ҳа... унда аши шайтоннинг урғочисидан эшитгансиз. Бекорларни айтибди у шилта! Бизди уруғдан бунақаси чиқмаган! — Йигитали шундай деб шарт ўрнидан турди-да, худди тўннинг этагини қоқаётгандек сонига уриб қўйди. Омонулло унинг бу ҳолатидан ажабланмади. Жиянининг ахлоқи хусусида бундай нохуш гап эшитган ҳар қандай

тоғанинг ғазабланиши табиий. Тағин ҳам Омонулло «яқин бўлган экан», деб пардалаб айтди, агар «ўйнаши экан», дегандами, бу чапанисифат одам қай ҳолга тушардийкан? Ён-атрофдагиларга сўз бермай юрувчи эркак номуссизлик кўланкасида қолгудай бўлса чидаши ниҳоятда қийин. Жиянининг, ҳатто ўз фарзандининг ўлимига чидар, «тақдир экан», деб ўзини юпатар, аммо номуссизлик тамғасини кўтаришга ҳар қандай бақувват бел ҳам чидамас. Йигитали жиянининг қадам олишини билмасди эмас, биларди. Улар яшаётган совхоз дунёнинг нариги чеккасида бўлса эканки, гап-сўз етиб келмаса. Унда биров аксириб юборса, ёнидаги «соғ бўлинг», дейишга улгурмай, акс-садоси қишлоққа етиб келади. Йигитали бир эшитганида индамади — «ғийбат гап», деб ўзини тийди, иккинчисига чидади. Учинчисида бориб жиянига индамади-ку, аммо Тошболтани ёқасидан олди. Тупроғи кўпчиб ётган кўчада оғзибурнини қора қонга белаб урди ҳам, юмалатиб тепди ҳам. Хумордан-ку чиқмади-я, лекин «энди тийилар», деб умид қилди. Семириб кетган қўчқорни ҳомиладор гумон қилиб туғиб беришини кутган одам қанчалар лақма бўлса, Йигитали ҳам бу соҳада нодон эди: ширага ўрганган пашшани яхшилик билан қайтариш мумкинмаслигини фаҳмламасди. Бора-бора ғиштнинг қолипдан кўчганини англагач, жиянига «қишлоққа камроқ кел», деб қўйди. Нафиса бувисининг жанозасига келиб, еттиси ўтгунича турмоқчи бўлганида Йигитали хотинларнинг висир-висирларидан безиб, жиянига «Энди қизим, бу ерда турганинг билан бувинг тирилиб қайтиб келмайдилар. Яқинда эр қилган одамсан, уйингдан узоқма. Энди қишлоққа келиб овора ҳам бўловурма. Соғинганимда ўзим бориб хабар оламан», деб кузатиб қўйди. Шундан сўнг у жиянини соғинмади, жиян ҳам «тоғам йўқламаяптилар», деб хавотирланмади. Йигитали жиянининг яшаш жойини ҳам билмасди, билишга қизиқмади ҳам. Нафиса билан бирга ўсган қизининг борди-келди қилиш ҳақидаги гапини ҳам шарт бўлиб қўя қолди. Отасининг феълини билган қизи истагини бир айтди-ю, бошқа тилга олмади.

Омонуллонинг «аввалги совхоз директори билан яқин бўлган экан», деган саволи Йигиталининг ярасини тирнаб қўйди. У саволдан норози бўлиб эмас, ана шу тирналган яра азобига чидолмаганидан ўрнидан туриб кетган эди. Йигитали шу савол-жавобдан сўнг тумтайиб олди. Буни сезган Омонулло эзмаланиб ўтирмади. Соатига қаради-да, кечки поездга улгуриш мақсадида ўрнидан туриб, хайрлашди.

Тонгда поезддан тушиб, ювиниб, кийимларини алмаштириш ниятида уйига борди. Қайнонаси ювиб-дазмоллаган кўйлакларни жавондаги илгичларга илиб, уйни йиғиштириб, стол устидаги кафтдек қоғозга қисқагина мактуб ёзиб қолдирган экан: «Фотимангиз телпон қилиб, салом айтди. Ишлари тезлашяптийкан. Дадангиз икки-уч келиб-кетибдилар. Хавотир оляптилар». Кейинги сўзларни ўқиб, Омонулло жилмайиб қўйди. Қайнона «дадангиз» деганда Омонуллонинг тутинган отасини назарда тутган, «хавотир оляптилар», деб бориб кўришга даъват қилган эди. Тутинган отаси улардан тўрт эшик нарида туради. Уни бориб кўрадиган бўлса, қайнота-қайнонани йўқлаши ҳам табиий. Қайнонаси «бизникига кириб ўтинг», демай, чиройли тарзда мақсадни баён қилиб кетган эди. Она меҳрига зор ўсган Омонулло юмшоққўнгил, ширинмуомала қайнонасини куёв эмас, чин ўғил муҳаббати билан иззат қиларди. Қайнонаси эса оналик меҳрини берган эди. Омонулло билан Фотима орасида жиддий тўқнашув бўлмаса-да, икир-чикир масалаларда ҳам доимий равишда куёвининг ёнини олиб, қизига қарши турарди. Шунақа пайтларда Фотима «Ойи, мен қизингизманми ё келинингизманми?» деб куларди. Қайнотасининг эзмалиги ёқмаслигини ҳисобга олмаганда Омонулло уни ҳам яхши кўрарди. Вақти бемалол бўлса, гапларини индамай эшитарди. Баъзан ўтирган ерида мизғиб ҳам оларди. Қайнотасининг энг яхши одати — «мен шунча гапирдим-ку, ҳамсуҳбатим индамади-я», ёки «гапимни ёқтирмай ухлади-я», деб сира ранжимасди. Омонулло салом бериб, «Қалай ада, яхши юрибсизми?» дейишга улгурса улгур-

ди, улгурмаса жим ўтиришга ҳукм бўларди. Қайнотаси гапира-гапира хумордан чиқарди-ю, меҳмон кетгач, хотинининг дашном ўқларига учраб яна камгап, «мўмин»га айланарди. Фотима баъзан гапга тушиб кетса, Омонулло «Ҳа, ота қизи!» деб тегажоқлик қилиб, унинг жиғига тегишни яхши кўрарди.

Омонулло бугун ишдан барвақтроқ чиқиб, уларни йўқлашни кўнглига тугиб, чой дамлаб ичди-да, хизматга йўл олди. Йўл-йўлакай прокуратураға кириб, Мэлс Хўжаевга учради. Сафарга кетишдан аввал кўришганида бу кибор йигит уни лол қолдирган эди:

— Ака, сиз ҳақингизда мен кўп яхши гапларни эшитиб, хурсанд бўлдим, — деганди. — Мен бу соҳада янгиман. Тажрибам йўқ, билимим ҳам етарли эмас. Лекин шу ишни ёқтираман. Ўзим хоҳлаб танлаганман. Менга иш ўргатинг, илтимос, иш буюраверинг.

— Ишни прокуратура буюради бизга, — деган эди Омонулло пичинг оҳангида.

— Шунақа деманг-да. Одамлар «фалончининг ўғли» деб менга ҳавас қилишади. Ака, билсангиз шу нарса мени кўп қийнайди, менга кўп зарар беради. Ўқишда ҳам учиб юриб ўқидим. Баъзи домлалар кўнгил учун ҳам сўраб қўйишмасди. Бу ерда ҳам қийнагилари келмайди. «Фалончининг ўғли» бўлганим учун мен айбдор эмасман-ку? Қачонгача учиб юраман. Бир кунмас бир кун қўнганимда нима деган одам бўламан?

Омонулло таажжубини яширмай унга тикилиб қолган, Мэлс Хўжаев ҳам «гапим — гап!» дегандай тик қараган эди.

Омонулло унга Самандар Очиловга тегишли янги фикрларини айтиб, экспертиза хулосаларини баён қилди. Мэлс Хўжаев ҳарбий прокурор орқали битадиган навбатдаги ишлар билан шуғулланишга ваъда берган эди. Омонулло сафар хулосаларини баён қилгач, у «биз ҳам бекор ўтирмадик, ака», деган оҳангда ҳисобот бера бошлади:

— Шахсан округ ҳарбий прокурори билан гаплашдим, — Мэлс Хўжаев бу гапни болаларча завқ, болалар-

ча ғурур билан айтиб, худди олқиш кутгандай Омонуллога қараб қўйди. «Чакки эмассан», деб ўйлади Омонулло, бироқ, бу гапни тилига кўчирмади. Мэлс Хўжаев яна шу завқ билан гапини давом эттирди: — Очиловни кузатиб борган полковник билан суҳбатлашганингиздан округ ҳарбий прокурорининг хабари бор экан. У «шундан бошқа ёрдам беришга ожизмиз», деб айтди. Очилов ҳарбий соҳага оид илмий иш билан шуғулланган билан ўзи ҳарбий ҳисобланмас экан. Унинг қаердалигини суриштиришга ёки бизга тутиб беришга уларнинг ҳақлари йўқ экан.

«Шунга ақлинг етибди, боқса одам бўласан. Қани, давом этавер-чи», деб ўйлади Омонулло. Унинг жимгина тинглаши Мэлс Хўжаевда шубҳа уйғотиб, бир нафас тин олди. «Бирон нима дермикан», деб кутди. Омонуллодан садо чиқмагач, давом этди:

— Менинг амаким шунга яқин бошқа идорада ишлайдилар. Амаким орқали Очиловнинг Москвада эканини аниқладим. У ҳозир ҳарбий госпиталда экан. Яқин кунларда қайтар экан.

«Яхши, қайтаверсин, кутиб оламиз», деб ўйлади Омонулло.

— Лекин биз уни кутиб ололмаймиз, — деди Мэлс Хўжаев, унинг фикрини ўқигандай, — Уни ҳарбийлар самолётида олиб келишади. Самолёт ҳарбий аэродромга қўнади.

— Биз уни ўзининг уйида кутамиз, — деди Омонулло қатъий оҳангда.

— Мен ҳам шунақа деб ўйловдим, — деди Мэлс Хўжаев. — Агар хоҳласангиз шахсини аниқлаштириш учун бир одам билан учраштиришим мумкин.

— Ким билан?

— Очилов билан бирга ишлайдиган одам. У амаким билан махфий ҳамкорлик қилар экан. У билан учрашасиз-у, аммо ўзининг кимлигини суриштирмайсиз.

— Ўзингиз кўришмадингизми?

— Тўғрисини айтсам... кўрдим. Амаким гаплашдилар, ўзим индамадим. Унинг қотилликдан хабари йўқ экан.

Гапларига қараганда Очиловни ёқтирмайдиганга ўхшайди. «Жамият учун зарарли шахс» деб очиқ айтди.

— Нимаси зарарли экан?

— Иккита хотини бормиш.

— Иккита хотинли одам жамиятга зарар келтира олмайди, — деди Омонулло кулимсираб.

— Нега? — деб ажабланди Мэлс Хўжаев бу гапнинг чинми ё ҳазил эканини фарқлай олмай.

— Нега бўларди? — Омонулло «шуни ҳам билмайсизми?» дегандай кулди. — Бунақа одам иккита хотинни эплаш билан овора бўлиб дунёда совет жамияти борлигини ҳам унутиб юборади. Ҳайрон бўлманг, ҳазиллашдим. Агар у одамингизнинг гапи рост бўлса, иккита хотинли одам жамиятга зарар келтирса, учтами тўртта хотин олганлар жамиятга ўт қўяр экан-да. Сиз тўғри фаҳмлагансиз: ичи қора одамга ўхшайди. Яна нима дейди?

— Бошқаларнинг илмий ишларини ўзлаштириб олар экан. Ўзини Ленин мукофотига қўйиб, ололмабди.

— Бўлди, тушунарли. У билан ҳозир гаплашмасак ҳам бўлади. Зарурат бўлса, кейинроқ учрашамиз.

— Сиз... Очиловнинг биринчи хотини билан кўришдингизми?

Омонуллонинг шундай режаси бор эди. Бироқ, прокуратура ходимининг жиғига теккиси келиб атай:

— Шартми? — деб сўради.

Мэлс Хўжаев Омонуллонинг қувлик қилаётганини сезиб, елка қисиб қўйди-да, ранжигансимон тарзда деди:

— Ўзингиз биласиз, мен сизга буюра олмайман.

Омонулло «фикрларингиз дуруст, мен шунчаки ҳазиллашдим», деб овутмоқчи бўлди-ю, «паст-баландга кўниксин», деган хаёлда индамади. Хайрлашиш учун қўл узатганда Мэлс Хўжаев унга бир парча қоғоз узатди:

— Нима бу? — деди Омонулло ажабланиб.

— Очиловнинг биринчи хотини шу манзилда туради, — деди Мэлс Хўжаев, бу сафар киборларча боқиб. Омонулло унинг қарашидаги «бунисига нима дейсиз?» деган маънони ўқиб, жилмайганча жавоб қилди:

— Қойилман, гап йўқ!

Омонулло ишхонасига кираверишдаги навбатчи уйчаси ёнида турган Адолатни кўриб, ажабланди. Бу аёлнинг келишига амин эдику-я, бироқ бу қадар тез йўқлар деб кутмаганди. Адолат уни кўрди-ю, куёвига пешвоз чиққан қайнонадай жилмайиб қарши олди. У ялтироқ ипли сариқ куйлак кийиб олган, оёғида ёшларга расм бўлган пошнали қора туфли, қошу кўзларига қалам тортган, лабига оч қизил бўёқ суртиб олган эди. Қилиғи ўзига ярашмаган бўлса-да, ҳар ҳолда аввалги кўринишига қараганда сал одамбашараро эди.

— Вой Худойимга шукр-ей, — деди у саломлашгач, — келмай қолармикинсиз деб юрагим така-пука эди-я.

— Келинг опа, тинчликми? Хўжайин тузукмилар?

— Ҳа, ётибди, ғўлдир-ғўлдир қилиб. Нафисанинг уйидаги молларни олиб кел, деб юбордилар.

— Ие, шунақами, гапираяптиларми?

— Қаёқда? Тил ўша-ўша — кетган.

— Тил кетган бўлса қанақасига «молларни олиб кел», дедилар?

— Вой... — Адолат тилидан илинганини билиб сал саросималанди-ю, лекин сир бой бермай, ўзини қўлга олди: — тил ўлгур бўлмаса ҳам кўзлари очиқ-ку? Имо-ишора билан гапиряптилар. Шунча йил бирга яшагандан кейин кўзларига қараб туриб, нима демоқчи бўлаётганларини билиб оламан.

— Овора бўлиб келибсиз, опа, мол эгасига берилади.

— Вой, шошманг, начальник ука. Мен сизга бир муҳим гап айтаман.

— Хўп, айтинг.

— Бу ерда идорангиз борми? Кўчада айтадиган гап эмас.

Омонулло уни хонасига бошлаб кирди. Адолат стулга ўтираётиб тор хонага бир разм солди-да:

— Ўлдирган одамни қидиряпсиз-а? — деб сўради.

— Қидиряпмиз, — деди Омонулло.

— Ҳали топмадингиз-а?

— Зеҳнингизга қойилман: топмадим.

— Топа оласизми?

— Билмадим. Ҳар ҳолда бурун бўлса, рўмолча топилади, деган гап бор.

— Мен сизга бир гапни айтсам, осонгина топасиз.

— Шунақами? Менга айтиб ўтирмай ўзингиз топа қолмайсизми?

— Оповси, сиз менга бунақа пичинг қилманг. Мен сизга қишлоқда таппи чангаллаб юрган саводсиз хотин эмасман. Билмасангиз, билиб олинг: икки марта райсоветга депутат бўлганман. Бир нарсани билмасам шундан шунга аҳмоқ бўлиб келмасийдим. Ер юткурнинг сирини мен билмай, яна ким билсин?

— Ер юткур... ким? Отасими ё қизими?

— Иккoвиям бир гўр.

— Қанақа сир экан, айтинг-чи?

— Тўхтанг, олдин келишиб олайлик. Мен сизга билганларимни айтаман. Сиз эса менга молларни олиб кетишимга рухсат берасиз.

— Айтадиганларингиз шунчаки ғийбат бўлса-чи?

— Вой савил, мен ғийбатчига ўхшайманми?

— Нафиса Болтаева аввалги директор билан дон олишарди, девдингиз. Тоғаси «бўлмаган гап», деб рад этди.

— Тоғасими? Анави мўйлов жинними? У қаёқдан биларкан? Жиянини аборт қилдиргани ким олиб борган экан, сўрамабсиз-да. Бир марта бўлса ҳам гўрга эди. Уч марта олиб борганман. Мен ғийбатчи бўлсам Матлубадан сўранг. Жувонмарг бўлгурни кўрдингизми ўзи?

— Собиқ директорнинг хотинини айтяпсизми? Борсам уйида йўқ экан, шаҳарда дейишди.

— Вой савил қолсин, шаҳарда бало бор эканми? Уйидан атай чиқмаган. Ўлгудай қўрқади.

— Нимадан қўрқади?

— Эри қамалганидан бери роса тинтув қилишяпти. Анавинда ҳам келиб-кетишган экан.

— Қачон?

— Тўхтанг, аввал келишиб олайлик, кейин сўранг саволингизни.

— Болтаева!

— Мен Болтаева эмасман, Худога шукр, Низомбековаман! У ергина юткурнинг фамилиясига ўтмаганман.

— Низомбекова, бу ер сизга бозор эмас. Савдолашманг. Агар билганингизни яширсангиз ё чалғитмоқчи бўлсангиз, қонун бўйича жазоланасиз.

— Вой ўлайин, ҳолвани ҳоким еб, калтакни етим ейдими энди? Биров келиб қизимни ўлдириб кетсин-да, сиз ўлдирганни топманг-да, мен жазо олайинми? Ўлмай ўла қолсин, бу қиз ўлгур, бошгинамга битган бало бўлди. У ёқда отаси ётибди «ана ўламан, мана ўламан», деб. Бу ёқда бу кишим ўтирибдилар «айтмасангиз қамайман», деб. Ҳой, менга қаранг, қамашга мендан бошқа одамингиз йўқми?

— Мен қамайман, демадим, жазо оласиз, деб огоҳлантирдим.

— Қамайман, дейсизми ё жазо оласан, дейсизми — бир гўр эмасми? Ҳеч нима билмайман, деб туриб олсамчи? Ичимдаги гапни ёриб оласизми? Ундан кўра молимизни бериб юборинг, мен сизга керакли гапларни айтай.

Омонулло бу «шайтон қамчиси» билан савдо пишиши қийинлигини англаб, телефон гўшагини кўтарди-да, қўшни бўлимга қўнғироқ қилди:

— Ҳафизхон ака, Болтаеванинг уйида рўйхатга олинган молларни ҳозир бериб юбориш мумкинми?— Омонулло шундай деб Адолатга қараб олди. Адолат масала ўзининг фойдасига ҳал бўлаётганидан мамнун ҳолда бир қимирлаб олди. Омонулло эса суҳбатини давом этди: — Ҳа, одам келди. Болтаеванинг ўгай онаси, — Омонулло «бу қўпол гап таъсир қилармикан?» деб Адолатга тикилди. Адолатда норозилик аломати сезилмади. — Мумкин эмасми? — Шу саволдан сўнг Адолат бир чайқалаб олди. — Иложини қилиш керак. Эридан тилхат олиб келса-чи? Ҳа, албатта, гувоҳлар иштирокида. — Омонулло шундай деб гўшакни жойига илди. — Тушундингизми? Бир ҳафтадан сўнг тилхат билан келасиз. Қани, энди айтинг гапингизни.

— Кеча сиз кетганингиздан кейин эсимга тушди. Хотирам ўлгур сал ўтмаслашиб қолибди, — деб гап бошлади Адолат. Омонулло эса ўзича «ўтмаслашган ақлда ўткир хотира бўларканми?» деб хаёлидан ўтказди.

— Уч ойми, тўрт ойми аввал Валижонни кўрувдим.

— Ким у? — Омонулло шу саволни бериб қоғозга «Валижон» деб ёзди.

— Валижонми? Турсуналининг ишонган шўпири. Турсуналини биласиз, қамалиб кетган директор. Қоранг ўчгур Матлуба эри қамалса ҳам кўчиб кетмади.

— Кўчиши керакмиди?

— Эри қамалганидан кейин кетмайдими келган жойига. Бир нимадан илинжи бор у мегажиннинг. Ҳозирги директор эрининг яқин одами эди. Уйига ҳам тегмади. Нега тегмади, биласизми? Ер юткур Турсунали Нафисани суриб юрганида, Матлуба бу одамнинг кўнгилчасини овлаб юрган.

— Кўрганмисиз?

— Нимани?

— Кўнгилчасини овлаганини?

— Кўриб нима, мен унинг лозимига қоровулманми, қачон ечиб, қачон кийганини пойлаб юрибманми?

— Хўп, бу гапларни қўйинг, сиз Валижонни кўрувдингиз?

— Ҳа, кўрдим, — Адолат шундай деб ғаши келганини билдириш мақсадида бир чимирилиб олди: — Бир куни Матлуба чақириб, тўппа-тўсатдан «шаҳарга борамиз», дебди. Валижон «эртага борайлик, кеч бўлди», деса ҳам кўнмабди. Кейин Валижон уни ер юткур Нафисаникига бошлаб борибди. Боришганидан кейин Матлуба Валижонга «сен чиқиб тур», дебди. Нафис ўлгур эса «Ўтиринг, Валижон ака, чой ичинг, ош пишяпти», деса ҳам кўнмабди. Хуллас, Валижонни чиқариб юбориб, жанжалнинг уясини қўзғабди.

— Нега?

— Унисини билмадим. Эри қамалмасидан илгари жимгина писиб юрарди.

— Эрининг ўйнаши борлигини билмасмиди?

— Балони биларди, у ергина юткур. Қип-яланғоч устидан чиқиб қолганида ҳам дамини чиқармаган.

— Унда нима учун жанжал қилади?

— Билмадим-у, аммо бир нима талашган.

— Эрини талашмаган хотин энди нимани талашиши мумкин?

— Нимани талашарди? Бойликни-да. Жувонмарг бўлгур Турсунали топганларини яшириб кетганга ўхшайди. Ер юткур Нафис охирги келганида отаси билан пичирлашиб қолди. Секин қулоқ солдим. Қулоғимга киргани Нафис ўлгур ниманидир «топиш керак», деди. Кейин «ўша кечаси ошхона томонга қараб юрувди», деди. Кейин икковиям кетди, билсам ўшанда боққа боришибди. Жувонмарг ўлгур боққа нимага боради? Эркаксираб боради-да. Ўйнаши қамоқда бўлса, эр жонивор ҳафталаб йўқ бўлиб кетса... Маишатни соғинади-да. Директор ўлгур ҳам буларга лаққа туша қолди. Қайтишганида қарасам, қулоғида янги зирак, бармоғида қўш узук. Нақ тилла! Кўзлари нақ жавҳар! Кўрдим-у, индамадим.

Омонулло бу гапни эшитиб экспертиза хулосаларини эслади: қулоқларидан зирак юлиб олинган, бармоқларида тўртта узук излари бор...

— Бармоқларидаги узуклар иккитамиди?

— Ўзи азалдан иккита бор эди. Биттаси никоҳ узуги, яна биттаси ёқут кўзли тилла узук эди. Боғдан қайтишганда яна иккитаси пайдо бўлди, деяпман-ку, тушунмадингизми? Эркак зоти ҳам ғирт аҳмоқ бўлади. Нафис ўлгур ким эди? Ит ғажиб ташлаган бир суяк эди. Шу сарқитнинг бармоғига иккита узук тақасанми? Шунақа сарф қилар экансан, свежийларидан топмайсанми?

Адолат янги директорни лақмаликда айблаб, яна бир-икки гап айтди. Омонулло эса янги директор билан бўлган учрашувини кўз олдига келтирди. «Нафиса Болтаевани кўрганим йўқ», деб тонганини эслади. Совхозда ишни хом бажарганини англаб, яна боришни дилига тугди-да:

— Хўш, энди Валижоннинг гапи чала қолди-ку? — деди.

— Ҳа-я, Валижон ўлгур ҳам лақма-да, «чиқ» деса чиқиб кетаверибди. Кундошларнинг қир-пичоқ бўлишларини мазза қилиб кўрмайсанми! Матлуба шумшуккина бўлиб юргани билан бало-да. Нафис ўлгур-ку тоғасига ўхшаган жинни. Юлиб ташлашдан ҳам тоймайди. Бир марта мени юлган у қўлинг сингур. Омма мен ҳам ҳаққимни қўймаганман.

— Хўп, қойилман, опа, Валижон нима деди?

— У жувонмарг айтдики, Матлуба чиққанида важоҳати жуда ҳам ёмон экан. «Шу жалаони ўлдиртириб юбормасам юрган эканман», дебди.

— Валижонга шундай дебдими?

— Йўқ, Валижонга айтармиди шунақа гапни. Уйдан чиқиб келаётганда ўзига ўзи гапириб келаётган экан, ер юткур шўпир қулоғини динг қилиб эшитиб қолибди. Кейин менга айтди, «шунақа, шунақа гаплар бўлди, қизингизни эҳтиёт қилинг», деб қўйди. Энди тушундингизми?

— Тушундим. Айтадиган гапларингиз шумиди?

— Ҳа, шунча гапим камми сизга? Бўпти, агар камлик қилган бўлса, яна эшитсам ё эсласам келиб айтаман, — Адолат шундай деб ўрнидан туриб хайрлашди. Лекин дарров чиқиб кетмади. Остонада турганича «ер юткур» ва «ўлгур»лар ҳақида яна аллақанча гапларни айтиб ташлади. Омонулло уни билагидан ушлаб, йўлга бошламаса, кечгача гапиришдан ҳам тоймайдиган эди.

Адолатни кузатгач, Омонулло бошлиқ ҳузурига кириб қотиллик юз берган уйни назорат остига олиш масаласида келишиб олди.

АЗОБЛАРНИНГ МУҚАДДИМАСИ

«Ҳа-ҳа! Барибир урди-ку, Худо!! Ҳали бу ҳам кам сенга, бир томчи сувга зор бўлиб ўласан. Ҳа, сен қийналиб ўласан, мен эсам роҳатланиб томоша қиламан!»

Бу овоз... қайнонасининг овози... Ўзи қани? Қаерда туриб гапиряпти?

Ҳаракатсиз ётган Тошболтанинг кўзлари жавдиради. «Ухлаяпманми, туш кўряпманми? — деб ўйлади Тошболта. — Йўқ, уйғоқман. Ҳамма ёқ ёп-ёруғ. Аввал домла ўқиятувди, кейин милиса келди. Бу ҳам тушми? Йў-ўқ... «Адол билан гаплашди-ку у милиса? Адол... ҳаром ўлгур Адол, мендан олдин сен ўлсанг яхши эди. Бир кун бўлса ҳам сендан кейинроқ ўлишни орзу қилардим-а, бир кун бўлса ҳам одамга ўхшаб яшаб қолардим-а... Милисага нималар деб сасидинг-а, қанжиқ! Менга теккунингча нима қилган бўлсанг қилгансан. Ҳаммасини эшитган эдим, лекин сенга раҳмим келиб индамовдим. Ўшанда сени ўлдирворсам бўларкан. Сен... илон... ҳаммамизни чақиб ўлдирдинг... Бир соатга бўлса ҳам тузалсам эди, ўрнимдан туриб бўғиб ўлдирардим сен аблаҳни. Йў-ўқ... аввал тилингни кесар эдим, сўнг бўғардим. Нафиснинг олдига юзим ёруғ бўлиб борардим...»

«Ҳа-ҳа! Сени Худо урди-ку!»

Яна ўша овоз. Тошболтанинг кўзлари яна жавдиради. Сўнг нигоҳи қотди: ёнгинасида қайнонасини кўрди. Қайнонаси ўтириб олганича эски кўрпачани сўтяпти.

«Нима қиляпсиз?» — деб сўради Тошболта.

«Сенга кафан бичмоқчиман» — деб жавоб берди қайнонаси.

«Эски кўрпачанинг астаридан ҳам кафан бўларканми?» — деди Тошболта.

«Сенга шу ҳам ҳайф. Итдай ўлиб, итдай кўмилишинг керак», — деди қайнонаси.

«Мени бунча ёмон кўрасиз-а? Қизингизни урган бўлсам жазосини тотдим-ку? Худо бир алвастига рўпара қилиб қўйди-ку?» — деди Тошболта.

«Нафисанинг ҳаётини булғаб ташладинг. Менда ҳам айб бор: уни сенга бериб юбормаслигим керак эди»,— деди қайнонаси.

«Мен қизимнинг бахтли бўлишини истаган эдим. Бахтини топган эди», — деди Тошболта.

«Номи бузуқ бўлиб топилган бахт бахт эканми? Айт, ўзинг, жон қизим, бахтли эдингми?»

Шу пайт қайнонасининг орқасида Нафиса кўринди: эски, кир кўйлакда, кўзларида ёш, маъюс қараб турибди. Тошболтанинг ҳеч эсидан чиқмайди: қамоқдан қайтиб, қайнонасиникига келганида Нафисани шу ҳолатда кўрган эди. Кўриб, юрак-бағри эзилиб кетган эди.

«Қизим, бувингга айтгин, мен сенга ҳеч ёмонликни тилаганманми?»

Нафиса индамай, шу ҳолатида қараб тураверди.

«Қизим, мени қийнама, ўладиган бўлсам ҳам қийналмай ўлай, айт, бахтли эдинг-ку, ахир?»

«Нафиса сенга гапирмайди», — деди қайнонаси.

«Нега гапирмас экан?» — деди Тошболта.

«Ўликларнинг гапирганини қайда кўргансан?» — деди қайнонаси.

«Сиз гапиряпсиз-ку?» — деди Тошболта.

«Мен сенга кафан бичиш учун атайин келганман»,— қайнонаси шундай деб қаҳ-қаҳ отиб кула бошлади. Ўзини тўхтата олмай тўхтовсиз кулди, сонларига шапати уриб кулди, Тошболтанинг нақ тепасига туриб олганича кинолардаги ялмоғиз кампир каби хунук кулди. Кулги жарангидан Тошболтанинг қулоқлари шанғиллаб кетди.

— Ҳе, турқинг қурсин сенларнинг, жигарларингни қурт кемириб қуритсин!..

Бу кимнинг овози? Тошболта сергак тортди: қайнонаси эмас, Адолатнинг шанғиллаши бу. Кимни қарғаяпти?

— Молни эгасининг ўзига берармиш. Ким эгаси? Онангнинг маҳрига тушган мол эканми?

Шанғиш овози тобора яқинлашиб, рўпарасида Адолатнинг қаҳрли чеҳраси кўринди.

— Қанақа эркаксан ўзинг?! Гирт аҳмоқ одам ҳам шунча молни ўша ерга ташлаб келавермайди. Милисанинг гапларини эшитдингми? Э, эр бўлмай ўлибгина кетгин сен! Сенга текканимдан бери бирим икки бўлмади-я! Энди сени битимга боқаманми? Битта уколинг неча пул, биляпсанми. Тузаладиган бўлсанг, тузал, бўлмаса ўзим бўғиб ўлдириб қўя қолай. Боқишга арзийдиган эркак бўлсанг экан, сен...

«Ношукр бўлма, шунча топиб келганим камми сенга? Учта эмас, ўттизта қиз узатишга етадиган мол йиғдингку? Тилла тақинчоқларни сотсанг иккита машина берадику? Бунча нолийсан, қора шақшақ?!» Шундай демоқчи эди, тил айланмади. Ғўлдираган овоз чиқди.

— Нима деяпсан, қайтар-чи? — деди Адолат ёнига тиз чўкканича қулоғини динг қилиб.

«Ҳадеб вой-войлаб ўпкангни кўрсатавермай битта қўй олиб сўйдириб худойи қилиб юбор. Бизга бало ёғиляпти. Худойи қилмасанг бўлмайди. Боя домла ўқиётганида шу кўнглимга келди».

Тошболта шу сўзларни айтмоқчи бўлганида кўзлари қассобга қараётган қўзичоқ кўзлари каби жавдиради.

Адолат бу нигоҳга зуҳр бўлган маънони ўз ақли етганича ўқиди:

— Молларни бориб олиб келайми?

«Каллангни ишлатсанг-чи: бало ёғиляпти, деяпман сенга. Қўй олиб сўйдир, худойи қил, деяпман. Балога мен учрадим, майли, энди қизларга урмасин. Сен алвастига ҳам Худонинг атагани бордир, эсингни йиғсанг-чи!..»

Уларнинг бу тахлитда гаплашиши соқов билан сўқирнинг суҳбатини эслатарди.

— Ҳа, бўпти, нима демоқчи бўлганингни тушундим, — деди Адолат. — Эрта ё индин бориб олиб келаман. Милиса бўлса ўзига, мен индамай қўйиб берарканманми? Ношуд бўлмай қаро ерга киргин сен. Шунча молни уйга қўймай, харидорга топшириб келсанг ўлармидинг? Бу ёққа ҳовлиқиб югурганинг билан қизинг тирилиб қолармиди? Мана, югурганинг билан кўмиш барибир сенга насиб қилмадику? Худо бизга меҳрибон-да, сени шу кўйга солмаганда мўйлов жиннинг ўла қолса жиянини кўммасди. Бутун харажат бизнинг гарданимизга тушарди. Эри ўлгур қайси гўрларда экан? Хотин олмай ўла қолсин, у сўтак. Қиз билан жувоннинг фарқига бормаса...

Тошболтанинг юраги санчиб, оғриққа чидолмай инграб юборди. Анча босилиб қолган курагидан оғриқ ҳам уйғонди. Оёқлари юзлаб чаёнлар ҳукмига топширилган-

дай азоб чека бошлади. Инграш ўкирикка айланди. Ёнағига ёш томчилари думалади.

«Бўғиб ўлдирсанг ўлдира қол», деган илтижо билан хотинига боқди.

— Ҳа, шунақа, — деди Адолат ўрнидан туриб, — тўғри гап туққанингга ёқмайди. Соғ пайтингда ҳам қутурган туяга ўхшаб ўкириб қолардинг. Ҳозир ҳам шунинг хумори тутдими, ҳе ўкирмайгина ўлгин сен...

«Тўхта, ҳеч бўлмаса оёқларимни силаб қўй, бу азоб билан ўлмай. Жоним чиқмасидан олдин сен ҳам менга бир яхшилик қил». — Тил бу гапга ҳам айланмади. Алҳол, бу илтижо тиш ҳатлаб айтилган тақдирда ҳам хотин томонидан ижобатга олинмоғи маҳол эди. Жавоб тариқасида унинг тилидан «Энди сенинг исқирт оёқларингни қашлаш қолувди», деган гапнинг учмоғи эҳтимолдан холи эмасди.

Тошболта азоблар исканжасида ётганида Нафиса кўринди.

«Қизим, жон қизим, кел, сен қутқар бу азоблардан».

«Қандай қутқарай? Бу азобларни мен бермадим сизга, мен қутқара олмайман».

«Бувинг мени бетўхтов қарғаяптилар. «Сени Худо урди», деб қувоняптилар. Мен Худога нима ёмонлик қилдим? Мендан беш баттарлари ҳам юрибдилар-ку, ялло қилишиб? Биттагина айбим — онангни урганим. Ундан кейин мен ҳам одамга ўхшаб яшайин деб ҳаракат қилдим, холос. Бошқалар еб-ичиб, маишат қилиб қорнини силаб ётганида, мен оч-наҳор яшашим керакмиди? Нима, нафс битта менда бормиди? Нафси ўпқонлар-чи? Қани, гапир, нега жим турибсан?»

«Дада, мен нафсни ўлчайдиган тарозибон эмасман. Менинг билганим — бизларни шу нафс шарманда қилди».

«Шарманда қилди? Тириклигингда ҳам шунақа девдинг. Шармандалик нима ўзи? Кўзга кўринмаса, қўлга ушлаб бўлмаса, еб бўлмаса, кийиб бўлмаса... Одамларнинг гапими? Ўшанда ҳам айтувдим, ҳозир ҳам айтаман: тупурдим, ўша одамларнинг ўзларига ҳам, гапларига ҳам!»

«Дада, ундай деманг, шу одамлар эрта-индин сизни кўтариб мозорингизга олиб боришади».

«Барибир тупурдим! Ўлганимдан сўнг кўтариб олиб боришадими ё ҳожатхонага ташлаб юборишадими — менга барибир. Сен қизим, бувингга тайинлаб қўй: ҳадеб мени қарғайвермасинлар. Уч-тўрт кун бўлса ҳам тинч яшай. Келсанг ўзинг кел, бувинг келмасин. Тўхта, бувингга қўшилиб сен ҳам мени қарғаётганинг йўқми?»

«Нимага қарғайман, дада?»

«Турсуналига рўпара қилганим учун-да. Лекин, сен билиб қўй: бу менинг калламдан чиққан ақл эмас эди. Алвасти ўгай онанг айтувди, мен лақмага маъқул келувди. Қарғасанг ўшани қарғагин. Лекин... ўзинг ҳам Турсуналини яхши кўрардинг-ку, а?»

«Яхши кўрардим, дада».

«Яхши кўрсанг бахтсиз эмас экансан-да? Буни бувингга айтгин. Оғзимиз энди ошга етганида, бошимиз тошга етди. Охирги марта боққа борганимиз эсингдами? Ўчоқ тагидан топган тақинчоқларимиз эсингдами? «Қорашақшақ» буни бошқача тушунибди. Янги директор билан ўйнашиб, шунинг ҳаққига олган, деб ўйлабди у ҳароми. Сени фоҳиша деб ҳисоблайди. Сенга авваллари айтмовдим, дардим ичимда эди. Менга тегмасидан аввал ўзи шунақа бўлган. Шунинг учун бошқаларни ҳам ўзига ўхшатади, у ҳароми. Қарғасанг ўшани қарға. Ўчоқ тагидан топган тақинчоқларни тақиб олувдинг. Ўлиб ётганингда қарасам, зиракларинг ҳам, узукларинг ҳам йўқ. Ўзинг олиб қўйганмидинг ё... эринг олиб қўювдими?»

Нафиса бу саволга жавоб бермай маъюс тикилиб тураверди.

«Билмайсанми? Унда сени ўлдирган одам олиб қўйган. Нафис, қизим, айт, сени ким ўлдирди? Ёнингдаги йигит ким эди? Фақат «ўйнашим эди», демагин. Мен ишонмайман. Сен унақа шилта эмас эдинг, қизим. Сени эринг ўлдирмаган, ундан гумоним йўқ. Агар у ўлдирадиган бўлса, Турсуналини ўлдирарди. У Турсуналини яхши кўришингни биларди. Бир марта маст бўлволиб менга

йиғлаган, сенга айтувдим. «Турсунали билан учрашмасин», деб ялинган. Ўлдирадиган одам бунақа бўлмайди. Унда ким ўлдирди сени? Карвон бормаганмиди уйингга? Ўчоқни бузган куним бир нимани сезиб ис олгандай бўлувди. Мени кўролмайди у нокас. Боғ қоровуллигини мендан олгунича атрофимда итпашшадек айланди. Кейинкейин қилиқ чиқарди. Менинг гумоним ўшанда. Сайфини танирдинг, а? Еттинчи бўлимнинг бошқарувчиси. Сенга совчи қўйдирганида унамаганман, эсингдами? Ўша Турсунали билан гап талашиб қолганида Карвон «Сен ҳали хўжайинга гап қайтарадиғон бўп қолдингми!» деб итдай пўпалаб ташловди. Мен ўртага тушмасам ўлиб кетарди, бола бечора. Ҳе, аттанг... шу гапларни милисага айтсам бўларкан...»

Нафиса отасининг гапларига эътибор бермай тисарила бошлади.

«Қизим, кетма, сен келиб, азобларим сал нари бўлятувди. Мени қутқар, қизим...»

«Ўзимнинг азобларим ўзимга етади, дада».

«Азоб? Қанақа азоб? Ўлган одамда қанақа азоб бўлади? Ўлим ҳамма азоблардан қутқаради-ку?»

«Йўқ, дада, ўлим сиз билан мен учун азобларнинг бошланиши...»

«Ундай дема...»

«Яқинда ўзингиз кўрасиз...»

Шундай деб кўздан йўқолди. Тошболтанинг қулоғига азобли фарёд овози эшитилиб, атрофига аланг-жаланг қаради. Ис босган айвон шипи, бўёғи кўчган устундан бошқа ҳеч нима кўринмади.

Кимдир ингради... Кимдир оҳ урди...

ПОКЛИК

— Қўлингни кўтар! Гиринг десанг, отаман!

Гарданига совуқ бигиз учи тиралгандай бўлиб, Омонуллонинг эти бир сесканди. Лекин таниш овоз уни жилмайган тарзда орқага ўгирилишга мажбур этди. Синф-

дош дўсти Сафарнинг қилиғи унга маълум: пойлаб туриб, орқадан пусиб келиб, шунақа дейишни яхши кўради.

— Отадиган одам тўппончани биқинга тирайди, қаламни гарданга санчмайди, ҳариф! — деди дўстининг қўлини эҳтиётлик билан қайирган бўлиб. Кейин уларнинг ҳаракатини кулимсираб кузатаётган навбатчига қаради: — Мени «шошилинч тарзда йўқлаётган хотин» шуми? Сержант, бу ёлғон учун нима қиламан, биласанми?

— Ўзимизнинг акахонимиз-ку?

— Бўлди, укахонга сасима. Сен капитан бўлсанг, мен — Нишоновман! «Нишонов» деганда ҳозир капитан тугул генералларингнинг ҳам ичи ўтиб кетади. Бўлди, юр, кетдик.

— Қаёққа?

— Бугун қанақа кун? Иккинчи пайшанбами? Икки марта штрафга тушиб турибсан ўзинг.

— Йўғ-э?

— Ҳа-э! Энди сени ҳимоя қилмайман. Болалар пўстагингни қоқиб олишади.

— Аввалги «гап» куни касал эдим.

— Касал-пасалинг билан ишимиз йўқ. Аҳмаджон нима деган? Касал тугул ўлиб қолсанг ҳам ўлигингни «гап» бўлаётган уй ёнидан олиб ўтишлари керак. Кетдик.

— Ишим бор.

— Иш-пишинг билан ишим йўқ. Сержант укахон, хўжайинга айтиб қўйинг: ўртоқ Сафар Нишонов шахсан келиб, муҳим бир иш билан олиб кетдилар, денг. Нишоновга қарши бир нима дейдиган одам ҳали туғилмаган.

Омонулло Сафарнинг одатини билади. Танага ёпишган канани ёки зулукни олиб ташлаш мумкин-ку, аммо Сафар бир нима деб ёпишдими, ундан ўлиб ҳам қутулиб бўлмайди.

— Хўп, машинадамисан?

— Машинадаман, хизмат борми?

— Бор. Ҳозир дадамникига кириб ўтамиз.

— Тушунарли. Қайнонангни соғинибсан, у ерга кириб ўтишимиз ҳам тайин, а? Уялмай айтавер, мен атай бир ярим соат олдин келдим. Сенинг қилиғингни биламан.

— Эртага бўшмисан?

— Ғирт бўшман, ўғри овига олиб борасанми? Бензин топиб берсанг бўлди, дунёнинг нариги четига ҳам кетавераман.

Омонулло хонасига кириб стол устидаги қоғозларни тартибга келтириб, тортмасига солгач, тезгина изига қайтди.

Табиатан серғайрат бўлган Сафар машинани ҳам беҳаловат тарзда ҳайдарди. Яшил чироқнинг ўчганига парво қилмай чорраҳадан ўтиши билан йўл ҳаракати назоратчиси ола таёғини кўтариб, тўхташга ишора қилди.

— Қизилда ўтмадим, шекилли? — деди Сафар тўнғиллаб. — Машинада милиса олиб юришнинг ҳеч хосияти йўқ, шунақа ишкалга рўпара бўлавераман.

— Нақ қизилнинг ўзида ўтдинг. Мен гувоҳман. Ҳужжат кетди, деявер, — деди Омонулло тегажаклик қилиб, — овора бўлма, ёнингни олмайман.

— Сенга аҳмоқ одам ялинади. Қараб тур, ҳозир тўхтатганига пушаймон қилдирвораман.

Сафар шундай деб машинани тўхтатди-ю, аммо пастга тушмай, ўтираверди. Ҳайдовчиларнинг югуриб келиб, қўш қўллаб кўришишига кўниккан назоратчи бир оз кутди, сўнг машинага яқинлашди. Сафар ойнакни тушириб бош чиқарди.

— Ҳа, укахон, тинчликми?

— Тинчлик, ҳужжатларингизни кўрсатинг?

— Ўзинг кимсан, нега танитмайсан?

— Инспектор Нуриев. Ҳужжатингиз?

— Мени танимадингми?

— Танимадим, ака. Ҳужжатингиз? Илтимос, машинадан тушинг. — Нуриев шундай деб Омонулло томонга қараган эди, у «бопла, қўймайсан!» дегандай имлаб қўйди. Сафар эса, сумкасидан ҳужжатини олиб, машинадан тушди. Назоратчи ҳужжатларни кўриб чиққач:

— Сафар ака, нега қизилда ўтдингиз?— деб сўради.

— Нима дединг? — Сафар шундай деб худди беморни кўраётган табиб каби унга тикилди. — Мен кўк билан қизилни фарқига бормайдиган аҳмоққа ўхшайманми? Менга қара, мабодо ўзинг дальтоник* эмасмисан?

— Ҳақорат қилманг, ака.

— Вей, мен сени ҳақорат қилдимми? Гувоҳинг борми? Ўзинг менга икки марта туҳмат қиляпсан. Мен сени дальтоник дедим. Бу сўкиш эмас, маъносини хўжайинингдан сўраб ол.

— Ака, нима десангиз денг, қизилда ўтдингиз. Протокол ёзаман.

— Ука, сен ҳужжатни кўрдингми?

— Кўрдим.

— Фамилияни кўрдингми? Фамилияни?

— Кўрдим.

— Нима деб ёзибди?

— Нишонов.

— Нима дегани бу?

Сержант бу маҳмадона одамнинг «Нишонов – республиканинг каттаси, мен эса унинг уруғиман» демоқчи бўлаётганини англаса-да, сир бой бермади:

— Билмайман, Нишонбой аканинг ё ўғли, ё набираси деганидир-да, – деб Сафарнинг ҳафсаласини пир қилди.

Сафарнинг доимий қуроли иш бермай, Омонуллога қараб қўйди-да, энди бошқа томондан ҳужумга ўтди:

— Машинадаги акангни танийсанми?

— Танимайман. Протокол тузаман, — Нуриев шундай деб қоғозларини чиқарди.

— Тўхта, ҳовлиқма, анави аканг ўзларингдан, подполковник. Менинг қиз ўртоғим бўлади. Вей, Омон, туш бу ёққа.

Омонулло кулимсираганича тушиб, назоратчи билан кўришди.

---

* Рангларни фарқлай олмайдиган одам.

— Старшина, сигаретдан олинг, — деди бир кўзини қисиб қўйиб. Чекмайдиган Сафар ҳам назоратчи узатган сигаретдан олиб лабига қистирди. Омонулло старшинага ўт тутиб, сўнг ўзи ҳам тутатди-да, Сафарга қарамади. — Старшина сиз ҳақсиз: бу ўртоқ чиндан ҳам қизилда ўтди. Агар протокол ёзмасангиз, ўзингиздан кўраверинг. Бу ўртоқ икки марта алдаяпти: мен подполковник эмасман.

Омонулло кўз қисиб қўйгани билан бу гапларнинг ҳазилми ё чин эканини англай олмаётган назоратчи Сафарга ажабланиб қаради.

— Омон, қўй, бу гапларни. Подполковник бўлмасанг майордирсан, майор бўлмасанг капитансан. Лекин менинг назарим тушган боласан. Подшозодаларнинг назари тушган милиса эрта-индин генерал бўлиб кетади. Сен бу болаларга ҳазиллашма, булар ҳазилни тушунишмайди.

— Нимаси ҳазил экан? Қонун ҳамма учун бир. Қоидани бузганингдан кейин жазосини ол.

— Шунақами? Додам раҳматли «милисадан ошнанг бўлса, ёнингда ойболтанг бўлсин», деганларида ишонмаган эканман, — деди Сафар пичинг оҳангида.

— Иккита ошна ўзларинг келишиб олаверинглар. Мен протокол ёзаман, — деди назоратчи.

— Ҳа, ёзинг, — деди Омонулло атай қитиқлаб.

— Ёзсинми? — деди Сафар пўписа оҳангида.

— Ёзаман, ака, ошначилик ўз йўлига, иш ўз йўлига.

— Бўлмаса, ма! — Сафар шундай деб унга машина калитини узатди. — Хўжайинингга бериб қўй. Машинани шахсан ўзи олиб бориб беради.

Назоратчи калитни олди-ю, савол назари билан Омонуллога қаради. Омонулло яна кўз қисиб қўйиб, сигаретини тутатаверди. Сафар эса «Қўйинг ака, ҳазиллашдим», деган лутфни бир оз кутиб, лабига қистирилик тутатилмаган сигаретни четга улоқтирди-да, қўл силтаганича нари кета бошлади. Шундан сўнг Омоннулло ўзининг гувоҳномасини кўрсатиб, узр сўрагач, машина ҳужжатлари билан калитни олиб, ҳайдовчи ўриндиғига ўтир-

ди. Сафар ўн беш-йигирма қадамча юриб тўхтаб, ўтаётган машиналарга қўл кўтара бошлади. Омонулло ундан уч-тўрт қадам ўтиб машинани тўхтатди-да, пастга тушиб сўради:

— Акахон, қайси томонга борасиз? Йўл-йўлакай бўлса олиб кетай, ҳарна бензин пули чиқсин.

— Укахон, катта холангизникига кетятувдим, нақ йўлимнинг ўзи, — Сафар шундай деб тўнғиллади-да, ҳайдовчи ёнидаги ўриндиққа ўтирди.

— Сариқмассан-ку, бунча тутаб кетдинг? — деди Омонулло машинани юргизгач.

— Ҳазил деб гапираверасанми? ГАИ ҳазилни тушунадими?

— Унақада ўзинг ҳам катта кетма.

— Катта кетиб нима дебман?

— «Сенга ялинган — аҳмоқ», деган ким эди? Энди аҳмоқлигингни тан олдингми?

— Сени ошнам деб юрган одам аҳмоқ бўлмай нима бўларди?

— Бўпти, минғиллама. Бир жойда зўр пиво бор, олиб борайми?

— Пивонинг додахўжасини ҳозир бориб ичасан. Баварияникидан топиб қўйган.

Пиво баҳонасида чалғиган Сафар аразни унутди. Омонуллонинг тутинган отасиникига боришгач, у «ўзинг кириб чиқавер», деб машинадан тушмади.

Икки табақали эшик қия очиқ эди. Омонулло қўнғироқ чалиб ўтирмай ичкари кирди. Уч оёқли калта нарвон устига чиқиб олиб, гилос тераётган Бобомурод Омонулло овоз бермагунига қадар унинг кириб келганини сезмади. Омонулло ана шундан ажабланди. Табиатан сезгир бўлган Бобомурод ичкари уйда ўтирса ҳам кўча эшиги очилганини биларди.

Тутинган ўғлининг овозини эшитиши билан гилосга узатган қўлини тушириб, пастга қаради. Омонулло унинг қарашида ҳам сустлик сезиб «қарияптилар», деб кўнглидан ўтказди. Отасининг ҳолатидаги ўзгариш сабабини

кейинроқ билди, Омонулло сўрамаса ҳам Бобомуроднинг ўзи айтди:

— Опангнинг мазаси қочиб қолди, эрталаб касалхонага ташлаб келганман. Ҳозир яна кетаман. Кечаси ёнида бўлишим керак. Ҳарна далда-да.

— Сафар оғайнимнинг машинасидамиз. Кузатиб қўямиз, — деди Омонулло.

— Э, йўқ, ҳали овқат қилишим керак. Вақтинг бўлса, эрталаб хабар ол.

Бобомурод «опанг» деб атаган аёл Омонуллога етти ёт бегона эди. Охирги марта қамоқдан чиқиб қайтаётган Бобомурод Пенза бекатида ғарибгина кийинган, сочлари тўзиб, кўзлари киртайган аёлни кўриб, эътиборсиз ўтиб кета олмади. «Русларга ўхшамайди-ку бу аёл», деган ўй билан қараганида вагонларга тикилиб, киприк қоқмай турган аёл бехосдан гапириб қолди:

— Биз уч киши эдик: Валя Наманганская, Гуля ва мен. Тўғри, ўғирлик қилмаслик керак эди...

Аёлнинг ўзбекчалаб гапириб қолиши Бобомуродни тўхтатди.

— Синглим, сизга нима бўлди? — деб сўради.

Аёл унинг гапларини эшитмади, ҳолатини ўзгартирмай, киприк қоқмаган ҳолда яна ўша гапини такрорлади:

— Биз уч киши эдик...

Бобомурод яна қайта сўради. Аёл ўзгаришсиз ўтираверди.

«Ўтириб чиққанга ўхшайди, — деб ўйлади Бобомурод. — Бошига уришган бўлса, эси оғиб қолганми...»

Бобомурод нима қилишини билмай турганида милиция майори унга яқинлашиб ҳужжатларини кўрсатишни сўради. Ҳужжатларни синчиклаб текширгач, қайтаришга шошилмай, Бобомуродга синовчан боқди-да:

— Ҳамюртинг, шекилли? — деб сўради.

— Шунақага ўхшайди, — деди Бобомурод.

— Ҳамкасбинг бўлиши ҳам мумкин, — деди майор.

— Ҳа, шунақага ўхшайди.

— Бу ҳам қамоқдан чиққан. Икки-уч кундан бери шу ерда. Жиннихонага бериб юборсаммикин, деб турувдим. Агар одамгарчилик қилиш қўлингдан келса, ўзинг билан олиб кет. Юртида қариндошлари бордир. Жиннининг миллати бўлмайдику-я, аммо хор бўлиб ўлиши яхши эмас.

Бобомурод милиция ходимларини ёқтирмас эди, дейилса жуда юмшоқ қилиб айтилган бўлади. Ўн тўрт ёшидан бери тўрт марта қамоқ лагерларининг тузини тотган одамнинг нафратини ҳеч нима билан ўлчаб бўлмайди. Шундай бўлса-да, майорнинг ҳозирги гаплари кўнглига ёқди. «Наҳот сенда туйғу бўлса?» деган маънода унга қараб олди-да:

— Бир амаллаб олиб кетаман, — деди.

— Сен бу ўтиришига қарама, салдан кейин ўзига келади, — майор шундай деб ҳужжатларни қайтариб берди-да, нари кетди.

Аёл киприкларини пирпирата бошлагач, Бобомурод:

— Синглим, Тошкентга кетяпман, бирга кетайлик, — деди.

Аёл унга ялт этиб қаради-да, яқин меҳрибонини кўрган одамдай суюниб, жилмайди:

— Мен уйимга кетаман! — деб кафти билан бурнини артди.

Бобомурод ёши ўттизга етмаган, кўринишидан эса эллликларни қоралаган аёлнинг феъли, табиати қандай эканини йўл-йўлакай билиб олди. Аёл милиционерни кўрса қалқиб кетарди, жиноятдан ёки қамоқдан сўз очилса, лаблари ошкора титрарди. Бобомурод шу сабабли манзилга келгунича ҳам бу мавзуда сўз очмади. Аёл турар жойини унутган эди. Бобомурод ҳужжатига қараб уни қишлоғига бошлаб борди. Аёл туғилиб ўсган уй остонасига етишганда ҳали шом намозига азон чақирилмаган эди. Бобомурод эшикни тақиллатгач, қирқ ёшлардаги одам чиқиб аёлни кўрди-ю, остона ҳатлаган ерида туриб қолди. Аёл ҳам унга қараб киприкларини пирпиратганича тек қотди.

— Сен кимсан, эримисан ё шеригимисан? — деди уй эгаси дабдурустдан.

— Эри ҳам эмасман, шериги ҳам эмасман. Йўлда учратиб қолиб, қоғозларига қараб бошлаб келяпман. Ўзинг кимсан?

— Ҳеч кими.

— Ҳеч кими? Танимайсанми бу аёлни?

— Танийман... — деди уй эгаси мужмал оҳангда,— мен... акаси эдим.

— Акаси эдим? Энди-чи, акаси эмасмисан?

— Ота-онам оқ қилишган, мен ҳам оқ қилганман.

— Нега оқ қиласан?

— Ишинг бўлмасин, бу иқиртни олу жўна бу ердан. Иснодга қолдирма бизларни. — У шундай деб ўгирилмоқчи бўлганида Бобомурод гирибонидан олди-да, қорнига мушт урди:

— Менга қара, ҳей ҳаром! Синглингни Пензада кўриб қолиб, етаклаб келдим. Ўша ерда бир ўрис, ўрис бўлганда ҳам бир мент синглингга раҳм қилди. Бу ерларда хор бўлиб ўлиб кетмасин, деди. Сен нима деяпсан? Мен тўрт марта ўтириб чиққан одамман. Бешинчисида нима учун ўтираркинман, деб юрувдим. Сенинг қонингни ичиб ўтираман, шекилли? Қани, жонингни суғуриб олмасимдан айт-чи, нима учун оқ қилгансан?

— Шаҳарда ўқияпман, деб ўғриларга қўшилиб кетибди. Бизларни номусга қўйди.

— Сенда ҳали номус ҳам борми, ҳаром! Касал синглингни оқ қилдим деб, кўчага ҳайдаб қўйиб, яна номусдан гапирасанми! Ота-онанг қани?

— Ўлиб кетишди.

— Қовурғангнинг орасига панжамни тиқиб юрагингни суғуриб олгим келяпти. Лекин шу синглингнинг ҳурмати учун ҳозирча тирик қоласан. Сени йўқлаб алоҳида келаман. Номус нима, инсоф нима, виждон нима — гаплашиб оламиз. Ҳозир эса, ҳамма қўшниларингни чақир.

Ака аввалига кўнмади, бироқ юмшоқ ерига уч-тўрт тепки тушгач, буйруқни бажарди. Айрим қўшни аёллар тошдек қотиб турган аёл билан кўришмоқчи бўлишди.

Баъзилари эса, остоналаридан узоқлашмай чўчиган ҳолда қараб тураверишди.

— Қўшнилар, билиб олинглар: мана бу ҳаром одам ака экан. Бу ифлос одам синглисини оқ қилганмиш. Қамалган қизлар оқ қилинса, кўчаларда хор бўлиб ўлсин, деган қонун борми ўзи? Қаранглар, синглиси касал. Шу аёлга бир ўриснинг раҳми келди, акасининг эса раҳми келмайди. Энди мен шу аёлнинг номидан гапираман: у акасини оқ қилди, билиб қўйинглар! Энди мен унга ака, у менга сингил! Омин! Фотиҳа беринглар!

Биров фотиҳа қилган бўлди, биров қимир этмади.

— Биз уч киши эдик: Валя Наманганская, Гуля ва мен. Тўғри, ўғрилик қилмаслик керак эди...

Аёл бу гапни аввал секинроқ айтди, сўнг баланд овозда қайтарди-да, қаҳ-қаҳ отиб кулди, кулаверди...

Бобомурод ҳайрон бўлди: шу пайтгача аёл кулмаган эди.

Қўшнилар бирин-сирин уйларига даф бўлдилар. Аканинг ҳам қораси ўчди. Бир пиёла чойга таклиф этувчи инсоф эгаси топилмади.

Қишлоқдан чиқишганда қош қорайган эди. Бобомурод бирон хонадон эшигини тақиллатиб бошпана сўрашни истамади. Ўз майлига қўйиб берилган кекса тулпор каби йўлнинг ўртасидан аста юриб бораверди. Аёл икки қадам орқада, унга мутелик билан эргашган эди. Бобомурод кўп зулм кўрган — зулм ҳам қилган, оқибатсизлик тузини тотган — ўзи ҳам оқибатсизлик заҳрини бошқаларга ялатган, оз бўлса-да, меҳр шаробидан лаззат олган — оз бўлса-да, бошқаларга ҳам илинган, инсоннинг ҳайвондан ҳам тубанроқ тарзда хорланиши мумкинлигини кўрган, вақти келса, бошқаларга ҳам кўрсатиб қўйган одам эди. Аммо бугунгидай ҳолатни учратиш нима экан, эшитмаган, ҳатто хаёлига ҳам келтирмаган эди.

У ҳам, изидан келаётган маъсума ҳам, Бобомуродга фотиҳа берганлар ҳам, бермаганлар ҳам Аллоҳни танишмас эди. Бунинг учун уларга айб жандасини кийдирмоқ ноинсофлик бўлар. Туғилганларидан то айни дамга қадар

бирон бир имон эгаси Яратган тангрини танишга даъват этмади. Яхшилик билан яшаганларга жаннат эшиклари очилажагию, ёмонлик қилганларга бу дунёдаги қамоқдан ташқари дўзах азоблари борлигини ҳеч ким айтмади, тушунтирмади. Уларнинг ҳар бирлари инсоф, виждон, иймон, меҳр-оқибат тушунчаларини ўзларича англашарди. Бу дунё синовли дунё эканини, ҳар бир ҳаракат, ҳар бир сўз имтиҳон тарозисида тортилажагини ўйлаб кўришмаган эдi. Айни дамда зўр бир имтиҳон содир бўлаётганидан ҳам бу ғофил бандалар бехабар эдилар.

Қўшнилар уй-уйларига киргач, содир бўлган воқеани ўзларича муҳокама этиб, ўзларича баҳолар эдилар:

— Худо ёмон урибди, бечорани. Ота-онанинг қарғиши ёмон-да.

— Худо жазолабди...

— Жазосини берибди...

Алҳол, Тангрининг жазосига учраган ким? Аёлми, акасими ё шу қўшниларми? Валлоҳи аълам, биссавоб...

Йўлда бораётган Бобомурод буларни ўйламайди. Руҳоний масалалар, руҳоний ҳукмлардан узоқ бўлган бу одамнинг ўз дунёси, ўз ўлчамлари, ўз ҳукми, ниҳоят... ҳукмнинг ижроси бор. У «Худога солдим», «Бир кунмас бир кун уларни Худо уради» ёки «Худойим, ўзинг жазоларини бер», деб ўтирмайди. Масалани ўзича осонгина ҳал этади: ўзи ҳукм чиқариб, ўзи ижро этиб қўя қолади. Ҳозир ҳам шарт изига қайтгиси, аканинг юрагини суғуриб олгиси, бу бемеҳр юракни итларга ташлагиси келди. Жуда-жуда истади шундай қилишни. Бироқ, оғир-оғир қадам ташлаб келаётган чорасиз аёлнинг қисматини ўйлаб, ўзини босди. Ҳозир қайтиб акани чертса ҳам қамалиб қолиши оқибатида аёл кўчада хорланиши ёки жиннихонада азоб чекиб ётиши мумкинлигини у биларди.

Туни билан юриш фойдасизлигини англаб, ташландиқ шийпон яқинида тўхтади. Бир оз ўйланиб тургач, шийпонга қараб юрди. Хас-хашакларни оёғи билан сидириб тозалаган бўлди-да, ўтирди. Аёл Бобомуродга яқин

келишдан қўрққандек шийпон ёнида тураверди. Бобомурод аввалига индамади. Сўнг:

— Ўтир, — деб қўйди.

Аёл таклифни эшитмагандек тек тураверди.

— Ўтир, синглим, — деди Бобомурод юмшоқроқ оҳангда. — Эрталабгача дам оламиз шу ерда.

Аёл гўё шийпонни қимирлатиб юбормай дебми, эҳтиётлик билан қадам босиб чиқди-да, нарироққа бориб чўнқайди.

— Энди мен акангман. Энди сен хор бўлмайсан. Сен улардан ранжима. Улар ўғрини одам ўрнида кўришмайди. Мен эса, уларнинг ўзларини одам қаторига қўшмайман.

— Мен ўғри эмасман!

Секингина айтилган бу сўз аслида қалбнинг портлашидан ҳосил бўлган нидо эди. Бу учтагина сўз кўп йиллик ғам-андуҳлар занжирини узиб тилга чиққан эди. Бу гапни уйи олдида акасига айтмоқчи эди. «Барибир ишонмайди», деб айтмади. Янги акасига айтди. Қонсиз лаблардан учган бу сўзларни Бобомурод эшитди.

— Ўғри эмаслигини бир қарашимдаёқ билганман, — деди у. — Ўғри бўлганингда сени етаклаб юрмас эдим, ўзингни ўзинг эплардинг. Сендан яширмайман: мен ўғриман. Тўғрироғи, ўғри эдим. Қамоқда онт ичдим: бу ҳунарни ташлайман. Менинг бир ўғлим бор, шу юришим бўлса, уни бахтсиз қилиб қўяман. У яхши бола... энди у сенинг жиянинг. Сен ҳали ёшсан, синглим, ҳадеб сиқилаверма. Сиқилган билан биров сенга раҳм қилмайди. Ундан кўра мазза қилиб яшайвергину одамларнинг гапларига ҳам, қилиқларига ҳам эътибор берма. Ўйлаб кўр-чи, сени ўғри деганларнинг ўзлари тозамикан? Агар тозаси шунақа бўлса, наҳс босгани қанақа бўларкин? Биз энди бир-бировимизга суяниб яшаймиз. Бу ҳам катта бир бахт. Дунёда суянчиғи йўқ якка мохов одамлар тиқилиб ётибди.

Бобомурод шу гапларни айтиб анча енгил тортди. Аёл эса унга жавоб қайтармади.

Қоронғи осмонга юлдузлар тошиб, само ҳуснини безади. Бобомурод жағини тиззасига тираб бу муъжизага боқ-

ди. Юлдузлар — сайёраларми ё катта-кичик самовий жисмларми — у билмайди. Унга маълуми — юлдуз учгани кимнингдир жон узилганидан нишона. Ҳали ўзини тутолмай, акани ўлдириб қўйса ҳозир битта юлдуз учган бўлармиди... «Наҳотки ҳамманинг жони шу юлдузларда бўлса, — деб ўйлади у. — Наҳотки ифлос одамларнинг ҳам жони шундай беғубор, шундай покиза осмонда бўлса. Бунақа одамларнинг жони ҳожатхонага ташланса, ҳожатхона ҳам булғанади... Йў-ўқ, юлдузлар одамларнинг :кони эмасдир. Балки... шу аёлга ўхшаб хўрланганларнинг кўзларидаги ёш осмонга учиб, юлдузларга айлангандир... Қизиқ... бу нима учун йиғламайди? Шунча гапдан кейин ҳам йиғламади. Йиғласа бўларди, енгил тортарди...»

— Синглим, сен мендан тортинма, йиғлагинг келаётган бўлса йиғлайвер. Эркак бўлсам ҳам баъзан йиғлагим келади...

Аёл жавоб бермади.

Тун яримлаганда Бобомуроднинг уйқуси келди. Тиззасига бош қўйганича мизғиди. Беш-ўн дақиқадан сўнг чўчиб уйғонди-да, «кетиб қолмадимикан?» деган хавотирда аёл томон қаради. Аёл тошдек қотиб ўтирарди. Бобомурод бир неча марта мизғиди. Ҳар сафар чўчиб уйғониб, хавотирланган тарзда аёл томон қararди.

Тонгни шу зайлда қарши олдилар...

Ўшандан бери аёл шу уйда яшайди. Омонулло уни дастлаб кўрганида «Отам у ёқларда уйланибди-да», деб ўйлади. Сўнг бошқа-бошқа хоналарда ётишларини билиб, муомалаларида эр-хотинлик меҳри йўқлигини сезиб, ажабланди. Отасидан «Ким бу?» деб сўрамади. Бобомурод эса «Синглим», деб гапни қисқа қилиб қўя қолди. Аёлнинг «Биз уч киши эдик...» деган гапларини эшитгач, қанақа сингил эканини ўзича тахмин этди. Тахмин нотўғри эканини кейинроқ билди. Бир куни Бобомурод унинг тилига чиқаролмай юрган барча саволларига бира тўла жавоб берди:

— Мен ҳаммасини аниқладим: бу қиз бир номарднинг қўлига тушиб қолган. Бир ўғирликни шу бечоранинг

бўйнига қўйиб юборишган. Туҳмат билан кетган. Ҳаммасини аниқладим, ҳаммаси ҳал бўлди.

Омонулло:

— Нима ҳал бўлди? — деб сўраганида, Бобомурод:

— Туҳмат қилганлар жазоларини олдилар. Бу пок аёл, истасанг «амма» дегин, истасанг «опа», — деган эди.

Омонулло отасининг кўнглига қараб «опа» деди. Аёлни ҳар кўрганида унга ачинарди. Кейинчалик аёлнинг ранг-рўйи яхши томонга ўзгарди. Чеҳрасида ёқимли нур ҳам пайдо бўлди. Лекин «Биз уч киши эдик...» бошлганида бетлари бирдан қорайиб, кўзларидан нур қочиб хунук ҳолатга келиб қолар эди.

Бу аёлнинг келганига ўн икки-ўн уч йил бўлдими ё ундан ошдими, Омонулло аниқ эслолмайди. Қамоқдалигида «Ўғлим, бундан бу ёғига фақат сен билан бирга бўламан», деб хатлар йўллаган одам аёлнинг атрофида парвона бўлишдан ортмай қолди. Аёл кўп гапирмасди, овоз чиқариб кулмасди. Бир нарсадан хурсанд бўлса салгина жилмайиб қўярди, холос. У жилмайганида Бобомуроднинг назарида бутун олам чароғонлашиб кетарди. Тундлашса, унинг юраги сиқилиб кетарди. Шундай пайтларда баъзан «Ҳой, гапирсанг-чи, соқов эмассан-ку, ахир!» деб койиб ҳам берарди. Шунда аёл заифгина жилмайиш ҳадя этиб, унинг кўнглидагини равшанлантирмоқчи бўларди.

Омонулло отасининг бугунги кайфиятидан сездики, аёлнинг касали шунчаки ўткинчи хасталик эмас. Шу боис Омонулло «Отамга далда бўлар», деб бир оз гаплашиб ўтирмоқчи эди, Бобомурод унамади. «Ўртоғи билан келган бўлса, ҳойнаҳой бирон ёққа кетишаётгандир», деган хаёлда «Менга халақит берасан», деб кузатди.

Қайнонасиникига Сафар ҳам кириб, бир-икки пиёла чой ичишгач, изларига қайтишди.

— Хафа бўлмагин-у оғайни, опангни кўрсам юрагим сиқилиб кетади, — деди Сафар машинага ўтиргач.

Омонулло унга бир қаради-ю, индамади. Сафарнинг бу аёлга ачинганидан эмас, иргангани учун кирмаганини биларди.

Аёл бу уйда пайдо бўлганида шу атрофда яшовчиларнинг айримлари ундан ҳайиқишди, баъзилари эса ирганишди. Шу кўчада, шу уйда туғилиб униб-ўсган Бобомуроддан барча ҳайиқарди. Қамоқдан қутулиб келиб, кейин яна қамалиб кетгунига қадар биров унга юрак ютиб тик қарай олмасди. Бобомурод бу маҳаллада бировнинг чўпини олмаган, бировни чертмаган, бировни сўкмаган бўлса-да, «ўғри» деган ном билан юргани учуноқ ҳамма ҳайиқарди. Аёлдан ҳайиқишларига сабаб ҳам айнан шу эди. Аёл кўчага кам чиқарди. Чиққан маҳалида ўзига хавотир билан қараб турганларини сезса, жилмайишга ҳаракат қиларди. Ирганаётганларини сезса, юзини тескари буриб оларди. Бир йили Омонулло Сафар билан кирганида опаси касаллик хуружидан энди ҳоли бўлиб турган пайти экан. Эси ўзига қайтгани билан рангидаги тундлик тарқамаган, паришон сочларини тарашга ҳали улгурмаган экан. Ўшанда аёл Сафарнинг қарашиданоқ унинг ирганаётганини сезди. Улар уйга кириб ўтиришгач, хонасига ўтиб ўзига оро берди. Сўнг дастурхон тузади. Чой қуйиб аввал Бобомуродга, кейин Омонуллога узатди-да «ўртоғингизга» деб пичирлаб қўйди. Омонулло шундан сўнг Сафарнинг ирганганини ҳам фаҳмлади, опасининг одатини ҳам билди.

Ўшандан бери анча йиллар ўтди. Сафар билан яна бир неча марта келди. Ўшандан бери Сафар остонага қадар келади-ю, ичкари кирмайди. Ҳар гал «юраги сиқилиб кетишини» айтади. Сафар қанчалик яхши дўст ҳисобланмасин, мана шу каби одатлари, кибрга бандалиги Омонуллога ёқмайди. Баъзилар дўст танлаш имкониятига эга бўладилар. Баъзилар эса борига шукр қилиб юрадилар. Омонулло ана шу иккинчи тоифага мансуб. Болалар уйида орттирган дўстлари турли томонларга тарқаб кетишди. Иккитаси хасталик туфайли, учтаси эса жиноятчиларга қўшилиб қолиб бу дунёни тарк этди. Институтдагилар ҳам турли шаҳарларда ишлашади. Бирининг бўш вақти иккинчисига тўғри келмагани учун ҳам кам учрашиша-

ди. Ойда бир учрашиб турадигани — шу синфдошлари. Худо унга синфдошларни танлаб-танлаб берган. Кибрли, худбин, дарди мол-дунё бўлган болаларнинг бир синфга қандай жамланиб қолганини Яратган билмаса, бандаси билолмайди.

Буларнинг ичида хокисори ана шу Омонулло эди. Болалик чоғлари синфдошлар уни ошкора тарзда менсишмасди. Булар орасида фақат Сафаргина меҳрибон эди унга. Ота-онаси ҳам Омонулло киргудай бўлса, кўкрагидан итармай, ўғлининг суюмли меҳмони сифатида иззат қилишарди. Мактабни битиргач, беш-олти йилмикан, синфдошлари билан деярли кўришмади. Милицияда ишлай бошлагач, улардан бирининг иши тушди-ю, «гап» деб аталмиш зиёфатга чорланадиган бўлди. Ўшандан бери ҳар ойнинг иккинчи пайшанбасида улар билан «гап ейди». Гарчи улар билан мактабда бирга ўқиган бўлса-да, ўзининг бу даврага бегоналигини ҳис қилиб туради. Уларнинг яшаш тарзлари, дунёқарашлари, фикрларини ҳазм қила олмайди. Айниқса, кейинги пайтларда ўзини тортишга баҳона қидирадиган бўлиб қолган. Даврада ҳолаҳвол сўрашаётганида «бола-чақалар омонми?» дейилганида унинг юраги увишадиган одат чиқарган. Ўртоқлари унга «хотининг нега туғмаяпти?» деб дашном беришмаса ҳам, шу савол кўндаланг тургандай ўнғайсизланаверади. Айримлар беихтиёр равишда, саволни кимга бераётганини, оқибати нима бўлишини ўйлаб кўрмаган тарзда «бола-чақалар қалай?» дейишганда Омонуллонинг юрагидан бир томир узилгандай бўлаверади.

Ҳозир Омонулло руҳини темир исканжага олувчи давра сари борарди. Сафар ўзи келмай, телефонда эслатганида бормасликнинг чорасини топарди. Отасиникига келгунича дўстига қитмирлик қилиб, кўнглини хушламоқчи эди. Сафарнинг «юраги сиқилганини» эшитиб ўзининг ҳам кўнгли хуфтон пардасига ўрала бошлади. Тумтайиб олмаса-да, гапиргиси келмади. Сафар унга қараб-қараб қўйиб:

— Мендан хафа бўлдингми? — деди узрли оҳангда.

— Сен хафа бўлишга арзийдиган одаммассан, — деди Омонулло зардали пичинг билан.

— Хўп, ҳисоб — биру-бир. Аразлаган — ўғри, — Сафар шундай деб кафтини узатди. Омонулло руҳсиз ҳолда шапати уриб қўйди-да:

— Опам касал эканлар, — деди. — Эрталаб кириб ўтамиз.

— Бўпти, — деди Сафар жонланиб. — Зўр кабобнинг ўғил боласи мендан.

— Кабоб емасалар керак. Реанимацияда эканлар.

— Ўзлари емасалар дўхтирлар ейишади. Дўхтирларнинг томоғини ёғлаб турсанг, яхшироқ қарашади. Ўзингдан ибрат олмайсанми? Дўхтир нимаю милиса нима? Милисани мойламасанг — қамоққа жўнатади, дўхтирни мойламасанг, ундан ҳам баттар — нариги дунёга жўнатади. — Айтган гапи Сафарнинг ўзига хуш ёқиб, ҳузурланиб кулди. — Гапим ёқмаса ҳам, кўнгил учун салгина тиржайиб қўй, ҳей «кайфитанг».

Йўлнинг қолган қисми Сафарнинг мазали-мазасиз, ёқимли-ёқимсиз ҳазиллари билан босиб ўтилди. «Гап» деб аталмиш зиёфатга барвақтроқ бориб қолишган экан, Сафар мақтаган пивонинг «додахўжаси»ни ичиб роҳатланиб ўтиришди. Уй эгаси пайтдан фойдаланиб, ўзини қизиқтирган сиёсий масалаларни ойдинлаштириш мақсадида Омонуллони гапга солди:

— «Время»ни кўрдингми, Берлин деворларини йиқитишибди-я! — деди ажаблангансимон. — Мен бултур борувдим ўша ерга. Зўр дўконлари бор эди. Улар ҳам кетганмикан?

Омонулло дарров жавоб бермади. Пивони симириб унга қараб олди. Берлин деворларининг йиқилишидан, ярим асрдан зиёдроқ айри-айри яшаган халқнинг қўшилишидан дунё нима ташвишда-ю, нима қувончда? Бунинг ғами эса деворга яқин ердаги майда дўконларда.

— Деворни нимага бузишяпти, биласанми ўзинг?— деди Омонулло ғашланган тарзда.

— Гишт-пишти керак бўлиб қолгандир ё пахса девор эканми? — деди Сафар қитмирлик билан.

— Сен жим тур, — деди уй эгаси уни жеркиб, кейин Омонуллога қараб елка қисди: — шунга ҳайронман. Туппа-тузук баланд деворлар эди.

— Каллани ишлат: ўша ерда кўрган дўконларинг кичиклик қилиб қолибди. Деворни бузиб ўрнига катта дўконлар қуришади. Иккита эшиги бўлади. Бир томондан ғарбий берлинликлар киради, иккинчисидан шарқликлар.

— Гапни ҳам эзворасан-да, а? Вей, милиса бўлмасам ҳам у-буга ақлим етади. Ғарбий Берлинни узоқдан бўлса ҳам кўрганман. У ёқда зўр «импортний» моллар бўларкан. Ана энди борадиган бўлди Берлинга.

Улфатлар бирин-сирин келишиб, «Берлин девори» масаласи сурилди. Бунинг ўрнига «беш юз кун» деб ном олган иқтисодий режа муҳокама қилиниб, бу режа эски шаҳардаги гўшт бозори талабларига жавоб беролмагани учун инкор этилгач, сомсаларни еб, шўрваларни ичишди-ю:

— Қани, кўмирхонага ўтдик,— деган таклиф билан дастурхондан пича узоқлашиб, уй бурчагида давра қуришди.

«Кўмирхона» — қимор ўйналадиган жой. Бир-бирига аҳил, бир-биридан жонини аямайдиган дўстлар беш-ўн тийин тикишдан бошлаб сўмларга ўтадилар. «Кўмирхона»да фаолият бошламай туриб бир-бирларининг ҳатто неча юз сўмлик қарзларидан кечиб юборадиган мард, меҳрибонлар қиморда ўн-йигирма тийин устида сўкишиб, ёқа бўғишиб кетадилар. «Гап»га кечикиброқ келган дўстларига «қалай, яхшимисан?» деб, ўтирган ерларида қўл узатиб қўя қоладилар. «Бола-чақа яхшими?» деб ҳол-аҳвол сўрашга фурсатлари ҳам, фаросатлари ҳам етмайди. Омонулло қартага уста бўлгани учун «кўмирхона»дан умрбод бадарға қилинган. Қайсидир йили Омонулло Москвага борганида тўртта бир хил кўринишдаги қарта тўплами олиб келиб, ҳар бир тўпламдаги «туз»ларни аралаштириб ташлади. Ўттиз олтита қартада тўртта ўрнига

ўн олтита «туз» мавжудлигини «кўмирхона»дагилар кейинроқ билиб қолишди. Мана шу ҳазил баҳона бўлиб Омонулло жазоланди — ўйиндан тамоман четлаштирилди. У ҳатто бировга маслаҳат бериш ҳуқуқидан ҳам маҳрум эди.

Омонулло, ўйин қизимай туриб, Сафар билан эрталаб учрашишни келишиб олди. Ўйин «сен ғирром қилиб ютяпсан», дейдиган даражага етганда секингина туриб, чиқиб кетди.

ФИТНА

(Қотилликдан аввалроқ содир бўлган воқеа)

Омонулло Берлин деворлари қисмати ҳақида пичинг сўзларни айтаётгандан, ўртоқлари эса беш юз кунга мўлжалланган иқтисодий режани инкор қилиб ўтиришгандан анча илгари, тунда, қамоқ лагерида бир фитнага тайёргарлик бошланган эди.

Нуриддин ўша куни уйидан мактуб олиб аввал қувонди, кейин кўнгли чўкди. Мактубда дилга оғир ботувчи сатрлар йўқ эди. Қишлоқдаги ҳамманинг сиҳат-саломатлиги ҳақида ёзилиб, охирида «ўртоғинг Шердор уйланяпти», деган хушхабар айтилганди. Нуриддиннинг назарида шу хушхабар ботининда онасининг армонлари яширингандай бўлди. Ҳарбийга кетаётган пайтида онасининг маъюс узори яна кўз олдида гавдаланди. Нуриддинни саккизинчи синфдан сўнг ўқитишга қўллари калталик қилди. Ҳарбийдан олиб қолишга эса ундан-да калталик қилди. Шунда ҳам ношукр бўлмай, умид билан кузатган эди. «Бирортасини хушлаб қолган бўлсанг айтиб кет, унаштириб қўяй, келишинг билан, Худо хоҳласа, тўй қиламиз», — деган эди. Нуриддиннинг хушлагани бор бўлса-да, онасига дадил айтишга журъати йўқ эди. Ўртоқлари бирин-сирин уйланяпти. Ҳар бирининг тўйида онасининг яраси янгиланади. Нуриддин онасининг шу ҳолатини кўз олдига келтириб, эзилди. Барча уйқуга кетганида ҳам у мижжа қоқмай ётди. Тун яримлаганда миз-

ғигандай бўлди. Туш ҳам кўрди, шекилли... Бироқ, бу тушми эди ё рўёми, фарқлай олмади. Назарида кўзлари очиқ эди. Дарбадар тўсатдан пайдо бўлмади, барак эшигини очиб кирди-да, тахталарни ғижирлатиб юриб келиб, унинг рўпарасида тўхтади. Ҳа, тахталарнинг ғижирлаганини аниқ эшитди.

— Ҳа, той бола, уйқу келмаяптими?

Нуриддин ажабланди: уни кичиклигида «той бола», деб эркалашганини Дарбадар қайдан билди экан?

— Сен бунда бедорсан, юртда эса барча ғафлат уйқусидадир. Озодлик истовчи қалблар муҳрлангандир. Қалбларнинг қулликка мойил эканини билурмисан, бўтам? Уйғониш фурсати келганини англаюрмисан, бўтам? Юрак қонлари ила Ватан боғин обод қилмоқни фаҳм этмасмисан, бўтам?

Дарбадар саволлар берди-ю, нечундир жавоб кутмади. Балки Нуриддиннинг бу саволларга жавоб қайтармоғига ақли қосир эканини билдими экан? У тахталарни ғижирлатиб юриб келган эди, турган ерида тутунга айландию шипга кўтарилиб кўздан йўқолди. Нуриддин бу сир-синоатни тушунолмай гаранг бўлиб ётганида маҳкумлардан бири унга яқинлашиб, елкасидан аста туртди-да, «Ташқарига чиқ, кутишяпти», деб тезгина изига қайтди. Нуриддин бу ерда «Ким чақиряпти, нима учун?» деган савол берилмаслигини билгани сабабли индамади. Бу ерларда чақирилдингми, бас, чиқишга мажбурсан. Яхшилик билан чақирилган бўлсанг, яхшилик билан қайтасан, тонгни ўз ўрнингда қаршилайсан. Ёмонлик қасдида чорланган бўлсанг, тўшагинг етим қолади.

Нуриддин бир неча дақиқа ҳаракатсиз ётгач, қаддини кўтарди. Баракдан сал нарида, майдон чеккасидаги дарахтга суяниб сигарет тутатаётган Тенгизни таниб, хавотирсиз равишда ўша томон юрди.

— Ҳа, Ҳамзат, — деди Тенгиз унинг саломига алик олиб, — уйқунгни ҳаром қилдимми?

— Йўқ, уйқум келмай ётувдим, — деди Нуриддин.

— Одамнинг кўнгли сезгир бўлади, ёмонликни тез пайқайди.

— Ёмонликни? Қанақа ёмонликни?

— Бу ёққа юр, — Тенгиз шундай деб уни баракнинг чироқ нури тушмайдиган қоронғу томонига бошлади. — Бир фитна тайёрланяпти. Ёмонликни бизнинг қўлимиз билан амалга оширишмоқчи.

— Бировни ўлдириш керакми?

— Бировни ўлдириш учун бош қотириб фитна ясаш шарт эмас. Бир жанжалнинг уясини кавлаб беришимиз керак.

— «Биз» деганингиз ким?

— Сен, мен, менинг атрофимдагилар, яна беш-олтита аҳмоқ. Бир-икки кун ичида Янис амакингга ўхшаб Болтиқ бўйларидан келганлар ёппасига дўппосланиши керак. Улар ҳам калтак ейишлари керак, ҳам жанжал бошлаган, деган айбни бўйинларига олишлари шарт. Балки биз томондан одамлар яраланар, балки ўлар. Менга аниқ айтишмаган бўлса ҳам кўнглим шуни сезиб турибди. Агар кўнглим алдамаса, одам ўлдирилса, энг аввалида Янис амакинг кетади.

Тенгиз «Янис амакинг» деб айтаётган одам билан Нуриддин кўпинча бирга ишларди. Турсуналидан безиб, узоқлашган пайтда унга шу мулойим одам билан шерик бўлиб ишлаш маъқул келиб қолган эди. Ёши олтмишдан ошиб, кучдан қолган, баъзан хасталик хуруж қилганда азоб чекувчи бу одам ўзини меҳнатдан олиб қочмасди. Имкони борича ўз вазифасини бажаришга интиларди. Нуриддин кўмаклашмоқчи бўлганида «Ҳар ким ўз аравасини ўзи тортиши керак», деб унамас эди. Ана шу беозор одам нима гуноҳ қилибдики, уни дўппослашса, сўнг эса «қотил» деган туҳмат билан айблашса...

— Гапимга тушунмадинг-а? — деди Тенгиз. — Сен жуда хомсан, бола. Ҳа, хомсан! Янис амакинг нима учун қамалган, биласанми?

— Ҳа, ишхонасида электр чойнакдан ўт чиққан экан...

— Бу бир баҳона, Ҳамзат. Янис амакинг аслида сиёсий маҳкум. Лекин бизнинг «эркин ва улуғ» Советлар мамлакатидан сиёсий қарашлар учун қамаш мумкин эмас. Унинг тажрибахонасига ўт қўйиб, туҳмат билан қамашган. Аслида у зўр физик олим бўлган. Ватанини руслар босиб олганини очиқ айтган, халқини озодлик юришига даъват этган. Мана, сенинг ҳам, менинг ҳам юртимни руслар босиб олишган. Биз шуни очиқ айта оламизми? Йўқ. Майли, мен бир ўғриман, бунақа гапларга ақлим етмас. Сен ҳам ғўрсан, ёшсан, илми йўқ бир қовоқ калласан. Сени ҳам айблаб бўлмайди. Лекин олимман, зўрман, деб керилиб юрганларимиз айтишадими? Ё халқига юзланиб, турларинг, озодлик учун курашларинг, дейдими? Шунинг учун ҳам Янис амакингни ҳурмат қиламан. Ҳозир Москвада Янисга ўхшаганлар рус ҳукумати билан теппа-тенг олишадиган бўлиб қолишган. Назаримда улар сиёсий маҳкумларини озод этишни талаб қилишяпти. Бу ҳукуматни чақаётган энг муҳим нарса — улар Совет Иттифоқидан ажралиб чиқай деб туришибди. Москва энди уларни ширин ёлғонлари билан ушлаб туролмайди. Фитнасиз иш битириши қийин. Шунинг учун ҳамма ерда ҳар турли фитналар кўтаришга буйруқ келганга ўхшайди. Бу ердаги фитна бизнинг қўлимиз билан бўлади.

— Кўнмасак-чи? Ур, деса ураверамизми? Ўғриларнинг ор-номусига тўғри келмайди-ку, бу? Сиз томондан хоинлик бўлмайдими?

— Бу гапларни қўй, Ҳамзат. Ўғрилар ҳеч қачон буларга хизмат қилмаган ва қилмайди ҳам. Гап янисларнинг тақдири устида кетяпти. Уларни урмасак бўлмайди.

— Нега? — Нуриддин ажабланганидан овозини бир парда кўтарганини ўзи ҳам сезмай қолди.

— Бақирма, — деди Тенгиз елкасини муштлаб. — Ақлингни ишлат: биз урмасак, бошқалар ўладиган қилиб уради. Аввал менга топширишди бу ишни. Кейин Кошакни ҳам чақиришди. Унга нима дейишгани номаълум. Агар йўқ, десак пайимизга тушишади. Мен-ку, бундан қўрқмай-

ман, сендан хавотирдаман. Эрта-индин муддати тугайдиган аҳмоқлар билан Кошак ишга киришгудай бўлса, ёмон қилади. Шунинг учун сени чақириб айтишса, ҳақиқат талашма, жиғига тегма. «Яхши бўлди, қўлим қичиб турувди», деб қўя қол. Уруш чиқса сен Янис амакингни урасан. Унга тайинлаб қўй, у бошқаларга айтсин, олишиб, муштлашиб юришмасин, қўлларига ҳатто темир қошиқ ҳам олишмасин. Фақат ўзларини ҳимоя қилишсин, бошлари билан биқинларини эҳтиёт қилишсин. Ўзинг ҳам эҳтиёт бўл. Ола-тасирда Кошакка ўхшаган бир аҳмоқ сенгами ё менгами пичоқ тиқволиши мумкин. Англадингми? Бор, энди ухла.

Шу гаплардан кейин одамнинг уйқуси келар эканми? Нуриддин бир тўп чақиртиканак устида яланғоч ётгандай қийналиб чиқди. Сиёсат бобида онги паст даражада бўлган бу йигит қамоқдаги бир кекса одамнинг Москвадаги ҳукуматга қандай ёмонлик қилиши мумкинлигини билолмай гаранг эди. Ҳар қандай рақиб учун, айниқса сиёсий мухолиф учун одамнинг жисмигина эмас, балки фикри, руҳи ҳам хавфли эканини англаш мартабасига етмаган эди. Буни Дарбадар тушуниши мумкин эди. У йўқлик дунёсида, фикрлари эса муҳожирот тупроқларига сингганича қолди. Фарёдларини тоғу тошлар бағрига ололмади, кўзларидан оққан аламли ёшлардан замин сесканди.

Нуриддин Дарбадар билан Янис тақдирида ўхшашлик топмади. Зоҳиран шундай, у ҳақ эди. Бироқ қалблар яраси икковида бирдай эди. Дарбадар «Оҳ, Ватан!» деб жон берди. Янис ҳам шу қалб фарёди билан бу азобларга йўлиқди. Энди эса яна бир дўзах азобига ҳукм қилиниб турибди.

Нуриддиннинг изидан қараб қолган Тенгиз баракка, ётар жойига кирмади. Қамоқ лагерининг ҳамма учун мажбур бўлган қатъий қоидаларига амал қилмаслик унинг одатий ҳоли эди. Фақат ўзи эмас, балки унинг илтифотига сазовор бўлганлар ҳам бу қоидаларни бузишга ҳақли эдилар. Ана шунинг учун ҳам Нуриддин тунда баракдан,

кундузи эса иш жойидан нари кетса биров танбеҳ бермасди. Тенгизнинг ўзига-ку бу ер номигагина қамоқ эди. У «ўзига хон, ўзига бек» бўлса-да, босар-тусарини билмай қадам босмасди. Қамоқ лагери хожаларига бўйсунмагандай юрса-да, улар томондан тасодифий зарбани кутиб яшарди. Бу оқшом Янисларга уюштирилаётган фитна уни сергак торттирди. Қамоқ лагери бошлиғининг муовини чайналиб, гапни айлантирди. «Юқоридан буйруқ келганини, бажаришга мажбур эканини» афсус билан айтди. Аслида «янисларга ҳеч бир даъвоси йўқлигини» билдириб қўйишни ҳам унутмади.

Тенгиз юқоридан буйруқ келгач, бу бечораларнинг бажаришга маҳкум эканликларини яхши биларди. Шунинг баробаринда «улуғ оғалар»нинг кичикроқ халқлар вакилларига зуғум қилишдан лаззат олишлари ҳам маълум унга. Янисларга қарши фитнани улар афсус билан эмас, билъакс, роҳат билан, бажонидил бажарадилар. Агар бу буйруқ ўзлариникига нисбатан бўлсами, чиндан ҳам афсусда қолишлари муқаррар.

«Бугун — янислар, эртага кимлар? — деб ўйлади Тенгиз, — балки мендирман, балки озарбайжонлар...»

«Тенгиз ўлимдан қўрқмайдиган мард ўғридир», демоқлик таърифнинг кўпигидир. Чунки одамга, ўғрими ё тўғрими, фарқи йўқ — жон ширин! Қамоқдами ё эркинликдами, йигитми ё чолми, фарқсиз ўлароқ, яшагиси келаверади. Қамоқ лагери раҳбариятининг илтимосини қабул қилиши, Нуриддин айтганидек, у учун иснод эди. Ҳалоллик ила мулоҳаза қилинса, Мурик билан унинг орасида фарқ чегараси сезилмас эди. Тенгиз буни билгани учун ҳам, бошқа чораси бўлмагани учун ҳам ўзича эзилди. Бу масалани «политбюро»га қўйган тақдирда ҳам, раҳбариятнинг топшириғини «блаткомитет»нинг маъқуллаши аниқ эди. Улар буни «ҳукуматга хизмат қилиш» эмас, «ўғрилар оламини дахлсиз сақлаб қолиш» деб таърифлаган бўлишарди. Бу шундай ғалати оламки, уни бир қалъа тасаввур этилса, кираверишидаги арк пештоқига «Ҳарна қилсанг қилавер ва ижозатимизсиз

ҳеч нарса қилишинг мумкин эмас», деган шиор ёзиб қўйса ҳам бўларди. Бу олам арки жуда ҳашаматли, фусункор. Бокира қиз каби ўзига чорлайди. Қизнинг ҳуснидан баҳраманд бўламан, кираману чиқаман, деган хуштор одам эса янглишади. Чунки бу бокира кўринишидаги олам эшиги биттагина. Кирмоқ бору, ўз оёқлари билан юриб чиқмоқ йўқ. Ортга фақат тобут ичида қайтилади.

Тенгиз бу ҳақиқатни аввалдан биларди. Бу олам унинг кўзларига бокира бўлиб кўринмаган. У бор фасодларини, мавжуд ботқоғу балчиқларини билгани ҳолда қадам қўйган бу оламга. «Бир бошга — бир ўлим бўлгач, қаерда ва қандай ҳолатда жон беришнинг нима фарқи бор? Энг муҳими — дунёдан кўнглинг талаб қилган даражада лаззатланасан, дунёдан ўзинг истаганча қасос оласан». Тенгиз кашф этган фалсафа мағзи шу эди. Аммо бу «фалсафа»га зид ўлароқ, кўнгил ўтмиш ҳаётини қўмсаб турарди. Шунда у икки кемага икки оёғини қўйгандай ҳис этади ўзини. Бу ҳолатда узоқ суза олмаслигини, ғарқ бўлажагини билади. Билса-да, ҳолатини ўзгартирмоқни истамайди.

Тенгиз кимсасиз майдон четида жунжиккандай қунишиб турди-да, тўртинчи баракка бориб, Кошакни чақиртирди. Кошак майкачан чиқиб, Тенгизга яқинлашгач, оғзини баралла очиб эснади. Димоғидан уфурилган қўланса ҳиддан Тенгиз афтини буриштирди. «Хўжайин бўктириб ичирибди-да», деб ўйлаб ғашланди.

— Нима дейсан, княз? — деди Кошак жунжикиб.

— «Энзе»дан ол, уйқу қочди, — деди Тенгиз ҳам ҳомуза тортиб.

Кошак «менда йўқ», демоқчи бўлди-ю, Тенгизнинг ўткир нигоҳига қарши бора олмай, ичкарига қайтди-да, уч кесим колбаса билан ярми ичилган ароқ шишани кўтариб чиқди. Тенгиз чиндан ҳам ичгиси келаётган одам каби шишани унинг қўлидан тортиб олиб кўтарди. Кошак узатган колбасани олмай «куф» дегач, лабини кафти билан артиб қўйди.

— Кошак, кўнгил Сочини, Ялтани қўмсаяпти. Денгиз... соҳил... жононлар... ресторанлар... — Тенгиз шундай деб яна икки қултум ичди.

Шу турганича ароқни аста-секин ичиб бўшатиш асносида гапни чувалади. Кошак чақирилган заҳотиёқ «Княз хўжайинларнинг гапини сўрайди», деб гумон қилган эди. Бироқ унинг кутгани бўлмади: Тенгиз чақирув сабабини сўрамади. Ароқ кўнгил тафтини босгандай бўлгач, хайрлашиб, ўзи ётадиган баракка қараб кетди.

У Нуриддин каби ухлай олмай қийналмади. Ароқнинг қуввати аллалагандай бўлиб, киприкларига уйқу қўна қолди.

Нуриддин эртаси куни чекиш баҳонасида дам олаётган Янисни кутилажак офатдан хабардор этди. Янис Нуриддин кутганидек сапчиб тушмади, ғазабланмади ҳам. Шимолликларга хос совуққонлик билан ўзгаришсиз ўтираверди. Нуриддин бу фитнада ўзининг иштирок этиши мумкинлигини айтмади. Аксинча:

— Сиз хафа бўлманг, биз сизни ҳимоя қиламиз, — деб унинг кўнглига далда бергиси келди. Бу шунчаки манзират эмас, йигит қалбининг аҳди эди. Уйқусиз кечган тун уни шу қарор билан тонгга етказган эди. Тенгизнинг огоҳлантиришига қарамай, шу мақсадда тўхталди.

— Йўқ, Нуриддин, керакмас,— деди Янис,— қамоқда ҳар бир одам ўзини ўзи ҳимоя қилиши керак.

— Одам одамга бўри бўлиб яшаши керак, демоқчимисиз?

— Бўрими...— Янис шундай деб кулимсиради. Унинг бу ним кулгуси қувонч ели билан эмас, афсус шамоли билан уйғонган эди. — Бўриларни камситма, Нуриддин, агар одамларда бўри туйғуси бўлсайди, одам бошқача яшарди.

Нуриддин Яниснинг бу гапларини фаҳм этмади, тушунмаганини яширмай сўради:

— Одамлар бўрига ўхшаса, дейсизми?

— Ҳа, бўрига ўхшаса... Бўрилар одамлар каби бирбирларини ғажимайдилар. Улар аҳил яшайдилар. Улар

озодликларини ҳеч нимага алишмайдилар. Бундай аҳиллик, бундай мағрурлик бошқа ҳеч бир жонзотда йўқ. Сен циркда бўрини ўйнатганларини ҳеч кўрганмисан? Ҳа, кўрмагансан. Филдан тортиб илонгача бир луқма овқат учун инсонларга масхара бўлади. Фақатгина бўри бўйсунмайди. Сен туркийлардансан. Аждодларинг эътиқод қилган рамз нима бўлган, биласанми?

Нуриддин айбдор одам каби нигоҳини олиб қочиб, елка қисиб қўя қолди.

— Қурт, яъни бўри. Туркийлар байроғида бўри тасвири бўлган, деб эшитганман. Туркийлар қадимда шундай эрксевар бўлган эканлар. Э, у замонлар ўтиб кетди. — Янис шундай деб хўрсинди. — Биз ҳам озодлик севувчи халқмиз. Мен бу қамоқни назарда тутаётганим йўқ. Менингда, сенинг-да ватанинг улкан бир қамоққа айлантирилган. Бизларнинг юртдошларимиз эса тутқунлар. Менинг халқим тутқунликка кўникиб яшайдиган тоифадан эмас. Сен ҳозир «Янис амакимга янгилик айтдим», деб ўйлаяпсанми? Мен шундай бўлишини кутардим. Бугун бўлмаса эртага албатта қилишарди шу ишни. Сени бўлмаса бошқаларни ёллашарди. Нафсга қул бўлганлар озми бу дунёда?

— Мен ёлланганим йўқ, — Нуриддин шундай деди-ю, аммо унга тик қарай олмади.

— Мен шунчаки мисол тариқасида айтяпман. Сен билан биз икки томонлама маҳкуммиз. Бундан қутулармиз, бироқ Ватан тутқунлиги-чи? Сен «Буларни нима учун қийнашаркан?» деб гаранг бўлаётгандирсан? Билиб қўй: биз учун дунёда энг ширин сўз — озодлик! Улар шу сўзни айтувчи тилларни кесадилар. Эркин нурга ташна кўзларни ўйиб оладилар. Бунга ажабланмаслик керак. Ахир сен мол сўйган қассобга қараб ажабланмайсан-ку? Нуриддин, сен ҳали ёшсан, кўп нарсаларга тушунмайсан. Тутқунликда туғилганинг учун кўзларингни оча олмайсан. Мен эсам ватанимнинг қандай тутқун бўлишини ўз кўзларим билан кўрдим. Бир тасаввур қилгин-а, қассоб ўз онангни кўз олдингда бўғизласа... Мен ана шундай

одамман. Ўлганимдан сўнг юрагимни тилиб, очишса, қон ўрнида зардоб қуришади. Сизлар буни «тақдир» дейсизлар. Биз эса бунга муроса қила олмаймиз. Мен, агар билсанг, шу азобларга дуч келганимдан хурсандман. Уйида қорин ғамида ётган туйғусиз одам қаторига тушиб қолмаганимдан қувонаман. Ўлиб кетсам ҳам ранжимайман, ахир руҳим озод тарзда қолади-ку? Агар менинг ўлимим ватаним озодлик онларини бир дақиқага ҳам яқинлаштира олса минг-миллион мартабалаб қайта-қайта ўлиб беришга розиман. Агар билсанг, ер юзидаги ҳамма жонзотлар ўз уясини қадрлайди, ҳимоя қилади. Биз эса... шуларчалик ҳам эмасмиз, менинг армоним шу, холос. Овқат ейишни биламиз, кийинишни биламиз, маишатни биламиз, чиройли сўзлашга устамиз, аммо Ватан қадрини билмаймиз. Уйимизга ўғри тушса дод соламиз, Ватанни таласалар индамаймиз. Сен буларни тушунгин, Нуриддин. Бу ердан чиқиб борганингдан кейин сен ҳам қорин ғамига тушиб қолмагин. Улар бизларни худди трамвай каби ўз изларидан юрмоғимизни, улар истаган ерда тўхтаб ўтмоғимизни хоҳлайдилар. Биз трамвай эмас, унутма, бизлар эркин қушлармиз. Қани эди, бургут бўла олсак...

Нуриддин бу гапларни эшитиб, ажабланди. Бугунми ё эрта-индинми бошига кулфат ёғилай деб турган одам ўз қайғусини ўйламай, шу гапларни айтиб ўтирса?! Кулфатни тик туриб қарши олиш — мутеликми ё мардликми? Алҳол, Нуриддин бу саволга жавоб топа олмади. Шундан сўнг қўли ишда, хаёли эса Янисда бўлди. Ўзи истамаса-да, беихтиёр равишда унга тез-тез қарайверди. Нуриддиннинг ҳолатини англаган Янис сир бой бермай, совуққонлик одатига хилоф қилмаган тарзда иши билан машғул бўлаверди. Яна бир чекиш баҳонасида ҳордиқ чиқаришаётганда:

— Шарқликларнинг жуда зўр ҳикояси бор, айтайми, эшитасанми? — деб қолди. Нуриддин Яниснинг индамай ишлаётганидан сиқила бошлаган, ҳозир ҳикоя айтадими ё бошқа бир балоними, унга фарқсиз, шериги гапирса бас эди. Шу боис «айтинг», деб дарров кўна қолди.

— Тақдир деган бир одамнинг фаҳм-фаросатда тенги йўқ, оқила ва гўзал қизи бор экан. Тақдир қизига қараб: «Ақл, Давлат ва Умид деган уч одамдан совчи келяпти, қайси бирига рози бўласан?» деб сўрабди. Шунда қиз: «Дада, ақл — инсондаги энг улуғ фазилатдир, ақлга суяниб туриб дўстни душмандан, ҳушёрни девонадан фарқлаш мумкин. Лекин ақлнинг бир айби бор: кишини чалғитиб, хатарли йўлларга солиб қўйиши мумкин. Давлат эса ҳам ишбилармон, ҳам ҳукмдордир. Лекин давлат ҳеч қачон, ҳеч кимга вафо қилмайди. Мен умидни ихтиёр қиламан. Чунки умид ҳеч қачон инсонга хиёнат қилмайди, ундан ажралмайди. Бутун жаҳон ундан манфаатдор», деган экан. Биз ҳам ўша Тақдирнинг доно қизига ўхшаб Умидни танласак, адашмаймиз.

Яниснинг бу гаплари Нуриддинга қизиқарли, айни дамда сирли туюлди. Шу сабабли яна қайтаришни илтимос қилди. Янис энсаси қотмасдан, бу сафар соддароқ қилиб тушунтирди. Гарчи у Тақдирнинг доно қизи каби Умидни танладим, деган бўлса-да, аслида ўзи бирданига икки эрни ихтиёр қилган қиз каби эди. У Умиддан аввал Ақлни танлаган эди. Ақл уни шу ҳолатга солди, энди эса «Кўз очиб кўрганим — Умид», деб ўтирибди.

ОИЛА

Эшик қўнғироғининг асабий жиринглашидан уйғонган Омонулло дарров соатига қаради. Телефон ишламай қолган кезлари ҳамкасблари ярим кечами ё эрта тонгми, чақириб келаверишарди. У ўзи ишлайдиган соҳада вақтида ҳордиқ чиқариш ёки байрамларда дам олиш йўқлигига аллақачон кўникиб кетган. Қаторасига икки кун ухламай, энди кўзи илинганда чорлашганида ҳам индамай туриб кетишга одатланган. Ҳозир ҳам тезда кийиниб, эшикни очди-ю, Сафарни кўриб, ажабланди:

— Ҳа, сўфи таҳорат қилмай келибсан? — деди норози оҳангда.

— «Кўмирхона»дан энди турдик. Ўйин жа-а қизиб кетди. Уйга бормай, тўғри сеникига келавердим, — Сафар шундай деб, таклифни кутмаёқ остона ҳатлаб ичкари кирди. — Сен ҳам эркакларга ўхшаб «гап»нинг охиригача ўтирсанг, биллалашиб келардик.

— Агар «гап»да ўтиришларинг ҳисобга олинмаса, сенларнинг эркак эканликларингни билиб ҳам бўлмайди, — Омонулло шундай деб ювиниш мақсади-да ён томон ўтди.

— Менга қара, ҳов эркак, — деди Сафар, — ма, калитни ол, хоҳласанг мен уйингда ёта қоламан, туманингга ўзинг бориб кел.

— Бирга борамиз, — деди Омонулло. — Мени ҳимоя қиласан. Мабодо сени ҳам ўлдириб қўйишса, баҳонада битта медалли бўлиб кетасан бу дунёдан.

— Сен учун ўлиш биз учун шараф, аковси, — деди Сафар, кинояга киноя билан жавоб бериб. — Ўлишдан олдин бир ухлаб олмасам бўлмайди. Мен машинада ётаман, уйғотма. Қоғоз халтага у-бу солиб беришган. Хоҳласанг, е, ич.

Омонулло ювиниб, енгил тамадди қилиб олгач, кўчага чиқди. Орқа ўриндиқда икки букланиб ётган Сафарнинг хуррагини ташқаридан ҳам бемалол эшитиш мумкин эди. Машина ўрнидан силжигач, у бир силкиниб, кўзларини ярим очиб қараб қўйди-ю, уйқуни келган еридан давом эттираверди.

Сафарнинг бу қадар барвақт келиши, орқа ўриндиқда ухлаб ётиши Омонулло учун маъқул келди. Сафар кўнглига яқин дўсти бўлса-да, унинг баъзида меъёридан ўтувчи сафсаталари меъдасига тегиб кетарди. У касалхонага ўтиб, тутинган отасининг уйқусизликдан киртайиб, қизарган кўзларидан опасининг аҳволи унча яхши эмаслигини тушунди. Кечки пайт яна хабар олишини айтиб, Матлуба билан учрашиш ниятида чўлга қараб йўл олди.

Кўчада ҳаракат сийрак бўлгани учун машинани елдек учирди. У Матлуба билан бўлажак учрашувни, беражак саволларини хаёлида яна бир пишириб олгач, кечаги учрашувни беихтиёр тарзда эслади. Омонулло Адолатни

кузатиб қўйгач, доктилоскопчи билан суҳбатлашиб, айрим нарсаларни янада аниқлаб олди-да, Самандар Очиловнинг биринчи хотини билан учрашишга отланди. Мэлс Хўжаев ёзиб берган манзилга бориб қўнғироқ тугмасини босди. Эшикни қорачадан келган, юзлари лўппи, кўзлари кулиб турувчи истарали аёл очди. Пастга тушишга ҳаракат қилаётган жингалак сочли ширингина ўғилчасини бағрига маҳкам босганича кутилмаган меҳмонга «Келинг?» деб савол назари билан қаради. Омонулло ўзини танитгач, «адамиз уйда йўқ эдилар», деди узрли оҳангда. Омонулло уйга кирмоққа ижозат йўқлигини англаб, остонада гаплашиб қўя қолди. Самандарнинг биринчи хотини табиатан камгапмиди ё савол-жавобларга ҳуши бўлмадими — Омонулло билолмади. Аёлдан ишга асқотадиган янги гап ҳам ололмади. Ажралишганларидан сўнг бир йил ўтгач турмуш қурган аёл биринчи эрини ўшандан бери кўрмаган, уйланганини эшитмаган ҳам эди. Ажралиши сабабини эса бир оз қийналиброқ айтди. «Фарзандсизликдан...» — деб ерга қаради. Омонулло «Очилов фарзанд кўролмайдиган эркак эканми?» деб ўйлади. Бу ўйни ўқигандек аёл унга изоҳ берди: «Фарзанд кўришдан қўрқардилар... Уруш бўлиб қолса болалар азобланади, деб чўчирдилар. Хаёлларида эртами-индинми, уруш бошланиб, ҳамма ёқни атом бомба босадигандек эди... Биринчи ҳомиламни олдириб ташлатмоқчи бўлдилар. Мен унамадим. Туғилганида хурсанд бўлдилар барибир. Лекин... хавотирлари кўтарилмади... Боламизнинг умри қисқа экан, атом бомбасиз ҳам бизни ташлаб кетди... Кейин шу масалада барибир чиқиша олмадик. Ўзлари жуда яхши одамлар, чивинга ҳам озор бермайдилар... Лекин хаёллари ғалати...»

Омонулло хайрлашиб қайтар маҳалида ҳам бу гапларни кўп ўйлади. Бунақа тоифани учратмагани учун Самандарнинг қилиғига сира тушунмади.

Ҳозир чўлга, Матлуба билан учрашувга ошиқаётган дамда ҳам кечаги суҳбатини эслаб, тушунишга уринди — уддасидан чиқолмади...

Сафар то манзилга қадар, тўғрироғи, машина қишлоқнинг нотекис кўчаларига кириб чайқала бошлагунга қадар уйғонмади. Аввал туман вакили билан келган Омонулло Матлубанинг уйини қийналмай топиб борди.

Мактабга отланган болаларини кузатиб чиққан Матлуба ёнгинасида тўхтаган машинага хавотир билан қаради. Кейинги ойлар ичи унинг юраги қуш ҳадиги билан урадиган бўлиб қолган эди. Ҳовлидаги мусичалар бехос патиллаб уришиб кетса ҳам, томдаги мушуклар миёвлаб, тунукаларни тарақлатиб югуриб қолишса ҳам, қўшнининг эшаги ҳанграб юборса ҳам бир титраб оларди. Бемаҳалда кўчадан машина овози келса «илойим тўхтамасин», деб юрак ютиб ўтирарди. Машина тўхтагудай бўлса, юраги ҳам уришдан тўхтагандай бўларди. Бу тун кўчаларидан икки марта машина ўтиб уйқулари ўчиб кетган эди. Ўша ваҳмдан қутулмай туриб, ёнгинасида шаҳарнинг машинаси тўхтади-ю, росманасига чўчитиб юборди.

Омонулло эшик олдида турган Матлубага ўзини танитишга улгурмай, Сафар ҳам машинадан тушиб, унга яқинлашди. Думалоқдан келган, жингалак сочли, бўйнига ҳам, ўнг билагига ҳам тилла занжир осиб олган Сафарга Матлуба хавотир билан қаради. Сафар унинг хавотирли нигоҳини англамай, томдан тараша тушгани каби:

— Опа, ҳожатхона қаерда? — деб сўради.

Омонулло дўстининг бефаросатлигидан ранжиб, унга норози қиёфада қараб олди-да, Матлубага узрли оҳангда:

— Бу менинг оғайним, узоқ йўлда ҳамроҳ бўлиб келди, — деди.

Матлуба «Милисанинг ўртоғи шунақа бўладими?» дегандай Сафарга яна бир қараб олиб, ҳовлиси томон чекинди-да, этак томонни имлаб кўрсатди.

— Аввалги куни ҳам келган эдим, йўқ экансиз? — деди Омонулло.

— Ҳа, ҳа, эшитдим келиб-кетганингизни. Мен... шаҳарда эдим. Дадамнинг маросимлари бор эди.

Омонулло Адолатнинг сўзларини эслаб «Ростми?» дегандай қараб тураверди.

— Келинг, ичкари киринг, — Матлуба шундай деб айвон сари йўл бошлади.

Омонулло лиқиллаб турган, аммо битта одамни кўтаришга ярайдиган стулга омонат ўтирди. Иккинчи стулни Матлуба эгаллаб, қайнонаси олдида мулзам бўлган келин каби бошини қуйи эгиб, бармоқларига тикилиб қолди. Омонулло эса атрофга шошқич разм солиб «директорнинг уйи ободроқ бўларди, мулкини мусодара қилишганми ё беркитиб улгуришганми?» деб ўйлаб қўйди.

— Акамдан хат-хабар борми, тинчмилар? — Омонулло ўзининг нима мақсадда келганини билдириб қўйиш учун гапни шундай бошлади. Матлуба эса «милиция бекорга суриштирмайди», деган хавотир билан титроқ овозда:

— Кимни сўраяпсиз? — деди.

— Хўжайинингизни сўраяпман, — деди Омонулло янада самимий оҳангда.

— Хўжайинимнинг яна чала ишлари қолган эканми? — Матлуба шундай деб унга ўғринча қараб олди. — Қамасаларинг ҳам тинч қўймас экансизлар-да, а?

Омонулло Адолатнинг гапларини эслаб:

— Мендан олдин ҳам сўраб келишувдими? Ким эди, қачон келди, нимага келишди? — деб сўради.

Матлуба унга ялт этиб қаради-да, «атай синаш учун сўраяпсизми, ростдан билмайсизми?» деган савол мухрланган нигоҳини унга қадади. Матлуба «сўнгги тинтув»да «юрагим ёрилиб ўлиб қолсам керак», деб ўйлаган эди. Дастлаб кўринганда нафратини қўзғотган Хурсанали ўшанда жонига оро кирганди...

... Ўшанда болалари эндигина уйқуга ётишган эди. Кўчада, уларнинг дарвозалари ёнида машина тўхтади, аммо мотори ўчирилмади — ғириллаб тураверди. Жинғироқ ишламас эди, машинадан тушган одам дарвозани қаттиқ тақиллатди. Матлуба ўрнидан туриб ташқарига чиқишни ҳам, чиқмасликни ҳам билмай турганда ташқаридан «Матлуба!» — деган овоз келди. Матлуба овоз эга-

сини таниб, ҳам енгиллик, ҳам хавотир билан ўрнидан турди. Ташқарида совуқ изғирин эканини унутиб, эгнига пальтосини илмай ҳовлига чиқди. Бесабр Сарвар эса яна дарвозани тақиллатиб, бу сафар «опа!» деб чақирди. У камдан-кам ҳоллардагина «опа» дерди. Унинг бу сафаргги лутфининг сабаби дарвоза очилгач билинди: Сарварнинг ёнида Хурсанали турарди. Бегонанинг ҳузурида «опа» дейишга мажбур бўлганини Матлуба тушунди.

— Вой, тинчликми? — деди у бир қадам ортга чекиниб.

— Тинчлик, — деди Сарвар ичкарига қадам босиб. — Болаларингни кийинтир. Фақат ҳовлиқма, лекин тез бўл. Нима гаплигини кейин айтаман.

Сарвар Хурсанали билан ичкари кирди-да, айвон зинасига етганда опасидан «Подвалнинг чироғи борми?» деб сўради. «Ҳа», деган жавобни эшитгач, «Ёқ!» деб буюрди.

Айвон зинасининг ён томонидаги пастқам эшикни очиб, Сарвар, кетидан Хурсанали ертўлага тушишди. Айвон энсиз бўлгани учун тўсинларнинг белига тиргак қўйилмаган эди. Бир оз эгилган ҳолда катта уй ертўласига ўтдилар: Хурсанали олинган хабарда баён қилингандек еттита устун санади-да, ўртасидагисига яқинлашиб, энгашди:

— Шу ерда бўлиши керак, — деди батартиб терилган ғиштлар устига кафтини қўйиб. — Теша олиб тушинг, опангизни ҳам чақиринг, тушунтириб қўяй.

Сарвар «хўп», деганича шошилиб чиқди-ю, дам ўтмай калта сопли эски тешани кўтариб қайтди. Хавотирданми ё совуқданми титраётган Матлуба унга эргашиб келди.

— Опахон, хўжайинингиз у ёқда гуллаб қўйибдилар: шу устун тагида хазина бормиш.

Матлубанинг хаёли ёришиб, «шу ерга кўмилган эканми, айтиб ҳам кетмабди-я, у ғаламис. Энди буларга ем бўладими?» деган фикр ўтди. Тили эса:

— Хазинасини ер ютсин, — деди.

— Хазина бўлса, ер ютмасин, опа. Хазина бўлса, одамларнинг кунига яраши керак. — Хурсанали шундай деб

гапирганича устунни дам юқорисига, дам пастига урибуриб силжитди-да, сўнг ғиштларни аста кўчирди. Кейин икки қаричча қалинликдаги тупроқни тешада таталаб чиқарди. Тешанинг учи тахтага теккач, тупроқни кафтлари билан сидирди. Ҳали чиришга улгурмаган тахтақопқоқ тутқичидан ушлаб кўтарди. Кейин яна бир қарич қалинликдаги тупроқни олди. Иккинчи ёғоч қопқоқни ҳам кўтаргач, бир жомадон бемалол сиғадиган ўра кўринди. Номи хазина бўлган бу ўра бўмбўш эди.

— Акахонга беш кетдим: алдабди, — деди Хурсанали қаддини кўтариб. — Бир-иккита ҳариф хазинанинг исини олиб, поччакамизнинг кекирдакларига чанг солган экан, шу ерда, деб гуллабди у аҳмоқ. Аҳмоқ деганимга хафа бўлманг, опахон, бугун-эрта хазина бор бу ерда, деб лақиллаб келиб қолишади.

— Ким?

— Кимлигини Худо билади. Лекин келишлари аниқ. Агарда бу ерда ҳеч нарса топилмаса, аввал сизларга қийин бўлади. Акахон эса, чиққан жойларига кириб кетаверадилар.

— Қурибгина кетсин, шу бойлигиям! Ўлар бўлсам ўлиб бўлдим! — деди Матлуба йиғлаб.

— Тўхтанг, опахон, ўлмай туринг. Аввал бу ишларни бир ёқлик қилиб олайлик. Ҳозир ҳаммамиз кетамиз. Болаларингизни укангизникига ташлаб, эрталаб қайтиб келасиз. Сарвар ҳам бир-икки кун сиз билан шу ерда тураді. Биз ҳам шу атрофда бўламиз. Ишни бехит қилиш керак. Мабодо ишкал чиқса, ўзимиз тинчитамиз. Опахон, мана бу суратга қараб, яхшилаб таниб олинг бу таъвияни, — Хурсанали ички ён чўнтагидан сурат чиқариб кўрсатди. — Чап оёғи калтароқ бу одамнинг. Сўрашса, энг аввало чўлоқлигини айтасиз. Чап қулоғининг ярми йўқ, бурни пачоқ. Гапирганда пишиллайди. Нима деганини ўриси ҳам, чулчити ҳам тушунмайди. Панжалари катта-катта, меникига иккита келади. Хуллас, бир куни кечқурун шу чўлоқ бадбашара бостириб кирган. Ёнида бир малла хотин ҳам бўлган. Пичоқ чиқариб, дўқ урган. Сиз-

ни болаларингиз билан бирга уйга қамашган. Подвалда бир нималарнинг тақиллаганини эшитгансиз. Улар индамай кетишган. Сиз подвалга тушишга қўрқасиз ўшандан буён. Шуларни айтсангиз бас.

— Ким ўзи бу? — деди Матлуба титроқ овозда.

— Кўнглингиз айниса ҳам бу тавияга яхшилаб тўйиб олинг. Уч-тўртта суратга аралаштириб кўрсатишлари мумкин. Таниб олишингиз шарт. Адашманг. Бу одам хўжайинингиз билан зеквагон*да бирга бўлган. Зонага борганда қочган. Бу томонларга келиб ишкал чиқарувди, ўзимиз тинчитиб қўя қолдик. Хитлар буни билишмайди, қидириб юришибди ҳали ҳам. Хазинани шу олган, десак, сиз ҳам тинчсиз, у ёқда акахонга ҳам чивин қўнмайди. Биз сизни ҳимоя қиламиз, деб шартлашганмизми, демак, сизни чертишга бировнинг ҳаққи йўқ, — Хурсанали чўнтагидан танга чиқариб кафтига қўйди. Матлуба буни аввал беш тийинлик деб ўйлади. Синчиклаб қараган эди, Николай подшонинг тилла тангасини кўрди.

— Тоза тилла, — деди Хурсанали изоҳ бериб. — Сиз учун қурбон қиламиз.

Танга ўра остига терилган пишган ғишт устига тушиб, жирингладн, хира чироқ нурида ожиз товланди. Сўнг устига бир сидра тупроқ ташланиб, қопқоқлар аввалгисидай қилиб беркитилди.

— Опахон, сиз чиқиб болаларингизни кийинтираверинг. — Хурсанали шундай дегач тупроқни тортиб, оёқлари билан шиббалади, ғиштларни батартиб терди, устунни жойига ўрнатди.

Улар кутган меҳмонлар узоқ куттиришмади — эртасигаёқ келишди. Лагер телетайпининг тезлиги шу ўринда иш берди. Келганлар ўзларини «СССР прокуратурасиданмиз», деб таништиришди, ҳужжатларини ҳам кўрсатишди. Уйни тинтишди. Сўнг «ҳар эҳтимолга қарши ертўлани ҳам кўриб қўяйлик», деб пастга тушишди. Мат-

---

*Маҳкумларни ташувчи қамоқ вагони.

луба ўзини босишга қанча тиришмасин, уларнинг мақсадларини аввалдан билгани учун ҳам титрайверди. «Тинтувга рухсатномангиз қани? Иккита холис гувоҳ қани?» деган талаб эса хаёлига ҳам келмади. У-ку, хотин киши, хавотирда ўзини йўқотади. Опасига далда бериши лозим бўлган Сарвар ҳам довдираб қолди. Бир оздан сўнг уларни пастга чақиришди. Ўртадаги устун атрофини, сочилган тупроқни кўздан кечираётган қиррабурун:

— Бу ерда нима бор? — деб сўради.

— Билмасам, — деди Матлуба. — Қўйдиган нарсамиз кўпам йўқ, ҳадеб тушавермайман бу ерга.

— Бу ер кавланган. Нега кавланган? — деди қиррабурун қаддини ростлаб.

— Билмадим.. балки...

— Нима балки?

— Айтаверайинми?

— Бизни чалғитишга уринманг, биз ҳаммасини биламиз.

— Билсангиз... айтмай қўя қолайми?

— Билганларингизни гапиринг!

— Билганларим... Анча вақт ўтди-да... куз пайтида эди, кечаси бир эркак, бир аёл уйимизга бостириб киришди. Дарвоза қулф эди, ҳовлига қандай тушишганини билмайман. Эркаги чўлоқ экан. Виш-виш қилади, гапига тушунмайман... — Шу зайлда Хурсанали ўргатган гаплар айтилди. Улар ишониб-ишонмай бир-бирларига қараб қўйишди.

— Милицияга хабар қилдингизми? — деб сўради қиррабурун. Бунақа савол Хурсаналининг режасида йўқ эди. Шу сабабли Матлуба довдиради.

— Милицияга нима учун хабар бермадингиз? — деди бу сафар қиррабурун даҳаллик билан.

— Милицияга айтсанг, ўлдирамиз дейишган, болаларни ҳам... — Матлубанинг тилига келган бу гапдан улар қониқишиб, бошқа нарса сўрашмади. Уларнинг буйруғи билан Сарвар устунни четга сурди, ғиштларни кўчирди,

тупроқни сурди, қопқоқларни очди. Очди-ю, «агар титишмаса танга қолади», деб умид қилди. Қиррабурун бўш ўрага бир оз қараб турди-да, сўнг энгашиб, бармоқлари билан тупроқни титиб, тилла тангани топди. Қаддини кўтармай туриб тангани чироқ ёруғига тутди, тишлаб кўрди. Кейин яна тупроқ титди. Сўнг кетишди. Эртасига қиррабуруннинг ўзи келди. Бешта одамнинг суратини кўрсатди. Матлуба Хурсанали кўрсатганни таниди. Таниди-ю:

— Фақат битта жойи ўхшамайди, — деди.

— Қаери? — деди қиррабурун унга қаттиқ тикилиб.

— Қулоғининг ярми йўқ эди. Ё бу эски расмимикин?

Қиррабурун суратларни чўнтагига солиб «хайр» ҳам демай изига қайтган эди...

Ҳозир Омонуллонинг «ким эди, қачон келди, нимага келди?» деган саволи ўша воқеани чақмоқ умричалик лаҳзада эслашга мажбур этди. Эслади-ю, аммо сиртига чиқармади: Хурсаналининг амрини бажарди.

Омонулло суҳбатини бошламай, Сафар келиб айвон панжарасига ўтириб олди. Матлуба унга қараб қўйиб, ўнғайсизланди.

— Сафар, калит машинада қолибди, — деди Омонулло маънодор оҳангда.

Сафар дўстининг мақсадини англаб, ўрнидан турдида, кўчага чиқиб кетди. Ранжиганини сездирмади, аммо ичида дўстини авра-астарини ағдарар даражада бўралаб сўкди.

Омонулло арқонни узун ташлади. «Турсунали Тўхтаев билан қачон танишгансиз, қачон турмуш қургансиз, болалар...» каби саволларга олинажак жавоблар у учун муҳим эмасди. Шу сабабли «бу аёл тўғри гапиряптими ё йўқми?» деб таҳлил этмади. Матлуба тўғри жавоблардан чекиниб, ўзи истаган гапларнигина айтмоқчи бўлаётгани билан қармоқдаги хўракка алданажагини билмас эди. У Нафисанинг ўлимидан хабар топгани билан, ўзининг бу фожиага алоқадор деб гумон қилинаётганидан, Омонулло айнан шу иш туфайли келганидан бехабар эди. «Эримни

қамаб ҳам тинчишмас экан», деган фикр уни чалғитиб қўйганди.

— Саволимга жавоб бермадингиз, опа, мендан олдин ҳам биров келдими? — Омонулло аёлдаги саросимани сезгани учун саволини такрорлади.

Хурсанали бўлиб ўтган тинтувнинг «исини чиқармаслик»ни тайинлагани сабабли Матлуба сир бой бермаслик учун нигоҳини олиб қочди.

— Адамизни ушлашганидан бери нечтаси келиб, нечтаси сўроқ қилди, нечтаси тинтди. Ҳисоби йўқ буларнинг. Ўлар бўлсам ўлиб бўлдим. Адамизнинг айблари бор экан, қамадилар. Бизнинг гуноҳимиз нима? Болаларимнинг гуноҳи нимада? Айбимиз бўлса, бизларни ҳам қамангглар, отинглар, — Матлуба шундай дегач, йиғлай бошлади.

Омонулло овутишни истамай, бир оз кутди. Матлуба ёноғига юмалаган кўз ёшларини кафти билан артиб, хўрсингач, сўроғини давом этди:

— Турсунали ака билан муносабатингиз яхши эдими?

— Бу нима деганингиз? — Матлуба ажабланган ҳолда унга тик қаради.

— Ораларингиздан ола мушук ўтмаганмиди?

— Ола мушук? У киши... болаларимнинг отаси... кўз очиб кўрганим. Ола мушук деганингиз ҳамманинг уйида бор. Эр-хотиннинг орасидан гап қочмай иложи йўқ. Саволингизга қараганда одамлардан бир иғво эшитганга ўхшайсиз. Индамасангиз одамлар нималар тўқимайди?

— Тўғри айтасиз, баъзан одамлар кўпиртириб юборишади. Лекин... шамол бўлмаса дарахтнинг учи ҳам қимирламайди.

— Мақсадингиз нима, очиқ айтаверинг?

— Турсунали ака... сизга хиёнат қилармидилар?

Бу саволдан сўнг Матлубанинг эгилган боши янада эгилди. Титроқ бармоқларига тикилиб жим қолди.

— Очиқ айтаверинг. Агар сир бўлса, орамизда қолади.

— Сир... билмайман, одамлар иғво қилаверишади. Болаларимнинг отаси ахир...

Омонулло тушунди. Турсуналининг хиёнати фақат бу аёлга эмас, вояга етиб бораётган болаларга ҳам иснод келтиради. Айниқса хонадондаги қизнинг бўйи етиб қолган бўлса оғир, янада оғир. Эрта-индин совчи эшик қоқиб келсаю «отаси бузуқ экан», деб изига қайтса нақадар фожиа... Хиёнатдан хабар топган аёл қанчалик қонсирамасин, фарзандлари тақдирини ўйлаб, дардини ичига ютади.

Омонулло изтироб чўғлари устида ўтирган аёлни қийнамаслик учун муддао ўқларини аниқ нишонга ола қолди:

— Нафиса Болтаевани танирмидингиз?

— Нафиса... — «ер ютсин уни», деб ўйлади Матлуба, аммо тили бошқа гапни айтди: — эшитганман...

— Ўзини кўрмаганмисиз?

— Кўрганман. Лекин... яхши танимайман.

— Одамларнинг гапларига қараганда...

— Одамларнинг гапларини менга айтманг. Ўзингиз кўриб, қўл билан ушлаган бўлсангиз айтинг. Адамизга шунча азоб камми? Энди номларини ҳам булғашяптими?

— Бегоналар эмас, Болтаеванинг онаси ҳам айтяпти.

— Адолми? Жувонмарг бўлсин, у офат! Ўзининг қизлари ўтириб қолганига аламини ўгай қизидан олади. Нафисанинг бошида эри бор. Унинг бузуқлигини биров кўрмаган.

— Болтаеванинг эрини танирмидингиз?

— Сал-пал танийман. Адамизнинг ўртоқлари.

— Бу ерга кўп келармиди?

— Йўқ.

— Касби нима, биласизми?

— Олим шекилли?..

— Оилалари тинч эдими?

— Буни ўзларидан сўранг. Мен уларникига қадам босмаганман.

— Нега?

— Саволингиз ғалати-ку? Ҳозир яқин қариндошлар ҳам борди-келдига вақт тополмайдилар.

— Турсунали ака бориб турармидилар, ҳар ҳолда ошна эканлар?

— Билмайман.

— Сиз ҳозир «қадам босмаганман», дедингиз. Икки ойми, уч ойми аввал, куз пайтларида боргансиз-ку?

— Ким айтди?

— Керак бўлса гувоҳ билан юзлаштирамиз. Унгача саволимга жавоб беринг: нима учун бордингиз? Сиз ўша куни қаттиқ ғазабда бўлгансиз. Нимадан норози эдингиз?

— Эсимда йўқ.

— Ҳатто «ўлдиртириб юбораман», дегансиз?

— Ёлғон!

— Мен шу ёлғонни айтиш учун келибманми? Бир нарсадан шубҳам бўлмаса гапирмайман.

— Шубҳа?.. Ҳали... уни мен ўлдирибманми?

— Кимни?

— Нафисани айтяпсизми?

— Ўлганини биласизми? — Омонулло шундай деб Матлубага ажабланаётган одам кўзи билан қаради.

— Мен кеча осмондан тушганим йўқ-ку? Эшитмайманми?

— Қандай ҳолатда ўлганини ҳам эшитдингизми?

— Эшитдим... биттаси билан... экан.

— Ишондингизми?

— Ишондим нимаю, ишонмадим нима?

— Ким ўлдирган бўлиши мумкин?

— Билмайман.

— Ҳар ҳолда... нима учун ўлдиргингиз келган эди?

Матлуба қафасга қамалган қуш ҳолига тушди. Нодонлиги туфайли қафасга тушди, энди яна нодонлик қилиб, ўзини қафасга уриб қанотларини яралашни истамади. Бир оз сукут қилгач, эридан олган ўша мактубдан гап бошлади.

Матлуба бир йиғлаб, бир сукут қилиб, бир ғазаб жиловида эзилиб гапирарди. Нафисанинг ўлимини эшитга-

нида «баттар бўлсин!» деб қувонган эди. Бундай ўлимдан баттарроқ яна нима бўлиши мумкинлигини ўйлаб ўтирмай, бировнинг ўлимидан қувонишнинг гуноҳ эканини фаҳмламай шундай деган, шундай қувонган эди. «Худо менинг раҳмимни ебди», деб ҳам фикр қилганди. Ҳозир ўтмиш кунларни эслай туриб нечундир унга ачинди. Норасмий кундошининг ўлимидан ўзига заррача наф йўқлигини энди англади. Унинг ўлимини истагани рост, қарғагани рост, ўлдириш ёки ўлдиртириш учун ҳаракат қилмагани ҳам рост. Аммо рост гапга бу одам ишонармикан? Матлуба шу армон, шу ўкинч билан Омонуллога қарабқараб қўярди.

Омонулло унинг гапларини бўлмай эшитди. «Шу аёл ўлдиргандир» деган гумон унга ҳукмини ўтказмаган бўлса-да, фикрдан узоқлашишга ҳаққи ҳам йўқ эди. То чин қотил топилмагунича шу маъсумадан ҳам шубҳаланишга ҳақли эди.

Омонулло Матлубанинг сўзларини эшитиш асносида беихтиёр Адолатни кўз олдига келтирди. Ўшандан гумонсираганда ҳам тинч қўймас эди. Бу аёл... бошқачага ўхшайди. Эзилган руҳи, топталган умиди учун хун талаб қилса ҳам арзир. Аммо... болаларининг отаси бўлгани учун ҳам унинг номини ҳимоя қиляпти, уни умид билан кутяпти. Ҳар қандай аёл эрини қизғанади. Қалбини йиринг босган Матлубанинг ҳам қизғаниши тайин. Аммо бу рашк, бу қизғаниш қотилликка ундаши мумкинми? Омонулло учун бу мубҳам бўлиб қолаверади.

У Матлубадан эрининг мактубларини кўрсатишни илтимос қилди. Матлуба бир оз иккиланган ҳолда уйга кириб тўрт-бешта мактуб олиб чиқди-да, солиқ тўлашга ундовчи хатни ажратиб берди. Омонулло сатрларга кўз югуртиргандаёқ, лагер қамоқхонасидаги аҳволни англади.

— Болтаевадан шубҳаланганингиз ўринсиз. Эрингиз қамоқдаги катта балиқларга ем бўлган.

— Биласизми шуни? Билсангиз... нега йўл қўйиб берасиз?

— Буни ўша ёқдагилардан сўраш керак. Бизнинг вазифамиз бошқа. Агар бирор киши пул талаб қилиб келган бўлса, айтинг. Улар билан шуғулланамиз.

Матлуба Хурсаналининг огоҳлантиришини эслаб: «Йўқ, йўқ, ҳали ҳеч ким келмади», деб қўйди.

Омонулло бунга ишонгандай бўлди-ю, яна учрашишга шама қилиб, кўча томон юрди. Матлуба остонага қадар кузатиб бориб, Омонуллонинг ортидан эшикни ёпди.

Сафар орқа ўриндиқда кавшанлб ўтирарди. Омонулло машина эшигини очиши билан димоғига ароқ, колбаса ҳиди урилди.

— Ҳа, очофат, дарров ютдингми? — деди Омонулло унга қовоқ уюб қараб.

— Бошга қувват бўлади, ўзинг ҳам қиттаккина олвол, ГАИ сенга индамайди.

Омонулло «нафсинг қурсин», деди-да, машинани юргизди. У директор билан учрашиб янги гап ололмагач, боғ қоровули билан гаплашишни ихтиёр қилди. Директор обкомдан вакил келаётганини айтиб, унга бир югурдагини қўшиб берди. Номи боғ қоровули, аслида хўжайиннинг ҳам маҳрами, ҳам ошпази бўлмиш уккикўз Карвон Турсунали билан қизини шу ерда кўрганини айтди. Аравакаш отасининг «Карвон» лақабини мерос қилиб олган бу одам билганларини яширмади: «Директор бува Тошкентда эдилар. Хўжайин йўқликларида ишларимни қилволай деб район марказига тушувдим. Қайтиб келаётсам, Ошболта билан қизи чиқиб келишяпти. Ошболтанинг даъвоси катта — у ўзини менга устоз деб билади. «Ўчоқни ҳаром қилибсан, бузиб ташладим, эртаматан келиб янгисини қуриб бераман», дейди. «Нимаси ҳаром?» десам, «Ўчоқнинг ичида ит ётибди», дейди. Ит илгари ҳам ётарди, ҳаром-паром демасди, қачондан бери ҳаромни ҳалолдан ажратадиган бўлибдийкан, деб қоловурдим. Назаримда, у қизини янги директорга қўшгани олиб келгану, иши унмагач, аламдан ўчоқни бузиб ташлаган. Ўчоқни ўша куниёқ ўзим-ла ўнглаб қўйдим. Хўжайин ярим кечада қайтиб, овқат қил, деб буюрсалар «Эрталаб Ош-

болта ўчоқ қуриб берсин, кейин овқат пиширай», дейманми?»

Омонулло Карвоннинг гапларида бир илмоқни сездию, бўлиб ўтган воқеани ойдинлаштиришга ожизлик қилди. Саволларни қалаштиргани билан керакли жавобларни ололмади. Нафисанинг қишлоққа келиши, боққа бориши, ўчоқнинг бузилиши... Қулоқларига тилла зираклар, бармоқларига тилла узуклар тақиб қайтиши... да сир яширин эди. Бу сирдан воқиф одамнинг бири тупроқ остида, иккинчиси тилдан қолган...

... Ўша кеч Матлубанинг ногаҳоний ташрифидан сўнг Самандар «ишим бор», деб хонасига кириб кетди. Отабола телевизорда зерикарли бир томошани ярмига қадар тоқат қилиб кўришгач, Тошболта қизидан:

— Турсуналининг бойлиги кўп эди, милиса тополмади. Хотини билмаса... қайга беркитди экан? — деб сўради.

Нафисанинг кўзлари телеэкранда бўлса-да, хаёлига шу савол ҳукмрон эди. Отасига қараб «билмайман» деб елка қисиб қўйди-ю... кейин сўнгги кечалардан бирида юз берган воқеани эслади. Аслида ўша воқеани унутмаган, лекин қама-қама бошланиб, боққа боришга қўрқиб юрган эди. Телевизорни яна бир оз томоша қилган бўлиб, сўнг ўша воқеани отасига баён қилди...

... Турсуналининг кайфияти хуш эди. Маишатни бошлашдан аввал Нафисанинг қулоқларига тилла зирак, бармоқларига тилла узуклар тақди. Сўнг нафс қонгач, тонгга яқин ечиб олди. Аввалари бунақа одати йўқ эди — совғаларини қайтиб олмасди. «Замон нозик бўлиб турибди. Тақиб юрсанг, одамлар гап қилади, эринг ҳам шубҳаланади. Шу ерда тура турсин», деди-да, ташқарига чиқди. Нафиса ўрнидан туриб елкасига чойшаб ташлаганича, деразага яқинлашиб, ташқарига ўғринча қаради. Турсуналининг ўчоқбоши томон қайрилганини кўрди. «Карвон шу ерда бўлса бу аҳволда дуч келмай», деб ташқарига чиқишга қўрқди. Турсунали ўчоқбошидами ё этакдаги қўйхонадами, Нафиса аниқ билолмади, анча қолиб

кетди. Меҳмонхонага киришдан олдин қўлларини ювди. Ичкари кириб ётди-ю, кун ёйилгунича ухлади...

Бу воқеадан аввалроқ бохабар қилмагани учун Турсунали қизини койиди. Эртасига тонгдаёқ ота-бола йўлга отландилар.

Ўчоқ остидан топилган зираклар, узукларни Нафиса жони узилганига қадар тақиб юрди. Адолат бу тақинчоқларни янги ўйнашнинг ҳадяси деб ўйлади. Самандар эса дастлабки кунлари хотинида янги тақинчоқлар пайдо бўлганини ҳатто пайқамади ҳам. Нафиса «эрим сўраса «дадам олиб бердилар», дейман», деб жавобни нақд қилиб қўйган эди. Синчковлик, хотинларга эътибор деган тушунчалардан бегона Самандар тақинчоқларни кўрганда ҳам индамади. «Маошларини йиғиб олгандир», деб қўя қолди.

Тақинчоқлар тарихидан бехабар Омонулло иссиқ кунда ароқнинг кучи билан янада қизиб олган Сафарнинг эзмалигидан ҳориган ҳолда уйига қайтди.

МАҒЛУБИЯТ ВА ҒАЛАБА

(Қотилликдан аввалроқ содир бўлган воқеа)

Турсунали зеквагонда ёнма-ён келган бадбашара одамнинг лақаби «Удав» эканини Тенгиздан эшитди. Эшитди-ю, булар билан ҳазиллашиб бўлмаслигига яна бир карра ишонди. Бахтини қарангки, у ўша «Удав» билан вагонда бирга бўлибди, «Бўғма илон» лақаби билан ном чиқарган бу нодон қочибди, унинг хазинани ўғирлаганига Гобелянинг одамлари ишонибди. Ишонишмаганда нима бўларди, қочмаганида нима бўларди, вагонда бошқа ўғри билан келганида нима бўларди? Хаёлида шу саволлар уйғонганида Турсуналининг юраги орқасига тортиб кетаверди, кўз олдида болалари, Матлубасининг маъюс чеҳралари гавдаланиб, эзилаверди. Нечундир ўз жони ҳам арзимасдай туюла бошлади. Нечундир Нафисадан олган мактуби дардига малҳам бўла олмади. Кунлар, ҳафталар шу зайлда ўтаверди. Ўча-

кишгандек, Нуриддин ҳам тескарилигича қолаверди. Ўчакишгандек, ошхонада бошланган ола-тўполонда дўппосланиб, ўлар ҳолга келди. Жанжал нимадан бошланганини англашга улгурмади ҳам. Назоратчилар нима сабабдан муштлашувни бостиришга уринишмаётганидан ажабланди. Қамоқ шифохонасида кўзлари тиниб, боши айланиб ётганда бу ҳақда кўп ўйлади. Чала ўлик, чала тирик ҳолда азоб денгизига бир ғарқ бўлиб, бир юзага қалқиб чиқиб ётганида ўзини «прокуратураданман», деб таништирган одам бешта сурат кўрсатиб, «қайси бири билан зеквагонда келгансан?» деб сўради. Турсунали Тенгизнинг огоҳлантиришини эслаб «Удав»нинг суратини адашмай кўрсатди. «Прокуратураданман» деган одам нечундир бошқа нарсани сўрамади.

Ошхонада жанжал бошланганида, айниқса жағига биринчи мушт тушганида Нуриддинни излади. Кейинроқ эслади: Нуриддин ўша куни эрталабдан кўринмаган эди. Йўқ, ҳатто тунда ҳам жойида ётмаган эди. «Қаёққа йўқолди! Ё қочиб кетдими у нодон?» деб ўйлади Турсунали. Нуриддиннинг қамоқ ҳибсхонасида эканини билгач «омадли бола экан», деб қўйди. Бу масалада у ҳақ эди. Чунки бир неча кунлик ҳибс Нуриддин ҳаётини омон сақлаб қолди, дейиш ҳам мумкин.

Тайёрланмиш фитнадан огоҳ бўлган куннинг эртасига оқшомда Нуриддин ҳовлида бошлиқ муовинига дуч келди. Салом бериб ўтиб, икки қадам ҳам босмаган эди-ки, майор «тўхта!» деб буюрди. Нуриддин тўхтагач, бўралаб сўкиб, «нега салом бермадинг?» деб бақирди. «Салом бердим-ку?» деб ажабланган Нуриддинни майор «ҳали гап ҳам қайтарасанми!» деб уриб қолди. Нуриддин жавоб қайтариш у ёқда турсин, ҳимояга чоғланса ҳам баттар бўлишини билгани учун тобе ҳолида туриб берди. Майор уриб, сўкиб бўлгач, Нуриддинни ҳибсхонага бошлаб бориб, «салом бермагани, гап қайтаргани ва лагер ички интизомини қўпол бузгани учун» қамади. Ботқоққа ташланган одам «нечун бунда лой кўп?» деб ажабланмагани каби Нуриддин «бу қадар ноҳақлик бўларми, ахир?!» деб ҳайратлан-

мади ҳам, ғазабланмади ҳам. Бу тарздаги ҳибсхонада ўтиришлар уйга юборажак ва олинажак муждалар сонини камайтиришини, оқибат озод бўлиб чиқиш онларига салбий таъсир этажагини билгани учун афсусланди, холос.

Ҳибсдан қутулиб чиқиши билан уни Тенгиз чорлатди. Ёмғирдан сўнг адл қомат оқ қайинлар нозикбадан келинчаклардай кўзни қувонтирарди. Тенгиз дарахтнинг силлиқ баданига кафтини қўйиб атрофга суқланиб боқарди. Унинг овулида, арчалар орасида, унда-бунда шундай оқбадан қайинлар кўзга ташланарди. Уларни биров атайин олиб келиб экканми ё қадимдан бормиди — Тенгиз билмайди. Тоғ арчалари орасида бегонасирамай ўсаётган бу дарахтларга қараб завқланарди. Бу ер ўз юрти бўлганиданми, оқ қайинлар ўзгача жилва қиларди.

Нуриддинни бошлаб келган Пачоқбурун сал берида тўхтаб «Княз, келди», деб овоз берди. Тенгиз орқасига ўгирилгач, ўзи нари кетди. Нуриддин эса у томон юрди.

— Ҳа, Ҳамзат, кел, мана буни қара: агар дунёда покизалик истасанг, дарахтлару кўкатлардан изла. Одамлардан қидирма — овора бўласан. Кафтингни қўй бу ерга, сўнг табиатнинг шивирига қулоқ тут.

Нуриддин Тенгизнинг айтганини қилди. Аммо ҳеч нарсани сезмади, тушунмади. Тенгиз эса худди ўзига ўзи гапиргандай шеър ўқий бошлади:

Англадим: номуснинг қотили — қуллик,
Кўрдим: тожли бошлар таъзимга келди.
Булбулларим ўлди Чаманзорларда
Булбулли мақоми чўғзимга келди.
Ҳақоратлар едим. Таҳқир, ҳақорат —
Тирноғимдан тортиб бўғзимга келди...

Русчалаб айтилган сатрларни Нуриддин яхши тушунмади. Яхшики, Тенгиз «Англадингми, Ҳамзат?» демади. Сўраганида унинг довдираши аниқ эди.

Бу сатрлар Тенгизнинг хаста юрагидан потраб чиқиб беихтиёр тилга кўчган, Нуриддинга айтиш учун мўлжал-

ланмаган эди. Тенгиз ҳам, бошқа шериклари ҳам ўзларини «озод инсон» ҳисобласалар-да, аслан ўзлари барпо этган зиндонга маҳбус эдилар. Дастлаб ҳашаматли қаср бўлиб кўринган бу зиндондан ҳеч ким осонликча, аниқроқ айтилса, тириклигича қутулган эмас. Кўпчилик қутулиш чораларини ўйламайди ҳам, изламайди ҳам. Тенгиз эса бу қаср остонасига қадам босгунича бўлган чин озодлигини қўмсайди. Юраги баъзан қаноти синган қуш сингари учмоқ истайди. Қайси замонда, қай маконда қанотлари синган қуш эркин осмонга парвоз қилибди-ки, Тенгизнинг қалби бунга етишса...

— Бу дарахт бечоралар бизлар туфайли тутқунда, бизларни деб булар ҳам тиконли қамоқ симтўрлари билан ўралган... — Тенгиз бу гапни ҳам Нуриддин учун эмас, ўзи учун паст овозда айтди.

Уларнинг макони покиза ҳисларга банди бўлиб туришга кўпам имкон бермайди. Бунда қалблар бир неча лаҳзагина аслига қайтиши мумкин. Сўнг... яна бузуқлик, ёвузлик, нафрат чодирларига ўралади. Ўралганда ҳам чирмаб ўрайди, эзади, сиқади. Озгина фурсат яйраган ҳислар эса нола чекади, инграйди, оқибат — овози ўчади.

Тенгиз шундай ҳолатда эди.

Зулмат чодири қалбни ўради — кафтини дарахт баданидан олди.

— Мазза қилиб чиқдингми? — деб Нуриддиннинг елкасига енгил муштлади. — Эшитгандирсан, ўша фитна худди мен айтгандай амалга ошди. Янис оғир ётибди. Бугун-эрта жон берса ҳам эҳтимол. Бир муъжиза билан тирик қолса ҳам, отувга ҳукм этилади. Ўлдирилган уч маҳкумнинг хуни унинг бўйнига илинди. Яна учта шериги ҳам кетади. Сен билан биз эса маишатларимизни қилиб юраверамиз.— Тенгиз кейинги гапини аччиқ киноя билан айтди-да, дарахтни тепди.— Улар юртларига озодлик уруғи сепган эдилар. Бу ерга келиб ўлим мевасини ундириб едилар. Айб бизда эмас, Ҳамзат, сен ҳали бундай томошаларнинг кўпини кўрасан.

— Мени нимага қамашди?

Нуриддин аслида «сиз қаматтирдингизми?» деб сўрамоқчи эди. Тенгиз саволнинг мағзини ўқиб, бош чайқади:

— Билмайман, Ҳамзат. Кўзига хунук кўриниб қолгандирсан. — Тенгиз шундай деб кўзларини лўқ қилганича унга тикилди. Айрим одамлар ёлғонни сездирмаслик учун нигоҳини олиб қочади, Тенгиз эса аксинча, тик қарайди.

Нуриддиннинг гумонида жон бор эди: у Тенгиз истаги билан қамалганди. Тенгиз кечаси Кошакнинг арағини ичгач, кўп ўйлади. Эртасига Кошакни чорлаб, гапни айлантириб сўради. Кошак аниқ жавобдан бўйин товласа ҳам, Нуриддиннинг ўлимга ҳукм қилинганини ишора билан маълум қилиб қўйди. «Шогирдинг ҳам синаладиган бўлиб турибди», дейишиданоқ Тенгиз унинг шумлигини пайқади. Англади-ю, майорни ишга солди. Майорнинг осонлик билан кўнганидан билдики, Нуриддиннинг нишонга айланиши қамоқ лагери бошлиқларининг фикри эмас, Кошакнинг шахсий ташаббуси. Шу боис ҳам Нуриддин қутулиб чиқиши билан уни чақиртирди.

— Ҳамзат, сенинг боғча болалик давринг ўтди. Энди мактабдаги ўқишни бошлашинг керак. Ўжарликни йиғиштир, сен учун энг тўғри йўл — бизнинг йўлимиз. Биринчидан, жонингни асрайсан, бу ердан тирик ҳолда, икки оёғингда юриб қайтасан уйингга. Иккинчидан, билиб қўй: уйингга қайтганингда биров сени одам ўрнида кўрмайди. Ҳатто энг яқин қариндошларинг учун ҳам сен «қамалиб чиққан одам»сан. Бировникига меҳмонга борсанг ҳам сендан хавфсираб туришади. Игна йўқолса ҳам сендан кўришади. Улар орасида энди ҳалол яшай олмайсан. Ҳамонки сендан шубҳаланишяптими, яхшиси чинакам ўғри бўлиб яшайверганинг маъқул. Сен бизнинг касбимиздан нафратланма, аввал ҳам айтганман, яна айтаман: биз ҳалол одамлармиз. Биз бирон бир ишчининг ёки мактаб муаллимининг уйига бостириб кирадиган аҳмоқ эмасмиз. Хўп, кирдик ҳам дейлик, нима оламиз бу уйдан? Ювилавериб ёқалари титилиб кетган кўйлакларними? Мен сентябрь ойида овга чиқишни яхши кўрардим, Ҳамзат. Нимагалигини биласан, а? — Тенгиз шундай деб

ҳузурланиб жилмайди. — Ҳа, айтмоқчи, Ҳамзат, сен нима учун институтда ўқимадинг? Истамадингми?

Нуриддин Тенгизнинг мақсадини тушунмади. Шунинг учун аввалига «Нима эди, нима учун қизиқиб қолдингиз?» деб сўрамоқчи бўлди. «Қутулиб чиққанимдан сўнг ўқишга жойлаштирмоқчими?» деб ҳам ўйлаб, тўғрисини айтиб қўя қолди:

— Саккизинчини битириб, у ёғига ўқий олмаганман.

— Нимага ўқимагансан Ҳамзат, билиминг каммиди ё ақлинг каммиди?

Кейинги савол Нуриддиннинг ҳамиятига тегиб, тўнглик билан жавоб берди:

— Пулим кам эди.

Бу жавоб Тенгизга маъқул келиб, кулди:

— Шунақалигини билардим, — деди у Нуриддиннинг елкасига яна енгилгина мушт уриб. — Сендақалар кўп бу мамлакатда. Ўнинчини тугатганингда ҳам барибир институтга киролмас эдинг. Ёздаги кириш имтиҳонларида ўқитувчилар денгизга тўр ташлаган балиқчиларга ўхшаб нодонларнинг пулларини йиғиб оладилар. Мен эсам тўримни уларнинг устига ташлайман. Қани айт-чи, ким кўпроқ гуноҳкор? Уларми ё менми? Биз ҳалол ўғримиз, Ҳамзат, энди сен ҳам бизнинг оиламизга қўшиласан.

— Мен...

— Жим бўл! Гапингни эшитишни ҳам истамайман. Қарорим қатъий — шикоятга ўрин йўқ! Сен бугундан бошлаб Қўтоснинг шогирдисан. Менга қара, ўжар, сен унинг ҳунарини астойдил ўрганавер, озодликка чиққанингдан кейин нима қилишни ўзинг биласан. Ҳа, айтмоқчи, чап қўлда овқат ейишни биласанми? — Тенгиз шундай деб муғамбирларча жилмайди-да, саволига жавоб бўлмагач, гапини давом эттирди: — Қадимда энг зўр ўғрилар Бағдодда бўлар экан. Сенга ўхшаган бир аҳмоқ ўғриликни ўрганаман деб Бағдодга келиб, энг зўрини топиб, арзини айтибди. Зўр ўғри «Бўпти, шогирдликка олдим сени», деб уни меҳмон қилибди. Аммо «Овқатни чап қўлда ейсан», деб шарт қўйибди. Аҳмоқ шогирд қанча уринма-

син, овқатни чап қўлида еёлмай «Шу шартми?» деб норозилик билдирибди. «Шарт, — дебди устоз, — ўғриликнинг энг асосий шарти — чап қўлда овқат ейиш. Чунки ўғри эртами-кечми панд еб, ҳибсга олинади. Панд едими, тамом, шариат ҳукмига биноан ўнг қўли кесилади. Сенинг қисматинг ҳам шундай бўлади. Овқатни чап қўлда ейишни ҳозирдан ўргансанг, кейин қийналмайсан». Бу гапни эшитиб, ҳалиги аҳмоқ орқасига қочворган экан. Лекин сен хавотир олма, бизнинг ҳукумат одил, қўлни кесмайди. Тўрт йилми, беш йилми боқади, дам беради, сенга ўхшаган думбулларнинг малака оширишига имкон яратади. Кейин қўйиб юборади, — Тенгиз шундай деб кулди.

Нуриддин унинг бу кулгиси замирида хушчақчақлик, қувонч нурини эмас, алам ва изтироб заҳрини сезди.

Нуриддин ўша куниёқ Қўтоснинг қўлига «тантанали суратда» топширилди. Қўтос дастлабки кунлари унинг «ғоя»сини бойитиш билан шуғулланди. Ўғрилар оламига хос тартиб-қоидалар билан таништирди. У ҳар бир тартиб ёки қоиданинг аҳамиятини эринмай тушунтирар, худди ривоят айтувчи ровий каби қиссадан ҳисса ясаб, бу қоидаларни бузганларнинг қандай жазога йўлиққанларини батафсил баён этарди. Қўтос — жар лабидаги сўқмоқдан, қирғоқларни боғловчи қил кўприкдан кўзларини чирт юмиб олиб ҳам югуриб кетаверадиган одам, гўдакни етаклаб, бу йўлдан адашмай юрмоқни ўргатарди. Ўргата туриб «орқага қайтишни ўйлама, ҳатто ортингга бурилиб қарама», деб уқтирарди. Тенгиз «озодликка чиққач, нима қилишни ўзинг биласан», дегани билан Нуриддин тўрга ўралиб бораётганини сезиб турарди. Сезарди-ю, қутулмоқ чорасини тополмай гаранг эди.

Навбат «сиёсий» тайёргарликдан «амалий» машғулотга ўтиб, Қўтос темир жавонларнинг, улардаги қулфларнинг турлари ҳақида тушунтириб ўтирганда Кошак яқинлашиб, ён томонга хунук тарзда тупурди-да:

— Князингнинг куни битди, — деди Қўтосга қараб.

Бу кутилмаган хабар Нуриддинни ҳам, Қўтосни ҳам танг қолдирди.

— Нима бўлди? — деди Қўтос ўрнидан туриб.

— Нима бўларди, — деди Кошак Нуриддинга қараб заҳарли тиржайиб, — куни битгандир-да. Қўлларига кишан уриб, ҳибсхонага ташладилар.

— Ким ташлади? Нимага ташлади?

— Нималигини улардан сўра. Князинг кейинги пайтда ўзини ростдан ҳам «княз» деб ишониб қолувди. Уни уч ҳарф тинчитади энди.

— Кошак, сен бундан қувоняпсанми? — деди Қўтос аччиқланиб.

— Бўлмасам-чи! Энди бу ерда мен князман!

— Бекор айтибсан! Биз ҳали ўйлашиб кўрамиз. Сен биродарингнинг мусибатидан қувониб, қонунни бузяпсан!

— Қўтос, сен ўзингнинг ишингни билиб қилавер. Лекин мана бунақа итваччаларни йўқот. — Кошак шундай деб ёнидан буклама пичоқни чиқариб сопи ёнидаги тугмани босди. Офтобда ялтиллаган пичоқ тиғини Нуриддиннинг кекирдагига тиради: — Ана энди ҳимоячинг йўқ, Бифштекс учун жавоб берадиган вақтинг келди. — Шундай деб тиғни аста ботирди.

— Кошак, бу бизнинг одам!

— Бекор айтибсан, бу итваччалар ҳеч қачон бизнинг одам бўлишмайди. Мен Бифштекс учун буни ўлдираман, деганманми, демак, ўлдираман. Майли, ҳозир эмас, озгина яшасин, қутулиб чиқсин, уйига борсин. Ўша ерда... бунинг сассиқ онасини ўзининг кўз олдида трамвайга қўяман... Кейин...

Кейин нима бўлишини айта олмади. «Сассиқ онасини...» деганидаёқ Нуриддиннинг жони ҳалқумига келди, «трамвайга қўяман», деганида эса қалбида нафрат ва ғазаб вулқони портлади-ю, кўз олди қоронғилашди. Томоғига пичоқ тираб турилганини ҳам унутиб, Кошакнинг нақ қаншарига мушт туширди. Нарига учиб тушган Кошакни тепмоқчи бўлганида Қўтос йўлини тўсди. Дам ўтмай

Кошак ўрнидан туриб, ерга санчилиб қолган пичоқни яна қўлига олди:

— Қўтос, қоч, бу итни менга қўйиб бер! — деди у хириллаб.

— Фақат ўзингни ҳимоя қил, — Қўтос Нуриддинга қараб шундай деди-да, ўзи четга чиқди. Кошак эса ўша заҳоти қутурган мушук мисол Нуриддинга ташланди. Нуриддин унинг ҳамлаларига чап бераверіб, бир неча дақиқа сарсон қилди. Ҳамлалари бекор кетгани сайин Кошак бўралаб сўкар, бетўхтов равишда тупурар эди. Унинг бу қилиқлари Нуриддиннинг жонига тегиб, охири Кошакнинг пичоқ тутган қўлини мўлжаллаб туриб, билагига қаттиқ тепди. Нарига учиб тушган пичоқни Қўтос олди-да, тиғини буклаб, ўзининг чўнтагига солди. Кейин қўлини чангаллаганича тиз чўкиб ўтириб қолган Кошакка яқинлашиб, билагини ушлаб кўрди:

— Ўлмайсан, синган бўлса тузалиб кетади. Беш-ўн кун қитмирлик қилмай ўтира турасан.

— Мен уни ўлдирмай қўймайман, — деди Кошак, кейин Нуриддинга қараб бақирди: — Эй, ит! Энди сен ўликсан, тушундингми, ўликсан!

Нуриддин тушунди. Булар «ўликсан», деб ҳукм чиқаришдими, демак, муддаога етишмагунча тинчишмайди. Демак, яшаб қолишнинг ягона чораси бор: уни ўлдириш!.. Нуриддин шу тўхтамга келгани билан қарорини амалга ошириш йўл-йўриғини билмас эди. Урушда бўлса эканки, шартта қурол тепкисини босиб, ўқ ёғдириб юборса. Бунда қурол йўқ, мушт билан эса бирон натижага эришиш қийин. «Ўйчи ўйига етгунича, таваккалчи тўйига етибди», деганларидек, у бирон йўл излаб топгунича булар масалани ҳал қилиб қўя қолишлари мумкин. Бугун кечасими ё эртасигами, ҳар ҳолда чўзиб ўтиришмаса керак.

Кечаси зийрак ҳолда ётган Нуриддин янглишмади. Ҳамма ширин уйқуда эканида Қўтос келиб «Менинг ўрнимга ўтиб ёт», — деди. Орадан бир соатлар ўтгач, барак эшиги очилиб, Кошак ёнида тўрт йигити билан

кириб келиб, тўғри Нуриддин ётган жойга қараб юрди. Йигитлардан иккитаси ётган одамни Нуриддин деб фаҳмлаб, имо-ишорасиз ҳолда икки оёғини таппа босгани ҳамон, қолган иккитаси қўлдан олишга улгурмай, Қўтос қаддини кўтарди:

— Кошак, яна хато кетдинг, мен эсам янглишмадим,— деди у овозини пастлашга ҳаракат ҳам қилмай.— Болага тегма, дедимми, демак, тегмайсан. Жўна энди!

Кошак сўкинганича чиқиб кетди.

Қўтос эса ўтирган ерида ўйга толди. Князнинг ҳибсга ташланиши билан Кошакнинг бу қадар қутуриши сабабларини излаб топмоқчи бўлди. Кошакнинг ҳар бир босган қадамини кузатиб юрган махфийлар тонгда Қўтосга кутилган ва кутилмаган хабарни етказдилар. Қўтос Кошакнинг Турсуналини сиқувга олажагини гумон қилган, аммо ҳибсхонадаги Тенгиз ҳузурига киришини ўйламаган эди. Қамоқ лагерига Москвадан одамлар келиши, князнинг қўлига кишан урилиши ва Кошакнинг қутуриши бир занжир ҳалқалари билан боғланганини фаҳмлади. Аввалига «политбюро»ни шошилинч равишда тўпламоқчи бўлди. Бироқ, ўғрилардан яна қанчаси Кошак томонда эканини аниқ билмагани учун бир оз кутишга қарор қилди.

Ўғрилар оламида туғилиб, вояга етган, суяги қотган Қўтоснинг ақли бу сафар ҳам ўзига хиёнат қилмаган, воқеаларни боғлаб турган кўринмас занжир ҳалқаларини ақл кўзи билан кўра олган эди.

ТАЛВАСА

Омонулло бир варақ қоғозни тўртга бўлди-да, бирига «Самандар Очилов», иккинчисига «Тошболта», учинчисига эса «Матлуба Тўхтаева», тўртинчисига эса «кооператив», деб ёзиб, сўроқ белгиси қўйди. Сўнг қарта чийлаётгандек аралаштиргач, стол устига ёйиб, бир нарса ўқимоқчи бўлаётган фолбиндай тикилиб ўтирди. Кейин Тошболта зикр этилган қоғоз парчасини нари сурди. Дам ўтмай Матлубанинг исми ёзилгани ҳам четга сурилди.

Шу ўтиришида диққати ошгандан ошиб, тўртинчи қоғоз парчасига ҳисобсиз сўроқ белгилари чизиб ташлади-да, чуқур «уф» тортди. Ана шундай тарзда сиқилиб ўтирган чоғида телефон жиринглади. Гўшакни истамайгина қулоққа тутди-ю, беихтиёр сапчиб туриб кетди. Четдан қараган одам у телефон гўшагини эмас, адашиб, қизиб турган дазмолни қулоғига тутди-ю, куйди, деб ўйлаши ҳам мумкин эди. Аслида эса Омонуллони сапчиб туришга бошлиқнинг хабари мажбур этган эди. Бир неча дақиқада тезкор гуруҳнинг барча йигитлари ҳовлида тўпланишди-ю, навбатчи машинада Самандар Очиловнинг уйига йўл олишди.

Уйнинг эшиги ланг очиқ, қўллари кишанланган Самандар меҳмонхонадаги дераза ёнида кўчага тикилганича тек турарди. Қадам овозларини эшитиб бурилиб қаради-ю, Омонуллонинг нигоҳига рўпара бўлди. Омонулло қошу-киприкларигача малла бўлган бу одамга бир зум тикилди-да, сўнг уйда пойлоқчилик қилган ҳамкасбига қаради. Ҳамкасб йигит бу қараш замиридаги саволни ўқиб қисқа тарзда ахборот берди:

— Хотиржам келиб қулфга калит солди. Эшикни очиб, остонада бир пас қимирламай турди.

— Ҳеч нарсага тегмадиларингми? — деб сўради Омонулло атрофга бир разм солиб.

— Йўқ.

— Қўлларини бўшат.

Самандар кишандан бўшаган билакларига маъюс тикилиб қолди.

— Ўтиринг, Очилов, — Омонулло иккита стулни бирбирига қарама-қарши қўйди-да, ўзи деразага орқа қилиб ўтирди. Самандар отасидан тарсаки тушиб қолишидан қўрққан боладай ҳадиксираб турди.

То уйига етиб келгунига қадар Самандарнинг руҳи гўё беҳисоб чаёнлар ҳукмида бўлди. Уйида қандайдир нохушлик кутаётганини юраги сезиб, эзилган бўлса-да, «милиция ходимига дуч келарман, остона ҳатлашим билан қўлларимга кишан солинар», деб ўйламаган эди. Пой-

лоқчи йигитга «Очилов келиши билан қимирлатмайсан», деб буюрилган, у Самандарнинг кимлигидан бехабар бўлгани сабабли уни ашаддий қотил гумон қилиб, қўлини кишанлаб қўя қолган эди. Самандар эса буни узил-кесил ҳукм деб тушуниб ҳушидан кетаёзди.

— Ўтиринг, — деди Омонулло бу сафар қатъийроқ тарзда.

Самандар стулнинг суянчиғини ушлаб асталик билан ўтиргач, Омонулло ўзини танитди-да, сўроғини бошлади:

— Москвада ҳамиша кўп қолиб кетасизми?

— Ишга қараб, — деди Самандар унга тик қарай олмай, — баъзан эрталаб бориб, кечқурун келаман. Бу сафар сал тобим қочди...

— Нима бўлди?

— Ёқмайдиган нарса еганман шекилли... сал заҳарланибман.

— Сизни олим дейишди... Нима билан шуғулланасиз?

— Буни аниқ айтишим мумкин эмас.

— Умумий тарзда-чи?

— Умумий тарзда... зилзилага оид десам ҳам бўлади.

— Бу ишга чет элликлар ҳам қизиқса керак?

— Билмадим... балки қизиқар...

— Сизга биров шу иш бўйича таклиф қилганми ё...

— Йўқ. Нега сўраяпсиз?

— Душманингиз йўқми, демоқчиман.

— Душман... билмадим... бўлмаса керак.

— Нафиса Болтаева сизнинг иккинчи хотинингизми?

— Ҳа... — Самандар шундай деб нигоҳини олиб қочди.

— Ҳозир у қаерда?

— Билмайман... уйда бўлиши керак эди.

— Охирги марта қачон, қаерда кўргансиз?

— Эсимда йўқ...

— Қизиқ... хотинингизни қачон кўрганингизни ҳам эслолмасангиз... Бизни бу ерда кўриб ҳайрон бўлмадингизми?

— Ҳайронман...

— Москвага кетишингиздан олдин бир полковник ҳамроҳлигида келиб уйингизга кириб чиққансиз, қўлингиз нима учун қон эди?

Бу савол Самандарнинг бошига оғир гурзи мисол урилиб, товонига қадар зириллатди, ҳушини йўқотиб, ақлдан озган девонадай бақрайиб қолди. Афтодаваш бу одамнинг кўзларига Омонулло жон олғувчи Азроил бўлиб кўринди. Ўшанда полковник сўраганида савол ўқидан «шиша тилиб кетди», деб қутулган эди. Ҳозир тилига шу жавоб ҳам келмай, соқов ҳолида тураверди. Омонулло саволни яна қайтаргач: «Эсимда йўқ, балки кесиб олгандирман», деб ғудранди.

— Чап қўлингизни кесувдингизми ё ўнгинимм?

Самандар ажабланиб, қўлларига қаради: дарвоқе, қайси қўли қон эди? Савол яна такрорлангач, «ўнг қўлим», деди.

— Яхши, буни ҳали мутахассисларимиз аниқлаб беришади. Нима билан, қандай кесганингизни ҳам эслаб туринг. Энди асосий гапга ўтайлик: уйга кирганингизда ким бор эди?

— Бугунми? — деб сўради Самандар.

— Йўқ, ўша куни.

— Ҳеч... ҳеч ким йўқ эди.

— Хотинингиз, мен иккинчисини назарда тутяпман, ҳозир қаерда?

— Билмасам... уни тоққа олиб кетсам, деб келувдим.

— Шу гапингизга ўзингиз ишонасизми?

— Мени нима учун бундай сўроқ қиляпсиз? Айбим нима?

— Айбим, дедингизми? Сизнинг тилингизда бу «айб» дейилса, бизнингча «жиноят» деб, янада аниқ айтилса, «қотиллик» деб юритилади, — Омонулло шундай деб портфелидан ўликларнинг суратини олиб кўрсатди. Самандар бир қаради-ю, дарров кўзларини олиб қочди. — Қаранг, нима учун қарагингиз келмаяпти? Нима учун уларни ўлдирдингиз? Рашк қилдингизми ё бошқа сабаб борми?

Самандар бу саволларни эшитгач, кўзларини каттакатта очиб Омонуллога қаради. Омонулло уни кузатиб,

бамайлихотир ўтираверди, бошқа сўз айтмади. Мана шу қисқа муддатли сукут Самандарга ажал ўқининг азобларидан ҳам баттар туюлди. У ўшанда ўликлардан қўрқиб қочган эди, бу қочқинлиги, бу қўрқоқлиги эвазига «қотил» деган нишонга эришувини ўйлаб кўрмаганди. Бўйнига сиртмоқ осонгина туша қолиши етти ухлаб, бир тушига кирмаган эди. «Нима учун ўлдирдингиз?» деган савол уй деворларига урилиб акс-садо бераверди.

— Нима деяпсиз?... Мен.. ўлдирганим йўқ, — деб пичирлаши билан дардини тўсиб турган тўғон бузилиб, йиғлай бошлади.

«Биринчи хотини тўғри айтган экан», деб ўйлади Омонулло.

— Сиз ўлдирмаган бўлсангиз.. ким қилиши мумкин бу ишни?

— Билмайман...

— Пичоқ сопида бармоқ изларингиз бор, — Омонулло буни тахминига асосланиб айтди. Пичоқ сопи, эшик тутқичи, темир жавон, яна айрим буюмлардаги бир хил из Очиловга тегишли, деб гумон қилинган эди. Гумон ҳақиқатга айланиши учун бир неча дақиқадан сўнг Самандарнинг бармоқ излари олинади. Унга қадар эса тахминга суяниб иш кўриш ҳам мумкин.

— Мен ўлдирганим йўқ, ишонинг. Мен кирганимда улар...

— Ўлганмиди?

Самандар бош ирғаганича гўдак каби йиғлайверди.

— Унда нима учун «кўрмадим» дедингиз?

— Қўрқдим...

— Нимадан... ёки кимдан?

— Ўликдан... ўликдан қўрқаман.

— Қизиқ... сиз қўрқсангиз, мен қўрқсам, мурдани кимдир кўмиши керак-ку? Ўликни кўра туриб қочиб қолганингиз ақлга сиғмайдиган иш. Дейлик, сиз қотил эмассиз. Лекин кирдингиз, кўрдингиз, хотинингиз бу аҳволда, ёнида эса бир эркак. Танирмидингиз уни?

— Йўқ, йўқ, танимайман.

— Хотиним билан ўлиб ётган бу эркак ким экан, деб қизиқиб қарадингизми ўзи?

— Йўқ... очиғини айтсам... қарадиму юзини кўрмадим. У... юзтубан ётган экан.

— Нима? Юзтубан? Адашмаяпсизми?

Самандар бир оз ўйланиб, сўнг айтганини такрорлади. Омонулло эса ажабланиб чалқанча ётган мурданинг суратига қараб олди. «Агар бу ўлдирмаган бўлса, демак, қотил уйда эдими, у чиқиб кетганидан кейин мурдани ўгириб қўйдими?» Омонулло бу масалада турли гумонларга борди. Бироқ, бу ишни Тошболта ҳам қилган бўлиши мумкин деган фикр унга хиёнат қилди — гумонни ойдинлаштирмади.

— Демак, сиз кирганда булар ўлиб ётишган экан. Эсланг-чи, пичоқдаги қон илиқмиди ё қотиб қолганмиди?

— Илиқ эди... сесканиб кетдим, қўрқдим.

— Бармоқларидаги узукларни, қулоқларидаги зиракларни нега олиб қўйдингиз?

— Нима деяпсиз? Ўликдан ечиб оламанми?!

— Балки ечиб олиб сейфга қўйгандирсиз?

— Сиз... туҳмат қиляпсиз, мени кечиринг...

— Унда сейфни нима учун очдингиз?

— Москвага олиб борадиган ҳисоб-китоб ҳужжатларим бор эди. Шуни деб атай келувдим. Бўлмаса тўғри учаверар эдим.

— Сейфнинг калити хотинингизда ҳам бормиди?

— Йўқ. У ерда фақат менинг қоғозларим туради.

— Очинг.

Саросима тўридаги Самандар чўнтакларини пайпаслаб калитни қидирди. Сўнг дипломатини очиб йўғон калитни олгач темир жавонни очди-да, ўзи икки қадам чекинди. Омонулло темир жавон ичида титилган қоғозларга диққат билан разм солиб айрим саҳифалардаги қонли доғни кўрди. Жавонда пул ҳам, қимматбаҳо буюм ҳам йўқ эди.

— Қаранг-чи, ҳеч нимангиз йўқолмаганми?

Самандар нарсаларни кўздан кечириб «ҳаммаси жойида» дегач, Омонулло экспертларни чақириб қон теккан

қоғозларни ажратиб олиб, уларга бермоқчи бўлди. Самандар бунга эътироз билдиргач, қоғознинг доғ қисмини қайчида эҳтиётлик билан қирқиб олишди. Шундан сўнг Омонулло Самандарни даҳлизга бошлаб чиқди.

— Энди шошилмай, бир бошдан айтиб, кўрсатасиз. Айтадиган ҳар бир сўзингиз ё фойда беради ёки аксинча, ўзингизга зарар келтиради. Олим одам экансиз, майли, суҳбатимиз бошидаги довдираганингизни кечирай, аммо бундан буёғига эсингизни йиғиб олинг. Сизни «қотил» дегим келмаётган бўлса ҳам далиллар барибир сизга қарши турибди. Демак, сиз зинадан кўтарилиб чиқдингиз. Йўлда кимни кўрдингиз? Рўпарангиздан нотаниш одам ўтмадими?

— Йўқ... тўхтанг... ҳа, қўшни хотинни кўрдим, шекилли?

— Эшигингиз қулф эдими, уни калит билан очдингизми?

— Қулф... — Самандар шундай деб, худди қўлида калит тургандай кафтига қараб олди. — Очиқ эди, шекилли... Ҳа, аниқ... очиқ эди. Эшикдан киришим билан димоғимга газ ҳиди урилди. Нафисахоннинг ғалати одатлари бор эди. Иккита-учта човгумни эритиб, ўзларини Худо бир асраган. Қишлоқда газга ўрганмаганлар-да, човгумни оловга қўйиб эсдан чиқариб кетаверганлар. Яна шунақа бўптимикан, деб ўйлабман. Хаёлим газда бўлиб, хавотирда оёғим остига қарамабман. Ошхонага ўтаман, деб бу... ўликка қоқилдим...

— Йиқилдингизми?

— Йў-ўқ... йиқилмадиму... лекин Нафисахонга кўзим тушди.

Самандар Омонуллонинг буйруғига итоат этиб, мурдаларнинг қай ҳолатда ётганини кўрсатиб бераётганида суратчи чаққонлик билан суратга олиб турди.

— Хўп, хотинингизни сиз ўлдирмабсиз, лекин пичоқ сопини нега ушладингиз?

— Суғуриб олмоқчи бўлгандирман... Ҳа... лекин ушладиму тортиб олишга қўрқдим. Кейин... газ нафасимни бўғиб қўйди. Деразани очиб, газни беркитдим.

Омонулло очиқ деразага қаради. Дастлаб бу ошхонага кирганида ҳам дераза табақаларининг очиқлигига эътибор берган эди, аммо мурдаларнинг ҳидидан беҳаловат бўлган ҳамкасблар хонани шамоллатиш учун очгандирлар, деб ўйлаганди. Омонулло газ плитасига ҳам диққат билан қараб учала бурагичнинг очиқ турганини кўрди. Самандар Омонуллонинг назарини уқиб, тезлик билан изоҳ берди:

— Мен юқоридан бураб беркитдим. Ўзимнинг одатим шу: уйдан чиқадиган бўлсам албатта юқорисини бураб ўчираман, шуниси ишончлироқ бўлади. Нафисахонга гапиравериб ҳеч ўргатолмадим…

Чиндан ҳам плита уланган қувур белидаги бурагич газ йўлини тўсган эди. Бу Омонулло учун катта жумбоқ бўлди: «Нафиса Болтаева очса битта бурагич бураларди. Бунда эса учаласи очиқ… Демак… тўртинчи одамми? Бу олим пиқиллаб йиғлаётгани билан ўз ишига пухта бўлсачи? Айбсизлигини исботловчи далилларни пишитиб қўйгандир балки?..»

Шу жумбоқ тўрига ўралаётган дамда Мэлс Хўжаев кириб келди. Омонулло уни Самандарга таништирди. Самандар беихтиёр тарзда «танишганимдан хурсандман», деб лутф қилиб, қўл узатди. Фақат Мэлс Хўжаев эмас, ҳатто Омонулло ҳам бундай танишувга энди дуч келиши эди. Жиноятга алоқадорликка гумон қилинаётган одамнинг прокурор билан танишгандан хурсандлиги бу соҳа одамлари учун ғалати туюлувчи ҳол эди. Ёлғон манзиратдан узоқ бўлган Самандар «танишганидан хурсандлигини» чин дилдан айтган эди. Зеро, у прокуратура вакили билан жиноятга оид қидирув инспекторининг вазифаларини аниқ фарқлай олмасди. У оламга татигулик олим мартабасига етгани билан ҳуқуқ соҳасида деярли ҳеч нарса билмасди. Ҳозир махсус вакил эмас, прокуратура боғбони ёки фарроши келиб сиқувга олса ҳам «менга савол беришга ҳаққингиз борми?» деб ўтирмай жавоб қайтараверишиш мумкин эди.

Самандарни ошхонада қолдириб, Омонулло Мэлс Хўжаевни меҳмонхонага бошлаб ўтди-да, савол-жавобнинг баёни билан таништирди.

— Қўрқоқлиги аён, лекин қўрқоқнинг ҳам найранги бўлади. Бу уйга бегона одамнинг яширинча кириши мумкинми? Ҳарбий сир ҳисобланган иш билан машғул одамни нариги идора нега қўриқламас экан? Бир суриштириб кўролмайсизми?

— Сўраб-суриштирдим, — деди Мэлс Хўжаев мағрур оҳангда. — Фақат унинг ўзини пойлашаркан.

— Тушунмадим?

— Агар уйда бўлса, уй атрофида бўлишаркан. Уйда йўқлигида кузатишмас экан. Тоғда бўлгани учун ўша кунлари қарашмабди.

— Нима қилдик? Ҳибсга олсак, жиноий иш очсак...

— Ҳозирча бошқармадаги вақтинча ҳибсхонага ташланг. Бошқа идора аралашса, ўзлари билишади. Бошқача эҳтиёт чорасини қўллаш мумкин эмас.

Самандарнинг гапларини эшита туриб «шаҳардан чиқмаслик ҳақида тилхат олиб, уйида қолдираверайлик» деган фикр келган, аммо бу фикр заиф туюлиб, қарор даражасига етмаган эди. Мэлс Хўжаевнинг гапидан сўнг, «маъқул» деб бош ирғади.

Мэлс Хўжаев прокуратурада кутишаётганини айтиб, изига қайтгач, Омонулло дераза ёнига бориб кўчага қаради. Унинг уйга толганини кўриб, Самандар «менинг ишим битди, шекилли, бу жиноятга алоқам йўқлигига ишонди», деган хулосага келиб:

— Энди кетаверайми? — деб сўради.

Бу саволдан Омонулло ажабланди. «Эси жойидами бу одамнинг?» деб ўйлаб унга тикилиб қолди.

— Қаёққа кетмоқчисиз?

— Тоққа... у ерда кутишяпти.

— Кутишяпти?.. Кута туришади.

— Бу нима деганингиз? — кўнгли ёмонликни сезган Самандарнинг овози титради.

— Сиз... масала ойдинлашгунича бизнинг... — Омонулло «ҳибсхонада ўтира турасиз», демоқчи бўлди-ю, фикридан қайтиб юмшоқроқ оҳангга кўчди: — меҳмонимизсиз...

— Қамайсизми?

— Бизнинг вазифамиз қамаш эмас, жиноятчини тутиш. Суд деган идора бор, қамашадими ё отишадими, ўшалар ҳукм чиқаришади.

— Ҳаққингиз йўқ... мен жиноятчи эмасман. Кейин афсусланасиз!

— Тўғри айтдингиз. Кейинроқ афсусланмаслик учун биз билан бирга бўлиб турасиз. Айбингиз бўлмаса сизни ҳеч ким ушлаб тура олмайди. Гуноҳсиз эканингизни исботлаш учун эса вақт керак.

Бу гапларни эшитиб, Самандарнинг лаблари титради, кўзлари пирпиради-ю, йиғламади, ўзини тутди — тақдирига тан берди.

Олти кишига мўлжалланган вақтинчалик ҳибсхонадаги деразага яқин каравотда бир йигит чордана қурганича овқатланиб ўтирарди. Ёзувлик дастурхон устидаги ошу кабоб, сомсаю олма-анор, помидору бодрингга қараганда унинг маишати чакки эмасди. Дастурхонни ким киритган бўлса ҳам йигитнинг ҳамхоналари нафсини назарда тутган кўринади. Йигит Самандарни кўриб, ўрнидан туриб сўрашди-да, дастурхонга таклиф қилди. Самандар бу хонага бир зумгагина кирган одамдай каравот четига омонатгина ўтирди. Йигит серманзират экан, «олинг, олинг» деб ундайвергач, Самандар ноилож кабоб гўштидан олиб оғзига солди. Қорин оч бўлса-да, луқманинг томоғидан ўтиши қийин бўлди. Шунда йигит ёстиқ остидан шиша чиқарди-да:

— Қиттак-қиттакка тобингиз борми?— деб сўради.

Москвадаги ҳарбийлар шифохонасида Самандарга ичиш қатъиян мумкин эмаслигини айтишган эди. Улар огоҳлантиришмаса ҳам ароқни ўйласа кўнгли айнийдиган бўлиб қолганди. Ҳозир эса йигитнинг таклифидан сўнг ичгиси келди. Шиша ичида жилва қилаётган суюқ-

лик уни дарддан қутқарувчи халоскор бўлиб кўриндида, «қуйинг», деди. Йигит пиёлани тўлдириб узатди. Самандар икки қултумдан ортиқ ича олмай, қалқиб кетди. Пиёлани дастурхон чеккасига қўйиб йигитга узрли нигоҳи билан қаради. Йигит уни хижолатдан қутқариш учун яна таомга таклиф қилди.

— Олим одамга ўхшайсиз, ака, сиқилаверманг. Бошга тушганни кўз кўради, — деди кулимсираб.

Самандар бу гапдан ажабланиб, йигитга қараб қолди.

— Ҳа, акахон, менга тикилиб қолдингиз? Қайси балога учрабди, деяпсизми? — йигит Самандарнинг фикрини ўқигандай кулди. — Ёш йигит туҳматга учрагандир, деяпсизми? Йўқ, туҳмат бўлмади. Ўзим аҳмоқман. Гаровда ютаман, деб қўлга тушиб қолдим. Кечгача чиқиб кетаман. Нари борса эртага эрталаб қўйиб юборишади. Суянадиган тоғимиз жа-а мустаҳкам, ҳа!

Самандар гаров боғлаб қамоққа тушиш мумкинлигини сира эшитмагани учун ажабланди. Йигит эса кулганича изоҳ берди:

— Менинг гулдай ҳунарим бор, ака, ҳеч қачон хор бўлмайман. Мен машина ўғрисиман. Лекин сиз мендан қўрқманг. Аслида мен ўғримасман. Мен қулфни очиб бераман, бошқалар ўғирлайди. Қулфнинг минг хили бўлса мингтасини, миллион хили бўлса миллионтасини очиб ташлайман. Ўтган куни «қиттак-қиттак»нинг устида оғайним билан баҳслашиб қолдик. Олинг, акахон, совумасин, ичиб қўйинг, дардингиз енгиллашади. Хафа бўлаверманг. Бу ернинг номи хунук, ўзи ёмон жой эмас, бир-икки кун дам олса бўлади. Шундай қилиб ўша оғайним билан гаров ўйнадим. Гаровга янги, мойи қуримаган «Газ-31» тикилди. Шунақа машинадан кечадиган аҳмоқмасман-ку, тўғрими? Бир уйга бехитгина кириб, сейфидаги калитни олиб, машинани очиб беришим керак экан. Ҳа, машинага ҳам, гаражига ҳам чет элдан олиб келган алламбало қулф ўрнатилган экан. Шу ҳам менга иш бўлибдими? Лекин оғайним номардлик қилди. Қоронғида қарамаган эдим, орқада мент яшириниб ётган экан. Ғип томоғимдан олиб,

шу ерга ташлади. Худди кинодагига ўхшайди, тўғрими? Менга-ку барибир, ўша оғайнимга қийин бўлди-да. Олинг, акахон, охиригача ичиб қўйинг, дунёнинг тагига етасиз. Бирпасдан сўнг яна дастурхон киради, қараб турасиз. Ошна-оғайнилар омон бўлишсин, мени хорлатиб қўйишмайди.

Бу гапни Самандар «сизда ҳам ошна-оғайни борми?» деган савол маъносида тушунди. Илгари хаёлига шундай савол келмаган экан. «Бошимга ташвиш тушса далда берувчи дўстим борми?» деб фикр қилган Самандар ҳозир ўзини саҳро ўртасидаги якка дарахт каби ҳис этди. Энди бу дарахт сувсаб, офтоб нурида қовжирайдими? Бу йигит бир неча соатдан сўнг чиқиб кетишини биляпти. Самандар эса ҳибсхонада неча кун ёки неча йил бўлишидан бехабар. Бу ер бир неча кунлик қамоқхона эканини, айб сиртмоғи бўйнига астойдил солинадиган бўлса, бошқа жойда аламлар тузини тотмоғини ҳам билмайди. Уни ҳозир изтиробга ташлаётган нарса — ўн йил ётса ҳам, ҳатто қотил деб отиб ташланса ҳам биров билмай қолиши мумкин. Билганда ҳам афсусланмаслиги, куймаслиги аниқ. Опа-сингилларининг келиши ҳам маҳол. Улар ўз оилалари, ўз ташвишлари билан банд. Бу шаҳарга ҳали бирон марта ҳам келмаган тўнғич опасининг турмуш ташвишларидан ортиб, қамоқдаги укасини йўқлашини тасаввур қилиш қийин. Қишлоққа икки йилдан бери бормаётгани инобатга олинса, меҳр-оқибат ипларининг заифлашиб, балки чириб, узилишга мойил бўлиб қолгани табиийдир. Амакиваччаларию холаваччалари билан қачондан бери борди-келди қилмаслигини ҳатто эслай олмайди.

Серманзират йигитнинг гапларидан кейин хаёлини ўзидан узоқлашган дўстлари, қариндошлари тўла эгаллама ди. Ўзини йўқловчи меҳрибон йўқлигидан бир оз ўксинди-ю, сўнг бўлажак тақдирини ўйлади. Йигитнинг манзиратлари ҳам, эзмалиги ҳам ёқмай қолди. Узр айтди-да, эшикка яқин каравотга ўтиб, чўзилди. Йигит ҳам нафсини қондириб бўлгач, таомларни дастурхонга ўраб

қўйди-да, бўш каравотга ўтиб ётди. Ётган жойида керишиб, роҳатланди. Дам ўтмай енгил хуррак ота бошлади.

Самандар эса шу топда ўз сирига маҳрам бўла олгувчи одамга ҳожат сезди. Аҳбобга муҳтожликнинг қамоқ азобларидан ҳам баттарроқ эканини фаҳмлади. Одамнинг фожиаси ўлим эмас, воҳидлик эканини англаб етмоқ мушкул. Одам боласи истайдими-йўқми, қочмайдими ё қочадими фарқсиз — ўлим шаробини ичади. Воҳидлик эса ўзининг ихтиёри билан юзага келувчи офатдир. Ҳозир Самандар бу офатнинг тариқдай мевасини тотди. Бир неча соатдан сўнг тамаки ҳидига тўлиб кетган бу дим хонани тарк этиб самолётга ўтирганида, Москва сари учганида эса бу азобларни, бу фожиаларни яна унута бошлайди.

Ҳозир эса ҳамқишлоқ дўсти Турсунали билан шаҳарда учрашиб қолган онларини лаънатлай бошлади. Москвалик меҳмонлар билан ресторанда ўтирганида маишат қилиш мақсадида кирган ошнаси билан учрашган эди. Кейин совхозига таклиф қилди. Боғда маишат қилишди. Чой кўтариб кираётган Нафисага суқланиб қаради. Бу қарашнинг маъносини уққан Турсунали шу туннинг ўзидаёқ кайфи ошган дўстининг нафсини қондириш чораларини қилди. Чора амал берди-ю, ўша тун баҳонасида Самандар хотинлик бўлиб олди. Энди эса... ўша тунни ҳам лаънатлади...

Умрининг турли нуқталарига лаънат тошлари отиб ўтирганида эшик очилиб соқчи кириб келди-да, йигитни туртиб уйғотгач:

— Қўлингни орқага қил! — деб буюрди.

— Нега энди акахон? — деди йигит уйқусираган ҳолда.

Соқчи унга жавоб бермай қўлини қайириб кишанлади-да:

— Энди ука, шаҳар турмасига кўчадиган бўлдинг. Прокурор сенга иш очганга ўхшайди, — деб афсусини билдириб қўйди.

— Менга иш очадими, менга иш очадиган прокурор ҳали онасининг қорнида ётибди!

— Бўлди, бақирма, юр, — соқчи шундай деб уни елкасига туртиб, олиб чиқиб кетди.

Озод бўлишга ишончи комил бўлган йигитнинг аҳволи шу бўлганидан кейин Самандарнинг аҳволига маймунлар йиғламасмикан? Самандар шу фикрда эзилиб ётганида яна эшик очилди, аммо соқчи эмас нотаниш бир йигит кириб салом берди-да:

— Ўртоқ Очилов, юринг, англашилмовчилик бўлибди, — деди.

Шу англашилмовчилик туфайли, Самандар кутганидек унинг ҳолига маймунлар йиғламайдиган бўлишди.

Самандар ҳибсхонада эзилиб ўтирганида Омонулло Нафиса билан Санжар ишлаган кооперативга яна борди. Бу корхона молиявий аҳволининг текширилуви Омонуллога зарар етказди: ходимлар у билан янада чўчиброқ гаплашишди. Оқибатда Нафиса билан Санжар муносабатларини ойдинлаштира олмади. Нима учун уйга борганлари у учун мавҳум бўлиб қолаверди.

Эрталабдан бери қуёш билан беркинмачоқ ўйнаётган ўркач-ўркач булутлар осмону заминга ҳукмронлик ўтказиш қасдида бирлашмоққа киришган эдилар. Офтоб нуридан бебаҳра ер юзи момақалдироқларни кутиб дим бўлиб олди. Азалдан дим ҳавога тоқатсиз Омонуллони тер босди, нафас олиши эса оғирлашди. Қўналғадаги жойидан жилаётган автобусни кўриб ҳуштак чалган эди, ҳайдовчи инсоф қилиб тўхтади. Омонулло олдинги қатордаги бўш ўриндиққа ўтиришдан олдин ойнани ён томонга суриб, очди. Шабада илиқ бўлса ҳам кўкрагига роҳат берди. Бўйнига оқ чит рўмол ташлаб олган ҳайдовчи радио овозини баландлатиб, ашулага маст бўлди. Тўйларни гуллатаётган бу қўшиқ Омонуллога ҳам маъқул келиб, хуфтон дили жиндек ёришди. Ашуладан сўнг бир шоир босиқ, дардли овозда шеър ўқий бошлади:

— *Қайтаяпман, ўзимни кўмиб!*

Шеърнинг биринчи сатриёқ Омонуллонинг диққатини ўзига жалб қилди:

Тоғлар — гариб, боғлар — ташландиқ.
Мен кўмилган тупроқ ит бўлиб
Юзларимни ялай бошлади.

Бу сатрларни эшитиб Омонуллонинг эти сесканди. Ҳайдовчи радио овозини пастлаган эди, «Оғайни, эшитайлик!» деб илтимос қилди.

Эй сўқир зот, кўзларингни оч!
Кўзларимда қоним қайнайди.
Қаро кийган қаро қайрагоч
Бу кун мендан тона олмайди.
Сийналари пажмурда, заҳил
Дарахтларга термулар аёл.

Тириклик ҳолида кўринмаган Нафиса нечундир Омонуллонинг нигоҳи олдида гавдаланди: ўлик аёл эмас, кўзлари очиқ жувон кўринди. Дардли нигоҳи, саволли назари билан қаради: Нафисанинг кўзлари «Мени ким ўлдирди? Нима учун ўлдирди?» деб сўрар, радиода эса шоир бўғилиб шеър ўқирди;

Одам — ҳиссиз буюк ҳақиқат,
Одам — гўрда тирилган армон,
Одам — қатра зардобранг ҳасрат,
Одам — беун, бесукун хаёл,
Одам — боши кесилган булут,
Одам — огироёқ Аёл,
Одам — армон ва
Одам — умид.

Омонуллонинг кўз олдида ўша саволли нигоҳ: «Нима учун мени ўлдирдилар? Гуноҳим нима эди?» Омонулло буни билса эди, айтарди. Ҳолбуки билмайди, алҳол унинг асосий вазифаси буни билиш ҳам эмас. У энг аввало «Ким ўлдирди?» деган саволга жавоб топиши зарур. «Гуноҳим нима эди?» деган саволига эса Нафиса Қиёматда жавоб

олади... Ҳозир эса Омонуллонинг хаёлини шоирнинг дардли овози банд этган:

Хайр энди, менинг хазоним,
Танҳо гўрга сигдик иккимиз.
Йиглаётир, куйлаётир жим,
Жони кузда чиққан жисмимиз.
Хайр энди, менинг япрогим,
Бир дунёга сигдик ҳаммамиз.
Ёш тўкмасин биз учун ҳеч ким —
Биз қайтамиз,
Бир кун қайтамиз.
*Хайр энди...**

Шеърдан сўнг дардли куй берилиб, Омонуллонинг кўнглига хазинлик эга чиқди. Шу хазинлик ҳукмида ишхонасига қайтди. Навбатчи йигит уни кутилмаган нохуш хабар билан қарши олди: кимдир қора «Волга»да келиб, Самандарни олиб кетибди. Хўжайин Омонуллони кутаётганмиш...

Бошлиқ ҳузурига кирмасиданоқ Омонулло Самандар Очиловни ким олиб кетганини тахмин қилди. Шундай бўлишини кутган эди, аммо кутгани бу қадар тез амалга ошуви унинг ақлини шоширди. Бошлиқ Омонуллога ҳайратомуз янгилик айтмади — унинг гумонини тасдиқлади, холос. «Ишга тикиб қўй», деб бир варақ қоғоз узатди. Самандарнинг шаҳарни тарк этмай туриши ҳақидаги тилхатига Омонулло эътиборсиз қараб қўйиб чиқиб кетмоқчи эди. Бошлиқ тўхтатиб, сўради;

— Бошқалардан гумонинг йўқми?

Омонулло дарров жавоб қайтармади. Кооператив бошлиғи билан Матлуба Тўхтаевага оид ожиз гумонларини айтгиси келмади. Шу боис бир оз ўйланиб туриб:

---

* Нуктадон шоиримиз Асқар Маҳкам шеърларидан фойдаландик. Марҳум биродаримизни Аллоҳ раҳмат этсин (Т.М.).

— Далиллар етарли эмас, — деб қўйди.

— Очилов эканини исбот қилиб бера олармидинг?

Бегона уй остонасига қадам қўяётган одам ичкаридаги жиҳозларни таърифу тавсиф қилишдан ожиз бўлганидек, Омонулло бу саволга жавоб беришга қодир эмасди. Бошлиқ унинг аҳволини сезиб, жавоб талаб қилмади, аксинча далда берди:

— Бўпти, ишингни давом эттиравер. Бирор гап чиқса, ҳузуримга кирарсан. Сен хафа бўлаверма. Уни бир марта сўроқ қилишга улгурибсан, шу ҳам катта гап! Агар далиллар Очиловга қадалиб қолаверса... сен зўриқма... биз иложсизмиз. Боравер...

Бир неча кун аввал Самандарнинг ишхонасидаги суҳбатда «Қонун олдида ҳамма тенг», деб катта кетган Омонуллонинг қулоқлари остида тепакалнинг «Ҳаётда эса, азизим, бутунлай бошқа. Шуни ҳали ҳам тушуниб етмадингизми?» деган гаплари жаранглади. Омонулло ўзини оғзидаги луқмасини олдириб қўйган анқов ҳолида деб ҳисобламади — ўксинмади.

Омонуллонинг иш услуби ҳамкасбларидан озгина фарқ қиларди: у бирон жиноятга алоқадор деб икки кишидан гумон қилса, учинчи, номаълум одам учун ҳам жой қолдирарди. Мазкур услуб фойда берган дамлар ҳам бўлган: гумондагилар озод қилиниб, мўлжалда йўқ номаълум одамнинг изига тушилган. Агар Самандарнинг газ масаласидаги гаплари найранг маҳсули бўлмаса, Омонулло калаванинг бир учини топди, дейиш мумкин. Кимдир чиндан ҳам газни очиб қўйган бўлса, демак, ўша «кимдир»ни қидириш керак. Самандар Очиловга даъво йўқ — ўликни кўриб қочган одам жиноятчи ҳисобланмайди. Хотининнинг ўлигини кўммаса ҳам, дафн этилган ерини зиёрат қилмаса ҳам жамият айбламайди. Буларнинг ажри ҳам Қиёматда берилади.

Омонулло хонасига қайтиб жойига ўтирди-да, стол ғаладонидан исмлар ёзилган қоғоз парчаларини олиб, яна фолбин каби ёйди. Кейин тўртинчи қоғоздаги сўроқ белгилари ёнига ундов белгилари қўйгач, «Самандар Очи-

лов» деб ёзилган варақни чизиб-чизиб ташлади-да, жаҳл билан ғижимлаб, елим тўрсаватга улоқтирди. Кўзларини юмиб, беҳол одам каби ҳаракатсиз ўтирди. Кейин ўрнидан туриб ғижим қоғозни олгач кафтлари билан силаб, текислаб жойига қўйди.

Деразага ўрнатилган совутгичдан илиқ ҳаво уфурилаётгандай нафаси бўғилиб, ташқарига чиқди. Ҳовлида ҳаракатсиз туришидан бир маъно кўрмагач, кўчага йўналди. Бозорга бориб қоғоз халтани тўлдирди-да, шифохонага қараб йўл олди. Опасининг аҳволи яхшиланганн учун умумхонага ўтказилган экан, кириб уни зиёрат қилдию сўнг отасини, шу баҳонада қайнона-қайнотасини ҳам йўқлашни мақсад қилди.

Ҳовлига сув сепиб салқинлатган Бобомурод Омонулло кириб келганида бўй чўзиб қолган райҳонларнинг гулларини чимдиб узаётган эди. Тутинган ўғлини кўриб чеҳраси очилди. Бу дунёда бир тутинган синглисию бир тутинган ўғлига суяниб яшаётган Бобомуроднинг қувониши учун кўп нарса зарур эмас: синглисининг очиқ юз билан гаплашиб ўтириши ёки Омонуллонинг эшикдан кириб келиши унинг учун бахтли дақиқалар ҳисобланарди.

Омонулло ичкари киришга унамай икки қулочли узун тахтадан ясалган ўриндиққа ўтирди. Бобомурод ичкари кириб ликопчада гилос кўтариб қайтди-да, Омонуллонинг ёнига ўтириб, ликопчани ўртага қўйди. Омонулло отасининг кўнгли учун гилосдан татиб кўрди.

— Опангни Худо бир қайтиб берди, ҳозир тузук. Дардини ичига ютаверив, ютаверив юрагини абжақ қилиб ташлаган.

— Кириб кўрдим, руҳлари тетик.

— Балки шу баҳона бўлиб анави касалларидан ҳам қутулиб кетар, а?

— Ким билади?..

Омонулло шундай дейишга деди-ю, тилини тишлади. Отаси умид билан сўраган эди, «Ҳа, тузалиб кетади», деса бу умид қувват оларди. У эса мужмал жавоби билан ўша умидни ҳам бўғ қолди.

— Шунақа ҳодисалар бўлган, эшитганман, — деди-ю, аммо фурсат ўтган, умид чинниси аллақачон ерга тушиб, дарз кетган эди. Кейинги гап дарзни чегалагани билан изни йўқотмасди.

— Ўзинг қалайсан? Ишингнинг мазаси йўқ шекилли, а?

— Ишлаб юрибман...

— Менга қара-чи? — Бобомурод шундай деб унинг кўзларига тикилди.

Йўқ, Омонулло бу ўткир нигоҳга дош беролмайди. Дастлаб учрашганида ҳам қарай олмаган.

Ўшанда овози раста бўлаётган ёшда эди. Қўшни синфдаги қизга кўнгил қўйди. Юрса ҳам, турса ҳам фақат ўша қизни ўйларди. Ҳатто ота-она соғинчини ҳам унутган эди. Қизлар байрами яқинлашиб, йигитчани совға масаласи қийнаб қўйди. Унинг назарида байрам совғаси барча муаммоларни ҳал қилиб бериши лозим эди. Ечилажак муаммолардан бири — қиздан ҳеч бўлмаганда биттагина ўпич олишга эришмоқлик эди. Айнан шу биринчи ўпич умид дарёсини тўсиб турган тўғонни бузар, висолнинг нурли чўққисини инъом этар эди. Аммо... ота-онасидан ажраб етимхонага тушган ўсмирда пул нима қилсин? Ўйлай-ўйлай чорасини топди: умрида бир марта, ҳа, фақат бир мартагина ўғирлик қилиш аҳди билан автобусга чиқди. Қайси чўнтакда пул борлигини аниқлаш санъатидан маҳрум бу боланинг ўша куниёқ қўлга тушиб, қамалиб кетиши ҳеч гап эмас эди.

Ўша куни, ўша дақиқада, худди ўша автобусда Бобомурод ҳам бор эди. Унинг зийрак нигоҳи қўналғада жавдираб турган Омонуллога тушганидаёқ, боланинг шум ниятини пайқади. Шу сабабли одамлар орасидан ўтиб, орқа эшикка яқинлашди-да боланинг ёнига туриб олди. Омонулло титроқ қўллари билан дуч келган чўнтакка тушмоқчи бўлганида билагидан маҳкам ушлади-да, автобус тўхтагунича қўйиб юбормади. Автобус тўхтагач, «Қани, юр», деди-да, болани қарийб судраб тушди. Қўрқиб кетган Омонулло қаршилик билдиролмади. У «Милиса

ушлаб олди, тамом, энди қамайди», деб ўйлаган, ўғрининг қўлига тушгани хаёлига ҳам келмаган эди.

Бобомурод уни боғ томон бошлаб бориб, ўзи ўриндиққа ўтирди-да, боланинг кўзига тикилди:

— Қани, менга қара-чи, фақат тўғрисини айт, нимага ўғирлик қилмоқчийдинг?

Омонулло пиқиллаб йиғлай бошлади.

— Ўчир! Мишиғингни арт! — деб дўқ урди Бобомурод. — Соқол-мўйловинг чиқиб қолибди-ку, эркакмисан ўзинг?! Нимага йиғляпсан?

— Қўлимни қўйиб юборинг...

Қўйиб юбориш ўрнига Бобомурод унинг билагини янада қаттиқроқ қисди:

— Айт, деяпман: нимага бировнинг чўнтагига тушмоқчи бўлдинг?

— Тушмоқчимасийдим.

— Сен ўғил бола бўлсанг — мард бўл, тўғри гапдан қочма. Тўғрисини айтсанг, қўйиб юбораман, алдамоқчи бўлсанг — ўзингга қийин. Шу қўлингни аввал куйдириб, кейин терисини шилиб оламан. Киссавурнинг жазоси шу бўлади. Аслида-ку, кесиш керак, майли, ёш экансан, аяйман, куйдириб қўя қоламан.

Бобомурод худди шу ишга жазм қилгандай ишонарли оҳангда айтиб, боланинг эсхонасини чиқариб юборди.

Омонулло бу одамдан осонликча қутула олмаслигини англаб, йиғламсираган ҳолда:

— Ойим оғир касаллар, дорига пул йўқ... — деди.

У ҳам ўз хаёлида бу гапни ишонарли оҳангда айтган бўлди. Титроқ овози ишонтиришга ундаса-да, кўзлари алдай олмади.

— Қани, менга қара-чи, — деди Бобомурод, боланинг даҳанини ушлаб. — Яна ёлғон гапиряпсанми? Менинг кўзларимга бир қарагин: булар кўз эмас, рентген. Тўғрисини айтсанг, керакли пулни ўзим бераман. Ўғил бола гап — шу!

Омонулло яна бир марта алдагач, Бобомурод унинг юзига тарсаки тортиб юборди.

— Сен ўғри эмассан, сен қўрқоқсан, сен ҳезалаксан! Ўғирлик ҳам қўлингдан келмайди!

Бу гаплар қўрқув қопқонидаги Омонуллонинг ярадор қуш каби потраётган юрагига далда бўлди-да, тўғрисини айта қолди. Аммо шунда ҳам қўли бўшамади.

— Энди қўйворинг, — деди ялиниб.

— Ҳали бизнинг савдомиз пишмади, болапақир. Сенга ваъда бердимми, демак, бажараман. Қўлинга-ку, пул бермайман. Магазинга борамизу кўнглингга ёққан нарсани кўрсатасан, нархига қарамайсан, миллион сўм бўлса ҳам олиб бераман, ўғил бола гап битта бўлади! Унгача биттаиккита нарсани сўрайман, жавоб берасан: нима учун отангга ё онангга айтмадинг, ё уялдингми, а?

Ота-онасига доир ҳар қандай савол Омонулло учун ғоят оғир юк эди. Етти ёшида етим қолганини айтиш чоғида гўё унинг юраги тўхтаб қолгандай бўлаверарди. Отаси билан онаси ишдан қайтаётганда тушган автобус музлаган йўлда тийғаниб, чуқур жарлик тубида оқувчи анҳорга қулаган, уларнинг мурдалари эртасига чиқариб олинган, эр-хотиннинг жасади уйда бир кеча «меҳмон» бўлиб, тонгда ерга қўйилган эди. Бели боғланган етти ёшли Омонулло икки тобут олдида бўзлаб борганди.

Ҳозир нотаниш одамга шуларни айтиб бериши керакми? Оғир бўлса ҳам айтгиси келди. «Раҳми келиб қўйиб юборар» деган ниятда узуқ-юлуқ сўзлар билан ҳолини баён қилди. Амакисиникида ярим йил яшаб, сўнг болалар уйига берилганини ҳам яширмади. Бу сафар Омонулло адашмади: чиндан ҳам Бобомуроднинг унга раҳми келди. Чап қўли билан бошини силади-да, ёнига ўтиргизди.

— Сен фақат қочиб кетма, болапақир, — деди ҳорғин овозда, — мен милиса эмасман. Терингни ҳам шилмайман. Шунчаки сени қўрқитиш учун айтгандим. Агар рост гапираётган бўлсанг, ҳаётинг меникига ўхшаб кетаркан. Мен ҳам сенга ўхшаб ғирт етимман. Сен бирпас қимирламай ўтир. — Бобомурод шундай деб сигарет тутатди.

Дастлаб «Бола ўзи истаб шу кўчага киряпти, шогирдликка боп экан», деб ўйлади. Сигарета чекиб бўлгач, дўконга бориб, совғани олиб берди, сўнг Омонуллони болалар уйига кузатиб қўйди. Эшик олдида:

— Бирон нимага муҳтож бўлсанг, менга айт, — деб тайинлади. Кейин: — агар хоҳласанг, мени «амаки», де. Хоҳласанг, тарбиячиларингдан сўраб уйимга олиб кетай, бугун меҳмоним бўл, — деди.

Омонуллога бу таклиф маъқул келди. Омонуллə «бу одамнинг ота-онаси ҳам бир кунда ҳалок бўлишган экан», деб ўйлади. Бобомуроднинг ўсмир чоғида илк марта қамалганида иснод ўтида куйган ота-онанинг бир йил ичида олдинма-кейин қайтиш қилганини анча кейин, аниқроғи, Фотимага уйлангач, қайнотасидан эшитиб билди. Бобомуроднинг ўғри эканини эса бу хонадонга иккинчи марта келган туни тасодифан билиб қолди. Ярим тунда бехос уйғониб, шериги билан маслаҳатлашаётган Бобомуроднинг гапларига қулоқ тутди. Аввалига қўрқди. Эрталаб нонушта ҳам қилмай қочвормоқчи эди, Бобомурод қўлини ушлаб, тўхтатди:

— Ҳеч қачон бировларнинг гапларига ўғринча қулоқ солма, хўпми? — деди пўписа оҳангида. — Гап пойламасанг ҳам кимлигимни ўзим айтардим. Мен ғирром ўйнайдиган даюслардан эмасман.

— Энди мен ҳам ўғри бўламанми?

Кечаси билан ўйлаб чиққан шу гапини айтиши билан юзига зарбли тарсаки тушди. Сўнг Бобомурод сочини чангаллаб тортди. Омонуллонинг кўзларидан тирқираб ёш чиқди.

— Ким айтди буни сенга, аҳмоқ! Билиб қўй: сен ўғри бўлмайсан, ўқийсан, сен одам бўласан!

Бобомурод шундай дегач, Омонуллонинг сочини қўйиб юборди. У «Сенинг одам бўлишинг учун ҳамма нарсадан воз кечаман, ҳатто ҳунаримни ҳам йиғиштираман», демоқчи бўлди-ю, «бола буни тушунмайди», деган фикрда тилини тийди-да, «Ўтир, чойингни ич!» деб буюрди.

Чиндан ҳам Омонуллони деб ўғирликни ташламоқчи эди. То қамалгунига қадар аҳдида туролмади. Қамалгач, озодликда қолган шерикларига хат чиқариб, Омонуллодан хабар олиб туришни тайинлади. Қамоқдан бошқа ҳунар қилиш аҳди билан чиқди. Йўлда аёлни учратгач, бу аҳди қатъийлашди.

Омонулло мустақил иш бошлаганида Бобомурод унга маслаҳатлар бериб турди. «Табиб — табиб эмас, бошидан ўтган — табиб», деганларидек, жиноят оламининг нозик ерларини Бобомурод яхши биларди.

— Менга қара-чи, менга қара, деяпман, — Бобомурод ўнг қўли билан Омонуллонинг иягини ушлаб, кўзларига тикилди: — Ишларинг «беш»га ўхшамаяпти, болапақир?

— «Беш» бўлмаса, «тўрт»дир-да, — деб ҳазиллашмоқчи бўлди Омонулло.

— «Тўрт»га ҳам тортмайди. Қанақа иш кўряпсан?

— Қотиллик. Икки киши ўлдирилган.

Омонулло шундай деб ишнинг баёни, гумону тахминларини маълум қилди.

— Ҳали ҳам хомсан, — деди Бобомурод бир-икки савол бериб, жавоб олгач. — Сен, болапақир, ўқишда ё ёмон ўқигансан, ё дарслардан қочиб юргансан, ё эски пичоққа соп ҳам бўла олмайдиган домлалардан илм олгансан. Ҳар ҳолда бўш калланг, бўшлигича қолган. Менга ўша уйни бир кўрсатмайсанми?

— Мумкин эмас.

— Мен сендан «мумкинми ё мумкин эмасми?» деб сўраганим йўқ. Одам бўламан десанг, ҳаракатингни ўша «мумкин бўлмаган» ишлардан бошла. Сен менга уйни кўрсат, мен сенинг хомлигингни исботлаб бераман. Тур, кетдик.

ТУТҚУНЛИК

(Қотилликдан аввалроқ содир бўлган воқеа)

Кошак Қўтосга «хушхабар» етказган, сўнг Нуриддинга ҳамла қилаётган пайтда Тенгиз ҳибсхонада москвалик йигит сўроқларига жавоб бераётган эди.

Уларнинг савол-жавоблари дастлаб самимий суҳбат тарзида бошланди:

— Аҳволлар қалай, княз? — деди йигит кулимсираган ҳолда. — «Княз» деб янглишмадимми?

Тенгиз унга дуч келиши билан бошдан-оёқ разм солиб, кимлигини аниқламоқчи бўлди: кийинишидаги орасталик, ўзини кибрли тутиши, айниқса, қарашидаги безовталикдан билдики, у милициядан эмас, жиддийроқ идорадан. Бошлиққа қараб, менсимаган ҳолда «сиз бўшсиз», деб қўйиши тахминини тасдиқлади. «Суҳбат»нинг жиддий бўлишини фаҳмлаган Тенгиз унинг кулимсирашига мос жилмайиш билан жавоб берди:

— Янглишмадингиз, князман.

— Бу сизнинг лақабингизми?

— Йўқ, бу менинг мартабам, мен князлар авлодиданман.

— Қизиқ, Доғистон тарихида княз Алиевлар борлигини олимлар билишмас экан-да?

— Мен она томондан князман. Княз Иброҳимбекнинг авлодиман.

— Шундайми? — йигит бу янгиликдан ажабланмай, бамайлихотир равишда сигарет тутатиб, Тенгизни ҳам лутфан сийлади. — Сиз санқи ўғрилардан эмассиз, Алиев, ўқиган одамсиз. Моддиюнчилик нуқтаи назаридан қарасак, томирингизда князлар қонининг оқиши сариқ чақалик гап. Аксилмоддиюнчилик нуқтаи назаридан қарасак эса, насли тоза одамнинг пасткаш ўғри бўлиши ақлга тўғри келмайди. Бу фалсафага нима дейсиз?

— Китобдаги фалсафа ҳаёт фалсафасига тўғри келавермайди. Ҳаёт қонунларини фалсафа вужудга келтирмагани қанчалик рост бўлса, фалсафани одамлар яратгани шунчалик ҳақиқатдир. Одамлар эса адашувчилардир.

— Ҳаёт қонуни янглишмайдими?

— Йўқ. «Биз олам китобини янглиш ўқиймиз-да, «у бизни алдайдир», деймиз.

— Шундайми? Ҳали ҳам дуруст экансиз фалсафага.

— Бу менинг гапим эмас, ҳиндларнинг Тҳакур деган ёзувчиси бўлган, эшитганмисиз?

— Бўлса бордир. Айтинг-чи, княз, тун билан кун ўрнини алмаштириш мумкинми? Мумкин эмас, а?

— Мумкин бўлганда нима ҳодиса юз беради? — деди Тенгиз. — Яна ўша кун, яна ўша тун.

— Ҳа, ана энди ўзингизга келдингиз. Сиз «олам китобини янглиш ўқиймиз», деб турибсиз. Ҳолбуки, аслида ҳаммаси янглиш тузилган. Дунё асли макр пойдеворига қурилган иморат.

— Сиздан бундай гап эшитиш менга ғалати туюляпти, — деди Тенгиз. — Биз, шарқликларда маккорлик — ожизлар иши, дейилади. Сиз дунёни ожиз қилиб қўяпсиз.

— Ҳа. Сиз ана шу ожизликдан фойда кўрмайсизми?

— Мен?

— Ҳа, айнан сиз ва сизнинг ҳамтовоқларингиз.

— Бизга хос олам билан, сиз яшаётган олам бир хил фалсафага, бир хил ҳаёт қонунига бўйсунмайди.

— Биламан. Сиз «инсонлар тақдирини фақат биз ҳал этишга ҳақлимиз», деб даъво қиласиз. Ҳеч маҳал итбалиқ осмонга устун бўладими? Ҳатто наҳангнинг қўлидан келмайди бу иш. Фикримга қўшиласизми?

— Қўшилмасдан бўлак иложим йўқ. Қўли кишанланган одам билан озод одам тенг эмас-ку ахир?

— Дейлик, кишан менинг қўлимда, сиз эса озодсиз. Ҳаёт учун нима ўзгаради? Худди кун билан тун алмашгандай бўлмайдими? Шундай экан, олам китоби устида бош қотириб, баҳслашмайлик. Нима дейсиз?

— Тўғри. Ҳар ҳолда бир ўғри билан фалсафа бобида баҳслашаман, деб келмагандирсиз. Бу ерда гаплашаётганингизга қараганда, жиддий масала борга ўхшайди.

— Сиз учун жиддий туюлиши мумкин. Аслида эса ундай эмас. Биз сизга, яна айрим дўстларингизга, — йигитнинг бу сафар «ҳамтовоқларингиз» ўрнига «дўстларингиз» деганига Тенгиз аҳамият бериб, янада сергак тортди, — ҳамкорликни таклиф этмоқчимиз.

— Ўғриларнинг қонуни ҳукумат билан ҳамкорликка йўл бермайди, буни билмайсизми?

— Бу гапларни қўйинг, княз. Қонунни ўзгартириш мумкин ёки умуман бўйсунмаслик ҳам мумкин. Биз ўртага жуда кўп нарса тикканмиз сиз озод бўласиз, бойликка эришасиз, истаган чет мамлакатга бемалол чиқиб кетасиз.

— Ҳа, кўнга зўр нарсалар тикдингиз. Ютиб олиш учун нима қилишим керак?

— Сиз аввал розилигингизни беринг. Қолганини кейин гаплашамиз.

— Айтайлик, рози бўлдим...

— Мени «айтайлик...» қаноатлантирмайди. Менга мард ўғрининг гапи керак.

— Мард ўғрининг... кўзлари очиқ бўлади. Баланд минорага чиқиб олиб кўлмакка калла ташламайди. Дарёгами, денгизгами бошлаб бормасангиз ҳам, ҳеч бўлмаса узоқдан кўрсатинг, маъқул келса шўнғишга тайёрланайлик.

— Узоқданми? Ҳа, узоқдан кўрсатишимиз мумкин. Сизнинг тоғлиқларингиз бир вақтлар ёппасига кўчирилганлар. Ўттиз беш йилдан бери эзилиб яшайдилар. Ҳозир улар яшаётган ернинг эгалари уларга қарши зулм тайёрлаяптилар. Сиз шерикларингиз билан уларни ҳимоя қиласиз.

Бу мавҳум гапни эшитиб Тенгиз ўйланиб қолди, «Мурик»нинг айтганларини эслади. Йигит жавоб бер, деб шошилтирмади. Тенгиз тоғлиқлар ким эканини, қаерда зулм тайёрланаётганини фикран аниқлади. Зулм ерликлар томонидан эмас, бошқа томондан ҳозирланаётганини ҳам фаҳмлади-да:

— Ҳукумат ҳимоя қила олмайдими? — деб сўради.

— Ҳукумат аралашгунича сизларнинг ҳимоянгиз керак бўлади. Халқаро вазият оғир ҳозир. Бирданига биз аралашсак, катта миллий шов-шув бўлади. Дарров чет эл бурнини суқмоқчи бўлади.

— Шов-шув денг? Мен эса инглизларнинг мақолини эсладим.

— Қани айтинг-чи? Айтаверинг, сиз билан суҳбатлашиш менга ёқяпти.

— Инглизлар айтишарканки, агар итни бехос ўлдириб қўйсангиз, уни қутурган, деб эълон қилинг, шунда унга ҳеч ким ачинмайди.

Йигит бу гапни эшитиб астойдил кулди.

— Инглизлар бало халқ, — деди у. — Улар камдан-кам ҳолларда адашишади. Сиз эса чуқурлашманг. Чуқурлашиш — ҳалокат белгиси. Таклифимга ҳозирнинг ўзида жавоб беринг, демайман. Майли, ўйлаб кўринг. Хотиржам ўйланг, деб бу ерга таклиф қилдим. Сизга маслаҳатим: катта ўғри бўлсангиз ҳам катта кетманг. Эшитишимга қараганда, бу ерда «Бифштекс», «Чўмич» лақабли ўғрилар бўлган экан. Уларни кимдир ўлдирганмиш. Биз ҳозирча бунга аҳамият бермаяпмиз. Битта-иккита ўғри ўлса ўлибди-да, нима дедингиз? Аммо сиз яхши кўрувчи шарқликларнинг битта гапи бор: айтадиларки, ҳокимларнинг ғазаби оловдек бўлиб, озгина шамол турса аланга оларкану бу алангани минглаб челак сув билан ҳам ўчириб бўлмас экан. Сиз шамолдан эҳтиёт бўлинг, княз.

— Маслаҳатингиз учун ташаккур, лекин айтинг-чи, нима учун бу ишга мени танладингиз? Бунақа таклифга жон-жон деб кўнувчи шалтоқлар кўп-ку?

— Биз, княз, шалтоқлар билан ҳамкорлик қилувчиларданмасмиз. Шалтоқ, деб тўғри айтдингиз. Иш тугагандан кейин уларнинг шалтоғини ким тозалайди? Мен сизга денгизни кўрсатдим, сиз эса калла ташлаб тубига етаман, деб овора бўлманг. Бир оз сузиб роҳатланинг-у соҳилга чиқиб, сўнг истаган ишингизни қилинг. Бошқа нарсани ўйламанг.

Йигит шундай дегач, яна лутф қилиб унга сигарет тутди. Тенгиз бу карамдан миннатдор эканини билдириб, киборларча бош эгиб қўйди.

Москвалик йигит марҳамат эшикларини ҳаддан зиёд катта очди: ўйлаб кўрмоқ учун Тенгизга керагидан ҳам кўпроқ фурсат берди. Қуёш нури тушмайдиган, узуна-

сига уч, энига икки қадам келувчи ҳибсхонада вақт ўлчови йўқ эди. Ўлимтик чироқ нури бунда мадфун одамга лаҳадда эмас, ёруғ дунёнинг бир каталагида жонли ҳолда ётганини далолат қилар эди. Тенгиз ҳибсхонага киритилаётган овқатларнинг сонига қараб орадан икки кун ўтяпти, деб чамалади. Вақт ўтаётгани учун кўп ҳам юраги сиқилмади. Икки-уч кун нима экан, дастлабки қамалганида бундан торроқ, захроқ, сассиқроқ ҳибсхонада ўн бир ой ётиб ҳам синмаган — шерикларини сотмаган эди. Мана шу каби саботи учун ҳам бошқаларга нисбатан эртароқ тож кийиш мартабасига етган эди. Ҳозирги аҳволи ўшандагисига таққосланса, роҳатланиб дам олиш учун яратилган шароит деб ҳам аташ мумкин. Тенгиз ана шу шароитда москвалик йигитнинг ҳар бир сўзини фикр чиғириғидан ўтказиб таҳлил қилди. Тоғликларни ҳимоя қилиш ҳақидаги гаплари уни кўп ўйлашга мажбурламади. Йигитнинг мақсадни ишора билан эмас, балки юздан саксон фоизини очиқ баён қилиши уни сергаклантирди. Қиморда «қартани очиб қўйиб ўйнаш», деган гап бор. Зўр келганда, рақибга руҳий таъсир кўрсатиш учун тўрт қартанинг учтаси, ёки учнинг иккиси ёки иккининг бири очиб қўйилади. Мардлар тўқнаш келгудек бўлишса, барча қарталарни очиб қўйишлари ҳам мумкин, камдан-кам ҳолларда содир бўлувчи бу вазиятнинг оқибати ҳам мардона тугайди: ё мол кетади ё жон. Баъзида эса... иккаласи ҳам бараварига... Москвалик йигит шундай ўйин қилиб, жавобни кутяпти.

Йигит кириб қолар, деб кутиб ётганида эшик очилиб, Кошакнинг куйдирган каллани эслатувчи тиржайган башараси кўринди. Унинг ўнг қўлида бир шиша ароқ билан истакон, чап қўлида эса қоғозга ўроғлик егуликлар бор эди.

— Омонмисан, княз, — у шундай деб қўлидагиларни сўри устига қўйди-да, Тенгизни қучоқлади: — Соғинтириб юбординг-ку, а?

— Сен соғинган бўлсанг, чакки одам эмас эканман,— деди Тенгиз унинг кўзларига синовчан тикилиб. Кошак

бу нигоҳга дош беролмай кўзларини олиб қочди. Саросимасини яшириш мақсадида чаққонлик билан шиша оғзини очиб, стаканни яримлатиб қуйди-да, «Соғ бўл, княз!» деб бир кўтаришда бўшатди. Сўнг истаконни тўлдириб Тенгизга узатди.

Тенгиз уч қултум ичиб, стаканни сўри устига қўйида:

— Кошак, нималар бўляпти, сен билмайсанми? — деб сўради.

— Билмадим, жинилари қўзиганга ўхшайди. Мени ҳам «этап»га тиркаб қўйишибди. Бугун-эрта жўнатворишади, шекилли? «Мурик»нинг ўлимидан барибир хитланишган. Ҳаммамизни ҳар томонга отишса керак?

— Хайрлашгани кирдингми? — деди Тенгиз ундан нигоҳини узмаган ҳолда.

— Шунақа десак ҳам бўлади. Княз, икковимиз ҳисобкитобни тўғирлаб қўйишимиз керак. Сен Бифштексни бекордан бекорга ўлдиртириб юбординг.

— Ўлдиртирганим йўқ, ўзи лаллайди, унинг ўлими бир тасодиф.

— Тасодифми, йўқми — барибир сенинг қўлингда ўлди. Мен у билан катта ишларни мўлжаллаб қўювдим. Биладиганларини ўзи билан олиб кетди. Мен кўп нарса йўқотдим. Шунинг товонини тўлашинг керак.

— Кошак, сен бу чўпчагингни бошқа бирор лақмага бориб айтгин. Бифштекс сенга ўхшаган аҳмоқ билан шерик бўладиган аҳмоқ эмас эди. Гапни айлантирмагинда, мақсадингни айт.

— Княз, сен учун ҳамма аҳмоқ. Фақат сенгина ақллисан. Хўп, агар чиндан ҳам ақлли бўлсанг, мен аҳмоққа анави тўнка чучмекнинг бойлиги қаерга беркитилганини айтасан.

— Айтмасам-чи?

— Унда тўнкага қийин бўлади. Жонини суғуриб бўлса ҳам билиб оламан.

— Унга тегма.

— Айтасанми?

— Ўйлаб кўраман.

— Яхши. Шу ароқни қуритгунимизча ўйла.

— Кошак, сен «этап»га тушдим, деяпсан. Агар Воркутага бориб қолсанг нима бўлади? Ахир бойлик жанубда-ку?

Кошак ўтирган ерида бир қимирлаб олиб, «ишинг бўлмасин», деб ғудранди. Бўлажак фитна қаерда тайёрланаётганини аниқлаш учун Тенгизга шунинг ўзи кифоя қилди. «Демак, Кошакка ҳам айтишган, у ғ ҳмоқ жонжон деб кўнган. Унда нима учун менга ҳам айтишяпти? Нима учун бу ерга тиқиб қўйишди?» Бу саволларига рўпарасидаги Кошак ҳам жавоб бериши мумкин бўлсада, «Бу ерга тушиб қолишимда шу тавиянинг хизмати бор», деган фикрдан Тенгиз узоқ эди. Болтиқ бўйларидан келганларни калтаклаш оддий иғво эмас, балки унданда зўрроқ фитна учун «одам танлаш» маросими ёки синов-тажриба ҳам эканини у билмасди. Ана шу маросимда ўзини кўрсатган Кошак синовдан ўтиб, келгуси зулм учун айни мос деб топилди. Суҳбатда Кошак кўп ҳам таранг қилиб ўтирмади. «Қаерга? Нима учун?» деб ҳам гаранг қилмади. «Пул, озодлик, чет эл» унинг учун кифоя эди. Аммо ўзига «қанжиқ» деган «унвон» тақалишини билиб, ўзини ҳимоялаш учун бир-икки шарт қўйди: шартлардан бири — князни йўқ қилиш ёки чет элга ўтиб кетгунича ҳибсдами, «этап»дами сақлаш эди. Шунинг баробаринда яна бир-икки зирапчаларнинг баҳридан ўтишга изн сўради. Улар кўндилар. Кошак «шартларини тўла бажаришади, княз шу ерда чирийди», деб ўйлаб янглишди. Тенгизга ҳам шундай таклиф айтишлари, унинг рози бўлиши мумкинлигини у ҳисобга олмади.

Ароқ ичиб бўлингач, Кошак «Қани, айт!» деб бақрайди. Тенгиз гапни чалғитишга уринди, «эртага кел», деб ҳам кўрди. Кошак ғазаблана бошлагач:

— Айтаман, фақат мен билан тенг бўлишасан, — деб шарт қўйди.

— Бекор айтибсан! Сенга сариқ чақа ҳам бермайман, — деди Кошак.

Шу тарзда савдолашиб, бойликнинг тўртдан бири Тенгизга бериладиган бўлгач, сир ошкор этилди.

Кошак ҳибсхонадан қувонган ҳолда чиқиб, Турсуналини сиқувга олди: ҳали калтак зарбаларидан тўла тузалмаган, битта чертгулик ҳоли бор одамни ҳе йўқ, бе йўқ бўйнига чилвир ташлаб бўғди. Турсунали билан Тенгизнинг гаплари бир ердан чиққач, Кошак мамнун жилмайди.

Тенгиз қачонлардир шундай бўлишини билгани учун, бошқаларни чалғитиш мақсадида Турсуналини пишитиб қўйган эди. «Мурик»ка айтилган жойда бойлик бўлмасада, бойликка мўлжалланган ўра мавжуд эди. Кейин айтилган ерда эса ўшандай ўра ҳам йўқ эди.

Тўғри йўлдан бораётган одам қоқилса, нари борса йиқилиб, бирон ери лат ейди. Уларнинг йўлидаги кимса тойгудек бўлса йиқилмайди, пешанаси ғурра бўлмайди — жонини бериб қўя қолади. Бу йўлда очиқ кўз билан, теран фикр билан юришга одатланган Тенгиз Кошакнинг қилиғидан ҳайратга ҳам тушмади, Ғазабланмади ҳам. У чап кураги остига пичоқни бегона эмас, «братва» деб эъзозланувчи ўзининг «биродар»ларидан бири санчишини кутиб яшарди. Бир кунмас бир кун рамзий маънодами ёки чин маънодами шундай бўлишига ишончи комил эди. Фақат аниқ вақтини билмасди. Кошакнинг ҳозирги ҳаракати ўша рамзий маънодаги пичоқ санчиш эди. Рамзий маъно билан чин маъно ораси эса узоқ эмас — қилча бўлса бордир. Ровийлар дерларки, «Аллоҳнинг шериги бор», дейишдан сақланувчилар ҳеч қачон бир-бирларига душман бўлмаслар». Тангрини танимаган инсон дўстни танийди, деб ишонувчи одам ерга экилган тош ёмғир ёғиши натижасида кўкариб чиқди, деган гапга ҳам ишониши керак бўлади. Биродарлик — бир-бирларига садоқат асосига қурилгани билан, вақти келса зулм оловига кўмишдан ҳам қайтилмаслигини Тенгиз билмайди, дейсизми?

Тенгиз Кошакнинг паттасини қўлига бериб юборгач, ўзининг тақдирини ўйлай бошлади. Ўғрилар қонунига содиқ қолиб москвалик йигитга рад жавобини айтса, боши

узра тўпланаётган абри бало ўт ёғдириб уни маҳв этмоғи тайин. «Ҳеч нарсадан қўрқмайман», деб керилиб юрувчи ҳар бир биродари каби Тенгиз ҳам бир нарсадан — ўлимдан қўрқарди. Улар ўлим остонасидаги тан азобларидан эмас, дунёни, унинг ишвали ҳаётини эрта ташлаб кетаётганларидан қўрқишарди. Дўстлари каби Тенгиз ҳам «Ўлим — ғам-ташвишли ҳодиса эмас, ўлим — никоҳ кечасидир», дегувчи нақлдан бенасиб эди. Охират ва абадий ҳаёт нима эканини билгани билан амал қилмовчи Тенгиз учун ўлимнинг мунис бўлмоғи амри маҳол эди. «Ўлим — Ҳақни севганлар учун тўй ва байрам, нафсни севганлар учун эса ғам-аламдир», дейилганда Тенгиз кабилар назарда тутилганмикан? Ўлимни беадад ғам-алам деб фикр қилувчи Тенгиз ҳаётни арзон-гаровга пуллашни истамади. Москвалик йигит кирганида бир оз гапни чувалаган бўлди-да, битта шарт қўйди:

— Вазифани бажарганимдан кейин яна қамоққа қайтарасиз. Муддатим охирлаб, озодликка чиққанимдан кейин чет элга кетаман.

Йигит бу гапни эшитиб, маъноли жилмайди:

— Князларга хос фикр юритдингиз, княз. Мен сиздан айнан шундай жавоб кутган эдим. Энди княз, ишга дахлсиз бир савол сўрамоқчиман, ўзим учун билишни истадим: нима учун ҳамкорликка рози бўлдингиз? Қўрқдингизми?

— Қўрқдим?.. Йўқ. Саволингизга жавоб оддий — бу ишни мен қилмасам бошқалар қилишади. Мен тўғон эмасман, оқар сув бўлганим дуруст.

Бу ёлғон гап Тенгизнинг ўзига ҳам маъқул келиб, жилмайди.

Тенгиз розилик берган бўлса-да, ҳибсхонадан озод этилмади. Москвалик бу масалага изоҳ бермади. Тенгиз қамоқ лагери ҳибсхонасидан чиққач, Кошак билан яна икки йигитнинг «этап»га жўнатилганини Қўтосдан эшитди.

— Ҳамзатингга кўп осилди. Аммо мен йўл бермадим, — деди Қўтос. — Сенинг рухсатингсиз яна бир иш қилдим: Кошакнинг қанжиқлигини телетайпга қўйдим.

— Боплапсиз. Энди «политбюро»ни тўплаб унга ҳукм чиқаришимиз керак. Ҳукмни балки ўзим ижро қиларман.

— Қанақасига?

— Агар уларнинг ниятларини тўғри пайқаган бўлсам, мени ҳам эрта-индин «этап»га қўйишади. Балки у билан учрашарман. Агар мен ҳақимда «қанжиқ» деган гап кўтарилиб қолса, ишонманг. Бошқалар ҳам ишонишмасин. Агар уларнинг шартига кўнсам, бу розилигим Кошак билан учрашиб, ҳисоб-китобни тўғрилаш учунгина бўлади.

— Қанақа шарт?

— Буни ҳисоб-китобдан кейин айтаман.

— Кошакни борган ерида саранжомлашади, сен уринма, княз.

— Йўқ, у мени ҳақорат қилди. Қасос фақат менинг қўлимда. Сиз... Ҳамзатга кўз-қулоқ бўлиб туринг. Меҳнатингизга ачинмайсиз, ундан зўр ўғри чиқади, бунга мен кафилман.

Тенгизнинг ишончли оҳангда айтган гаплари Қўтосда шубҳа уйғотмади.

— Чучмекнинг бойлиги нима бўлади? Кошак унинг атрофида ҳам айланди.

— Унинг бойлиги — бизники, ўртаники. Унга ҳеч ким эга чиқа олмайди. — Тенгиз бу масалани майдалаб тушунтириб ўтирмади. Қўтос ҳам «очиқ айт» деб зўрламади.

ҚУЛФНИНГ КАЛИТИ

Самандар Очилов яшаган уйга яқинлашишганда Бобомурод тўхтаб, атрофга синчиклаб разм солди-да:

— Кўча гавжум эмас экан,— деб қўйди. Зинадан кўтарилаётганда эса яна такрорлади: — Кўча гавжум эмас экан.

— Бунга ўша куниёқ эътибор берганман. Бегона одамни пайқаш осон, — деди Омонулло.

— Дуруст, буни билар экансан.

— Бир-иккита дарсга кириб ўқишга тўғри келган,— деб жавоб берди Омонулло пичинг билан.

У эшик қулфига калит солаётганида Бобомурод ҳар бир ҳаракатини диққат билан кузатди.

— Калит кимники? — деб сўради у, эшик очилгач.

— Жувоннинг отасиники. Биринчи куни олганман.

— Отаси келганда эшик очиқ эканман ё қулфми?

Омонулло бу саволни эшитиб, пешанасига бир шапалоқ уғиси келди: шу оддий нарсани Тошболтадан сўрамаганига афсусланди.

— Қулф бўлган, — деди Бобомурод худди ўзига ўзи гапираётгандай. — Очиқ бўлганида ўликларнинг сассиғи чиқиши билан қушнилар билишарди. — Бобомурод шундай деб қулфни кузатди: — одамларинг қулфни олиб текширишмабди-ку? Қулфни нимада очиб кирган? Ўзининг калитидами ё бегона калитдами ё михочқичдами? Текширтирмайсанми?

— Текширинглар, девдим, — деб ўзини оқлади Омонулло.

— Сен деяверасан. Улар эса ўз билганларини қилаверади. Сен энг аввало ўзинг криминалист бўлишинг керак. Қара, кулфни маҳкамлаб турган бурама михнинг ариқчасига бўёқ тўлиб қолган. Бурагич тегмаган. Демак, қулф олинмаган, текширилмаган. Қани, ичкари кир, кўрсат.

Омонулло ошхона томонга ўтиб, ўликлар ётган ерни кўрсатди. Бобомурод унинг сўзларини эшитаётган бўлса ҳам, унча эътибор бермай, ювиниш хонасини қайта-қайта кўздан кечирди-да:

— Булар киришганида қотил шу ерда яшириниб турган, эшикни аввал эркак очган, — деди.

— Аввал аёл очган бўлиши ҳам мумкин. Қотилни кўриб, дод деганича қочгандир, кейин эркак қарагану кўкрагидан пичоқ еган. Кейин аёл...

— Балки шундайдир. Ҳар ҳолда «ўйнашлар маишат қилиб ўтиришганда ёки ётишганда эри кириб қолгану...» деган тахминни бекор қилганинг тўғри. Бу ерга «ўйнаш», «рашк» деган гап сиғмайди.

Бобомурод бошқа уйларни ҳам эринмай кузатиб чиқди.

— Аёлнинг қулоғидан, бармоғидан тақинчоқлар олинган бўлса... ўғрининг иши бўлади, — Бобомурод шундай деб Тошболтага ажратилган хона остонасида тўхтаб қолди. Дераза томондаги жавонга, учи бир оз қайрилиб қолган гиламга тикилди:

— Жавонни сенлар сурдиларингми?

— Йўқ, жойида қимирламай турибди.

— Хонада шунча бўш жой туриб, жавон ҳеч замонда деразага тақаб қўйиладими? — Бобомурод шундай деб «жавон аввал қаерда турган бўлиши мумкин?» деб чамалади, сўнг деворга яқинлашиб жимир-жимир гулли қоғозларга битилган ҳарфларни ўқимоқчи бўлаётгандай тикилди: — Жавон узоқ вақт мана бу ерда турган. Яхшироқ қарагин, чанг изларини кўрасан. Энди пастга қара: гиламнинг четларини жавон босиб турган. Уни ким, қачон сурган?

Бобомурод саволига жавоб кутмай гиламнинг бир учини эҳтиётлик билан тутди-да, Омонуллога «бу учини ушла», деб буюрди. Икковлашиб гиламни ўраб, четга сурдилар. Уй ўртасидаги тўртта пол тахтанинг кўчирилганини аниқлаш учун криминалист бўлиш шарт эмасди. Бобомурод «Қалайсан энди?» дегандек Омонуллога қараб қўйди-да:

— Ҳеч маҳал пол тахтанинг бурагич михлар билан қоқилганини кўрганмисан? — деб сўради.

Омонулло ундан кўзларини олиб қочди. Худди шу ерда ўша куни Тошболтанинг жомадонлари турган, шунинг учунми, гиламни кўтариб қараш ҳеч кимнинг хаёлига келмаган эди.

— Одамларингни чақир, текширишсин. Бу ерда нимадир бўлган, — деди Бобомурод. Омонулло навбатчига қўнғироқ қилгач, «Анави вундеркинд болангни бир кўрмаймизми?» — деб таклиф қилди.

Омонуллога бу таклиф маъқул келди. Аслида Самандар билан бўлган учрашувдан сўнг юқори қаватга кўтарилмоқчи эди. Вақт зиқлиги учун «бола яна эзмаланиб,

ақл ўргатишни бошласа ишларим қолиб кетади», деб учрашувни кейинроққа сурган эди. «Ҳозир айни пайти» деган фикрда юқорига йўл бошлади. Қўнғироқ тугмасига қўл юборганида ичкаридан «кираверинг, эшик очиқ» деган овоз кутди. Кутган таклиф эшитилмагач, ажабланган тарзда қўнғироқ тугмасини босди. Иккинчи марта босишга улгурмай эшик очилиб, паст бўйли, озғин, рангпар аёл кўринди-да, «келинглар», деб уларга хавотир билан қаради. Омонулло ўзини таништиргач, «Абдуқаюм билан гаплашмоқчи эдим», деб мақсадини айтди. Аёл Бобомуродга бир оз тикилиб қаради-да, «киринглар», деб ичкарига чекинди.

Омонулло ичкари кириб Абдуқаюмнинг бўш каравотига кўзи тушди-ю, кўнглига нохушлик оралади. Бўш каравот, аёлнинг ҳорғин кўринишидан хаёлига турли фикрлар ёғила бошлади. Аёл кўрсатган жойга ўтиргач:

— Абдуқаюм қаердалар? — деб сўради.

— Сурат ишлаяпти, ҳозир чиқади. Унинг овунчоғи шу...

— Сиз оналари бўлсангиз керак?

— Ҳа.

— Аввал келганимда ёлғиз экан.

— Айтди. Мен ишда эдим. Адамиз сафардалар... — Аёл ногирон боласини ёлғиз ташлаб кетганидан ўнғайсизланиб изоҳ берди: — Яқинда ишга кирдим. Аввал уйда эдим. Абдуқаюм «катта бўлиб қолдим, ўзимни ўзим эплайман», деб зўрлади. Ҳадеб атрофида парвона бўлишим ҳам ёқмай қолди, шекилли. Шу боламнинг кўнглига қарайман-да. Номигагина ишлайман. Уч-тўрт соатга бориб келаман.

Аёл гапларини тугатмай, ичкаридан Абдуқаюмнинг «Ойижон, мен ҳозир тугатаман, меҳмонларга чой бердингизми?» деган овози келди. Аёл «хўп, жоним», деб қўйиб жавон тортмасидан оқ дастурхон олиб стол устига ёйди. У ошхонага чиққач, Бобомурод ўрнидан туриб деразага яқинлашди-да, кўчага қараб олди.

Бир пиёладан чой ичишга улгуришмай ичкари хонадан Абдуқаюмнинг «Ойижон, мен бўлдим», деган овози эшитилди. Аёл ошхонадан қарийб югуриб чиқиб эшикни очди-да, чироқни ёқди. Кейин ичкари кириб аравачада ўтирган ўғлини олиб чиқди. Абдуқаюм очиқ чеҳра билан салом бериб, худди ёш боладек қувнаб кетди.

— Эрталаб келганингизда учрашармикансиз, девдим. Чиқмаганингиз яхши бўлди, ҳозир сизга «сюрприз» тайёрлаб қўйдим.

Абдуқаюм шундай деб «бу киши ким?» деган маънода Бобомуродга қараб олди.

— Устозим... — деди Омонулло ўгай отасини таништириб.

— Сиз Самандар акамни қамаб қўймадингизми ишқилиб? — деди Абдуқаюм муғамбирлик билан жилмайиб.

— Йўқ. Қамашим керакмиди?

— Шунақа режангиз бўлган-ку, тўғрими?

— Тўғри. Лекин менда режа эмас, гумон бўлган.

— Ҳаммасидан ҳам ана шу гумон ёмонда. Гумон — бир томондан ҳақиқатга қўшни, иккинчи томондан зулмга. Ҳақиқатнинг девори баландроқ, дарвозалари мустаҳкамроқ бўларкан. Дарвозани очишга қийналсангиз, баланд девордан ошиб тушишга эринсангиз деворининг тайини йўқ бу қўшниникига кира қоласиз, тўғрими?

— Унчалик тўғри эмас, гумон кўчасидан ўтмай, ҳақиқат саройига кирилмайди.

— Лекин сиз гумонга асосланиб ҳам қамайсиз-ку, тўғрими? Яна «қамоқ» демайсиз, «эҳтиёт чораси», дейсиз, а?

Омонулло «кўрдингизми бу болани, «вундеркинд» деб тўғри айтдингиз», деган маънода Бобомурод билан кўз уриштириб олди-да, ўсмирнинг донолиги эриш туюлса ҳам, фикрларини давом эттираверсин-чи, деб арқонни узун ташлаб, саволларига шошилмай жавоб бераверди:

— Эҳтиёт чораси баъзан зарур бўлади.

— Қочиб кетмаслиги учунми?

— Баъзан ундай, баъзан эса бир одамни шерикларининг ҳамласидан асраш учун ҳам шундай чора кўрилади.

— Самандар ака қайси бирига кирадилар?

— Самандар акангиз айни пайтда озодликдалар, тилхат олиб, қўйиб юборганмиз.

— Ие, бўлар экан-ку? Опоқим «қўлларини кишанлаб олиб кетишди», деганларига сиқилиб ўтирувдим. Сизларга барибир-да, олим одамни ҳам каллакесарнинг ёнига қўйиб қамайверасизлар.

— Қамоқда олим одам учун алоҳида имтиёзли хона бўлмайди. Бунақа имтиёзлар, унвонлар, мартабалар озодликда бўлади. У ерда ҳамма тенг. Мартабалари ҳам, имтиёзлари ҳам баб-баравар.

— Китобдаги гапларни айтяпсиз менга. Биринчи марта ўтирган одам билан учинчи ё тўртинчи марта қамалган одамнинг шароити бир хил бўлмайди-ку? Бизнинг бир қариндошимиз борлар. Уч-тўрт йил қамоқда ўтирсалар, озодликда бир-икки ойгина юрадилар. Яна бир бало қилиб қамаладилар. Ўша одам Самандар ака билан ўтирса тенглик бўлармиди? Чойи бўлса чойини ичиб қўяр, сигарети бўлса чекиб қўяр... Менга ўзлари айтиб бердилар: одамларни лақиллатиб қарта ўйнарканлар. «Просто так, «дурак» ўйнаймиз» дерканлар. Кейин «про СТО деганман», деб юз сўмни бўйнига қўярканлар. Сиз айтган тенглик шуми? Нега куляпсиз?

Бобомурод мийиғида кулган эди, йигитчанинг зийрак нигоҳи шуни ҳам илғаб, уни саволга тутди:

— Мен кулгили гап айтдимми?

— Худди қамоқхонада яшаб чиққандай гапиряпсиз, ука, — деди Бобомурод.

— Гапларим нотўғрими?

— Тўғри. Лекин ҳар бир жойнинг ўз қонунлари бўлади. Бу ҳаётда лалайган одам эртами-кечми қамоққа тушиши мумкин. Қамоқда лалайган одам эса лаҳадга тушади. Ҳаёт ҳам урушга ўхшаган нарса, ука. Ким лалайса ё туҳмат ўқига учрайди, ё камбағаллик тўрига илинади, ё яна бошқа бир балога учрайди. Жанг пайтида керишиб,

эснаётган одамнинг миясини ўқ ўпириб юборадими? Ҳаётда ҳам шундай. Зийрак одам яшаб қолади.

— Санжар ака лалайган лақмамилар?

— Унақа деганим йўқ. Ман у одамни танимайман. Танимаган одамимга эса баҳо бера олмайман.

Шу пайт Абдуқаюм сурат ишлаб чиққан хонада нимадир чирсиллади.

— Ойижон, суратлар қуриди, қуритгични ўчириб қўйинг, илтимос, — деди Абдуқаюм ошхона томонга қараб. Онаси дарров чиқиб, айтилган ишни бажарди.— Бугун қўлларимга анча жон кириб, суратларни ишлаб қўя қолдим, — Омонулло Абдуқаюмнинг панжалари бу сафар енгилроқ боғланганига эътибор берди.— Ака, сиз кетганингиздан кейин мен кўп ўйландим. Одамлар туғиладилар, яшайдилар, ўладилар. Туғилса — қувонамиз, ўлса хафа бўламиз. Ўша ўлган одам тириклигида ярамас ишларни кўп қилганига қарамай ачинаверамиз, афсуслана-верамиз. Мен аввал кўришганимизда ҳам айтувдим: Нафиса опани сиз қидираётган одам ўлдирмаганида ҳам барибир бошқа баҳонаи сабаб билан бу дунёни ташлаб кетардилар. Сиз ҳозир қотилни эмас, сабабчини қидиряпсиз. Биласизми, мен одамнинг ўлганига ачинмайман. Чунки ўлим ҳамма учун аталган неъмат. Мен имонсиз кетган одамларга ачинаман. Имонсиз кетса, у дунёдаги аҳволи ночор бўлади, мен шунга афсусланаман. Нафиса опа анча иймонга кириб қолай девдилар... савол-жавоблари осон бўлсин, ишқилиб... Ойижоним баъзан менга қараб туриб ранжийдилар, менинг бунақалигимдан эзиладилар, ўзларини айбдор деб ҳисоблайдилар. Дўхтирлар «сизга туғиш мумкинмас», дейишган экан. Дўхтирнинг айтгани эмас, Аллоҳнинг хоҳлагани бўлади. Аллоҳ ойижонимга фарзанд беришни ихтиёр қилдими — дўхтирингиз нима дея олади? Кўп гапиряпти, деб ғашингиз келмасин. Шу гапларни айтиш учун роса ўйладим-да. Сиз қотилними ё бошқа жиноятчиними излайсиз, ушлайсиз, қамайсиз. Лекин бирини қамасангиз иккинчиси тайёр туради. Сиздан олдингилар ҳам қамаб тугата олмаган, сизлар ҳам

тугатолмайсиз, кейингилар ҳам. Нима учун, биласизми? Амаки, айтаверайми, жаҳлингиз чиқмайдими?

Бобомуродга бу йигитчанинг ёшига ярашмаган тарзда ақлли гапларни айтаётгани аввалига сал эриш туюлган бўлса-да, энди хуш ёқаётган эди. Шу боис Омонулло билан кўз уриштириб олиб:

— Гапираверинг, фикрларингиз менга ёқяпти, — деб тўғрисини айтиб қўя қолди.

— Сизларнинг ишингизда битта хато бор: «шу одам нимага қўлига пичоқ олди, нимага ўлдирди, нимага ўғирлади?» деган саволга жавоб қидирмайсиз. Сиз учун бу одамнинг жиноятни бўйнига олгани муҳим. Сабаб муҳим эмас. Сиз ўтни ўриб оласиз. Илдизи эса қолаверади. Мен ўйлаб-ўйлаб шу илдизнинг нималигини билганга ўхшайман. Тўғриси, битта китобни ўқиб туриб шу фикрга келдим. Ҳамма жиноятнинг бир қаноти НАФС, иккинчи қаноти ҚАЛБнинг нурсизлиги, қалбнинг бўшлиги экан. Ойижоним шу китобдан бир неча сатрни ёзиб бердилар, ўқийсизми?

Абдуқаюм шундай деб аравачаси ёнидаги қопчиқдан тўртта букланган бир варақ қоғоз чиқариб, Омонуллога узатди. Омонулло қоғозни очиб аввал сатрларга шошқич кўз югуртирди-да, сўнг овозини чиқариб ўқий бошлади:

— «Қалбингизни ўйланг! Инсон қалби бир гўшт парчасидан иборат эмас. Қалбда маънавий ҳақиқат, Раббоний латофат жо этилган. Қалб айни пайтда инсон кўнглининг эшиги, деразасидир. Деразадан ташқарига қараганингизда ерларни, осмонни, юлдузларни кўрганингиздек, қалбингизга боққанингизда ҳам кўнгил оламингизни мушоҳада қиласиз. Бу олам— нуроний олам: тенгсиз, кенг, теран олам бўлиб, арши аълога қадар узаниб кетган. Ўзингизни ана шу оламга ўтганингизни, ҳар тарафингизнинг нурга тўлиб-тошганини ҳис қилинг...» — Омонулло хатни ўқиб бўлиб аввал ўгай отасига сўнг жиддий нигоҳини қадаб ўтирган Абдуқаюмга қадади:

— Тайёрлаб қўйган сюрпризингиз шуми?

Омонулло шу савол билан сатрлар маъносини теран ҳис этолмаганини ошкор қилди. Абдуқаюмнинг ўзи бу

сатрлардан ғоят таъсирланган, бошқалар ҳам шу ҳолатда бўладими, деб фикр қилган эди. Бу чақириқнинг Омонулло учун оддий гапдай туюлганидан ранжиб, афтини ошкора буриштирди.

— Бу Жўшон ҳазратнинг гаплари. Сюрприз кейинроқ бўлади. Сиз аввал сўрайдиганингизни мендан сўраб олинг.

— Бизни бир нарса қизиқтиряпти: пастдаги уйда тарақлаган овоз эшитилмадими? Масалан, мих қоқилганими ё тахтанинг тарақлаганими? — деб сўради Бобомурод.

Абдуқаюм бир оз ўйлаб ўтиргач:

— Эшитилди, — деди. — Лекин мен слесарлар ишлаяптимикин, деб ўйловдим.

— Қанақа слесарлар? Қачон ишлашди?

— Қувурларни, иситкичларни алмаштирамиз, деб юришган экан.

— Сиз уларни кўрдингизми?

— Йўқ, бизникига киришмади. Аввал пастки қаватдагиларникини алмаштиришаркан. Опоқимга учрашибди. Нафиса опам ишда эканлар, «қачон келади?» деб сўрашибди.

— Опоқингиз айтдими?

— Ҳа.

— Омонулло, ЖЭКка қўнғироқ қил. — Омонулло «кеч бўлди», деган маънода соатига қараган эди, изоҳ берди: — Навбатчи бўлади.

— Ҳа, навбатчи бўлади, — деб қувватлади Абдуқаюм, сўнг онасини чақирди: — Ойижон, ЖЭКнинг телефонини беринг.

ЖЭК деб аталмиш идора навбатчиси телефон гўшагини дарров кўтара қолмади. Омонулло тўртинчи марта рақам тергач, норози оҳангдаги «алё» деган товуш эшитилди. Омонулло ўзини танитганидан сўнг «иситиш қувурларини қачон алмаштиришга киришасизлар?» деб сўради.

— Буни хўжайинлардан сўранг. Бугун шанба, эртага якшанба. Индинга келиб сўрайсиз. Биз кичкина одаммиз, — деб жавоб қайтарди навбатчи.

— Хўжайиннинг уйларидаги телефонни беринг, — деди Омонулло.

Навбатчи бир оз иккиланиб тургач, телефон рақамларини айтди. Бошлиқ уйида экан. Омонуллонинг саволига «1989 йилги режада бундай иш йўқ», деб қисқа ва лўнда жавоб берди. Омонулло унинг гапини Бобомуродга айтгач, Абдуқаюм жонланди:

— Ўзим ҳам шундайдир, деб ўйлаган эдим, — деди қувонч билан.

Ундаги бу ўзгариш меҳмонларни ажаблантирди.

— Ойижон, илтимос, суратларни олиб чиқиб беринг, — деб ялинди Абдуқаюм. Аёл турли ҳажмдаги ўнга яқин суратларни олиб чиқиб бергач, Абдуқаюм улар орасидан иккитасини ажратиб, Омонуллога узатди: — Қаранг: мана шу одам бир кун олдин «слесарман» деб келган эди. Опоқим билан шу гаплашган бўлиши керак. Эртасига ҳам келган. Мен сурат яхши чиқадими ё йўқми, деб гумонсираб, сизга айтмовдим.

— Бу одамнинг кирганини кўргансиз, чиққанини-чи?

— Кўрдим.

— Қўлида тугунми ё шунга ўхшаш нарса бормиди?

— Йўқ.

— Уйда тахминан қанча вақт бўлди?

— Бир соатчадир.

— Самандар акангиздан олдин келдими?

— Ҳа. Нафиса опамлардан ҳам олдинроқ келган.

— Самандар акангиздан олдин чиқдими ё кейинми?

— Кейин шекилли... Ҳа, кейинроқ чиқди.

Омонулло «уйда беркиниб турганми? Унда газчи? Очилов газни ўчириб, деразани очган экан. У чиқиб кетганда ҳам уйда қолган бўлса нима учун деразани беркитиб, газни яна очмади? Ёки... нима учун Очиловни ҳам ўлдирмади?...» деган маънода Бобомуродга қараб қолди. Бобомурод ҳам айни шу хаёлда эди.

— Тўхтанг... — деди Абдуқаюм ўйланиб олиб. — Самандар ака машинадан тушганларида кимдир юқори қаватга кўтарилди. Самандар ака қайтганларидан кейин пастга тушди. Кейин... шу одам кўчага чиқди.

Омонуллонинг «зинада рўпара келиб қолишдан чўчиб юқорига кўтарилганми?» деган савол назарига Бобомурод тасдиқ ишорасини қилди.

— Бу суратни бизга бериб тура олмайсизми? — деб сўради Омонулло.

— Марҳамат, сиз учун атай ишладим...

— Лекин... биз ҳақ тўламаймиз-да? — деди Омонулло кулимсираб.

Абдуқаюм аввалги учрашувдаги гапига шама қилинганини фаҳмлаб кулди-да:

— Америкага борганимизда тўлайсиз, — деди.

Бобомурод бу ҳазилга тушунмай, бир тутинган ўғлига, бир йигитчага ажабланиб қаради. Абдуқаюм эса қолган суратларни ҳам Омонуллога узатди:

— Ўша куни қўлим шикастлангунича олган суратларим: Самандар ака ҳам борлар.

Чиндан ҳам машинага ўтираётган Самандар суратга тушиб қолган эди. Ўриндиққа ўтираётиб уй деразасига ўгирилиб қараган Самандарнинг кўзларида ҳадик муҳрланган эди. «Бечора эр», деб ўйлади Омонулло унинг жавдираган кўзларига қараб.

Уй бекасини «овқат тайёр бўлиб қолди, ўтиринглар», дейишига қарамай, хайрлашиб, пастга тушдилар. Омонулло қўшни эшик қўнғироғи тугмасини босди. Абдуқаюмнинг опоқиси слесар ҳақидаги гапларни тасдиқлаб, суратдаги одамни ҳам танигач, Бобомурод «хомлигингни исбот қилдимми?» деган маънода муғамбирлик билан кулимсиради.

Бу орада етиб келган текширувчилар гуруҳи Омонуллодан топшириқ олиб, бетўхтов равишда ишга киришдилар. Омонулло Бобомуродни «вазирликдаги устозим», деб таништиргани учун «устоз» уларнинг ишларига аралашди. Кўчириб, сўнг ўрнига қўйилган тахталарни олиш қийин бўлмади. Бу ердан нимадир қидирилгани аниқ эди. Аммо ўша «нимадир» топилганми ё йўқми — шу номаълум эди. Бобомурод ҳар бир нуқтани синчиклаб текшириши талаб қилди. Оқибатда бураб олиниб сўнг жойига

қоқилмаган михга қон теккани аниқланди. Шу михқалпоғида бармоқ изларининг қолгани улар кўнглига чироқ ёқди. Бармоқ излари полтахталари остида қолиб кетган қўлбола бурагичда ҳам бор эди.

— Бармоғини уриб олган ёки нимадир кесган. Бурагични йўқотиб, тополмаган. Шубҳасизки, шошилган. Агар излаганини тополмаган бўлса, асабийлашган, — деди Бобомурод.

— Асабийлашса тахталарни жойига қўйиб, гиламни ёпармиди?

— Ҳамма ёқни ағдар-тўнтар қилиб ташлаб кетарди, демоқчимисан? Агар хом ўғри бўлса, шундай қилади. Дурустроқ нарсанинг исини олган бўлса, дарров сир бой бермайди. Бу ердан бўлмаса бошқа жойдан чиқишини кутади. Пайт пойлайди. Ҳар ҳолда у уй эгаларининг келиб қолишларини кутмаган. Агар улар ҳаммомга мўралаб уни кўриб қолишмаганда ўлишмаган бўлишарди.

... Шу каби турли тахминлар билан ярим кечада уйларига қайтишди. Эртасига бармоқ излари ва сурат бўйича тегишли сўров юборилди. Жавоб узоқмади: «Павел Онопко. Херсонда туғилган. Лақаби — Кошак. Украина ССР жиноят кодексининг (...) моддалари билан озодликдан маҳрум этилган. Ҳозир Иркутскдаги (...) қамоқ лагерида...»

Иркутск? Омонулло Тошболтанинг «Иркутскка борувдим» деган гапларини эслади. Эслади-ю, «Ўша ерда изига тушдими?» деган савол хаёлини ёритди. Кейин «Ахир у қамоқда бўлиши керак-ку?» деб ўйлаб, навбатдаги сўровни юборди. Бу орада Нафисанинг ўйнаши ёдига тушиб, тортмадаги қоғозлар орасидан Матлуба берган хатларни ажратди-да, манзилига қаради. Қаради-ю, рўпарасидаги зимистон ёришгандек бўлди. Эшик қулфининг калит билан эмас, ясама михочқич билан очилганини далилловчи хулоса эса унга энди аҳамиятсиздек туюлди.

Якшанбани архивга оид маълумотларни ўрганиш билан ўтказиб, уйига кеч қайтди. Уйқуга тўйиб улгурмай телефон жиринги уйғотди...

Учинчи баён: ойдинлик

НАФИСА

Бу дунёдаги ҳаёт қилкўприк эмас, ундан-да хавфли, ундан-да баттароқдир. Балки устара тиғи устида яланг оёқ юришга қиёслаш ўринлидир? Воқеан шундай. Устара тиғи десакда, қилкўприк десакда фарқсиз — Нафиса бу йўлда юра олмади — тойди. Унга бу йўлда қандай юрмоқ лозимлигини ўргатмадилар. Заҳарни «асал» дедилар — ишонди, зулматни «ойдинлик» дедилар — кўнди, азобни «роҳат» дедилар — маъқуллади... Сассиқ кўлни мавжли денгиз деб хаёл қилиб адашганини, ойдин йўл дегани бахт саройига эмас, дўзах қопқасига етаклаганини кеч англади. Агар уйида ўлим топмаганида балки «кеч англади» демоғимиз ўринсиз бўларди. Ҳаром-ҳалолнинг фарқига эндигина бораётган жувон учун покиза денгиз йўллари очиларми энди?..

Бир куни ишхонасидаги аёлнинг «Ҳар биби сешанба куни ош дамлаб муҳтожларга чиқараман, шунинг учун Худо мушкулларимни осон қилади», деган гапи Нафисага таъсир қилди. Фариштали оила деб аталмиш бахтдан бошқа ҳамма нарсаси бор Нафиса кейинги ҳафталарда ўзи сезмаган, ўзи истамаган ҳолда эзила бошлаган эди. Турсунали акаси у ёқда, эри тоғда бўлган жувоннинг ёлғиз қолиши азоб эди. Йўқ, Нафиса ўгай онаси таъриф этган даражадаги тоифадан эмасди. Эрсираб қолгани ҳам йўқ эди. Фақат аёллар оилаларидан гапиришса, ҳатто турмуш қийинчиликларидан нолишса ҳам уларга ҳаваси келадиган бўлган эди. У эр ҳукмрон бўлган кўп болали оилага эга бўлиш орзусида яшай бошлаган эди. Чиройли ёки пулдор эр ҳаваси шамолда қолган шамчироқ сингари умри поёнига қараб борарди. Шинам оила орзусида у ош дамлади. Икки ён қўшнисиникига бир косадан чиқарди, бир косани олиб юқори қаватга кўтарилди. Абдуқаюм уйда ёлғиз эди. Нафиса очиқ эшикдан кириб, косани аравачага мосланган стол устига қўйди. Нафиса қўшни аёлларнинг бу хонадонга кириб, гаплашиб ўтиришларини

биларди, «бу бола кўп китоб ўқийди, бола эмас — бало!» деган таърифни ҳам эшитган эди. Шу сабабли Абдуқаюмнинг «Нафиса опа, бирпас гаплашиб ўтиринг», деган таклифини рад этгиси келмади.

Шундан сўнг ёлғизлик азобига Абдуқаюмнинг суҳбатлари малҳам бўла бошлади. Шу ерда унинг тош юраги юмшагандай бўлиб, зулматдаги қалбига иймон нури аста мўралади.

Омонулло Нафисанинг ишхонасига борганида столи тортмасидан ўн икки варақли дафтар олинганини билмас эди. Нафиса бу дафтарга нималарнидир ёзар, кейин узоқ тикилиб ўтирар эди. Бу ҳолатга қизиққан ҳамхона аёл унинг ўлимидан сўнг дафтарни олиб ўқиди-ю, аммо жойига вақтида қўйишни унутди. Омонулло келганида эса дафтарни унинг қўлига тутқазишдан чўчиди. Шу боис Нафисанинг қалбидан ўтганлари сир бўлиб қолаверди.

Нафиса Абдуқаюмнинг китоблардан ўқиб берганларини эслаб, айрим гапларни эса ёзиб қўйишни одат қилган эди.

«Сени ҳақиқатдан узоқлаштириб, ёмон одатларга яқинлаштирган кимса энг ифлос одамдир...» — Абдуқаюм шундай дедилар. Унда... Энг яқин одамларим... энг ифлос одамлар экан-да... Вой, Худойим, бу не кўргулик...»

«Эй Одам фарзанди! Дунёга ёмонлик тарқатганни асло олқишлама! Бу олқишинг сени зулмларнинг энг даҳшатлисига олиб боради...» Худо шундай деган экан. Мен шундай қилдимми? Энди зулмнинг энг даҳшатлисига учрайманми? Вой, Худойим, бу не кўргулик...»

«Эй бойлиги билан мағрур бўлган инсон! «Фалончиман!» деб кибрланма, балки «Асли ўзим кимман?...» деб фикрла. Бугун молига мафтун, авлодига мажнун бўлган эй инсон! Кўз юмган кунинг аччиқ-аччиқ ҳақиқатни кўргач тушунасан... Мол-дунёнг кўплигидан севинма, ҳалол қўлга киритганингдан севин. Чунки ҳаром даромад сени оқибат азобга дучор қилади...» — Бу азоблар ҳали менга каммиди... Вой, Худойим, бу не кўргилик...»

«Қалбида иймон нури бўлмаган инсон — уйқудадир. Уни фақат ўлим уйғотади. Шу сабабли Расуллулоҳ «Инсонлар уйқуда, ўлганларида уйғонадилар», деган эканлар...» — Мен қандай уйғонар эканман, Вой, Худойим...»

Ҳамхона аёл бу сатрларни ўқиб кўп ҳам таъсирланмаган, «эскичага ўқиётган экан-да», деб қўя қолган эди. «Қалбнинг нурланиши» деган тушунчадан узоқ бўлгани учун ҳам Нафисанинг сатрларига кўчган туйғуларига ҳамроз бўла олмаганди. Дафтарни Омонулло ўқиган тақдирда ҳам «қотилни аниқлашга ёрдам берувчи далил йўқ», деб қўя қолар эди.

Идора хўжайини «милисага «ғинг» десаларинг оналарингни кўрсатаман», дегани сабабли ҳамхона аёл Омонуллога бор гапни айтишдан қўрқди.

... Нафиса ўша куни эрталаб бозорга кириб иссиқ нон, қулупнай кўтариб келиб идорадагиларни меҳмон қилди. Меҳнат таътилини тоғда, эри билан ўтказажагини ҳамхона аёлга айтди. Шунда «ё бугун, ё эртага олиб кетишлари керак, ҳаммомда кран ўлгурдан сув оқяпти. Уста чақирсам келмаяпти, йўғимда сув шариллаб оқиб кетса қўшниларимдан балоларга қоламан», деб нолиди. Шунда ҳамхона аёл: «Вой, Санжарга айта қолмайсизми, меникини бирпасда тузатиб берган, асли касби сантехник-ку, билмасмидингиз?» деди-да, чаққонлик билан туриб йигитни чақириб келди.

— Ишдан кейин боролмайман. Агар «хўп» десангиз, ҳозир бориб тузатиб кела қолай...

Таклиф маъқул бўлиб йўлга тушдилар...

Уларнинг бирга келаётганларини Абдуқаюм кўрди...

Кўрди-ю, кўнглига шубҳа ораламади, ёмон фикрга бормади...

Уч кундан кейин Нафисани қарғадилар:

— Ўйнаши билан ётган экан, шарманда!

...Шарманда... Шарманда...

Уч кундан кейин Санжарни лаънатладилар:

— Суюқоёққа илакишган экан, йигит ўлгур!

...Йигит ўлгур... Йигит ўлгур...
Ҳамхона аёл ҳам бу гапларга ишонди ва айтди-ки:
— Илгаритдан кўз сузишиб юрарди-да...

КОШАК

Кошак неча марта «этап»га қўйилган бўлса ҳам бунчалик қувонмаган эди. Ҳали тож кийиш даражасига етмаган, аммо «От!» деса отишдан, «Ос!» деса осишдан, «Бўғиб ташла!» деса бўғиб ташлашдан қайтмайдиган икки йигитнинг икки қанотига кириши унга бахт ва омад дарвозаларини ланг очиб берадигандай бўлди. У йўл-йўлакай «Парижда яшаганим яхшими ё Флоридадами?» деган масалада ҳам бош қотиришга улгурди. У ўзи ёққан зулм ўтида ўзининг қоврилажагини билмай хом хаёлларига банди бўлиб маза қилди.

Уларни шаҳар четидаги тўрт қаватли уйнинг учинчи қаватидаги беш хонали уйга жойлаштирдилар. Дераза-ларига ўрнатилган янги панжараларга қараганда уй бу-ларнинг ташрифи учун махсус «жиҳозланган» эди. Эр-тасига эрталаб яна етти киши, пешинда эса беш киши келиб, уй тўлиб қолди. Кўнгил истаган барча нарсалар: ароқ дейилса, ароқ, наша дейилса — наша, қора дори дейилса — қора дори муҳайё этиб турилди. Кошак, ҳатто «Боқув шунақа бўлса, чет элга жўнашнинг ҳожати ҳам йўқ», деган хаёлга борди. Бўлажак иш режаси билан таништиришга шошилишмади. Шунда Кошак уларни кузатиб турган бошлиқдан «Бир уйдаги омонатини олиб келиш» учун рухсат сўради. Бошлиқ катталари билан маслаҳатлашиб унга икки кунга ижозат берди. Кошак ўзи билан келган йигитларнинг бирини ёнига олиб Самандарнинг уйини топди. Кузатди. Эртасига слесар қиёфасида кирди. Кичик хона полининг тахталарини кўчирди. Кўчирди-ю, лаққа тушганига амин бўлиб, муштумини ғазаб билан қисди. Қўлида учли бурама михни ушлаб турганини ҳам унутди. Мих бармоғи учига санчилгандан кейингина ўзига келди...

Жаҳл отига минганича чиқиб кетмоқчи эди, аммо бошлиқнинг «Бирорта из қолса, ўзингдан кўр, у ер сен ўйлаган онангнинг уйи эмас», деган топшириғини эслаб, тахтачаларни жойига қўйди. Жавонни ўрнига суришга эса улгурмади. Эшикдан ташқарида овозлар келгач, ўзини ҳаммомга урди...

Тугмали буклама пичоқ билан эркакни бир ҳамлада ўлдирди.

Аёл дод солиб ошхона томонга қочди. Чап қўли билан оғзини юмиб, ўнг қўлидаги пичоқни қовурғаси остига санчди. Аёл йиқилиб типирчилай бошлади. Унинг қулоғидаги зирак кўзи ялтиллаб кетди — иккала зиракни шарт қулоқдан узиб ола қолди. Сўнг бармоқдаги узукларни олди — ҳар ҳолда қуруқ кетмаётганидан қувонди. Аёлнинг жон бериши оғир бўлди. Унга раҳми келди — стол устидаги пичоқни олиб, юрагига санчиб, бу дунё азобларидан қутқарди. Пичоқ сопини рўмолчаси билан артиб қўйишни унутмади. Бошлиқнинг из қолдирмаслик ҳақидаги топшириғини эслаб, бунинг ҳам чорасини топди — газ йўлларини очди.

Жума куни уларнинг вазифалари аён бўлди. Улар жойлашган учта «РАФ» бошкентни тонгда ташлаб чиқди. Тоғ ошиб, яна анча юришди. Манзилга етгач, шомга қадар дам олишди. Шаҳарчадаги қайси уйларда бадавлатроқ одамлар туришини алоҳида-алоҳида кўрсатишди. Шундан сўнг гуруҳ иккига бўлинди. Биринчи гуруҳ — кейин келган етти йигит — учраган одамларни ўлдириб, жасадларни ҳам, уйларни ҳам ёқиб кетиши керак эди. Кошак эса икки шериги билан бадавлат хонадонларни талаб, сўнг ўт қўйишни зиммасига олди. Қўлга киритилган бойлик теппа-тенг ҳалол бўлиниши қайд этилди. Вазифа яшин тезлигида бажарилиши шарт эди. Шанба куни кечқурун уларни шу кўчалардан икки марта олиб ўтишди. Эртасига кун ёйилганда, узоқда оломон кўриниши билан улар вазифаларини бажаришга киришдилар. Алдангани учун ғазаб отига минган Кошак бу вазифаларни керагидан ортиқроқ даражада бажаришга ҳаракат қилди. Биринчи уйга бостириб кирганидаёқ хонадон со-

ҳиби унинг кўзига дам Турсунали, дам Тенгиз бўлиб кўриниб пичоғини санчаверди... санчаверди... Ҳар тиғ урганида кўнгли роҳатдан яйрайверди... яйрайверди...

Тўмтоқ ақли эса ҳадемай ўзининг қони ҳам оқажагини идрок этмади.

Вазифалар адо этилиб, бутун дунё бу шаҳарчада юз берган фожиа ҳақида бош қотираётган кунларнинг бирида Тенгиз «оиласидан хабар олиш» учун ижозат сўраб Турсуналининг ота уйига борди. Амакиваччалар «СССР прокуратурасидан келган» Тенгизга монелик қилишмади. Боғ ўртаси кавланиб, темир қутича олинди. «Акт» ёзилиб, амакиваччалар гувоҳ сифатида имзо чекдилар. Бир неча йил тупроқ остида «жон сақлаган» темир қутича эртасигаёқ яна Тенгиз учун ишончли бўлган жойга кўмилиб, эгаси озод бўлиб қайтгунига қадар кутди...

ТЕНГИЗ

У ҳаёти йўлида тиканлар, тошлар борлигини биларди-ю, аммо оловларга дуч келарман, деб ўйламаган эди. Тенгиз «Кошак билан вазифамиз бир бўлса, у ҳароми билан учрашаман», деб янглишди. Вазифа ўталадиган жой бир бўлгани билан, бажарилуви лозим бўлган юмуш бошқа-бошқа эди. Таъбир жоиз бўлса, худди болаларнинг «Оқ ва Қизил» ўйинига ўхшарди. Бир гуруҳ бола Оқ, бир гуруҳи Қизилга айрилганидек, Кошак билан Тенгиз ҳам бўлинган эдилар. Кошак ерли халқ номидан ваҳшийликни бошлагач, Тенгиз тоғликлар номидан қарши зулмни кўтариши лозим эди.

Тенгиз ўзининг гуруҳи билан шаҳар турмасида вазифа бошланиш онларини кутди. Уларни шанба куни кечқурун шаҳар ёнбошидаги тоғликлар зич яшайдиган маҳаллага олиб келиб, пастқамроқ уйга жойладилар. Кошак гуруҳидан фарқли ўлароқ, улар макон топган ҳовлига қуролли соқчилар қўйдилар. Тенгиз ва унинг шериклари содиқ хизмат қилмоққа ваъда берганлари билан, уларга тўла ишонч йўқ эди. Шанба оқшомида вази-

фа билан таништиришгач, «Агар бажаришдан бош тортсангиз ёки қочмоқчи бўлсангиз, жойида отиб ташлаймиз», деб огоҳлантиришди.

Кечаси Тенгиз ухлай олмади. Чекиш баҳонасида ҳовлига чиққанида бир одамнинг дарвоза устунига мато боғлаётганини кўриб соқчига ажабланиб қаради. Соқчи унга «ишинг бўлмасин!» дегандай қўл силтаб қўйди.

Кун ёйилганда бошлашди.

Аввал бир тўда ўтди. Уйлардан қора тутун ўрлай бошлади.

Сўнг кичик тўда пайдо бўлди. Олдиндаги Кошакни кўриб, Тенгиз дарвозадан отилиб чиқай деди. Соқчи «ҳали вақт бор», деб кўкрагидан итарди.

Кўчага қўйилиши билан Кошакни излади. Топди.

Сандиқ ковлаётган Кошак орқасида шарпа сезиб ўгирилди, аммо ўзини ҳимоя қила олмади. Тенгизнинг қўлидаги пичоқ бўғзига қадалди-ю, томоғидан отилган қон сандиқ ичидаги пулларни қизилга бўяди. Дам ўтмай унинг жасади ўзи ўлдирган уй эгаларининг мурдалари билан бирга ёна бошлади...

Ўша дақиқалардаёқ миш-мишлар алангаси ҳамма ёқни қамраб олди:

— Ерликлар тоғликларни тириклайин ёндиришибди...

— Тоғликлар автоматлар билан қуролланиб, катта куч билан шаҳарга ёпирилишибди...

Таҳлика, ваҳимада қолган аҳоли лочин чангалидан қўрққан полапонлардай нажот тилаб қақшар эдилар.

Телевизорда эса мош ютган хўроздай бўлиб олган нотиқ кулимсираган ҳолда ваъз айтарди:

— Ҳамма жанжал қулупнайдан чиқибди... Одамлар ҳам нодон...

ОМОНУЛЛО

Ишхонада телевизор томоша қилиб ўтирган Омонулло бу гапларга ишонди. Икки кундан сўнг у москвалик терговчиларга қўшилиб фожиа содир бўлган шаҳарга

учди. У кетгач, сўровига жавоб келди: «Сўровингизга биноан шуни маълум қиламизки, Павел Онопко (лақаби Кошак) қамоқ лагеридан қочишга уринганида 1989 йил 20 май куни отиб ўлдирилган».

Уч ой давомида москваликларга ёрдам берган Омонулло ишхонага қайтиб бу жавобни ўқидию ниманидир сезгандай бўлди. Иркутскка бориб келишни илтимос қилди. Аввал ижозат беришди, кейин эса «Овора бўлмай ишни ёпиб қўя қолинг», деган маслаҳатда тўхташди.

Шу тўхтамга келинган куни оқшомда прокуратурадан Мэлс Хўжаев қўнғироқ қилиб «Ака, Иркутскка бормоқчи эмишсиз, агар маслаҳатимга кўнсангиз — борманг. Сабабини кейинроқ бафуржа гаплашармиз», деди.

Бу орада Фотима Ҳиндистондан қайтди.

Ваъдаги биноан баҳорга чиқиб ўғил туғиб берди.

Диссертациясини ҳимоя қилаётганда Омонулло бешикдаги ўғлини сўрғичда овқатлантириб ўтирар эди. Болтаеванинг ўлимига оид ишни тўхтатишдан воз кечолмагани учун истеъфога чиқишга мажбур бўлган Омонулло учун ўғил боқиб ўтириш улуғ бир бахт бўлиб туюлар эди...

СЎНГ...

Адолат Омонуллога қатнайвериб, охири эрининг молини қўлга киритди. Омадини қарангки, совхознинг янги директорини ҳам қўлга киритишга эришди — катта қизини унга қўшиб қўя қолди. Тошболта олиб келган бойликнинг бир улуши совхоз директорига тегишли эди. Адолат шу бойликни олиб кетиш учун уни уйига таклиф этди. Едирди, ичирди, сўнг...

Ичкарида янги директор ҳузурланар...

Бу ёқда Адолат қувнар, орзулардан тилла саройлар қурар...

Айвонда эса жон бераётган Тошболтанинг лаблари бир томчи сувга зор...

ВА НИҲОЯТ...

Ўн йил ичида дунё ўзгариб кетди. Кўп юртларни босиб ётган қоронғулик чекинди, бало булутлари тарқагандай бўлди. Офтоб чарақлаган кунларнинг бирида Омонуллони хизматга қайтардилар. Учинчи ўғли туғилганида у полковник даражасига етган эди.

Офтоб нуридан гул ҳам, чақир тикан ҳам баҳраманд бўлганидай, ўпкасини совуққа олдирган Турсунали ҳам уйига барвақт қайтди. Ўзини туҳмат балосига учраган мазлум сифатида кўрсатиб, ҳеч бўлмаганда совхоз директорлигини қайтариш илинжида кўп уринди. Аммо уринишлари зое кетди. Яхшики, шогирдига инсоф кириб, уни қанотига олди. Турсунали буни шоҳсупа сари босилган биринчи қадам деб ўйлади. Аммо нафс яна ўз ишини қилди: бир вагон маъдан ўғитларини пуллаётган пайтда қўлга тушди-ю, ўзи билан бирга шогирдини ҳам чоҳга тортди.

Оқибатда:

Адолатнинг қизи ўйнашсиз қолди...

Матлуба яна эрсиз...

Матлубанинг биринчи келинини уй остонасига олиб чиқиб «қайнотасига салом...» дейишаётганда салом эгаси Қаршидаги қамоқ лагерида ўз тақдирини лаънатлаб ўтирарди.

Нуриддин эса...

Қўтоснинг сабоқлари зое кетди. Уйига қайтгач, Нуриддин ота касбини қилди — одам ўлдирган қўлларнинг кетмон дастасига кўникиши қийин бўлса-да, барибир изига қайтмади.

Бир куни шомда ғўзаларга сув тараётган дамда шийпон яқинида машина тўхтаб, ундан башанг кийинган одам тушди. Бригада бошлиғи ҳам кетиб бўлган, далада Нуриддин ёлғиз эди. «Хўжайинлардан бири келди», деб ўйлаб, шийпонга яқинлашди-ю, Тенгизни кўрди. У билан қандай кўришишни билмай тараддудланганида Тенгиз қучоқ очди:

— Ҳамзат! Саломатмисан, биродарим! — деб қучоқлаб олди.

Нуриддин «мени яна ўғирликка тортгани келган», деган фикрда, рад жавобини қандай қилиб айтишни билмай ўтирганида Тенгизнинг ўзи мушкулини осон қилди:

— Сени олиб кетгани келганим йўқ, қўрқма, — деди у. — Сендан ўғри чиқмаслигини билардим. Сени у томонларда сақлаб қолишнинг бошқа йўли йўқ эди. Мен юртингдан озроқ қарз бўлиб қолган эдим, тўғрироғи, товон тўлашим керак эди, шуни тўлагани келдим. Атаганимни бераману кетаман. Энди замон бошқа, Ҳамзат, ҳаёт ҳам бошқача бўлади. Сен болаларингни ўзингга ўхшатиб тарбиялама. — Тенгиз шундай деб машинадан ихчам жомадон олиб очди. Унинг ичидаги пулу жавоҳирни кўриб Нуриддин лол қолди. Тенгиз пуллардан бир тахламини олиб Нуриддинга узатди:

— Тўйингга келолмадим, бу сенга тўёна.

Нуриддин олмайман, деб чекинган эди, Тенгиз пулни унинг қўнжига солиб қўйди.

— Тўёнадан қайтмайди, аҳмоқ! Сендан битта илтимосим бор: ўғилларингдан бирининг исмини Ҳамзат деб қўй, майлими? — У шундай деб жомадонни ёпди. — Буниси юртингга тўлайдиган товон...

Шундай деб кетди...

Нуриддин уни бошқа кўрмади...

Тенгиз унинг учун ширин хотира бўлиб қолди...

АЙТАР СЎЗЛАРИМ ШУКИ:

Ҳар бир нарсанинг ибтидоси бўлгани каби интиҳоси ҳам мавжуддир. Тангри таолонинг буюк лутфи, карами ва марҳамати ила баёнимиз шу ерда ниҳоясига етди. Шони Азийм бўлган Аллоҳга беҳад ҳамду санолар бўлсин. Ўқиганингиз мазкур баёнларда ютуққа арзирли жиҳатлар бўлса — Аллоҳнинг марҳаматидандир. Сизни ишонтирмаган, ғашингизга теккан, ҳафсалангизни пир қилган ерлари бор экан, бу қаламимиз ожизлиги, эътиборсизли-

гимиз, лоқайдлигимиз ва яна аллақанча айбларимиз туфайлидир. Бунинг учун сиз, азиз китобхонлардан узр сўраб, Яратганнинг олдида тавбалар қиламизким, шояд тавбаларимиз қабул бўлиб, бундай кейинги битикларда Ҳақ йўлдан адаштирмаса.

Баёнларда қора бўёқлар кўпроқмикан, деб ажабланарсиз балки? Ажабланманг, бу хато маҳсули эмас. Атайин шундай қилинди. Зулмдан қочмоқликнинг, зулмга нафрат қилмоқликнинг йўлларидан бири — зулм аслан қандай эканини яхшироқ ва аниқроқ кўриш, англаш, таҳлил қилмоқликдир. Нафснинг келажаги — зулмдир, зулмнинг келажаги эса — хорликдир. Биз ана шу оддий ҳақиқатни баён қилмоқчи бўлдик. Бадан поклиги баданга, руҳ поклиги руҳга ҳаёт бағишлайди.

Аллоҳ Таборак ва Таоло «Мулк» сурасининг иккинчи оятида марҳамат қилиб айтадики: «Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм. Аллазий холақол мавта вал ҳаята лияблувакум айюкум аҳсану амалан. Ва ҳувал азизул Ғофур» (с.а.). (Маъноси: Эй Одам фарзандлари! У ўлимни ва ҳаётни сизларнинг қайси бирларингиз амалда яхшироқ эканликларингизни синаш учун яратгандир. У барчадан Ғолибдир ва гуноҳларни кечувчидир.) Қаранг, инсонни синаш учун ўлим ва ҳаёт яратилган экан. Ажаб, нима учун бу ояти каримада аввал «ўлим», сўнгра эса «ҳаёт» калимаси келяпти? Баъзи уламоларнинг айтишларича, бунинг ҳикмати одамларни яхши амалларга чорлаш экан. Бошқа уламолар эса, «Тафсири ҳилол»да таъкид этилганидек, бунинг ҳикматини «ўлим» калимасининг мазмуни «ҳаёт» калимасининг маъносидан теранроқ, қамровлироқ эканида, деб биладилар. Яъни, ҳаёт — бу ўткинчи дунёнинг қисқа даври, ўлим эса боқий дунёдаги абадий ҳаётнинг бошланишини билдирар экан. Демакки, ўлим — фоний дунё интиҳоси ва боқий дунё ибтидосидир. Шунга кўра, ўлимни эслаган одам доимо унга тайёргарлик кўриши ва фоний дунёни тарк этгач, шарманда бўлмаслик учун ўзини яхши ишларга сафарбар қилмоғи лозим экан. Аммо, биз — ожиз, нотавон,

гуноҳкор бандалар бунга ҳамиша ҳам амал қилавермаймиз.

Бу дунёни ташлаб кетганлар гапира олсалар эди, биз бу гапларни эшита олсак эдик, ғафлатдаги юмуқ кўзларимиз мошдек очиларми эди...

Биз «гапирмайдилар», деймиз, аслида улар гапирадилар, аммо биз эшитмаймиз, эшитсакми эдик, қалбларимиз пораланиб кетарми эди... уларнинг афсуслари, чеккан нолаларидан қулоқларимиз қоматга келарми эди...

Суюкли пайғамбаримиз Муҳаммад, саллаллоҳу алайҳи васаллам, шундай марҳамат қилганлар: «Жоним қўлида бўлган зотга — Аллоҳга қасамки, сизлар менинг сўзларимни улардан (яъни ўликлардан) яхшироқ англагувчи эмассизлар, фақат улар жавоб қила олмайдилар холос...»

Бу муборак ояту ҳадисларнинг маъносига етмоғимизни Аллоҳ барчаларимизга насиб этсин.

Неча кунларингизни, тунларингизни, соатларингизни аямай биз билан ҳамсуҳбат бўлганингиз учун сизлардан бениҳоя миннатдормиз. Аллоҳ барчаларингизнинг хонадонларингизга қут-баракот бериб, куллу офатлардан асрасин.

Барчаларимизга руҳ поклиги насиб этсин! Омийн йа Раб, ал-оламийн!

Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм.

«Билингларки, бу ҳаёти дунё бир нафаслик ўйин-кулги, зеби-зийнат, ўрталарингиздаги ўзаро мақтаниш ва молдунё ҳамда фарзандларни кўпайтиришдир холос». (Ҳадид сурасидаги 20-оятнинг маъноси)

«Эй Одам фарзанди!

Агар сенга ажратиб қўйилган ризққа қаноат қилсанг, ризқнинг ўзи келади ва Мендан ҳам мақтов оласан. Борди-ю бу тақсимга қаноат қилмасанг, дунёни сенинг устингдан султон ва сени унга хизматкор қилиб қўяман. Дунё учун чўлдаги ваҳший ҳайвонлар каби югурасан, аммо сенга тақсимлаб қўйган ризқимдан ортиги келмайди ва ўзинг ҳам Менинг олдимда уялиб қоласан». («Ҳадиси Қудсий»дан)

Ажаб маккорадир дунёйи фоний,
Минг алвон жилва бирла алдар они.
Ўшал маккораким, солса қўйнига,
Севингандин кирар шайтон ўйунга.
(Суфий Оллоҳёрдан)

ЭНГ КИЧИК ЖИНОЯТ

Қисса

Тинтув

«Келиб-келиб рўзанинг биринчи куни ўғирликка тушасанми, уйинг куйгур! Мен бу пулларни ўлимлигимга деб йиғятувдим, илойим ўлимлигингга буюрсин!»

Шундай деб қарғанаётган Моҳина кампир сочилиб ётган матоларни сандиққа тахлай бошлади. Ўғри сандиқни титиб ташламаган эди. Очган-у пулни олган, бошқа нарсага тегмаган. Милиса деганлари битта сандиқ камлик қилиб, уйнинг тит-питини чиқариб юборди-я! Итига ҳар бурчакни ҳидлатиб чиқди. Ит Суҳробга қараб бир вовуллаган эди, бола бечорани сўроққа тутиб кетишди.

Моҳина қараса, милиса гапни айлантира-айлантира набирасини ўғрига чиқариб қўядиган. Ана шунисига чидамай, бирам шовқин солдики, милиса деганлари келганига пушаймон еб, жўнаб қолди.

«Ўғрини топсак, хабар берамиз», деб ваъда қилишди.

«Мен ўғрингни пишириб ейманми, сен менга пулимни топиб бер!»

Моҳина кампир шундай деб жавраганича қолаверди.

Қуёш ботиб, шом азони эшитилса-да, ифтор қилиш хаёлига келмади. Моҳина бу дунёда етмиш уч йил яшаб, бугун биринчи марта рўза тутиши эди. Уйини йиғиштирар экан, Аллоҳга даъво қилиб қўйишни ҳам унутмади: «Намозингни ўқимай, рўзангни тутмай юрганимда индамаган эдинг. Гапингга кириб, рўзангни тутганимда, топганимга барака бериш ўрнига шўргинамни қуритасанми-я?»

Буни «Бандага қўндоқда теккан касал», дейдилар. Банда яхшиликлари туфайли топаётган савобларини эринмай санаб юради ва бунинг эвазига тезроқ мукофотини олишни истайди. Умри савдо-сотиқ билан ўтган Моҳина дунёни бир бозор деб ҳисобларди. Шу боис бир кун тутган рўзасининг савобига мукофот ўрнига жазо олгани энг улуғ адолатсизлик бўлиб туюлди. Бир-икки сўм фойдани деб паттачилар билан жанжаллашишга одатланиб қолган нодон кампир бу онда энди Худо билан ҳақ талашарди. Савдода насияга мол бермагани каби бугун олажак ажрининг ҳам эртага қолдирилишини истамас эди.

Рўза фарз бўлган ёшидан бери ўтган ибодатсиз йилларининг жазолари кутиб турганини эса фаҳм этмасди.

Дам ўзига-ўзи гапириб, дам уф торта-торта тинтувдан кейинги уйини тартибга келтирай деганда эшик шашт билан очилди-ю ичкарига Холниса ўқдай отилиб кирди.

– Ҳой, менинг боламга туҳмат қилмаган битта сиз қолувдингизми? Сиз аввал ўзингизнинг гўрсўхтангизни эплаб олинг, кейин менинг боламга осилинг!

Ҳам эшикнинг тарақлаб очилиши, ҳам қўшни хотиннинг отилиб киришидан чўчиб тушган кампир Холнисанинг даъвосини эшитиб гангиб қолди. Аммо унинг бу ҳолати узоқ давом этмади. Қайси бозор кўрган хотин бировни жавратиб қўйиб, ўзи довдираб қолибди-ки, Моҳина кўзларини мўлтиллатиб маъсумалик билан жимгина қараб тураверса? Аччиқни аччиқ кесганда, шаллақиликни шаллақилик даф этолмас эканми? Моҳина ҳам обдан синовдан ўтган шу қуролни ишга солди:

– Ҳой, Холниса! Ўпкагинангизни босиб олинг! Менинг болам арпангизни хом ўрдими, бунча бобиллайсиз?

– Бобилламай, кулайинми? Сизнинг касрингизга менинг ўғлимни олиб кетишди. Бир марта қамалса ўлаўлгунча ёмон бўлиб юрадими? – Холниса шундай деб худди кампирни дўппослашга шайлангандай у томон бостириб келди.

Моҳина унинг бу шаштидан чўчиб, бир қадам орқага тисарилди-ю ўзини тутиб олишга улгурди. Қўлларини белига қўйиб, ўттиз йил аввалги Моҳина келбатида қўшнисини дадил қарши олди:

– Болангиз нимага менинг касримга қоларкан? Унингизни ўғирликка мен ўргатибманми?

Холниса юлишга ташланишдан аввал муҳим масалани ҳал қилиб олмоқчидай тўхтаб, сўради:

– Қайси ўғирликни айтяпсиз?

Қўшнисининг попуги бир оз пасайганини сезган кампир ҳам юмшади:

– Бу нима деганингиз? Бир марта ўғирлаб, бир марта қамалган-да.

– Ўшанда икки марталаб туҳмат бўлувди. Ўғирликни бўйнига қўйишолмаган. Уруғимизнинг қони тоза, биздан ўғри чиқмайди. Наша ташлаб қўйиб қамашган. Энди сиз туҳмат қилиб қаматмоқчимисиз?

– Қанақа туҳмат? – кампир қўлларини белдан тушириб, ажабланган ҳолда у томон бир қадам босди.

– Уйингизни ўғри урдими? Милиса чақирдингизми? Милиса ўғрини топиши керакми? Уйингизнинг тўғрисида тайёр ўғри турибди-ку? Қидириб овора бўлиб юришармиди? «Кимдан гумонингиз бор?» деб сўрашдими сиздан?

– Сўрашмади. Ўғлингиздан гумоним бўлса, милиса чақириб ўтирармидим? Шарт бўйнигинасини узиб ола қолардим, ер ютгурни.

– Боламни қарғаманг! Нима деб сўрашди? Ўғлимдан бекорга шубҳаланишмагандир?

– Неварангизнинг оғайниларидан кимлар кириб-чиқиб турарди, деб сўрашди. Ражабни ҳам айтдим. Лекин ўғри демадим.

– Ўғлим уйингизга йилда бир кирса киради, бўлмаса йўқ. Нега уни айтасиз?

– Нега йилда бир кирар экан? Кунда шунда-ку?

– Неварангиз ҳам уйимга кунда минг марта кириб-чиқади. Битта игнам йўқолса ҳам энди Суҳробингизнинг ёқасидан оламан!

– Менинг Суҳробим бировнинг молига ола қарамайди, сизнинг игнангизга зор ҳам эмас. Худога шукр, ота-онаси нақ Американинг ўзида ишлаб, пул топяпти.

– Ҳа-я, билмабман, – деди Холниса лабини буриб. – Ота-онаси нақ Америкада жарақ-жарақ пул топяпти-ку, бувиси бечорани бозорда офтоб уриб қовжиратяпти. Билиб қўйинг, мен ҳозир адвокат ёллайман, пулини сиз тўлайсиз!

– Нега мен тўларканман?

Моҳина кампирнинг дағдаға оҳангидаги бу саволига Холниса жавоб беришга улгурмади. Даҳлиздан Муаттар кампирнинг овози келиб, иккови бараварига ўша томон қаради. Тўртта мантини пахта гулли косага солиб, устига тўртта сомса қўйиб сочиққа тугиб олган Муаттар остонадан ҳатлаётганда ичкаридаги машмашанинг бир улу-

шини эшитди. Жанжалнинг боисини англамаган бўлсада, икки қўшни орасидан қора мушук ўтганини сезиб, аввалига изига қайтмоқчи ҳам бўлди. Кейин «шундай улуғ айём кунида ҳам уришадиларми-я, яраштириб қўйсам, савобга қоламан», деган ниятда кириб келаверди. Унинг пайдо бўлиши Моҳинага ёқди, Холнисанинг эса энсасини қотирди. Ҳар кўрганида «Аллоҳнинг чизган чизиғида юринг, синглим, енгсиз кўйлак кийиш сизнинг ёшингиздагиларга ярашмайди. Шим кийиб юришингиздан ёшлар кулишади», деб танбеҳ беравергани учун Муаттарни кўрса четга бурилиб кетадиган бўлиб қолган эди. Муаттар Моҳинага бундай танбеҳ бермас эди. Аммо кун ўтган сайин ўлим яқинлашаётганини эслатиб, охират савол-жавобларига шайланиш шартлигини кўп уқтирарди. Моҳинанинг бугун биринчи марта рўза тутишга жазм қилгани ана шу даъватларнинг меваси эди. Аслида бундай даъватлар олдинги йили, ундан аввалги пайтлари ҳам бўлган, аммо қуруқ гапнинг таъсири сезилмаганди. Бундан ўн кунча муқаддам Моҳина қўшнисига ҳасрат дафтарини очиб, алақ-чалақ тушлар кўраётганини, Америкадаги қизи билан куёвидан ташвишда эканини билдирди. Унинг гапларини диққат билан тинглаган Муаттар ҳаётда яхши ниятга эришиш учун Яратганнинг амрини адо этиш шартлигини айтди. Ҳадемай етиб келинадиган улуғ ибодат онлари – ўн бир ойнинг султони аталмиш Рамазон кунлари ҳидоят йўлида туришнинг афзаллигини тушунтирди. Моҳина бу ойнинг биринчи даҳасида Аллоҳ ҳидоятдаги бандаларининг бошлари узра раҳматларини ёғдиражагини, иккинчи ўн кунлигида мағфират ёғдириш баробаринда тавбаларини қабул қилиб, гуноҳларини кечиражагини, учинчи даҳасида эса чин дилдан ибодат қилган бандаларини охиратда дўзах азобларидан Ўзи қутқаражаги ваъдаси борлигини англагандай бўлиб, ибодатга шайланган эди. Энг муҳими – бир ойлик тутган рўзаси савоби эвазига қизи билан куёвининг мусофирликда тинч-омон яшаб, бой-бадавлат қайтиб келишлари мумкинлиги уни бу йўлга жалб қила олган

эди. Муаттар кампир бу тонг унинг эшигини қоқиб, уйига олиб чиққан, биргаликда саҳарлик қилган эдилар. Шом чоғи ифторликда ҳам бирга бўлишга келишиб эдилар.

Моҳина Рамазон ойида бозорга чиқмасликка аҳд қилган эди. Саҳарликдан кейин тўйиб ухлаб тургач, ҳовлида бирпас ивирсиган бўлди-ю, бозорнинг оҳанрабоси тортдими ё шайтон васвасасига дош беролмадими, «бирров тушаман-у чиқаман», деган баҳонада аҳдини бузди. «Бирров тушиб-чиқиши» тушликка қадар давом этиб, ўғрининг ишини битириб олишига кифоя қилди. Ўттиз кунлик ибодати мобайнида топган савобини қизи билан куёвининг эсон-омон қайтишига бағишлашни ният қилган кампир бозордан келиб, сандиғини очиқ ҳолда кўрди-ю юрак ўйноғида қолди. Пул тугилган тугуннинг ўғирланганини билиб ҳушидан кетмаса ҳам, ибодат ойи ҳам, савоб ҳам, мусофирликдаги қизи билан куёви ҳам унутилди. Милисани чақириб пулнинг ўлимликка аталганини қайта-қайта таъкидлайвергач, баённома ёзаётган йигит «ўлимлик пули»нинг қанча экани билан қизиқди. Пулнинг миқдори икки миллион сўм эканини эшитган милиса йигит, «кампир оширвормадимикан?» деб иккиланиб, ёзишдан тўхтадида, маълумотни аниқлаштириб олиш учун сўради:

– Онахон, бунақа пулга ўнта ўлик кўмса бўлади-ку?

– Ҳой, сен кимсан ўзинг, кеча бурнингни артишни ўрганиб, бугун менга ақл ўргатасанми? Ақлинг ошиб-тошиб кетаётган бўлса айт-чи, битта ўлик неча пул билан кўмилади?

Йигит кампирнинг гапидан ғашланмади, елкасини қисиб қўйиб дадил жавоб берди:

– Ғассолга ўн-ўн беш мингдир, гўрковга йигирма мингдир, гўр тепасида Қуръон ўқиб берадиган қорига ҳам ўн минг берилар. Ҳар ҳолда эллик мингга чиройли қилиб кўмиб қўйса бўлади.

Сандиқни титиб кўраётган ёши каттароқ одам улар томон ўгирилиб суҳбатларига ҳазил оҳангида қўшилди:

– Хашаки одамга эллик минг етади. Юз мингга шоҳона қилиб кўмса ҳам бўлади. У ёғи эса текин.

«У ёғи текин»ни Моҳина ўзича англаб, тутоқди:

– Бунча доносанлар-а! «Кир ювди», йигирма, қирқ, йил оши, ўртада икки ҳайит, лайлак келди, қовоқ, қор ёғдиларни милисаларинг ўтказиб берадими?

– Хафа бўлманг, онахон, сиз «ўлимлик» дедингиз, биз шуни ҳисоблаб бердик. Ўлик лаҳадга киргунгача бўлган харажат ўлимлик бўлади. Муллалар «қолгани исрофгарчилик», дейишяпти, қайси бири тўғрилигини биз билмаймиз.

Милисалар билан шу тарзда бошланган ғиди-бидини ғазаб ўқлари отиш билан якунлаган Моҳина кампир қўшниси кириб ғалвасини бошламаганида балки рўзадорлигини эслаб қолармиди. Ҳар ҳолда то Муаттар кампир кўринмагунича дунё ташвишига кўмилганича қолаверди. Ҳатто кампир даҳлизда кўринганида аввалига «энди бунга нима бор экан, кўзим учиб турувди», деб энсаси қотди. Муаттар кампир остона ҳатлаб ичкари уйга кираётиб «Айланай, Моҳинахон, сизни кута-кута ифторликни қазо қилай дедим-а! Ризқингизни кўтариб чиқа қолдим. Хайрият, тинч экансиз, иссиққина манти, совутмай еб ола қолинг. Холниса, келинг, сиз ҳам», деб таклиф қилди.

– Вой, Муаттар опа, ҳозир томоғимдан ҳаво ўтмаяпти-ку, овқатга бало борми! Шўргинам қуриб қолди-ку, эшитмадингизми? – деди Моҳина йиғламсираб.

Бу гапни эшитган Муаттар кампир хавотирланиб косани сандиқ устига қўйди-да, ўзи ҳолсизлангандай ёнига тиз чўкди. Ҳуда-беҳудага кўчага чиқавермагани, фарзандлари эса хизматда бўлгани боис ўғирлик ҳақидаги ваҳимали шов-шув унинг хонадонини четлаб ўтган эди.

– Одамни қўрқитмай, айта қолинг, нима бўлди? – деб сўради хавотирли овозда.

Моҳина кўзига ёш олиб, дардини очишга улгурмай Холниса тилга кирди:

– Моҳинахонингиз, – деди киноя билан, – пулларини ўғирлатиб қўйибдилар, энди дунё кўзларига қоронғи бўлиб ётибди. Тўрт-беш сўм пулларини деб менинг бо-

ламни милисага бердириб юбордилар. Мен боламдан ажрай деб ўтирибман. Яхши келиб қолдингиз, сиз гувоҳсиз, боламга бир нарса бўлса, бу хотиннинг уруғини куйдираман.

– Ҳай-ҳай, Холниса, яхши ният қилинг. Милиса сўрабсуриштириб қўйиб юборади, Худо хоҳласа.

– Сиз милисанинг кимлигини билмасангиз гапга аралашманг. Кўкармайдиган жойларига уради, тирноқларининг орасига игна санчади, қўлтиғига сигеретининг чўғини босиб яна бешта ўғирликни бўйнига иламан, дейди...

Жўшиб гап бошлаган Холнисанинг хаёлига бирдан «ёлғон айтганларим чинга айланиб, боламни қийнашсая!» деган фикр урилиб, ўзи ҳам қўрқиб кетди-ю тилини тишлади. Бу жойда бошқа сўз айтиш ортиқчалигини англаб, Муаттарга «сиз гувоҳсиз, билиб қўйинг», деб таъкидлагач, чиқиб кетди.

Шундан сўнг орага сукунат чўқди. Моҳина дардининг не чоғли аламли эканини изҳор этиш учун йиғламоқчи бўлди-ю, лекин йиғи кела қолмади. Муаттар кампир эса пул ўғирлатган қўшнисини қандай овутишни билмай каловланди. Охири:

– Моҳинахон, келинг, бир қултум сув ичиб, рўзангизни очволинг. Мен чой дамлай, – деди.

– Рўзангиз ҳам қуриб кетсин, рўзангиз менга ёқмади, – деб юборди Моҳина.

Кутилмаганда бундай гапни эшитган Муаттарнинг вужуди музлаб кетгандай бўлди. Қўшнисига ажабланиб қараганича тили айланмай қолди. Моҳина эса «Шу ёшга етганимда менга рўза тутишни ким қўювди» деб минғирлади. Бу гапни Муаттар эшитмади. Бир неча нафаслик гангишдан кейин ўзини тутиб, тилга кирди:

– Бунақа гапларни гапирманг, тавба денг, Моҳинахон...

Муаттар отин ойилардан эшитган гапларига амал қилувчи, ўзида илм йўқ кампирлардан эди. Шу боис Моҳинага жиддийроқ танбеҳ беришга журъат эта олмади. Унинг бу онда билгани – қўшниси ҳозир шаккок

бўлди, гуноҳга ботди. Бу ҳақиқатни дили ҳам, тили ҳам муҳрланган, ҳидоятдан узоқ кампирга англатишга эса унинг қурби етмасди. Шу боис гапга чечан отинойилар каби сўзамол эмаслигидан афсусланди. Индамай чиқиб кетишдан ўзга чораси йўқлигини англаб, ўрнидан турди. Остона ҳатлаётганида тўхтаб, орқасига ўгирилди. «Эрталаб саҳарликка чақирайми?» деб сўрашга оғиз жуфтлади-ю Моҳинанинг авзойини кўриб, фикридан қайтди.

Моҳина қўшниси чиқиб кетган томонга қараб туриб лабини бурди: «Бирам кўнгли нозикки, буларнинг! Тўғри гапирсанг ҳам балога қоласан-а!»

У қўшниси ташлаб кетган косани қўлига олганида манти билан сомсанинг ҳиди димоғига урилиб, иштаҳасини очди. Кишининг бошига ҳар қандай ташвиш дўли ёғилганида ҳам иштаҳа кучга кирса, нафс муддаосига етишмагунича қўймайди. Моҳина бугун рўзага ният қилганини, дуо билан оғиз очиши кераклигини ҳам унутиб, битта мантини олиб тишлади. Таъми тотли туюлиб, иккинчи мантини ҳам тик турганича еб олди. Шундан сўнг чанқаб, чой ичиш мақсадида ташқарига чиқди. Зинада туриб «Суҳроб!» деб чақирди. Милисалар кетганидан кейин набираси «уйимда ухлаб оламан, кечқурун ишга боришим керак», деган эди. Уйдаги чироқлар ёқилмаганини кўрган кампир набирасининг ухлаб ётганини ҳам, ишга жўнаб қолганини ҳам била олмай гарангсиб, энди баландроқ овозда «Ҳой, Суҳроб!» – деб чақирди. «Тефаль»да сув қайнатиб, чой дамлади. Газчилар ўлчагич қўйганларидан бери, сув қайнатгични яширинча тортилган электр симга улайдиган бўлиб қолган. Ошхонада иккита сомсани еб, устидан бир чойнак чой ичгач, кўнгли ором олди. Қолган манти билан сомсани сочиққа ўраб, набирасига илинди. «Кечаси келганда еб олар», деб ҳовли тўрига солинган уй айвонига олиб бориб қўйди. «Ишдан кеч қайтадиган» Суҳроб шу ерда овқатланишга одатланган.

Бир йилдан бери чўзма лағмондай чўзилиб давом этиб келаётган кинони кўргиси келмай, телевизорни ёқмади. Ўрнини ҳам чала-чулпа солиб, чўзилди.

БИР ОЙ АВВАЛ, НЬЮ ОРЛЕАНДА:
Пушаймон пўртанаси

Табиатан бақувват бўлган, шу пайтгача хасталаниб ётмаган Моҳина «бирортаси менинг ҳам хизматимни қилса эди, ўрнимни солиб, чойимни дамлаб берса кошкийди», деб орзу қилмасди. Унинг онгидаги «Болаларнинг роҳатини кўриш» тушунчаси кўпчиликнинг фикридан фарқ қиларди. Роҳат деганда у биринчи галда данғиллама иморату шинам автомашинани назарда тутарди. Бу роҳатдан бенасибликни ҳам адолатсизлик, ҳам бахтиқаролик ҳисоблаб, ғоятда сиқиларди. Аввалига толе юлдузининг чароғон эканига ишонган эди. Отаси урушдан қолишнинг йўлини топиб, нон дўконида ишлаётганида у бахтиқаролик ҳақида ўйламаган, аксинча, очликдан қорни таталаб оғриётган дугоналари даврасида ўзини саодатманд деб биларди. Отаси ҳамиша ишни пишиқ қиладиган тадбирли одам эди. Моҳинанинг назарида у умрида бир мартагина калта ўйлади – қизини бўш-баёв йигитга турмушга берди. Идорадаги кичкинагина хизматга ўрганган, озгинагина маошга қаноат қиладиган бу камсуқум одам Моҳинанинг назарида эр эмас, балки бошига битган кулфат эди. Мол-давлат топишга уринмагани етмагандай хотинининг бозорга чиқишига қаршилик қилаверарди. Бозорнинг ҳавосини олган Моҳинанинг тоқати уч йилга аранг етди. Охири «Бунақа эрни ер ютсин», деди-ю икки ёшли қизи Заринани бағрига босиб, отасининг уйига қайтиб келди. Бошқа оила қуришни хаёлига ҳам келтирмади. Унинг оиласи, хусусан, эри ҳам бозор бўлиб қолаверди. Бозорни бу дунёнинг энг улуғ мўъжизаси деб ҳисобловчи Моҳина иблис алайҳилаъна Аллоҳдан бир масжид сўраганида бозор берилганидан бехабар эди. Умри шайтоннинг ибодат майдонида ўтган кампирнинг Худодан саодат талаб қилиши ҳидоят йўлидаги одамни ажаблантириши табиий.

Қизини бозорга ўргатаман, деди, фойдаси бўлмади. «Ўқийман», деб туриб олди. Кейин «ўқиган одамга тега-

ман», деб хархаша қилди. Ичкуёвликка кўнган йигитни катта олим, деб таърифлашган эди, у ҳам маошга ишлайдиган одам бўлиб чиқди. Моҳина мана шунисига куяди. Қизини эрдан чиқариб олишга уринди ҳам, бўлмади. Йиғиб-териб, топганига эскироқ бир машина сотиб олиб берган эди, куёви шунда ҳам эплаб хизматини қилмади. Америкага бориб ишлаётган одамларнинг бойиб келаётганларини эшитиб, қизи билан куёвини тарғиб қилаверди. Уларнинг кўнглида ҳам шундай ҳавас бор эканми, охири кўнишди. Ҳатто астойдил бўлиб, инглиз тилини ўрганишди. У ёққа боришнинг ўзи бўлмас экан, эски машина сотилиб, харажатларга ишлатилди. Шайтоннинг қудратини қаранг-ки, одамларни жаннатга эмас, уммон ортидаги бир мамлакатга интиладиган қилиб қўйди. Америкага бориш ижозати теккан куни уларнинг уйида тантана бўлди. Зарина ўзини хориж мамлакатидаги энг машҳур педиатр мартабасида, Жўра эса салкам Нобель мукофотига даъвогар физик олим шарафида кўрди. «Ўзга юртнинг подшоҳи бўлгунча ўз юртингнинг гадоси бўл!» деган ҳикматни унутиб юборганлари учун шоҳона умидлар пардасига ўралдилар-у гулшан деб ўйлаган йўллари тиканзор экани, тиканлар устидан эса ялангоёқ ўтишлари лозимлиги хаёлларига ҳам келмасди.

Умидбахш булут қанотида учиб келган Зарина ҳам, Жўра ҳам Колумбни ҳайратга солган ерга қадам қўйишлари ҳамоноқ нурли толе излаб юрган юз минглаб бадбахтлар қатори тупроққа қоришиб, чанг зарраларига айланиб кета қолдилар. Зарина болалар доктори у ёқда турсин, ҳамшираликка ҳам илина олмади. Моҳина куёвининг касби ҳақида сўз кетса «алламбало нурларни ўйлаб топади», дерди. Жўра шуғулланган ўша алламбало нур — лазер нурига доир тадқиқотлар бу ердагиларни мутлақо қизиқтирмади. Бир-икки университетга мурожаат қилганида «сиз кашф этмоқчи бўлган нарсаларни бизда талабалар тажриба сифатида ўрганишади», деган жавобни олди. Жўра интернет орқали физика, хусусан, лазерларга доир масалаларни жиддий ўрганган, у илгари сураёт-

ган ғоялар эскирган бўлиши мумкин эмасди. Бу ерда баҳслашиб, фикрини исботлашга уриниш имкониятидан маҳрум бўлгани сабабли «Сизларники маъқул», деб изига қайтишдан ўзга чораси йўқ эди.

Ширин умидлари заҳарга айланган эр-хотин лаллайган ҳолда, бир тийинсиз уйга қайтишни ҳам, бу ердагиларга ўхшаб талашиб, тирмашиб яшашга кўникишни ҳам билишмас эди. Уйда бошларига бирон ташвиш тушса атрофдагилардан меҳр-оқибат кутишарди. Бу ерда кимдан кутишсин? Улардан сал олдинроқ келиб ишлаб юрган танишлари «Бу ерда битта қонун бор – «Ўзинг учун ўл етим!» Бировдан нажот ҳам, оч қолсанглар бир бурда нон ҳам кутманглар», деб огоҳлантирган эди. Бандадан ёрдам бўлмагач, Худонинг раҳми келиб нажот бердими, ҳар ҳолда иккови ҳам кўчада қолмади. Шараф ва мартаба хусусидаги орзулари ушалмаган бўлса-да, қорин ташвишидан қутилиш ва ортларига қайтиб кетишга етадиган маблағ топиш имконияти туғилиб, қувондилар. Шайтон тўрига ўралашиб қолган банданинг қувончи ўзгаларникига ўхшамайди. Улар учун нафс ором олса бас, бу йўлда ҳатто хорлик ботқоғига ботиш ҳам қувончдир. Улар бунда очликдан ўлиб кетиш ғамидан қутулганлари учун ҳам хурсанд эдилар.

Заринага ўзига мосроқ иш топилди. Касалманд кампирга энагалик қилиш аввалига унинг учун ўз касби бўйича ишлашнинг бир тури каби туюлган эди. Шаҳарнинг бадавлат даҳасига эмас, камбағаллар яшайдиган қисмига борганда юраги бир «шув» этди. Уни ишга таклиф қилган оила истиқомат қиладиган жойни кулба деб аташ инсофдан бўлмаса-да, исқиртлигидан кўнгил озадиган икки хонага ўзгачароқ таъриф бермоқлик мушкул эди. Эллик ёшлардаги семиз хотин билан унинг ўттиз ёшлардаги ўғлини «оила» деб атамоқ ундан-да мушкулроқ эди. Энагалик хизмати ҳақидаги таклифдан қувонган Заринага «бир кампирнинг емоқ-ичмоғига қарайсан», деб шарт қўйишган эди. Ранги кўмирдан ҳам қорароқ, гавдаси айиқни ҳам ҳуркитадиган, дўрдоқ лаблари ғоят катта

оғизни беркитишга ожизлик қилиб турган, ликопчадек бўлмаса-да, пиёладан берироқ чақчайган кўзлари ёниб турувчи бу хотиннинг кампир ёшида эмаслигини у кейинроқ билди. Қўл-оёғи соппа-соғ бу хотин семизлиги туфайли юришга эринармиди, ҳар ҳолда ўрнидан туришга ҳаракат қилмасди.

Ўзини «Жек» деб таништирган ўғил гапни калта қилди:

«Онамнинг барча хоҳишини сўзсиз бажарасан. Онамдан шикоят эшитган куним думингни тугиб юбораман. Мендан бир сент ҳам ололмайсан. Орқангга бир тепаману чиқиб келган жойингга кириб кетасан!»

Зарина мусофирлик балосига мубтало бўлмай туриб, буларнинг киноларида шунга ўхшаш сўкишларни эшитганда «наҳотки кинода ҳам сўкишса?» деб ажабланган эди. Тил ўрганишни бошлаганида муаллимасидан «ростдан сўкишадими ё таржима нотўғри бўлганми?» деб сўраганида «таржимадаги ифода анчагина юмшоқ, аслини эшитганингизда тепа сочингиз тикка бўлиб кетади», деган эди. Тилни ўргангач, кўрган кинолари муаллиманинг гапини исбот этди. Бу мамлакатга келгач эса бу ҳақиқат ўз исботини тўлалигича топди. Дунёга ҳукмронликни даъво этувчи мамлакат аҳлининг бу қадар ахлоқсизлигини у сира кутмаган Зарина ҳам, Жўра ҳам «Худо буларга бойликни бериб, одамга хос фаросатдан қисган экан», деган хулосага келган эдилар. Шу боис Жекнинг қўполлиги кўнглини оғритган бўлса-да, чидашга мажбур бўлди.

Кампир ўзини «мисс Ҳамелтон», деб таништиргач, «сен «лэди» деявер, рухсат бераман», деб лутф қилди.

Зарина унинг гапини эшитиб гангиб қолди. Аввалига «хато эшитдимми ё кампир янглиш айтиб юбордими?» деган хаёлга борди. «Мисс»ни хато эшитган бўлиши эҳтимол, чунки «мисис» деган сифатнинг айтилиши ва эшитилишида яқинлик мавжуд. Турмуш қурмаган қизларгагина нисбатан қўлланувчи «мисс» сифатининг қора гумбаздек ўтирган хотинга нисбатан айтилиши ақлсизлик намунаси экани ойдек равшан эди. Бироқ, инглизларда

юқори табақа саналувчи лордларнинг хотинига нисбатангина қўлланилувчи «леди» сифатини янглиш эшитиши мумкин эмасди. Бу хотиннинг йилларча аввал, ёшлигида биронта лордга хотин бўлганини ҳатто тасаввур этиш мушкул эди. Аслида бу хотинни «леди»гина эмас, «қиролича хоним» деб аташи ҳам Зарина учун фарқсиз бўлгани сабабли айни чоғда бундай деб улуғланиши песга ўсма қўйгандек ўринсиз туюлиб, ғаши келса-да, итоат билан:

– Хўп бўлади, мисис, – деди.

Унинг мутелик оҳангидаги бу жавобини эшитган хотиннинг жаҳли чиқди. Ола-кула бўлган кўзларини Заринага қадаб:

– Мисис эмас, мисс Ҳамелтон! Қулоғинг карми? – деб бақирди.

– Хато эшитибман, узр, леди! – деди Зарина довдираб

Айбини эътироф этиши хотинга хуш ёқиб, жилмайди-да, «отинг нима?» деб сўради. Зарина айтгач, унинг тили келишмадими, ҳар нечук хизматкорига янги исм қўя қолди:

– Бугундан бошлаб исминг «За» бўлади. Ўзинг кимсан, ҳиндуларданмисан?

Ранги қорамағизга нисбатан оқ сариққа мойил Зарина сочини шу рангга мос равишда бўяб олган бўлса-да, хотиннинг ҳиндуларга ўхшатишидан ғаши келди.

– Йўқ, – деди бир оз зардали оҳангда.

– Қаердан келдинг?

– Тошкентдан.

– Тошкент? – қора хотин нимадир эсламоқчи бўлгандай ўйланди-да, яна сўради: – Қаерда у Тошкент?

– Ўзбекистонда.

– Ўзбекистонинг қаерда?

– Осиёда?

– Осиё дейсанми? Ҳа-а... – хотин муҳим нарсани кашф қилгандай мамнун жилмайди. – Африкадами, Танзаниянинг пастидами?

– Йўқ...

– Африкада эмасми?

Зарина унинг таажжуб билан берган саволига нима деб жавоб қайтаришни билмай каловланди. Кейин худди Осиёнинг Африкада эмаслигига ўзи айбдордай паст овозда:

– Африкада эмас... – деди.

Буни эшитган хотин сапчиб тушай деди. Жонҳолатда «Жек!» деб бақирди. Унинг қичқириғидан Зарина чўчиб, орқасига тисарилди. Онасининг бундай қичқириқларига кўникиб қолган ўғил эса ўзининг хонасида ўтирган жойидан жилмай, бепарвогина овоз берди:

– Нима дейсан?

– Мен сенга хизматкор албатта африкалик бўлсин, демаганмидим?

– Бу қаерлик экан? – деди Жек пинагини бузмай.

– Осиёликман, деяпти-ку?

– Осиё қаерда экан, Африканинг қоқ киндигида-ку?

– Отанг ҳам ёлғончи эди, сен ҳам каззобнинг ўзисан! Мени Осиё Канаданинг шимолида жойлашганини билмайдиган аҳмоқ деб ўйлаяпсанми?

– Мисс Ҳамелтон, сен аҳмоқ эмассан, лекин географияни яхши билмайсан. Африканинг марказидан Канада деган дарё оқиб ўтади. Осиё шунинг бўйида. Ишонмасанг, ҳизматкорингдан сўра.

Қора хотин «шунақами?» деган маънода боққан эди, ишдан ажралиб қолиш хатарида турган Зарина Осиёни Африка қитъасига кўчиришга рози бўлди. Агар она-боланинг бу мулоқотини бировдан эшитса «лоф қиляпсиз!» деб инонмасди. Ҳозир қулоқларига ҳам ишонгиси келмади. Аммо на чора, ҳақиқат баъзан шунақа аёвсиз бўлади. Зарина мактабда ўқиётган дамларда Америка тўхтовсиз равишда ёмонланса-да, унинг тарихи-ю жуғрофий ўрни ҳақида тўлиқ маълумот бериларди. Ҳатто энг ёмон ўқийдиган боладан сўралса, Миссисипи дарёсининг Америкада эканини айта оларди. Ўртача ўқийдиган бола эса бунга қўшиб Ниагара шоввасини ҳам гапириб бериши мумкин эди. Заринанинг шундай хонадонга хизматкор бўлиб

ёлланиши мумкинлигини даъватчи иблис ҳисобга олганмиди ё йўқми, ҳар ҳолда Аллоҳнинг ҳузурида олим ҳисобланган бу иблис ҳам қора хотиннинг билимидан алҳол ҳайратда қолган бўлиши ҳақиқатга яқин эди.

Зарина эшитганларини ҳазм қила олмай турганида қора хотин унга қараб яна гапира бошлади:

– Бу аблаҳнинг отаси ёлғончи бўлгани билан ҳақиқий эркак эди. Мен нечта эр билан ётганимнинг ҳисобини билмайман. Аммо буларнинг орасида энг зўри ўша эди. Хотиннинг кўнглини олишнинг йигирма етти хил усулини биларди. Эринг борми?

Зарина гапни чўзмасин, деган мақсадда секин бош ирғади.

– Эринг нечта усулни билади?

Зарина ёшлигида онаси билан бозорга чиққан пайтларида оғзи бепарда бозорчи хотинлардан айрим ножоиз сўзларни эшитиб, уятдан юзлари ёниб кетай дерди. У хотинларнинг уятли гаплари асосан ҳазил тариқасида бўлиб, гапларини айтиб олишганидан сўнг қаҳқаҳа отиб кулишарди. Бу қора хотин эса... Зарина дунёдаги энг аҳмоқ хотиндан ҳам бу даражадаги аҳмоқона саволни кутмаган эди. Яхшики, у жавобни талаб қилмади. Ўзининг ширин хотираларига банди бўлиб гапини давом эттирди:

– Агар у қочиб кетмаганида унга яна камида ўн бешта ўғил туғиб берардим. Битта аҳмоқнинг боқишига зор бўлиб ётмасдим.

Америкада «битта ота ўнта ўғилни боқади, аммо ўнта ўғил битта отани боқа олмайди» деган ҳикмат йўқлиги учун бу қора хотин ўн бешта ўғилни орзу қилиб қолган эди.

– Сен икки қулоғинг билан эшитиб ол: Жек билан ишкашиб қолганингни сезсам, оёғингдан остираман.

Бу огоҳлантириш Зарина учун туҳмат бўлиб туюлиб, эътироз билдиришга журъат этди:

– Нима деяпсиз, леди! Мен бу шаҳарда эрим билан биргаман. Жек эса... ўғлим тенги бўлса керак.

– Ўғлинг тенгими ё баломи, фарқи йўқ. Кўзига қон тўлса, менга ҳам ташланадиган одати бор. Менинг ёшим нечада биласанми?

– Билмадим, леди, балки олтмишдадир?

– Кўзинг кўрми, яхшироқ қара. Эллик иккидаман. Шунчалик қари кўринаманми?

– Йўқ, леди, менинг онам етмиш учга кирганлар, у кишини ҳам қари демаймиз.

– Етмиш учда? Хизматкорга ташлаб келдингми?

– Хизматкоримиз йўқ. Ҳовлидаги ҳамма ишларни ўзлари қиладилар.

Қора хотин «ҳовлидаги ҳамма ишларни ўзлари қиладилар» деган гапни англай олмади. Зарина эса тушунтиришга ҳаракат қилмади.

* * *

Жўрага насиб этган хизмат Заринаникига нисбатан тузукроқ эди. Нозикбадан хотинининг гумбаздек келадиган қора кампир тагига тувак тутишини эшитганда этлари жимирлаб, кўнгли айниб кетди. Ўз гўшасида оппоқ халат кийиб мастона юрадиган, шайтон марҳамати билан кибр курсисида ўтирганича истаса саломга алик олиб, истамаса кеккайиб ўтиб кетишга одатланган хотин учун бундан ўзгача мукофот бўлмаслигини у идрок қила олмади. Хотинининг хорланганидан афсуслар чекди-ю ўзининг қисматидан рози бўлди.

Шаҳар марказига яқин жойдаги беш қаватли, уч йўлакли уйнинг зиналарини эртаю кеч ёғ тушса ялагудек тозалаб туриш, ҳовлини супуриб, майсаларни парвариш қилиш, оқшом чоғлари итлар сайридан кейин қоладиган қумалоқларни биттадан териб олиш кашфиёт умидидаги физик олим учун тубанлик эканлигини тан олгиси келмасди.

Зиналарни ҳўл латта билан артаётганда бели зирқираб қолса аламдан йиғлаб юбормаса-да, юрагида сим-сим оғриқ бошланарди. Бу томонларга отланган кезлари синфдош дўсти уни янглиш йўлдан қайтариш учун кўп наси-

ҳатлар қилган эди. Банданинг кўз олдига иблис парда тортиб, қалбига эгалик қилиб олган дамларда дўстнинг насиҳатлари кор қилар эканми? Аслида Жўра Америкага ҳавас қиладиганлар тоифасидан эмасди. Ишидан нолийдиган ери ҳам йўқ эди. Агар жиянининг заҳархандалик билан айтган ўша гапи бўлмаганда балки юрагини иблисга осонгина бўшатиб бермасмиди...

Одамзод ҳам қизиқ. Биров «кўзингни сот», деса ёки қулоғига харидор бўлса ғазабланади. Харидорни дўппослаб қолишдан ёки сўкишдан ҳам қайтмайди. Ҳолбуки, қулоғини кесиб сотса кўп нарса йўқотмайди. Агар харидор унинг буйрагини сўраса, ғазабини ичига ютар-у, лекин юрагини талаб қилса – томошани кўраверасиз. Миллион-миллиард долларга ҳам сотмайди. Шундайликка шундайку-я, бироқ қалбига шайтон харидор бўлса кўпам савдолашмайди, кимдандир эшитган бир-икки аччиқ гапдан аразлайди-ю арзонгинага, ҳатто текинга бериб юбора қолади.

Эрининг костюми эскира бошлаганидан ор қилган Зарина янги кийим-бош ғалвасини бошлади. Устидаги кийимнинг қандай бўлишига мутлақо аҳамият бермайдиган Жўра бир-икки гап билан дўконга бора қоладиган бўшанг эрлардан эмасди. «Жиянингиз костюмни арзонроқ қилиб беради», деб аврайвергач, боришга мажбур бўлди. Жўранинг илм йўлида омади келишмаган жияни ўзини тижоратга ургач, чўнтагига пул тушиб, босар-тусарини билмай қолган, ўзи ерда бўлса-да, димоғи нақ етттинчи осмонга чиқай деб қолганди.

Эр-хотин ичкари киришганда харидор йўқ эди. Дўконнинг ён хонасида ошналари билан пивохўрлик қилиб, бу йил ҳажга бориш маслаҳатини пишириб ўтирган жияни уни сал оғриниб қарши олди. Унинг энсаси қотганини сезган Жўра орқасига қайтмоқчи бўлганда Зарина енгидан ушлаб тўхтатди. Жияни уни ўртоқларига таништириб ўтирмади. Тоғаси энг камида туман ҳокими ё ўринбосари, ҳатто оддий солиқ нозири бўлганида ҳам бошқача кутиб, ўзгача фахр билан таништирарди. Лекин ун-

ниққан костюм кийиб, йигирма йил муқаддам расм бўлган галстукни бўйнига боғлаб олган кишининг физик олим эканини қандай фахр билан айтсин? Бири Дубай, бири Италия яна бири Хитой сафарларидан бўшамайдиган, Парижнинг ресторанларида киборларча маишат қилган, энди эса ҳожилик мартабасига эришиш ниятидаги тужжорларнинг физик олим билан нима ишлари бор экан? Келса келибди, костюм керак бўлса, ана, чўнтаги кўтарса хоҳлаганини олсину кетаверсин.

Тоғасининг ниятини эшитган жиян унга ажабланиб қаради. Инсоф қилдими, ҳар ҳолда гапини очиқ айта олмай «майли, кўринг, танланг», деди. Жўра эмас, Зарина танлади. Жиян уларнинг қўлидаги костюмга қараб туриб заҳарханда қилди:

– Кеннайи, бу кастўм тоғамга бўмайди, – деди мавҳум оҳангда.

– Нега бўлмайди? Лойиқ келди-ку? Жудаям ярашди... – деди Зарина.

– Ярашишга ярашди-ю, лекин... тоғамга бўмайди, бу... жуда қиммат кастўм. Бойваччалар киядиган кастўм.

Шу гапи билан бойвачча жиян тоғасининг устидан бир челак муздек сув қуйиб юборгандай бўлди. Бегона сотувчи шундай деса унга бунчалик таъсир қилмасди. Гўдаклигида эркалаб, опичиб юргани, ўқиб одам бўлсин деб елиб-югургани – шу жиянидан бундай гапни эшитгач, кўз олди қоронғилашиб кетди. «Шу даражада фақирманми? Шу даражада ҳақирманми? Шу даражада ночорманми, ношудманми?» деган аламли ўй вужудини қақшатиб юборди-ю хотини билан қайнонасининг Америкага бориб, бойиб қайтиш ҳақидаги таклифларини рад этмай қўйди. «Эътибор – пул, шуҳрат – пул, одамгарчилик – пул, ҳатто илм ҳам пул» деган адаш фикрнинг қулига айлана бошлади. Охир-оқибат «бизнинг бахтимиз билан ризқимизни Худо уммон ортидаги ерларга тўккан экан, бориб, йиғиб-териб олайлик» деган тўхтамга келди. Дўсти Нуриддин донолар ҳикматидан мисол келтириб «Ризқ топмоқда чумоли-

дек кучингга йиғлагил, пашшадек хониш қилиб, ҳар суфрадан қувланмагил», деганида истеҳзо билан кулиб қўя қолди. Нуриддин «фоний дунёдаги умринг бир кунчалик ҳам эмас, шундай экан, ўн йиллик ризқни тўплашга уриниб нима қиласан? Сенга тегишли ризқ Аллоҳ томонидан юборилади. Ўзингга ажратилган ризқни ёлғиз ўзинггина оласан. Бошқа биров илиб кетмайди. Сенга ўша бошқа биров ризқингни илиб кетгандай туюлиб, афсусланасан. Сира афсусланма, дўстим, аслида ўша илиб кетилган нарса сеники эмас, бировники эди», деганича қолаверди.

Қайнонасининг фатвосига кўра «ризқ ови»га ўғилларини ҳам олиб кетишлари шарт эди. Элчихонадагилар бемеҳрроқ эканларми, ҳар ҳолда Суҳроб бувисининг эркатойи эканини инобатга олишмади. Ҳарчанд уринилмасин, қанча чиқим қилинмасин, ёши йигирма бешга бораётган, аммо ҳалигача йигирма беш танга топишга уқуви етмаётган арзандага рухсатнома берилмади. Суҳробнинг ўн олти ёшида ўғриларга қўшилиб, милиция рўйхатига тушиб қолгани панд берди. Ўшанда озгина сарф-харажат билан иш босди-босди қилинган, орадан йиллар ўтиб кетганига қарамай бу тарих унутилмаган экан. Суҳробни ўн тўққиз ёшида уйлантиришганда унинг «ўз аравасини ўзи тортиб кетишига» ишончлари бор эди. Бироқ, куёв болада «уйландим, оила бошлиғи бўлдим, уйга бир бурда бўлса ҳам нон топиб келишим керак» деган фикр уйғонмади. Жўра одобли, чаққон келинидан рози эди. У ичкуёв сифатида бу оиланинг қуюшқонга сиғмайдиган одатларига кўникиб кетган эди. Аммо келини бу оила талабларига мослаша олмади. Моҳинанинг «текинтомоққа тоқатим йўқ» деган қонуни Суҳробга нисбатан қўлланилмагани ҳолда келинга татбиқ этилиб, бозорга чиқишга даъват этилганда жувон бечора чидолмай кетиб қолди. Суҳробни уйлантиришга яна бир-икки уриниш бўлди-ю совчилар қуруқ қайтишаверишди. Америкага бориш нияти уйғонганида Суҳробни ўша ерда муқим бўлиб қолган биронта бойроқ ўзбек оиласига ичкуёв қилиш режаси

ҳам туғилди. Элчихонанинг рухсатнома беришдаги ўжарлиги бу режани бўғиб ўлдира қолди.

Америкага келиб, пешаналари деворга «тақ»этиб тегиб, кўзлари очилганда Сухробнинг келмаганига шукрлар ҳам қилишди.

Зиналарни артаётган Жўранинг бели зирқираб, қаддини кўтармоқчи бўлганида юраги ярадор қуш каби потирлаб, ҳолсизланиб қолди. Зинага ўтириб, пешанасини тутқичга тиради. Баданидан муздек тер чиқди. Шунда қулоғига кимдир пичирлади:

«Эй Одам фарзанди! Албатта, ризқ ҳаммаси тақсимланган ва ажал ўлчаб қўйилгандир. Касал бўлган одам дунё лаззати ва неъматларидан маҳрумдир. Бахиллик ҳамма жойда ёмонлангандир ва дунё неъматлари чексиз эмасдир. Ризқ излаб узоқ кетмоқ заҳарлидир ва ризқ бергувчи доим тирик ва қоимдир... Эй Одам фарзанди! Келиб турган ризқингга қаноат қилмасанг, дилингга орзу-ҳавасларни солиб қўяман. Улар ҳеч тугамайди ва сен улардан абадий қутула олмай қоласан...»

Бу овоздан сесканиб, атрофга аланглади – ҳеч ким йўқ. «Алаҳсираяпманми?» – деб ўйлаб худди иситмаси бор-йўқлигини билмоқчи бўлгандай пешанасига кафтини қўйди. Пешанасини муздек тер босган – иситмаси йўқ. Фақат юраги беҳол тепади. Нафаси сиқилади. Ташқарига чиқиш ниятида ўрнидан қўзғолган эди, кўз олди қоронғилашди. Шунда ўша таниш овоз яна пичирлади:

«Эй Одам фарзанди! Албатта, мен сени онанг қорнида куч-қувватсиз ва ҳаракатсиз ётган вақтингда тарбия қилдим ва онанг қорнидан саломат чиқардим. Токи сен оёққа тургунинггача онангнинг дилини сенга раҳмли ва меҳрибон этиб, сенга мойил қилиб қўйдим. Сен шундай қилиб, катта бўлдинг. Ундан сўнг токи мени ақл билан таниб, қувват билан ибодат қиларсан, деган умидда сенга куч-қувват бердим. Аммо сен катта бўлганингдан сўнг менинг ибодатларимдан юз ўгириб, мен тақсимлаб қўйган ризқнинг талаби билан машғул бўлдинг. Бас, Ўзимнинг азиз ва улуғ деган сифатларимга қаса-

мёд қиламанки, агар дунё қидириб етти қат ернинг қаърига кирсанг ҳам, Ўзим тақсим қилиб қўйган ўшал ризқдан заррача ҳам миқдорда зиёда қилмасман...»

Эслади...

Бу гапларни дўсти Нуриддин айтган эди. Америкага отланганини билдирганида Нуриддин аввал ўйланиб, кейин бош чайқаганди. Бу фикрдан қайтаришга даъват қилганди. Жўра ўжарлик билан аҳдида қатъий туравергач, мисол тариқасида айтганди бу гапларни. Ҳа, «Бу Аллоҳнинг гаплари!» деб таъкидлаб, баланд овозда айтиб эди. Бу онда нечун шивирлаяпти? Юртда норози ҳолатда қолган дўстининг овози уммон оша келгунча кучини йўқотиб, ожизланиб қолдими? Овоз-ку, кучини йўқотар. Аммо Аллоҳнинг сўзлари ҳеч қачон ўз қудратини йўқотмайди-ку? Воқеан шундай. Бироқ, қалбини шайтон ихтиёрига берган банда бу қудратни ҳис қила олмайди. Юракнинг беҳаловатлиги ҳам шундан.

Нуриддин билан баҳслаша туриб кетишининг сабабини илмга боғлаган эди. Битта костюмга арзитмаган жиянидан аразлаганини, ўғлига бой келин ахтариш нияти борлигини эса яширганди. Нуриддин буни билганида нима дерди? Хайрлашар пайтларида Жўра «Сен ҳадеб мени айблайверма, Худо кўнглимга шуни солса нима қилай?» деганида Нуриддин «Бекор айтибсан, Худо бунақа бемаъни, аҳмоқона ниятни дилга солмайди. Бунақа ният Раҳмоний эмас, шайтоний», деган эди. Ўшанда Жўра бу ҳикматга аҳамият бермаганди. Умид шамлари бир-бир ўча бошлаганда дўстини эслади-ю, бироқ у айтган гапларнинг мағзини чақишга уринмади.

Ҳозир юрак ўйноғида ўтирганида ҳам ёдга олди. Дўстининг насиҳатларини қулоққа олмаганига афсусланди. Ғам ботқоғидан қутулиш учун афсусланишнинг ўзи кифоя қилмаслигини эса ўйлаб кўрмади.

Қарз

Моҳина кампир икки қават сочиққа ўралган манти билан сомсани «кечаси келганда еб олар», деб набирасига илиниб, келинга атаб солинган уй айвонига олиб бориб қўйган дамда Суҳроб дискотеканинг рўпарасидаги ошхонада пиво ичиб ўтирган эди. У милицияни кузатиб қўйиш баҳонасида кўчага чиққанича изига қайтмади. Ражабни олиб кетишганини кўрганда ҳам унга яқинлашмади. Аксинча, бу кўчадан тезроқ узоқлашишга ҳаракат қилди. Милициядан қўрққани учун эмас, балки ҳордиқ чиқариш учун шошилди. Кичкина бола уйда бирон айб иш қилиб қўйса, оқибатда жазо олишини билиб, қўрқа бошлайди, ўзини оқлаш учун баҳоналар излайди. Айниқса, онаси «ҳали аданг ишдан келсинлар, айтиб бераман, ўласан!» деб пўписа қилгач, кеч киришини хавотир билан кутади. Ҳатто адасининг келмай қолишини жонжони билан истайди. Суҳробга бундай қўрқувлар ёт, онаси уришиб берган тақдирда ҳам бувиси томонидан ҳимояга олинишини яхши билар эди. Моҳина кампирнинг «Менинг ёлғизим ҳар нарса қилса ҳам ҳақли!» – деган қоидаси Суҳробнинг онгига «Мен ҳар нарса қилсам ҳам ҳақлиман!» – деган тарзда муҳрланиб қолган эди. Бир оила ҳудудидагина ҳукм суриши мумкин бўлган бу қоида оила чегарасидан чиққанида эса жамият у билан муроса қила олмайди. «Ҳар нарса қилишга ҳақли» одам эртами кечми жиноятга қўл уриши аниқ. Оилада қарор топган бу қоида Суҳробни ўсмирлик чоғида қамоққа тиқай деганидан кейин ҳам ўзгартирилмади.

Милиционер бошлаб келган ит атрофни искаб-искаб ўзига қараб вовуллаганида Суҳроб сал чўчиди. Бувисининг итдан қаттиқроқ овозда бақириб бериши эса уни хавотир ботқоғига қулашдан асраб қолди. Ҳозир пиво симириб ўтириб, ночор қолган милиция ходимларидан кулди.

Иккинчи шишани яримлатаётганида рўпарасидаги бўш стулга бир йигит келиб ўтирди. Енгсиз қора кўйлак кийиб, бўйнига ва билагига тилла занжир осган, жигарран-

гсоч бу йигитнинг кутилмаган ташрифи Суҳробга ёқмасада, ўрнидан туриб лутф этишга мажбур бўлди. Бу йигит Азроилнинг жияни эмас, бор-йўғи қорадори сотишни касб қилган кичик бир тўда бошлиғининг дастёри бўлишига қарамасдан Суҳробнинг тинчини буза олишга қодир эди. Болалигида ширзада хасталигига учраганича тузалмай, шу ёшга етиб келган, катта бош билан қоринни аранг кўтариб турувчи қилтириқ суяклардан иборат бу йигитдан бақувват одамнинг чўчиб туриши кулгили ҳол эди. Суҳроб унинг асл исмини билмайди, Ражаб «Макс» деб таништирганида «нима учун Макс?» деб ўйлаб ҳар кўрмаган. Бу лақабнинг ўғрилар ҳаётидан ҳикоя қилувчи фильм қаҳрамонига тақлидан қўйилгани эса уни мутлақо қизиқтирмаганди. Унинг учун энг муҳими – хумор жазавасига бу йигит даво топиб бера олади. Ражабнинг гапига кўра «Энг арзон «дори»ни фақат Максдан олиш мумкин».

– Кайф қиляпсизми, акам? – Макс пичинг оҳангида шундай деб ишшайиб Суҳробга беписандлик билан тикилди. Ташқаридан қараган киши бу тикилишдан «асли сенам одаммисан, одамга ўхшаб кайф қилишга арзийсанми?» деган маънони уқиши мумкин эди. Бозорда ҳам, маҳаллада ҳам бировга гап бермайдиган кампирга «набиранг тилла занжирли ширзада қаршисида иштонини ҳўл қилиб қўйган боладай ночор ўтирибди», дейилса ишонмаслиги аниқ эди. Агар тили қисиқлик жойи бўлмаганда Суҳробнинг ўзи ҳам бу қилтириқсуякни сариқ чақага олмаган бўларди. Ҳозиргидай келиб ўтирса «қоч, бола, бехос аксириб учириб юбормай, яна онангникига кириб кетмагин!» деб масхаралаши тайин эди. Ўзидан пастроқ мартабадаги одамга бундай гапларни дадил айта олувчи Суҳроб бу он Макс рўпарасида думини қисган ит каби турарди.

Суҳроб жавоб бериш ўрнига буфетдан бир шиша пиво олиб келиб, унга узатди.

– Менинг пиво ичганимни кўрганмисан? – деди Макс унинг бу эҳтиромидан ғаши келиб. – Пивохўрлик қилгунча қарзингин тўлаб қўйсанг бўларди.

– Ражабга бердим-ку, айтмадими? – деди Суҳроб хавотир билан.

– Ҳаммасини бермабсан-ку?

– Қолганини эрта-индин бераман. Шу пайтгача қарзимни тўлолмай қочиб юрганмидим?

– Қочмагансан... қочиб қаёққа ҳам борардинг, онанг Америкада бўлса, бувингнинг этагига кириб кетасанми? Кеча пул деса ўпкангни кўрсатаётгандинг-ку, бир кунда шунча пулни қаёқдан топдинг?

– Америкадан келди, – Суҳроб тўғри гапираётганини исбот қилиш ниятида Максга киприк қоқмай тикилди. Сўнг пивонинг кучи далда бериб овозини кўтарди: – Мен қарзимни тўладим ҳисоб. Пулни қаёқдан олганим билан сенинг ишинг бўлмасин. Мен сендан «дорини қаёқдан оляпсан?» деб сўраётганим йўқ-ку?

– Нега сўрамайсан, сўра, – деди Макс кўзларидан ғазаб ўтларини сочиб. – Қизиққанларнинг анча-мунчаси ётишибди ернинг тагида ачомлаши-иб... Сенам бора қол ўша ёққа.

– Гап келиб қолгани учун айтдим. Менинг нима ишим бор? Агар сен мард бўлсанг, ваъдангни бажар. Иккита болани ўргатиб, сенга рўпара қилдимми? Текинга берадиганингни нега бермаяпсан?

– Текиними? Текини тушингга ҳам кирмасин.

– Ие, ваъдани бузяпсанми? Ўғил боланинг иши бунақа бўлмайди.

– Менга сен даъво қиляпсанми? Сен ўғил боласан-у мен ҳажиқизманми? Балки Босс ҳам ҳажиқиздир? Боссга айтиб қўйишим керак, у бечора ҳажиқизлигини билмай юргандир ҳали?

– Мен унақа деганим йўқ...

Суҳробнинг попуги пасайиши Макснинг авж пардасига кўтарилишига сабаб бўлди.

– Ҳали чотингдаги безни юлиб олишсин, сен билан ана ўшандан кейин гаплашаман.

Бу ҳукм ҳозирнинг ўзида амалга ошириладигандай Суҳробнинг вужуди жимирлаб кетди. Макснинг қўлларини ушлаб, қаршисида тиз чўкишга тайёр бўлиб қолди.

– Мен унақа деганим йўқ!

Бу сўзларнинг титроқ лаблардан учгани Максга ҳуш ёқиб, тиржайди.

– Айтдинг... – деди ўжарлик билан, – ўғил бола айтган гапи учун жавоб бериши керак. Ёки... ҳақини тўлаб қўйиши шарт.

Ҳукмнинг юмшатилиши Суҳробни қониқтирди. Бир ютиниб олди-да:

– Қанча? – деб сўради.

Макс унга тикилганича нархни чамалагандай ўйланди. Кейин:

– Эллик... кўкидан, – деди хотиржам оҳангда.

Суҳроб савдолашмади:

– Хўп, қарзга қўшиб қўй.

– Бу ишни қарзга аралаштирма. Ҳозир нақд берасан.

Суҳроб икки кун муҳлат сўради. Макс уч соатдан кейин хўжайини билан учрашиши лозимлигини эслатгач, чўнтагини кавлашга мажбур бўлди. Столнинг панасида пул санаётганида Макс «кучайибсан-ку?» деб қўйди. Маишат учун олиб қолган пулнинг бир қисмидан ажраётган Суҳроб бу онда, гўё юрак томирлари бир-бир юлиб олинаётгандай эзиларди.

Макс пулни олиб, чўнтагига солгач ўрнидан турди. Бир қадам юргач, муҳим нарса эсига тушиб қолгандай жойига қайтди. Қўл узатиб Суҳробнинг ёқасидан ушлади-да, ўзи томон тортиб паст овозда деди:

– Менга рўпара қилган болларингни пишириб е! Сен менга бойларнинг болларини топишинг керак эди. Буларингнинг нимасини оламан? Биттасининг отаси дурадгорми? Кунига бир қопдан пайраха бериб турадими? Сен менга ўзингга ўхшаган гадойваччаларни рўпара қилаверма. Тушундингми? Бойнинг арзандасини игнага ўргатиб бергин, ана ундан кейин мен сени бир ҳафта текинга боқаман.

Макс унинг ёқасини қўйиб юбориб, башарасига тупуришга чоғланди-ю, бу иш кейинроқ асқотар, деган тўхтамга келиб, аҳдидан қайтди.

Суҳроб ёлғиз қолгач, ширзаданинг етти пуштини ҳақорат ботқоғига ботириб хумордан чиққандай бўлди. Шом қоронғиси тушгунича пивохўрлик қилиб ўтирди. Дискотека чироқлари ёниб, қорин ва думба рақслари бошланганини англатувчи оҳанглар янграй бошлагач, ўша томон юрди. Икки кун аввал кўз остига олиб қўйган қизга қармоқ ташлаган эди, ови осонгина бароридан келиб қолди.

Кундузги ғам-алам тошларида эзилган Моҳина кампир алақ-чалақ тушлар кўриб ётганда Суҳроб бу қиз билан уйида, ота-онасининг ётоқхонасида, янада аниқроқ айтилса, ота-онасининг тўшагида «ширин суҳбат қурарди». Қоронғу тун бағрида ҳаром билан ҳалолнинг фарқига бормайдиган ширакайф йигит билан қизга иблис ҳамхона бўлган онда бу «суҳбат»нинг қандай бўлганини тасвирлаб ўтиришга ҳожат йўқ.

Моҳина кампир одатига кўра барвақт турди. Кечқурун айвонга қўйган таомнинг ейилганини билиб, кўнгли хотиржам тортди. Набирасининг ўрнидан турмаслигини билса ҳам «Суҳроб, мен бозорга кетяпман, ҳушёрроқ бўл», деб чиқиб кетди.

Ҳушёрроқ ётишга буюрилган Суҳроб пешинда уйғонди. Кечаси ёнида ётган қизнинг ғойиб бўлганидан унча ажабланмади. Шимини кийгач, чўнтаги бўшаб қолганини билди-ю аламдан сўкина кетди.

Дастлабки тергов

Бир бозорчи кампирга тегишли сандиқдаги пулнинг ўғирланиши туман милиция бўлими учун фавқулодда ҳодиса эмас. Юқоридан кетма-кет қўнғироқлар бўлмайди, катта-ю кичик ташвишга тушиб югуриб қолмайди. Бироқ, қонунга кўра, эътиборсиз қарашга ҳам ҳақлари йўқ. Шу боис ҳам бугун тергов бўлимининг иш фаолияти Моҳина кампирнинг уйидаги ўғирликка доир ҳаракат билан бошланди. Кеча шу бўлимда иш бошлаган Шуҳрат кичкина жиноятга тегишли терговни менсимай, сўроқ жараёнини эътиборсиз ҳолда кузатмоқчи эди. Ярим йил

аввал амалиётга келганида тергов бўлими бошлиғи капитан Менглиевга маъқул келиб қолгани учун «бу бола бугун иш бошлаяпти», деб аяб ўтирмай, худди кўпдан бери хизмат қилаётган ходимларга ишонганлари каби сўроқни унинг зиммасига юклашди.

– Ўзимизга келганинг яхши бўлибди. Ҳар ҳолда синашта бўлиб қолгансан. Унча-бунча ишни ўзимиздан ўргангансан. Сенга ҳар қанақа ишни ишониб топшираверишш ҳам мумкин. Биламан, сенга ўхшаган тирранчалар, – Менглиев шундай деб кулимсираб қўйди, «тирранчалар» деган сўзни ҳақорат ёки дашном эмас, эркалаш оҳангида айтгани учун Шуҳрат ҳам кулимсиради, – катта бир босқинчиликми ё қотилликними очиб дабдаба қилишга шошилишади. Ўзим ҳам шунақа эдим. Лекин сенинг пешанангга мана бу кичкинагина жиноятни очиш ёзилган бўлса, мен айбдор эмасман. Мен сени биринчи кўрганимдаёқ «бу бола илм одами, академиясида қолса керак», деб ўйловдим.

– Тўғри ўйлабсиз, шунақа ниятим ҳам бор. Илмга ўтишдан олдин озгина тажриба тўплашим керакка ўхшаб қолди, – деди Шуҳрат.

– Ҳаракат қилсанг, сендан зўр терговчи чиқади. Лекин олим бўлганинг яхшироқ. Энди бизнинг ишимизни эскичасига юритиб бўлмайди. Академияни бекорга очишмади. Сенга ўхшаганларга жойимизни секин-секин бўшатиб бераверамиз.

Бу гапдан Шуҳрат ўнғайсизланди. Капитан ҳозирнинг ўзидаёқ жойини бўшатиб бераётгандек, унга эътироз билдиришга шошилди:

– Унақа деманг, тажрибангизнинг ўзи ўнта академияга асқотади.

– Тажриба-ку бор, лекин у ҳам эскиради, – деди Менглиев бош чайқаб. – Кеча орттирилган тажриба билан бугунги жиноятни очиб бўлмайди. Атрофингга қарагин: олдинлари биз томонларга келадиган жиноятчи Москванинг Қозон вокзалидан ёки Домодедово аэропортидан йўлга чиқса, энди дунёнинг нечта нуқтасидан келиши

мумкин? Эллик ё олтмиш йил муқаддам ўғрини бармоқ изларига қараб тутишган. Энди бармоқ изларини қолдирадиган аҳмоқ йўқ. Содир этилган жиноятни кўриб туриб, «ҳеч нарсани кўрмадим», дейдиганлар эса сон мингта! Эндиги ишимиз денгиз тубидан игна қидириш билан баравар. Манави «Иш» билан таниш. Аслида танишишга ҳам арзимайди, – капитан шундай деб Шуҳратга синовчан қаради, – арзимаган пул ўғирланибди. Лекин «арзимаган» пулни ўғирлаган ўша «арзимаган» ўғрини топишга мажбурмиз.

Шуҳрат устозининг «арзимас» сўзига қайта-қайта урғу бериб, пичинг қилаётганини фаҳмлаб, бир неча саҳифадан иборат «Иш»ни олиб варақлади. Менглиев ёш ҳамкасбига чиндан ҳам арзимас вазифа топширгандай, ўз иши билан машғул бўлди. Унга қарамасликка уриниб, столи устидаги қоғозларга тикилди. Шуҳрат эса дастлабки сатрларни ўқиши биланоқ унга савол назари билан қараб олди. «Иш» билан танишиб бўлгунича бошлиғига бир неча бор таажжуб билан қараб-қараб қўйди. Аммо ажабланганини сездирмаслик учунми, фикрини дарров баён қилмади. Бирон нима сўрашга ҳам журъат қилмади. Менглиев унинг ҳолатини сезиб, қоғоздан бош кўтарди-да:

– Ўтбосаровни биласан-а? – деб сўради.

– Тошматми? Бултур битирган болани айтяпсизми?

– Ҳа. Ўзи яхши бола-ю сал шошқалоқроқ. У бошлаган «Иш» менга ўтса бошимни қотириб юборади. Бир болани гумон билан қамаб, «Иш»ни чала-чулпалигича бизга ўтқизди. Болани сўроққа чақирганман. Ҳозир олиб келишади. Ўзинг сўроқ қиласан.

Менглиев гапини тугатмай, эшик аста тақиллади. Шуҳрат эшикни очиш мақсадида турмоқчи эди, капитан «ўтиравер» деган маънода ишора қилди-да, баланд овозда «кираверинг!» деб қўйди. Тақиллатган киши ҳаялламай эшикни очиб, тезгина ичкари кирди. Шошилиб келганини англатиш учун пешанасидаги терни кафти билан артган бўлиб:

– Узр, бир оз кечикдим, – деб қўйди.

– Хижолат бўлманг, мен шунча йил ишлаб, адвокат зотининг ваъдалашган вақтида аниқ келганини кўрмаганман, – деди капитан ўрнидан қўзғолмай.

Бу танбеҳ ёқинқирамаган бўлса-да, адвокат латифа эшитгандай кулимсираб қўйиб, кўришмоқ учун қўл узатди.

– Жуда унчалик эмасдир, капитан жаноблари, – деб хона соҳибининг норозилигини енгмоқчи бўлди.

Менглиев бир гапириб, дарров чекинадиган тоифадан эмасди. Адвокат билан кўришиб, ўтиришга таклиф қилгач, танбеҳини давом эттирди:

– Гапим лофга ўхшайдими? Бошқаларни қўяверинг, ўзингиз ҳеч вақтида келганмисиз? Сиз билан бешинчи учрашувимми? Ҳа, қойилман, бешинчи марта узр айтиб киришингиз. Гаров ўйнаймизми, беш юзинчи учрашувимизда ҳам мана шунақа узр айтиб кирасиз. Ўн йилдан кейин ҳам сиз тушган автобус йўлда бузилиб қолган бўлади.

– Мен автобусда юрмайман, – деди адвокат киборлик билан.

Менглиевга бу изоҳ ёқмай, қошларини чимирди. Адвокатнинг билагидаги тилла соатга, бармоғидаги қалин узукка назар ташлаб, пичинг қилди:

– Ҳа-я, автобусда юрадиган адвокатлар отам замонида қолиб кетганини унутибман.

Адвокат пичингга жавоб қайтармоқчи эди, Менглиев гапиртиргани қўймади:

– Гап автобусда ҳам эмас. Сизлар янгича усулга ўтиб олгансизлар. Иккита-учта «Иш»ни олволасизлар-да «айбсиз қамалган одамни ҳимоя қиляпман», деб керилиб юраверасизлар. Сиз ҳимоя қилишингиз керак бўлган бечора эса панжара орқасида кўзларини мўлтиллатиб «қачон нажот келаркан?» деб илҳақ ўтираверади. Панжара орқасида ўтришнинг руҳий азобини биздан кўра сизлар яхшироқ ҳис қилишларингиз керак.

– Бугун чап ёнингиз билан турганмисиз, жаноб капитан? Адвокатларни ерга уриб юборманг. Сиз қамаб қўйган

одамларнинг дардини тушунмасак, еган нонимиз ҳаромку? Кеча қамалган Ражаб Самиевнинг ҳолатини ҳис қилганим учун ҳам сиздан эҳтиёт чорасини ўзгартиришингизни сўрайман. Самиевнинг шаҳардан нарига чиқмаслик ҳақидаги тилхати бор, маҳалла ҳам гаровга оляпти, – адвокат гапидан тўхтамаган ҳолда сумкасидан чиқарган қоғозларни капитанга узатди. – Аслида бу расмиятчиликсиз ҳам қамоқдан чиқариб юборсангиз бўлаверарди. Ҳар ҳолда Самиевни жиноятда айблаш учун етарли далилингиз йўқ. Қўшни хотин унинг эшикни тақиллатаётганини кўрган. Ичкарига кириб чиққанини ҳеч ким кўрмаган.

Қўлидаги «Иш» билан шошилинч тарзда танишиб чиққан Шуҳрат бир адвокатга, бир капитанга қараб, баҳснинг натижасига қизиқиб ўтирди. Менглиев гапни чўзишни ёқтирмасди. Шу боис адвокатнинг талабини шартта рад этиб қўя қолди:

– Келинг, сиз ўз ишингизни қилинг, биз ўзимизникини қилайлик. Сиз ҳозир ҳакамликни бўйнингизга оляпсиз.

– Агар янглишмасам... – адвокат бу сафар Шуҳратга ҳам маънодор қараб қўйди, – сиз прокурорнинг ҳуқуқини бўйнингизга оляпсиз.

– Прокурор болани ҳибсга олишга рухсат берган, агар жинояти исботланмаса, бермасди.

Адвокат яна эътироз билдирмоқчи бўлганида эшик қия очилиб, сержантнинг юзи кўринди:

– Ўртоқ капитан, Самиев олиб келинди.

Менглиев «Олиб кир!» деб буйруқ бергач, эшик каттароқ очилди-да, кишан урилмаган қўлини орқасига қилиб олган Ражаб кириб, ўтирганларга бир-бир қараб олди.

– Мана бу ерга ўтир, Самиев, – деди капитан Шуҳратнинг рўпарасидаги бўш стулни кўрсатиб. – Сен туғилганингда доя киндигингни кесаётиб «бировга салом берма», деб қулоғингга шивирлаб қўйган-а?

– Саломга яраша иш бўлмади, командир, – деди Ражаб тўнглик билан.

– Шунақами? Буни аниқлашга уриниб кўрамиз. Адвокат талаб қилган эдинг, ана, келдилар. Энди сўроқларга жавоб берарсан-а? Лейтенант, бошланг.

Шуҳрат «Иш»ни четроққа суриб, тоза қоғозларни ёзишга тайёрлаётганида адвокат «нима учун бу йигит тергов қилади?» деган маънодаги савол назари билан капитанга қаради. Менглиев изоҳ беришни лозим топмай юзини дераза томон бурди. Кейин дераза токчасидаги гулларнинг чанқагани бехос ёдига тушгандай ўрнидан туриб, қўлига сув идишни олди. Шуҳрат эса биринчи мустақил тергови бошланиши олдидан уйғонган ҳаяжонини босишга уриниб, дастлабки саволни берди:

– Исм-насабингиз? Туғилган йилингиз, турар жойингиз?

– Ражаб Самиев, саксон бешда туғилганман. Сада кўчасидаги етмиш биринчи уйда тураман.

– Аввал нима учун қамалгансиз?

Шуҳратнинг тўсатдан бу саволга ўтишидан ажабланган капитан ўгирилиб, унга қаради. Ражаб эса пинагини бузмай жавоб қайтарди:

– Туҳмат билан қамалганман.

– Сиз менга жиноят кодексининг моддасини айтинг.

– Униси эсимда йўқ, лекин туҳмат билан қамашган, – деди Ражаб ўзича аниқлик киритиб.

– Иш ёки ўқиш жойингиз?

– Бекорчиман.

– Нега?

– Қамалиб чиққан одамни ҳеч ким ишга олмас экан. Сизлар олармидингизлар?

– Бирор ҳунарингиз борми?

Аввал жиддий терговчиларнинг исканжасига тушиб кўрган Ражаб Шуҳратнинг соддалигидан ғаши келиб, уни калака қилмоқчи бўлди:

– Ҳунарим – бекорчилик, – деб ишшайди.

Шуҳрат унинг мақсадини англаб, энди қатъийроқ оҳангга ўтди:

– Ўн бешинчида, соат ўн бирдан ўн тўртга қадар қаерда эдингиз?

– Уйда эдим.

– Буни ким тасдиқлаши мумкин?

– Ким бўларди, ойим.

– Яна ким?

– Янами? – Ражаб ишшайиб, адвокатга қараб олди: – яна телевизор.

– Қанақа кўрсатув бўлаётган эди?

– Мен кўрсатув кўрадиган «дух»га ўхшайманми? «Дивиди» кўраётгандим.

– Олтмиш саккизинчи уйга нима учун чиқдингиз?

– Суҳробни чақиргани чиқувдим. «Эммануэл»нинг янгисини топсанг, чақир, бирга кўрамиз», девди.

– Суҳробникига тез-тез чиқиб турасизми?

– Жуда тез эмас-ку, лекин янги диск олиб келсам чақираман. Уларнинг видиклари эски, дивиди тушмайди. Командир, – Ражаб шундай деб сўроқ қилаётган Шуҳратга эмас, Менглиевга қаради, – мен кирмадим ўша уйга. Кирганимда итларинг ис оларди-ку? Яна туҳмат билан кетаманми?

Бу саволга жавобан Менглиев «сенинг тақдиринг мени қизиқтирмайди», дегандай тескари қараб олди. Бу ҳолат Ражабга хавотирли туюлиб, энди Шуҳратга қаради.

– Сизга ҳеч ким туҳмат қилаётгани йўқ, – деди Шуҳрат, хотиржам равишда. – Сиз ҳозирча жиноятчи эмассиз. Гумондаги шахссиз. Агар сизга қўйилаётган айб қонун белгилаган муддатда исботланмаса, сизни ҳеч ким бу ерда ушлаб тура олмайди.

Шуҳрат сўроқни давом эттириб, воқеани ойдинлаштиришга ҳаракат қилди. Давлат имтиҳонларига тайёргарлик кўраётганида бундай тергов осон туюлган эди. Академиядаги имтиҳон билан, амалдаги синов орасида катта фарқ борлигини энди тушунди. Ўқиш чоғи дўппи тор келиб қолганда ўқитувчиларининг кўнглини «совға-салом» билан юмшатиши мумкин эди. Бу ерда ундан «совға-салом» тама қилувчи йўқ. Аксинча, унга таклиф қиладилар...

Шуҳратнинг қийналаётганини сезган адвокат унинг бўшанглигидан фойдаланиб қолмоқчи бўлиб гапга аралашди:

– Биз эҳтиёт чораси ўзгартирилишини талаб қиламиз.

Адвокатнинг дадиллиги капитаннинг ғашини келтириб, жойига қайтиб ўтирди-да:

– Сўроқ жараёнига эътирозингиз йўқми? – деб сўради.

– Йўқ, – деди адвокат.

– Лейтенант сўроқ баённомасига имзо чектиринг, – деди Менглиев совуқроқ оҳангда, сўнг адвокатга қатъий қарорини маълум қилди: – Эҳтиёт чораси масаласида бирор кун сабр қилишингизга тўғри келади. Истасангиз, прокурорга шикоят қилинг, бу ҳуқуқингизга ҳеч ким монелик қилмайди.

Баённомага имзолар чекилгач, Менглиев сержантни чақирди. Ражаб олиб чиқилгач, адвокат ҳам изига қайтди. Хонада ўзлари қолишгандан сўнг Шуҳрат ўз ишига баҳо берилишини истаб, капитанга қаради. Менглиев дарров гап бошламади. Столи устидаги қоғозларга тикилганича ўйланиб ўтирди. Шуҳрат бетоқатланиб, жойида қимирлаб олгач, унга қаради:

– Амалиётга келганингда менинг тергов қилганимни кузатган эдинг-а? Диққат қилмаган экансан. Энди камчиликларингни билиб ол: исми-насаби, туғилган йили, турар жойини бирданига эмас, алоҳида-алоҳида сўрашинг керак эди. Сен терговчимисан ё жиноятчимисан? У сурбет сенга серрайиб тикилиб ўтирибди. Сен эса саволни берганингдан кейин худди айбдор одамдай кўзингни олиб қочасан. Ундан қўрқдингми ё уялдингми? Чалғитувчи саволлар ҳам бермадинг? Хўп, сўрайдиганингни сўрадинг. Қандай хулосага келдинг?

– Адвокатнинг талабида жон бор. Самиевни қамоқда ушлаб туришнинг ҳожати йўқ. Эҳтиёт чорасини бемалол ўзгартириш мумкин.

– Сенга минг марталаб қойилман! – деди Менглиев пичинг оҳангида. – Мен бунақа хулосага келиш учун

нечталаб одамни сўроқ қилиб, бошимни оғритардим. Сен ярим соатда ҳал қилиб ташладинг. Ўқиган одамнинг шунисига беш кетаман-да! Аслида иккаламизнинг фикримиз бир жойдан чиқди. Лекин сен биттагина, кичкинагина сўроқдан кейин дарров шу тўхтамга келдинг. Сал шошилмадингми?

– Мен аввал «Иш»даги маълумотларни ўқиб, кейин шундай фикрга келдим. Шошилиш масаласида... – Шуҳрат гапини дангал баён қилишдан хижолат бўлиб, узр оҳангида сўради: – айтаверайми?

– Айт, айтавер, биласан-ку, мен ўғил болача гапни ёқтираман.

– Самиевни қамоққа олишда шошилишган. Ўтқизиб қўйиш шарт эмасди.

– Энди бу даъвойингни ўртоғинг Ўтбосаровга айтасан. Яхши ҳамки Самиеванинг калласи ишлаб, дарров адвокат ёллади. Ўтбосаров сўроғини адвокат иштирокисиз қилганида Самиев «ўғри менман» деб ёзиб берганини ўзи ҳам билмай қоларди. Ўтбосаровнинг қанақа тарзда ёздириши мумкинлигини ўзинг тасаввур қила оларсан? Энди бундай қиламиз: пешиндан кейин Самиевни чалғитувчи саволлар билан сўроқ қиласан. Кейин четга чиқмаслик ҳақида тилхат олиб, эҳтиёт чорасини ўзгартириш ҳақида қарор ёзиб, қўйиб юборасан. Самиевни чиқариб турамиз, лекин унинг елкасидаги гумон олинмайди. Сен оқшомда кампирнинг уйига бориб, вазиятни ўрганасан. Билиб қўй: жиноятчини топсанг, ҳамма раҳмат ўзингга. Тополмасанг, ҳамма сўкишлар ҳам сенга бўлади. Бу ишда мен четдаман.

Менглиев шундай дегани билан ишдан четланолмасди, четланишга ҳаққи йўқ эди. Бу гапни Шуҳратни чўчитиш учун эмас, зиммасидаги масъулиятга жиддийроқ муносабатда бўлишга ундаш учун айтган эди. Унинг назарида «ёш мутахассис» деган тушунча бошқа соҳаларда бўлиши мумкин. Жарроҳлар кеча ўқишни битириб келган йигит қўлига тиғ бериб, юракни очишга ундашмайди. Ёш жарроҳ бу ишончга етишмоғи учун йиллар ўтади, юзларча амалиётни устози ёнида ўтказади. Зар-

гар ҳам, ҳатто дурадгор ҳам шундай. Аммо милициянинг шароити бутунлай ўзгача. Менглиев «жиноятчиликка қарши кураш» деган таъбирни унча хушламай, «бу кураш эмас, урушнинг ўзи!» деб ҳисоблайди. Жиноятчини қўлга олишда ўқ отилса, тиғ санчилса, милиция ходими ўлдирилса – урушдан нимаси кам? Ҳатто урушдан кўра хатарлироқ. Жангда душман рўпарада туради. Кимни отишни биласан. Жиноят олами билан урушда эса худди арвоҳларга қилич солган каби аҳволга тушиб қоласан. Самиевни қўлга олишда қаршилик кўрсатмабди. Тўппончада ўққа тутса-ю бу ўққа Шуҳрат рўпара келиб қолса нима бўларди? «Ие, бу ёш мутахассис экан», деб ўқ изига қайтиб кетармиди?

Шуҳратнинг бахти бор экан, ишни терговдан бошлади. «Ёш мутахассис» босқичидан «малакали мутахассис» деган мартабага етишиши учун унга жуда оз фурсат ажратилган. Агар буни фаҳмламай, лаллайса, кейин панд еб қолиши мумкин. Менглиев шуни назарда тутиб уни «жанг майдонига» ёлғиз ҳолда рўпара қилмоқчи эди. Шуҳрат унинг бу ниятини тўлиқ англамаган бўлса-да, ёлғиз қолмаслигига ишончи бор эди. Шу боис дарров ўрнидан туриб кетмади.

– Яна бир нарсани айтиб қўймоқчийдим, – деди маънодор оҳангда.

Ҳозиргина ўзини четга олмоқчи бўлган капитан унга муғомбирлик билан тикилди:

– Қани, айт-чи?

– Мен жабрланувчи оилани биламан.

– «Иш»ни очиб, биринчи саҳифани очганингдаёқ кўзларинг косасидан чиқиб кетай деганидан сезгандим. Ким улар, қариндошингми?

– Етти ёт бегона. Аввал шу маҳаллада турганмиз. Кампирнинг невараси билан олтинчи синфгача бирга ўқиганман.

– Қадрдонларингдан экан-да?

– Йўқ. Шунчаки таниш. Кўришмаганимизга уч-тўрт йил бўлди, шекилли.

– Омадли боласан-да, баҳонада эски қадрдонинг билан топишиб оласан. Сен, – капитан Шуҳратнинг қўлидаги «Иш»га ишора қилди, – бу ердаги гапларга эътибор берма. Терговни янгидан бошлагандай ҳаракат қилавер.

ЙИГИРМА УЧ КУН АВВАЛ, НЬЮ ОРЛЕАНДА:
Довул

Зарина леди Ҳамелтоннинг қилиқларини кузатиб, унда мечкайлик ва дангасаликдан ўзга жиддийроқ хасталик йўқлигига амин бўлди. Одамзод ички аъзолар бобида бир хил яратилган бўлса-да, ошқозон ва жиғилдон талабини қондиришда турличадир. Бировнинг ошқозонига уч-тўрт кунда бир таом тушса, бошқаники тўлиб-тошиб, ёрилиб кетай дейди. Кўпчилик кунда уч марта овқатланишга одатланган. Нонуштадан то тушликкача, тушликдан то кечликка қадар нафс пистирмада ётади. Заринанинг чекига тушган бу қора хотин эса бир марта овқатланади, унда танаффус деган тушунча йўқ – эрталаб уйғонганида кавшашни бошлаб, кечқурун уйқуси келгунига қадар жағи тинмайди. Фақат нафас олаётган пайтидагина қизилўнгач бечора озгина дам олволади. Зарина унинг ебтўймаслигидан ҳайратланиб «яхшиям Худо барча одамларни шундай яратмаган, тўрт ярим миллиард одам тинмай кавшаниб турса, ердаги тоғу-тошларгача ямлаб ютворармиди», деб ўйланди.

Хизматкорининг хизматидан мамнун бўлган қора хотин унга яхшилик қилиб қўйиш ниятида ёнига чақирди.

– За, ҳали ўғлим сенга ғалати қаради, сездингми? – деди Заринага синовчан тикилиб. Зарина унинг чақчайган кўзларига дош беролмай нигоҳини олиб қочди.

– Йўқ, леди, – деди паст овозда.

– Лақма экансан! Эркак одам хотинга бекорга бунақа қарамайди. Қарашига маҳлиё бўлиб, тўшагига кириб кетма.

Бу гап Заринанинг ҳамиятига тегди-ю «ўғлинг билан қўшмозор бўлларинг, келиб-келиб шу исқиртнинг қарашига маҳлиё бўларканми!?» деб ғижинганича қора хотинга тик қаради.

– Мен унақалардан эмасман, леди.

– Сен хотинсан! Хотиннинг «унақа-ю бунақаси» бўлмайди. Ҳаммасининг нафси бир хил бўлади. Сен пул ишлагани келганмисан? Ҳақингга икки доллар қўшиб берса, ҳамма нарсага тайёр бўласан. Сендан олдингилар шунақа эди, сен улардан ошиб қайга борардинг? Менга ёқиб қолганинг учун сени спиддан асраб қолмоқчиман. Сендан олдингилар Жекка ёпишиб, спидни орттириб кетдилар.

– Леди, мен унақалардан эмасман, – Зарина яна шундай деб ғазабдан титрай бошлади-да, овозини беихтиёр баландлатди: – Менинг эрим бор.

– Спиддан ўлиб кетаётганларнинг эри йўқми? Менга раҳмат айтиш ўрнига Африкадан келганингни унутиб, менга ақл ўргатмоқчимисан, ҳайвон!

Зарина бу ҳақоратга жавобан миннатдорлик билдиришдан ўзга чораси йўқлигини англаб, йиғламсирганича «Раҳмат, леди», деб ошхона томон йўналди.

Қора хотиннинг тагидаги тувакни олаётганида телевизорда тинмай жавраётган мухбир Мексика кўрфазида янада кучга кирган довулнинг Нью Орлеанга яқинлашиб қолганини маълум қилиб, аҳолини кўчага чиқмасликка даъват этди. Худди шу хабарни кутиб тургандай дераза дарчаси тарақлаб ёпилди.

– Ҳой лаънати! Нега дарчани очиб қўйдинг!? – деб бақирди қора хотин.

Тувакнинг ҳидидан нафаси қайтган Зарина дарчани яқиндагина очган, хонага тоза ҳаво киришга ҳали улгурмаган ҳам эди. Дарча илгагини солаётганда қора хотин ҳатто суконғич эркаклар ҳам билмайдиган сўзлар билан ҳақорат қила бошлагач, Заринанинг киприклари кўз ёшларини тутиб қолишга ожизлик қилди.

Изми шамолда бўлишига қарамай, еру кўкка ҳукмини ўтказиш даъвосида сузиб келган қора булутлар орасида нифоқ чиқиб яшин чақнади. Зарина шу шамолни, дераза ойнакларига тасир-тусир урилаётган ёмғир томчиларини довул деб ўйлади. Қоронғу тушиб, бу қора хотиннинг

жаги тиниб, уйқуга ётгунча довул ҳам тиниб қолар, деб ўйлади. Вақт ўтган сайин шамолнинг кучайишидан, телевизордаги такрор ва такрор огоҳлантиришлардан ваҳимага туша бошлади. Аввалига «балки ошхонада бўлса ҳам ётиб қоларман», деб ўйлади. Аммо биринчи учрашувда қора хотиннинг «ҳеч қандай баҳона билан бу уйда ётиб қолмайсан», деганини эслаб, ташқарига хавотир билан қараб қўйди. Довул кучаймай, барвақтроқ кетиш учун ижозат сўрашга журъати етишмади. Қоронғу тушишини, қора хотиннинг уйқуга ётишини қуш ҳадиги билан кута бошлади.

Кетишга рухсат бераётган қора хотин «эрталаб довулни баҳона қилиб кечиксанг – ҳайдайман!» деб пўписа қилишни унутмади.

Зарина эшикни очиб, ташқарига қадам қўйиши билан кўчага эмас, саркаш дарё ирмоғига дуч келгандай қўрқиб кетди. Кучга кираётган довул уни учириб юборай деди. Одамлар бекорга «сув балоси ва ўт балосидан асра!» деб Худога илтижо қилишмас экан», деб ўйлади у. Ўт балосини-ку сув билан даф этиш мумкин. Лекин сув балосидан қутулишнинг иложи йўқлигини Зарина энди англади. Дунёдаги энг кучли мамлакат ўзининг осмонўпар иморатлар-ю ҳар нарсага қодир ҳисобланган техникаси билан ҳам довул қаршисида чумоличалик кучга эга эмас экан, ожиз банда нима қила олсин? Бундай довул билан ўйнашиб бўлмаслигини яхши билган аҳоли уйларидан паноҳ топган, кўча кимсасиз эди. Заринанинг юпун устбоши бирпасда шалаббо бўлди. Зарина тўрт-беш қадамдан кейин ҳолсизланди. Бирон панада жон сақлашга умидвор бўлиб атрофга аланглади. Чироқ ёруғи таралаётган деразаларга нажот кўзи билан тикилди. «Кимдир биронта деразадан қараётгандир, кўчадаги бечора аёлни кўриб раҳм қилар, ёрдамга чиқар», деган хом хаёли оёғи остидаги жазавали оқимда оқиб кетди. Шубҳасизки, ўнлаб деразаларнинг биридан кимдир, албатта, кўчага қарайди. Бировга ёрдам бериш ниятида эмас, довулнинг ҳунарини томоша қилиш учун ҳам қараб қўяди. Шубҳасизки,

юпун кийинган бечора аёлни ҳам кўради. Кўради-ю, бироқ, кўмаклашишни хаёлига ҳам келтирмайди. Нари борса, «анави аҳмоқнинг юришини қаранглар», деб қўяди.

Мушукнинг зорланиб миёвлашини эшитиб, беихтиёр тўхтади. Дераза токчасида қунишганича дийдираб ўтирган мушук унга қараб ёрдам умидида яна миёвлади. Ўзи ҳам нажотга муҳтож одамдан садо чиқмагач, бу сафар чўзиброқ миёвлади. Гўё «баттар бўл!» дегандай туюлди. Шу онда ичкарида бир йигит кўринган эди, мушук эгасини таниб баландроқ товушда миёвлади. Йигит ойнакка пешанасини тираганича кўча томон қараб, мушукни кўрди. Зарина худди мушук каби унга умидворлик билан қараб қолди. Йигит деразани қия очиб, мушукни ушлади-да, тезгина ичкари олиб, шу тезликда яна деразани ёпди. Зарина гапириш учун оғиз жуфтлашга ҳам улгурмай қолди. Йигит мушукни бағрига босди. Кейин ўрта ёш бир аёл яқинлашиб, мушукни сочиқда арта бошлади. Бу манзарани кўрган Заринанинг хўрлиги келиб, кўзларидан ёш чиқди. «Одамнинг мушукчалик қадри йўқми?» деб ўйлади. Одамзод ғам пўртанасига тушиб қолганда ҳамиша айбни ташқаридан қидиради. Ўз айби билан пўртанага тушиб қолганини фикр қилмайди. Бир мушукчалик қадри йўқлигидан куйиб йиғлаётган Зарина бу диёрга қадр эмас, пул илинжида келганини унутган эди. Ўй-хаёли, нияти бойликка эришиш бўлган бандага яратган Тангри қанақасига қадр берсин? Уй ичкарисида жон сақлаётганлар ҳам, ташқарида жала остида титраётган, ҳаётдан умидини узаётган банда ҳам Аллоҳнинг «Бир-бирингизга фазлу мурувват қилишни унутманг. Аллоҳ нима қилаётганингизни кўриб-билиб туради», деган огоҳлантиришидан бехабар бўлишгач, ўзгаларга қандай меҳр кўрсатсинлар ва муҳтожлар учун қандай нажотдан умид бор?

Довул қучоғидаги ночор аёл ўзини девор томон олиб юра бошлади. Ярим соатлик йўлни икки соатда босиб ўтдими ё уч соатдами – била олмади. «Зарин!» деган таниш овозни эшитиб атрофга алангланди. Момақалдироқ

гулдираб бу овозни босиб кетди. Ҳолдан тойган Зарина йиқилаётиб яна «Зарин!» деган овозни эшитди. Чақмоқ ёруғида одам қорасини кўрди-ю ҳушидан кетди.

* * *

Довул дарагини эшитган Жўра пешин чоғи ёмғир томчилай бошлаганидан бери хавотир чўғи устида ўтирарди. Хотини каби у ҳам довулнинг ҳақиқий кучини кўрмаган, аммо илмий мақолаларда унинг нақадар фожиаларга дуч қилиши мумкинлигини ўқиган эди. Қош қорайганда шамол кучайиб, адл дарахтлар мажнунтол каби эгилиб қолди. Катта кўча ёқасида виқор билан турган, танаси қулочга аранг сиғувчи дарахт эса эгилган чоғида қувватдан кетди-ю илдизи билан қўпорилиб чиқди. Нажот илинжидаги йўғон шохлари худди бақувват билакли қўл каби электр симларини ушлаб қолмоқчидай бўлди. Симлар бу оғирликка дош беролмай ўзларидан олов чиқариб узилдилар, офат олдида ожиз қолдилар. Буни кўрган Жўранинг хавотири энди талвасага айланаёзди. Талваса оловида ҳарчанд қоврилмасин, хотинининг йўлига илҳақ кўз тикишдан бошқа чораси йўқ эди. Ҳар қандай шароитда ҳам хизмат жойини ташлаб кетиш ҳуқуқидан маҳрум бу банда довул кучайгани сайин Худони кўпроқ эслайверди. Калимаи тавҳид, калимаи шаҳодат, истиғфор каби тушунчаларга бегона бу одамнинг Худони эслаши «Эй Худо, хотинимни паноҳингда асра!» деган илтижодан нарига ўтмас эди. Бу илтижо тўфон чоғида хасга тирмашиб жон сақламоқчи бўлган одамни эслатса-да, Аллоҳни тилга олишнинг ўзида ҳам Раҳмон ва Раҳим сифати томонидан ажр мавжудлигини инкор этиб бўлмайди. Яна Аллоҳнинг «Эй Одам фарзанди! Қачон бало ва мусибатга йўлиқсанг, мени ёдга оласан, лекин қачон у балони сендан кўтарсам, мени ҳеч танимас кишидек эсдан чиқариб юборасан...» деган огоҳлантириши ҳаётда миллиард марталаб исботини топганда Жўранинг айни шуларнинг бири эканини рад қилмоқ ҳам мум-

кин эмас. Шундай экан, довул тиниб, жон сақланиб қолингач, муножотлар ҳам тинса не ажаб?

Кунларнинг бирида Нуриддин билан суҳбатлаша туриб «Худо хоҳласа, ишларим юришиб кетади», деганида дўсти кулимсираб «Худо хоҳласа», деяпсан, баъзан «Гуноҳимни Худо кечиради», дейсан. Демак, сен Худосиз эмассан. Аллоҳнинг борлигига ишонасан. Ишонасан-у буюрган амалларини бажаришдан бўйин товлайсан», деб танбеҳ берганида у кўпгина зиёлиларга хос бўлган бир жавобни қайтарганди: «Мен Худонинг энг асосий талабларини бажараман: ҳалол яшайман, пора олмайман, бузуқлик қилмайман. Сен айтган амалларни қулоқларига қадар гуноҳларга ботиб ётганлар бажараверсин!» Нуриддиннинг «Ҳар бир одам ўз гуноҳи учун ўзи жавоб беради, ҳар бир қўй ҳам ўз оёғидан осилади-ку?» деган эътирози унинг эътиборидан четда қолган эди. Ҳозир, дақиқа сайин қудрати ошиб бораётган довул қаршисида ожиз турганида бу гапларни эсламади. Эслаганда эҳтимол афсусланармиди, тили тавбага келиб қолармиди... Тили тавбага келгани ҳамон шайтон қалбини бўшатиб чиқармиди... Йўлкирага етарли пул топиши билан «совға-салом сотиб олиш учун яна озгина пул ишлайлик» деган ниятидан воз кечиб, уйи томон учармиди...

Худодан нажот тилаб ўтирганида Вилли Браунинг машинаси кўринди-ю умид билан юриб, уни қаршилади. Ҳар куни ярим кечада, баъзан тонгга яқин ғирт маст ҳолда келувчи сочу қош, киприкларигача малла бу одамнинг барвақт қайтишидан ажабланди. Нодон банда бу онда қаерда турганини унутди. Агар уйида бўлганида қўшнисими ё бирон танишими автомашинасида келиб қолса «Ҳа, акахон, ёмғирда нима қилиб турибсиз?» деб сўрарди. «Кеннайинг ёпинчиқсиз кетган экан, ёмғирда қолмасин, бориб олиб келай», дерди у. Шунда инсоф эгаси бўлмиш қўшниси «Гап йўқ, акахон, ўтиринг, болларимиз касал бўлса дарров кеннайимга чиқамиз, бир хизмат қилсак, қилибмиз-да», дейди.

Бу ерда-чи?

Вилли Браун деган малла машинадан тушиши билан «Ҳа, мистер Жўра, жалада шалаббо бўлиб кетибсиз-ку, нима ташвишингиз бор?» деб сўрайдими? Шунда Жўра «Довул даҳшатли бўлар экан, хотинимни олиб келишим керак», дейдими? «Хотинингиз қаерда, азизим?» деган саволга «Икки юз олтмишинчи авеньюда» деб жавоб берадими? «Ҳа, нигерлар яшайдиган кварталдами, унча узоқ бўлмаса ҳам бориб олиб келганингиз маъқул. Юринг, дарров бориб келамиз, ҳар ҳолда оёқда туролмас ҳолда келганимда опичиб бўлса ҳам уйимга кузатиб қўядиган одатингиз бор» дегач, йўлга тушадиларми?

Бу орзудаги одамни Осиёда «хомхаёл» деб куладилар. Америкада эса озчилик «Фантастика!» деб ажабланади, кўпчилик эса бу одамни тентакка чиқаради. Уст-боши шалаббо Жўра шу туришида, шу умидида тентак ҳолатида эди.

«Худо, паноҳингда асра!» деган илтижосига жавобан бу малла рўпара қилинмаган эди. Вилли индамай ўтиб кетмоқчи эди, ночор умидига банди бўлган Жўра уни гапга тутди:

– Салом, мистер Браун, бугун ўйин йўқми, барвақт келибсиз?

– Ўйин бор, – Браун шундай деб курткасига ўраниб қунишиб олди-да, уй томон қадам ташлади. Умидвор равишда эргашиб келаётган Жўрага қарамай гапини давом этди: – Ўйин ҳам бор, калла ҳам бор. Каллали одам ҳозир уйида ўтириши керак.

Жўранинг тўхтаб қолишига шу гапнинг ўзи кифоя қилди.

Ярим тундами ё эрта саҳардами маст-аласт келувчиларни уйларига кузатиб олиб чиқиб қўйиш Жўранинг вазифасига кирмас эди. Ундан кунми-тунми фарқи йўқ, булар ташлаган сигарет қолдиғи ёки қусуқни дарҳол тозалаш талаб этиларди. Биринчи тун уйқуси келмай бедор ўтирганида ўзини «каллали одам» ҳисобловчи шу Браун келди. Машинасининг эшигини очиб, бир оёғини

туширди-ю қайт қила бошлади. Кейин гавдасини бошқара олмай, қусуқ устига йиқилди.

Жўра беихтиёр ўрнидан туриб унга яқинлашди. Аввалига нима қиларини билмай турди. «Деразасидан хотинимми ё бирон яқинимми қараб турган бўлса тушиб олиб чиқиб кетар», деб ўйлади. Олти-етти дақиқача кутди. Ҳеч кимдан дарак бўлмагач, зил-замбил бу одамнинг қўлтиғига кириб бир амаллаб уйига кузатди. Эртасига кун ёйилган чоғи ҳовлини супуриб юрганида шу одам чиқиб машинаси олдига борди-да, бирданига тўхтаб қолди. Оёқлари остига қаради. У тунда қандай аҳволда келганини, нималар қилганини билмас эди. Эрталаб расвоси чиққан кийимларини кўриб «устимга биров қусибди-да», деб ўйлаб ғазабланган эди. Машинасининг расволигини кўриб, ҳамма бало ўзида эканлигини англади-да, Жўрани чақирди.

– Мени уйимга сен олиб чиқиб қўйдингми? – деб сўради.

– Ҳа, – деди Жўра.

– Мана бу ерни сен тозаладингми? – деб оёқ остини кўрсатди.

– Ҳа, – деди Жўра.

– Машинани нега тозаламадинг? – деди энди пўписа оҳангида.

– Машинангизни бесўроқ очолмайман, – деди Жўра итоаткорлик билан.

– Тез тозала, бўла қол, имиллама, – шундай деб ёнидан бир доллар чиқариб, гадога бераётгандай узатди.

– Раҳмат, керак эмас, бекорга тозалаб бераман, – Жўра пулга қўл узатмай, челак билан латта олиб келиш учун шошилди.

– Аҳмоқ экансан-ку? Ё димоғинг баландми? – деди Браун унинг изидан.

Шу ёшга киргунича Жўрани, болаликдаги беғараз сўкишлар инобатга олинмаса, биров «аҳмоқ!» деб ҳақорат қилмаган эди. Бировнинг кўзига аҳмоқ либосида кўриниш учун асос ҳам йўқ эди. Илм билан шуғулланишдан

лаззат олиб, мансабга, маишатга интилмайдиган одамни ким ҳам аҳмоқ дерди? Дарвоқе, қайнонаси айтарди. Моҳина кампир куёвининг маошга қаноат қилиб юришини аҳмоқликдан деб билса-да, юзига тик қараб дангалига «аҳмоқсиз, куёв бола!» демаган. Қизига уч-тўрт марта «эринг ғирт аҳмоқ», деган, юз мартами ё минг мартами ўзича ғўдираниб «аҳмоқ куёвини» қарғиш балчиғига бўлаб ташлаган. Буларнинг биронтаси Жўранинг қулоғига етиб бормагани учун ҳақоратланган ҳисобланмайди. Дўсти Нуриддин уни йўлдан қайтариш мақсадида «аҳмоқлик қилма», деган, лекин гапини ҳақорат оҳангида айтмаган эди.

Димоғдорликда ҳам биров Жўрани айбламаганди. Ажаб-да, жиянининг дўконидан костюм сотиб олишга қурби етмаган олимнинг кибри нима бўларди...

Кечаси ўзининг қусуғига беланиб ётган бу малланинг «аҳмоқ экансан-ку!» дейиши Жўранинг ҳамиятига тегиб, жавоб қайтариш қасдида тўхтади. Лекин ўзининг ҳозирги мартабаси, тақдирининг қил устида тургани уни бу қаҳрамонликдан қайтариб, мутелик жандасига ўралишга мажбур этди. «Ўзинг аҳмоқсан!» деб пичирлашдан ўзга чораси йўқлиги юрак-бағрини эзса-да, Браунинг машинаси ювиб, тозалаб берди. Машина юриб кетгач, ўрнида қолган шалтоқни тозалади.

Иккинчи кеча Браун қайт қилмаган бўлса-да, оёқда туролмай майсазорга гурсиллаб йиқилди. Жўра уни яна ит азобида уйига қадар кузатди. Браун даҳлизга қадам қўйиши билан чайқала бошлагач, Жўра ичкарига кириб, уни белидан қучоқлаб олди. Атрофни тоза тутишга масъул Жўранинг уй ичкарисига киришга ҳаққи йўқ эди. Шу боис Браунни қучоқлаганича нима қилишини билмай туриб қолди. Унинг иккиланаётганини сезгандай Браун сўлагини оқизганича унга буюрди:

– Ошхонага юр!

– Мистер, ичкарига киришим мумкин эмас, – деди Жўра.

– Бу уй меники, мен сенга буюряпман!

Жўра уни суяб ошхонага олиб киргач, суянчиқсиз курсига ўтқизди.

– Менга қаҳва қайнатиб бер! – деб буюрди Браун. Кейин қўшиб қўйди: – Сутсиз бўлсин, шакар солма.

Жўра жавонни очиб, қаҳвани топгач, буйруқни бажариб, финжонни унга узатди.

– Ўзингга ҳам қуй, – деб буюрди Браун.

– Мистер, мен қаҳвани ёқтирмайман, – деди Жўра.

Браун бу гапга тушунмагандай ярим юмуқ кўзларини унга қадади-да, қаҳвадан ҳўплаб, афтини буриштирди.

– Ёқтирмаслигинг билиниб турибди. Қаҳва қайнатишни билмас экансан. Нимани ёқтирасан?

Жўра астойдил сўрамади, жавоб қайтариш шартмас, деган ўйда индамади. Бундан Браунинг жаҳли чиқиб, бу сафар зардали оҳангда сўради:

– Нимани ёқтирасан, деб сўраяпман?!

– Чойни, – деди Жўра.

– Чойни?.. Кимсан ўзинг? Тўхта, жавоб бермай тур, кимлигингни ўзим айтаман. Эрталаб кўрганимда кимлигингни билганман. Сен Колумбиядансан, тўғрими? Йўқми? Унда... Венесуэланинг гадоларидансан.

– Мен гадо эмасман, – деди Жўра унинг гапини кесиб.

– Жаҳлинг чиқмасин. Венесуэладаги ҳар икки одамнинг бири гадо эканини бутун дунё билади.

– Балки Венесуэлада шунақадир, лекин мен Осиёдан келганман. Ўзбекистон деган мамлакат бор, эшитганмисиз?

Браун бу гапни эшитиб, кўзларини каттароқ очиб қарашга уринди.

– Ростданми? – деди билагига лабини артиб. – Ўзбекистонданмисан?

– Эшитганмисиз?

– Нега эшитмай, демак, сен паловхўр очлардан экансан-да! – Браун шундай деб қаҳ-қаҳ отиб кулиб юборди.

Бу мамлакатда Ўзбекистондан сўз очилганда кўпчиликнинг тушунмай елка қисишига Жўра кўникиб қолган

эди. Браунинг «паловхўр очлардан экансан-да», дейиши, айниқса, масхараомуз кулиши уни гангитиб қўйди. Бир нима дейишга ожиз қолди. Шарт бурилиб чиқиб кетишни ҳам, индамай тураверишини ҳам билмай турганида Браун кулгидан тўхтаб, унга қўл узатди:

– Салам алайкум, – деди. Сўнг Жўранинг узатилган қўлини сиқиб бир неча марта силтади. – Мен Ўзбекистонни эшитмаганман. Мен Ўзбекистонда бўлганман. Палов еганман!

Бу гапдан кейин Жўра кўпдан бери кўришмаган қадрдонини учратиб қолгандай қувониб, уни бағрига босгиси келди.

– Қачон борган эдингиз? – деди кулимсираб

– Ў, бунга анча бўлди. Мен инсонпарварлик ёрдами олиб борган эдим. Бунинг нималигини биласанми? Битта самолётни тўлдириб дори-дармон олиб борганман. Самолёт қўнганида ҳали тонг отмаган эди. Мени нақ вазирларингнинг ўзи кутиб олди. «Юкни туширишни бу ердагиларнинг ўзига қўйиб беринг, мен сизни тўйга олиб бораман, қайнонангиз яхши кўрар экан, ошнинг устидан чиқдингиз», деди. «Менинг қайнонам йўқ, бўлмайди ҳам», десам, «Худо хоҳласа бўлади», дейди. «Худо хоҳласа хоҳлайверади, аммо мен уйланишни истамайман», дедим-у «палов» деб аталувчи таомнинг қайнонага нима дахли бор эканини барибир тушуна олмадим. Мен жуда кўп мамлакатларда бўлганман, лекин эрта тонгда тўй бўлганини ҳеч ерда эшитмаганман. Бир жойда қатор турган одамларни кўриб, очларнинг намойиши бўляптими, деб ўйлаб яна ажабландим. Чунки эрта тонгда намойиш бўлганини ҳам учратмаганман. Вазир «Бу намойиш эмас, тўй», деб тушунтирди. Кузатишимча, минг одам келгандир... Сенларнинг вабодан қирилиб кетмаганларингга ҳайрон қолдим. Чумолидай саф тортиб келаётганларнинг ярми ювуқсиз қўл билан овқат ейишди, ярми эса олдингилар ялаб кетган қошиқларда еяверишди. Вазирга «Бу қанақаси?» десам, «Бу биродарлик, яқинлик аломати», дейди. Шахсан менга бундай яқинлик аломати керак эмас!

Сен Америкага келиб яхши қилибсан, ҳеч бўлмаса қошиқда овқат ейишни ўрганиб кетасан. «Бу тўй рости билан вазир ҳайдовчисининг тўйими?» деб гумонсираган эдим, бу ҳақиқатга мени ишонтириб, «Бу тўйнинг бошланиши, асосийси ҳали кечки пайт бўлади», дейишди. Шунда мен «Агар автомашина ҳайдовчисининг шундай тўй қилишга қурби етса, инсонпарварлик ёрдамини биз сизга эмас, сизлар бизларга беришингиз керак экан», дедим.

– Сиз битта тўйни кўргансиз. Бунақа дабдабага кўпчиликнинг қурби етмайди.

– Буни мен билдим. Дам олиш учун мени меҳмонхонада қолдириб кетишгандан кейин уйқум келмай бир ўзим шаҳарга чиқдим. Дорихоналарга ҳам кирдим. Мендан олдин юборилган инсонпарварлик ёрдамларини сотувда кўриб, бунақа тўйлар ниманинг эвазига қилинишини тушундим. Агар вазирнинг ҳайдовчиси шундай тўй қилса, вазирнинг ўзи тўйни ё Парждаги ё Лондондаги энг гўзал ресторанларда қилади, деб ўйладим.

Браун шу гапларни айта-айта, афтини буриштириб бўлса-да, яна бир финжон қаҳва ичиб, сал ўзига келди. Жўра унинг гапларини маст одамнинг алжираши, деб қабул қилмади. «Мастлик – ростлик» деганларидай бу вайсашнинг тагида ҳақиқат бор эди. Жўра ёшлик йилларидаёқ дўстларининг бир ишидан норози бўларди. Советлар ҳукм сурган йилларда Москваданми ё Киевданми бирон олим меҳмон бўлиб келса, ресторанда меҳмон қилишарди. Бу ҳам етмагандай чойхонадаги ошга ё тўйга олиб боришарди. Жўра ўшандай даврадан қочишга ҳаракат қиларди. Айниқса, чойхоналардаги яғири чиқиб кетган кўрпачаларда ўтириб, рангини йўқотган дастурхон устида ош ейишга кўнгли бўлмасди. Бу жойларга бориб қолгудай бўлса, ўша меҳмоннинг кўзларига қарашга уяларди. Дўстлари бу давраларни европача айтганда, «экзотика», энг яхши урф-одат сифатида мақташга ҳаракат қилардилар. Меҳмон ерди, ароқни бўкиб ичарди, совғасаломларни олиб уйига қайтарди-ю, бу меҳмондорчиликларга «ярим ёввойилик» тамғасини босиб, бу одатларни

масхаралаб дўстларига ҳикоя қилиб берарди. Советлардан кейин дунёнинг бошқа шаҳарларидан ҳам меҳмонлар тез-тез келадиган бўлишди. Меҳмондорчилик тарзи эса ўзгармади. Ҳозир Браунинг масхараомуз гапларини эшита туриб, уни тўйга олиб борганларга лаънатлар ўқиди. Руҳи эзилиб, чиқиб кетмоқчи эди, Браун рухсат бермади. Жўрани ҳам бир финжон қаҳва ичишга мажбур қилди. Жўрани яхши кўриб қолгани учун эмас, мастликда алжишни яхши кўргани учун олиб қолди. Бу онда унга Жўра эмас, гапларини тинглайдиган бир қулоқ зарур эди.

– Мен сенга битта сирни очайми? Мен олиб борган дори-дармонларнинг ҳаммаси эскирган, ўзимизда сотилмай туриб қолган эди. Ташлаб юборишдан кўра сенга ўхшаганларга берсак, бутун дунёда тилимиз узун бўлади. Буни нега сенга айтяпман, биласанми? Ҳали эрталаб бир доллар узатсам олмадинг, «аҳмоқмисан» десам ранжидинг, сездим. Ана энди ўзингга ўзинг баҳо бергин-у бундан буёғига керилмай юравер.

Боксчилар тили билан айтилганда Браун Жўрани рингнинг бурчагига қисиб бориб жағига ҳал қилувчи зарбани берган эди. Ўшанда Жўра ҳушсизланиб йиқилмади-ю, ундан баттар ҳолга тушди. «Сен бораётган мамлакат бутун дунёни қопиб, талаётган, инсон қонларини ичаётган қутурган бир ит-ку! Сен бориб, ўша итни эмиб ётасанми?!» Охирги учрашувларида дўсти Нуриддиннинг алам билан айтган бу гапи Браунинг ошхонасида жаранглаб, ҳамма ёқни зириллатиб юборгандай бўлди.

– Сен ўзинг кимсан? Эрталаб ҳаракатларингни кузатдим. Оддий фаррошга ўхшамайсан. Бунақа ишларга уқувинг йўқлиги сезилиб турибди.

Жўра бошқа бирор касбни айтиши ҳам мумкин эди. Лекин «ҳақиқатни айтсам, бу одам илмнинг қадрига етиб, ёрдам қўлини чўзармикан», деган илинжда:

– Мен физик олимман, – деди.

Браун «Сен-а?» деб ишонқирамасдан тикилгандай бўлди. Жўра бу қарашдан кейин унинг жилмайишини,

олқишламаган тақдирда ҳам гапини ҳурмат оҳангида давом эттиришини кутди. Бироқ Браунинг «Демак, яхши олим эмас экансан», деган совуқ гапини эшитдию, саҳро осмонида сузиб юрган бир тутам оқ булутдан ёмғир умид қилган адашган сайёҳ каби умидсизлик чоҳига қулади.

– Сиз мени яхши билмай туриб нега бундай хулосага келдингиз? – деди Жўра ранжиб.

– Тўғри хулосага келиш учун бировни яхши билиш шарт эмас, – деди Браун ўша совуқ оҳангини ўзгартирмай.– Ҳаёт мантиғини англашнинг ўзи кифоя. Ҳаёт мантиғи нимадан иборат? Америка нимаси билан кучли? Ақл қуввати билан! Дунёдаги энг зўр ақллар шу жойга жамланган. Бирларини бойлик ваъдаси билан жалб қилишган, бошқаларини ўғирлаб келишган. Нима, шуни билмасмидинг? Эйнштейнни Германиядан ўғирлаб келганларини ҳам билмайсанми? Билмасанг, нодон экансан! Ҳозир разведка ҳарбий маълумот тўплаб овора бўлмайди. Осмондаги йўлдошдан туриб ҳамма нарсани билиб олаверишади. Разведка ҳозир ҳатто энг қолоқ мамлакатдаги ақлли, илмли одамларни аниқлаб, ўғирлаб келиш билан шуғулланади. Сени ўғирлаб келишмабдими, демак, эътиборли олим эмас экансан. Сен ўз юртингда буюк бўлишинг мумкиндир. Лекин сенинг буюклигингнинг Америка учун сариқ чақалик аҳамияти йўқ... Сенга ўхшаган ўз юртининг улуғларидан юз минглаб ёпирилиб келади Америкага. Булар орасида олими ҳам бор, артисти ҳам бор... Тасаввур қиляпсанми: юз минглаб! Хашаки олимлар, бозордан қочган артистлар Америкада ачиб-бижиб ётибди. Миллионлаб пашшахўрдалар орасидан битта Эйнштейн чиқмайди, битта Шварценегер чиқмайди. Сенам шуларнинг биттасисан. Тағин ҳам омадинг келиб бу ишни топибсан...

Ўша тун Жўранинг юрак-бағри эзилиб, ухламай чиқди.

Эртасига Браун яна маст ҳолда келди. Жўра уни кўрса ҳам кутиб олгани чиқмаган эди, Браун бақириб, уни ча-

қирди. Жўра хоҳламаса ҳам уни опичлаб, уйига кузатишга мажбур бўлди.

Индинига ҳам...

Энди эса...

Довул ҳамласи олдидаги чорасизлигидан эзилаётган Жўра энди ўша Браундан нажот кутган эди. Бир неча сониягина яшаган умиди ўлгач, энди ўзидан ўзи нафратланди. Агар уйида қўшнисидан шундай оқибатсизлик кўрганидан уни ичида бўлса ҳам сўкиши мумкин эди. Браунни эса сўка олмади.

Оч бўридай увиллаётган шамолнинг нафаси илиқ бўлгани учун уст-боши шалаббо Жўра жойида қотиб тураверди. Кўчада тирик жон қолмади. Машиналар қатнови ҳам тўхтади. Ана шунда Жўра бу жойни тарк этмаслик хусусидаги мажбуриятини унутиб, шамолга қарши юра бошлади. Икки чорраҳани кесиб ўтгач, одам қораси кўринди. Катта дарахтни қўпоришга кучи етган шамол гандиракланганича аста-аста босиб келаётган нозик вужудни кўтариб учишга қасд қилаётган эди. Жўра хотинини таниди, жон ҳолатда: «Зарин!» деб қичқирди. Аёл унинг овозини эшитмадими, яна бир-икки қадам босди. Шунда Жўра уни яна чақирди. Зарина атрофига бир аланглади-ю йиқилди...

Бахт излаб келиб довулнинг қаҳрига учраган эр-хотин тақдирларини лаънатлай-лаънатлай ҳужраларига етиб олдилар. Зинанинг остидан ўтган турли қувурларни ҳимоялаш ва хўжаликка асқотадиган анжомларни сақлашга мўлжалланган ҳужра маошидан беш фоизини чегириб қолиш шарти билан Жўра ва Заринага уй қилиб берилган эди. Боши сиғса оёғи ташқарида қоладиган даражадаги бу тор ҳужра уларнинг чекига тушган «саодат саройи» эди.

Заринанинг ҳушига келиши қийин бўлди. Жўра унинг бетига аста шапатилади, кейин силади. Иссиқ чой дамлаб ичирай деса, электр йўқ. Хонадонлардан биронтасининг, ҳатто анча таниш бўлиб қолган Браунинг эшигини тақиллатиб, газ плитасида сув қайнатиб олишни илтимос қилишга журъати етишмайди. Заринанинг ҳўл ки-

йимларини ечиб, қуруқ кўйлакни кийдирди. Ҳеч бўлмаса иссиқ чойшаб топилса эди... Жўра ўзининг кийимларини ҳам алмаштиргач, хотинини бағрига маҳкам босди. Шундан кейингина Зарина кўзларини очди. Очди-ю ўзини эрининг қучоғида кўриб, йиғлаб юборди. Бир кишилик эски каравот улар учун шоҳона кўшк вазифасини бажарди. Жўра хотинининг ёноғидаги ёш томчиларини кафти билан артиб, меҳр билан ўпиб қўйди.

– Худога шукр, жонимиз омон қолди, энди бу ёғи яхши бўлиб кетади.

Жўра бу гапни хотинини тинчитиш учун айтган эди. Бу ёғининг қанақасига яхши бўлиб кетишини ўзи тасаввур ҳам қила олмасди.

– Ҳаммаси мени деб бўлди, сизни зўрлайвермаганимда балога учрагурларнинг юртига келмаган бўлардик.

– Бу ҳам бир тақдир-да, сенинг айбинг йўқ. Ким билиб ўтирибди?

– Тақдиримиз шунчалик шўрми? Бошқаларнинг омади юришяпти-ку?

– Биз энди келдик, сабр қилиб тур, бизнинг омадимиз ҳам кулиб қолади.

– Омадимизнинг кулишига кўзим етмаяпти. Худонинг бизда бир қасди бор, шекилли...

– Унақа дема... Сенгаям шу атрофдан иш чиқай деб турибди-ку?

– Учрашдингизми?

– Ҳа, бир-икки кун кутинг, дейишди.

Жўра хотинини тинчитиш учун ёлғон гапирди. Кеча уч кўча наридаги кўп қаватли уйдаги хизматчининг ўрни бўшаётганини эшитишганди. Физик олим шу вазифани бажараётган дамларда олий тоифали педиатрнинг қора хотин шалтоғидан қутулиб, бу ишга етишиши ҳам ўзига яраша бахт бўлиб туюлган эди. Шу боис Жўра довул бошланмай туриб, хўжайинининг топшириғини бажариш учун кўчага чиққанида йўл-йўлакай ўша уйга ҳам кириб ўтди. Майсаларни тараётган йигит Жўранинг гапини эшитиб, қаддини кўтарди:

– Ҳа, жой бўшайди, мен кетишим керак. Лекин қачон кетишимни билмайман, яхшироқ иш тополмай турибман. Уйимга эса қайтиб кетолмайман. Уйимга қайтиб борсам, мени «Ватан хоини»деб отиб ташлашади.

– Уйинг қаерда? – деб сўради Жўра ундан.

– Бу ердан унча узоқ эмас, шу сувнинг нариги соҳилида, Кубада.

– Илминг борми? Бирон университетга ишга кирмоқчимисан?

Йигит аламли жилмайиб қўйиб «менда илм нима қилади?» деди-да, бошқа гапирмай ишини давом эттирди. Унинг гапи Жўра қалбидаги ярани тирнаб қўйди. Илми йўқ бир йигит бу хизматни ўзига раво кўрмай, яхшироқ иш умидида юрибди. У эса... Дарди ичида... Бировга ҳасрат қила олмайди. Ҳатто хотинига айтолмайди, чунки унинг дарди ҳам ўзига етарли...

Жўра Заринада умид уйғотгандай бўлиб, уни қаттиқроқ қучоқлади. Хотинига далда бўла олувчи бошқа тайинли гап айта олмади. Агар чарх айланиб, шу ҳужра остонасида Нуриддин пайдо бўлиб қолганда эҳтимол Тангри таолонинг: «Эй Одам фарзанди! Мен доимо сенга хотиржамликни раво кўраман ва айбларингни яшириб тураман. Ваҳоланки, сенга ҳеч қандай эҳтиёжим йўқ. Сен бўлсанг, менга доимий равишда муҳтож бўла туриб, фақат гуноҳ ишларни қилишга мойилсан», деган калимасини англатишга уринармиди? Бу ҳақиқатни айтган тақдирда булар тавбага юз тутармидилар ёки «нега биз нопок бўлар эканмиз, қайси ишларимиз гуноҳ? Бўйнимизга қўйиб бер!» деб даъво қилармидилар?

Хотинининг эсон-омон уйга қайтганидан қувонган Жўра кундузи бошланган довулнинг эртага қандай кучга эга бўлиши ҳақида ўйлай бошлади. У табиатдаги ҳар бир ҳодисага физик олим назари билан қараб, хулоса чиқарарди. Бу сафар ҳам шундай бўлди. Довулнинг бош кўтаришига сабаб бўлган иқлимнинг ўзгариши, иссиқ ва совуқ ҳаво оқимларининг тўқнашуви ва магнит тўлқинларининг ҳаракати каби ўнлаб илмий асосларни хаёли-

дан ўтказди. Аммо бу ҳодисаларнинг барчасида Тангри таоло қудратидан бир нишона кўриш мумкинлигини ўйлаб кўрмади. Неча миллиард тонна оғирликдаги сувни булут шаклида осмон йўли билан олиб келиб тўкишга ҳеч қандай фан қодир эмаслигини ҳам хаёлига келтирмади. Фан қудратига ишонган одамларнинг шу довул олдида хасчалик кучи йўқлигини тасаввур қилмади. Шамолни қўзғаб, булутни ҳайдаган, тўлқинларни кўтарган қудрат эгаси уммонни осонлик билан бу қитъа устига қозон каби ёпиб қўя олишини мулоҳаза қилиб кўрганида тили калимага келиб қолармиди...

Қўрқув титроғидан бир оз қутулган эр-хотинни уйқу элитди. Тун яримлаганда иккови бараварига уйғонди. Ҳужра эшиги тирқишларидан сизиб кирган сув кўтарилиб, каравот устига ҳам чиққан эди. Иккови шошилиб турди-ю тиззасига қадар сувга ботиб «бу нимаси?» дегандай бир-бировига қараб қолди. Жўра эшикни очган эди, енгил тўлқин ёпирилиб, сув сонига қадар чиқди. Зарина қўрқиб, унинг бўйнига осилди. Жўра нажот қаердалигини аниқ билмаса-да, Заринани суяб, ташқарига чиқди. Ҳовли томон юрмай, зиналардан юқорига кўтарилди. Иккинчи қават майдончасига етгач, ҳолсизланиб ўтирдилар. Тонгни муздек зина устида, титраб, қақшаб қарши олдилар.

Безовталик

Ҳамиша кўнглига роҳат бахш этиб келган бозор шовқини бугун нечундир ёқинқирамади. Молининг ярмини ёйганда пайдо бўлган харидор айтилган нархга кўнганида ёнидаги қўшниси этагидан тортиб қўйди.

– Вой, нима қиляпсиз, Моҳина опа? – деди танбеҳ оҳангида.

– Биринчи қўл, майли сазаси қайтмасин, зора қўли енгил бўлса. Қўшним айтувди, Рамазон ойида сал арзонга берилса савоби кўпроқ бўларкан, – деб изоҳ берди.

Моҳина кампирнинг бу изоҳи қўшни савдогарларга ёқмади.

– Қўшнингиз бекор айтибди, – деди чапдагиси.

– Рамазонда ҳар қанча баланд нарх қўйсангиз кўтаради. Бирпас сабр қилсак, одамлар ўрганиб, олиб кетаверишади. Рамазон йилда бир марта келади. Шунақа пайтда ишлаб олмасак, қачон топамиз фойдани? – деди ўнгдагиси.

Харидор бундай гаплар ножоиз эканини тушунтирмоқчи бўлган эди, хотинлар бир нафасда гўё ини бузилган ариларга айланишди-ю, уни талаб ташлашди. Харидор шайтоннинг уясига чўп суққанини англаб, тезда нари кета қолди. У узоқлашгандан кейин ҳам хотинларнинг жазаваси тинмади. Бу воқеа кеча ёки ўтган куни бўлганида ҳам Моҳина кампир уларга қўшилишган бўларди. Ҳатто сафнинг олд қаторини эгаллаши тайин эди. Кечаги ҳодисадан эзилиб тургани учунми ё бу тун кўрган нохуш тушнинг таъсириданми гапга аралашгиси келмади. Хотинлар сал тинчиган онда Моҳина кампирнинг чап кўкрагида гўё бир қуш бирданига потирлаб кетгандай бўлди. Худди юрагидан ажралиб чиққан жон қушчаси потирлаб, бўғзига қараб интилгандай туюлди. Нафаси қайтиб, «Вой, ўляпман!» деб юборди. Қўшнилар кампирнинг ранги оқарганини кўриб, дарров суяшди. Ўнг томондагиси муздек тер чиқараётган пешанасига кафтини қўйди. Кейин новвот қуйқаси қолган пиёлага термосдан чой қуйиб, кампирнинг лабига тутди.

– Кеча рўза тутиб узилиб қолибсиз, ичиб олинг, – деди.

– Дўхтир чақирсакмикан? – деди чапдаги хотин.

– Дўхтирингиз нимаси, умрим бино бўлиб бир мартаям дўхтирга кўринмаганман, – деди Моҳина кампир ўзини тутишга ҳаракат қилиб.

– Тўғри қиласиз, – деб уни маъқуллади ўнгдаги хотин. – Дўхтир отнинг калласидек қоғозга бир арава дори ёзиб беришни билади. Ҳар битта дориси фалон пул. Анави куни келиним боши қоронғу бўлгани учун дўхтирга борган экан, битта дори ёзиб берибди. Суриштирсам, йи-

гирма минг сўм экан. Худди гўрковнинг хизмат ҳақи билан баравар-а! Лекигин дорининг кафолати йўқ, гўрковнинг иши пухта бўлади – суваб ташлайди. Олдирмадим ўша дорини, икки пиёла новвот чой ичирувдим отдек бўлиб кетди. Келиннинг касалини мен билмас эканманми. Ҳамма келинларнинг касали битта бўлади. Бу касалининг оти – тантиқлик. Буни тушунмаган эси паст қайноналар келини «вой» деса тагига пар тўшак тўшаб, гирдикапалак бўлаверади. Келин «вой, касалман», деса қўлига супурги тутқизиш керак. Бунақа касалнинг давоси меҳнат. Биз шу меҳнат билан чиниқиб кетганмиз, тўғрими Моҳин опа?

Моҳина кампир ноилож тасдиқ ишорасида бош ирғаб қўйди. Чапдаги хотин эса «ҳозир сенинг келининг билан бу кампирнинг нима иши бор?» деб танбеҳ бермай, ўзининг гапини гапира бошлади:

– Ўтган ҳафта биқиним оғриб дўхтирга борсам, аперайса қилиш керак, дейди. Қўрқиб кетдим. «Бошқа иложи йўқми?» десам, «Бошқи иложи мозорда», дейди ишшайиб. «Ҳой, аперайсанг қанча туради?» десам, «Сиз яхши хотинга ўхшайсиз, сизга тўрт юз доллар», дейди. «Аперайсанг билан қўшмозор бўл, ўлсам ўла қолай, ўша тўрт юз долларни болларим худойи-пудойига ишлатар», деб кетвордим. Бир чойнак кўк чой ичувдим, бинойи бўлиб қолдим.

Суҳбатга бошқа хотинлар ҳам қўшилиб, касални тузатишнинг осон ва арзон йўллари ҳақида гапиравериш-ди. Моҳина иккинчи пиёладаги чойни ичгач, баданига илиқлик югурди. Худди шуни кутиб тургандай уларнинг қаршисида паттачи пайдо бўлди.

– Ҳа, опахонлар, бугуннинг салом-алигини қилиб оламизми?

Кўзлари ҳамиша серрайиб боқувчи қўнғизмўйлов йигитнинг салом ўрнидаги бу гапи хотинларга ёд бўлиб кетган. Йигит паттачилик мартабасини эгаллаган биринчи куни уларга шундай деб яқинлашганда Моҳина кампирнинг жаҳли чиқиб:

– Ҳой оповси, онанг сени «ассалому алайкум»дан кейин туққанми, салом берсанг ўласанми! – деб тергаганда, у пинагини бузмай:

– Мен сизга салом бериш учун ишга кирмаганман. Менинг салом-алигим бошқача: агар шу ўринда тинчгина тирикчилик қиламан десангиз, саломни сиз берасиз. Сизнинг саломингиз – мени кўришингиз билан пулхалтани кавлаб, сўраганимни чиқариш. Менинг жавобим манави патта қоғозни йиртиб, қўлингизга тутқазиш, ҳозир бозор иқтисодими, салом-алик ҳам шунга яраша бўлади, – деган эди.

Паттачининг пайдо бўлишидан энсаси қотган хотинлар унга аввалдан ажратиб қўйган пулларини бир-бир узатдилар. Паттачи Моҳина кампирнинг қимирламай ўтиришини кўриб:

– Ҳа, онагинам? – деб кўк кўзларини унга қадади.

Унинг бу саволини «Ҳа, онагинам, сизга нима бўлди, мазангиз қочдими?» деб ёки «Ҳа, онагинам, сиз нимага ялпайиб ўтирибсиз, чиқармайсизми пулни?» деб ҳам тушуниш мумкин эди. Бу йигитнинг хулқини яхши билган Моҳина саволдан иккинчи маънони уқиб:

– Ҳозир пулим йўқ, ҳали савдо қилмадим, – деди.

– Савдо-павдо деб бошимни қотирманг. Жойни эгаллаб ўтирибсизми, чиқаринг пулни.

– Пул йўқ, бор, додингни Худога айт!

– Менинг Худога айтадиган додим йўқ, эртага бу жойга бошқа одам қўяман. Додингизни ўлиб кетган додангизга айтиб юраверасиз.

– Мендан бу жойни олиб қўядиган паттачи ҳали додасининг белида юрибди. Бу дунёга чиқадими ё йўқми, Худо билади.

Ойда тўрт-беш марта такрорланиб турувчи бундай даҳанаки жангдан лаззат олувчи хотинлар Моҳина кампирнинг ҳозирги аҳволига ачинишдими, унинг ёнини ола бошлашди.

– Укажон, Моҳин опанинг мазалари қочиб турибди, осилавермагин. Бугун савдо қилмайдилар. Ҳозир уйларига олиб бориб қўямиз.

– Ҳов опахон, мазалари қочяптими, бошқа ёқлари қочяптими менинг ишим йўқ. Хўжайиним нечта жойдан патта олишимни билади. Бу жойнинг паттасини чўнтагимдан тўлайманми?

– Ҳали бозор қайтишида келасан, савдомиз яхши бўлса, ўзимиз беш-ўн сўмдан тўплаб, сенга садақа қилиб берамиз. Баҳонада Рамазонда савобга етишиб қоламиз.

«Савдомиз яхши бўлса...» Паттачи ақлдан озган эмаски, бунинг маъносини англамаса. Хотиннинг гапига ишониб кечки пайт келса нима бўлади? Пулни икки қўллаб тутқазадиларми? Йў-ўқ... «Бугун савсем савдо бўлмади, бир марта патта олмасанг ўлиб қолмассан», деган «ширин» гапдан бошқаси насиб этмаслигига ақли етмаса, шу бозорни гуллатиб ишлай олармиди? Бозорнинг икирчикирларини билмаган одам бу ҳолатни четдан кузатиб «паттачи патта пулини ундиролмай асабийлашяпти», деб ўйлаши ҳам эҳтимол. Кўккўз йигитнинг асабийлашмаслигини, балки бозорчиларнинг жиғига тегиб роҳатланишини ўзидан бошқа яна Худогина билиши мумкин. Бозорчининг қолиб кетаётган чала иши йўқ, шу боис шошилмай гап талашаверди. Лак-лак қўшин забт этолмаган қалъа битта хотиннинг макри туфайли эгалланганда, тўрт-беш хотин битта кўккўз паттачига бас келолмас эканми? Охири паттачи нари кетди. Аммо мағлуб сифатида эмас, бир оздан кейин нафас ростлаб, яна қайтиб келиб ҳужумни давом эттириш учун бу жойдан сал узоқлашди. Шундан кейин хотинлар яна Моҳина кампирнинг аҳволига эътибор қаратишиб, уни уйга кузатиб қўйишга қарор қилишди. Чап томондаги хотин моллارни йиғиштириб қўядиган, ўнгдагиси эса кузатиб қўядиган бўлди. Моҳина «бу ёғига ўзим етиб оламан, сиз бозордан қолманг», дегач, хотин катта кўчадаги киракаш йигитга кампирни эҳтиёт қилишни тайинлади-ю изига қайтди.

Манзилга етиб келган Моҳина кампир раҳмат айтиб, машинадан тушаётганда киракаш:

– Хола, кира ҳақини бермайсизми? – деб тўхтатди.

– Ҳалиги хотин бермадими, сенга бир нима деяётганди-ку? – деди Моҳина кампир норози оҳангда.

– Пул бермади, «Пошшахон опоқингни бошингда кўтаргандай қилиб авайлаб олиб бориб қўй», деди.

– Зиқна бўлмай кет-а, мен аҳмоқ унинг тўйига алоҳида тугун қилиб борибман-а... – Моҳина кампир шундай деб минғирлаб, камзулининг чўнтагидан икки юз сўм чиқариб узатди.

– Хола, мени масхара қиляпсизми? Камида бир ярим минг сўмлик йўл юрдик. Ёшингизнинг ҳурмати учун майли, беш юздан кечдим.

– Қолганидан ҳам кечворсанг рўза кунлари барака топасан. Бир дуо қиламан, кейин бойиб кетасан.

Моҳина кампир шундай деб дуони ҳам насия қилганича машинадан тушиб ҳовлисига кириб кетди. Минг сўмга куйган киракаш йигит пушаймонлик оловини қандай ўчирсин? Ғудраниб сўкиниш наҳот кифоя қилса?

Дарвоза эшиги очиқ бўлгани учун кампир «неварам уйда экан», деб ўйлаб «Суҳроб, ҳой Суҳроб, турдингми, болам?» деб чақирди. Жавоб бўлмагач, зинадан кўтарилиб ичкарига қаради. Суҳроб уйда бўлса бозордаги аҳволини баён этиб, озгина ҳасрат қилмоқчи, шу баҳонада набирасининг меҳрини оширмоқчи эди. Суҳроб кўринмагач, ивирсиб ётган икки кишилик каравотни йиғиштириб, ҳовлига қайтди. Бир оз сўрида ўтирди. Кейин ўзининг уйига кириб, жойига чўзилди. Шу ётганича ухлаб, вақт асрга етганида уйғонди. Ўзини анча тетик сезди. Юракнинг потирлаши тинганидан кўнгли хотиржам тортиб, чой дамлаб ичди. Уйига кириб у-буни йиғиштирмоқчи эди, толиқди. Нафаси қайтди. Ташқарига чиқиб сўридаги бир қават кўрпача устига ёнбошлаганда дарвоза тақиллади. Ўрнидан туриб чиқишга эринган кампир «Ким, кира қолинг», деб қўйди. Эшик очилиб, милиционер кўрингач, «пулимни топиб олиб келганмикан?» деган умидда қаддини кўтарди.

Шуҳрат сўрига яқинлашиб, кампирга салом берди. Моҳина алик олишни ҳам, меҳмонни ўтиришга таклиф

қилишни ҳам, ҳатто яқиндагина ўлим даракчиси беҳаловат қилганини ҳам унутиб, уни саволга тутди:

– Ўғрини топдиларингми?

– Қидиряпмиз, опоқи, – деди Шуҳрат.

– Бунча кўп қидирдиларинг? – деди Моҳина зарда билан.

– Ҳозирги ўғрилар уста бўлиб кетишган-да, из қолдиришмайди.

– Киноларда кўрсатавериб уларни ўзларинг уста қилиб юборгансанлар. Одам ўлдиришнинг минг хилини, бузуқликнинг миллион хилини кўрсатасанлар.

– Опоқи, кинони биз кўрсатмаймиз, – деди Шуҳрат узр оҳангида.

– Сен бўлмасанг бошқаси-да! Ўғрини топмаган бўлсанг нега келдинг? – деб бўш келмади кампир.

– Суҳроб билан гаплашмоқчи эдим.

– Суҳробни нима қиласан? Сенам вовуллаган итингга ишониб келдингми? Ўғри кирганида болагинам уйда йўғиди. Шерикларингга айтганман, ёзиб-чизиб кетишган. Боламга осилаверма.

– Суҳробга осилмаймиз, ташвишланманг. Опоқи, сиз мени танимадингиз, Суҳроб билан олтинчи синфгача битта мактабда ўқиганман.

– Кимнинг ўғлисан?

– Хурсанд аканинг. Чарос кўчасида турардик. Бувимни танийсиз – Бибисора опа.

– Э, директорнинг неварасимисан, бувинг мактабга директормиди?

– Боғчага мудира эдилар.

– Ҳа, эсимга тушди, ёғли жойда ишларди. Мендақаларни менсимасди. Димоғи қуртлаб кетганиди. Энди отдан тушгандир? Ё ҳали ҳам кибри-ҳавоси баландми?

– Икки йилдан ошяпти ўтганларига.

Шуҳрат бу гапни маъюс оҳангда айтиб, шунга яраша жавоб кутган эди. Рўмоли елкасига тушиб, бугун тароқ тегмаган оқ сочлари очилиб қолганига эътибор бермаган кампир бу нохуш хабардан мутаассир бўлмади:

– Дунё шунақа, осмонга устунман, деганларни ҳам гўрга тиқиб ташлайди...

Моҳина кампирнинг бу гапида ҳақиқат мавжуд бўлсада, баён қилиш оҳангида заҳар мавжуд эди. Шуҳрат муз устига ялангоёқ тушгандай бир сесканиб олди-да «Ҳали ҳам юрагида сақлаб юрган экан-да?», деб қўйди. Шуҳрат бешинчи синфда ўқиётган дамларда бувиси бу кампир билан гап талашиб, юмдалашишига салгина қолганди. Набирасининг туғилган кунида Моҳинанинг меҳри жўшиб, ҳақиқий футбол тўпи совға қилган эди. Бундай ноёб совғага етишган ҳар қандай бола фақат футбол ўйнаш учун эмас, тўпни кўрсатиб, мақтаниш учун ҳам кўчага югуриши тайин. Тўп янгилигида бу боланинг ўртоқлари олдидаги мавқеи ҳам баланд бўлади. Шундай экан, Суҳроб тўпни сандиққа ташлаб қўярмиди? Кўчага олиб чиқди. Мақтанди. Сўнг футбол ўйини бошланди. Шуҳрат тепган чоғда яп-янги тўп йўл ёқасидаги дарахт танасига тегди-ю катта кўчага тушди. Сўнг енгил машиналар орасидан юмалаб бориб, КамАЗнинг ғилдираги остига тушиб, ёрилди. Буни машъум ҳодиса сифатида қабул қилган Моҳина Шуҳратнинг қулоғидан чўзганича уйига қарийб судраб борди. Набирасининг қулоғи қизариб кетганини кўрган Бибисора Моҳинага айтадиганини айтди. Моҳина тўпнинг пулини беришларини талаб қилди. Агар боланинг қулоғи чўзилиб, азоб берилмаганида Бибисора пулни қизғанмасди. Моҳинанинг шаллақилигидан кейин у ҳам «тўп ўйин пайтида ёрилган, атай тепмаган», деб қайсарлик қилиб туриб олди. Агар ўшанда Шуҳратнинг бувиси пулни берганда Моҳина дунёда шундай хотин борлигини унутиб юборган бўларди. Бу олишувдаги мағлублик аламини эсдан чиқариш осон эканми? Орадан йиллар ўтиб ўша хотиннинг невараси милиса кийимида унга рўпарасида турса-я! Моҳина энсаси қотганини яширмай:

– Тоғанг милисамиди, ўлдириб кетишганмиди? – деб сўради.

– Амакимни...

– Ҳа... ажали етганда... Сенам милиса бўлдингми? Қон тортганда... Асли сенларнинг уруғингдан яхши одам чиқмаган бўлсаям керак?

Шуҳрат кампирнинг ёшини ҳурмат қилиб, унинг ҳақоратига чидаса ҳам эътироз билдиришдан ўзини тўхтата олмади:

– Милиса бўлиш ёмонми?

– Мен милисанинг яхшисини кўрмадим. Тағинам ҳозир сал попукларинг пасайиб қолди. Олдинлари бозорда тинчлик йўқ эди. Қувлагани қувлаган эди яшшамагурлар. Милисанинг шапкасини узоқдан кўрсам ҳам юрагим зириллаб турарди. Неччи марталаб молимни олиб қўяй, дейишган. Менга қолса, дунёда биттаями милиса қолдирмаган бўлардим.

Кампирнинг касб-корини яхши билган Шуҳрат бу гапларни малол олмай, истеҳзо билан кулиб қўйди:

– Опоқи, дунёда милиса зоти қолмаса, пулингизни ким топиб беради?

– Сен олдин пулимни топиб, мана бу ерга қўй, – кампир шундай деб ён томонига шапатилаб қўйди, – кейин катта гапир. Юлдузингга қараганда кичкина одамга ўхшайсан, қўлингдан бирон иш келармикан?

Ҳаёти давомида ҳалол хизмати билан эл эътиборини топган, фарзандларининг солиҳлиги туфайли одамларнинг миннатдорлигига эришган аёл шундай деса ранжимаса ҳам бўларди. Кампирнинг невараси тенги йигитга қўполлик қилиши аслида бундан-да қўполроқ жавобга лойиқ эди. Лекин Шуҳрат бу сафар ҳам ўзини тутди.

– Суҳроб нима қиляпти, ўқияптими? – деди унинг гапини эшитмагандай.

– Ўқиб нима қилади, менга шаҳар олиб берадими? Ана, ўқиганларнинг биттаси отасими? Шунча йил турмуш қуриб хотинига битта иштон олиб беришга қурби етмайди.

Бу гапни Моҳина кампир айтди-ю, эшитган Шуҳрат уялиб, ундан кўзини олиб қочди. Сўнг ишончсиз оҳангда:

– Ишлаяптими? – деб сўради.

– Ишлаб нима қилади? Ота-онаси Америкада, яқин орада уям кетади ўша ёққа.

– Нега бирга кета қолмади?

Моҳина кампир бу саволга жавоб бергиси келмай жим қолди. Кейин «бу сурбет милиса бошқача ўйламасин», деб «буни мен билармидим», деб минғирлади.

– Рухсат тегмадими? Оёқ олиши чатоқроқмиди? – деб саволни давом эттирди Шуҳрат.

– Нега чатоқ бўларкан? Милисасан-да, а? Хаёлинг дарров ёмонликка тортади. Болам, Худога шукр, ақлли. Ёмон йўлга юрмайди. Фақат чекиши ёқмайди менга.

– Наша чекадими?

– Ҳай-ҳай, нафасингни ел олсин-а! Попирис чекади. Ўзинг ҳам чекарсан?

– Йўқ. Мен ўқиган жойда чектиришмасди. Унча-бунча ичиб ҳам турадими?

– Ҳой, намунча суриштириб қолдинг? Боламга осилмаларинг, дедим-а, сенга?

– Суриштираётганим йўқ, шунчалик гап келиб қолгани учун сўрадим. Опоқи, сандиғингизни кўришим керак.

– Нега кўраркансан? Шерикларинг кўриб кетишган, шу етади сенларга.

– Сандиғингиз иккита экан, ўғри нима учун биттасига тегмаганийкин?

– Буни мендан сўраяпсанми? Сен ўша ўғрини тутгинда, гирибонидан бўғиб сўрасанг айтиб беради.

– Бирор нарсадан чўчиб шошилиб қолганмикан, дейман-да, – деди Шуҳрат кампирдан кўз узмай. – Опоқи, Суҳроб қаердайкин, бир гаплашиб олишим керак.

– Эрталаб келсанг, кўрасан ўртоғингни. Пешингача ухлайдиган одати бор.

Моҳина шундай дейишга деди-ю шуни бекор айтдим, деб афсусланди. Афсусини сиртга чиқармаслик учун гап оҳангини бирдан ўзгартирди:

– Ҳой, болам, сен ўзимники экансан, гапимга қулоқ сол: ўғрини топмасаларинг ҳам майли, олган пули буюр-

масин, жувонмарг бўлсин. Сен пулимни давлатдан олиб бер. Менам тинч, ўзларингам тинч.

Кампир ҳозиргина ғашини келтираётган йигитга энди умид билан боқди. Шуҳрат бунинг иложи йўқлигини тушунтиришдан наф йўқлигини билиб: «Опоқи, ўғрини топамиз», деди-да, изига қайтди.

Ишхонасига боришга шошилмай маҳалладаги таниш йигитлардан иккитасига учрашиб, болалик кезларини эслаган бўлди. Гап орасида Суҳробнинг туриш-турмушидан гап очгач, ўзи учун зарур бўлган айрим маълумотларни билиб олди.

Олғиртой

Шуҳрат шом қоронғиси тушганда хонасига қайтиб, чироқни ёқди. Менглиев навбатчига «Шуҳрат келса мени пойласин, кетиб қолмасин», деб тайинлаган экан. Бу топшириқни эшитган Шуҳрат «Мени ёш бола ўрнида кўраркан-да», деб ўйлаб, ғашланди. Тўрт йиллик ўқиши давомида бир неча марта амалиётга келган одам милиция идорасидаги иш оқшомда якунланмаслигини, аксинча, қизишидан хабардор эмас эканми? Бошлиқдан топшириқ олгач, албатта, ҳисоб бериши шартлигини англамаган ходимнинг паттасини қўлига тутқазиб юборишлари аниқлигини ким билмайди?

Шуҳрат узоқ кутмади. Менглиев келгач, аввал кампир билан бўлган суҳбатни баён қилди. Кампирнинг охирги илтимосини эшитиб, капитан кулди:

– Шунақа дедими? Ўзи ўша сандиқда пул бўлганмикан? Ё хаёлидаги гаплар билан бизни чалғитяптими? Уйида бегона бармоқ излари йўқ. Ит неварасига қараб вовуллабди?

– Мендаям шунақа гумон туғилди.

– Ўтбосаров эса «Ўлимликка ҳам шунча пул тўплайдими?» деб ажабланяпти.

– Мен бу кампирнинг қанақалигини сал-пал биламан. Ўн сўм ўғирлатган бўлса, «минг сўмимни ўмариб кетишди», деб ваҳима қилиши ажабланарли эмас. Бундан таш-

қари яна бир муаммо бор: кампир ҳамиша бозорда тирикчилик қилган. Бунақа одамларнинг пуллари янада кўп бўлиши аниқ.

– Ўғирлатилган пулни атай камайтириб даъво қиляпти, деб ўйлаяпсанми? – Менглиев шундай деб истеҳзо билан кулимсиради.– Эсинг жойидами? Бунақа қилиқни катта бойлардан кутса бўлади. Улар «шунча бойликни қаердан ва қандай қилиб топдингиз?» деган саволдан қўрқиб, асл ҳолатни беркитишади. Бир-икки миллион сўм ўғирлатса, бизни овора қилиб ўтирмайди. Билишимча, кампиринг қишда бировга текинга қор бермайдиган тоифадан.

– Бахиллиги аниқ. Кейин... – Шуҳрат бошлиғига қараганича мийиғида кулимсиради, – биринчидан, у менинг кампирим эмас, иккинчидан... менинг эсим жойида.

– Ҳазиллашдим, – деди Менглиев, – гапимни дарров малол олдингми, сирканг сув кўтармас экан-ку, а? Қани, эсинг жойида бўлса, фикрингни тушунтир менга.

– Савдогарлар ҳозир фойдани нима қилишади? Дарров долларга алмаштириб қўйишади ёки қимматбаҳо буюмлар сотиб олишади. Ўғри буни билмаганми? Сўмлари сандиқда экан, долларлари-чи? Нега қидирмаган? Кампирнинг қизи билан куёви Америкада экан. Улар ҳам доллар юбориб туришгандир?

– Неварасидаги гумонни олиб ташламоқчимисан? Доллар қаердалигини билса, уни ҳам оларди, демоқчимисан?

– Гумондан бутунлай воз кечганим йўқ. Қари одамлар ўлимликка атаганларини бошқаларга кўрсатиб қўядилар. Кампир ҳам шундай қилган бўлиши мумкин. Долларни яширган жойини неварасидан яширган бўлса, бу уйда яқин кунларда яна бир ўғирлик содир этилиши эҳтимоли бор.

– Сабаб?

– Маҳалладаги танишларим билан гаплашдим. Кўпчилик ярим ҳазил, ярим чин оҳангида Суҳробга «алкаш» деган лақаб қўйиб олибди. «Қуруғидан тортиб турса керак» деган эҳтимол ҳам бор. Хотини билан ажрашган. Ота-

онаси уни Америкага олиб кетмоқчи бўлган-у, эплай олмаган. Ўзи ҳеч қаерда ишламайди. Қарзга ботган бўлса, энг осон йўл – ўғрилик фаолиятини ўз уйида бошлаган.

– Гумонларингда жон бор. Лекин эҳтимоллик назарияси физикларга асқотиши мумкин, бизнинг ишимизда бир одамни «жиноят»чи деб айблаш учун гумон асос бўлолмаслигини академиянгда ўқитишган бўлса керак?

– Ўқитишган. Эртага эрталабдан бошлаб шу гумонни ҳақиқатга қанчалик алоқаси борлигини аниқлашга киришаман. Битта ишда ёрдамингиз керак.

– Хайрият, менга ҳам иш қолар экан. Жиноятчини бир ўзинг топиб, мукофотни илиб кетармикинсан, деб қўрқиб турувдим, – деб ҳазиллашди Менглиев.

– Агар кичик бир жиноятни очиш учун ҳам мукофот беришса, учдан иккиси сизники, – деб ҳазилга ҳазил билан жавоб берди Шуҳрат.

– Худо билади, шу «кичик бир жиноят»ни очган кичик ходимга катта мукофот тайин қилиб қўйгандир? – Менглиев «кичик бир жиноят» деган иборани атай пичинг билан гапириб, сўнг жиддий оҳангга кўчди: – Қандай ёрдамим керак сенга?

– Америка элчихонаси Суҳробга рухсатнома бермаганга ўхшайди. Шунинг сабабини аниқлашимиз керак.

– Яхши, аниқлаймиз. Сен яна бир муҳим далилни унутяпсан, шуни ўйлаб кўр.

– Қайси далилни?

– Қайси далил эканини ўзинг аниқла. Айтмоқчи, ўша ёққа борганингда Самиевникига бир қараб қўймадингми? Қамоқдан чиқарганингга раҳмат демадими?

– Кирдим, раҳмат демади, чунки уйида йўқ экан. Онаси бор экан, лекин у ҳам негадир раҳмат демади. Бир-икки нарсани сўраб аниқламоқчи эдим, «адвокатсиз гаплашмайман», деб туриб олди. Ҳуқуқини жуда яхши биладиган хотин экан.

– Индамай қайтавердингми?

– «Эртага соат тўққизда адвокатингиз билан идорага борасиз», девдим, сал бўшашди.

– Нимани сўрадинг?

– Самиев сўроқ пайтида «ўн бирдан ўн тўртга қадар «Эммануил» деган кинони кўриб ўтирувдим» деган эди. Онаси «Тўғри айтибди, менам бирга кўриб ўтирувдим» дейди.

– Шунга ишондингми, келишиб олган бўлиши мумкинмасми?

– Ишонишга ишонмадим. «Ўғлингиз билан бирга шу кинони кўришга уялмадингмизми?» десам, «Нимасига уяламан, оддий эротика-ку?» дейди. Шунга ҳайрон бўлдим.

– Нима, жудаям уят киноми?

– Уят-ки... инсон зотига кўрсатиб бўлмайдиган нарса.

– Шунга ажабланиб ўтирибсанми? Яқинда яширин фоҳишахонани босган эдик. Элликларга борган бир киши билан ўттизлардаги одамни суриштирсак, қайнота билан куёв бўлиб чиқди. Бунга нима дейсан? Биз қайнота билан куёвни биргаликда бузуқлик қилаётгани учун жазолай олмаймиз. Она билан ўғилнинг бузуқ кино кўриши ҳам биз шуғулланадиган иш эмас.

Шуҳрат буни яхши билади. Лекин шу бузуқликлар охир-оқибат бирон жиноятга олиб боришини ҳам билади. Жиноят содир этилгач, шу жиноят илдизлари қидирила бошланади. Қачондир шу илдизга дуч келингани ва аҳамият берилмагани эса ўшанда эътиборга олинмайди. Эртами индин бу бўйдоқ йигит бирон қизнинг номусига тегса, онаси билан беҳаё кино кўргани жиноят илдизи сифатида қайд этилмаслиги ҳам мумкин. Афсусли жойи ҳам шунда... Шуҳрат бошлиғининг гапига иш юзасидан қўшилса ҳам, мантиқ юзасидан ҳамфикр бўла олмас эди.

– Шунақа-ю, лекин... – деб эътироз билдирмоқчи эди, Менглиев гапини шарт кесди:

– Ўша кинонинг бу жиноий ишга алоқаси борми?

– Бевосита алоқаси йўқ, – деди Шуҳрат бўшашиб.

– Унда Самиевага «оталар сўзи»дан фалсафа сўқишингнинг ҳожати йўқ эди.

– Фалсафа сўқмадим. Самиевнинг нималарга қизиқиши унинг қанақа одамлигини билдирмайдими?

– Унинг қанақалиги, ана, ҳужжатларда аниқ ёзилган.

– Ёзилишга ёзилган. Лекин онаси ҳам, боласи ҳам олдинга «Иш»да туҳмат бўлган деб туришибди. Онаси «Нашани туҳматчилар атай ташлаб қўйишган», дейди. «Э опоқи, юз грамм қорадорини ташлаб қўйиш мумкиндир, икки кило нашани қандай ташлайди?» десам ҳам гапидан тонмайди.

– Сен у ерга эски гапни титгани кирганмидинг?

– Йўқ... – Шуҳрат шундай деб, айбига иқрор бўлгандай бошини эгди. Кейин ўзини оқлашга куч топди: – Лекин икки «Иш» орасида боғлиқлик бўлиши мумкинку? Уларнинг олдинги «Иш»ида чалкашлик борга ўхшаяпти. Балки шериклари нашани уларникига яширишгандир. Балки асосий ишбошилар четда қолиб, жазога Самиевни рўпара қилишгандир. Ҳисоб-китоб ўтгач, қайтадан нашафурушлик қилишаётган бўлишса-чи? Самиевнинг олдинги «Иш»и қайта тергов қилинса-чи?

– Бу сен билан менинг ишимиз эмас. Нашафурушлар билан шуғулланадиган одамлар бор. Сен ўқиб келган назариянг билан бошимни қотираверма.

– Унда Суҳроб «алкаш» билан Самиевнинг яқинлиги сабабини ўрганишга рухсат беринг.

– Яхши, ўрган, лекин чуқурлашма, вақтни ҳам чўзма. Бўлимнинг зиммасида қанча «Иш» бор, биласанми? Эртаиндин амнистия эълон қилинса, бу ўғирлик бўйича тергов ишлари «кичик бир жиноят» сифатида тўхтатилади. Буни ҳам ҳисобдан чиқарма.

Самиевнинг олдинги жинояти бўйича олиб борилган терговда чалкашликларга йўл қўйилганини Менглиев ҳам аниқлаган эди. Ражабнинг Суҳробни кино кўришга таклиф этиши ҳам бежиз эмаслигини ҳам фаҳмлаганди. Шуҳрат икки жиноят орасида боғлиқлик борлиги ҳақида гапира бошлаганда шогирдидан қувонса-да, унинг шаштини атай қайтарди. Эски «Иш» бўйича терговни қайта қўзғашнинг ўзига яраша мураккабликлари бор, уни ўқишни эндигина битириб келган ёш мутахассис амалга ошира олмаслигини билгани учун ҳам кескинроқ, ҳатто

қўполроқ гапиришга мажбур бўлди. Ўзининг Самиевлар оиласини ўргана бошлаганини эса яширди.

Шуҳрат Суҳробни учратиш ниятида унинг уйига кун ёйилганда келди. Ўзини кечагидан тетикроқ ҳис қилган Моҳина кампир бозорига жўнаб бўлган эди. Дарвоза оғзида юк машинаси турганини кўриб Шуҳрат уйга яқинлашмай, аввал кузатди. Икки йигитнинг уй жиҳозларини ортаётганини кўргач, «кўчиб кетаётибдими?» деб ўйлаб, қадамини тезлатди. Сигарет тутатаётган ҳайдовчи унга эътибор бермади. Диван кўтариб чиқаётган икки йигит милиция кийимидаги Шуҳратга аввалига хавотир билан қараб қўйдилар-у, кейин «бизнинг вазифамиз ҳаммоллик, гапинг бўлса, ана, хўжайин турибди», дегандай унинг ёнидан жимгина ўтишди.

Шуҳратни танимаган Суҳробга милициянинг бу ташрифи ёқинқирамади.

– Братан, сизга ким керак? – деб сўради пешанасини тириштириб.

– Менга Олғиртой керак.

Мактабдаги лақабини эшитган Суҳроб Шуҳратга тикилиб қараб қолди-да, истамайгина жилмайган бўлди:

– Шурик, сенмисан?

Узоқ вақт учрашмагани туфайли бир-бирини соғинган икки қадрдон дўст бундай ҳолда қучоқлашиб кўришади. Тўрт-беш йил кўришмаган бўлса-да, соғинмаган, бир-бирини эсламай яна қирқ-эллик йил яшай оладиган икки йигитнинг қўл олиб сўрашиши ҳам катта гап.

– Оббо Шуриг-э, танимабман-а, погонлар зўр-ку? Милиса академиясига кирганингни эшитувдим. Кейин «ҳайдалиб кетди», дейишувди. Батканг зўрда, а? Ўқишни битиргунингча баткангнинг чўнтагини қуритгандирсан? Шу иккита юлдузча қанчага тушди энди?

– Анчага, – деди Шуҳрат муғомбирлик билан кулимсираб.

– Ҳайдалганинг ростмиди, нега ҳайдашувди?

Шуҳрат ўқишдан ҳайдалмаган эди. Суҳроб гапни ўзича чалғитяптими ё ростдан бировдан эшитганмиди, Шуҳрат

билишга қизиқмади. Суҳробнинг «қуруғидан тортиб туриши» эсига тушиб, гапни шу томонга бурмоқчи бўлди.

– Қуруғидан тортиб турардик, қўлга тушиб қолдим.

– Ҳа-а... академиядагилар тортиб туради, деб эшитгандим. Биттаси ўзинг экансан-да? Ўқишни тиклаганингдан кейин ташлагандирсан?

– Ташладим-у, барибир кўнгил қўмсаб туради.

– Кўнгил қўмсаса ёмон.

-- Сен қаердан биласан? Тортганмисан?

Бу саволдан кейин Суҳроб кўзларини олиб қочди. Шуҳрат «Ҳозирча шу етарли, бу мавзудаги гапни давом эттиришдан маъно йўқ», деган қарорга келиб, «Нима, кўчяпсанми?» деб сўради.

– Қаёққа кўчаман? – деди Суҳроб довдираб. – Пахан телефон қилиб, эски мебелларни сот, деб буюрдилар. Америкадан янгисини олиб келишаркан.

– Америкадан? Шу ернинг ўзида Италиянинг зўр мебеллари тиқилиб ётибди-ку?

– Паханнинг ўзи билади, балки пулни у ёқда топиб, мебелни шу ерда олар?

– Уйлангансан, деб эшитувдим, хотининг кўринмайдими?

– Хотинни бир тепиб келган жойига кеткизворганман.

– Нега?

– Шалава экан, биласан-ку ҳозирги товуқларга ишониб бўлмайди.

– Қараб, суриштириб олмайсанми?

– Бабкам топган эди, суриштиришга қўярмиди?

– Бувинг қаердалар ҳозир?

– Биласан-ку, бувим деловой бабка. Кунда бир бозорга тушмаса, касал бўлиб қолади. Машинанинг ён тўсиғини ёпган йигитлардан бири «Хўжайин, бўлдик», деб қўйди. Суҳроб Шуҳратга «мен ҳозир келаман», деди-да, аввал машина ҳайдовчисига яқинлашди. Ундан пулни олиб санагач, йигитларга хизмат ҳақини берди. Ҳаммоллар юқорига чиқиб ўтириб, машина ўрнидан жилгач, Суҳроб Шуҳратнинг ёнига қайтди.

– Сен ҳойнаҳой ўғрини қидириб келгандирсан?

– Мен Суҳроб деган ўртоғимни кўргани келдим.

– Суҳроб деган ўртоғингни унутворгандинг-ку, нечук эсингга тушиб қолди? Бабкамнинг сандиғига ўғри тушишини пойлаб юрувдингми?

– Ўзинг-чи, ўқишга кирганимни эшитган экансан, бир марта борсанг ўлармидинг? Борсанг, ҳеч бўлмаса қуруғига ўргатардим, – Шуҳрат шундай деб унга айёрона тикилди. Суҳроб қўл силтаб қўйди.

– Бўпти, гина қилаверма, қуруғинг ўзингга буюрсин. Агар мени кўргани келган бўлсанг, кетдик.

– Қаёққа?

– Томоғим қуриб кетди. Пиво ичамиз. Сени меҳмон қиламан.

Меҳмондўст одам мезбонга уйида ҳеч бўлмаса бир пиёла совуқ чой таклиф қилгувчи эди. Суҳробда бундай одоб йўқ, дейиш мумкин эмас. Бувисидан оз-моз бўлсада, одоб ўрганган. Фақат бошқалар каби «уйимизга киринг, чой ичиб кетинг», дейиш ўрнига «уйга кирмайсизми, тез-ез чой қилиб бермайманми?» дейишга одатланган. Ҳозир ўшандай ёлғон манзират билан ичкарига таклиф қилишни истамади. Шуҳрат манзиратнинг сохталигига фаҳми етмай, «уйга кириб бир пиёла чой ичишга» кўнса-ю бу орада бувиси келиб қолса, мебелларнинг сотилгани ошкор этилишидан чўчиди. «Адам телефон қилиб, «мебелларни сотиб юбор», дедилар», деган ёлғонга бувисини ишонтириши осон эмаслигини биларди. Бувиси ғазабланиб, бақир-чақир қилмаса-да, бир-икки кун давомида минғирлайвериб оғримаган бошини оғритиб юбориши мумкинлиги учун сирнинг ошкор бўлишини хоҳламаётган эди.

Шуҳратни пивохўрликка таклиф этишидан бошқа мақсади ҳам бор эди. Милиция кийимидаги ўртоғининг ўқиш чоғида наша чекиб тургани унда умид уйғотган эди. Кеча Макс «Менга бойваччаларни ўргатиб бер», деб катта гапирганди. Суҳробнинг назарида Худо гўё унга марҳамат этиб, бойваччани унга рўпара қилиб қўйди. Суҳроб бола-

лиги шу маҳаллада ўтган ўртоғининг сароймонанд уйда яшашини эшитган эди. Отасининг қандай вазифада ишлашини билмаса-да, давлатмандлар маҳалласида истиқомат қилувчи бу оиланинг бадавлатлиги унда шубҳа уйғотмасди. «Бир марта наша тортса бас, бир ҳафтада «игнага ўтириши» аниқ», деган ишонч унинг кўнглига қувонч бағишлади. Чунки нияти амалга ошса, бу бойвачча ўртоғи унинг «олтин балиғи»га айланади-ю хизматини қилиб юраверади. Қарздан қутулиши билан бу «олтин балиқ»ни қармоққа илинтириши унга омад эшигини очиб юборгандай бўлди. Қон ҳидидан зийрак тортиб, ўлжа томон талпинган ваҳший ҳайвон каби у ҳам ҳамлага шайланди. «Бу милиса ўртоғим мени лақиллатаётгандир», деган ўй бир ёришди-ю, аммо унга ҳукмини ўтказа олмади.

Суҳроб йўловчи машина тўхтатиб Шуҳратни ўзи севган масканга олиб борди. Ҳашаматли дискотека яқинидаги номи «қаҳвахона», бироқ, асосан пиво билан савдо қилувчи кўримсизроқ жой унинг кундузги оромгоҳи эди. Кеч кирганда йўлни кесиб ўтиб дискотекага кирарди. Кеча собиқ синфдошлари билан суҳбатлашаётганда Суҳробнинг бу одатидан хабар топган Шуҳрат соябон остидаги стулга ўтириб, унинг ҳаракатларини диққат билан кузатаверди. Суҳробнинг кунда-шунда эканига кўникиб қолган пивохона хўжайини унинг милиционер билан келганидан хавотирланиб, «тез хизмат қил», деган маънода дастёрига имлаб қўйди. Дастёр бола икки кружка пиво билан ликопчада тўртта қурут келтириб қўйди.

– Қоқбалиқ йўқми? – деди Суҳроб унга норози қиёфада қараб.

– Тамом бўлибди. Ҳозир олиб келишлари керак.

Дастёр нари кетгач, Шуҳрат кружкани Суҳроб томон сурди:

– Мен ичмайман.

– Нега? – деб ажабланди Суҳроб. Кейин пичинг қилди: – Ота ўғил бўлиб француз коньягига ўрганган одам пивони назарга илармиди?

– Хўжайиним пивонинг ҳидини ёмон кўради, ҳозир ишга боришим керак, – деди Шуҳрат соддалик билан.

– Унда нима ичасан? Ие, ментлигинг эсимдан чиқибди. Ментлар қаҳва ичишса керак, а? – Суҳроб саволига жавоб кутмай ўрнидан турди-да, ичкарига йўл олди. Дам ўтмай бир шиша «Фанта» кўтариб қайтди. – Булар ментларнинг қаҳва ичишини билмас экан. Шуни эрмак қилиб тур, ҳозир қўшниларидан топиб келишади.

– Бу ерда обрўйинг зўрга ўхшайди, а? – деди Шуҳрат шишанинг қопқоғини оча туриб.

– Обрўйи йўқ эркак эркакми, ўзимга ярашаси бор. Лекин... хафа бўлмагин-у устингдаги кийимингни ечиб қўйсанг, сени биров икки пулга олмаса керак.

– Катта кетма, – деди Шуҳрат зардали оҳангда. – Менам кўча кўрган эркаклардан­ман. Бу кийимни бир-икки ойдан кейин барибир ечиб ташлайман. Шунча йил адамнинг кўнгилларига қарадим, энди менинг кўнглимга қарашсин. Ота подшоҳ, ўғил қул эмас, мен бу ҳақиқатни амалга оширмагунимча қўймайман.

Шуҳратнинг бу гаплари Суҳробга ёқди. Энди олтин балиқ унга умид билан боқиб, думини ликиллатганича «қармоқ ташламайсизми, акахон?» деётгандай бўлди.

– Олдинлари ҳам шунақа ўғил болалигинг бор эди, айнимабсан, қойилман. Шунча умрингни совурганингга яраша бир-иккита ўғрини ушладингми?

– Ишни энди бошладим-ку, ўғрини ушлаш осонми?

– Унда бизникига тушган ўғри нима бўлади? Қўшнимизни олиб кетишувди, чиқариб юборишибди-ку?

– Ҳа, чиқариб юборишди.

– Нега?

– У ўғирламаган.

– Ким ўғирлаган?

– Ҳеч ким.

– Бу нима деганинг?

– Уйларингга ҳеч ким кирмаган. Бувинг пулни бошқа ёққа беркитиб, гангиб қолганлар. Ҳали қараб тур, эртаиндин пулларини бошқа бир кавакдан топадилар. Қари-

ганда одам шунақа склероз бўлиб қолади. Икки ой олдин қўшнимиз «пулларимни ўғирлатдим», деб вой-войлаб қолди. Лекин милиса чақирмай, фолбинга борибди. Фолбин фол кўриб «пулингизни келинингиз олган», дебди. Келиннинг отаси салкам миллионер бўлса ҳам уни ўғрига чиқаришди. Туппа-тузук яшаб юрган эр-хотинни ажратиб юборишди. Келин уйига кетгандан кейин пул топилди. Саксонга бориб қолган одамнинг эси нима бўларди, ўзи беркитган жойни унутиб ғалва қилиб юрибди Бувинг ҳам шунақа қиляптилар.

Ўртоғидан кўз узмай гапираётган Шуҳрат унинг чеҳраси ёришаётганини сезди. Хавотирдан қутулиш умиди туғилган Суҳроб ишончини қатъийлаштириш мақсадида сўради:

– Бу сенинг гумонингми ё хўжайинларинг шунақа дейишяптими?

– Хўжайинларим шунақа дейишяпти. Яқинда амнистия эълон қилинса, «Иш» ёпилади.

– Пул топилмаса, бабкам куйиб қолаверадиларми?

– Сен ўша пулни кўрганмисан?

– Бабкам пул кўрсатадиган соддалардан эмаслар.

– Бувинг бозорни яхши биладилар, шунча пуллари бор экан, нега долларга айлантириб қўймаганлар?

– Олдин айлантирардилар. Тўплаганларини адам билан ойимнинг Америкага кетишларига сарф қилиб юборибдилар.

Шу пайт Шуҳрат учун кутилмаганда уларнинг яқинида Ражаб пайдо бўлди. Ражаб «Бу мент нима қилиб ўтирибди?» деган ўйга бормай тўғри келаверди. «Қалайсан?» деб Суҳробга қўл узатгач, Шуҳрат билан ҳам сўрашди:

– Милиса пивохонада сўроқ қилса ҳам бўларкан-у, мени қафасга тиқиб, эзиб ташладиларинг-а?

– Сизни мен қамаганим йўқ.

– Биламан, сиз чиқардингиз. Лекин мен учун бунинг фарқи йўқ. Энди навбат буникими? Ишни шу ерда пишитасизми ё буни ҳам бир-икки кун тиқиб қўясизми?

– Нафасингни совуқ қилма, Шуҳрат менинг қиз ўртоғим, олтинчигача бирга ўқиганман. «Иш»инг Шуҳратга тушган бўлса, омадинг бор экан, бу қитмирлик қилмайди. Чиқариб юборгани учун битта банкетга қарзсан, ўтир, хода ютганмисан, биттадан ичамиз.

– Гап йўқ, битта банкет мендан. Лекин ўтириб чиққаним учун сенам битта банкетга тушасан.

– Мен нега тушарканман?

– Мен сенинг касрингга қолдим, ҳақини тўлайсан.

– Нима деяпсан?

– Бўпти, буни кейин гаплашамиз. Кеча Максга бир нима ваъда қилган экансан. Пойлаб турибди, ҳозир вазирга учрашиши керак экан.

– Ўзи қани? – деди Суҳроб атрофга аланглаб. Ражабнинг келиши, «Макс» деган исмни тилга олишидан ғашланганини Шуҳрат сезди.– Ваъда берган бўлсам, бажараман, ҳовлиқмасин.

– Юр, пойлаб турибди, – деди Ражаб энди кескинроқ оҳангда.

Суҳроб истамайгина ўрнидан турди. Лекин Ражабга дарров эргашмади. Кружкани қўлга олиб, икки қултум пиво симирди-да, лабини кафтига артгач Шуҳратга «Ҳозир келаман», деб юрди. Бу орада дастёр финжонда қаҳва келтириб, Шуҳратга узатди. Суҳроб кетган томонга орқа қилиб ўтирган Шуҳрат Макс дегани ҳам, Ражаб ҳам гумонсирашлари мумкин, деб дарров ўгирилиб қарашдан ўзини тийди. Лекин Макс деган одамни кўришга қизиқиши кучлилик қилиб, ўгирилди. Аввал Ражаб, унинг изидан Суҳроб муюлишдан бурилиб, кўздан йўқолишди. Ҳозир вазирга учрашиши лозим бўлган одамнинг беркиниб туриши Шуҳратда шубҳа уйғотди. «Бир пивохўрдан ниманидир илтимос қилган одам вазир қабулига кира олармикан? Бунақаларни вазирнинг қоровули ҳам яқин йўлатмаса керак? «Вазир» балки кимнингдир лақабидир? Улар мени кўришган. Самиев тап тортмай келди. У панада қолди. Менга кўринишни истамадими? Нега? Бирон нимадан чўчидими?

«Иштонсизнинг ҳадиги чўпдан» деган мақол бор, булар нимадан ҳадиксирашади?»

Шу саволлар гирдобида ўтирган Шуҳрат орқасига яна бир ўгирилганда Суҳроб кўринди. Шуҳрат унинг қўлидаги гугуртга эътиборини қаратди. Суҳроб ўртоғининг қараб турганини кўриб, гугуртни чўнтагига солди. Яқиндагина ўзини бойвачча ҳисоблаётган одам Максга учрагандан кейин пулдан айрилиб, аламдан ёнаётган эди. Гарчи қарздан қутулган бўлса-да, бу унга кўнгил хотиржамлигини бермаган эди. Чунки ҳадемай яна қарз халтасининг очилишини биларди. Макс «Нега мент билан ош-қатиқ бўлиб ўтирибсан?» деб дағдаға қилганида у «Яхшилаб таниб ол, кейинги ҳафтада уни сенга лаққа гўшт қилиб топшираман», деб попугини пасайтириб қўйди.

Бу гаплардан бехабар Шуҳрат «Макс деганинг ким, нима иши бор экан», деб суриштириб ўтирмади.

– Қаҳваси зўр экан, сенинг обрўйингдан фойдаланиб, маза қилиб олдим, – деди кулимсираб.

– Мен билан юрсанг шунақа маза қилаверасан. Уйланганмисан?

– Уйлансам сени тўйга айтмасмидим?

– Айтмаслигинг ҳам мумкин. Сен академияда ўқиган одамсан. Биз ўқимаган лақмамиз... ўқимаган бўлсак ҳам, уққанларданмиз.

Бу пичинг Макс билан бўлган учрашувнинг ҳосиласи эканини билмаган Шуҳрат «қани, гапиравер-чи» дегандай кулимсираб ўтираверди.

– Нега шу пайтгача уйланмадинг?

– Уйлантирамиз дейишганда қуруғидан тортиб туришим фош бўлиб қолиб, қиз томон айниди. Кейин адам «Аввал ақлингни йиғиб ол», дедилар. Ақлимни йиғиб олувдим, энди дурустроқ қиз топилмаяпти.

– Шуни проблема деб юрибсанми? Бугун кечқурун дискотекага кел, на любой вкус. Хоҳласанг, бир кунлик хотин, истасанг, бир-икки йилга ярайдиганини топиб бераман.

– Зўрсан-ку? Кўнгилни қитиқлаб қўйдинг, қани битта чектир.

Суҳроб унга сигарет узатди. Кейин ўнг чўнтагидан ёққични чиқариб ёққанда Шуҳрат чап чўнтакдаги гугуртнинг вазифасини англагандай бўлди.

Кечки пайт идорага борганида бўлиб ўтган гапларни баён қилгач, Менглиев унга қараб муғомбирлик билан жилмайди:

– Ёлғончиларнинг пири экансан-ку? Хўп, ёлғонни-ку тўқибсан. Ишонади деб ўйлаяпсанми?

– Дискотекага таклиф қилди-ку? Ишонмаса таклиф қилармиди?

– Яхши, дискотекага таклиф қилибди. Энди наша чекишга таклиф қилса-чи? Чекаверасанми?

– Бунинг йўли ҳам топилиб қолар? – Шуҳрат бошлиғига айёрона боқиб, кулимсиради.

Йигитнинг ҳар бир саволга дадил жавоб топиши Менглиевга бир латифани эслатди: Марайим қарол оладиган маошидан қониқмай бойга шикоят қилиб дебдики: «Хўжайин Абдурайимдан кам хизмат қилмайман. Тонгда баравар тураман, тунга қадар тиним билмайман. Лекин унга кўпроқ маош берасиз, мени нечун камситасиз?» Бой «Гапинг тўғри», деб ўйга толибди-да сўнг буюрибди: «Кўчага чиқиб қара-чи, одам зоти бормикин?» Марайим қарол шошганича чиқиб, дарров қайтиб маълум қилибди: «Кўчада бир арава кўринди». Бой яна буюрибди: «Чиқиб бил-чи, от арава эканми ё эшак аравамикан?» Қарол яна чиқиб билиб қайтди: «Бой ота, от арава экан». Бой яна буюрибди: «Аравага нима юкланибди?» Қарол яна чиқиб аниқлаб қайтибди: «Аравага қовун-тарвуз ортилибди». Шу зайлда бой буюраверибди, қарол кўчага чиқиб аниқлаб қайтаверибди. Шундан сўнг бой Абдурайимни чақириб «Кўчага чиқиб қара-чи, одам зоти бормикин?» деб буюрибди. Қарол «Хўп бўлади, бой ота», деб чиқиб дам ўтмай қайтиб ҳисоб берибди: «Бой ота, кўчамиздан қовун-тарвуз ортилган от арава ўтяпти. Кўктераклик Мусавой деҳқон Эралибойнинг от аравасини ижа-

рага олиб бозорга кетаётган экан. Ўнта босволди, ўнта бўрикалла қовунни бир тангадан, ўнта тарвузни ярим тангадан сотиб келмоқчи. Хўжайин, шу қовун-тарвузларни деҳқон айтган нархга олиб қолиб, эртага бозорга ўзимиз олиб чиқсак, анча фойда қоларди. Бозорда бу йил қовун-тарвузнинг нархи пича баландроқ». Бу гапларни эшитган бой Марайим қаролга қараб дебди: «Эшитдингми? Сен ўн марта кўчага чиқиб билган нарсани Абдурайим бир чиқишда аниқлаб қайтди. Шу чиқиб-келишида фойда олиш йўлини ҳам ҳисоблаб қўйди. Мен икковингнинг хизматингга бир хил ҳақ тўлайман, аммо Абдурайимнинг зеҳнига қўшимча маош бераман».

Менглиев бу латифани ёшлик пайтида эшитган бўлсада, ундаги ҳикматдан таъсирланиб, ёдига муҳрлаган эди. Милицияда ишлаган пайтида хизматга келиб-кетган кўп ёшларни учратди. Шулар орасида Марайим қаролга ўхшаганларни кўрганда ғаши келаверарди. Баъзиларига «Дунёда «мантиқ» деган илм бор, биласанми?» деб танбеҳ ҳам берарди. Шуҳрат ўқиш чоғи бу бўлимга икки марта амалиёт учун келгандаёқ Менглиев унинг зеҳнига, зийраклигига тан берган эдим. Дастлабки мустақил ишда довдирамай, тўғри йўлга тушиб олганидан мамнун бўлиб, елкасига енгил уриб қўйди.

– Ўртоғингнинг лақабини нима дединг?

– Болалигида ҳамма Олғиртой дерди. Кўзига нима яхши кўринса, илиб кетаверарди. Қорни оч бўлса, сомса еб турган боланинг қўлидан юлиб олаверарди. Айниқса, қаламга ўч эди. Чўнтакдан бир учи чиқиб турса бўлди, илиб олганини сезмай ҳам қолардик. Ким стол устида унутган бўлса бир нафасда йўқоларди. Кейин бу қаламларни кўкрак чўнтагига қатор териб, керилиб юраверарди.

– Фақат қалам ўғирлармиди?

– Бу ўғирлик эмас-ку? Очиқчасига шумлик билан олиш, холос.

– Битта сен эмас, кўпчилик шунақа деб ўйлайди. «Боланг шўх бўлса бўлсин-у шум бўлмасин», деган ҳикмат-

ни эшитганмисан? Шўхлик чегарадан ошса, шумлик бошланади. Шумлик билан жиноятчилик орасида мустаҳкам чегара йўқ. Шумлик жиноят жарининг ёқасига ўхшайди. Жар ёқасида юраверган одам бир кунмас бир кун йиқилади. Эрталаб бир илтимос қилувдинг, натижасини нега сўрамаяпсан?

– Улгурмагандирсиз, деб ўйлабман.

– Мен шогирдларнинг топшириғини тез бажаришга одатланганман, – деди Менглиев ҳазиллашиб. – Эшит: Олғиртойинг ўз номига муносиб иш қилган. Шумлик чегарасини ўнинчи синфда бузиб ўтган. Диля Шайхутдинова деган ўқитувчиларинг бормиди?

– Ҳа, тарихдан ўқитардилар.

– Шу Диля опанг маош олган куни ҳамма пули сумкасидан ўғирланган. Олғиртой далил-исбот билан ушланган. Ота-онасими ё ўша шаллақи бувисими, елиб-югуриб қамоқдан олиб қолган. «Иш» ёпди-ёпди бўлган деб қувониб юраверишган. Синган косани чегалаб шўрва ичиш мумкин, лекин синиқ изи қолади. Элчихона ўша изга эътибор қилган.

– Суҳробни кўрганимдан бери ўйлаб, бир саволимга жавоб тополмаяпман: отаси олим, онаси врач бўлса-ю, бола ўқишни истамаса. Иш деса афтини бужмайтирса.

– Дунёда «ота-онаси яхши бўлса, боласи ҳам яхши бўлади», деган қонун йўқ. Болалар қамоқхонасига борганингда «туппа-тузук оилалар»нинг фарзандларини кўрардинг. Ўзи «туппа-тузук» бўлиб боласига тарбия бермаса ҳам «яхши ота-она» деяверамиз, а? Маҳалламизда бир домла борлар. Кўрсанг, ҳавас қиласан. Юзларидаги нурга қараб кўзинг роҳатланади. Лекин ўғлини кўрсанг, «афтинг қурсин», деб тескари қарайсан. Авал «шундай яхши одамнинг боласи нега ароқхўр?» деб ўйлардим, энди «шундай иймонли одамнинг боласи нега жиноятчи?» деб бош қотираман. Бир даврада шайх билан ўтириб қолган эдим, шу бошқотирма саволни бердим. Жавоби оддий экан, ўйлаб ҳам ўтирмай қисқагина қилиб жавоб берди: «Еган луқмасига қачондир ҳаром аралашиб қолган. Буни ўзи

вақтида билмаган бўлиши ҳам мумкин». Кампирнинг пулини Олғиртойинг ўғирлаган бўлса, шу жинояти учун қамалади. Бу жиноятни келтириб чиқарган омилларни биз «Иш»га тиркамаймиз, суд ҳам кўриб чиқмайди. Биз илми саёз дўхтирларга ўхшаб ишлаймиз. Дўхтир иситмаси кўтарилган беморга тана ҳароратини туширадиган дори беради. Нима учун иситма чиқаётганини яхшилаб ўрганмайди. Оқибатда ичдаги касал кучаяверади. Ўладиган ҳолга келган беморни энг зўр дўхтир ҳам тузатолмайди. Биз ҳам жиноят кучасига кириб бўлган одамни яхши йўлга қайтара олмаймиз.

– Биздан ҳеч ким буни талаб қилмайди, вазифамиз бошқа, – деди Шуҳрат устозининг гапини бўлиб.

– Ҳа, талаб қилмайди. Шунинг учун дўхтир ўлим ҳақидаги қоғозни ёзиб берганидай биз «бу одам жиноятчи, жазо олиши шарт» деган қарор ёзиб бериш билан чекланамиз. Дўхтир жисмоний ўлимга далолат беради, биз маънавий ўлимга.

Шуҳрат устозининг ҳозирги гаплари ва кайфиятига тушуна олмади. Терговчи ўз вазифасини ҳалол бажарса кифоя эмасми?

ЯНА НЬЮ ОРЛЕАНДА:
Жиноятчининг шериги

Нонуштадан сўнг леди Ҳамелтонни ювинтириб бўлган Заринани Жек хонасига чақирди-да, зар қоғозлар билан чиройли қилиб ўралган қутичани узатиб:

– Бугун қадрдон дўстимнинг туғилган куни. Кечаси билан юрагим санчиб чиқди, мен боролмайман, сен ҳозир бу совғани уйига ташлаб келасан, – деб буюрди.

– Ледидан рухсат олиб беринг, – деди Зарина, айбдор қизчанинг ҳадикли овозида.

– Сени мен ишга ёллаганман, ҳақни ҳам мен тўлайман. Демак, менинг айтганимни сўзсиз бажаришинг керак! – деб бақирди Жек.

Ўғлининг овозини эшитган қора хотин ётган жойида:

– Нима гап, Жек? – деб бақирди.

– Ҳеч гап йўқ, – деди Жек жеркиб. – Ҳамелтон, За бир соат уйда бўлмайди. Ғалва қилмай, жим ўтир.

– За менинг хизматкорим, уни бирон ёққа жўнатишга ҳаққинг йўқ.

– Бир соат мен сенинг хизматкоринг бўлиб тураман.

– Қанақасига хизмат қилишингни биламан. Ҳозирнинг ўзида қорангни ўчирасан, сен аблаҳ! – Ҳамелтон шундай деб чала ғажилган олмани шу томон отди.

– За қайтгунича қорамни ўчирмай ўтиришга ваъда бераман, – Жек онасини шундай деб тинчитгач, Заринага совғани қаерга олиб боришини тушунтирди.

Ташқарида қуёш чарақлаётган бўлса-да, кеча тинган довулнинг асорати ҳали сақланиб турарди. Кўчаларга уюм-уюм қилиб тўпланаётган балчиқнинг сассиқ ҳиди Заринанинг кўнглини айнитди. Димоғини рўмолчаси билан пана қилиб юрди. Ҳамма ёқни ахлат қоплаб ётганида юпқа рўмолча кишини бадбўйдан ҳимоя қила олармиди? Бир оздан сўнг рўмолчани чўнтагига солиб, қадамини тезлатди. Ярим соат деганда Жек тушунтирган даҳага етиб борди. Бу ердаги уйлар Жек яшайдиган даҳадаги кулбалардан фарқ қилар, иморатлар ҳашаматли бўлмаса-да, батартиб одамлар яшашидан дарак бериб турарди. Зарина учинчи қаватга кўтарилиб, қўнғироқ тугмасини босиши билан унинг ташрифини кутиб тургандай, эшик дарҳол очилди. Жекка нисбатан қорароқ ва бадбашарароқ одамни кўриб, Зарина чўчиб кетаёзди. «Сенга нима керак?» - деган даҳал овоздан ўзига келиб, бир оз довдираган ҳолда:

– Мистер Эденбург керак, – деди.

– Менман Эденбург, нима дейсан?

– Мистер Ҳамелтон сизни туғилган кунингиз билан табриклаб, совға юбордилар.

– Ўзи нима учун келмади?

– Касал эканлар.

– Кечаси билан юраги санчиб чиқибдими?

– Ҳа.

– Шунақа аҳмоқона касали бор, қани, кир ичкарига.

Бу таклифдан ҳадиксираган Зарина бир қадам тисарилди:

– Нега? Совғани бердим, энди кетишим керак. Леди Ҳамелтон ғазабланишлари мумкин...

– Леди дедингми? – Эденбург шундай деб тиржайди. У тиржайган пайтда қозиқ тишлари кўриниб, янада қўрқинчли тус олгани учун Зарина беихтиёр юзини бурди. У эса гапини давом эттирди: – У сассиқ чўчқа ҳали ҳам тирикми? Чўчқанинг «леди» бўлганини энди эшитишим. Сен кармисан? Ичкарига кир, деяпман!

– Киролмайман.

– Қўрқма, мен фақат совғани очиб кўраман, мен сенинг кимлигингни билмайман-ку, балки совғанинг ярмини йўлда ўмариб қўйгандирсан?

Бу туҳмат тоши зарбидан гангиган Зарина «Мен ўғри эмасман», – деди-ю овозининг титраб кетганидан ўзи ҳам ажабланди.

– Ўғри эмаслигингни билишим учун ичкарига киришинг шарт.

Зарина остона ҳатлаб икки қадам қўйди-да, даҳлиз ўртасида тўхтади. Эденбург чўтагидан пичоқча чиқариб тугмасини босган эди, тиғ «шиқ» этиб очилди. Тиғ худди ўзига санчилиш учун очилгандай Зарина чўчиб тушди. Эденбург аёлнинг қўрқувидан лаззатланиб, иршайди. Кейин чиройли тасмаларни узиб, зарқоғозни ғижимлаб ташлади-да, қути қопқоғини очди. Шу он кутилмаганда эшик ташқари томондан зарб билан тепилди. Ошиқ-машуғи узилиб чиққан эшик Заринанинг орқасидан урилди-ю, у нима бўлганини англашга улгурмай, ҳушини йўқотиб, йиқилди.

– Нью Орлеан полицияси! Гапирмаслик ва адвокат ёллаш ҳуқуқига эгасан! – деган овозни узоқ-узоқдан эшитгандай бўлди.

Димоғига урилган ўткир ҳиддан ҳушига келиб кўзини очганда ўзини даҳлизда эмас, кенг хонада кўриб ажабланди. Қимирламоқчи бўлган эди, қўлига кишан урилганини билиб, қўрқувдан юраги қинидан чиқиб кетаёзди.

– Нью Орлеан полицияси, сиз гапирмаслик ва адвокат ёллаш ҳуқуқига эгасиз, – деди унга яқин ўтирган йигит.

Агар милиция бўлганида Зарина унинг погонидаги юлдузчаларга қараб мартабасини билиши мумкин эди. Бу йигитнинг полицияда қандай мартабага эга эканини фарқлай олмай нима деб мурожаат қилишни билмади. Полициячи унинг гапиришини кутиб ўтирмай ўзини танитишни талаб қилди.

– Зарина Норова, мистер Жек Ҳамелтоннинг хизматкориман.

– Мана бу қутини сен олиб келдингми?

Зарина стол устидаги қутига қаради. Қутини безаб турган зарқоғоз шилиниб олингани учун бир нима дейишга иккиланди:

– Мен туғилган кунларига совға олиб келувдим...

– Қанақа совға? Қанақа туғилган кун? Мен январда туғилганман! Ҳеч қанақа Жек Ҳамелтонни билмайман! – деди Эденбург бақириб.

– Ҳамелтонни сен билмасанг, биз биламиз. Қани, кетдик, агар қамоқда ўлиб кетмасанг, энди бу уйга йигирма йиллардан кейин келасан, – деди полициячи.

Даҳлиз остонасида турган полициячи Эденбургнинг орқасига ўтиб, елкасига туртди. Эденбург унинг амрини бажо этишдан олдин Заринага ғазаб билан тикилди. Заринанинг назарида унинг кўзларидан учқунлар сачрагандай бўлди. Аёл бу учқунлар оқимига дош беролмай юзини бурди. Эденбург:

– Бу қанжиқ иғво қиляпти, ҳали ҳамманг пушаймон бўласанлар! – деб бақиргач гарданига мушт тушиб гандираклади. У олиб чиқиб кетилгач, Зарина бўшатилишга умид қилиб аввал қўлидаги кишанга, сўнг полициячига илинж билан қаради. Аёлнинг умидвор бу қарашига полициячи совуққонлик билан:

– Сен ҳам биз билан борасан, – деди.

– Нега? – деди Зарина йиғламсираб.

– Жиноятчиларга шерик бўлганинг учун, – деди полициячи ўрнидан туриб.

Бу айбловни эшитган Заринанинг тили қотиб, гапга айланмай қолгандай бўлди. Мажолсиз киприклар кўз ёшларига тўсқинлик қила олмади.

– Жиноятчиларга? – деди йиғламсираб. – Ахир мен уларни танимайман-ку?

– Бунинг ҳеч ажабланадиган ери йўқ, – деди полициячи хотиржамлик билан, – наркобизнесда мингларча наркокурьерлар бор, улар ҳам ўз «босс»ларини танимайдилар. Қўрқма, агар полиция билан ҳамкорлик қилиб, судда айниб қолмасанг, буларчалик кўп ўтирмайсан.

«Кўп ўтирмайсан?.. Бу нима дегани? Анавинга йигирма йил ўтирасан, деди. Мени қанчага қамамоқчи?» Шу фикрнинг ўзиёқ Заринанинг жонини суғуриб олгандай бўлиб, кўз олди қоронғилашди. Полициячи уни турғизиш учун қўлтиғидан ушлаганда эса ҳушидан кетди.

Ҳушсиз аёл маҳкамага олиб келиниб сўроқ қилинаётганда Жўра ҳовлини тозалаш билан банд эди. Довулдан олдин яшнаб турган майсазор устини балчиқдан уч сидра тозалаб чиққан бўлса-да, эрталаб хўжайин унинг ишидан кўнгли тўлмаётганини айтди. Балчиқдан бўғилган майсазор қуёш нурида жонланиб қолишини тушунтира олмади. Захлаб кетган кулбасида суяклари қақшай бошлаган Жўрага офтобда ишлаш хуш ёқди. Майсазорнинг ярмини тараб чиққанида кўчада тўхтаган полиция машинасига кўзи тушди-ю, аҳамият бермай ишини давом эттираверди. Машинадан тушган икки полициячининг бири йўлкадан юрмай, майсазорни кесиб ўзи томон яқинлашаётганини кўргандан сўнг ишни бас қилиб, қаддини ростлади. Полициячи унга яқин келиб худди дўкондаги буюмни танлаб олиш учун синчиклаб кузатаётгандай бошдан оёқ қараб чиқди-да, «сенам одаммисан?» деган оҳангда:

– Норов сенмисан? – деб сўради.

Эрталабдан бери юраги сиқилиб турган Жўрага бу ташриф хавотирли туюлиб, аъзойи бадани бўшашиб кетди. Довдираб қолганини сезган полициячи саволини такрорлагач, паст овозда «ҳа, менман», деб жавоб берди.

– Юр уйингга, мен тинтув ўтказишим керак, – полициячи шундай деб уни билагидан ушлади.

– Менинг уйим йўқ, – деди Жўра.

– Уйинг йўқлигини биламан. Яшаётган жойингга бошла.

Ўз юртида тинтув ўтказиш учун прокурорнинг рухсатномасини талаб этишга ҳаққи борлиги Жўрага маълум эди. Аммо бу мусофирликда шундай ҳаққа эгами ё йўқми, билмасди. Жўра бўйнига сиртмоқ ташланган қул аҳволида полициячига эргашди.

«Уй» деб аталмиш жойни тинтув қилиш учун овора бўлиб келишнинг ўзи тентаклик эканини полициячи ичкарига қарабоқ англади. Лекин начора, буйруқни бажаришга мажбур бўлгани учун ҳам кулбани уч қайта тинтишдан эринмади. Жўранинг чўнтакларини, ҳатто пойабзали остини ҳам икки марта қаради. Ниҳоят, ўз ишидан ўзи ғашланиб, лабига сигарет қистирди-да, тутатди. «Бу одам бир англашилмовчилик туфайли кулбани титяпти, манзилни адаштирган, шекилли», деган фикрда турган Жўра шундан сўнг:

– Мистер, нимани қидиряпсиз? – деб сўрашга журъат этди.

– Нима қидираётганимни ўзим биламан, – деди полициячи қўрслик билан, кейин Жўранинг кўзларига тикилди: – Нима қидираётганимни билмаяпсанми? Беркитган жойингни ўзинг кўрсатсанг, қисматинг анча енгиллашарди.

– Нимани яширибман?

Соддадиллик билан берилган бу савол полициячининг ғазаб оловига мой сепди. У Жўранинг жағига чанг солди:

– Ит! Мени лақиллатмаган битта сен қолувдинг?!

Жўра кутилмаган зарбадан гандираклаб ўтириб қолди.

– Наркотиклар қаерда? – полициячи шундай деб бақириб, уни тепди. Кулба тор бўлгани сабабли тепкиси кўнгилгидай чиқмай янада ғазабланди-да, Жўранинг гарданига мушт туширди. Эшик ташқарисида турган полициячи сал инсофлироқ эканми, шеригини қўлидан тортиб, тўхтатди.

– Сенам бир қара, – деди ҳансираётган полициячи ташқарига чиқиб.

Иккинчи полициячи ичкарига қадам қўйгач, Жўра бошини ушлаб, ўрнидан туришга уринди.

– Менда наркотик нима қилади? – деди у инграб. – Бу ерга яқинда келганман. Агар кимёгар бўлганимда ҳам сунъий наркотик тайёрлашда гумон қилсангиз бўларди. Мен физикман. Лекин бу ерда атом бомба ясаганим йўқ. Мен лазерлар бўйича мутахассисман.

– Атом бомба ясашни билганингда бу ерга биз келмаган бўлардик.

– Нега бу ерда наркотик қидиряпсизлар, тушунмаяпман?

– Хотининг қаерда?

– Ишга кетган. У мистер Ҳамелтоннинг уйида хизматчи.

– Хизматчими ё наркокурьерми?

– Бу нима деганингиз?

– Ё ўзинг лақмасан ё бизни лақиллатмоқчи бўляпсан. Хотининг маҳкамада сўроқ қилиняпти. Ақлинг бўлса, адвокат ёлла, пулинг бўлса, гаровга чиқариб ол, – полициячи шундай дегач, шериги билан биргалашиб машинаси томон юрди.

Унинг гапи Жўрага тепкидан ҳам баттарроқ таъсир қилди. Гарданидаги оғриқни ҳам унутиб, унга эргашди. Хотинининг қайси маҳкамада эканини сўраган эди, полициячи қисқагина қилиб тушунтириб берди-ю машинасига хотиржамлик билан ўтириб жўнаб қолди. Хўжайинидан ижозат олишни ҳам унутган Жўра машина кетган томонга юрди. Маҳкамадан тайинли маълумот ололмади. Хотини билан учрашишни сўраб ялинишлари ҳавога учди. Унинг бу ерда адвокат ёллашга ҳаққи бор эди. Лекин қайси пулга? Гаровга пул қўйиб Заринани судга қадар чиқариб олиши мумкин экан. Лекин қани ўша пул? Ҳали бу юртга отланмай туриб «Америкада яхши яшаш имконияти бор, бироқ адвокат ёки врачга иши тушган ҳар қандай миллионер бир ойда қашшоққа айланиши ҳам мумкин», деган

гапни эшитган эди. Адвокат ёллаш ҳақидаги таклифни эшитгач, ўша гап эсига тушди-ю юраги увишди.

Меросхўр

Идорадаги ишларини ниҳоясига етказган Шуҳрат ваъдасига мувофиқ дискотека томон юрди. Суҳроб уни кундузи пиво ичган жойида кутиб ўтирарди.

– Бу жой сенинг номингга муҳрланганми? – деб ҳазиллашди Шуҳрат, қўл олиб кўришар экан.

– Кўча кўрган эркак ҳеч ерда хор бўлмайди, – деди Суҳроб ғурур билан. Кейин Шуҳратни ўтиришга таклиф этди.

– Дискотекага кирмаймизми? – деб ажабланди Шуҳрат.

– Ҳали вақт бор. Биз боп қушчалар энди учиб келишади. Ўтир. Яна милисанинг кийимида келармиканcан, деб чўчиб турувдим. Туппа-тузук одамга ўхшаркансанку, а? – ўзининг бу ҳазилидан мароқланган Суҳроб ҳузурланиб кулди. – Битта пиво ичволасанми, энди ҳиди келади, деб хўжайинингдан қўрқмассан?

– Хўжайиндан қўрқмайман. Пивонинг ҳиди қушчаларингга ёқмаса-чи? – Шуҳрат шундай деб муғомбирлик билан кулимсиради.

– Вей, сен қайси осмондан тушгансан? – деди Суҳроб. – Агар оғзингдан ароқ ҳиди келиб турмаса, ҳозирги қизлар сени эркак ўрнида кўрмайди.

– Мен пивонинг ҳидини айтяпман. Сен ароқ ҳидини айтяпсан. Эркакнинг фарқига борадиган қушча коньякнинг ҳидига учиб келса керак, деб юрардим.

– Шунақами? – Суҳроб унга савол назари билан тикилди-да, сўнг баҳсда мағлуб бўлган одам каби икки қўлини кўтарди: – Унда коньяк чақирамиз. Фақат... чиқими сендан.

– Хўп. Ўрисларда «ташаббус ҳамиша жазоланади», деган мақол бор, – Шуҳрат шундай дегач, Суҳробга тақлид қилиб, икки қўлини кўтарди.

– Кўнглингга келмасин. Бугун сени мен меҳмон қилишим керак эди. Лекин бир қадрдон келиб «қарзимни

икки соат ичида тўламасам ўлдиришади», деб кўзёш қилиб туриб олди. Бор пулимни бериб юбордим. Дискотекага олиб кириш мендан, у ёғи сенинг гарданингга. Эртага сени ўзим бўктириб, бугуннинг ҳиссасини чиқараман.

Бу гапни эшитган Шуҳрат кундузи «вазир билан учрашишга шошилиб турган» номаълум кимсанинг нимага келганини англади. Қаҳвахонанинг беркитиладиган вақти келиб, йиғиштирила бошлангач, юз граммдан коньяк, биттадан шоколаднинг таъсирида хушҳол бўлган икки йигит ўрнидан туриб, дискотека томон юрди. Шовқин ҳукмронлик қилаётган дискотека ёшлар билан тўлиб тошмаган эди. Дискотекаларни «ёшларнинг маданий дам олиш маскани», деб ҳисобловчи кимсалар деворга чизилган суратларни кўрсалар, ўз фикрларида қатъий қолардиларми ё йўқми, Худо билади. Шарқ миниатюралари услубида ношуд рассом томонидан чизилган ишқий лавҳалар маданий масканни эмас, фоҳишахона кўркини оча олиши баҳс талаб этмайдиган ҳақиқат эди. Тинмай ўчибёнаётган ранго-ранг чироқлар ва рок мусиқа таъсиридан маст йигит-қизлар бу ерга кўп келавериб кўзлари пишиб кетганми, ё суратдагига нисбатан ҳаётда бундан-да батарроқ ишқий лавҳаларни кўраверіб ҳирс оловлари ўчиб бўлганми, ҳар ҳолда суратларга бефарқ эдилар. Шуҳрат суратларга разм сола туриб, Суҳробнинг тикилганича кузатаётганини сезди-ю қишлоқдан шаҳарга келиб довдираб қолган содда одам ҳолига тушмаслик учун нигоҳини рақсга тушаётганлар томон олди.

– Ёқмадими? – деди Суҳроб, суратларга имлаб қўйиб.

– «Интернет»га кирмаганлар учун қизиқдир, – деди Шуҳрат ҳафсаласизлик билан.

– Тўғри айтасан, бунақа расмларни боғчага чизиш керак.

Суҳроб атрофга зийраклик билан назар ташлади-да, сўнг «ҳозир келаман», деб нари кетди. Кўп ўтмай ғоят тор ва ғоят калта юбка кийиб киндигини очиб олган икки қизни бошлаб қайтди.

– Танишинглар, менинг жонажон оғайним Сандро! «Кишмиш» фирмасининг хўжайини! – деб таништиргач, завқланиб кулди.

– Зулька, ўзбекчасига Зулфира, – қизларнинг бири шундай деб нозланганича кўришиш учун эмас, ўптириш учун қўлини узатди. Шуҳрат узатилган қўлни ушлаб ўзига тортди-да, қизнинг лабидан оҳиста ўпди. Унинг бу қилиғидан қувониб кетган Суҳроб елкасига уриб қўйди.

– Қойилман! Зулька сеники!

Иккинчи қиз ҳам қўлини узатиб ўзини «Диля» деб таништирди-да, «Сандро? Ўзбекчасига нима бўлади? Санжарми?» деб сўради. Шуҳрат гапга оғиз жуфтламай туриб Суҳробнинг ўзи жавоб қайтарди:

– Немисчасига ҳам ўзбекчасига ҳам Сандро!

– Сандро, кўзимга пр-риятно иссиқ кўриняпсиз. Олдинги вторникда «Леопард» ресторанига қора «Лассетти»да келмаганмидингиз?

– Сандро «Лассетти»да юрадиган лохлардан эмас, мошинаси оқ «Мерс», билиб қўй! – Суҳроб баландпарвоз оҳангда шундай деб «бопладимми?» дегандай Шуҳратга қараб кўз қисиб қўйди. Кейин иккала қизни елкасидан қучиб, ўзига тортди: – Дискотека ва қизлар – эркак кўнглини ҳушлар! Нима қилдик, олдин бир шўнғиб чиқамизми?

Суҳробнинг рақсга таклиф қилиши қизларга ёқинқирамаганини сезган Шуҳрат гапни илиб кетди:

– Диско, нарко ва қизлар йигит кўнглини ҳушлар, – деб қизларга кўз қисди.

– Ў, мана бу жентльменнинг гапи бўлди! – Диля шундай деб Шуҳратнинг ёноғидан ўпиб қўйди.

Бу таклиф Суҳробнинг кўнглига мойдек ёққан бўлсада, ўзича нозланди:

– Наркота билан бошимни қотирмаларинг, яхшиси элликта-элликта виски ичайлик.

– Вискини бизга нянкаларимиз эрталаб яслида завтракка беришган, так что, ичиб олганмиз, – деди Зулька қошларини чимириб.

– Нима, наша чекмоқчимисан? – деди Суҳроб жеркиб.

– Причем тут наша? – деб дугонасини ҳимоя қилди Диля. – Как всегда порошок. Нима, духинг етмайдими?

– Мен сенга духни кўрсатиб қўяман! – Суҳроб уни билагидан сиқиб силтаб қўйди-да, Шуҳратга қараб «юр, четроққа чиқайлик», деган маънода имлади. Ҳолироқ жойга ўтишгач, атрофга олазарак қараб олди: – Айб ўзингда, ўлган илоннинг бошини қўзғаб қўйдинг. Энди топиб бермасам, булардан қуруқ қоласан. Пулинг етадими, суриштириб кўрайми?

– Шу ерда топиладими? – деб сўради Шуҳрат, ўзини гўлликка солиб.

– Пул бўлса, гўр ҳам топилади.

– Қанчага тушади?

Суҳроб тўрт кишига мўлжалланган кукуннинг нархини айтгач, Шуҳрат ўйланиб, ўзича чамалаб кўрди-да ёнидан пул чиқарди:

– Уч кишига олавер, мен ҳидламайман. Бўлса, менга наша топганинг яхши.

– Топишга топарман-у, лекин бу ерда чектиришмайди. Тутундан ишкал чиқади, порошок бехитроқ.

– Сен бир тортишга етадиган бўлса ҳам топавер, мен кўчага чиқиб чекиб келаман.

– Хўп, суриштириб кўраман. Энди бориб тур олдиларига, яна учириб юборма. Мени кўришинг билан ҳожатхонага олиб тушаверасан, ўзлари билишади.

Шуҳрат қизларнинг ёнига шодон кайфиятда қайтди.

– Ну как? Топарканми? – деб сўради Диля.

– Топилмайдиган нарса бор эканми? Зулька, сени қаердадир кўргандай бўляпман. Иқтисодиёт университетини битирмаганмисан?

– Фу! – Зулька шундай деб нозланиб кулди. – Мен шунақа қарига ўхшайманми?

– Биз бу йил лицейга кирамиз, – деб пичинг қилди Диля.

Лицей ёшидан ўтиб қолган бу қизларнинг кўриниши, қилиқлари ёқмаётган бўлса ҳам Шуҳрат ўзини бахтиёр

йигит каби кўрсатишга мажбур эди. Суҳроб кўп куттирмади, беш дақиқага қолмай эшик томонда кўриниб, имлади. Ертўладаги ҳожатхонага тушишгач, қизларга шаффоф халтачадаги кукунни бериб, Шуҳратни эркаклар бўлмасига бошлади-да, қулоғига қистирилган папиросни олиб унга узатди:

– Пивохона томонга ўтсанг, бехитроқ жой бор, – деб тайинлади-да, яна огоҳлантириб қўйишни ҳам унутмади: – Чекиб олганингдан кейин товуқларга ментлигингни билдириб қўйма.

– Ментлардан қўрқишадими?

– Ментнинг ўзидан қўрқмайди. Мент нафсини қондириб бўлганидан кейин ҳақини насия қилиб қочворади. Сен унақа хилиданмассан, лекин барибир билдирма.

Шуҳрат тайин этилган томонга ўтиб, қоронғуликни эмас, ёруғлик тушиб турган жойни танлади. Назарида Суҳроб изидан кузатиб тургандай бўлиб, аланглаб олди. Унинг сезгиси бир озгина адашган эди. Уни Суҳроб эмас, дискотеканинг иккинчи қаватидаги дераза ёнида турган Ражаб кузатаётганди. Пивохона томонга ўтиб тутатишни ҳам Суҳробга Ражаб тайинлаганди. Суҳробнинг «Илгари наша тортиб, академиядан бир марта ҳайдалган, энди игнага ўтқазиш осон бўлади», деган гапига у ишонқирамаганди. Ўзича «агар айтилган гапга кириб қоронғида чекса, демак, тажрибаси йўқ экан. Қоронғида чекаётган одамдан дарров шубҳаланилади. Ёруғда чекса бировнинг эътиборини тортмайди», деб ўйлаб, уни шу зайлда синамоқчи эди. Папирос тамакисига меъёридан кам наша аралаштириб, гап орасида «зўр эканми?» деб сўраб кўришни ҳам тайинлаганди.

Айни чоғда синовдан ўтаётганини тахмин қилаётган Шуҳрат Суҳробнинг осонлик билан кукун ва наша топиб келгани сабабини билолмай ҳайрон эди.

Дискотекага қайтганида Суҳроб қизларни буфет ёнида гапга солиб турарди. Даврага қўшилиши билан гап «Эммануэл» фильми устида бораётганини билди. Суҳроб оғиз кўпиртириб таассуротларини сўзлар, қизлар эса бефарқ

тинглашарди. Қорадори кукунини ҳидлаб, нафслари ором олгач, кўнгилларини шайтоний ҳис чулғаб, энди шўхшодон ўйнаб-кулишни исташаётган эди.

– Сандро, Зулька Эммануэлга ўхшайдими ё йўқми? – деди Суҳроб унинг елкасига қўл ташлаб.

Шуҳрат қизни энди кўраётгандай бошдан оёқ разм солди-да, ҳазил оҳангида:

– Кўзлари ўхшайди-ю киндиги ўхшамайди, – деди.

– Нега? – деб ажабланди Диля дугонасининг киндигига ажабланиб қараб.

– Эммануэлнинг киндиги французчасига кесилган, – деди Шуҳрат муғомбирлик билан.

– У қанақа бўлади? – деб баттар ажабланди Диля.

– Французчаси думга ўхшаб чиқиб туради, – деб гапга қўшилган Суҳроб ўз ҳазилидан ўзи ҳузурланиб мириқиб кулди.

– Танса тушмаймизми? – деди бу ҳазилдан энсаси қотган Зулька.

– Вақтида айтилган энг тўғри таклиф шу бўлди, – деди Шуҳрат. – Суюқ дориларнинг қоғозига «ичишдан олдин чайқатиб олинг», деб ёзилади. Қизларни «ичишдан» олдин тансада чайқатиб олиш шарт.

– «Ичишдан» олдин сотиб олиш керак, – деб фикрга аниқлик киритди Зулька.

– Сотиб олишдан олдин дўхтирдан рецепт ёздириб олиш керак, – Шуҳрат шундай деб қизни эркалагандай бўлиб, елкасидан қучди-да ўзи томон тортди.

Зулька аввал майлини унга берди-ю, кейин димоғига наша ҳиди урилиб, ўзини тортди.

– Фф-у! Анашами? Терпеть не могу! Деревеншиной пахнет. Бизарни қишлоқдаги чуваклар ўтирарди ҳамма ёқни ванят этиб. Сандро, сен ахир культурнийсан-ку?

– Бу ҳали наша эмас, – деди Шуҳрат Суҳробга қараб бош чайқаб. – Ҳали нима дединг? Вискини яслидаги нонуштада ичганмиз девдингми? Менам бунақа нашани боғчада чекардим. Сухарик, ошнанг аферист экан, бунақа маза учун бир сўм ҳам бермаслик керак.

Балиқ овига чиққан одам қармоқни таваккалига ташлайди. Кўлнинг ёки дарёнинг айни шу ерида балиқ борлигини тахмин қилади. Ови юришмаса, афсус билан қайтаверади. Шуҳрат ҳозирги гапини айтганида қармоқни ишончсиз тахмин билан ташлаган эди. Омади юришиб, балиқ хўракка осонгина алдана қолди. Ёшлар қизларнинг даврасида ўзларини мард ва танти қилиб кўрсатиш учун мақтанишни ёқтирадилар. Қармоғига итбалиқ илинган балиқчининг лаққа тутдим, деб керилиши табиий ҳол бўлганидек, спирт ичиб, ичаклари куйиб кетса ҳам «шу ҳам спиртми, ароқдан ҳам баттар-ку!» деб катта кетувчилар оз эмас. Ана шундай мақтанчоқлар йўлидан фойдаланган Шуҳратнинг ҳозирги гапи ашаддий нашавандларникидан фарқ қилмагани учун ҳам Суҳроб таажжубини яшира олмай «Қўявер, ҳали мен унинг терисини шилиб оламан», деб қўйди.

Ярим соатча рақс тушишгач, Суҳроб «Эркин ҳаёт қўйнига шўнғиш»ни таклиф этди. Дискотекада эканида Шуҳрат енгил кайфият чодирига бурканаверди. Бу ерга хизмат юзасидан келганини унутмаган бўлса-да, шу қизлар, шу йигитлар каби ўйнаб-кулишни хоҳлайверди. Ташқарига чиқишгач, бу кайфият уни тарк этганда «нашанинг тутини менга таъсир қилдими? Ташқарига пуфланган тутун шунча таъсир қилса, ичга тортиб чекилса одамни қандай аҳволга соларкан?» деб ўйлади.

Қизлар шаҳар чеккасида яшайдиган танишлари уйида тонгга қадар айшу ишрат қуриш мумкинлигини айтишгач, Суҳроб машина тўхтатмоқчи бўлди.

– Сандронинг оқ «мерс»и қани? – деди Диля ажабланиб.

Шуҳрат савол назари билан Суҳробга қаради, у эса ўйлаб ҳам ўтирмай жавоб қайтарди:

– Оқ «мерс»ни кеча бир ҳариф пачоқ қилган, икки кундан кейин тузалади.

Кира қилинган машинанинг орқа ўриндиғида, икки қиз ўртасида ўтирган Шуҳрат бошини Зульканинг елкасига қўйиб аста шивирлади:

– Зулька, сен менга ростданам ёқиб қолдинг. Иккаламиз алоҳида маишат қилишимиз керак, буларни аралаштирма, нима дейсан?

Зулька «маъқул» деган маънода бош ирғаб қўйгач, Шуҳрат давом этди:

– Сухаригинг бугун қуп-қуруқ, чўнтагида ҳемири ҳам йўқ. Насияга ҳам кўнаверасанларми? Текинга мушук офтобга чиқмайди. Демак, кўнмайсан, тўғри қиласан. Мен ҳам қарз бўлиб юришни хоҳламайман. Шунинг учун борган жойимизда бехитгина қилиб қочворсанг ҳам жаҳлим чиқмайди. Эртага бир ўзинг кечқурун тўққизда «Леопард»га келасан. Тушундингми?

Зулька яна бош ирғагач, Шуҳрат ғижимлаб ўтирган пулни унинг кафтига тутди.

Манзилга етиб келишгач, Зулька йигитларга қараб «Сизлар кутинглар, жой тайёр бўлгач, чақирамиз», деб Диляни бошлаганича тўққиз қаватли уйнинг ўрта йўлагига кириб кетди.

– Кайфиятларини чамандай очиб юбординг, порошокнинг додахўжасидан берувдингми? – деб сўради Шуҳрат.

– Додахўжасимас, доим тортиб юрадигани. Дискотеканинг шунақа оҳанжамаси бор. У ерга кирган одамнинг баҳри дили яйраб кетаверади.

Суҳробнинг бу гапидан кейин Шуҳрат ўзидаги ўзгаришнинг сабабини аниқлагандай бўлиб, кўнгли равшанлашди.

Қизлардан дарак бўлавермагач, Суҳроб асабийлаша бошлади.

– Қанжиқлар мени лақиллатишмоқчими?! Ҳозир топиб чиқаман! – деб йўлак томон юрганда Шуҳрат билагидан ушлаб уни тўхтатди:

– Ярим кечада қайси уйдан топасан?

– Ҳамма уйни бир-бир титиб чиқсам ҳам топаман! – Суҳроб шундай деб катта кетиб қўйиб, Шуҳратга қаради: – Менга қара, юр, сен милисасан, уйларга кириб текширишга ҳаққинг бор.

– Шу ачиган туршаклар олдида паст кетасанми?! Қидиришмас, чақириб қўйишингга ҳам арзимайди.

Шуҳрат шундай деб уни қўлтиқлади-да, кўча томон юрди. Кўча кимсасиз эди. Анча йўлни пиёда босиб ҳолдан тойишганда орқа томонда арава ғилдирагининг ғижирлашини эшитиб тўхташди. Молбозорга эртароқ бориш учун барвақт йўлга чиққан аравакашнинг марҳамати билан катта кўчага етиб олдилар.

Эрталаб ишга кечикиброқ келган Шуҳрат бошлиғига батафсил маълумот бермади. Менглиев бошқармага шошиб тургани сабабли уни саволга тутмади. Қисқа фурсатли учрашувдан сўнг Шуҳрат кеча мўлжаллаб қўйган учрашувига йўл олди.

Аслида бу жувон билин учрашиши, уни ўтмиш хотираларига қайтариб, ярасини янгилаши шарт эмасди. Чунки йиллар аввал Моҳина кампирникига набира келин бўлиб тушган бу жувон қайнона бувисининг сандиғидан пул ўғирланганини ҳатто эшитмаган ҳам эди. Унга бир-икки савол бериб, олинадиган жавоблар орқали гумонини ҳақиқатга айлантириш ниятидаги Шуҳрат мактаб директорига учрашганидаёқ адашганини ҳис қилди. Милициядан келган йигитнинг физика муаллимасидан сўрайдиган гапи борлигини эшитган директор ҳали саволлар нимадан иборат эканини билмасданоқ дарров шубҳа чодирига ўралиб олди. Шубҳасини ойдинлаштириш мақсадида кўпчиликка хос йўлни тутиб, кўпчилик берадиган саволни берди:

– Нима гап, тинчликми?

Шуҳрат ҳам бунақа ҳолатда кўп қўлланиладиган сўз билан жавоб қайтарди:

– Тинчлик.

Директорни бу жавоб қаноатлантирмади. Шуҳрат эса унга мақсадни очиқ баён этишни истамади. Лекин жувонни директор томонидан ташланган шубҳа тўрига ўралиб қолишини ҳам хоҳламади.

Бу мактаб директори кўпгина ҳамкасблари қатори қўл остидаги муаллимларининг ўзига фақат тобе эмас, муте

бўлишларини талаб қиларди. Бу мактабдаги муаллимлар ҳарбийдаги итоаткор аскарлар каби директор чизиб қўйган чизиқдан чиқмасликлари шарт эди. Кибернетика институтида илм билан шуғулланиб юрган Нилуфар ўзи ўқиган мактабга физика муаллимаси бўлиб қайтиб келгач, бу чизиқдан юришни истамади. Қирқ йиллик умри мактабда ўтган директор чизган чизиқдан ёш муаллиманинг юрмаслиги табиий бўлса-да, жамоада бу ҳол фожиа каби қабул қилинарди. «Педсовет» деб аталмиш муаллимлар кенгаши Нилуфар келгунига қадар бир хилда бошланиб, бир хилда якунлангувчи эди. Асосий нотиқ ҳам, қарор қабул қилгувчи ҳам директорнинг ўзи бўлгач, бу йиғинни «кенгаш» деб номлашнинг ўзиёқ кулгили эди. Нилуфар келди-ю гўё кўлмакни чайқатиб юборди. Йиғинда директор бўёқ учун болалардан пул тўплашни буюрганда Нилуфар ота-оналар ҳузурида исподга қолишга тоқати йўқлигини айтиб, бу ишдан бош тортди. Ўша йиғинда бу буйруқдан норозилар оз эмасди, лекин барчалари дардларини ичларига ютдилар, ҳеч ким ёш муаллиманинг ёнини олмади. Чунки директорнинг қаҳрига учрашдан кўра ота-оналарнинг норози боқишларига чидаш осонроқ эди. Гарчи Нилуфар ёлғиз бўлса-да, директор эртами ё индинми унинг сафига бошқаларнинг қўшилишидан чўчиб қолди. Муаллимани ишдан ҳайдагиси келди-ю, лекин баҳона-сабаб тополмай қийналди. Кеча туман халқ таълими бўлимининг мудири синфларга бир-бир кириб чиқди. Физика хонасига кирганида ашёлар орасида эски физика дарслигига кўзи тушиб қолиб, кўзлари ола-кула бўлди-ю «Нима учун эски дарслик бу ерда турибди, ҳали ҳам эски дарсликлардан фойдаланяпсанларми?!» деб кексса муаллимга дағдаға қила кетди. Физика хонасига шу муаллим масъул бўлгани учун ҳамма бало дўли унинг бошига ёғилди. «Пенсияга чиққан бўлса, уйида ўтирсин!» Мудирнинг бу ҳукмини директор ўша ондаёқ амалга оширишга тайёр эди. Гарчи бу машмашада Нилуфарга ҳатто дашном ҳам берилмаган бўлса ҳам у чидаб туролмади, бир пайтлар ўзига дарс берган муаллимнинг ёнини олди.

«Эски дарслик турган бўлса, бунинг нимаси жиноят? Эски дарсликда ҳам янгисида ҳам Ньютон қонуни бир хилку?» деди. Мудир бу маҳмадона жувонга ўқрайиб қаради-ю «сен билан пачакилашиб ўтирмайман», дегандай юзини бурди. Мудирнинг ўрнига директор ҳужумга ўтди. Нилуфар бўш келмай «Сиз янги дарслик бўйича ишлашга мажбурсиз. Чунки эски дарслигингизда қўшма гапга Горькийдан мисол келтирардингиз. Худди Горький ўзбек тилида ёзгану худди Абдулла Қодирий асарларида қўшма гапга мисол йўқдай эди», дегач директор портлаб кетаёзди. Мудир «ички масалларни ўзингиз кейин ҳал қиласиз», демаганида директорнинг портлаши тайин эди. Фақат портлаш натижаси қандай бўлиши мавҳум эди.

Кечаги портлашолди ҳолатидан ҳали қутула олмаган директорга милиция ходимининг келиши нажот кемаси каби кўринди. Агар милиция Нилуфарни бирон жиноятга алоқадор деган гумонда сўроқ қилмоқчи бўлса ҳам ишдан бўшатиб юборишга сабаб топилади, деб қувонди. Шуҳрат мактабдаги воқеалардан, хусусан, директорнинг кўнглидан ўтган фикрдан бехабар бўлса-да, «нима гап, тинчликми?» деган саволидаги оҳангдан «тинчлик эмас, муаллимангиз қамалиши керак», деган жавобдан умидвор эканини сезди.

– Қайноталари Америкада ишлаётган эканлар, илмий ишларига доир бир-икки нарсани сўраб, аниқлаб олмоқчиман, – дегач, директор «ростдан-а?» дегандай унга тикилиб қолди.

– Давлат аҳамиятига эга сирни олиб чиқиб кетибдими?

Оилавий масала майдалашиб, миш-мишга айланмасин, деган мақсадда гапни чалғитмоқчи бўлган Шуҳрат директорнинг бу саволидан сўнг «сиёсатга буриб юборди-ку?» деб бир оз гангиди. Айтилган сўз айтилган, камон ўқи сингари директор истаган мўлжал сари учиб борарди. Шуҳрат директор кўнглидаги нишон нимадан эканини тасаввур қилмасди, шунга қарамай айтиб юборган гапининг нотўғри акс-садо беришини ҳам хоҳламасди. Шу

боис «ўқ»ни бошқа томонга буриб юбориш учун ўзини кулимсирашга мажбур қилди-да:

– Давлат аҳамиятига доир махфий иш билан шуғулланган одам четга осонлик билан чиқарканми, ўйлаб гапиряпсизми? – деди.

Бу дашном директорга малол келиб, пешанасини тириштирди:

– Нилуфар ҳозир дарсда, сиз милиса экансиз-ку, худоси келиб қолса ҳам дарсни бузишга йўл қўйиш мумкинмас.

Директорнинг қўрс муомаласидан Шуҳрат ранжимади, аксинча уни қўллаган бўлди:

– Тўғри қиласиз, сўрайдиган гапим дарсни бузишга арзимайди ҳам, мен ташқарида кутиб тура қоламан.

Танаффус пайтида Нилуфар мактаб ҳовлисига чиқиб, баскетбол тўсинига суянганича болаларнинг ўйинини томоша қилаётган Шуҳратга яқинлашди. Милициянинг ташрифидан норозилигини яширмай қуруқ оҳангда:

– Менда гапингиз бормиди? – деб сўради.

– Ҳа, вақтингиз бемалол бўлса, собиқ эрингиз... Суҳроб ҳақида гаплашиб олсак...

– Собиқ эрим... – Нилуфар қошларини чимирди. – Собиқ эрим ҳақида гаплашадиган гапим йўқ. Собиқ қайнотам ҳақида гаплашмоқчи экансиз-ку?

– Директорингизга атай шунақа девдим. Аслида...

– Гапингиз зарурми?

– Зарур бўлмаганда сизни безовта қилмасдим.

– Яна бир соат дарсим бор. Хоҳласангиз кутинг. Фақат бу ерда эмас, эски кинохонанинг ёнида туринг.

Нилуфар шундай деб жавоб кутмасданоқ қайрилиб кетди.

Шуҳрат бир кўришдаёқ унга маҳлиё бўлди. Оқ юзли, қошлари қалин, чарос кўзлари узун киприклар билан иҳоталанган сарвқомат бу жувоннинг ҳусни ҳар қандай йигит ҳушини олар даражада бўлгач, Шуҳратнинг юраги «жиз» этмасинми?! Агар эр кўрган жувон бўлмаганида Шуҳрат унга совчи қўйишни ўйлаб қолиши ҳам мум-

кин эди. Ҳозир унинг изидан қарай туриб Суҳробнинг нодонлигидан аччиқланди. Шундай жувон билан ажрашиб, кўчадаги шилталар билан нафсини қондириб юрувчини нодон деб атамоқ камлик қилар, ҳатто аҳмоқ демоқлик ҳам етарли эмасдир. Бу бузуқликнинг нақадар улуғ гуноҳ эканини, бу гуноҳнинг жазоси ҳам оғир кечажагини Шуҳратга биров тушунтирмаган. Тушунтирганда эди, Суҳробни нима деб аташни ўзи биларди. Ҳеч бир банда бузуқ бўлиб туғилмайди. Афсус шуки, бузуқ ҳолида ўлиши мумкин. Бу қисмат пешанасига ёзилган бўладими? Йўқ, банданинг тақдир ёзуғида поклик кўчаси ҳам бор. Бу кўчага юрмай, иблисга бандалик қилиб бузуқликни ихтиёр этибдими, демак, бузуқлик ҳолида ўлмоқликни ўзи истабди, ўзи танлабди. Эҳтимол, бу йўлни танлашида ҳидоят йўлида тарбия бермаган ота-оналарининг ҳам ҳиссалари бордир, валлоҳи аълам?!

Шуҳрат ҳозир бу ҳақда ўйламади. Шундай гўзалнинг бир аҳмоқ туфайли бахтсиз бўлиб қолишидан афсусланди холос.

Аввалари ҳамиша гавжум бўлувчи кинохонанинг атрофи энди файзсиз эди. Бир соатдан сўнг Нилуфар келди. «Милициянинг муҳим гапи бор экан» деган хавотирда шошилиб келмади. Одатдагидай шошилмасдан юриб келиб, яқинлашди. Бир жойда туриб гаплашиш ўтган-кетганнинг диққатини тортиши мумкин, боши очиқ аёлнинг, яна гўзал жувоннинг бир йигит билан гаплашиб туриши эса янги миш-мишлар дўлини ёғдириб юбориши тайин эди. Шу боис икковлари ҳам худди кўз қарашлари билан келишиб олгандай аста юра бошладилар. Шуҳрат мақсадини дарров ошкор эта олмади.

– Қайнотангиз билан бирга ишлаган экансиз? – деб сўради Шуҳрат.

– Ҳа, бир тажрибахонада лазер муаммолари билан шуғулланардик.

– Америкага кетишганларини эшитувдингизми?

– Эшитдим. Ҳайрон ҳам бўлдим.

– Нега?

– Америкада ишлайдиган даражадаги олимлардан эмасдилар.

– Балки илмни ташлаб бошқа иш қилаётгандирлар. Бир машҳур артистимиз дўконда фаррошлик қилаётган экан.

– Нима иш қилаётганларини эшитмадим. Ҳар ҳолда фаррошлик қилмасалар керак.

– Бунақа ишлардан ирганадиларми? Димоғдормидилар?

– Сиз мендан бошқа нарсани сўрамоқчийдингиз. Тезроқ сўранг, сиз билан узоқ юра олмайман.

– Сиз қайнотангизга ёқиб қолганингиз учун бу хонадонга келин бўлганмисиз?

– Энди бунинг аҳамияти йўқ. Бўлар иш бўлиб ўтган.

– Суҳроб билан нега ажрашиб кетдингиз?

– Агар менга совчи қўйганингизда шундай деб сўрашга ҳақли эдингиз. Шунда ҳам жавоб қайтармасликка ҳаққим бўларди. Милисага тегишли зарур саволингиз бўлса сўранг, шахсий ҳаётимга аралашманг.

Нилуфар жавоб қайтармасликка ҳаққи борлигини бежиз таъкидламади. Эрдан чиққанидан бери совчиларнинг ташрифидан безиб кетган жувон ажралиш сабаби албатта сўралишини билар, жавоб қайтаришни эса истамас эди. «Эрим такасалтанг эди» ёки «қайнона бувим молпараст, пулпараст эди», дейиш бошқаларга осон туюлиши мумкин, лекин бу гапларни айтиш Нилуфарни ўша кўнгилсиз кунларга қайтариб, ярасини тирнаб, туз сепгандай бўларди. Турмуш қуриши мумкин бўлган одамга-ки айтишни истамаган гапларни етти ёт бегона милиса йигитга айтсинми? Ҳасрат қилсинми?

Жувондан дашном эшитган Шуҳрат довдираб қолди, ҳатто пешанасидан тер чиқиб кетди. Назарида дарахт панасида капитан Менглиев беркиниб тургандай, унинг аҳволидан кулиб «тўрт йил ўқибсан-у уқмабсан, савол бериш илмини ўрганмабсан, укам!»деб танбеҳ бергандай бўлди.

– Суҳроб ҳеч ерда ишламас экан, тирикчиликларингиз қандай бўларди?

– Суҳробни нима учун суриштириб қолдингиз? Шу гапингизга қараб, кейин жавоб бераман. Агар «ишга тааллуқли сирни очишга ҳаққим йўқ», десангиз, хайрлашамиз.

– Сир йўқ. Моҳина опоқининг уйини ўғри урибди. Ўғрини қидиряпмиз.

– Суҳробнинг нима алоқаси бор? Ҳа... ундан гумонсираяпсизми?

– Жиноятчи топилмагунча шу хонадон атрофидагиларнинг ҳаммаси билан қизиқиб кўришга мажбурмиз.

– Балки аразлаб кетиб қолган келинлари ўғридир?

– Пичинг қилманг, илтимос. Гапимни диққат билан эшитинг, хоҳласангиз жавоб беринг, истамасангиз зўрламайман.

– Сўранг.

– Уйда емоқ-ичмоқдан ташқари йигит кишининг кўчадаги харажатлари бўлади. Суҳроб тўйдан кейин чилла тутиб ўтирмагандир. Кафе, дискотека, пиво, сигарет... ҳаммасига пул керак. Пулни қаердан оларди?

Нилуфар бу гапни эшитиб Шуҳратга ялт этиб қаради-да:

– Сиз буни қаердан биласиз? – деб сўради.

Шуҳрат Суҳроб билан синфдош бўлганини айтгиси келмай «Унинг қилиқларини ўрганишга тўғри келди», деб қўя қолди. Нилуфардан жавоб кутиб уч-тўрт қадам жим юрди. Кейин саволини қайтарди.

– Пулни қердан оларди?

Пулни қаердан оларди...

Онасидан оларди. Етмаганига бувисини эритишга ҳаракат қиларди. Бувисининг эриши осон эмасди, лекин шунга қарамай минғирлаб-минғирлаб, кўп бўлмаса-да, пул бериб турарди. Суҳроб ярим кечада уйга ширакайф қайтганда унинг оғзидан анқиётган қўланса ҳиддан Нилуфарнинг кўнгли айнирди. Алмойи-алжойи гапларидан энсаси қотарди. Олимнинг ўғли бу қадар бевош, бу қадар бузуқ бўлишини ҳаёлига ҳам келтирмай турмуш қуришга кўнгани учун ўзини ўзи лаънатлаб чиқарди. Қайнотасига эътиро-

зи йўқ, мўмин одам ҳар қандай келиннинг орзуси. Қайнонаси ҳам ёмон эмас. Лекин ўғлини бенуқсон инсон деб билиб, Нилуфарни гапиртиргани ҳам қўймасди. Келиннинг «Ойижон, ўғлингизга пул берманг, шунда кечалари санқиб юрмайдилар» деган нолалари унга таъсир қилмасди. Қайнона бувиси эса «эр каравотингга боғлаб қўйилган итми, кўчага чиқмай думини қисиб ётиши керакми?» деб вайсагач, Нилуфар ундан нажот кутмай қўйганди.

Милиса йигитга шуларни гапирсинми?

Онасига айтмаган, отасига айтмаган дардларни бу йигит олдида дастурхон қилиб ёйсинми?

Йўқ, айтмайди. Лекин нимадир дейиши керак...

– Пулингиз қолмаса, ўзингиз кимдан сўрайсиз? Ойингизданми? У ҳам шунақа эди. Қайнотамда ортиқча пул бўлмасди. Қайнонамга касалхонада унча-бунча тушиб турарди. Шуни ҳисобидан ўғилни эркалатардилар.

– Бувиси-чи?

– Бувисими? Қишда қор сўрасангиз бермайдиган хилиданлар. Бувидан пул олганини кўрмаганман.

– Эҳтимол, бувисининг беркитган пулларидан яширинча олиб тургандир?

– Буви пул топишга уста эдилар. Яширишга эса ундан ҳам уста эдилар. Бир куни қайнонамга пул зарур бўлиб қолиб, уйни тит-питини чиқариб қидирганлар. Бир тийин ҳам тополмаганлар.

– Ҳар ҳолда калаванинг учини тополмаяпман. Суҳроб ҳамиша боқиманда бўлиб яшаган. Тўйни ҳам ота-онаси қилиб берган. Кўчадаги юришлари... нашанинг ўзига фалон пул кетгандир?

Шуҳрат шундай деб жувонга тикилиб қаради. Наша ҳақидаги гапни эшитиб Нилуфар сескангандай бўлди. Бу ҳолатдан фойдаланган Шуҳрат саволни давом эттирди:

– Наша чекармиди ахир?

Нилуфар дарров жавоб бермади. Икки-уч қадам ташлагач, Шуҳратга қарамай «Билмайман, мен нашанинг нималигини билмайман», деди. Кейин яна савол берилишидан чўчиб, суҳбатни бас қилди:

– Бўлди, мен ўнгга кетишим керак, хайр.

Шуҳрат «яна саволларим бор», деб унинг йўлини тўсмади. Аксинча, миннатдорлик билдириб, илиқ хайрлашди. У жувондан керакли маълумотни олган эди. Нилуфар собиқ эрининг нашаванд эканини яширишга урингани билан кўзларининг саросима билан жавдираши ҳақиқатни ошкор қилиб қўйган эди. Шуҳратга ҳозир бу ҳақиқатнинг кераги йўқ, Суҳробнинг наша чекишини, қорадори кукунини ҳидлашини яхши биларди. Унинг учун иккки нарса қоронғу эди: биринчиси, нашавандликни уйланмасидан олдин бошлаганмиди ё кейинми? Иккинчиси, шунча йил наша чекиб юрган одам игнага ҳам ўтганми ё йўқми? Агар игнага ўтган бўлса, харажатлари ошади. Харажатлари ошгач, қарзга ботади. Қарзга ботгач, энг жирканч ишлардан ҳам қайтмай, ўзини бошқара олмай қолади. Бувисининг ўлимликка асраб қўйган пулини ўғирлаши ўша жирканч ишларнинг бошланишими?

Ишхонасига бориб, эндиги режаларини ўзича пишитди. Менглиев келиб қолса маслаҳатлашмоқчи бўлиб, уни анча кутди. Вақт асрдан ошса ҳамки бошлиғидан дарак бўлавермагач, таваккалига иш юритмоқ учун Суҳробнинг суюмли маскани пивохона томон йўл олди.

Адашмаган экан, навбатдаги шишани яримлатган Суҳроб стулга ястаниб ўтириб олганича ўтган-кетганларни томоша қиларди. Эрталаб уни бувиси уйғотиб, «жувонмарг бўлгурлар «пули тўланмаган», деб телпонни ўчириб қўйишибди, ойинг бояқиш бизларга телпон қилолмай эзилиб кетмасин, ҳозир бориб тўлаб кел, ўша ер ютгурларнинг ҳақини», деб ўн минг сўм ташлаб кетган эди. Чўнтаги тамом қуриган Суҳроб учун бу пул катта хазина бахтини беролмаган бўлса ҳам кечгача нафсини алдаб туриш учун етарди. Нафс ғалаён қилиб турган пайтда «онаси бояқиш»нинг телефон қилолмай эзилишини у тасаввурига ҳам сиғдиролмас эди. Бир шиша пивони бўшатгач, чўнтагини қоқиб олган Макс билан Ражабни бўралаб сўкди. Баралла овозда эмас, пичирлаб сўккани учун кўнгли роҳатланмади. У телефон ҳақи учун қолдирилган

пулни ишлатиб қўйиб, бувисидан хижолат бўлишни ўйламасди. «Телпон идорасига бораётиб автобусда пулни ўғирлатиб қўйганига» бувисини бир бало қилиб ишонтиришига амин эди. Бувисининг жаврай-жаврай яна пул беришини ҳам биларди. Унинг ташвиши ўн минг сўм пулнинг маишат бошланмай туриб дарров тугаб қолишида.

Шу ташвишда ўтирганида Шуҳратни кўрди-ю, валинеъматини учратгандай суюниб кетди. Шуҳрат ҳам бу учрашувдан мамнундай бўлиб, у билан кўришди.

– Хотининг ўғил туғдими, жа-а хурсандга ўхшайсан? – деди Суҳроб унинг елкасига қўл ташлаб.

– Ўғил туғиб берадиган қизга уйланадиганга ўхшаб турибман, – деди Шуҳрат унинг рўпарасига ўтириб.

– Тўғри қиласан, сен тез уйланишинг керак. Қизларни аврашни эплай олмас экансан. Кечаги қанжиқлар сенинг айбинг билан қўлдан чиқди. Чиқимига ўзинг куйдинг, менга барибир.

– Шуни ҳам чиқим деб юрибсанми?

– Ҳа, энди сенга ўхшаган бойваччаларнинг ёнидан ел ўтмайди. Лекин бугун мен уларнинг терисини шилиб оламан, сен жим турасан.

– Бугун шу ерга келади, деб ўйлаяпсанми? Энди улар шаҳардаги ҳамма дискотекаю ресторанларни бир-бир айланиб, менга ўхшаган лақмаларни сувга олиб бориб, суғормай чиққандан кейин бу ерга келади. Демак, орадан камида бир ой ўтади. Унгача ҳовурингдан тушиб қоласан.

– Лақмалигинг тўғри. Лекин хоҳласанг мен уларни шу бугун топиб келишим мумкин.

– Қўй, ўшаларингни. Сенга ёқадиган бошқа зўр гап бор.

– Зўр гапинг бўлса гапир, мазгимни қотириб нима қиласан?

– Бувингнинг пулларини ўғирлаган одам топилди.

Шуҳрат шундай деб Суҳробдаги ўзгаришни кузатиш учун унга тикилди. У кутгандай Суҳроб чўчиб ҳам тушмади, қизиқиши ошиб ҳаяжонланмади ҳам. Эътиборсиз, ҳатто ишончсиз тарзда:

– Зўр-ку! Ким экан? – деб қўйди.

Шуҳрат жавоб беришга шошилмай, унга тикилиб ўтираверди. Бу тикилишдан энсаси қотган Суҳроб кўзларини олиб қочиб:

– Лағмондай чўзма, айт айтадиганингни, – деди.

– Бувинг бечорани ўзинг қақшатгансан. Ўғри сенсан, – деди Шуҳрат муғомбирлик билан илжайиб.

Бу гапдан кейин ҳам Суҳроб чўчиб тушмади. Аксинча, Шуҳратга туҳматдан ғазабланган каби норози қиёфада тикилди. Ундан кўз узмаганича шишани кўтариб, пивони охиригача ичди-да, лабини кафти билан артди. Кейин масхара оҳангида гап бошлади:

– Одамни қўрқитманг милиса амаки. Шунақаям ҳазиллашасизми, юрагим шувиллаб кетди-я! Иштонимни бўктиришимга сал қолди! Ҳазил-ҳазил билан мен бечорани қамаб қўйманг тағин?

Шу пичинглари билан Шуҳратни масхаралмоқчи бўлди-ю, лекин унинг қарашига бардоши етмади.

– Кўзларингни олиб қочма, – деди Шуҳрат.

– Сенам менга бунақа тикилма. Мени ўғри деяпсанми? Аввал исбот қил!

– Исботим бор. Лекин мен сени қамоққа олмайман. Милиция идорасига ўзинг борасан. Айбингни бўйнингга оласан. Энг муҳими – аввал пулни жойига қўйиб, бувингдан кечирим сўрайсан.

– Жа-а катта кетвормадингми, ошна?

– Мен катта кетган бўлсам, сен жуда паст кетибсан. Сен оддий ўғри эмассан. Бувисининг ўлимликка асраганини ўғирлаган пасткаш одамсан.

– Сен менга валдир-вулдир қилма, бунақа олифта гапларингни милиса ошналарингга бориб гапир. «Ўлимлик-ўлимлик» деб бошимни қотираверасанми?!

– Бошингни қотираётганим йўқ. Бувингнинг гапларини айтяпман.

– Бабкам қолоқ кампир, тилига келганини қайтармай валдирайверади.Ўлимлигига пулнинг нима кераги бор? Гўрковга пулни ўзи бермайди-ку? Ўлса биз кўмамиз, ха-

ражатини ҳам ўзимиз тўлаймиз. Сен эса менга жириллама! Тирноқ орасидан кир қидиришингнинг фойдаси йўқ. Бу кичкинагина, арзимаган жиноят. Сенларнинг тилларинг билан айтилганда «майда ўғирлик» дейилади.

– Бувинг даъво қилаётган пулнинг миқдори «майда ўғирлик» доирасига сиғмайди.

– Бабкам озгина мошенница, атай ошириб айтган. Сандиқдаги пул бир миллионга ҳам етмасди.

– Сен қаердан биласан?

Суҳроб гапидан илинганини сезиб, довдиради. Шуҳрат ундан жавоб кутди. Суҳроб одамзодга керакли аллақанча фазилатлардан бебаҳра бўлгани билан ёлғончилик иллатидан бенасиб эмасди. Таъбир жоиз бўлса, бувиси ёлғончилик булоғидан тўйиб-тўйиб сув ичишни ўргатган эди. Шундай экан, кечагина иш бошлаган тажрибасиз милиционер олдида гапини йўқотиб ўтирармиди? Қўрққан олдин мушт кўтарар, деганларидай у эски усулни қўллаб, дағдаға оҳангига кўчди:

– Ойим Америкага кетаётганида бабкам «ўлимликка тўрт юз минг сўм асраб қўйганман», деганди. Бўлдими? Гапимга ишондингми?

– Ишондим. Мебеллар-чи? Нега сотдинг?

– Мебел меники, хоҳласам ўтираман, хоҳласам сотаман. Мен шу уйнинг меросхўриман. Ҳамма нарса меники! Одам ўзининг мулкини сотса ҳам қамайверасанми? Қонунларингда шунақа ёзилганми?

– Китобдаги қонунда бунақа ёзилмаган, лекин...

Шуҳрат «виждон қонуни ҳам бор-ку?» демоқчи эди, бу гапи шамолга қарши қичқириш каби зое кетишини билиб, тилини тийди. Суҳроб эса унинг дилида қолган гапни тушуниб етгандай, афтини бужмайтирди:

– Сен менга тир-пир қилиб, бунақа сафсата сотма. Бошқа гапинг бўлмаса, боравер, ойинг хавотир олмасин.

Суҳроб шундай деб қопқоғи очилган пивога қўл узатган эди, Шуҳрат чаққонлик қилди, шишани олиб, иккиуч қултум ичди. Суҳроб унга «пиво ичмас эдинг-ку?»

дегандай савол назари билан қаради. Шуҳрат муғомбирлик билан илжайиб қўйди.

– Ойим хавотир олмайдилар. Бугун дискотекада мажлисим бор, Суҳроб деган танти ошнам бор, тонггача меҳмон қилади, деганман.

Ҳозиргина дағдаға қилаётган милисанинг бу оҳангга кўчиши Суҳробни гангитиб қўйди. Қайси гапи ҳақиқат-у қайсиниси майнавозчилик эканини билолмай қолди. Шуҳрат эса хотиржам равишда яна икки қултум пиво ичди.

– Сендан қарзим борми, нега меҳмон қиларканман? – деб тўнғиллади Суҳроб.

– Мебелнинг пулига шерикман, – деди Шуҳрат, – кеча ошнанг алдаган эди, бугунги хуморбосди сенинг ҳисобингдан.

– Валдирама!

Шуҳрат ўзини мажбур қилиб кулди.

– Чумчуқюрак бўлиб қолибсан-ку, ошнам, – деди у кула-кула. – Шу гапимга ишондингми? Мен ошнасини қамоққа рўпара қиладиган пасткашга ўхшайманми?

– Ишонганим йўқ, гапингга яраша жавоб қилдим, – деди Суҳроб ўзини оқлаб.

– Мен сени қаматмайман, лекин «ҳисобли дўст айрилмас», деган гап бор. Қамоқдан олиб қолганим учун бир ярим йил мени текини билан таъминлаб турасан.

– Нима? Нима дединг?

– Ошначилик ҳурмати бор бўлгани учун бир ярим йил, дедим. Қамалсанг, камида уч йилга кетасан. Уч йилдан олиб қолганим учун уч йил боқишинг керак эди, бир ярим йили сенга сийлов.

Шуҳратнинг шундай деб безбетларча тикилишидан ғазабланган Суҳроб уни бўш шиша билан уриб юборишига сал қолди. Шуҳрат яна кула бошламаганида уриб қолиши тайин эди.

– Ўзингни бос, – деди Шуҳрат бирдан жиддийлашиб. – Агар ошначиликни бузишни хоҳламасанг мен ҳақимда бунақа ёмон хаёлга борма. Каллангни ишлатиб кўр: сени ўғирликда айблаганим билан исбот қила олмайман. Далил

йўқ, гувоҳ йўқ. Мен сенга аввал ҳам айтдим: умуман, ҳеч қандай ўғирлик йўқ. Бувингнинг ё эси айниб қолган, ё «Пулимни ўғирлатдим», деб давлатдан ундириб олмоқчи. Эрта-индин амнистия эълон қилинса, бу «Иш» умуман ёпилади. Мени бир ярим йил эмас, бир ярим кун ҳам боқолмаслигингни биламан. Сен бечорага ўлигини ташлаб оладиган хароб одамга ўхшайманми? Менга пулинг керак эмас. Менга ҳалол улфат керак. Пул ҳамма ёқда тиқилиб ётибди. Кўнгилга ёқадиган улфатни топиш қийин.

Шуҳрат «улфат»ининг чақнай бошлаган кўзларига қараб гаплари мойдек ёққанини англади-ю ўзининг ишидан ўзи мамнун бўлиб жилмайди. Дискотекада кечқурун кўришажагини маълум қилиб хайрлашди.

Идорасига қайтиб Менглиевга салом бериши билан капитан алик ола туриб «ичганмисан?» деб сўради.

– Олғиртойнинг ишончини тўла оқлаш учун озгина пиво ичишимга тўғри келди. Кейин озгина фарс ҳам ишлатдим.

Шуҳрат шундай деб ўзи ўйлаб топган, «фарс» деб аталмиш қалтис ҳазил баёнини айтиб, бошлиғидан бу «кичик саҳна асари» учун мақтов кутди.

Менглиев мақташга шошилмади. Лейтенантга тикилганича жим қолди. Сўнг:

– «Фарс» шунақа бўладими? «Ҳазилнинг таги зил» бўлишини ҳисобга олмадингми? – деб сўради.

– Суҳроб эшитган гапларини мулоҳаза қилиб кейин хулоса чиқарадиган хилиданмас. У менга ишонди. Энди ўртоқларини ҳам ишонтиради. Мен уларнинг орасига кириб оламан.

– Сен қайси бўлимда хизмат қиласан? Қайси «Иш»ни тергов қиляпсан, адашиб кетмадингми? Гиёҳвандлик билан шуғулланадиган бўлим бор, ўзининг мутахассислари бор.

– Буни биламан. Лекин бир жиноят иккинчи жиноятни фош қилишга хизмат қилса-чи? Юз ўгириб кетаверамизми? Биринчи жиноятнинг илдизи иккинчи жиноятга тақалса-чи?

– Хўп, тақалди ҳам дейлик, нима қилмоқчисан?

– Дискотека билан жиддийроқ шуғулланиш керак.

– Олдин ўғирликни бир ёқлик қилиб ол-чи? Бугун эрталаб кампир шаҳар бошқармасига шикоят қилиб борибди. Кечаги гапинг тўғри чиқди, кампирга пули қайтариб берилса бас, ўғрини топиш-топмаслигимиз билан иши йўқ. Топмасак, қайтага қувонади, «икки миллион ўғирлатдим, пулимни топиб берасанлар» деб даъво қилиб юраверади.

– Ўғри ўзининг невараси. Бунга шубҳам йўқ. Унинг маишатига сандиқ тўла пул ҳам камлик қилади. Гиёҳвандларга даллоллик қилиб тирикчилигини аранг ўтказиб юрибди. Дискотека кўп сирларни ошкор қилиши мумкин.

– Гумонларингни айт-чи?

– Аввало дискотеканинг асосий иши кечаси бошланади. Ҳокимнинг қарорига кўра, бунақа жойлар соат ўн бирда ишини тугатиши керак. Булар эса асосий маишатни ўн бирдан кейин бошлашади. Бу жойларни текшириб турувчи профилактика нозирларини ҳам бир элакдан ўтказиш керакмикан? Ҳар ҳолда дискотека ёнидан ўтишаётганда кўзларини бекордан бекорга юмиб олишмаса керак?

– Сен бу томонга шўнғима, бўладиган гапни айт.

– Дискотекага кирган одам бир оздан кейин ўзгаряпти. Ғалати ҳолга тушяпти. Мен ҳам ўзимни бошқача ҳис қилдим.

– Нега ажабланасан? Музиканинг шовқини гангитиб қўяди. Рок-музика ҳам ўзига хос наркотик ҳисобланади.

– Мен бошқача хулосага келдим. Дискотекага қорадори кукуни сочилса керак.

– Қандай қилиб?

– Ҳаво совуткичлар пуфлаб бериши мумкин. Бу ерга келадиганлар ана шу енгил кайфга ўрганишганга ўхшайди. Бунақаларни қорадорига ўргатиш осонроқ бўлади.

– Таклифинг?

– Дискотекадаги ҳаво таркибини текшириш керак. Ундаги доимий мижозлар кузатилса, сотувчиларнинг изи-

га тушиш мумкин. Олғиртой билан Ражабнинг муносабатлари алоҳида кузатилиши керак. Суҳроб менга қармоқ ташлади. Ўзимни лақмаликка солиб илинмоқчиман. Улар фош этилса, ўғирлик ҳам ойдинлашади.

– Хўп, сен ўзингни лақмаликка солавер. Лекин аслида-чи? Улар сендан аҳмоқроқми?

Шуҳрат бошлиғининг мақсадини англамай елка қисдида, мужмаллик билан жавоб қайтарди:

– Шунақа бўлса керак...

– Агар ўзингни улардан ақллироқ деб ҳисобласанг, ўйинга аралашмаганинг маъқул. Ақллиларнинг аҳмоқлар қўлидан ўлим топишига тарих кўп гувоҳ бўлган. Сен ўлишга шошилма.

– Жуда-а ваҳима қилиб юбордингиз-ку? – деди Шуҳрат жилмайишга ҳаракат қилиб.

– Ваҳима эмас. Олғиртойинг билан Ражаб Самиев итбалиқ бўлиши мумкин. Лекин уларнинг ортида наҳанг тишини қайраб турибди. Бу сенга боғчадаги «уруш-уруш» ўйини эмас. Улар учун инсон жонининг бир сўмлик ҳам қадри йўқ. Шу гапларимни ўйлаб кўр. Қандай ўйинга аралашмоқчи бўлаётганингни аввал ўзинг тушуниб ол. Ана ундан кейин таклифларингни қоғозга тушириб, бошлиққа билдирги ёз, мен маслаҳатлашиб кўраман.

Менглиев Шуҳратнинг гапларини эътиборсиз тинглагандай кўринган бўлса-да, унинг зийраклигидан мамнун эди. Аслида, Ражаб дастлаб сўроқ қилинаётган дамдаёқ бу оиланинг қорадори сотиш билан шуғулланишини гумон қилиб эди. Шуҳрат Америка элчихонасининг Суҳробга рухсатнома бермагани сабабини аниқлашга ёрдам беришни сўраганида «яна бир муҳим далилни унутяпсан, ўйлаб кўр», деб айнан шуни назарда тутганди. Шуҳратнинг ўйлаб кўриб, калаванинг бир учини топишини кутмасдан Самиевлар оиласига доир маълумотлар билан қизиқди. Холниса Самиеванинг йигирма беш йил муқаддам катта шаҳарга кўчиб келгани, «Райком бува» деб номланмиш амалдорнинг тўшагини обод қилиб юриб бир ўғил туғиб олгани ва бу хизматлари эвазига ҳозир яшаб

келаётган ҳовлига эга чиққани Менглиевни кўпам қизиқтирмади. Ўз ҳусну малоҳатидан шу тарзда самарали фойдаланувчи аёллар ўтган замонда кам эмасди. Ҳозир ҳам етарли. Гарчи улар зинокорликда айблансалар-да, жисмоний жазога тортилмай қўйилганлар. Бундайларни Худо қачон жазолашини ҳеч бир банда, хусусан, Менглиев ҳам билмайди. Билишга қизиқмайди ҳам. Қизиққанда эди, Холнисанинг ўтаётган умри жазонинг аввали эканини сезган бўларди.

Холнисанинг ўтмиш замондан жабр кўргани ҳақидаги даъвоси ажабланарли эди. Менглиев Ражабни биринчи марта сўроқ қилишга тайёрланаётган пайтда идорага шовқин солиб кирган Холниса «пахта иши»да жабр кўрганини қайта-қайта таъкидлаган эди. Комсомолда ишлаётган шўх-шодон қизнинг «Райком бува» назарига тушгач, иқтидорли ёш мутахассис сифатида компартиянинг район қўмитасига ишга олинганини, кунлардан бир кун саркотиб билан мажлис маърузасини ёзаётган пайтида фаррош «билмасдан» устларидан қулфлаб кетганини, оқибатда кекса ошиқ билан ёш маъшуқа ҳақида достонлар тўқилмаган бўлмаса-да, миш-мишлар тарқаганини Менглиев билмасди. «Пахта иш»и бошланиб, «Райком бува» ҳибсга олинганда Холниса шаҳарда яшарди. «Райком бува»нинг юраги хастамиди ё қўрқувдан ёрилиб кетдими, ҳар ҳолда турмага тушган тун ёстиққа бош қўйди-ю турмади. Ўлим «Райком бува»ни Сибир турмаларининг азобларидан, хотини ва ўйнашларини эса тергов азобларидан қутқариб қолди. Холниса «пахта иши»дан жабр кўрганини айтганида буларни назарда тутмаган эди. Бокира умрини молдунё ҳавасига алмаштирган бу жувон қаричи билан ўлчанганда у кўрган жабру жафонинг чеки йўқ эди. Ҳар ойда худди маош каби оладиган пул, ҳар ҳафта келиб турадиган гўшту ёғ «Райком бува»нинг фожиасидан сўнг узилгач, ўзини жабрдийдалар сафида кўрди.

Менглиев бу аёл ҳаётига хос икир-чикирлар билан қизиқмади. Билгани: амалдорнинг ўйнаши бўлган, ўйнаши турмада жон берган. Яна билгани: олий ўқув юртини

қизил диплом билан битирган, эътиборли идораларда ишлаган аёл энди қурт-писта сотиб тирикчилик қилади. Менглиев мана шунисидан ажабланди. Ажабланиш билан кифояланмай, бугун эрталаб Холниса савдо қиладиган жойга бориб кузатди.

Ёқилғи қуйиш шохобчаси яқинида омонат тикланган автоустахона гавжум, барча ўз иши билан банд эди. Менглиевнинг зийрак нигоҳи катта чинор дарахти соя солиб турган майдончага, болалар аравачаси ва пастак ёғоч курсидан иборат Холнисанинг «савдо маркази»га қаратилганди. Айрим автомашиналар ёқилғи қуйгач, айримлари усталарга учрагач Холниса ёнида тўхтаб ўтишарди. Айримлари эса худди бошқа ерда сигарет йўқдай, атай шу ерга келиб олишарди. Холнисанинг мижозлари асосан қимматбаҳо машиналарда келаётган ёшлар эканини фарқлаб олиши қийин бўлмади. Бойвачча йигитларнинг гугурт олишларига бошқалар эътибор беришмасалар ҳам, милиция ходимининг бефарқ қараши мумкин эмасди.

Капитан Менглиев идорасига қайтиб, бу кузатув натижаларини ўзича таҳлил қилиб ўтирганида Шуҳрат келиб, гумонларини баён қилгач, жиноятга доир занжир ҳалқаларини бир-биридан узган ҳолда аниқлаш мумкин эмаслигига амин бўлди. Шуҳратнинг билдирги ёзишини кутмай, бошлиқ ҳузурига йўл олди.

ЯНА НЬЮ ОРЛЕАНДА:
Саховат илинжи

Набирасини уйғотиб, телефон ҳақини тўлаб келишни тайинлаган Моҳина кампир ён қўшниларникига чиқиб «Америкадан телпон бўлган-бўлмагани»ни суриштирди. Қизи Америкага кетаётганида «Телпонимиз жавоб қилмаса қўшниларга сим қоқавер», деб тайинлаган эди. Америкада кечаси телефон алоқаси арзонроқ бўлгани сабабли Зарина бу томонларда субҳ кирган чоғда қўнғироқ қиларди. Ҳар тун нохуш туш кўраётган кампир ҳар тонг телефон қўнғироғини кутиб, юраклари эзилиб кетди. Назарида бу тонг қизи қўшниларга телефон қилгандай

туюлиб, умид билан эшик қоқди. Қўнғироқ бўлмаганини билиб, умиди синган ҳолда бўшашиб кетаётганида рўпарасидан Муаттар чиқиб, истамайгина тўхтаб, сўрашди.

– Айланай, эсон-омонгина юрибсизми? Кеча Ҳалимахонларникида ифторликда учрашармиз девдим, кўринмадингиз-а? Бирам хавотирландим, ифтордан кейин хабар олай десам, уйингизнинг чироқлари ўчиқ экан.

– Вой, ҳозир ифторингиз юрагимга сиғадими?

– Яна нима бўлди, айланай?

– Нима бўларди?.. – Моҳина қизидан хавотирда эканини унга айтгиси келмади. – Гўрда чиригур ўғрини ҳалиям топишмади.

– Сабр қилинг, топилиб қолар. Сабр яхши нарса. Кеча отин ойи бирам чиройли маъруза қилиб берди, чиққанингизда эшитардингиз.

– Сиз чиқиб эшитибсиз, оламга татийди, – деди Моҳина. Муаттар бу кесатиққа эътибор бермай, унинг энсасини баттар қотириб, таассуротини айта кетди:

– Сабри йўқ одамнинг дини ҳам бўлмас экан. Бир куни ҳазрати Умар Пайғамбаримиз алайҳиссаломникига келиб қарасалар, қамишдан тўқилган бўйра устида ётган эмишлар. Юзларига, қўлларига қамиш ботиб кетганмиш. Хумчадаги сув билан бир сиқим арпаларидан бошқа озиқ-овқатлари йўқ экан. Шунга қаноат қилиб яшарканлар. Буни кўриб ҳазрати Умар йиғлаб юборибдилар...

– Яна бир ифторликка борсангиз эшитганларингизни биратўласи қўшиб айтиб берарсиз, ҳозир бозорга етиб бормасам, жойдан қуруқ қоламан, – деди Моҳина унинг гапини шарт кесиб. Бозорга икки-уч дақиқа кечикиб борса, осмон узилиб ерга тушмаслиги аниқ бўлса-да, тилига бошқа баҳона келмагани учун шундай деди. Муаттар ўзини кечадан бери ҳаяжонга солган ҳикматларни айтиб бера олмаганидан пушаймон бўлиб қолаверди. Ўтган йили қўшнисини рўза тутишга даъват қилганида Моҳина кампир «Рўзангиз тушмагур ярим кунлик бўлганида жон-жон деб тутардим. Саҳардан шомгача очликка чидай олмайман, ичакларим узилиб кетиши мумкин»,

деганида «Вой, ўлайин, Худонинг буйруғига бунақа аралашманг, тавба қилинг», дейиш билан чекланган эди. Кечаги ифторда отин ойи айтиб берган ривоятни эшитиб, қўшнисининг бултурги гапини эслаган, бу ривоятни унга, албатта, айтиб беришни кўнглига туккан эди. Эшитган ривоятига кўра, фақирлардан бири «Йа Расулаллоҳ, фақат хурмо еявериб, ичимиз куйди, ҳар доим мева еймиз», деб нолиганида Пайғамбаримиз алайҳиссалом «Мен ҳам худди сизлар каби икки ойдирки, мева ейман. Уйда ейишга бошқа нарса йўқ», дедилар. Яна бир киши очлик туфайли қорнига тош боғлаб юраркан. Иссиқ тош қоринга боғланганида ошқозондаги очлик азоби бир оз чекинаркан. Ўша одам қорнидаги тошни кўрсатиб, очликдан шикоят қилганида Пайғамбаримиз алайҳиссалом ҳам муборак қоринларига боғлаб олган тошларни кўрсатган эканлар. Бу ривоятдан мутаассир бўлган Муаттарнинг Моҳина кампирга аталган гаплари айтилмай қолиб, афсусланди.

Бозорга шошаётган Моҳина бир неча кун илгари худди шу пайтда Нью Орлеан полис маҳкамасида қизининг азоб чекиб ётганини тасаввур ҳам қила олмасди.

Қорадорифурушларга дастёрлик қилишда айбланган Зарина узоғи билан кечгача озод бўлишидан умидвор эди. Гарчи бу мамлакат қонунларини билмаса-да, қорадори савдосига аралашиш барча юртларда жазоланишидан хабардор эди. Кечгача икки марта сўроқ қилдилар. Сўроқ якунида «энди сиз озодсиз, камчилик биздан ўтибди, узр» деган жонбахш гапни кутиб, илтижо билан тикилди. Иккинчи сўроқ якунида сержант:

– Аслида сени ҳам, шерикларингни ҳам ҳибсга олиш, суд қилишнинг ҳеч ҳожати йўқ эди, – деганда умидвор кўзларида нур чақнади. Аммо кейинги гап нурни сўндирди, ҳатто жонини суғуриб олгандай бўлди: – Ўша жойнинг ўзида отиб ташлаш керак сендақаларни. Америкаининг бошига битган балосанлар сенлар!..

Сержант бу заҳарли гапини Ҳамелтон ёки Эденбургга айтса ўринли эди. Бироқ, айбсиз заифага бундай дейиши

ўтмас пичоқ билан сўйишдан баттар азоб эди. Зарина совуқдан эмас, қўрқувдан қалт-қалт титраб, панжара ортида ғужанак бўлиб, қисмат ҳукмини кутарди. Ҳатто дарчаси ҳам бўлмаган ҳибсхонада куннинг ўтганини билиш мушкул эди. Зарина тун кирганини тахмин қилиб, тонг отишини умид билан кутаётганда панжара эшигини шарақлаб очиб, гавдаси аёлга нисбатан қўпол эркакни эслатувчи жувонни киритдилар-да, «қўлинг қичишаётган бўлса, ана, хуморингни бос», деб нари кетдилар. Зарина бу гапнинг маъносини тушунишга улгурмай, эркакшода жувон унга яқинлашиб, бошига мушт туширди. Кейин тепди. Заринанинг ҳушдан кетишига шунинг ўзи кифоя қилди. Бу хотиннинг кимлиги, нега қамалгани, уришдан муроди не эканини билишга уринолмай ҳам қолди. Ҳушига келиб кўзини очганда ҳибсхонада нотаниш хотин кўринмади. Темир панжара ортида турган полициячи «Биров урса индамай ётаверасанми, нега ёрдамга чақирмадинг?» деб қўйди-да, кимгадир қўнғироқ қилиб «Жиноятчининг ҳушига келганини» билдирди. Дам ўтмай сержант келиб, шу ернинг ўзида яна сўроқ бошлади. Саволлар маъноси кечагидан фарқ қилмади. Сержант асосан Ҳамелтон ва Эденбург алоқа қилган одамлар билан қизиқди. Зарина бу ерда ҳеч кимни танимаслигини айтса ҳам, бу жавобдан қониқмади. Терговни чўзмай, «Янги қўшни келгунига қадар эсингни йиғиб ол», деб бўлажак азобдан огоҳ этди.

Полис маҳкамаси атрофида умидвор кезаётган Жўра бу онда саҳродаги қуриб қолган қудуқдан сув тошиб чиқишини кутаётган телба ҳолида эди. Нью Орлеан довул ҳукмида қолган кечаси иккинчи қават зинасида дийдирашиб ўтиришганда Зарина: «Шунақа ҳам бўладими, «одаммисан» дейдиган бир меҳрибон ҳам топилмайдими бу юртда?» деб алам билан хўрсинганида Жўра:

– Меҳрибон дейсанми? Валади зинолар билан тўлган, эркак билан эркак, аёл билан аёл никоҳланадиган юртда қандай меҳр-оқибат бўлиши мумкин? – деб асабий тарзда жавоб берган эди.

Жўра бу гапларни ўша тун беихтиёр айтиб юборганди. Ўз ақлининг маҳсули бўлмаган бу фикрни у сафари арафасида дўсти Нуриддиндан эшитган эди. Полис маҳкамасининг эшигидан хотини чиқиб келишини умид билан кутаётган Жўра ўша гапни яна эслади. Сўнг бу ерда ўтираверишдан наф йўқлигини англаб, «чиқмаган жондан умид» деганларидай биронта меҳрибонга йўлиқтиришни Худодан сўраб, шаҳар маркази томон юрди. Катта дўкондаги иш юритувчининг ёрдамчиси сифатида топиш-тутиши ёмон бўлмаган ҳамшаҳридан яна ёрдам сўрашга қарор қилди. Бу юртга отланганларида қайнонасининг узоқ қариндоши бўлмиш Ҳамробекдан умидлари катта эди. Ҳар ҳолда Ҳамробек уларга қўлидан келганича ёрдам берди. Аммо кеча «Сизга шунча пулни ким бериб туради? Хўп, берди ҳам дейлик, қарзни қандай узасиз?» деб Жўранинг умид чиннисини синдиришдан ўзга чораси қолмади.

Полис маҳкамасидаги бесамар кутишдан сўнг Жўра синдирилган ўша умид чиннисини гўё тупук билан чегалагандай яна Ҳамробекка рўпара бўлди.

– Сиз ўртага тушиб қарз топиб бераверинг, мен Тошкентга телефон қиламан. Қайнонам уйни сотиб, пулини юборадилар. Мен бировнинг ҳақини еб кетадиган номард эмасман.

– Ака, бу гапингиз Тошкентга ярашади. Бу ернинг битта қоидаси бор...

– «Ўзинг учун ўл етим»ми? Бир марта айтгансиз, – деди Жўра асабийлашиб.– Нима, етимлар индамай ўлиб кетаверишлари керакми? Ватандош дегани бир-бирини қўлламайдими?

– «Ватандош» дегани тилдаги ёки газетдаги гап, – деди Ҳамробек унинг ҳақиқатни тушунишга ожизлик қилаётганидан ғашланиб.

– Бу ёққа келмасимдан олдин телефонда гаплашганимизда ваъда қанақа бўлган эди? – деди Жўра таъна оҳангида.

– Мен ваъдамни бажардим: кутиб олдим, университетга рўпара қилдим. Илмингиз уларнинг талабига жавоб бермаса, мен айбдор эмасман-ку?

– Ҳамма ёқ ғирром! Ҳамма ёқ муттаҳамлик! – Жўра шундай деб ижирғанди-да, бир оз тин олди. Кейин ўзини босиб сўради: – Нью Йоркка бориб келсам-чи? Абдуолим деган одамнинг бир жамияти бор экан, деб эшитдим, ё у ҳам ёрдам бермайдими?

– Билмадим...

Ҳамробек Абдуолимнинг ёрдам бермаслигини биларди. У одам сиёсий баҳона билан ўзини «қувғин» либосида кўрсатганларнигина паноҳига оларди. Жўрага ёки Заринага ўхшаб пул илинжида келганлар билан иши йўқ эди. Ҳамробек бу ҳақиқатни айтсаммикан ё индамай қўйсаммикан, деб иккиланди. Кейин «яна бекордан бекорга сафарга отланмасин», деган хавотирда бор гапни айтиб, тушунтирди.

Жўра Абдуолимни яхши билмаса ҳам жамиятининг вазифасини қисман биларди. Шу боис Ҳамробекнинг айтганлари унга фавқулодда янгилик бўлиб туюлмади.

– Биз ҳам ўзимизни «қувғин» деб эълон қилсак-чи?

– Қанақасига? – деб ажабланди Ҳамробек.

– Масалан, менинг сиёсий қарашларим учун илмий ишларимга тўғаноқ бўлишган.

– Шуни исбот қила оласизми?

– Қанақа исбот керак?

– Билмадим. Бир артист қувғинлигини исбот қила олмаган экан, деб эшитувдим. Ҳар ҳолда бугун бориб «мени қувғин қилишди», деганингиз билан эртага қўлингизга пул тутқизиб қўйишмаса керак. Билишимча, сиёсий ишларига ярасангиз қанотига олади, бўлмаса дийдиёнгизни айтиб, чапагингизни чалиб қолаверасиз.

– Унда нима қилай? – деди Жўра бўғилиб.

– Кутишдан бошқа иложингиз йўқ.

– Нимани кутаман?

– Судни. Бу ерда терговни чўзишмайди. Полиснинг исботи заиф бўлса, суд хотинингизни озод қилиб юбориши мумкин.

Ҳамробекнинг бу гапи ҳадик билан тепаётган юракка хотиржамлик бера олмасди. У омади юришмаган олим ватандошига бундан ўзгачароқ жўяли маслаҳат бера олмас ҳам эди. Тўғри, у пулдан ёрдам бериш имконига эга эди. Эҳтимол, Тошкентда шундай зарурат туғилса хасислик қилмасди. Лекин мусофир юртда беражак ёрдамининг оқибатда саҳро қумига сингиб кетган ёмғир томчиси каби йўқ бўлиб кетишини билгани учун ҳам ўзини бундай ҳотамтойликдан йироқ тутишга мажбур эди.

Жўранинг тупук билан ямаган умид чинниси энди парча-парча бўлиб сочилиб кетди. Синиқ кўнгил билан бошпанасига қайтганда хўжайинининг ғазабига дуч келди. Майсазорга кимдир сигарет қолдиғини ташлаган экан, Жўра балога қолди. Жўра хотини бошига тушган фожиани айтиб, узр сўраган эди, уй хўжайини эшитишни ҳам истамай, яна шу ҳол қайтарилса, ишдаб ҳайдаб юборажагини маълум қилди. Жўранинг ҳозир ишдан ҳайдалиши мумкин эмас эди. Чунки ишдан ҳайдалса кулбадан ҳам хароброқ бу бошпанасидан ажралиб қоларди. У кечгача вазифасини бажариб юрди. Қўли ишда бўлса ҳам кўзи кўча томонда эди. Хотинининг жилмайиб келишини умид билан кутди. Қош қорайгач эса Вилли Браунни кута бошлади.

Браун одатича ярим кечада келди. Маст бўлса ҳам оёқда турар ҳолда эди. Шунга қарамай, Жўра одати бўйича уни суяб хонасига қадар кузатди. Эшик очилиб, Браун ичкарига қадам қўйгач, остонада тўхтаган Жўра:

– Мистер Браун, қаҳва қайнатиб берайинми? – деб сўради.

Бу таклифни эшитган Браун орқасига ўгирилиб, Жўрага ажабланиб қаради:

– Қаҳва ичинг келяптими?.. Ё... менда гапинг борми?

– Ҳа, мистер Браун, маслаҳатингизга муҳтож бўлиб қолдим.

– Бугун кайфиятим яхшилигини билиб сўраяпсанми? Қани, кир, аввал виски ичамиз, кейин қаҳва...

Браунинг хоҳишини бажо келтириб, унинг эзмалигига дош беришга мажбур бўлди. Унинг «нима гапинг бор?» деб сўрашини сабр билан кутди. Ниҳоят, савол сўралди. Мақсад айтилди. Қаҳванинг ўрнига виски ҳўплаб ўтирган Браун тобора қисилиб бораётган кўзларини унга қадаб жим қолди. Жўра гапим таъсир қилди, шекилли, деб сал жонланди. Ҳа, гап таъсир қилган эди, бироқ, Жўра умид қилгандан кўра ўзгачароқ тарзда эди бу таъсир. Бир неча нафасдан сўнг Браун қандай мутаассир бўлганини ошкор этди:

– Сен... жиннироқмисан? – деди-да, саволига жавоб кутмай давом этди: – Шунча пул бериши мумкин бўлган аҳмоқ бор, деб ўйлаяпсанми?

Жўра «Кимнинг ҳиммати баланд бўлса, қадр-қиймати ҳам баланд бўлади», деган ҳикматни эшитмаган эди. Эшитганда эди, қадр-қиймати тубан одам ҳузурида паст кетмаган бўларди. «Кимга олиҳиммат берилган бўлса, унга ҳамма нарса берилган ҳисобланади. Кимга берилмаган бўлса, унга ҳеч нарса берилмаган бўлади», ҳадисига мувофиқ Браун гарчи бадавлат кўринса-да, аслида инсонни Яратган ҳузурида азиз ва мукаррам этувчи барча нарсалардан бебаҳра эди. Бу ҳақиқат на унинг ўзига, на марҳамат кутиб ўтирган Жўрага маълум эди. Саховати йўқ бой суви йўқ ариққа ўхшайди. Бу мамлакатда бойлар кўп, шунинг баробаринда сувсиз ариқлар ҳам кўплигини Жўра энди-энди фаҳмлаётганди. У Браунинг гапидан ғашланиб:

– Қарз бериб, ҳожат чиқарадиган одам аҳмоқ бўладими? – деб эътироз билдирмоқчи бўлди.

– Ҳа, албатта аҳмоқ бўлади, – деди Браун янада қатъийлик билан. – Агар ақл билан пул топган бўлса, аҳмоқлик билан сарфламаслиги керак.

– Камбағал одам бирон нарсага муҳтож бўлса нажот топмай ўлиб кетаверадими? – деди Жўра.

– Аҳмоқ одамнинг ўлиб кетишдан бошқа яна қандай чораси бор?

Бу шунчаки савол эмас, маст одамнинг алжираши ҳам эмас, дунёни ўз қаричи билан ўлчаб, ўз кўзи билан кўриб,

ўз ақли билан мушоҳада этувчи одамнинг ақидаси эди. Бу ақида хусусида у билан баҳс этишнинг ўзи нодонлик эди. Жўра у билан бошқа гаплашгиси келмай, ўрнидан турди.

– Сен физикани озми-кўпми биласан, лекин ҳаётни тушунмайдиган одамсан, – деди Браун. – Менга бегона бўла туриб қарз сўраяпсан. Агар туғишган акам бўлганингда ҳам сенга бермас эдим бу қарзни. Лекин битта маслаҳат бераман. Шу яқин ўртада мусулмонларнинг ибодатхонаси бор, деб эшитганман. Ўшаларга учраб кўр, балки ёрдам беришар.

Жўра унинг гапини эшитгиси ҳам келмаётган эди. Лекин охирги маслаҳати хуш ёқиб, кўз олдидаги қоронғулик ойдинлашгандай туюлди. Масжид борлигини у ҳам эшитган эди, бироқ пешанаси саждага тегмагани сабабли у жойга боришни шу пайтга қадар ўйлаб ҳам кўрмаганди. Ўз уйида эканида муҳтожларнинг масжидларга мурожаат қилганлари ва ҳожатлари раво бўлгани ҳақида эшитиб юрарди. Браунинг ақли етган нарсага ўзининг фаросати калталик қилганидан афсусланди. Зина остидаги бошпанасига кирмай ташқарида у ёқдан-бу ёққа юрди. Масжидга боришни, унда нима дейишни ўйлаб, пишитган бўлди. Тун ярмидан оғиб, вақт субҳи козибдан ҳам ўтганди. Тонг ёришганида у иш жойида бўлиши шарт эди. Шу боис соатига қараб олди-ю масжид томон шошилди. Масжидга яқинлашганда ичкаридан азон товуши эшитилди. Жанозаларда иштирок этиш учун масжидга бориб турган Жўра намоз ўқиш у ёқда турсин, ибодатга қандай тайёгарлик кўришни ҳам билмасди. Майитни кўтариб масжидга боришгач, жаноза намозини ўқишни кутиб ташқарида туришарди. Ҳозир ичкарига кирмаганидан, ҳеч бўлмаса, намоз тартибларига разм солмаганидан афсусланди.

Йигирмага яқин одам бирин-сирин ичкари кириб кетгач, имомнинг қироати эшитилди. Намоз ўқиб бўлинганда тонг ёриша бошлаган эди. Қора танли, оқ танлилардан иборат қавм тарқала бошлагач, Жўра ичкари кириб, имом-

ни сўради. Бошига оқ тўр дўппи кийган, жингалак сочли, соқоли сийрак қора танли одам «Имом менман», деб унга жилмайиб қаради. Имом масжидга кираётиб Жўрани кўрган, унинг намозга қўшилмаганини ҳам сезган эди. Шунга қарамасдан «Нега сафимизга турмадингиз, бу ерга келишдан мақсадингиз нима?» деб сўрамади. Аксинча, мулойим оҳангда «Кўринишингиздан мусофирга ўхшайсиз, қаерликсиз, биродар?» деб сўради.

– Ўзбекистонданман, – деди Жўра.

– Ҳа, ҳазрати Бухорий юртиданмисиз? Келинг, унда бошқатдан кўришайлик, улуғ жойларнинг ҳавосини олиб келибсиз.

Ибодатсиз кимсанинг улуғ жойлар ҳавосини олиб келиши маҳол эканини имом билса-да, ўша табаррук ва шарафли масканлар ҳурматидан Жўра билан қучоқлашиб кўришишни маъқул топди. Ер юзида шарафланган шаҳарлар, зиёратгоҳлар оз эмас. Аҳли диёнат ўша жойларни бир мартагина бўлса-да, кўришга интилади, бу зиёратни насиб этишни Худодан сўраб, муножотлар қилади. Миллионларнинг қалбини ўзига тортиб турган ўнлаб масканларда яшовчиларнинг айримлари эса қандай улуғ жойда истиқомат қилаётганини ҳис эта олмайди. Имом бу ҳақда кўп ўйлар, ибодатсизларни бошқалар каби айбламас, билъакс, уларга ачинарди. Айблайдиганларга танбеҳ берарди-да, «Худо уларни синов дарёсига ташлаб, ғарқ қилишни ихтиёр этган бўлса, «ўлганни устига тепган» қабилида айблашимиз инсофдан эмас. Бунинг ўрнига Аллоҳдан сўрайлик, уларни чўктирмай, ҳидоятнинг йўлига солсин», дер эди.

Ҳозир ҳам Жўрани биродарлик муҳаббати билан бағрига босиб, унга ҳидоят тилади. «Бир ҳожат юзасидан келганингни билиб турибман, ҳожатингни мен раво қила олмайман. Ғам-ташвишларингни кўтаргувчи ёлғиз Аллоҳдир, шундай экан, унинг уйига яқин келганинг ҳолда, ичкари кириб нечун саждага бош қўймадинг, Яратганнинг қули эканингни тасдиқ этмадинг? Бу аҳволда нимадан умид қиларсан?» деб унинг боши узра маломат тош-

лари ёғдирмади. Омонлашиб бўлгач, ўтиришга жой кўрсатиб, ўзи ҳам унинг рўпарасидан жой олди-да:

– Исмим Муҳаммад Абдуллоҳ, Аллоҳнинг шу уйида баҳоли қудрат имомгарчиликка ўтиб тураман, – деб таништирди.

Гарчи «дардингизни айтаверинг», демаган бўлса-да, бу таништирувдан сўнг Жўра гапни айлантирмай муддаога ўтиши лозимлигини англади. Аввал ўзини таништиргач, аҳволини баён қилди. Гапи якунида юракда тўпланган ҳасрат тутунини бир «уф-ф»билан чиқармоқчи бўлди. Муҳаммад Абдуллоҳ уф тортмоқ шунчаки дард изҳори эмас, ношукрлик аломати ҳам эканини, ҳар қандай азобга дуч келган тақдирда банда шукр қилмоғи шартлигини айтиб, насиҳат бошламади. Маст одамга ичкиликнинг ҳаромлигини тушунтириш мумкин бўлмаганидек, бошига тушган кулфатлардан гангиб ўтирган бу одамга насиҳат қилиш ортиқча эканини у англаб турарди.

Одатда бировга дардини айтган одамнинг кўнгли сал равшанлашади. Жўра эса бошига тушган кулфат баёнини охирига етказиб, баттар эзилди.

– Адолатсиз мамлакатдан адолат тилаб юрибман. Бу ёғи нима бўлишини билмайман... – деди аламли овозда. Сўнг «Бегона одамга ҳасратимни дастурхон қилишим тўғри бўлдими?» деган хаёлга бориб, бошини эгди. Дўсти Нуриддин «Агар томирларингдаги қонда меҳр тўлқини жўшиб турмаса, у қон эмас, балчиқ суви экан», деб такрорлашни ёқтирарди. Жўра бу онда дўстининг шу ҳикматини эслаб, «Бу одамнинг томирида қандай қон оқар экан?» деб ўйлади.

Жўра учун оқ дўппили бу қора одам нотаниш бўлгани билан, нажот илинжидаги бу дардли киши Муҳаммад Абдуллоҳнинг назарида бегона эмасди. «Ер юзидаги миллиард-миллиард инсонлар Одам Ато ва Момо Ҳавво фарзандларидир, барчалари бир-бирларига биродардирлар», деган ақидага кўра яшовчи бу одам дардли биродарининг мушкулини шу ондаёқ осон қилиб беришга ожиз бўлгани билан, ҳасратига бефарқ қарай олмасди.

Бошига кулфат тошлари ёғилаётган биродарининг кейинги аламли гаплари уни танбеҳ беришга мажбур қилди.

– Бир-икки инсофсиз одамга дуч келганингиз ҳолда бутун мамлакатни адолатсизликда айблашингиз тўғримикин, биродар? – деди у ҳилмлик ила.

Муҳаммад Абдуллоҳ саволига жавоб кутиб эмас, меҳмоннинг ўйлаб олишига фурсат бериш учун сукут сақлади. Жўра ҳозир фикрлайдиган, ҳаёт фалсафасини таҳлил қиладиган ҳолатда эмас эди. Шунинг учун:

– Билмадим, бу қанақа миллат экан, ақлим етмаяпти, – деб хўрсиниш билан чекланди.

– Американи айтяпсизми? – деди имом ажабланиб.– Дунёда инглиз миллати бор, деймиз, рус миллати, испан миллати... Лекин америка миллати йўқ. Бу қитъага қадим асрларда Оврупонинг ҳамма мамлакатларидан одамлар бойлик илинжида бостириб келаверишган. Америка мамлакатининг пойдеворини ана ўша нафс бандалари қўйганлар. Бизнинг аждодларимизни эса қул қилиб ҳайдаб келганлар. Сиёсат мантиғига кўра, Америка бирлашмиш штатларига тобе одамлар бор, миллат эса йўқ. Руҳият мантиғига кўра эса бунда сиз айтган адолатсизлар билан бир қаторда адолат ва инсоф эгалари ҳам истиқомат этадилар. Менга қолса, дунёни ҳозиргидай миллатларга бўлмасдим. Мен учун инглиз ҳам, рус ҳам, бошқа миллатлар ҳам йўқ. Мен учун аҳли диёнат бор, диёнатсизлар бор; саховат эгалари бор, хасислар бор; меҳрибонлар бор, зулмкорлар бор... Сиз иккинчи тоифага дуч келибсиз-у дунё кўзларингизга қоронғи бўлиб кўринибди. Қоронғулик ортида ёруғлик борлигини фаҳм этмабсиз. Сизга меҳрсиз бўлиб кўринган одамлар аслида саховатсиз кишилардир. Аммо уларга бу ҳақда гапирсангиз, айбларини тан олмаслар, чунки саховатни исроф деб ҳисоблайдилар. Ҳолбуки, саховат исрофгарчилик ва хасислик ўртасида турган фазилат. Афсуским, буни кўпчилик англамайдир ва шариатга кўра мақтовга сазовор бу хулқни инкор этадир. Кимдир ўзида саховат хулқини ҳосил қилмоқчи бўлса бунинг учун у сахийлар ҳаётини

ўзлаштирмоғи, яъни молни Аллоҳ йўлида сарфлашни ўрганмоғи лозим. Нафсга юкланган бу меҳнат то табиатга сингиб, хулққа айланиб кетгунча улкан сабр керак бўлади. Қачонки киши қилган саховатидан лаззат олса, бу саховатнинг юксак даражасидир. Ҳақиқий сахий молини сарфлар экан, лаззатланади. Оғриниш, қийналиш унга бегона.

Бу гапларни эшитаётган Жўра имомга ажабланиб қаради. Агар Жўра бой бўлиб, бирон ватандошининг ҳожатини чиқаришдан бош тортаётган, хасислик қилаётган бўлса, бу насиҳат жоиз эди. Ҳозир бу гапларга не ҳожат бор эди?

Муҳаммад Абдуллоҳ меҳмоннинг таажжубини англаган бўлса-да, фикрлари баёнини давом эттирди:

– Мол-дунё бамисоли сув. Бирон ташнанинг чанқоғини қондириш учун саховат аҳли уни ушлаб туради, бирон муҳтожнинг ҳожатини раво қилиш учун уни сарфлайди, бераётганида заррача қийналмайди. Аксинча, лаззатланади. Қайси қалб шу даражага етибди, демак, Аллоҳ уни саломат сақлабди.

Муҳаммад Абдуллоҳ «гапларимга тушундингизми?» дегандай меҳмонига қаради. Жўра «бу гапларнинг менга нима зарурати бор?» деб юбормаслик учун кўзларини олиб қочди. Имом бир оз сукут сақлагач, Жўранинг яширин фикрларини ўқигандай яна гапира бошлади:

– Бошқаларнинг сахийлигидан умидвор одамга бу ҳикматлар ортиқча туюлар. Бироқ, Аллоҳдан нажот тилаган онингизда «Раббим! Бугун мен ёрдамга муҳтожман. Эртага ҳожатим раво бўлгач, мени ҳам эҳсон тарқатувчи саховат аҳлидан қил!» деб ёлворинг. Бугун сиз эҳсонга ташнасиз. Умидсиз бўлманг, қалби саломат сақланган биродарлар топилади, инша Аллоҳ. Ўн бир ойнинг султони ҳукм сураётган кунларда хайр-эҳсон қилувчилар, закот берувчилар кўп. Сўнг муборак Ҳаж мавсуми арафасида эҳсон қилувчилар янада кўпаяди.

– Ҳажга борадиган одам бировга пул берарканми? Бунақасини энди эшитишим, – деб юборди Жўра.

– Биродар, бадбин фикрлардан қутулишга интилинг, – деди Муҳаммад Абдуллоҳ танбеҳ оҳангида. Сўнг овозини кўтармасдан давом этди: – Бир муслим Ҳаж йўлида пирга йўлиқибди. – Эй йўловчи, қаерга кетяпсан? Ғурбат борлиғини қаёққа олиб боряпсан? – деб сўрабди пир. – Ҳажга кетяпман, икки юз дирҳам пулим бор, – дебди йўловчи. – Эй йўловчи, пулларингнинг бир қисмини Аллоҳ йўлидаги муҳтожларга, ғарибларга, бечораларга бўлиб бер. Уларнинг кўнгилларини ол, руҳларининг уфқи очилсин! Шу йўл билан илк дафъа кўнглингга ҳаж қилдирган бўлурсан. Шундан кейин тоза кўнгил билан Ҳаж сафарингни давом эт, – деди. Яна дедики: – Агар сенинг қалб кўзинг очиқ бўлса, кўнгил Каъбасини тавоф қил. Сен тупроқдан деб ўйлаган Каъбанинг асл маъноси кўнгилдир. Жаноби Ҳақ кўзга кўринадиган сурат Каъбасини тавоф қилишни кўнгил Каъбасини кирлардан тозалаш учун фарз қилгандир. Шуни яхши билки, агар Аллоҳнинг назаргоҳи бўлган бир кўнгилни инжитсанг, кейин Каъбага пиёда борсанг ҳам, ундан олган савобинг ранжида бўлган кўнгил гуноҳини юва олмайди... Аллоҳнинг ҳузурига олтин тўла мингларча коса олиб борсанг ҳам Жаноби Ҳақ «Бизга бирор нарса келтирмоқчи бўлсанг, рози қилинган кўнгил келтир. Чунки олтин ва кумуш биз учун маъносиз нарсадир. Агар бизни ва розилигимизни истасанг, буни кўнгилларни ишғол қилиш билан амалга ошишини унутма!» деб марҳамат қилади. Валлоҳи аълам!

Муҳаммад Абдуллоҳ бу ривоятни ҳар эслаганида «Биродарлар, бу ҳикматни қалбингиз тўрига муҳрлаб олинг ва ҳамиша амал қилиш пайида бўлинг!» деб хитоб қилгиси келарди. Ҳозирги ҳолатда хитобга муҳтожлик йўқ эди. Шу боис гапини бас қилиб, муҳтож мусофирга кўмаклашишга ваъда берди-да, қўлларини баланд кўтариб: «Расулуллоҳнинг ўрнак шахсидан ва руҳоний дунёсидан бир ҳисса олиб, эҳсон туйғусига қовушганлар нақадар бахтиёрлар! Аллоҳим, бизларни шундай бахт билан шодлантир!» деб дуо қилди.

Қуёш кўтарила бошлаганини кўрган Жўра ташвишланиб, кетишга ижозат сўради. Имом унга бир сент ҳам пул бермади, фақат қалбида умид шамчироғини ёқди. Шу шамчироқ Жўранинг қоронғу оламини ёритишга асқотди. «Ишларим юришиб кетса, хотиржам ўтириб, шу одамнинг суҳбатини оламан», деб ният қилди. Бироқ, ниятининг амалга ошмаслиги мумкинлигини, дийдор энди қиёматга қолажагини ўйлаб кўрмади.

Масканига қайтишда хўжайинининг қаҳрига йўлиқишдан ҳайиқди. Бахтига бу уйда истиқомат қилувчилар ҳам, хўжайин ҳам ширин уйқуда эди.

Таъқиб

Кичик бир ўғирликни арзимас ишдай назарига илмаган Шуҳрат бошлиғи Менглиевнинг гапларини эшитиб, ҳайратини яшира олмади. Бу ҳайрат нима экан, «арзимас иш»нинг бу қадар кенг қулоч ёйишини кеча оқшомда шаҳар бошқармасига чақирилган Менглиевнинг ўзи ҳам кутмаган эди. Бошқарма бошлиғи хонасида гиёҳвандликка қарши кураш бўлимининг ходимлари ҳам ўтирганларини кўриб, ўтган кунги таклифи бўйича чақирилганини англади. Шу боис бошлиқ «юритувдаги «Иш» бўйича ахборот беринг», деганида Моҳина кампирнинг уйидаги ўғирлик тафсилотига батафсил тўхтамай, Суҳроб билан Ражабнинг гиёҳванд моддалар билан савдо қилувчи гуруҳ билан алоқаси борлиги ҳақидаги тахминларига ўтди. Бошлиқ ўғирлик тафсилоти тўлиқ баён қилинмаганига эътироз билдирмай, ахборотнинг гиёҳвандликка доир қисмини диққат билан тинглади-да:

– Таклифларингизни ўрганиб чиқдик, – деди. – Лейтенантнинг дискотекадаги зийраклиги мени қувонтирди. Ҳаво таркиби ўрганилди, экспертиза унинг тахминини исботлади. Ҳаво таркибида чиндан ҳам гиёҳванд моддалар мавжуд. Лекин дискотекани ҳам, Самиевларни ҳам ҳозирча тинч қўямиз. Бизга ижрочилар эмас, ишбошилар керак. Шу сабабли мазкур «Иш» бўйича махсус тез-

кор гуруҳ тузилди. Гуруҳ ҳаракатларини шахсан ўзим бошқараман. Менглиев, лейтенант шогирдингиз дўстидан айрилмасин. Жиноий оқимнинг қуйи қисмини шу йигит орқали кузатамиз. Фақат ўзбошимчалик қилманглар. Лейтенантнинг хавфсизлигини таъминлаш чорасини кўринг. Самиевлар унга теголмаса ҳам, орқадаги куч йўқотишга ҳаракат қилиши мумкин... Майор Толипов, йиғилганларни қўлингиздаги маълумот билан таништиринг.

Менглиевнинг қаршисида ўтирган майор ўрнидан турди-да, йиғилганларни эмас, балки бошлиқнинг ўзинигина маълумот билан таништираётгандай ундан кўз узмаган тарзда гапира кетди:

– Самиев қамоқ жазосини ўтаб чиққандан кейин ҳам ҳунарини давом эттираётгани ҳақида ишончли кишиларимиздан маълумот олганимиздан кейин кузатишни бошлаганмиз. Онасининг қурт-писта сотиш баҳонасида наша ёки кукун сотишидан бехабар эдик. Бунинг учунг капитан Менглиевга раҳмат айтамиз.

– Сиз раҳматингизни айтаверинг, биз эса лаллайганингиз учун сизга танбеҳ берамиз, – деди бошлиқ унинг гапини бўлиб. Майор айбини бўйнига олгандай бошини эгган эди, бошлиқ «давом этинг» деб қўйди. Бу ижозатдан далда олган майор гапини яна дадил давом этди:

– Самиев кейинги бир ой ичида Маҳманёров деган шахс билан икки марта учрашди. Аниқлашимизча, Маҳманёров Тожикистон фуқароси, муқаддам судланган. Бир ҳафта олдин Самиев Маҳманёров билан учрашувга Суҳроб Норовни ҳам олиб борган. Шундан кейин биз унинг изини йўқотдик. Юртига кетган деган тахминимиз бор. Наркокурьер сифатида келган бўлса... бу ердаги ишни пиширгач, эҳтимол мол олиб келгани кетгандир? Лейтенант Асроров Норов билан дўстлигидан фойдаланиб, балки бу масалани ойдинлаштириб берар?

Майорнинг бу таклифидан кейин бошлиқ «нима дейсиз?» деган маънода Менглиевга қаради.

– Назаримда лейтенантимиз бу масалани ойдинлаштириб бера олмайди, – деди Менглиев ўрнидан туриб.

– Нега? – деб ажабланди майор.

– Агар Маҳманёров мол олиб келиш учун кетган бўлса, унинг қачон ва қанча мол олиб келишини хўжайинлар Норовга айтади, деб ўйлайсизми? Норов арзимас бир дастёр. Хўжайинларнинг ким эканини билмаса ҳам керак. Асроровнинг айтишича, у асосан мижоз топиш билан шуғулланади.

– Таклифимизни дарров рад этмай, ўрганиб чиқсангиз яхши бўларди, – деди майор ранжиб.

– Албатта ўрганамиз, – Менглиев шундай ваъда берди-да, баҳсни чуқурлаштирмаслик мақсадида жойига ўтирди.

Менглиев бошқармадаги бу гапларнинг ҳаммасини Шуҳратга айтиб ўтирмади. Вазифани қисқа тарзда баён қилгач, ҳазил оҳангига кўчди:

– Сенинг баҳонангда мен раҳмат эшитдим. Раҳматнинг тенг ярми сеники.

– Ҳаммасини олаверинг, сиз – устозсиз, – деди Шуҳрат кулимсираб.

– Бошлиқ топқирлигингга қойил қолди.

– Қайси топқирлигим?

– Дискотекада совуткич орқали қорадори кукуни пуркашларини гумон қилганингда, тўғрисини айтсам, ёш боланинг лақмалиги, деб ўйловдим. Лекин «шу боланинг кўнгли чўкмасин, иш чиқмаса ҳам майли, нари борса, хўжайинлардан сўкиш эшитарман», деб таваккал қилувдим. «Иш» яхши якунланса, юлдузчаларинг кўпайиб қолиши ҳеч гапмас. Ҳозирча Олғиртой билан ошначилигингни давом эттирасан. Фақат эҳтиёткорликни оширишинг керак бўлади. Олғиртой ёки Самиев билан бирга бўлган пайтингда атрофда йигитларимиз ҳимояга шай туришади. Хатар сезишинг билан хабар қилишинг шарт. Кучингга ишонма. Агар гуруҳ Самиев билан Олғиртойдангина иборат бўлганида «Иш»ни иккаламиз бир ёқлик қила олган бўлардик. Катта жино-

ий гуруҳнинг изига тушиляпти. Талаб шунга қараб катта бўлади.

Шуҳрат билан Менглиев бўлажак вазифалар ҳақида гапириб ўтиришганида телефонлари ишламаётганидан хуноб бўлган Моҳина кампир набирасини уйғотиш билан банд эди. Аввал ҳовлида туриб уч-тўрт марта чақирди. Жавоб бўлмагач, зинадан кўтарилди. Бу зинадан тушиб-чиқиш унга қийин эмасди, аммо бу сафар нафаси сиқиб, чап курагида санчиқ тургани учун ўзини беҳол сезди. Айвондан ўтаётганида санчиқ босилгач, бу ўзгаришни ҳам унутди. Уйга кираётган кампир остона ҳатлади-ю ичкари бўм-бўшлигини кўриб, ўзини йўқотиб қўяёзди. Назарида бир неча кун аввал сандиғини қуритган ўғри бу тун кириб мебелларни ҳам ўмариб кетгандай туюлди. Жон ҳолатда:

– Суҳроб! Ҳой Суҳроб! Ғафлат босиб ётаверасанми, тур ўрнингдан! Шўргинамиз қуриб қолибди! – деб бақирди.

Дераза томонда ётган Суҳроб кўзларини очишни истамай ғашланди-ю, қимирламай ётаверди. Моҳина кампир «шўргинаси қуриб қолгани»ни такрорлаганича набирасига яқинлашиб, уни турта бошлади.

– Бабуль, бунча хархаша қилаверасиз, ухлагани қўясизми ё йўқми? – деди Суҳроб қаддини кўтариб.

Ваҳм пардасига ўралган кампир уни елкасидан ушлаб турғизмоқчи бўлди:

– Тез милиса чақир, уйни ўғри урибди!

– Қанақа ўғри? – деди Суҳроб эснаб.

– Кўзингни очиб қара, мебелларни ўғирлабди.

– Қанақа мебеллар? – Суҳроб шундай деди-ю қилган қилиғини эслаб, бир сесканиб тушди. Лекин ўзини йўқотиб қўймади, аввалдан тайёрлаб қўйган баҳонасини айтди: – Мебелларингизни тузатишга бериб юборганман.

– Яп-янги мебелларнинг нимасини тузатасан, қаери синибди?

– Билмайман, адам телпон қилиб айтдилар, мен бажардим. Қаери синганини ўзларидан сўранг.

– Аданг айтдими? Қачон телпон қилди? Савил қолгур телпонимиз ишламаяпти-ку?

– Айтганларига анча бўлувди, яхши устани энди топдим.

Набирасининг хотиржам оҳангда айтган бу гапига ишонган кампир энди бошқа мавзуга кўчди:

– Телпоннинг ҳақини тўлаб қўйдингми?

– Тўладим.

Суҳроб бу сафар ҳам ишонарли оҳангда жавоб қайтаргани билан кампир сўроқни давом эттирди:

– Унда нима учун ишламаяпти у савил қолгур?

– Кабелни узиб, ўғирлаб кетишибди. Янги кабелга пул тўлиб қўйдим. Бабуль, Ражабдан қарз олиб тўладим, бугун қайтаришим керак.

– Телпончи кабелини ўғирлатган бўлса, сен нега пул тўлайсан, меров!

Шу тарзда бошланган буви ва набира баҳси барибир Суҳробнинг фойдасига ҳал бўлди.

Бу онда Моҳина кампирнинг дарвозасидан нарироқдаги муюлишда кечаси билан турган сариқ «Жигули» жойидан жилиб, ўрнига чап қаноти сал пачоқланган оқ «Тико» келиб тўхтади. Сариқ «Жигули»даги икки йигит дискотекадан ярим тунда чиққан Суҳробни кузатиб келиб, мижжа қоқмаган эди. Кутиш азобининг навбати энди «Тико»-даги йигитларга қолди. Ярим соатдан сўнг дарвоза эшиги очилганда улар сергакланишди. Моҳина кампир кўринишши билан бу янгиликни рация орқали марказга маълум қилиб, кузатишни давом этишди. Улар кутаётган одам – Суҳроб салкам уч соатдан сўнг кўринди. У хотиржам равишда кўчага чиқиб, дарвоза эшигини қулфлади-да, калитни чўнтагига солиб, катта кўча томон юрди.

– Жуда хотиржам-ку? Атрофига аланглаб ҳам қўймади, – деди кузатаётганларнинг бири.

– Учдан бири: ё ҳеч нарсани билмайди, ё лақма, ё ўзига ҳаддан зиёд ишонади, – деди иккинчиси сўнг рация билан боғланди: – Мен тўртинчиман. Объект кўринди. Гулистон кўчаси бўйлаб кетяпти. Изидан борамиз.

Суҳроб қандай касофатга аралашиб қолганини, милиция томонидан ҳар бир ҳаракати кузатилаётганини ўйлаб ҳам кўрмаганди. Кеча Ражаб бир меҳмонни кутиб олишни илтимос қилди. Кимлигини айтмади. «Ўзи сени танийди. Катта соатнинг тагида турсанг, келиб кўришади. Кейин таксига ўтириб, бизникига бошлаб келаверасан», деб кира ҳақини ҳам берган эди. Эрталаб бувисининг уйғотиб хархаша қилишидан тинчи бузилган Суҳроб яна икки соат ухлаб олган бўлса ҳам аъзойи бадани қақшаётгани учун кўчага чиқишни ҳам истамаганди. Кеча Ражаб «Яқинда омадинг кулиб бахтиёр бўлиб қоласан», деб кўнглида умид чироғини ёққани учун ўзини ўзи мажбурлаб, буюрилган вазифани бажаришга отланди. Катта кўчага бурилишдаги дўконга кириб бош оғриғини босиб чиқди. Сўнг троллейбус кутди. Йигирманчи троллейбусга чиқиб темир йўл шоҳбекати томон йўл олгани рация орқали марказга маълум қилинганда у ердагилар Суҳробнинг мақсадини англагандай бўлишди. Бир соатдан сўнг келиб тўхтайдиган «Душанбе-Москва» поездини кутиш учун кетаётганига шубҳа қолмади. Поездда ким келади? Маҳманёровми? Қора дори олиб келиб топширадими? Ҳар ҳолда шоҳбекатда топширмаса керак. Унда қаерга боришади?

Суҳроб шоҳбекатда поезд келишини кутаётганида марказдагилар шу саволларга жавоб топиш билан банд эдилар.

Поезд келди.

Кетди ҳам.

Катта соат тагида турган Суҳробга ҳеч ким яқинлашмади. Бундан Суҳробнинг ўзи ҳам, кузатаётганлар ҳам ажабланишди. Бесабрлик билан чекавериб сигарет қутисини яримлатган Суҳроб охири «Ражаб мени лақиллатибди» деган хулосага келиб ғазабланди-да, яна троллейбусга ўтириб, изига қайтди.

Бувисининг «узилган телефон кабели» учун берган пули асқотиб, пивохонада кечгача ўзини овутиб ўтирди. Кўчада ҳаракат сийраклашиб, дискотека атрофи гавжум-

лаша бошлаганида Шуҳрат келди. Суҳроб жойидан жилмай, унга қўл узатиб кўришди:

– Энди келмассан, қоранг ўчиб кетгандир, деб ўйлаётувдим.

– Каттани энг катта чақиртирган экан, келишини кутдим. Бугун адам билан орани очиқ қилиб олдим.

– Уришиб қолдингми?

– Йўқ, милисадан бўшашимга розилик олдим. Ҳозирча катта бозордаги «стоянка»ни берадиган бўлдилар. Паттачиликни сенга атаб қўйдим.

Суҳроб бу марҳаматдан оғринди. У катта бозордаги «стоянка» деб номланмиш қўналға майдонидан тушадиган фойдани чамалай оларди. Паттачининг топар-тутари ёмон эмаслиги ҳам унга маълум эди. Шунга қарамай бу вазифани ўзи учун ор деб билиб пешанасини тириштирди:

– Паттачилигингни пишириб е! Индамасам жа-а тупроққа қориштириб юборасан-а? Мен балчиқдан чиққан шумшук эмасман. Аданг бу ерда додахўжа бўлса, менинг адам билан ойим Америкада олимлик қилиб юришибди, сенинг сарқитингга муҳтожлигим йўқ.

Шуҳрат «Ростданми? Зўрсан-ку?» деган маънода унга истеҳзо билан қараб кулимсиради-да:

– Унда тенг шерикликка олайми? Бунинг харажати бўлади, чидайсанми? – деди жиддийлашиб.

Бувисининг пулига қарам бўлиб қолган йигитга харажат ҳақида гапирилиши дарё гирдобига тушиб қолган ночор одамдан ёрдам сўрашдай кулгили ҳол эди. Суҳроб ўзини гирдобда эканини билса ҳам ночорлигини тан олишни истамасди. Ҳозир Шуҳрат «харажати бўлади, чидайсанми?» деб шу ночорлигини атай эслатгандай туюлди-ю, ғазабланганини яширмай унга ўқрайди:

– Сен олдин ўзингни эплаб ол. Эрта-индин бир иш бошлаяпман, чидасанг, сени шерикликка олишим мумкин.

Шуҳрат унинг ғазабланганини сезмагандай, гапидан астойдил қувонгандай жилмайди:

– Бўлди, гап йўқ! Мен милисадан эсон-омон бўшаб олай. Иккаламизнинг ишимизни тарозига солиб кўрамиз. Қайси бири зўр бўлса, ўша томонни урамиз. Шарт битта бўлади: сеники зўр чиқса, харажатдан сен кечасан, меники зўр чиқса, мен кечаман.

Бу тантиликдан кейин иккови дискотека томон юрди. Дискотекада узоқ қолишмади. Буфетдан «Фанта» олиб ичишаётганда Шуҳрат рақсга тушаётганларга қараб чалғиди-ю, эшик томонда Ражаб кўриниб, Суҳробни имлаб чақирганини сезмай қолди. Ражаб олдинлари ҳам худди шундай имлаб, ёнига чақириб оларди-да, бирон бир мижоз ҳақида гаплашарди. Шу боис ҳам Суҳроб ҳозирги чорловдан ажабланмади. Аксинча, Шуҳратни таажжубда қолдириб «Ҳозир келаман», деганича кўча томон юрди. Шуҳрат Суҳробнинг бу ҳаракати замирида кутилмаган сир борлигини сезса-да, ўша заҳоти изидан эргашишга иккиланди. Бир неча дақиқалик иккиланишдан сўнг тайин бир қарорга келиб кўчага чиқди.

Атроф кимсасиз эди. Менглиевнинг гапига кўра шу атрофда кимдир бўлиши шарт эди. Аммо ўша «кимдир» ҳам кўринмади. «Устоз адашган, шекилли, одам қўйишга улгуришмагандир?» деб ўйлаган Шуҳрат Суҳробнинг пайдо бўлиб қолишига умид қилиб турди.

Менглиев адашмаган эди. Зарурат туғилган онда Шуҳратни ҳимоя қилувчи одам Ражабнинг ичкарига тезгина кириб чиққанидан сергакланиб, бу ҳақда марказни огоҳлантираётган онда Суҳроб пайдо бўлганди. У пивохона томон юрган Ражабга эргашганида кузатувчи ўша ерда гаплашиб олишса керак, деб ўйлади. Аммо Ражаб ҳам, изидан бораётган Суҳроб ҳам пивохонани четлаб ўтиб қоронғу кўчага бурилдилар. Шошилганича уларга эргашган кузатувчи машина эшикларининг ёпилганини эшитди. Чироқлари ёқилмагани учун машина рақамларини кўра олмади.

Ражабнинг бу сирли ҳаракатидан ажабланган Суҳроб машинага ўтириши билан:

– Ҳа, тинчликми, ит қувлаган гадойдек ҳовлиқиб қолдинг? – деб сўради.

– Ит қувлаган гадой мен эмас, сенсан, аҳмоқ! – деди Ражаб жеркиб.

– Ҳа, мен аҳмоқман. Бугун мени росманасига аҳмоқ қилдинг. Меҳмонингни икки соат кутдим, – деди Суҳроб.

Ражаб унга жавоб қайтармади. Манзилга етгунча индамай борди. Шаҳардан ташқарига чиқишганда Суҳроб ташвишланди, бироқ қўрқувини ошкор қилиб қўймаслик учун жим кетаверди. Қачонлардир катта жамоа хўжалигининг молхонаси бўлган озлоққа етишганда машина тўхтаб, аввал ҳайдовчи тушди. Бостирма томон бориб келиб, Ражабга:

– Бу ёғи бехит, тушаверларинг, – деди.

Суҳроб Ражабдан кейин тушиб, унга эргашди. Бостирмада одам қораси кўринди. Суҳроб аввалига унинг кимлигини ажрата олмади. Бетон охур ёнида тўхташгач «Келдингми итнинг ялоғи?» деган овоздан Максни танида. Кўнгли бир шумликни сезиб, тиззалари қалтирай бошлади.

– Келишга келдим-у, лекин нега келганимга тушунмай турибман, – деди.

– Ҳозир чиққан жойингга кирғизворганимдан кейин тушунасан, – деди Макс таҳдид оҳангида.

Суҳроб: «Нима гуноҳ қилдим? Қарзимдан қутулганман. Секин-секин мижоз топяпман», – деб ўзини оқлай бошлади. Макс эса унинг гапларини эшитишни ҳам истамади:

– Сен ахлат ошнангга ишониб, бизга хиёнат қилдинг.

– Ошнам мени алдамайди. Бугун ишдан бўшайман, деб ариза берган. Мен бир ҳафтада уни игнага ўтқазиб бераман.

Суҳроб шундай дейиши билан жағига мушт тушиб, гандираклаб кетди. Муштнинг кичиклиги ва заифлигидан Макс урганини билди.

– Ахлат ошнангни қорадорига аралашгани учун икки йил олдин академиядан ҳайдашганмиди? Бизни шундай деб лақиллатувдингми? Ҳа, ошнанг сени алдамайди, биз ҳам сен валакисалангга ишониб кетаверамиз.

Академия эса «лақманинг синфдоши ҳайдалмаган, яхши ўқиб битирган», деяпти-ку, нима қилайлик, кимга ишонайлик?

– Билмайман, мен бориб текширганим йўқ, – деб ғўдиранди Суҳроб.

– Сен текширмаган бўлсанг, биз текширдик. Бугун орқангдан одам тушганини билмадингми, хунаса! «Кўчамда бир ёни пачоқ «Тико» нима қилиб турибди?» деб ўйлаш учун ҳам ақл керакми?

Суҳроб бу машинани кўрган, лекин аҳамият бермаган эди. Ҳозир «Ростдан ҳам изимга тушишганми? Шунинг учун вокзалда ҳеч ким менга яқинлашмадими?» деб ўйлаб, юраги қўрқувдан тўхтаб қолаёзди.

– Энди тўғрисини айтасан бизга: ахлат ошнанг сендан нимани сўради?

– Ҳеч нима. Милисадан бўшаб, катта бозордаги стоянкани олар экан, шуни айтди.

– Нашани қаердан олишингни сўрамадими?

– Сўрамади.

– Чўпчагингни аммангнинг эрига бориб айтасан!

Суҳробнинг жағига яна мушт тушди. Бу сафар мушт каттароқ, зарбаси ҳам кучлироқ эди. Ражаб муштладими ё машина ҳайдовчисими, Суҳроб сезмай ҳам қолди. Ёнбошига йиқилиб, чаккаси бетон охурга урилди. Ҳушини йўқотаётган пайтда томоғидан тепки еб хириллаб қолди.

Шундан сўнг...

Қоронғи бостирма бирдан ёришди. Ён атрофида Макс ҳам, Ражаб ҳам кўринмади. Ҳатто молхона ҳам кўздан йўқолиб, жазирама саҳро барханлари кўринди. Қум тепалигидан бир одам тушиб кела бошлади. Суҳроб диққат қилиб қаради: адаси! Адасини от қилиб миниб олган бола эса... ўзи! Болалигида адаси уни елкасига миндириб олиб ўйнатарди. Лекин... бу саҳро қаердан пайдо бўлди? Бир бархандан тушиб келган адаси иккинчисига кўтарила бошлади. Шу онда иккинчи бархан тепасида қучоқ очиб турган бувиси кўринди. Кейин бувисининг ғазабли овози жаранглаб, саҳрони тўзитиб юборди:

«Келиб-келиб рўзанинг биринчи куни ўғирликка тушасанми, уйинг куйгур! Мен бу пулларни ўлимлигимга деб йиғятувдим, илойим ўлимлигингга буюрсин!»

Суҳроб бувисининг бу қарғишини пулни ўғирлаган куни ўз қулоғи билан эшитган эди. Ҳозир қайта-қайта жаранглаб, акс-садо бераверди:

...уйинг куйгур!

...ўлимлигимга деб йиғятувдим, илойим ўлимлигингга буюрсин!

...ўлимлигингга буюрсин...

Бувисининг ғазабли товуши сўнди. Қарғиши ҳам қумга сингиб кетгандай бўлди...

Бувисини бепоён саҳро ютиб юборгандай бўлиб, кўзга кўринмай қолди.

Энди саҳро сукутини Макснинг овози бузди:

– Нима бўлди? Ўлиб қолдими?

– Шунақага ўхшайди...

– Хириллаяпти-ку?

– Хирилламаяпти, тинчиди.

– Хашакнинг устига ташлаб, ёқиб юбор, туққан онаси ҳам танимайдиган бўлсин.

Суҳроб узоқдан эшитилаётган бу гапга жавобан «мен тирикман!» деб ҳайқирмоқчи бўлди. Овози чиқмади...

Одамлар Қадр кечаси неъматларидан баҳраманд бўлаётган онда Суҳроб жон таслим қилган, жасади эса куйиб кетган эди.

Уч кун ўтгач, эчкисини ўтлатиб юрган кампир унинг ирий бошлаган мурдасини кўриб қолди. Кийимларидан тушиб қолган уй калити туфайли мурданинг кимлиги аниқланди. Унга қадар эса...

ЎША КУНИ, НЬЮ ОРЛЕАНДА:
Қуёш томон учган одам

Ярим тунда келган Вилли Браун машина эшигини очиб, бир оёғини ерга қўйди-ю, аммо ташқарига чиқиб қаддини кўтаришга қуввати етмади. Йиқилиб тушишдан қўрқиб Жўрани чақирди. Жўра уйғоқ эди. Авваллари бу малла

майхўрни ё опичиб, ё қўлтиғига кириб, уйига олиб чиқиб қўярди. Муҳтожлиги ва иложсизлиги важҳидан қарз сўраганида ундан эшитган гапларни ҳазм қила олмади. Уни кўргиси ҳам, алмойи-алжойи гапларини эшитгиси ҳам келмай қолди.

Жўрадан дарак бўлавермагач, Браун машинасидан бир амаллаб тушиб, гандираклаганича юра бошлади. Уй эшигига етгунича икки марта йиқилиб, сўкинди. Остона ҳатлагач, зина остидаги бошпанага қараб, Жўрани яна чақирди. Жавоб бўлмагач, баралла сўкиниб, зинага оёқ қўйиши билан гурсиллаб йиқилди. Шундан кейин Жўра кулбасидан чиқишга мажбур бўлди. Браунинг лаби зина қиррасига урилиб, қонай бошлаган эди. Жўра уни уйига олиб чиқди-да, сочиқни муздек сувда намлаб, лабига босди. Браун одати бўйича вайсашини бошлагач, «ҳозир келаман» деган баҳонада изига қайтди.

Тонгда одати бўйича туриб, вазифасини бажарди. Кун ёйилганда Браунинг машинаси ёнида полис машинаси тўхтаганини кўриб, «Заринани қайтариб олиб келишдимикан?» деган умидда қараб қолди. Машинадан тушган икки полис ходими Жўрага таниш эди. Зарина қамалган куни келиб зина остидаги бошпанасини тинтиб чиққан бу икки полиснинг яна пайдо бўлишидан ташвишланди. Лекин парвосиз равишда ёнидан ўтиб, уйга кириб кетишгач, хотиржам бўлиб, майсазордаги ишини давом эттирди. Ярим соатлардан сўнг полиснинг бири ташқарига чиқиб, Жўрани чақирди. Жўра яқинлашганда «қўлларингни узат!» деб буюрди. Жўра нима учун қўлларини узатиши кераклигининг сабабини сўрашга улгурмай билагига кишан урилди. Иккинчи полис бу пайтда зина остидаги кулбани тинтув қилишни бошлаб юборган эди. Кутилмаган бу кулфатдан гангиб қолган Жўра: «Яна кокаин қидиряпсизми?» – деб сўрашга ўзида куч топди.

– Йўқ, – деди полис, сўнг пичинг билан қўшиб қўйди: – атом бомбаси ҳам қидирмаяпман. Нима излаётганимни ўзинг биласан. Агар бизни қидиртирмай ўзинг олиб бersанг, суд бу марҳаматингни ҳисобга олади.

– Нимани?

– Мистер Браунниинг уйидан ўғирлаб чиққан пулни айтяпман, хўш, қаерга беркитдинг?

Бунақа пайтда «ҳазиллашяпсизми?» ёки «жинни бўлганмисиз?» дейиш ҳам ўринли. Бу юртда оз бўлса-да яшаб одатларини тушуна бошлаган Жўра уларнинг ҳазиллашмаслигини, жинни ҳам эмаслигини биларди. Шу сабабли таажжубини қандай изҳор этишни билмай соқов одам ҳолатида тураверди. Полис бу сукутни «гуноҳига иқрор бўлди» деган маънода англаб, кўзларига тикилганича жавоб кутди.

– Пул қаерда? – деди орқа томонда турган полис унинг курагига қаттиқ туртиб. Кутилмаган зарбадан Жўра қалқиб кетди. Иккинчи полис елкасидан ушлаб қолмаганида йиқилиб тушиши аниқ эди. Полис уни йиқилишдан асраб қолиш учун ушлаб қолмаганди. Чап қўли билан елкадан ушлаган полиснинг ўнг мушти Жўранинг қорнига тушиб, энкайтириб қўйди. Шундан сўнг иккала полисда инсоф фазилати уйғондими ё иқрор учун икки мушт кифоя деб ўйлашдими, ҳар ҳолда бошқа уришмади.

Зинапояда қадам товушлари эшитилгач, Жўра қаддини кўтариб чуқур-чуқур нафас олди. Ёрилган лабига малҳамқоғоз ёпиштириб олган Браунни кўриб, унга нажот-талаб кўзи билан қаради-ю малланинг авзойида шафқат нурини илғамади. Дод деб юборгиси келди, бироқ бу нола томоғидан ўтмади, хириллаган овоз чиқариш билан чекланди. Сўнг ундан кўзини узмаган ҳолда деди:

– Мистер Браун, тушунолмай қолдим: менга нима учун туҳмат қиляпсиз? Мен сиз билан амал талашмаётган бўлсам, обрў талашмаётган бўлсам. Шу кулбадан бошқа ҳеч нимам бўлмаса... Мени йўқотиш сизга нима учун керак бўлиб қолди?

– Сени йўқотишми? Жиноятчи қамоқда ўтириши керак. Мен ҳам ҳайронман: пулни ўғирлабсан, майли, лекин мени нега урдинг? Қаршилик қилдимми?

– Мен сизни... урибманми? Мен умримда бировга қўл кўтармаганман.

– Унда лабим ўз-ўзидан ёрилдими?

– Ахир... эсингизда йўқми? Мана шу ерда, шу зинага йиқилиб тушдингиз. Мен сизни кўтариб уйингизга олиб чиқдим. Оқаётган қонни тўхтатдим. Сочиқни муздек сувда намлаб босдим.

– Шу ерга йиқилдими? Лаби шу ерда ёрилдими? Унда қон излари қани? – деб сўради полис.

– Мен... зиналарни ювганман.

– Нега ювасан? Жиноят изларини беркитиш учунми?

– Қанақа жиноят изи?.. Мен ҳар куни уч марта ювaман бу зиналарни. Бугун тонгда ювганман.

– Сен ҳам ўғри, ҳам зўравон, ҳам ёлғончи экансан, – деди Браун нафрат билан. – Лекин мен бундан ажабланмайман. Чунки ёлғончи бўлмасанг, ўғирликни эплай олмас эдинг. Сен катта хатога йўл қўйдинг. Шу пулни сенга ёрдам учун бермоқчи эдим. Энди ўзингдан кўр. Ҳозир қайтармасанг, турмада ўлиб кетасан.

Полис кулбани титишни давом эттирмоқчи эди, Браун уни тўхтатди:

– Бу ердан қидиришнинг фойдаси йўқ. Ўғирлашни билган одам яширишни ҳам билади. Олиб кетинг. Иқрор қилишнинг йўлларини ўзингиз биласиз.

Гарчи Брауннинг полисга буйруқ беришга ҳаққи бўлмаса-да, жабрланувчи сифатидаги гапи уларга маъқул келиб, Жўрани машина сари судрашди.

Панжара ортига ташланган Жўра қўрқинчли туш кўраётгандай сесканиб-сесканиб тушарди. Бу юртга келмасидан аввал ширин тушлар кўрарди. Ҳатто бир марта рангли туш кўриб, иқболи кула бошлаганига ишонч ҳосил қилган эди. Энди ширин тушлар чекиниб, кулфат тушлари ҳукм юрита бошладими?

Кошки эди булар туш бўлса!

Бундан баттар кулфатларга ҳам дош бера оларди.

Уйқудан уйғониши билан даҳшатли туш исканжасидан қутулиш мумкин.

Бу исканжадан қачон қутулади?

Тергов давом этарди. Бир хил саволларга бир хил жавоб бераверіб чарчади. Браунинг уйида унинг бармоқ излари мавжудлигини, кўйлагида эса Браунинг қони қотиб қолганини сержант далил сифатида келтирарди. Пулга муҳтож бўлиб қарз сўраганини, ҳатто Майкл Антонийга мурожаат қилганини айтганда Жўра ажабланди:

– Мен унақа одамни танимайман, – деди.

– Нега танимайсан? Мусулмонларнинг ибодатхонасига бормаганмисан?

– Борганман... Лекин Антоний деган одамни кўрмаганман. Мен Муҳаммад Абдуллоҳ билан гаплашганман.

– Муҳаммад Абдуллоҳ деганинг Антонийнинг ўзи. Пулга муҳтожлигингни у ҳам тасдиқлади.

Бу далилларнинг биронтасини рад этишга Жўранинг қурби етмасди. Полис қўлида чўқмор вазифасини бажараётган далилларни қуруқ сўз билан даф этолмасди. Охирги сўроқдан сўнг сержант «Бугун тиниқиб ухлаб ол, эртага суд тақдирингни ҳал қилади», дегач, аянчли тақдирининг хотимаси не бўлажагини ўйлаб, мижжа қоқмай тонг оттирди.

Эрталаб уни чақириб, панжара эшигини очишганда судга олиб кетишяпти деб ўйлаб, қўрқувдан баданини муздек тер босди. Нафаси сиқилиб, кўз олди қоронғилашди. Шу онда қулоғига Браунинг овози эшитилгандай бўлди. «Ҳушимдан кетяпманми, алаҳсираяпманми?» деб ўйлади.

Йўқ, ҳали ҳушидан кетмаганди. Алаҳсирамаётган ҳам эди. Тўсиқ ортида чиндан ҳам Браун гапираётганди. Бир неча дақиқадан сўнг Жўра озод этилганини эшитиб, қулоқларига ишонмади.

– Англашилмовчилик юз берибди, – деди Браун узр оҳангида. – Пулимни ўша тун Жаклиннинг уйида қолдирган эканман. Таниш: бу хоним менинг хотиним, сенларнинг тилларингда никоҳсиз хотиним.

Сочларини тилла рангга бўяб олган кўҳликкина жувон жилмайиб, Жўрага қўл узатди.

– Сиз Виллини кечиринг. Асосий айб менда. Виллини кузатганимдан кейин мен Канадага учган эдим. Кеча кечқурун қайтсам, жавон тепасида пул турибди. «Нега пулларингни олиб кетмадинг?» деб телефон қилсам, бу нохуш воқеани айтиб берди.

Кечирса-кечирмаса бўлар иш бўлиб ўтган эди. Энди вовайло айтмоққа не ҳожат? Жўра кўчага чиқиб қаерга боришни билмай гангиб турганида Жаклин биргаликда нонушта қилишга таклиф этди. Бу онда Жўранинг томоғидан бир қултум сув ҳам ўтмас эди, шу боис лутфан қилинган таклифни рад этди. Браун бу рад жавобини қабул қилмай, уни билагидан ушлаб, машинага бошлади.

Кичикроқ қаҳвахонага боришиб, ичкари кирмай айвонида ўтирдилар. Жўра ўзини зўрлаб бир тишлам ширин нонни юта олди. Қаҳва ичмади. Илтифотлари учун раҳмат айтиб ўрнидан турмоқчи бўлганида Браун уни тўхтатди.

– Бугунча ишингга бормасанг ҳам бўлади. Хўжайининг ўрнингга бошқа одам олибди. Сен ташвишланма. Бугун ё эртага бошқа иш топиб бераман. Унгача уйингда ётиб туришинг мумкин. Бугун эрталаб мен уй хўжайинидан рухсат олдим.

Жўра пиёда кетмоқчи эди, Браун қўярда-қўймай машинасига ўтқизди. Уйга етгач, «ишлатиб тур», деб бир даста пул берди. Жўра пулга қараб ҳам қўймай машинадан тушди. Зина остидаги кулбасига қандай етиб борганини билолмади. Нафаси сиқилди. Аввал курагида, сўнг ошқозонида қаттиқ оғриқ қўзғалди. Кулба эшигини очди-ю тинтувдан сўнг йиғиштирилмай қолган ўринга ўзини ташлади. Аввалига осмонларда учаётгандай бўлиб роҳатланди. Сўнг ерга қайтиб тушиш ўрнига янада юқори учаверди – Қуёш томон учди. Оқибатда бадани куя бошлади...

Шомга яқин уйга Муҳаммад Абдуллоҳ яқинлашиб янги фаррошдан Жўрани сўради.

– Ҳали келган эди, уйида ётибди, шекилли, – деган жавобни эшитиб, ўша томон юрди.

Муҳаммад Абдуллоҳ пешиндан сўнг Заринанинг аҳволи билан танишиш учун полис маҳкамасига борган, бирон тайинли гап эшитмагач, Жўрадан хабар олгани у ётган маҳкамага ҳам ўтган эди. Эрталаб озод этилганини эшитиб, шукрона айтиб қувонганича бу томон келганди.

Кулбага яқинлашиб, Жўрани чақирди. Жавоб бўлмагач, эшикни очиб ичкарига қаради. Жўранинг ҳаракатсиз ётганини кўриб, шошилганича иягига кафтини қўйди. Сўнг «инна лиллаҳи ва инна илайҳи рожиун», деб пичирлаганича очиқ қолган кўзларни кафти билан юмдирди-да, мурданинг жағини боғлаб қўйди.

Оқибат

Осмон чиройини очиб турган оппоқ булут парчалари тўзиб кетди. Бирдан кўтарилган кучли шамол фалакни фитнага солаётган қора булутларни суриб келди. Фитна даракчиси бўлмиш момақалдироқ еру кўкни ларзага солди. Худди шуни кутиб тургандай ўн карнай, тўрт сурнай, икки ноғора, олти чилдирма жўр бўлиб ғалати оҳангни бошлади. Осмонда момақалдироқ, ерда кибр даракчилари бўлмиш карнай-сурнайлару ноғора-чилдирмалар баҳси бошланиб, осмондаги фитнадан ердаги кибр устун келди – қоп-қора булутлар бир томчи ҳам ташламай сузиб кетдилар.

Яна қуёш чарақлаганини кўрган Моҳина кампир қувонди. Кечқурун мағзавага уйитиб қўйган кирини ювиб қўймоқчи бўлди. Тоғорани кир ўра яқинига қўйиб иш бошлаганида ўра ўпирилди-ю кампир ўзини биқсиб ётган мағзава ичида кўрди. Ҳарчанд уринмасин, исқирт ўрадан қутулиб чиқолмади. Нафаси қайтиб ўлай деганида...

Чўчиб уйғонди...

Хайрият, туши экан...

Моҳина кампир ёстиққа тирсагини тираб қаддини бир оз кўтарди-да, қўрқувини ҳайдаш учун кўкрагига туфлаб қўйди. Ҳали тонг отмаган эди. Шу боис ўрнидан турмади. Бошига рўмолини ташлаганича ўрин устида чўкка-

лаб ўтираверди. У ҳеч қачон ёлғизликдан қўрқмаган, сиқилмаган эди. Ҳозир ҳовлидаги чироқ нури тушиб турган бўлса-да, атрофини зулмат босгандай юрагига қўрқув оралади. Набирасини чақирди. Бироқ, заиф овози дераза ойнакларига урилиб, сўнди. Яна чақирди. Кейин «Худо олсин бунақа тушни, шунга қўрқяпманми?» деб ўзини ўзи овутди. Ўрнига чўзилди. Кўзларини юмди. Чап кўкрагида ярадор қуш потирлагандай бўлди. Бунақа пайтда кексалик ёшига етиб, охиратни ўйлаб қолган одам калима келтиргувчи эди. Тушида кир ўрага йиқилган Моҳина кампир эса ўлимни ўйлаб ҳам кўрмади, аксинча, кўрган тушини йўйиш билан банд бўлди. «Тушида ҳожатхонага тушиб кетган одам ўнгида бойиб кетади», дейишарди. Кир ўра ҳам балки шунақадир. Балки Америкадаги қизим бойиб кетгандир?» деган ўй ўзига маъқул келиб, кўнгил хиралиги бир оз тарқалганда дарвоза эшиги ғийқиллаб очилди. «Суҳроб келди, шекилли, бу дайди болани отаонаси олиб кетса яхши бўларди», деб ўйлади. Суҳроб келганда зиналарни босиб, уйига кириб кетгувчи эди. Бу сафар унинг қадами товушлари эшитилмади. Бундан ажабланган кампир қаддини кўтараётганда ташқаридан «Опоқи!» деган овоз келди. Моҳина кампир қўшни аёлнинг овозини таниб, шошилганича ўрнидан турди:

– Рухсора, сизмисиз, ярим кечада нима бўлди, тинчликми? – деди деразанинг бир қаватини очиб.

– Сизга Америкадан телпон қилишяпти. Сизга тушишолмаётганмиш, – деди аёл уйқули овозда.

– Телпоним ўлгур ишламаяпти, сими узилган эмиш, жувонмарг бўлгурлар пулни еб кетганми, шу пайтгача улашмаяпти, – Моҳина шундай деб жавраганича ташқарига чиқди-да «Зарина телпон қиляптими?» деб сўради.

– Заринамас, кимлигини танимадим.

– Зарина бўлмаса эридир-да?

– Куёвингизмас, отини бир нима деди-ю, лекин яхши эшитолмадим.

Моҳина оёғига эски калишни илиб, қўшни аёлга эргашди. Телефон гўшагини қулоғига тутиб, «Ҳов, ким бу?»

дейиши билан «Ассалому алайкум, кеннайи, бу мен Ҳамробекман», деган овозни эшитди.

– Ҳамробек, ҳа, ярим кечада нега ҳовлиқиб телпон қиляпсан? – деди. – Зарина ёнингдами?

– Заринами? Йўқ... – Ҳамробек шундай деб жим бўлди. Кейин иккиланган оҳангда қўшиб қўйди: – Ҳали чиққани йўқ...

Бу гапга кампир тушунмади. «Телпон қиладиган жойга чиқмадими?» деб ўйлади:

– Ўзи чиқмаса эри чиқса ўлармиди?

– Заринанинг суди ҳали бўлмади.

Бу гапни эшитган кампирнинг баданига муз югурди:

– Қанақа суд? Довдираяпсанми?

– Довдираганим йўқ. Куёвингиз айтмадиларми?

– Нимани айтади? У лаллайган бир гап айтгунича қиёмат бошланиб, тамом ҳам бўлади-ку? Чайналмасдан гапирсанг-чи!

– Заринани қамаб қўйишган.

Унча-бунча шумхабарга довдирамайдиган кампир бу он тилдан қолгандай бўлди. Ҳамробек унинг бу аҳволини сезгандай шошилганича далда беришга киришди:

– Кеннайи, хавотир олманг, англашилмовчилик бўлди. Эрта-индин чиқиб, уйга кетади. Унгача маслаҳатлашадиган зарур гап бор. Айтаверайми?

– Юрагимни қон қилиб юбординг-ку! Айтсанг айт! – деб бақириб юборди кампир.

– Куёвингиз... ўлиб қолди...

Моҳина кампир куёвини ёқтирмагани билан бу хабарни эшитиб йиғлаб юборай деди. Ҳамробекка гапиришга ҳоли ҳам қолмади.

– Кеннайи, нима қилайлик, бирор қариндоши келиб олиб кетадими ё ўзингиз беш-олти минг доллар юборсангиз... Кеннайи, эшитяпсизми?

Моҳина кампир эшитаётган эди. Лекин Ҳамробекнинг овози тобора узоқлашиб борарди. Кўз олдини эса зулумот қопларди. У телефон устига мук тушди. Рухсора уни ушлаб қолишга улгурмади.

Моҳина кампирнинг юраги катта харажат дарагини эшитгач ёрилдими ё куёвининг вафоти ҳақидаги шум хабарданми – Худо билади. Ожиз бандага сир бўлиб қолувчи ҳақиқатни кампир ўзи билан гўрга олиб кетди.

Моҳина кампирни маҳалла аҳли дафн этди.

Тўрт кундан кейин ўликхонадан Суҳробнинг жасади олиб чиқилиб, унинг ёнига кўмилди.

Дафн маросимида қатнашган Шуҳрат одамлар тарқалиб кетганидан сўнг ҳам Суҳробнинг қабрига тикилганича туриб қолди. Энг кичик жиноятнинг бундай якун топиши унинг учун мутлақо кутилмаган ҳол эди. Суҳроб билан унинг орасида қадрдон дўстлик робитаси йўқ эди. Шундай бўлса-да, унинг қисматига ачинди. Суҳробнинг бундай ўлим топиши мумкинлигини ўйлаб ҳам кўрмагани, дискотекадаги сўнгги кечада зийраклик қила олмагани учун ўзини ўзи айблади. Энг муҳими, биринчи мустақил ишининг муваффақиятсизлик билан тугаши уни руҳан эзаётган эди. У «Иш» омадсизлик билан якунланди», деб янглишаётган эди. «Иш»нинг янада мураккаблашгани, гиёҳвандлик қаторига энди қотиллик ҳам қўшилгани, бу жиноятларни очишдаги иштироки давом этажагини жанозадан қайтиб боргач, бошлиғи капитан Менглиевдан эшитгандан сўнг, кўнгли бир оз таскин топади. Орадан кўп ўтмай катта миқдорда мол олиб ўтаётган наркокурьер бу шаҳарда эмас, жанубда, тоғлар орасидан ўтаётганида қўлга тушади. Бир ҳафтадан сўнг эса Суҳробнинг қотиллари қамоққа олинади...

ЯНА НЬЮ ОРЛЕАНДА:
Эгасиз ўлик

Жўранинг мурдаси олиб кетилгач, Муҳаммад Абдуллоҳ полис ходими берган саволларга жавоб қайтарди-ю масжидга шошилди. Пешин намозидан сўнг ёлғиз қолиб, нима қилиши лозимлигини ўйлади. Жўранинг адолатсизлик ҳақида куйиниб гапираётиб ҳамшаҳрини тилга олганини эслади-да, Ҳамробекни излаб кетди. Катта дўконга кираверишдаги майдончада кутиб турган Муҳаммад Аб-

дуллоҳ Ҳамробек чиқиб ўзини танитгач, унга «ўша беоқибат сизмисиз?» деган маънода қараганича шум хабарни маълум қилди. Буни эшитган Ҳамробек гангиб, довдираб қолмади. Чўнтагидан телефонни чиқарди-да, «ҳозир» деганича Моҳина кампирнинг рақамини терди. Уч қайта рақам териб боғлана олмагач, кампирнинг қўшнисига қўнғироқ қилиб, шум хабарни етказди. Кампирнинг бирданига жим бўлиб қолишидан, атрофдан эшитилган хавотирли гаплардан қандай кулфат юз берганини англаб, Муҳаммад Абдуллоҳга қараганича жим қолди. У рақам тераётганда ҳам, гаплашаётганда ҳам сукут сақлаб турган Муҳаммад Абдуллоҳ бу сафар ҳам шошилмади – кутди.

– Кампир ўлиб қолди, шекилли? – деди Ҳамробек. – Тўхтанг, яна аниқлай...

Муҳаммад Абдуллоҳ «ҳа, албатта аниқланг», дегандай бош ирғаб унинг қарорини маъқуллади. Тўрт-беш дақиқадан сўнг Ҳамробек кампирнинг қўшнисига яна боғланиб, янглишмаганига ишонч ҳосил қилди.

– Жўра акамизнинг бошқа қариндошларини билмайман, – деди Ҳамробек «энди нима қилдик?» деган маънода Муҳаммад Абдуллоҳга қараб. Кейин худди ўзига-ўзи гапираётгандай давом этди: – Қариндошларини топганим билан биронтаси келиб ўликни олиб кетадими ё йўқми? Балки... хотини чиққунича ўликхонада тура турсинми?

– Мумкин эмас, – деди Муҳаммад Абдуллоҳ унинг гапини бўлиб. – Майит тили қотмай туриб қабрга қўйилиши шарт.

– Унда... ҳукуматнинг ўзи... ёқиб, кулини кўмиб қўя қолар? Эгасиз ўликни шундай қилишади, деб эшитувдим.

– Астағфируллоҳ! – деб юборди Муҳаммад Абдуллоҳ. – Нега ундай дейсиз, биродар?! Нега эгаси бўлмас экан? Мусулмончиликда ўлик куйдирилмайди. Масжидимиз жамоати жаноза ўқиб, мусулмонлар мозорига ўзи дафн этади.

– Мендан қандай ёрдам керак? Кафанлик олиб берайинми?

– Сиз маҳбусадан хабар олинг, тирикнинг ғамини енг...

Муҳаммад Абдуллоҳ шундай деб изига қайтди. Ҳамробек «Жўра ака бу одамни қаердан топибди?» деган ўйда қолаверди.

Полис тиббий экспертизаси Жўранинг ўз ажали билан вафот этганини тасдиқлагач, жасад масжидга олиб келиниб, ювилиб, кафанланди. Йигирмадан зиёд мусулмон жаноза намозини ўқиб, нотаниш мусофирни дафн этди...

Муҳаммад Абдуллоҳнинг илтимоси билан холисона хизматга бел боғлаган адвокат уч кундан сўнг бўлиб ўтган суд жараёнида махбусанинг бегуноҳлигини исбот этгач, Зарина озод этилди.

Заринанинг тупроғи қуримаган қабр устида фарёд этишдан ўзга чораси йўқ эди.

Кўзларидан қон ёшлари оқизиб, юртига қайтди.

Қайтишидан икки кун олдин Моҳина кампирнинг уйига кутилмаганда ўт тушди.

Шуҳрат Моҳина кампирнинг долларга айлантирилиб беркитиб қўйилган пуллари ҳам борлигини тахмин қилиб янглишмаган эди. Бироқ, афсуски, бу тахмин тасдиғини топмади. Ёнғинда неча минг доллар пулнинг кул бўлгани сирлигича қолди...

МУАЛЛИФДАН

Аллоҳимга шукр!

Ният қилинган баён Раббимнинг марҳамати туфайли охирига етказилди. Ожиз бандаман, хато-камчиликларга йўл қўйган бўлсам, Тангри таоло ҳузурида тавба қиламан, сиз, азизлардан эса узр сўрайман.

Кўнглим сезиб турибди: Суҳробнинг қисмати шундай тугаши керак эди, дегувчилар оз эмасдир. Аммо Зарина билан Жўранинг тақдири бўйича баҳс юритувчилар топилса керак. «Четга чиқиб ризқини топиб юрганлар кўпку, ана, фалончи қариндошимиз Россияга бориб минг доллар ишлаб келди», дегувчиларга биз нима ҳам дея олардик? Дунё ҳаммага бир хилда кулиб боқавермайди. Ҳақиқат шуки, четга чиқувчиларнинг барчаси бойиб қайтаётгани йўқ. Маълум миқдорда маблағ топяптилар. Аммо узоқларда бир сент ёки бир копейка топмоқ учун меҳрга ташна юраклари юрт ва қариндошлар соғинчи билан қанчалар азоб чекаётганини уларнинг ўзлари биладилар.

Яқинда Россия телевидениесида кўрдим: «Газел» микроавтобуси ҳалокатга учраб, тирик жон қолмабди. Йўловчиларнинг барчаси қурилишда ёлланиб ишлаётган юртдошларимиз экан...

Бир йигит отасининг норозилигига қарамай Кореяга бахт излаб кетибди. Қуруқ чўнтак, аммо оғир хасталик билан уйига қайтибди. Отасининг топган пули уни шифолашга сарфланаётган экан...

Кўнгилни поралаб ташловчи яна бир воқеа: андижонлик бир жувон олти ойлик қизчасини сотмоқчи бўлаётганида ҳибсга олинибди. Россиянинг Екатеринбург шаҳрига бахт излаб борган бу аёл мазкур жиноятн учун камида ўн йил умрини қамоқда ўтказади. Бошқа бир жувон эса ўзи туққан боласидан қутулиш учун чақалоғини совуқ ўрмонда қолдирибди... Бунақа воқеалар кам учраётган бўлса-да, ҳар бири ҳақида маълумот эшитганимизда юракларимиз зириллайди. Бошқаларни билмайман, бироқ мен бу каби хабарларни эшитганимдан иснод гулханида куяман.

Яна баъзи биродарларимиз асарни ёзишдан мақсад – хорижни, хусусан, Американи ёмонлашдир, деб эътироз билдиришлари мумкин. Қўлга қалам олишда каминада бундай ният бўлмаган. Чунки ўзга мамлакатни ёмонлаш учун менда асос ҳам, ҳуқуқ ҳам йўқ. Кимгадир қайсидир жой ёқар экан, унинг кўнгил истагига қарши бориш бизнинг вазифамиз эмас. Яна бир ҳақиқат борки, Америка америкаликлар учун, Олмония немислар учун, Россия россияликлар учун суюмли ва қадрлидир. Яна ажабки, биздаги айрим одамлар Россияга ризқ излаб бораётган дамда, россиялик ўз бахтини Америкада қидиряпти. Америкадан Оврупога келаётганлар ҳам бор... Дунё шунақа ажабтовур бўлиб қолди. Ризқ ва бахт излаб дунё кезиб юрганлар айрим-айрим одамлардир. Уларга қараб миллатга баҳо бериб бўлмайди. Ҳозир Оврупонинг кўпгина мамлакатларида ризқ излаб келаётганларга қарши миллатчилик ҳаракатлари ҳам мавжуд. Бу ҳаракатларга қараб ҳам ўша миллатга баҳо бериш хатоликдир.

Айримларга бахт макони бўлиб туюлувчи Америка Қўшма Штатлари ҳақида кейинги юз йил ичида турли қарама-қарши фикрлар баён қилинган. Рус ёзувчиси Максим Горький бу мамлакатни «Сариқ иблис шаҳри» деб атагандан бери қарийб юз йил вақт ўтди. Бу вақт давомида Америка иқтисодий жиҳатдан янада бойиди, аммо маънавий жиҳатдан иблисга янада батарроқ қул бўлганини, майли, биз айтмайлик. Шу юрт адиби Рольф Эмерсоннинг фикрига қулоқ тутайлик: «Биз мансуб бўлган миллат оломонга айланиб қолди. Биз ҳанузгача комил инсонни кўра олганимиз йўқ. Унинг маънавий-руҳий ҳолатини ҳам ҳали тўғри тасаввур этолмаймиз. Комил шахсни фақат орзу қиламиз. Лекин у ҳақидаги хабардан нари ўтолмаймиз. Унга хос бўлган қувват ва сеҳрли қобилият биз учун мубҳам ва номаълумдир».

Рус ёзувчиларидан бири яқинда АҚШга борганида Кубадан қочиб ўтган муҳожирлар билан гаплашибди. Уларнинг биттагина гапини баён этсак кифоя қилар: «Биз

Кубада қашшоқ яшасак-да, бахтли эдик. Бу ерда ҳам қашшоқмиз, ҳам бебахтмиз».

Мазкур сатрлар ёзилаётган онда кимдир узоқ хорижда бахт излашни хаёл қилиб ўтиргандир. Биз уларнинг аввал ўйлаб, сўнг бу йўлга қадам қўйишларини истардик... «Ҳар ерни қилма орзу, ҳар жойда бор тошу турозу», деган мақолни унутмасак ёмон бўлмас.

Асарни ўқиб бўлганингиздан сўнг «шу воқеалар ростдан бўлганми ё ёзувчи тўқиб чиқарганми?» деб ўйлашингиз табиий. Ҳар ҳолда китобхонлар билан учрашувларда шундай саволларни кўп эшитаман. Шу боис, саволларнинг олдини олиб, айтиб қўя қолай: воқеалар тўқилмаган.

Фақат... Заринанинг тақдирини ўзгартириб ёзишга қарор қилдим. Аслида... Зарина Америкадаги полис турмасида вафот этган, мурдаси куйдирилиб, қутичадаги кули ҳамшаҳрига берилган эди. Қариндошининг кулини олиб келиб, ғойиб жаноза ўқиттирган, сўнг эса Моҳина кампирнинг ёнига кўмдирган одам бу аянчли воқеани менга ҳикоя қилиб берган эди. Мен у одамнинг асл исмини яшириб, асарда «Ҳамробек» деб қўйдим.

Шундай оқибатсиз одамларнинг мусофирликда ҳамроҳ бўлишидан Аллоҳ асрасин!

Асардаги сўнгги сатрларни ўқиётганингизда қандай руҳий ҳолатга тушганингиз каминага қоронғу.

Мен эсам... кўнглимни эзган бир туйғу билан сўнгги нуқтани қўйдим.

Хитобим шуки: фоний дунёда энг кичик жиноят учун кичик жазо кутмоқлик нодонликдир. Гуноҳлар «катта» (гуноҳи кабира) ва «кичик» (гуноҳи сағира) деган турга бўлинади. Юракка ханжар санчилгандаги ҳам, кичик игна санчилгандаги ҳам оқибат маълум.

Каттами кичикми гуноҳ қилиб қўйишдан сақланган одам саодат эгасидир. Аллоҳим барчаларимизга шу саодатни насиб этсин! Омийн!

Ҳамиша сиз – азизларнинг ҳақларига дуода бўлувчи биродарингиз Тоҳир Малик, деб билгайсизлар.

МУНДАРИЖА

ШАЙТАНАТНИНГ ЖИН КЎЧАЛАРИ 3
Шайтонлар бошқарувчи олам 3
«Қонундаги ўғрилар» кимлар? 9
Монголнинг шогирдлари 25
«Қора кардинал» 36
«Ўлим учбурчаги» 48

МУРДАЛАР ГАПИРМАЙДИЛАР (қисса) 64
ЭНГ КИЧИК ЖИНОЯТ (қисса) 391

Муаллифдан 538

Адабий-бадиий нашр

ТОҲИР МАЛИК

ШАЙТАНАТНИНГ ЖИН КЎЧАЛАРИ

Муҳаррир
Анвар НАМОЗОВ

Мусаҳҳиҳ
Феруза ҚУВОНОВА

Бадиий муҳаррир
Уйғун СОЛИҲОВ

Компьютерда саҳифаловчи
Феруза БОТИРОВА

Лицензия рақами: AI № 252. 2014 йил 02.10 да берилган.
Босишга 06.11.2015 й.да рухсат этилди. Бичими 84x108 1\32.
Гарнитура «Journal Cyr+Uzb». Фин газета қоғози.
Босма тобоғи 17,0. Шартли босма тобоғи 28,56.
Адади 3000 нусха. Буюртма № 592.
Баҳоси келишилган нархда.

«Янги аср авлоди» нашриётида тайёрланди.
100113. Тошкент, Чилонзор-8, Қатортол кўчаси, 60.

Мурожаат учун телефонлар:
Нашр бўлими – 278-36-89; Маркетинг бўлими – 128-78-43
факс – 273-00-14; e-mail: yangiasravlodi@mail.ru

O'zbekiston Matbuot va axborot agentligining
G'afur G'ulom nomidagi nashriyot-matbaa ijodiy uyida chop etildi.
100128, Toshkent. Labzak ko'chasi, 86.
www.gglit.uz **info@gglit.uz**

«Янги аср авлоди» НММ
2012 йилда азиз китобхонларимизга
қуйидаги китобларни тақдим этади:

Ўзбекистон Халқ ёзувчиси Тоҳир Маликнинг
"ҲАЛОВАТ" асари
(Бичими 84х108 1/32, 324 бет, қаттиқ муқова)

Биз оилани ' Бахт саройи" деб сифатлашга Ўрганиб қолганмиз. Кимдир бахт саройини саодат чўққисига, кимдир эса омонат жар ёқасига қуряпти. Муаллиф шу мавзуда фикр юритиб, сиз, азиз китобхонлар билан биргаликда ечим излашга ҳаракат қилади. Шу билан бирга, мавзуни янада очиш мақсадида, оилада учраб турувчи воқеаларнинг бадиий ифодасини ҳам беради.

Шунингдек, адибнинг "НАФС КИШАНЛАРИ", "ТОШ ҚАЛБЛАРГА ЗИНҲОР НАЗАР СОЛИНМАС", "ВОЙ, ОНАЖОНИМ...", "АЁВСИЗ ИЛОН", "ҲАЛОЛ НИМА-Ю, ҲАРОМ НИМА" китоблари ҳам азиз китобхонларимизга мунтазир.

Мирзакалон Исмоилийнинг
"ҚИЗЛАР ДАФТАРИГА" китоби
(Бичими 84Х108 1/32 , 224 бет, Юмшоқ муқова.
Кирилл ва лотин ёзувларида.)

Ушбу китоб ўз даврида қўлма-қўл бўлиб кетган. Унда бувининг набира-қизига, шу орқали унинг дугоналарига ҳаёт сабоқлари – муҳаббат, вафо, бурч ва садоқат, ҳалоллик, тўғрилик хусусидаги ўгитлари ўз аксини топган. Шу билан бирга эгриликнинг оқибатлари, оиладаги келинлик вазифалари, фарзанд тарбиясидаги нозик жиҳатлар баён этилади. Китоб мутолааси балоғат ёшидаги ҳар қандай қиз қалбидаги яширин сўроқларга, юрак тубида асраган, кимдандир сўрашга ийманаётган саволларига жавоб бўлади.

Мазкур туҳфа турмуш қуриш арафасида турган қизларимизга, ёш келинларимизга мустаҳкам оила бекаси бўлишларида ҳисса қўшади, деган умиддамиз.

Зулфия Қуролбой қизининг
“ЎЛИМ ҲЕЧ НАРСА ЭМАС” асари
(Бичими 84Х108 1/32, 306 бет, қаттиқ муқова.)

Асар қаҳрамонлари кўнгилга яқин кишилар. Уларнинг дарди-дунёси, орзу-армонлари бор. Бу одамларнинг кўнгли – дарё. Бироқ кўнгил, кўнгил деб кўнгилнинг айтганини қилавермайди.

Шунингдек, муаллифнинг “АРМОН АСИРАСИ”, “ЁВУЗЛИК ФАРИШТАСИ” китоблари ҳам нашр этилдики, бу асарлар ўқувчини истеъдодли адибага янада таништиради.

Анвар Намозовнинг “ЖУМБОҚ” китоби
(Бичими 84х108 1/32, 292 бет, қаттиқ муқова.)

Оддий одамнинг ҳаёти ҳам жумбоққа айланиши мумкин экан. Айнан шу боис у кўпларда қизиқиш, ҳавас ва ҳасад уйғотади. Ахир, бу қаҳрамонга омад кулиб боққан эди-да! Муаллиф турфа феъл-атворга эга кишилар ҳаёти орқали жамиятдаги умргузаронлик мезонларига баҳо беради.

Шунингдек, Анвар Намозовнинг “ОНАСИ ЎПМАГАН ЙИГИТ”, “МЕН – КЎРИНМАС ОДАМ” қисса ва ҳикоялар тўплами ўқувчиларга ажойиб туҳфа бўлади.